Юқоридагилар билан бирга, жазони ўтаётган шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасидан ҳам улкан ишлар қилинди. Бу борада уларнинг жазо ўташ шароитлари яхшиланди. Замонга мос келмайдиган эски колониялар ўрнига маҳкумлар меҳнат қилишлари учун эркин иқтисод талабларига тўла жавоб берадиган ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, жамоатчилик ўртасида салбий ном қозонган “Жаслик” колонияси тугатилди. Илғор хорижий тажрибаларга мос равишда, шунингдек, Конституциямиз талаблари асосида маҳкумларга парламент ва жойлардаги халқ депутатларини сайлаш имконияти яратилди. Шу билан бирга, маҳкумларга қариндошлари билан қўшимча учрашувлар ва телефон сўзлашувларини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий суғурта ва пенсия таъминотини олиш каби ҳуқуқлари доираси кенгайтирилди.

Вазирлик соҳавий хизматлари ва ҳудудий бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ёндашув, шунингдек, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва маиший шароитларини яхшилаш каби амалий ишлар уларнинг ўз хизмат вазифаларини мукамал бажаришлари учун муносиб шарт-шароит яратиш имконини бермоқда. Бугунги кунда раҳбар ходимларнинг ўз фаолияти яқунлари юзасидан аҳоли олдида ҳисобот бериш тартиби, тизимда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, ходимларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Энг асосийси, тизимдаги бу ўзгаришлар мамлакат раҳбариятининг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Юртбошимизнинг мамлакат ҳудудлари бўйлаб қилинаётган сафарларида, албатта, у ерда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимлари, биринчи навбатда, профилактика инспекторларининг хизмат фаолияти, уларга яратиб берилаётган шароитлар билан бевосита танишаётганлиги, қисқа вақт ичида бу борадаги ишларнинг аҳволи бир неча марта Президент ҳузуридаги йиғилишларда кенг муҳокама этилаётганлиги бунинг исботидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш бўйича маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, “ҳудудлар тажрибаси”ни жорий этиш, криминоген вазият оғир бўлган ҳудудларда илмий-тадқиқот

ишлари ўтказиб, жиноятчилик аҳволи ўзгаришини криминологик прогнозлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш каби вазифалар қўйилди.

Жойларларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш учун уюшмаган ёшлар ва хотин қизлар билан ишлаш соҳасига ҳам алоҳида ёндашилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонуни асосида, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этувчи “Ҳимоя ордери”ни бериш амалиёти киритилди[3]. Халқимизнинг мушкулини осон қилиш мақсадида, ИИО фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, аҳолига паспорт бериш ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида қулайлик яратилиб, электрон тарзда навбат кутиш тизими жорий этилди. Фуқароларга ички ишлар органлари тизимдаги айрим ходимларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш имконияти яратилиб, 24 соат фаолият кўрсатувчи “1102” қисқа рақамли Коллцентр, шунингдек, одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар бўйича “99 301-01-01” ягона ишонч телефон алоқалари фаолияти йўлга қўйилди.

Тизимда амалга оширилаётган барча ислохотлар ва янгиликлар ҳақида ИИВнинг www.iiv.uz расмий веб-сайти орқали танишиш мумкин, тегишли маълумотлар доимий равишда жойлаштирилиб борилади ва кенг омма эътиборига ҳавола этишга имкон беради. Ички ишлар органлари фаолиятининг жамоатчиликка ўз вақтида етказиб борилиши лозимлигини назарда тутиб, тизимда веб-сайтлар ҳамда кичик ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар жорий этилди.

Хулоса ўрнида, давлатимиз раҳбари амалга оширилган ишларга баҳо берар экан, “Кўрилаётган чоралар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп”, – дея алоҳида таъкидладилар[4].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли фармони
3. 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонуни
4. <https://qriiv.uz/uz/menu/iiv-tarihi>

SAFAROVA Mukhlisa Fakhridin Kizi,

*The University of World Economy and Diplomacy, International relations faculty,
second course student*

RELIABLE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS IN THE FIELD OF JUDICIAL LAW

Abstract: This article explores the crucial role of reliable protection of human rights and freedoms within the framework of judicial law. It begins by highlighting the significance of human rights and freedoms in maintaining a just and equitable society. Subsequently, it examines the challenges faced in ensuring their protection, including issues of judicial independence, access to justice, and the need for effective remedies. The article then delves into various mechanisms and approaches employed to guarantee reliable protection of human rights and freedoms in judicial law, including international human rights instruments, national legal frameworks, and judicial activism. Additionally, it discusses the importance of public awareness and education in promoting a culture of respect for human rights. Finally, this article concludes by emphasizing the need for continued efforts to strengthen the protection of human rights and freedoms in the field of judicial law.

Keywords: Human rights, Freedoms, Judicial law, Protection, Judicial independence, Access to justice, Remedies, International human rights instruments, National legal frameworks, Judicial activism, Public awareness, Education.

Human rights and freedoms are essential for the functioning of a just and equitable society. They provide individuals with the necessary protections and guarantees to live a dignified life, free from discrimination, oppression, and abuse. Human rights encompass a wide range of civil, political, economic, social, and cultural rights that are inherent to all individuals, regardless of their nationality, race, gender, religion, or any other status.

The protection and promotion of human rights are crucial in the field of judicial law. The judiciary plays a vital role in upholding and enforcing human rights by ensuring that laws and policies are in line with international human rights standards, and by providing effective remedies for human rights violations.

In protecting human rights and freedoms within the judicial law framework, there are several challenges that need to be addressed.

One of the main challenges is the issue of judicial independence. Judicial independence is crucial for the impartiality and fairness of the judiciary in upholding and enforcing human rights. However, in many countries, there is a lack of true independence, with judges being influenced or controlled by the executive or legislative branches of government. This can lead to biased decisions and a failure to provide effective remedies for human rights violations. To overcome this challenge, it is important to establish and strengthen mechanisms that safeguard judicial independence, such as ensuring tenure and security of judges, protecting them from

undue influence or pressure, and establishing effective systems for judicial appointments and promotions.

Another challenge is the limited access to justice, particularly for marginalized groups. Many individuals, especially those from disadvantaged backgrounds or minority communities, face barriers in accessing the judicial system. These barriers may include financial constraints, lack of legal representation, language barriers, or discrimination within the justice system. In order to address this challenge, efforts should be made to ensure equal access to justice for all individuals, regardless of their socio-economic status or background. This can be achieved through measures such as providing legal aid services, promoting alternative dispute resolution mechanisms, and raising awareness about legal rights and remedies among marginalized communities.

One of the key mechanisms for protecting human rights and freedoms within the judicial law framework is the use of international human rights instruments. These instruments, such as treaties and conventions, establish standards and norms that countries are expected to adhere to in order to protect and promote human rights. Examples of these instruments include the Universal Declaration of Human Rights, the International Covenant on Civil and Political Rights, and the Convention against Torture and Other Cruel, Inhuman or Degrading Treatment or Punishment.

These international instruments play a crucial role in shaping national legal frameworks that incorporate human rights principles. Many countries have incorporated these standards into their domestic laws, either through constitutional provisions or through specific legislation. By doing so, they ensure that human rights are protected and enforced at the national level.

National legal frameworks provide the basis for individuals to seek redress for human rights violations and hold perpetrators accountable.

Another important mechanism for protecting human rights and freedoms is judicial activism. Judicial activism refers to the proactive role that courts can play in interpreting and applying laws in a manner that promotes and protects human rights. It involves the judiciary taking an active stance in advancing human rights jurisprudence, even in the absence of explicit legislative or executive action.

Judicial activism can be particularly effective in addressing emerging human rights issues or in situations where legislative or executive branches may be reluctant to act. Through their decisions, courts can set precedents that establish new rights or expand existing ones. They can also strike down laws or government actions that violate human rights.

In order to effectively utilize judicial activism, it is important for judges to have a deep understanding of human rights principles and a commitment to upholding them. Judicial training programs and continuing education can help enhance judges' knowledge and understanding of human rights law. Additionally, the establishment of specialized human rights courts or tribunals can provide a dedicated forum for addressing human rights issues and promoting judicial activism.

In order to ensure the reliable protection of human rights and freedoms within the judicial law framework, it is crucial to strengthen judicial independence. Judicial independence refers to the ability of judges to make decisions free from external pressures or influences, allowing them to act impartially and fairly.

Impartiality is a fundamental aspect of judicial independence. It requires judges to approach each case with an open mind, without bias or prejudice. Impartiality ensures that all individuals, regardless of their background or status, are treated equally before the law. It is essential for upholding human rights and ensuring fair and equitable outcomes.

Integrity is another key component of judicial independence. Judges must adhere to high ethical standards and demonstrate integrity in their decision-making process. This includes avoiding conflicts of interest, maintaining confidentiality, and acting with honesty and transparency. Judicial integrity is essential for building public trust and confidence in the judiciary and for upholding the rule of law.

Accountability is also crucial in strengthening judicial independence. While judges should be free from external interference, they must also be accountable for their actions. Accountability ensures that judges are held responsible for any misconduct or unethical behavior. It provides a mechanism for addressing grievances and ensuring that justice is served. However, accountability should be balanced to avoid undue interference that could compromise judicial independence.

To strengthen judicial independence, it is important to establish and maintain appropriate safeguards. These safeguards include:

- Appointment and selection processes: Ensuring that judges are selected based on their qualifications, experience, and merit rather than political considerations. Transparent and objective appointment processes can help prevent undue influence and ensure the independence of the judiciary.

- Security of tenure: Providing judges with security of tenure, meaning they cannot be removed from office without just cause or due process. This protects judges from arbitrary removal or threats that may compromise their independence.

- Adequate resources: Providing sufficient resources, including funding, staff, and infrastructure, to enable judges to carry out their duties effectively. Insufficient resources can hinder the ability of judges to deliver timely and fair decisions.

- Continuing education and training: Offering regular training and professional development opportunities for judges to enhance their knowledge and understanding of human rights principles, legal developments, and best practices. This helps ensure that judges are equipped with the necessary skills to apply human rights standards in their decision-making.

- Judicial codes of conduct: Establishing and enforcing codes of conduct that outline ethical standards for judges. These codes should address issues such as

conflicts of interest, impartiality, integrity, and accountability. Violations of the code should be subject to appropriate disciplinary measures.

➤ **Judicial oversight and review mechanisms:** Establishing independent bodies or mechanisms to oversee the conduct and performance of judges. These bodies can receive complaints, conduct investigations, and recommend disciplinary actions if necessary. They play a crucial role in ensuring accountability while respecting judicial independence.

Access to justice is a fundamental pillar of any democratic society, as it ensures that individuals can effectively exercise their rights and seek redress when those rights are violated. Unfortunately, marginalized groups often face significant barriers in accessing justice, which further exacerbates their vulnerability and perpetuates systemic inequalities.

One of the key barriers faced by marginalized groups is the lack of financial resources to afford legal representation. Legal aid programs play a crucial role in addressing this issue by providing free or low-cost legal assistance to those who cannot afford it. By ensuring that everyone has access to competent legal advice and representation, legal aid helps level the playing field and empowers marginalized individuals to assert their rights.

In addition to financial barriers, marginalized groups often encounter cultural and linguistic obstacles that hinder their access to justice. Many minority communities face language barriers when interacting with the legal system, which can impede their ability to understand and navigate complex legal processes. To address this issue, courts and legal institutions should provide interpretation services and translated materials to ensure that language does not become a barrier to justice.

Alternative dispute resolution mechanisms also play a crucial role in enhancing access to justice. Traditional court proceedings can be intimidating and adversarial, especially for marginalized groups who may already feel marginalized and powerless. Mediation, arbitration, and other alternative dispute resolution methods offer a more collaborative and less formal approach to resolving conflicts. These mechanisms can be particularly effective in addressing disputes within marginalized communities, as they prioritize dialogue, consensus-building, and the preservation of relationships.

Simplified procedures are another important tool for improving accessibility to justice. Complex and lengthy legal processes can deter individuals from seeking justice, particularly those with limited resources or education. Simplified procedures, such as small claims courts or simplified forms, can make the legal system more user-friendly and less intimidating. By reducing procedural burdens, marginalized individuals are more likely to engage with the justice system and seek redress for human rights violations.

Effective remedies for human rights violations are crucial in ensuring justice for victims and holding perpetrators accountable. Both domestic and international

mechanisms play a significant role in addressing human rights violations and providing redress to those affected.

One important domestic mechanism is the establishment of truth and reconciliation commissions. These commissions are designed to investigate past human rights abuses, often in the context of transitional justice processes. By uncovering the truth about past atrocities, truth commissions help to heal wounds, promote reconciliation, and prevent the recurrence of human rights violations.

They provide a platform for victims to share their experiences, seek acknowledgement, and receive reparations.

Reparations are another essential component of effective remedies for human rights violations. Reparations can take various forms, including monetary compensation, rehabilitation services, restitution, and guarantees of non-repetition. These measures aim to restore the dignity and rights of victims and address the harm caused by human rights abuses. Reparations not only provide material assistance to victims but also serve as a symbolic gesture of recognition and acknowledgment of their suffering.

Transitional justice processes also play a vital role in addressing human rights violations in societies transitioning from conflict or authoritarian rule to democracy. These processes encompass a range of mechanisms, including criminal prosecutions, truth commissions, reparations programs, and institutional reforms. Transitional justice seeks to balance the need for accountability with the imperative of national healing and reconciliation. It aims to address past injustices while promoting social cohesion and preventing future human rights violations.

At the international level, mechanisms such as international criminal tribunals and the International Criminal Court (ICC) play a crucial role in ensuring accountability for serious human rights violations. These institutions have the mandate to prosecute individuals responsible for crimes against humanity, war crimes, and genocide. By holding perpetrators accountable at an international level, these mechanisms contribute to deterrence and the promotion of justice.

Furthermore, international human rights bodies, such as the United Nations Human Rights Council and regional human rights courts, provide avenues for individuals and communities to seek redress for human rights violations. These bodies can receive complaints, conduct investigations, and issue recommendations or judgments. Their decisions and findings can contribute to the development of international human rights standards and serve as a basis for domestic legal reforms.

In conclusion, human rights are an essential aspect of a just and equitable society, and their protection and promotion are crucial in the field of judicial law. As highlighted in this article, the judiciary plays a vital role in upholding and enforcing human rights by ensuring that laws and policies align with international human rights standards. However, promoting public awareness and education is equally important in creating a culture of respect for human rights. It is only through ongoing advocacy,

legislative reforms, and capacity-building initiatives that we can achieve a world where all individuals are treated with dignity and respect. Let us work together to strengthen the reliable protection of human rights and freedoms within the field of judicial law to build a better future for all.

References:

1. United Nations. (1948). Universal Declaration of Human Rights. Retrieved from <https://www.un.org/en/universal-declaration-human-rights/>
2. International Covenant on Civil and Political Rights. (1966). United Nations General Assembly, 2200A (XXI). Retrieved from <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>
3. European Convention on Human Rights. (1950). Council of Europe. Retrieved from https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_ENG.pdf
4. International Commission of Jurists. (2019). The Bangalore Principles of Judicial Conduct. Retrieved from <https://www.icj.org/the-bangalore-principles-of-judicial-conduct-2018/>
5. United Nations Development Programme. (2018). Access to Justice and the Sustainable Development Goals: A Guide for Practitioners. Retrieved from <http://www.asiapacificforum.net/resources/manual-access-justice-sdgs/>

ХОТАМОВ Ҳомид Сулаймонович

Олий Мажлис Сенати Юридик бошқармаси масъул ходими, Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА СЕНАТНИНГ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида ўтказилган парламент ислохотлари, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш йўналишида амалга ошириладиган вазифалар, Сенатнинг ижро ҳокимияти устидан парламент назорати соҳасида таъсирчан механизмлари, Сенатнинг парламент назорати шакллари, хусусан, парламент сўрови, сенатор сўрови институтидан фойдаланиш тажрибаси очиқ берилган.

Калит сўзлар: вакиллик органи, парламент назорати, парламент назоратининг шакллари, мансабдор шахсларнинг ҳисоботи, миллий маъруза, сенатор сўрови, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мониторинг.

Аннотация: в статье раскрываются парламентские реформы, проведенные в Узбекистане за последние годы, задачи, выполняемые в направлении дальнейшего повышения роли палат Верховного Собрания и политических партий, определенные в новой стратегии развития Узбекистана

на 2022-2026 годы, влиятельные механизмы в области парламентского контроля за исполнительной властью Сената, формы парламентской

Ключевые слова: представительный орган, парламентский контроль, формы парламентского контроля, отчет должностных лиц, национальный доклад, запрос сенатора, правоприменительная практика, мониторинг.

Annotation: in the article, the parliamentary reforms carried out in Uzbekistan over the past years, "the tasks to be carried out in the direction of further increasing the role of the chambers of the Oliy Majlis and political parties defined in the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026, effective mechanisms of the Senate in the field of parliamentary control over the executive power, forms of parliamentary control of the Senate, in particular, the experience of using the institution of parliamentary inquiry, senatorial inquiry are revealed.

Key words: representative body, parliamentary control, forms of parliamentary control, report of officials, national report, senatorial inquiry, law enforcement practice, monitoring.

Маълумки, парламент – вакиллик органи бўлиб, ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги асосий функцияси қонун чиқарувчилик фаолияти ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, айтилишича, парламент давлат бюджетини тасдиқловчи, ижро ҳокимияти фаолиятини халқ номидан назорат қилувчи олий идора ҳам саналади.

Ўтган йиллар мобайнида ўтказилган парламент ислохотлари натижасида муайян даражада парламент аъзолари ва тамойиллари шаклланди.

Жумладан, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг еттинчи мақсади сифатида белгиланган мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш йўналишида амалга ошириладиган вазифалардан бири сифатида “Қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга оширишнинг амалдаги механизмларини самарадорлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш орқали жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини ошириш”[1] нинг белгиланганлиги Сенатнинг ижро ҳокимияти устидан парламент назорати соҳасида таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш заруратини кўяди.

Е.В.Коврякованинг айтишича, Сенат томонидан парламент назоратининг шакллари унинг мавжуд бўлиш ва ифодалаш йўллари сифатида, биринчи навбатда ахборот (маслаҳат), қарор қабул қилиш ва бюджет-молиявий характерга эга бўлиши мумкин[2].

Бизнингча ҳам ушбу тасниф Сенатнинг парламент назорати функцияси ва унинг юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари ҳақида энг тўлиқ тасаввурни беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида таъкидланишича, Қонунчилик палатаси ва Сенат биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Давлат бюджетини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади[3].

Ўзбекистонда Сенатнинг парламент назорати муҳим шаклларида бири бу Президент фармонларининг тасдиқланишидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликларни ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонлари Сенат томонидан тасдиқланади (Конституциянинг 95-моддаси, 6-банди).

Сенат томонидан амалга ошириладиган парламент назоратининг яна бир шакли – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан лавозимга сайлаш ёки тайинлаш (тасдиқлаш) ва ушбу **орган ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботини** эшитишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатлари доирасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини, Судьялар олий кенгашини, республика коррупцияга қарши курашиш органининг раҳбарини ва республика монополияга қарши органининг раҳбарини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш ҳамда маъқуллаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш каби ваколатлар назарда тутилган[3].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати эса ўзи лавозимга тайинланишини тасдиқлаган идоралар ва мансабдор шахснинг фаолиятини назорат қилиш тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик ҳамда бошқа ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолияти масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш каби назорат ваколатлари ҳам мавжуд.

Ушбу назорат ваколатларининг таснифи, уларни амалга ошириш механизмлари 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 432-П-сонли Конституциявий Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523-П-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-403-сонли Қонунида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қонун ҳужжатларида Олий Мажлис Сенати томонидан ижро ҳокимияти фаолияти устидан олиб борувчи назорат шакллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтилган.

1) Олий Мажлис Сенати мажлисларида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани эшитиш.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 25²-моддасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза (бундан буён матнда Миллий маъруза деб юритилади) тайёрлайди, Миллий маъруза Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори томонидан Сенатга тақдим этилади, деб белгиланган. Сенат қўмиталари Миллий маърузани дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва таклифлар Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилинади ва Миллий маърузани кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Сенатнинг қарори Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юборилади[4].

Ушбу парламент назорати шакли Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-729-сонли Қонунига асосан киритилган бўлиб, унда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан мамлакатимизда ижро ҳокимияти органлари томонидан йўл қўйилган коррупциявий ҳолатлар, мавжуд вазият таҳлил қилинганлиги боис, ушбу парламент назорати шакли бевосита ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

2) маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қарорларини, улар қонунчилик нормаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ушбу парламент назорати Қонунчилик палатаси ваколати доирасига кирмаслиги ва Сенатнинг мутлақ парламент назорат шакли алоҳида кўрсатилгани бежизга эмас. Сенатнинг ҳудудий манфаатларини ҳимоя қилишидан келиб чиқиб, ушбу парламент назорати шакли қонунчиликка Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-666-сонли Қонунига асосан киритилган.

Бугунги кунда, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг раислари саналиши ва ушбу Кенгашларга бевосита кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олсак, Олий Мажлис Сенатининг ушбу парламент назорат шакли ижро ҳокимияти органи устидан таъсирчан назорат ўрнатиш имконини яратади.

Жумладан, ушбу парламент назорати шаклига асосан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорларини бекор

қилиш тўғрисидаги масала жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг маълумотлари асосида Сенат томонидан қўмиталарнинг ташаббусига кўра ўн беш кун ичида кўриб чиқилиб уни якуни бўйича Сенат қарор қабул қилади.

Сенатнинг халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қарорини бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига ижро этиш учун юборилади[5]. Бу ўринда бир масала қонунчилик даражасида очик қолгандек туюлади. Бизнингча, “Олий Мажлис Сенати регламенти тўғрисида”ги ва “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунда ушбу назорат шаклини амалга оширишнинг тартиб-таомиллари ва механизмлари етарлича очиб берилмаган. Жумладан, қарорни кучга кириши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, вилоят, туман, шаҳар Кенгашида ижро этиш мажбурияти қайси давлат органи ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилиши масаласи очик қолган. Бизнингча, Олий Мажлис Сенати нафақат халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қарорини бекор қилиш, балки вилоят, туман, шаҳар ҳокимларини лавозимдан озод қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши зарур. Шунда, Олий Мажлис Сенатининг ижро ҳокимияти устидан парламент назоратининг таъсирчанлиги янада юқори бўлган бўларди.

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг парламент сўрови институтидан фойдаланиш тажрибаси.

Ўзбекистонда парламент сўрови тез-тез амалга ошириладиган назорат турларидан бири саналади.

Бу дунёдаги парламентлар амалиётида кенг тарқалган назорат шаклларида биридир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 95-моддасининг 10-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-І-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламентининг 161-174-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси, «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида ҳам белгиланган.

Умумий белгиланган тартибга асосан, Сенат давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

2015 - 2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларга доир долзарб масалалар ечими юзасидан ҳукумат аъзоларига Олий Мажлис Сенати томонидан 26 та парламент сўрови юборилган. Хусусан, 2015–2018 йилларда

ҳукумат аъзоларига жами 11 та парламент сўрови юборилган бўлса, 2019 йилнинг ўзида юборилган сўровлар сони 15 тани ташкил этади[6].



Ҳукумат томонидан парламент сўровларида кўтарилган муаммоларнинг барчаси тасдиқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тизимли чоралар кўрилган. Жумладан, 10 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда парламент сўровларида кўтарилган долзарб масалалар ечимига қаратилган вазифалар белгиланган.

Мисол учун, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўрови юборилган. Ўрганиш давомида чақирувга жалб этилиши лозим бўлган фуқароларнинг 73,7 фоизи муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақируви резерви сафига жалб этилмаганлиги, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга жалб қилинганларни ўқитиш тизимидаги қатор муаммолар аниқланган.

Жойларда аҳоли билан ўтказилган мулоқотлар ва аҳоли мурожаатлари билан танишиб чиқиш жараёнида аниқланган контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш, хизмат муддатини узайтириш ва хизматдан бўшаш билан боғлиқ қатор муаммолар ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан ҳам парламент сўрови юборилган.

Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфига кирмайдиган корхоналарда темир йўллари сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ушбу корхоналарда темир йўл орқали ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат назоратининг ҳолати тўғрисида юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилиб, муҳокама қилинган[6].

Мазкур парламент сўрови натижасида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 948-сонли Қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низом тасдиқланиб, “Ўздавтемирйўлназорат” давлат инспекциясининг асосий вазифа ва ваколатлари такомиллаштирилган. Парламент сўровида кўрсатилган мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан давлат назоратини кучайтириш бўйича “Ўздавтемирйўлназорат” давлат инспекцияси томонидан тегишли “Йўл харитаси” тасдиқланган.

2022 йилда Олий Мажлис Сенати томонидан интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари, мамлакатимизда газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан **Вазирлар Маҳкамасига 5 та парламент сўрови юборилиб**, ўтган йил давомида юборилган **11 та парламент сўровининг** натижалари муҳокама этилган.

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида сенатор сўрови институти ва уни амалга ошириш тартиби. Жаҳон тажрибасида кенг тарқалган ва назоратнинг анъанавий кўринишларидан бири бу сенатор сўровидир. Одатда сўров деганда бир масала юзасидан маълумотлар олиш ёки шу масалани қонуний ҳал қилиш учун тегишли чора-тадбирлар кўриш мақсадида тегишли органларга мурожаат қилиш тушунилади.

В.А.Ёлчевнинг фикрича: «Парламент ва сенатор сўровлари – бу нафақат қонун чиқарувчининг хизмат бурчи, балки унинг маънавий нуқтаи назари, ҳаёт билан алоқаси ҳамдир. Зеро, ҳаётдан узилиб қолган маънавийлик маънавий асосини йўқотган турмуш сингари маънавиятсизликдир»[7].

Сенатор сўрови парламент назоратининг энг самарали воситасидир. Шу сабабли уни амалиётда кенг қўллаш лозим. У сенаторларга берилган энг кучли, таъсирчан имкониятдир. Парламент сўрови орқали сенатор сайловчиларнинг талаб ва хохишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Регламенти тўғрисида»ги қонуннинг 31¹-моддаси талабларига кўра сенатор давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

5) Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш.

Ҳукумат ва давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги бу фаолият давлат бошқарув шаклидан қатъий назар барча демократик йўлдан бораётган давлатларга хос бўлиб, у асосан ҳукуматнинг бир йил давомида олиб борган фаолият йўналишлари, эришилган ютуқлар ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ечишга қаратилган ҳукуматнинг ҳисоботи шаклида муҳокама қилинади.

Бу ҳукумат ва унинг аъзоларини парламентга бўйсунганини назарда тутмайди, балки парламент олдидаги жавобгарлигини англатади. Лекин, кўпчилик ҳолатларда жавобгарлик тушунчаси ўз ичига бўйсунуш ва ҳисобдорлик каби тушунчаларни ҳам камраб олганлиги боис бу ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳам англатади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жавобгар ва бўйсунуш тушунчалари доим бир бирини тўлдириб келади.

Ўзбекистон парламенти, айниқса Сенат Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. У Конституцияга мувофиқ давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, давлатнинг стратегик дастурларини қабул қилади. Бундан ташқари, парламент Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Давлат бюджетини қабул қилади.

Рақамларга эътибор қаратсак, 2015-2019 йилларда Сенат қўмиталарида қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан ташқи савдо, маданият, тадбиркорлик, рақобат, инвестициялар, ветеринария, туризм ҳамда энергетика каби соҳаларга масъул **20 га яқин давлат** ва хўжалик бошқарув органлари раҳбарларининг **ахборотлари эшитилган**. 2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари олдида қўйилган мақсадли вазифаларнинг ижро этилиши бўйича 34 вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган[6].

Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси ҳолати бўйича 4 маротаба Ҳукумат ҳисоботи эшитилган.

2020 йилда эса Олий Мажлис Сенати томонидан Ялпи мажлисларда ички ишлар, ташқи ишлар, адлия, молия, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирларининг, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг ахборотлари эшитилган.

Шунингдек, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раиси, Марказий банк раиси, Омбудсманнинг ҳисоботлари ҳам эшитилган. Ҳар чоракда Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида Ҳукумат ҳисоботи ҳам муҳокама этилган[6].

2022 йилда эса Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларда **27 маротаба** Ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилган.

Мазкур парламент назорати шакли якуни юзасидан Сенат қарор қабул қилади. Ушбу қарорнинг муҳим хусусияти шундаки унда ахбороти эшитилган

рахбарларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган **таклифлар бўлиши**, шунингдек уларнинг **ишига баҳо берилиши** мумкин. Ушбу жиҳат жуда муҳим бўлиб, бу ўз навбатида Олий Мажлис Сенатининг ижро ҳокимияти устидан парламент назорати самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

б) Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш Олий Мажлис Сенатининг парламент назорати шаклларида энг муҳимларидан бири саналади.

Олий Мажлис Сенатининг ҳудудий манфаатларни ҳимоя қилиш функциясидан келиб чиқсак, ушбу парламент назорат шакли муҳимдир. Ушбу парламент назорати шакли 2018 йилда жорий қилинган бўлиб, шу йилдан бошлаб Сенат ялпи мажлисларида вилоят ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш амалиёти жорий қилиниб, 2018 йилнинг ўзида **9** та вилоят ҳокимининг (*Андижон, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент, Сирдарё, Хоразм, Наманган ва Навоий вилоятлари*) ҳисоботи эшитилган.

Мазкур муҳокамаларда маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммо ва камчиликлар, шунингдек ҳудудларни ривожлантиришда мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги қайд этилган. Муҳокамалар яқунлари бўйича ҳудудларни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш юзасидан вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари жавобгарлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинган[6].

2020 йилда эса **Сирдарё** вилоятида Сардоба сув омбори тўғонида юз берган техноген ҳолат оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганилган. Ушбу ўрганишлар натижалари юзасидан **Сенат Кенгашининг сайёр мажлислари** ўтказилган.

Мазкур парламент назоратининг ўтказиш тартибига эътибор қаратсак, унинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига асосан киритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 10²-моддасида ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 32²-моддасида ушбу парламент назорати шакллари ҳуқуқий асослари ҳамда тартиб-таомиллари назарда тутилган. Унга кўра Сенат ўз мажлисида нафақат вилоятлар ҳокимларини балки, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг ҳам тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиши мумкин.

7) Сенат қўмиталари томонидан назорат ваколатларининг амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 32⁶-моддасига мувофиқ Сенат қўмиталарининг назорат ваколатлари уч шаклда назарда тутилган.

Биринчи шакли – Сенат кўмиталарининг ахборот эшитиш ҳуқуқи. Унга кўра Сенат кўиталари ўз иш режаларига, Сенат ва унинг Кенгаши қарорларига мувофиқ ўз мажлисларида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Сенат ва унинг Кенгаши қарорларининг, палата кўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги **ахборотини эшитиши мумкин.**

Иккинчи шакл бу – Сенатнинг кўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ қонунларнинг, Сенат қарорларининг давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши ҳолатини, **ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганиш ҳуқуқига эга.**

Учинчи шакл бу – Сенатнинг кўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан **мониторингни амалга оширади.** Мониторингни амалга ошириш яқунлари Сенат кўмиталарининг мажлисларида кўриб чиқилиши мумкин.

Рақамларга эътибор қаратилса, мазкур амалиёт 2020 йилдан бошлаб йўлга қўйилган бўлса, 2020–2022 йиллар давомида 50 дан ортиқ қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан Ҳукуматга аниқ вазифалар қўйилган. Бунинг натижасида амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган 7 та қонун қабул қилинган, улардан 4 таси янги қонунлар. Шунингдек, бугунги кунда 13 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, турли босқичдаги келишув жараёнида. Бундан ташқари, 6 та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинган[6].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, замонавий парламентнинг барча ваколатлари орасида парламент назорати механизмини (парламентнинг ҳукуматга таъсири механизми) демократия ғояларини амалга оширишнинг далили ва ўз вакиллари орқали халқнинг ҳукумат фаолиятига ҳақиқий таъсир қилиш воситаси деб айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»даги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон.

2. Коврякова Е. В. Санкционирующий парламентский контроль в системе разделения властей //Russian Journal of Economics and Law. – 2014. – №. 3 (31). – С. 158-164.

3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон

6. <https://senat.uz/controlactivity/category/qonun-hujjatlarining-ijrosini-organish>

7. Ёлчев В.А. Государственная Дума. Роль и место аппарата в законодательном процессе. — М.: Памятники исторической мысли. 2000. — С.165.

XUSANOVA Dilnoza Alimqul qizi

*O‘zbekiston Milliy universiteti, Ijtimoiy fanlar fakulteti 2-bosqich talabasi
dilnozaxusanova092@gmail.com*

SUD-HUQUQ SOHASIDA INSON HUQUQ VA ERKINLIKLARINING KAFOLATI

Annotatsiya: Ushbu maqola Sud tizimining adolatli hamda demokratik shakli, mamlakatimizda Sud tizimining o‘rni hamda bu borada olib borilayotgan o‘zgarishlarga bag‘ishlanadi.

Kalit so‘zlar: Konstitutsiyaviy norma, jazolovchi organ, kongress, qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi, partiya, Xo‘jalik protsessual kodeksi

Аннотация: Эта статья посвящена справедливой и демократической форме судебной системы, роли судебной системы в нашей стране, а также изменениям, происходящим в этом направлении.

Ключевые слова: конституционная норма, карательный орган, Конгресс, законодательный орган, исполнительный орган, партия, Хозяйственный процессуальный кодекс.

Annotation: This article will be devoted to the fair and democratic form of the judicial system, the role of the judicial system in our country, as well as the changes taking place in this direction.

Keywords: Constitutional norm, punitive body, Congress, legislative body, executive body, party, Economic Procedural Code

Mamlakatimizda inson va fuqarolarning huquq va erkinliklari Konstitutsiya va boshqa qonun hujjatlari bilan mustahkamlab qo‘yilgan. Sud-huquq sohasida inson huquq va erkinliklari kafolatini ta‘minlash va muhofaza etish dolzarb va muhim sanaladi. Sud-huquq sohasida inson huquq va erkinliklarining kafolati bu – davlat tomonidan o‘rnatilgan yoki tasdiqlangan, inson va fuqarolarga qonun hujjatlarida belgilab qo‘yilgan huquq va erkinliklarni amalda to‘laqonli ta‘minlashga yordam beradigan huquqiy vositalar, yuridik usul va uslublar hamda qulay shart-sharoitlar majmuidir. Inson huquq va erkinliklarini kafolatlashning asosiy maqsadi, huquq va erkinliklarini amalga oshirish, ta‘min etish jarayonida vujudga keladigan barcha to‘siqlarni bartaraf etish bilan bog‘liq.

2023-yil 1-maydan kuchga kirgan yangi tahrirdagi Konstitutsiyaning X bobi “Inson hamda fuqaroning huquq va erkinliklari kafolatlari” deb atalib 54-58-moddalarda o‘z aksini topgan. Konstitutsiyaning 55-moddasida “Har kim o‘z huquq

va erkinliklarini qonunda ta'qiqlanmagan barcha usullar bilan himoya qilishga haqli. Har kimga o'z huquq va erkinliklarini sud orqali himoya qilish, davlat organlarining hamda boshqa tashkilotlarning, ular mansabdor shaxslarining qonunga xilof qarorlari, harakatlari va harakatsizligi ustidan sudga shikoyat qilish huquqi kafolatlanadi. Har kimga buzilgan huquq va erkinliklarini tiklash uchun uning ishi qonunda belgilangan muddatlarda vakolatli, mustaqil hamda xolis sud tomonidan ko'rib chiqilishi huquqi kafolatlanadi",–deya belgilab qo'yildi.[1]

Shu nuqtayi nazardan inson, uning huquq va erkinliklari oliy qadriyat hisoblanadigan fuqarolik jamiyati asoslari mustahkamlandi. Inson huquq va erkinliklari ta'minlanishining muhim sharti, bu huquqiy kafolatlarning yaratilganligi hisoblanadi. Ya'ni, bu – inson va fuqarolar huquq va erkinliklarining Konstitutsiya va qonunlarda mustahkamlanishi hamda ularni ta'minlashga, amalga oshirishga qaratilgan boshqa huquqiy hujjatlarning mavjudligida o'z aksini topadi. Sud-huquq sohasida insonlarning huquq va erkinliklarini kafolatlashda bir qancha kamchilik va muammolar ko'zga tashlanmoqda. Xususan, fuqarolar huquqiy vositalardan keng ko'lamda foydalanishlarini ta'minlash va yuridik fanlar bilan amaliyot aloqasini mukammal yo'lga qo'yish asosiy vazifalarimizdan biri sifatida ta'kinlanishi zarur. Zero, yuridik va jismoniy shaxslar o'rtasidagi munosabatlarni tizimli tartibga solib borish vazifasini amalga oshirishda huquqiy vositalardan mohirona foydalanilsa jamiyat hayoti ham shunchalik erkin va tartibli muhitga ega bo'ladi.

"Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Milliy strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-6012-sonli farmonida: "Sudlar va huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan inson huquqlari bo'yicha xalqaro shartnomalar normalarini qo'llash amaliyotini yanada kengaytirish, ozodlikdan mahrum qilish joylarida saqlanayotgan shaxslar huquqlariga rioya etilishini monitoring qilish tizimini takomillashtirish hamda shartnomaviy qo'mitalarning xabarlarini ko'rib chiqish yuzasidan qarorlarni bajarishning aniq mexanizmlarini ishlab chiqish lozim",–deya mustahkamlab qo'yildi.[2] Sud-huquq sohasida inson huquq va erkinliklari kafolatini ta'minlashda quyidagi maqsad va vazifalarga e'tibor qaratish lozim:

- fuqarolarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni keng qamrovda shakllantirish, huquqiy savodxonlikni oshirish;
- inson huquqlari sohasida ixtisoslashgan huquqshunoslarni tayyorlash tizimini takomillashtirish;
- sud jarayonlarida tenglik, shaffoflik va tortishuv tamoyillarini to'liq joriy qilish;
- umumxalq uchun foydali va samarali bo'lgan malakali yuridik yordamni takomillashtirish;
- inson huquqlari va erkinliklariga oid xalqaro standartlarni ta'minlashda, jismoniy va yuridik shaxslarning Konstitutsiyaviy shikoyatlari institutini joriy etishda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining roli va o'rnini oshirish.

Qolaversa, yoshlarning siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy huquqlarini himoya qilish, ularning jamiyat va davlat hayotida faol ishtirok etishini ta'minlashni davlat

siyosatining eng muhim yoʻnalishi etib belgilash maqsadga muvofiq. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga yoʻllagan murojaatnomasida inson huquq va erkinliklarini kafolatli himoya qilish, qonun ustuvorligini taʼminlashga qaratilgan islohotlar izchil davom ettirilishi maʼlum qilindi.

Bunga koʻra, fuqarolik, iqtisodiy va jinoyat ishlari boʻyicha viloyat darajasidagi sudlar bitta sud sifatida birlashtirilishi, sud muhokamasiga qadar sudda ishlarni dastlabki eshitish amaliyoti yangi tartib sifatida joriy etiladigan boʻldi. Inson huquqlari va erkinliklarini himoya qilishda fundamental va innovatsion tadqiqotlarni kengaytirish, ilmiy-tadqiqot muassasalarining ilmiy salohiyati, ilmiy tadqiqotlari va ishlanmalarining samaradorligini oshirish jamiyatda qonunga hurmatni shakllantirishning zamonaviy usullarini joriy etishda asos vazifasini bajaradi.

Hozirgi kunda Yangi Oʻzbekistonda mutlaqo yangi va milliy huquqiy tizim shakllantirilmoqda. Yaʼni, “Inson, uning huquqlari, erkinliklari, ayniqsa, qadri – eng muhim qadriyat” degan tamoyil alohida eʼtirof etilmoqda. Eng asosiysi: Yangi Oʻzbekiston Taraqqiyot strategiyasida yillar davomida amal qilib kelgan “davlat – jamiyat – inson” tamoyili “inson – jamiyat – davlat” tamoyiliga oʻzgartirilmoqda. Yangi Oʻzbekiston Taraqqiyot strategiyasining 19-maqsadi – advokatura institutining inson huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishdagi salohiyatini tubdan oshirish, shuningdek, aholi va tadbirkorlik subyektlarining malakali huquqiy xizmatlarga boʻlgan talabini toʻliq qondirishdan iborat[3] deb belgilab qoʻyilganligi muhim va dolzarb sanaladi. Shu maʼnoda, mamlakatimizda sud-huquq sohasidagi islohotlar doirasida mahkumlar va qamoqqa olingan shaxslar uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, ularning huquq va erkinliklariga rioya etish, shaʼni va qadr-qimmatini hurmat qilishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilayotgani eʼtiborga molik. Yuqoridagi oʻzgarishlar va islohotlar barchamizni xursand qiladi. Chunki, har bir fuqaroning huquq va erkinliklarining kafolatlari kuchaytirilmoqda, fuqarolarga yangi imkoniyatlar va qulayliklar yaratilmoqda.

Inson huquqlari boʻyicha uzluksiz taʼlim tizimini rivojlantirish, inson huquqlari va erkinliklari sohasida professional jurnalistlar va mutaxassis, kadrlarni tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini takomillashtirish zarur. Shu jumladan, inson huquqlari sohasida axborot tarqatish boʻyicha ommaviy axborot vositalari faoliyatini yanada kuchaytirish, jurnalistlar va blogerlarning axborot olish va tarqatishga boʻlgan huquqlarining kafolatlarini kuchaytirish birinchi darajali vazifa sifatida belgilab qoʻyildi.

Oʻzbekiston Respublikasi huquqiy demokratik davlat va erkin fuqarolik jamiyatini barpo etishida qonun ustuvorligini taʼminlash dolzarb masala sanaladi. Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida huquqiy davlatning muhim prinsipi – hokimiyatlar boʻlinishi mustahkamlab qoʻyilgan. Jumladan, Asosiy qonunimizning 11-moddasiga koʻra, Oʻzbekiston Respublikasi davlat hokimiyatining tizimi hokimiyatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatiga boʻlinishi prinsipiga asoslanadi. Hokimiyatlar boʻlinishi prinsipi qonun ustuvorligini kafolatlashda yetakchi rol oʻynaydi. Konstitutsiyaviy sud qonun hujjatlarining

Konstitutsiyaga qanchalik mosligiga doir ishlarni ko‘rish orqali har bir hokimiyat tarmog‘ining o‘z vakolati doirasida ish yuritayotgani, ularning hujjatlarida inson huquqlari va erkinliklariga rioya qilinganiga baho beradi. Bularning barchasi huquqiy davlatning muhim sharti hisoblangan qonun ustuvorligini ta‘minlashga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekistonda sud-huquq tizimi har tomonlama puxta va aniq, xalqaro standartlarning eng ilg‘or tajribalarini o‘zida mujassam etgan tizim sifatida shakllangan. Sud-huquq sohasida inson huquq va erkinliklarini kafolatlash ushbu sohadagi xalqaro tadqiqotlar integratsiyalashuvini ta‘minlash va tadqiqot natijalarini amaliyotga keng joriy etish imkonini beradi. Ijtimoiy va sud-huquq munosabatlarida vakolatli davlat organlari tomonidan faol norma ijodkorligini joriy etish siyosatining rivojlanishi huquq va erkinlikning yetarlicha ta‘minlanishiga asos bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi yangi tahrirdagi Konstitutsiya, 01.05.2023.
2. “Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasining Milliy strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-6012-sonli farmon, 22.06.2020.
3. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>. Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi.
4. Shavkat Mirziyoyev. Yangi O‘zbekiston strategiyasi -Toshkent “O‘zbekiston”, 2021.

ШОДМОНОВ Бахтиёр Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти, baxtiyorshodmon.uz@mail.ru

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИК, ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация. Мақолада маҳаллий кенгашларнинг қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасига маҳаллий кенгашларнинг қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Маҳаллий кенгашлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун лойиҳаси.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕСТНЫХ СОВЕТОВ ПО ЗАЩИТЕ ЗАКОННОСТИ, ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА

Аннотация. В статье анализируется деятельность местных кенгашей с точки зрения законности, защиты прав и свобод человека. Также к проекту закона «О местных представительных органах» разработаны предложения и рекомендации относительно деятельности местных советов с точки зрения законности, защиты прав и свобод человека.

Ключевые слова: местные кенгаши, правоохранительные органы, права и свободы человека, законопроект.

ACTIVITY OF LOCAL COUNCILS IN PROTECTION OF LEGALITY, HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS

Abstract. The article analyzes the activities of local councils from the point of view of legality, protection of human rights and freedoms. Also, proposals and recommendations have been developed for the draft law “On Local Representative Bodies” regarding the activities of local councils from the point of view of legality, protection of human rights and freedoms.

Key words: local councils, law enforcement agencies, human rights and freedoms, draft law.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналиши давлат бошқарувини модернизация қилиш, ихчам ва самарали давлат бошқарувини жорий қилишга қаратилган. Бунда маҳаллий ҳокимият органларининг сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш, маҳаллий бошқарувни такомиллаштириш масалалари ҳам катта ўрин эгаллаган. Ундан ташқари “Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиладик” [1].

2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ референдуми натижасида янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” деб номланиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этиш тартиблари, ваколатлари, мақоми ва вазифалари белгилаб қўйилди [2].

Янги таҳрирдаги конституциямизда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид нормалар янгиланиб, демократик принциплар янада мустаҳкамланган бўлсада, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳали 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. 2022 йил 27 декабрда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилган “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги ва “Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ҳали Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилмади.

“Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасидан “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқ депутатлари Кенгашидан мустақиллиги”, “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги ахборотларини эшитиш” ва “Ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини эшитиш” каби моддалар ўрин олган бўлиб, ушбу моддалар маҳаллий Кенгашларнинг қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларига дахлдордир.

Қонун лойиҳасининг 10-моддасида “Халқ депутатлари Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари Кенгаш раиси томонидан заруратга қараб бироқ, йилига камида икки марта чақирилади” [3] деб белгиланган. Бизнингча, йилига камида икки марта сессия чақириш етарли эмас. Чунки қонун лойиҳасининг 42-моддасида “Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳар чоракда ва уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари ҳар чоракда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ахборотлар тақдим этади” [3] деб белгилаб қўйилган. Ушбу ахборотлар халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тақдим қилиниши ва депутатлар томонидан муҳокама қилиниши зарур. Шунинг учун ҳам сессия чақириш муддатини камида ҳар чоракда бир марта қилиб белгилаш лозим.

Қонун лойиҳасининг 26-моддаси “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқ депутатлари Кенгашдан мустақиллиги” [3] деб номланган. Фикримизча, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқ депутатлари Кенгашидан мустақиллиги” жумласи ҳокимиятлар бўлиниши принципига зид. Ушбу моддадаги “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг” сўзини олиб ташлаб, “Суд органларининг халқ депутатлари Кенгашидан мустақиллиги” деб номлаш ва қайта таҳрир қилиш лозим.

Аёнки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғидир, лекин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ҳокимият тармоғига тегишли бўлиб, давлат ҳокимиятининг вакиллик органи бўлган халқ депутатлари Кенгашининг назоратида ва унга ҳисобдор бўлиши лозим.

Қонун лойиҳасининг 28-моддасида “халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид бўлган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан бекор қилиниши”, “халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари қарорлари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари Кенгашлари томонидан бекор қилиниши”, “маҳаллий вакиллик органларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, тегишли равишда уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли адлия органи киритган тақдимномага асосан шу ҳужжатни қабул қилган маҳаллий вакиллик органи томонидан бекор қилиниши” [3] каби нормалар белгиланган. Қонун лойиҳасининг 33-моддасида эса “халқ депутатлари Кенгаши томонидан

қабул қилинган ҳамда чиқарилган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин” [3] лиги белгиланган бўлиб, бунда суд халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинган ҳамда чиқарилган ҳужжатлар устидан шикоят қилган фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг шикоятини қаноатлантирса ушбу ҳужжатлар суд томонидан ҳам бекор қилиниши мумкин. Шу сабабли қонун лойиҳасининг 28-моддасига “халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг қарорлари суд органлари томонидан ҳам бекор қилиниши мумкин” деган нормани ҳам киритиш лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бугунги куннинг талабларига мос, демократик принциплар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, маҳаллий Кенгашларнинг қонунийлик ва инсон ҳуқуқ, эркинликларини таъминлашдаги ваколатларини кучайтиришга хизмат қилади. Шу сабабли қонун лойиҳаси мамлакатимизда олиб борилаётган маъмурий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим ўринга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. // <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>
3. Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида қонун лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/oz/d/74612>

ИСМАИЛОВ Тимур Камалатдинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ТҚД Терроризмга қарши курашиш хизмати бошлиғи

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ЭКСТРЕМИСТИК ФАОЛИЯТНИНГ НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада “экстремизм” ва “экстремистик фаолият”нинг атамалари, уларнинг келиб чиқиш тарихи ёритилган бўлиб, мазкур атамаларнинг моҳиятини тўлиқ акс эттириш мақсадида экстремизм турларининг таснифлари илмий таҳлил қилинган. Шу билан бирга, давлат ушбу ҳодисаларга қарши курашиш учун амалга ошираётган чораларга эътибор қаратилган ва экстремизмга қарши курашнинг асосий йўналишлари қайд этилган.

Калит сўзлар: экстремизм, экстремистик фаолият, диний экстремизм, сиёсий экстремизм, экстремизмнинг таснифи, экстремал, фундаментализм, мафкура, қонун

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОНЯТИЯ ЭКСТРЕМИЗМА И ЭКСТРЕМИСТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: В данной статье рассматриваются термины “экстремизм” и “экстремистская деятельность”, история его возникновения, проведен научный анализ различных классификаций видов экстремизма с целью наиболее полного отражения сущности этих терминов. При этом акцентируется внимание на мерах, которые государство предпринимает для борьбы с этими явлениями, отмечаются основные направления борьбы с экстремизмом.

Ключевые слова: экстремизм, экстремистская деятельность, религиозный экстремизм, политический экстремизм, классификации экстремизма, экстремал, фундаментализм, идеология, закон

THEORETICAL CONCEPTS OF EXTREMISM AND EXTREMIST ACTIVITY

Abstract: This article discusses the terms “extremism” and “extremist activity”, the history and origin of them, a scientific analysis of various classifications of types of extremism in order to fully reflect the essence of these terms. At the same time, it is focused on the measures that the state is taking to combat these phenomena, the main directions of the fight against extremism are noted.

Keywords: extremism, extremist activity, religious extremism, political extremism, classifications of extremism, extreme, fundamentalism, ideology, law.

Бугунги кунда давлатнинг энг долзарб муаммоларидан бири бу экстремизм деб ҳисоблаймиз. Фаол миграция, алоқа воситалари ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, ижтимоий кескинлик шароитида унинг хавфлилик даражаси тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Экстремизм ўзининг турли хил кўринишлари билан инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, конституциявий тузум асосларига, давлат хавфсизлигига тажовуз қилиб келмоқда.

Сўнгги пайтларда мамлакатда қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунни мустаҳкамлашга қаратилган жуда катта ва муҳим ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва бошқарув қарорлари ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштиришга қаратилган мақсадли сиёсат олиб бормоқда.

Юртимизда қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда ва бу жуда муҳим ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб қонунчиликни янгилаш ва модернизация қилиш юқори самара бермоқда, бунинг натижасида янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий муносабатларнинг турли томонларини янада аниқлик билан тартибга солишга имкон бермоқда. Тўлиқ маънода, бу жинойт-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки жиноят ҳуқуқи нормаларини такомиллаштириш қонунийликни

мустаҳкамлаш, адолат, хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни назарда тутди.

Маълумки, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг оқибатларини камайтириш мақсадида олиб бориладиган чора тадбирларнинг суръати ва самарадорлиги тўғридан-тўғри қонунчиликни ўз вақтида такомиллаштиришга боғлиқ бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда экстремизм хавфи даражаси юқори бўлиб қолмоқда ва ҳуқуқий нигилизм остида экстремизм ва экстремистик фаолиятни илмий баҳолашга ҳақиқий эҳтиёж мавжудлигини таъкидлаш мумкин, чунки бу ҳодисаларнинг асосий сабаблари фуқароларнинг ҳуқуқий онгининг деформацияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сон қонуннинг 3-моддасида экстремизм, экстремистик фаолиятларнинг тушунчалари берилган бўлиб, унга кўра:

экстремизм — ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси;

экстремистик фаолият қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга;

ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга;

қонунга хилоф қуролли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга;

террорчилик фаолиятини амалга оширишга;

зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошқора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоёниш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоёниш этишга;

бирор-бир ижтимоий гуруҳга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга;

Қонун 3-моддасининг тўртинчи–ўнинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ошқора даъват қилишга қаратилган ҳаракатларни режалаштиришга, ташкил этишга, тайёрлашга ёки содир этишга доир фаолият;

Бироқ, ушбу тушунчаларни беришнинг шакли специфик (ўзига хос) деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, қонунда аслида экстремизм ва экстремистик фаолиятни айнанлигини белгилаб берилган.

Иккинчидан, ушбу моддада экстремизмнинг аниқ таърифи ўрнига “бир қатор хилма-хил ҳаракатлар” кўрсатиб ўтилган.

Бизнинг фикримизча, экстремистик фаолиятнинг турли хил кўринишларини рўйхатда эмас, балки битта таърифда акс эттириш жуда қийин. Шунга қарамай, экстремистик ҳаракатлар биргаликда мураккаб ижтимоий ҳуқуқий ҳодисани ташкил этади ва бу аслида эса экстремизм бўлиб номоён бўлади ҳамда унинг индивидуал кўринишларини тавсифлашдан сифат жиҳатидан фарқ қиладиган мустақил таърифга муҳтож деб ҳисоблаймиз.

“Экстремизм” атамаси лотинча “экстремус” сўзидан келиб чиққан ва “экстремал” деб таржима қилинган, семантик маънода эса ҳаддан ташқари қарашлар ва чора-тадбирлардир (одатда сиёсатда шундай ишлатилади).

Экстремизмнинг “экстремаллиги” кўпинча куч ишлатиш, тажовузкорлик, бандитизм, низоларни қўзғатиш ва ҳоказоларда номоён бўлади.

Айрим олимларнинг фикрича, экстремизмнинг фаоллашиши ва ўсиши, аксарият ҳолларда, ижтимоий-иқтисодий инқирозлар, аҳолининг асосий қисмининг турмуш даражасининг ёмонлашиши ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлади. Бундай шароитда улар “зўравонлик экстремизми” ҳақида гапиришади, чунки бу ҳолда экстремал чоралар маълум бир гуруҳ шахслар ёки ташкилотлар учун жамиятдаги вазиятга таъсир қилиш учун ягона ҳақиқий имкониятга айланади [1, с-198-199].

Шундай қилиб, юқоридаги барча хусусиятларни инобатга олган ҳолда, экстремизм – бу сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, диний нафрат ёки адоват ва шунга ўхшаш мафкуравий сабабларга кўра зўравонлик ва бошқа экстремал фаолият шакллари ва усулларида ноқонуний фойдаланишда ифодаланган жисмоний ёки юридик шахсларнинг ижтимоий бўлмаган ҳаракатлари ва эътиқодларининг номоён бўлишидир [2, с-107].

Олиб борилган тадқиқотлар давомида биз экстремизм, қоида тариқасида, тажовуз, қўрқитиш, зўравонлик ва бошқалар орқали сиёсатда номоён бўладиган ижтимоий ҳодисалар эканлигини аниқладик.

Фундаментализм тўғрисида фикр юритмоқчи бўлсак, сўзнинг қатъий маъносида фундаментализм “келиб чиқишга қайтиш”дир ва кўпинча у бошланғич тамойиллар, кадриятлар, ғоялар, таълимотларга содиқлигини белгилайдиган ижтимоий, мафкуравий диний ҳаракатлар сифатида тавсифланади. Яъни, фундаментализм ижтимоий-сиёсий тартибларнинг анъанавий асосларини сақлаб қолиш тарафдори ва анъанавий сиёсий мақсадлар ва таълимотларнинг ўзгармаслигига содиқликни англатади.

Демак, фундаментализм радикализмнинг мафкуравий асосларидан бири бўлиб, у ўз навбатида экстремизм билан боғлиқ бўлади [3, с-170]. Шу билан бирга фундаментализм ва экстремизм ўзаро боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, экстремизмни фундаментализмнинг натижаси деб ҳисоблаш ҳам мумкин, чунки унинг экстремал шаклларида фундаментализм экстремизм сифатида номоён бўлади (масалан: диний экстремизм – бу диндорларнинг диний эътиқодлари орқали ҳаддан ташқари қарашлар ва

чораларга содиқлиги асосида дунёни диний фундаменталистик қарашларга мувофиқ қайта қуриш истагининг мавжудлиги).

Шу муносабат билан экстремизм тушунчасига мавжуд назарий ёндашувларни таҳлил қилишга қизиқиш уйғотади.

Илмий адабиётларда “экстремизм” атамасининг қуйидаги умумий таърифлари мавжуд: “экстремизм (франц. *extremisme*, лат. *extremus* - экстремал) - ғоялар ҳамда сиёсатдаги ҳаддан ташқари қарашлар ва ҳаракатларга содиқлик [4, с-758].

М.Э. Родинанинг фикрича экстремизм, қоида тариқасида, “ўз мақсадларига эришишнинг экстремал қарашлари ва радикал усулларига риоя қилиш” деган маънони англатади [5, с-27].

К. О. Никоновнинг “бугунги кунда “экстремизм” тушунчасининг аниқ таърифи йўқ... Шунинг учун ушбу муаммони ўрганувчилар орасида “экстремизм” таърифига нисбатан қарама-қарши фикрлар мавжуд” деган даъвоси адолатли кўринади [6, с-41].

Н. В.Голубих ва М. П. Леготин ҳам худди шундай фикрда яъни бугунги кунда ҳуқуқшунослик фанида экстремизмни аниқлашда ягона концептуал ёндашув ишлаб чиқилмаган [7, с-63].

Шундай қилиб, экстремизмни замонавий ижтимоий воқелик ҳодисаси сифатида ҳам, концепция сифатида ҳам ўрганиш нафақат экстремизмга қарши курашиш шароитида, балки юқорида айтиб ўтилган ҳодисаларни истисно қилиш учун қонунчиликни такомиллаштириш шароитида ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Аммо, “экстремизм” тушунчасининг аниқ эскизини шакллантиришни бошлашдан олдин, бу ерда танланган ёндашувни асослайдиган баъзи услубий фарқлари тушунтиришга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Аввало, таърифни беришни ишлаб чиқиш усулларини танлашнинг потенциал аниқлиги нуқтаи назаридан тушунчалар типологиясига боғлиқлигини кўрсатиш зарур.

Бизнинг фикримизча, экстремизм тушунчасига нисбатан энг яқин универсаллар сифатида қуйидаги тушунчаларни олиш мумкин:

1) экстремистик потенциални ўз ичига олган ва экстремизмнинг амалда намоён бўлишига олиб келадиган айрим ғоялар;

2) экстремистик кўринишларга эга муайян фикрлаш, ақлий ва психологик мойиллик;

3) ва ниҳоят, одамлар томонидан уларга нисбатан экстремистик деб қабул қилинган тўғридан-тўғри ҳаракатлар.

Шунингдек, экстремизм тушунчасига адабиётларда қуйидагича таъриф берилган:

Экстремизм [лот. *extremus* - энг охирги; ўта кетган, ашаддий; кескин] Сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда усуллар билан йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик [8, с-28].

Экстремист-экстремизм тарафдори, кескин фикр ва чораларни ёқловчи, амалга оширувчи [8, с-28]..

Экстремистик- экстремизмга оид. экстремизмга мойил бўлган. Экстремистик доиралар. Экстремистик талаблар[8, с-29].

Шунингдек, экстремизмнинг турлари ҳам мавжуд бўлиб, булар диний, этник (миллатчилик) ва сиёсий экстремизмдир.

Диний экстремизм — баъзи диний ташкилотлар ёки амсан айрим диндорларнинг жамият қонун-қоидаларига мос келмайдиган мафкураси ва фаолияти. Диний экстремизм кўпчилик динларда мавжуд бўлиб, унинг тарафдорлари ўз олдига сиёсий мақсадларни кўяди.

Олимлар томонидан берилган фикрларга қўшилган ҳолда, бизнинг фикримизча *экстремист*- экстремизм тарафдори, кескин (жиддий) фикр ва чораларни ёқловчи ҳамда амалга оширувчи шахс.

Диний экстремизм — айрим диний ташкилотлар ёки диндорлар томонидан жамиятда ўрнатилган қонун ва қоидаларига мос келмайдиган мафкура ва сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади.

Сиёсий экстремизм-бу нафақат инсоният тараққиётининг замонавий босқичига хос бўлган, балки сиёсий ҳокимият пайдо бўлганидан бери сиёсий курашгача мавжуд бўлган ижтимоий ҳаётий ҳодисасидир.

Сиёсий экстремизм — бу жамият нуқтаи назаридан — индивидуал ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий манфаатларини қондиришга қаратилган экстремал қарашлар ва ҳаракатлар тизими: синфлар, этник гуруҳлар, сиёсий ҳаракатлар, партиялар, гуруҳлар. Сиёсий экстремизмнинг ўзига хос белгиси сиёсий курашнинг асосий усули сифатида турли шаклларда зўравонликдан қонуний фойдаланиш эмас [9].

Юқорида берилган фикрларга қўшилган ҳолда, бизнинг фикримизча, сиёсий экстремизм-бу фуқароларнинг сиёсий қарашлари ва мақсадларини ҳар қандай воситалар орқали, шу жумладан давлат институтлари, жамоат ва сиёсий арбоблар ва шахсларга таъсир қилишнинг зўравонлик шакли билан амалга оширишга қаратилган сиёсий фаолиятнинг бир туридир.

Этник экстремизм тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, А.В.Римскийнинг фикрича, этник экстремизм-миллатлараро муносабатлар назарияси ва амалиётида экстремал қарашлар ва усулларга содиқлик ҳисобланади. Унинг тарафдорлари, бир миллатнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, бошқа халқларнинг ҳуқуқларини очиқ ва провокацион равишда оёқ ости қилишади. Уларнинг мафкураси жангари миллатчилик ва шовинизмдир; уларнинг сиёсати у ёки бу шаклда этник зўравонликдир [10, с-244].

Этник (миллатчилик) экстремизми - деярли ҳар доим сиёсий ва кўпинча диний экстремизм элементларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, этник экстремизм — миллий хавфсизлик масалаларига таъсир қиладиган, зўравонлик даъватлари билан боғлиқ ирқий,

миллий ёки диний низоларни кўзғатиш, ҳар қандай ижтимоий гуруҳга нисбатан нафратга асосланган миллий қадр-қимматни камситишдир. Этник экстремизмнинг асоси ёки сабаби уларнинг дин, ижтимоий, ирқий, миллий ёки тил мансублигига бўлган муносабати асосида эксклюзивлик, устунликни тарғиб қилиш бўлиши мумкин.

Диний экстремизм муайян кўринишда Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Ислом экстремизми гуруҳи фаолияти натижасида 1997 йил декабрда Наманган шаҳрида бир неча оғир жиноятлар содир этилди. Шу билан бирга 1990-1998 йиллардаги иктисодий қийинчиликлардан фойдаланган ҳолда, экстремистлар очикдан-очик зўравонлик билан Фарғона водийсида мавжуд ҳокимиятини ағдаришга ҳаракат қилдилар. Шу йилларда Тошкент шаҳрида юз берган мудҳиш воқеалар экстремистларнинг асл мақсади конституциявий тузумни ағдариш ва ҳокимиятни куч билан эгаллаш эканилиги маълум бўлди. Диний экстремизмнинг Ўзбекистонга таҳдидини ўз ғояларини ёйиш орқали ҳалқнинг мавжуд давлатга ишончни йўққа чиқаришга уринишда кузатиш мумкин эди.

2000 йилнинг кузида экстремистларнинг Ўзбекистонга қуролли ҳужум уюштиргани уларнинг Афғонистонда ин қуриб олган халқаро террорчилар ва нарқобизнес билан уюшиб кетганидан далолат берди. Фақат 2001 йил 11 сентябр куни Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейингина дунёдаги етакчи давлатлар АҚШ бошчилигида бу ёвуз иллатга қарши кенг миқёсда курашга бел боғлади [11].

Демак, экстремизм сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда ҳаракат ва қарашларга асосланиб фаолият юритишдир. Экстремизмнинг сиёсий ва диний кўринишлари яққол ажралиб туради. Сиёсий экстремизм намоёндалари ўзларининг ғаразли мақсадига эришиш учун куч ишлатиш усулларидан фойдаланиб, мавжуд сиёсий тузилмаларнинг барқарор фаолият юритишини бузиш ва йўқотишга ҳаракат қилади.

Дунёда содир этилаётган воқеалар, ҳодисалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, экстремистлар ва экстремистик ташкилотлар “демократия” ниқоби остида баландпарвоз шиорлар, чақириқлар билан чиқиб, террорчилик ва партизанлик ҳаракатларини қўллаб қувватлайдилар, қонунга риоя этмаслик, иш ташлашлар, тартибсизликлар чиқаришга уринадилар, одамларни гижгижлайдилар, террор қилиш усулидан фойдаланадилар.

Ўрганишлар давомида шу нарса аён бўлдики, экстремистик ташкилотларнинг раҳбарлари ҳар қандай муроса ва келишувни рад этадилар. Ўзига тобеларни ўз буйруқ ва кўрсатмаларини кўр кўрона бажаришга мажбур этадилар. Сиёсий экстремизмнинг миллатчилик кўриниши турли миллат ва этник гуруҳлар ҳуқуқини инкор этишда намоён бўлади. Миллатчи экстремистлар фаолияти сепаратизм билан боғлиқ бўлиб, кўп миллатли давлатларни йўқотиш, туб миллат ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилади.

Бизнинг фикримизча, бундай экстремизм миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ва халқлар ўртасида можаролар чиқишига

олиб келади. Диний экстремизм, аввало, бошқа конфессияларга, уларнинг вакилларига нисбатан тоқатсиз бўлади. Диний ташкилотлардан дунёвий давлатга қарши курашда фойдаланади.

Юқорида берилган фикрлар ҳамда тушунчалардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, экстремистик фаолиятга яна қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин:

1) ноқонуний диний ва жамоат бирлашмалари ёки бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, жисмоний шахсларнинг ҳаракатларни ташкил этиш, тайёрлаш, режалаштириш ва амалга ошириш бўйича фаолияти;

2) экстремистик деб ҳисобланган гуруҳларнинг атрибутлари ёки рамзларини тарғиб қилиш, шунингдек ёки уларнинг атрибутлари, рамзийлигига ўхшаш атрибутлар ёки рамзларни оммавий намойиш қилиш;

3) ушбу фаолиятни амалга ошириш ёки ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун оммавий чақириқларни амалга ошириш;

4) кўрсатиб ўтилган фаолиятни молиялаштириш ёки ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширишга кўмаклашиш, шу жумладан фаолиятни пул маблағлари, таълим, моддий-техника базаси, кўчмас мулк, факсимил, телефон ва бошқа алоқа, шунингдек ахборот хизматлари ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминлаш.

Юқорида олимлар берган фикрлар ҳамда соҳага оид адабиётларни ўрганиб чиқиб, ”экстремизм”га муаллифлик таърифни бердик, унга кўра:

“Экстремизм” – ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришига, давлатнинг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришига, ҳокимиятни зўрлик ишлатиш орқали эгаллаб олишига, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишига қаратилган ҳаракатларнинг кескин шаклидир.

Хулоса қилиб айтганда, экстремизмнинг тушунчаси бўйича таъриф ишлаб чиқиш орқали, биз унинг мазмун моҳияти, мақсади, зарарли оқибатлари кенг аҳолига етказилиши ҳамда экстремизм ва терроризмга қарши курашда аҳолини, айниқса, ёшларимизни турли экстремистик гуруҳлар таъсири остига тушиб қолишларига йўл қўймаслик, уларни интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ҳамда ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича чора тадбирлар янада кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Машекуашева М. Х., Арипшев А.М. Понятие и деструктивная сущность экстремизма. Материалы международно научно-практической конференции «Наука, образование, общество: тенденции и перспективы развития»2015. с-198-199 https://interactive-plus.ru/ru/article/14976/discussion_platform (мурожаат санаси 11.12.2022 й.)

2. Машекуашева М.Х. Терроризм как угроза национальной безопасности / под ред. А.Н. Ильяшенко // Современные проблемы уголовной политики материалы международной научно-практической конференции. –

Министерство Внутренних Дел РФ, Краснодарский университет МВД России. – 2012. – С. 107– 112.

3. Карданов Р.Р., Шхагапсоев З.Л. Меры безопасности сотрудников ОВД при осмотре мест скрытного пребывания членов незаконных вооруженных формирований в горно-лесистой местности // // Вестник Волгоградской академии МВД России. – 2014. – №1 (28). – С. 169–172

4. Ожегов, С.И. Словарь русского языка. / С.И. Ожегов. – М., 1989. – С. 758

5. Родина М. Е. Экстремизм и экстремистская деятельность как политико-правовые категории / М. Е. Родина // Рос. следователь. – 2016. – № 20. – С. 26–29

6. Никонов К. О. Проблемы определения экстремизма / К. О. Никонов // Юрид. мир. – 2011. – № 7. – С. 41–43.

7.. Голубых Н. В. О сущности понятия «экстремизм» / Н. В. Голубых, М. П. Леготин // Адвокат. – 2013. – № 6. – С. 60–63

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2008.28-29-б.

9. Селина Н. А. Виды экстремизма в России. Антитеррористический портал Липецкого государственного технического университета.2019. <https://antiterror.stu.lipetsk.ru/info-materials/ekstremizm/vidyi-ekstremizma-v-grossii.html> (мурожаат санаси 25.05.2023)

10. Римский А.В. Экстремизм и терроризм: понятие и основные формы проявления. Научные ведомости № 16(71) 2009. С-244

11. Ҳасанов А. Википедия, очик энциклопедия ЎзМИ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000 й.

АМОНОВ Феруз Салимович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси*

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг асосий вазифалардан бири коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик ҳамда самарали қарши кураш олиб боришдир. Шу жиҳатдан коррупцияга қарши курашиш муаммосини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтлари имкониятларидан фойдаланишга бўлган талаб ҳар доимгидан ҳам ошиб бормокда.

Зеро, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси 5-моддасида “Ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб, жамоатчилик иштирокини таъминлайдиган самарали ва мувофиқлаштирилган коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши ёки қўллаб-

қувватлаши”[1] лозимлиги бундан йигирма йил муқаддам мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаролик жамияти институтлари, яъни, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари, оила ва бошқа ижтимоий тузилмалар аҳолининг сиёсий фаоллиги кучайишига ёрдам беради, давлат органлари фаолияти устидан жамиятнинг назоратини амалга оширади, аҳолининг турли қатламлари интилишлари ва манфаатларини ифодалайди[2].

Бу борада Н.Ю.Рашева коррупцияга қарши давлат сиёсати самарали профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтларини, шу жумладан унинг институтларининг иштироки орқали коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишга жалб қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтади[3].

Қолаверса, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси 13-моддасида “Ҳар бир иштирокчи давлат ўз имкониятлари доирасида ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, шунингдек, коррупциянинг мавжудлиги, сабаблари ва хавфлилиги, шунингдек, у келтириб чиқарадиган оқибатлар тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти, нодавлат ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари каби давлат секторидан ташқаридаги шахслар ва алоҳида гуруҳларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш учун тегишли чораларни кўриши” белгиланган. Конвенцияга мувофиқ, ушбу чора-тадбирлар қуйидагилар:

а) шаффофликни ошириш, шунингдек, қарорлар қабул қилиш жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш;

б) аҳолининг ахборотдан самарали фойдаланишини таъминлаш;

в) коррупцияга қарши муросасизлик муҳитини шакллантириш мақсадида аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш чораларини кўриш, жумладан ўрта, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари ўқув дастурларига курсларни жорий этиш орқали оммавий таълимни йўлга қўйиш;

д) коррупция тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш, нашр этиш ва тарқатиш эркинлигини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш” ва бошқалар.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги буюртмаси билан “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови натижаларига кўра, 62,7% фуқаролар фақат фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги, ҳар бир ўзбекистонликнинг фаол фуқаролик позициясигина коррупция хавфини камайтириш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконини беришига ишонади[4].

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга бўлган фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг таркиби эндиликда Конституциямизда аниқ очиб берилди. Яъни, маҳаллалар, сиёсий партиялар,

ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюшмалари, жамоат фондлари ва шахсларнинг бошқа жамоат бирлашмалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши белгиланди[5]. Бизнингча, коррупцияга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти вакиллари жалб этиш фактининг ўзи, бу жараёнга янгича туртки беради ва янада ривожланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос М.В.Шедий коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати субъектлари ҳақида тўхталар экан, коррупция кўринишларига нисбатан муросасизликни шакллантиришдан фуқаролик жамияти институтининг барча иштирокчилари: сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатлар, хусусий сектор вакиллари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари, экспертлар ҳамжамияти ва, албатта, коррупция оқибатларини ҳар куни бошдан кечираётган оддий фуқаролар манфаатдор бўлиши керак[6], деб ҳисоблайди.

Олимлар М.А.Ахмедшаева ва Х.Р. Мухамедходжаевалар жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар қаторига – сиёсий партиялар; – жамоат бирлашмалари; – касаба уюшмалари – нодавлат нотижорат ташкилотлар; – жамоат фондлари; – оммавий ахборот воситалари; – фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари; – аҳолининг бошқа турли кўнгилли ташкилотлари[2] ни киритишни таклиф этган. Назаримизда мазкур тоифа анча кенг ҳисобланиб, барча субъектлар алоҳида мустақамланганлиги билан аҳамиятлидир.

Бизнингча, Ф.А.Примовнинг давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи субъектларни: коррупцияга қарши курашиш юзасидан умумий ваколатга эга субъектлар; коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи субъектлар; коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли субъектлар; коррупцияга қарши курашишда иштирок этувчи субъектлар[7] га бўлган ҳолда таснифлаши кўплаб саволларга ечим бўла олади.

Бу борада Ш.А.Холиқованинг таснифи ҳам ўринли, назаримизда. Олиманинг фикрича, жамоатчилик назорати субъектларини икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ: умумий ва махсус субъектлар. Жамоатчилик назоратининг *умумий субъектларига*: фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини киритган, буни эса, жамоатчилик назоратини амалга ошириш уларнинг асосий вазифаси, улар фаолиятининг туб моҳиятини ташкил этмаслиги билан асослантирган.

Жамоатчилик назоратининг *махсус субъектларига* жамоатчилик кенгашлари ва комиссияларини киритиб, ушбу субъектлар фаолиятининг асосий мазмуни ва йўналиши - жамоатчилик назоратини таъминлашдан иборат бўлади, деган қарашни илгари сурган[8].

К.Фридрих коррупцияга қарши курашишда ОАВнинг алоҳида субъект сифатидаги ролига алоҳида тўхталиб ўтади, унинг фикрича, “ҳокимиятнинг коррупциялашганлик даражаси унинг жамият билан қандай даражада

келишилган тарзда амалга ошишига боғлиқ бўлиб, коррупцияни тийиб турувчи омил муҳолифат кучлари ва мустақил ОАВнинг фаолият юритиши ҳисобланади”.

Бироқ, ОАВнинг ошкоралиги таъминланган бўлса-да, лекин уларнинг коррупцияни бартараф қилишдаги таъсир доираси етарли даражада шаклланмаганлигини кўришимиз ҳам мумкин. Масалан, Россия ОАВларида кўплаб юқори лавозимдаги мансабдор шахсларнинг коррупцияга аралашганлик ҳолатлари ёритилса-да, ҳеч бир натижа бермаслиги намоён бўлган.

Тадқиқот доирасида ўтказилган сўров натижаларига мувофиқ, сўралганларнинг салкам 1/3 қисми *оммавий ахборот воситалари ишидан қониқади*. Фуқароларнинг фикрича, *бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фаолияти туфайли коррупцияга қарши курашиш жараёни жамоатчилик учун янада очиқ бўлди, ушланган коррупционерлар ва иш ҳолатининг тавсифи ҳақидаги хабарлар кўпроқ пайдо бўла бошлади*, улар коррупцияга қарши ҳаракатларнинг мазмуни ва миқёсини намоёиш қилади.

Айни вақтда қатор респондентларнинг ҳисоблашича, *мамлакат оммавий ахборот воситалари ҳали коррупционерларни фош қилишнинг аниқ ҳолатларини етарлича тезкор, шаффоф ва очиқ ёритмаяпти, шунингдек, амалда коррупция каби жиноий қилмиш пайдо бўлишининг чуқур илдизлари, унинг манбалари, унга қарши кураш миқёслари ва истиқболлари ҳақида таҳлилий материаллар бермаяпти*[9].

А.А.Дадашева бу борада ОАВ томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати қуйидаги соҳаларда амалга оширилишини таснифлаган:

- а) давлат ҳокимияти органларига бўлиб ўтадиган сайловларда;
- б) референдум ўтказишда; в) қонун ҳужжатларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказишда;
- г) давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг амалий фаолиятида;
- д) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ва бошқа соҳаларда [10] амалга оширилади.

Бир қатор давлатларда коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли орган фақат парламентга бўйсунди ва унга ҳисоб беради. Хусусан, Литвада коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли органлар Махсус тергов хизмати (*Specialiųjų tyrimų tarnyba – STT*) ҳамда Давлат хизмати органларида этика масалалари бўйича марказий комиссия (СІЕС), Словенияда Коррупциянинг олдини олиш бўйича махсус комиссия (СРС) фақат мамлакат парламентида бўйсунди ва унга ҳисоб беради. Шунингдек, Македонияда Коррупциянинг олдини олиш бўйича Давлат комиссияси (*Државната комисија за спречување на корупција – DKSK*) ҳуқуқ ва иқтисод соҳасидаги экспертлардан таркиб топган бўлиб унинг аъзолари парламент томонидан шакллантирилади[11].

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, коррупциянинг олдини олиш борасидаги давлат сиёсатининг яна бир усули бу мамлакатда доимий равишда коррупция

даражасининг мониторингини олиб бориш ва баҳолаш механизмининг мавжудлигидир. Ўтказилган таҳлиллар натижасида кўпгина ИХРга аъзо давлатларнинг коррупцияга қарши кураш режаларининг бажарилишини назорат қилишнинг аниқ тартиби ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин. Баъзи мамлакатларда ушбу режаларнинг бажарилиши устидан парламент назорати ўрнатилган (Украина, Мўғилистон). Жумладан, Украинада, коррупциянинг олдини олиш бўйича миллий Агентлик коррупцияга қарши ислохотларнинг таъсирини мунтазам равишда баҳолаш учун методология ишлаб чиққан бўлса, Қозоғистонда коррупцияга қарши кураш сиёсати қандай амалга оширилаётганлигини баҳолаш учун Махсус мониторинг гуруҳи ташкил этилган. Ушбу гуруҳ аъзолари мамлакатнинг барча ҳудудларида бўлиб, давлат муассасалари, ташкилотларида кўрилган чора-тадбирлар таҳлилин олиб боришади ва уларга ўз тавсияларини бериб боришади. Латвияда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш Бюроси мамлакатда ушбу йўналишдаги стратегия доирасида ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун жавобгар ҳисобланади ва Вазирлар Маҳкамасига оралиқ ва якуний ҳисоботларни тақдим этади[12].

Россия Федерациясининг 2014 йил 27 июлдаги “Жамоатчилик назорати асослари тўғрисида”ги Қонунига кўра жамоатчилик назорати субъектлари сифатида 1) Россия Федерацияси жамоат палатаси; 2) Россия Федерацияси субъектларининг жамоат палаталари; 3) муниципалитетларнинг жамоат палаталари (кенгашлари); 4) федерал ижро этувчи ҳокимият органлари ҳузуридаги жамоат кенгашлари, Қонунчилик ҳузуридаги жамоат кенгашлари (вакиллик) ва Россия Федерацияси субъектларининг ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари”[13] киритилган.

Россия Федерациясида давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтлари қуйидагиларни ўз ичига олади: жамоатчилик назорати органлари (жамоат палаталари, ёшлар палаталари, жамоат кенгашлари, илмий маслаҳат кенгашлари, оқсоқоллар кенгашлари ва бошқалар.); давлат хизматчилари бўлмаган мустақил экспертларни ўз ичига олган комиссиялар (давлат хизмати лавозимлари учун имтиҳонлар комиссиялари, давлат хизматчиларини сертификатлаш, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш ва расмий хулқ-атвор талабларига риоя қилиш); норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоат экспертизаси[14].

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида ҳам шунга ўхшаш нормани кўришимиз мумкин, яъни “Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин”[15].

Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик иштирокини кўллаб-қувватлаш мақсадида жамоатчилик назорати субъектларини аниқлаштириш лозим. Бу борада қатор хорижий илмий ва қонунчилик ёндашувларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Фуқароларни коррупцияга

қарши курашишга фаол жалб қилиш дунёнинг кўплаб мамлакатларида амалда қўлланилиб келинмоқда. Айниқса, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолиятини Финляндия, Дания, Норвегия, Швеция каби давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Бу борада Франция бой тарихга эга бўлиб, бу ерда жамоатчилик назорати соҳавий бирлашмалар ва ташкилотлар фаолиятининг жадаллиги туфайли ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, “Франция корхоналари ҳаракати - МЕДЕФ” ҳамда Савдо-саноат палаталари бирлашмаси коррупцияга қарши кураш бўйича ихтисослашган давлат институтлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда[16].

“Коррупцияга қарши курашиш фонди” – Россияда давлат ҳокимияти органларидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш, очиш ва уларга чек қўйиш билан шуғулланувчи ягона коррупцияга қарши курашиш бўйича нодавлат ташкилоти ҳисобланади.

Қолаверса, Россия Федерациясида қуйидаги асосий антикоррупцион ташкилотларни санаб ўтишимиз мумкин:

1) “Коррупцияга қарши кураш комиссияси” Бутунроссия жамоат ташкилоти;

2) “Коррупцияга қарши кураш Миллий қўмитаси” жамоат ташкилоти;

3) “Коррупцияга қарши кураш бўйича жамоат қўмитаси” минтақаларо жамоат ташкилоти;

4) “Коррупцияга қарши” минтақаларо жамоат ҳаракати;

5) Россиянинг коррупцияга қарши шериклиги ва бошқалар[17].

Фуқаролик жамиятининг ушбу қатлами коррупцияга қарши курашиш соҳасида энг фаоллардан бири бўлиб, учраётган тўсиқларга қарамай, ўз фаолият кўламини босқичма-босқич ошириб бормоқда. Дунёда коррупцияга қарши курашишда фаолият юритувчи ННТларга Transparency International (Германия), А.Навальнийнинг коррупцияга қарши кураш фонди (Россия), “АГОРА” - инсон ҳуқуқлари ташкилотлари минтақаларо ассоциацияси (Россия), “Тоza қўллар” Бутунроссия коррупцияга қарши жамоат қабулхонаси (Россия)[18] ни мисол сифатида келтириш мумкин.

ОАВ ва Интернетнинг таъсири биринчи навбатда жамиятнинг кенг оммасига қаратилган. Шундай экан, Оммавий ахборот воситалари ва Internet коррупциянинг олдини олиш учун қуйидаги функцияларни бажариши лозим:

1) Аҳолини коррупциясиз ижтимоий ҳаётнинг мавжудлиги ва фаолияти тўғрисида хабардор қилиш. Аввало, аҳолига давлат ва жамоат институтлари билан ўзаро муносабатларнинг энг тезкор ҳуқуқий усулларини кўрсатиш керак.

2) Оммавий ахборот воситалари давлат органларининг очиклиги даражасини оширишга ҳисса қўшиши керак, бу эса жамоатчиликни уларнинг фаолияти ва улар билан ўзаро муносабатларнинг коррупциясиз усуллари тўғрисида хабардор қилиш имконини беради. Ушбу чора жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини янада самаралироқ қилади ва аҳолининг эҳтиёжларига

янада адекват мослашиш ва жавоб беришга имкон беради, бу эса коррупция фоизини камайтиради.

3) Коррупцияга қарши кураш сиёсати ва коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро амалиётларнинг ўтмишдаги ижобий тажрибасини илгари суриш.

4) Коррупцияга қарши кураш чораларини шакллантиришда тадқиқотлар олиб боришда турли усулларда иштирок этиш ва ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижаларини таъкидлаш. Ушбу чора коррупциянинг янги шаклларига қарши самарали курашади ва одамларга давлат коррупциянинг замонавий шаклларига тезда мослаша олишини ва уни самарали аниқлаш ва тўхтатишга қодирлигини кўрсатади.

5) Коррупция ва порахўр амалдорларга нисбатан салбий муносабатни тарғиб қилиш[19].

Ҳуқуқшунос Ж.Абдуллаевнинг фикрича, ОАВ томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати тизимининг самарали фаолият юритиши қуйидаги натижаларга олиб келади: ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлиги ва уларнинг ҳисобдорлиги ошишига; ҳокимият органларида коррупциянинг пасайишига; ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигининг ошишига; жамоатчиликнинг ҳокимият органларига нисбатан бўлган ишончининг ошишига; фуқароларнинг давлат бошқарувида кенг иштирокини таъминланишига; ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳамкорликда ечиш ва бошқаларга[19].

Россияда коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ масалаларни ёритиш билан шуғулланувчи интернет портали – “Коррупцияга қарши биринчи оммавий ахборот воситалари” фаолият юритиб келмоқда. Сайтнинг мақсади коррупцияга қарши курашда малакали ахборот кўмагини кўрсатишдир. Ўз фаолияти давомида “Коррупцияга қарши биринчи оммавий ахборот воситалари” сайт журналистлари ва оддий фуқаролар томонидан олиб борилган текширувларни эълон қилиб боради.

Унда мансабдор шахсларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳақида маълумотлар эълон қилинади. Шунингдек, сайтда коррупцияга қарши кураш олиб борувчи давлат органи амалдорлари ва ташкилот раҳбарларининг чиқишлари эълон қилиниб борилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назорати институтларидан фойдаланишда коррупцияга қарши кураш бўйича оммавий тадбирларни амалга оширишда жамоатчилик назорати субъектларининг фаоллиги пастлигини асосий муаммо сифатида айтишимиз мумкин. Бу асосан, мансабдор шахсларнинг ўз маъмурий таъсир чораларидан фойдаланиб жамоатчилик назорати субъектларига қарши фойдаланиш ҳолаларида намоён бўлмоқда. Хусусан, ер участкаларини ноқонуний хусусийлаштириш билан боғлиқ коррупцияга қарши курашаётган жамоат ташкилотлари вакилларига нисбатан ҳокимият томонидан босим ўтказиш ҳолларини айтишимиз мумкин.

Мазкур муаммонинг ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қуйидаги мазмундаги қўшимча киритиш таклиф этилади:

Жиноят кодексига:

214¹-модда. Жамоатчилик назорати субъектининг қонуний фаолиятига аралашии

Жамоатчилик назорати субъектларининг қонуний фаолиятига аралашии, яъни давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишига ҳамда амалга оширишига тўсқинлик қилиши ёки жамоатчилик назорати субъектига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказишни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.un.org/ru/documents>
2. Ахмедшаева М.А., Мухамедходжаева Х.Р. Жамоатчилик назорати ва унинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришнинг айрим масалалари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили ♦ Uzbek law review ♦ Обзор законодательства Узбекистана, 2012 №2. 74-76.
3. Рашева Н.Ю. Роль общественного контроля как меры противодействия коррупции // Вопросы российского и международного права. 2022. Том 12. № 1А. С. 266-283. DOI: 10.34670/AR.2022.62.19.025
4. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/10/10/korrupsiya-va-korrupsiyaviy-holatlarning-jamiyat-hayotiga-tarqalganlik-darajasi-jamoatchilik-ongida-idrok-etilishini-baholash-mavzusida-otkazilgan-ijtimoiy-sorov-natijalari>
5. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
6. Шедий М.В. Особенности развития антикоррупционного потенциала гражданского общества в России. Ученые записки: электронный научный журнал Курского государственного университета. 2013. № 2 (26)
7. Турсунов А., Примов Ф. Очқлик ва жамоатчилик назорати – коррупцияга қарши курашишнинг муҳим воситаси сифатида // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue – 2 № 3 (2021) / ISSN 2181-1415. 27-35 б. <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>

8. Холиқова Ш.А. Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалалари // ю.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати.
9. <https://uza.uz/uz/posts/jamoatchilik-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-borasida-amalga-oshirilaetgan-ishlar-togrisida-qanday-fikrda?q=%2Fposts%2Fjamoatchilik-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-borasida-amalga-oshirilaetgan-ishlar-togrisida-qanday-fikrda>
10. Дадашева А.А. Маҳаллий ижро фаолияти устидан жамоатчилик назоратини натижадорлигини оширишнинг илмий-назарий ечимлари. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований // Journal of Law Research., 2020. №2. 227-232 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-SI-2-28>
11. Примов Ф.А. Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-институционал асослари // SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI. JILD:01 NASHR:05 2022 yil. 113-120 б. http://t.me/ScienceBox_official
12. Нурмухаммедова Г. Б. Коррупцияга қарши курашиш усуллари ва механизмларининг назарий-ҳуқуқий таҳлили // юриспруденция. – 2020. – Т. 1. – №. 1.
13. Об основах общественного контроля в Российской Федерации: Федеральный закон от 21.07.2014 №212-ФЗ // Российская газета. - 23.07.2014. - № 6435 (163).
14. Арутюнян Р.Э. Конституционно-правовой статус институтов общественного контроля при органах государственной власти субъектов Российской Федерации // АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук, Москва-2011. 24 стр.
- а. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
15. Хабриева Т.Я. Социальный контроль и противодействие коррупции // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения № 4 — 2017. 5-10 стр.
16. Рамазанов, А. А. Общественный контроль как способ борьбы с коррупцией / А. А. Рамазанов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2022. — № 4 (399). — С. 238-240. — URL: <https://moluch.ru/archive/399/88407/> (дата обращения: 18.11.2022).
17. Димитриева Е. Н., Оленченко А. В. Гражданское общество и государство в борьбе с коррупцией // Экономическая наука в 21 веке: вопросы теории и практики : сборник материалов XIII Международной научно-практической конференции. – Махачкала, 2017. – С. 5–10.
18. Зиборева, Т. С. Роль СМИ и сети Интернет в антикоррупционной деятельности государства / Т. С. Зиборева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 19 (257). — С. 205-207. — URL: <https://moluch.ru/archive/257/58927/> (дата обращения: 18.11.2022).

19. Абдуллаев Ж.М. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалари) ю.ф.н (Р) Тошкент. 2008. 110-б.

ISLOMOV Bunyod Ochilovich,

*O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi,
“KDB Bank O‘zbekiston” AJ bosh yuriskonsulti*

AMERIKA QO‘SHMA SHTATLARI JINOYAT QONUNCHILIGIDA JAZONI YENGILLASHTIRISH MASALALARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada Amerika Qo‘shma Shtatlari jinoyat qonunchiligida jazoni yengillashtirish instituti, shu jumladan voyaga yetmaganlarga jazo tayinlash, tamom bo‘lmagan hamda ishtirokchilikda sodir etilgan jinoyatlar uchun jazo tayinlash masalalari tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: jinoyat qonunining ortga qaytish kuchi, yengillashtiruvchi holatlar, pretsendent huquqi, voyaga yetmagan shaxs, jinoyat sodir etishga suiqasd qilish, qilmishning jinoiyligini istisno qiluvchi holatlar, jinoyatda ishtirokchilik, cheklangan aqli rasolik, aybga iqrorlik to‘g‘risida kelishuv, shartli hukm qilish, jazoni o‘tashdan muddatidan ilgari shartli ozod qilish, korporativ jinoiy javobgarlik, afv etish, amnistiya.

ВОПРОСЫ СМЯГЧЕНИЯ НАКАЗАНИЯ В УГОЛОВНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ СОЕДИНЕННЫХ ШТАТОВ АМЕРИКИ

Аннотация. В данной статье проведен анализ института смягчения наказания в уголовном законодательстве Соединенных Штатов Америки, включая вопросы назначения наказания несовершеннолетним, назначения наказания за неоконченные преступления и преступления, совершенные в соучастии.

Ключевые слова: обратная сила уголовного закона, смягчающие обстоятельства, прецедентное право, несовершеннолетний, покушение на преступление, обстоятельства, исключающие преступность деяния, соучастие в преступлении, ограниченная вменяемость, соглашение о признании вины, условное осуждение, условно-досрочное освобождение от отбывания наказания, корпоративная уголовная ответственность, помилование, амнистия.

ISSUES OF MITIGATION OF PUNISHMENT IN THE CRIMINAL LEGISLATION OF THE United States of America

Abstract. This paper provides an analysis of the institution of mitigation of punishment in the criminal legislation of the United States of America as well as issues of imposition of punishment with respect to juveniles, sentencing for inchoated offences and criminal complicity.

Keywords: retroactive effect of criminal law, mitigating factors, case law, minor, attempted offence, criminal defences, criminal complicity, diminished

responsibility, plea bargain, probation, parole, corporate criminal responsibility, pardon, amnesty.

AQSH jinoyat huquqi dastlab ingliz umumiy huquqi asosida shakllangan bo'lsada [1, S.22], bosqichma-bosqich o'ziga xos qiyofa kasb etib borgan. Ingliz huquqidan farqli o'laroq, AQSHga shtatlar darajasida amal qiluvchi kodifikatsiya qilingan qonunchilikning mavjudligi xosdir. AQSH huquq tizimining o'ziga xos xususiyatlaridan biri sifatida, federal qonunchilik va federatsiya subyektlari qonunchiligida namoyon bo'ladigan dualizm sanaladi. AQSH 1787 yildagi Konstitutsiyasi hamda shtatlarning konstitutsiyalari, shuningdek sud pretsedenti ham jinoyat huquqining manbayini tashkil qiladi [2, S.241]. Umuman olganda, sud amaliyotida sud qarorini asoslantirish uchun Konstitutsiya me'yorlariga to'g'ridan-to'g'ri havola qilish odatiy hol sanaladi [3, S.80].

Hozirda AQSHda 53 ta huquq tizimi (federal tizim, shtatlar huquq tizimlari, Kolumbiya okrugi va Puerto-Riko huquq tizimi) amalda bo'lib, umum qabul qilingan mazmundagi yagona Jinoyat kodeksi mavjud emas [4, S.228]. AQSH qonunlar majmui (ing. United States Code) [5] va Federal qonunosti hujjatlari majmui (Code of federal regulations) [6] tegishli besh ming va uch yuz mingga yaqin ta'qiqlarni o'z ichiga olgan holda, ularning buzilganligi uchun jinoiy jazolar qo'llaniladi. Bu yerda so'z faqatgina federal qonunchilik to'g'risida ketayotgan bo'lib, har bir shtat o'zining alohida jinoyat kodeksiga ega [7, S.162].

O'z navbatida, AQSHda jinoyat qonunchiligini kodifikatsiya qilish yuzasidan amalga oshirilgan ko'plab ishlarning amaliy natijasi sifatida yuqorida qayd etilgan qonunlar majmuidan tashqari, Hukm chiqarishning federal ko'rsatmalarini (Federal Sentencing Guidelines) o'z ichiga olgan holda, 1984 yilda qabul qilingan "Hukm chiqarish tizimini isloh qilish to'g'risida"gi Qonunning [8] tutgan o'rnini alohida ta'kidlash joiz. Ushbu Qonundan ko'zlangan maqsad hukm chiqarishdagi tengsizlikni qisqartirish, aniqlik va birxillikni kuchaytirish hamda hukm chiqarishning avvalgi modellarida kuzatilgan asossiz muloyimlikni tuzatishdan iborat edi [9, P.140]. Mazkur Qoidalarning yangi tahriri har yili AQSH Hukm chiqarish bo'yicha komissiyasi tomonidan yangi tahrirda chop etib borilib, sudyalarda o'rtasida federal jinoyat huquqining yetakchi manbalaridan biri hisoblanadi.

AQSH Hukm chiqarish bo'yicha komissiyasi sud hokimiyatining tarkibiga kiruvchi mustaqil agentlik sanalib, hukm chiqarishdagi farqlarni qisqartirish va hukm chiqarishdagi shaffoflik hamda mutanosiblikni ta'minlash uchun 1984 yilda Kongress tomonidan tashkil etilgan. Komissiya federal darajada hukm chiqarish amaliyoti yuzasidan keng doiradagi axborotni to'plash, tahlil qilish va tarqatish, shuningdek doimiy ravishda sud hokimiyati uchun hukm chiqarishning rahbariy prinsiplarini belgilash va o'zgartirib borish, jinoyatchilikka qarshi kurash sohasidagi samarali va ta'sirchan siyosatni ishlab chiqishda hokimiyatning boshqa tarmoqlariga ko'mak berish faoliyati bilan shug'ullanadi [10].

Ayni paytda, ellikta shtat, Kolumbiya okrugi va Namunaviy jinoyat kodeksi bilan birga AQSH hududida jami ellik ikkita jinoyat kodeksi mavjud [11, P.319].

AQSH Konstitutsiyasiga ko'ra, jinoiy javobgarlikni belgilash vakolati birinchi navbatda shtatlarga tegishli bo'lib, federal vakolatlar federal manfaatlar bilan maxsus bog'liq bo'lgan jinoyatlar (shu jumladan, harbiy bazalar singari faqatgina federal yurisdiksiya obyektlarida sodir etilgan jinoyatlar, ma'lum bir federal mansabdor shaxslarga qarshi jinoyatlar va birgina shtat hududida samarali ravishda ta'qib qilish qiyin bo'lgan hamda bir nechta shtatlar hududidagi xulq-atvor bilan bog'liq jinoyatlar, masalan giyohvandlik vositalari va uyushgan jinoyatchilik bilan bog'liq jinoyatlar) uchun jazo va ta'qiq bilan cheklangan. Jinoyatlarning katta qismi va mohiyatan barcha "ko'cha" jinoyatlari – odam o'ldirish, nomusga tegish, talonchilik, hujum qilish va o'g'irlik ellik nafar shtatlardan biri yoxud Kolumbiya okrugi jinoyat kodekslaridan birining yurisdiksiyasiga taalluqli sanaladi. Qayd etilgan kodekslar o'rtasida ko'plab xilma-xil me'yorlar mavjudligi bois, ko'pincha jinoyat huquqining biror-bir bandi yuzasidan "amerika qoidasini" shakllantirish qiyinchilik tug'diradi. Biroq, mazkur kodekslar o'rtasida ko'plab o'xshash jihatlar ham mavjudligining sababi asosan, Amerika Huquq instituti (American Law Institute) tomonidan ishlab chiqilib, 1962-yil 24-mayda uning yillik yig'ilishida qabul qilingan hamda 1960-1970-yillarda shtatlar kodekslari islohotlarining to'liqini keltirib chiqargan va ushbu kodekslarning har biriga o'z ta'sirini o'tkazgan Namunaviy jinoyat kodeksi (Model Penal Code) (keyingi o'rinlarda - AQSH JK)ning [12] ahamiyati bilan izohlanadi. Albatta, AQSH JKning keng tan olinmagan qator me'yorlari ham mavjud. Shunga qaramasdan, AQSH JK Amerika jinoyat kodeksi bo'lish uchun eng yaqin turgan jinoyat qonuni hisoblanadi. E'tiborli jihati, AQSH JK matnida har bir moddaning sharhi, shu bilan birga jinoyat-ijroiya huquqi me'yorlari ham o'z ifodasini topgan.

Yuqoridagilarga asoslanib, AQSH zamonaviy jinoyat huquqining manbalari qatoriga mamlakat Konstitutsiyasi va shtatlar Konstitutsiyalari, statutlar, pretsedentlar (case law) hamda qirqqa yaqin shtatlarda jinoyat huquqi manbai sifatida tan olinadigan AQSH JKni kiritish mumkin [13, S.80]. Statutlar qonun chiqaruvchi hokimiyat tomonidan qabul qilingan, ya'ni yozma shakldagi qonunlarni anglatib, barcha kodekslar, shu jumladan umumfederal hamda shtatlarning kodekslari ham statutlarni tashkil etadi.

Shuningdek, federal jinoyat huquqini kodifikatsiya qilish masalasi ham hali-hanuz ochiqlicha qolmoqda. Albatta, AQSHning juda uzoq muddat davomida amal qilgan federal jinoiy yustitsiya tizimi yagona jinoyat kodeksi mavjud bo'lmagan sharoitlarda o'z vazifalarini bajarishga moslasha olganiga qaramasdan, kodifikatsiya tufayli erishilishi mumkin bo'lgan afzalliklarning ahamiyati uni amalga oshirish bilan bog'liq xarajatlarning qiymatidan anchagina baland hisoblanadi [14, S.85].

Biz, quyida AQSH JKning jazoni yengillashtirish masalalariga doir me'yorlarini ko'zdan kechiramiz.

Birinchidan, JK 1.01(3)-moddasida jinoyat qonunining ortga qaytish kuchi, shu jumladan himoya yoki yengillashtirishga doir me'yorlarining sudlanuvchining roziligi bilan qo'llanilishiga yo'l qo'yilishi to'g'risida so'z boradi.

Ushbu Kodeksning 1.04-moddasiga ko'ra, jinoyat (crime)lar og'ir jinoyat (felony), qilmish (misdemeanor) hamda mayda huquqbuzarlik (petty misdemeanor)larga tasniflanadi. Og'ir jinoyat o'z navbatida, birinchi, ikkinchi va uchinchi darajadagi og'ir jinoyatlarga tasniflanadi (6.01-modda).

JK og'ir jinoyatlar uchun ozodlikdan mahrum qilish bilan bog'liq jazo tayinlashda ushbu jazo chorasining eng kam hamda eng ko'p muddatini belgilash yo'lidan (6.06-6.07, 7.03-moddalar), qilmish va mayda huquqbuzarlik uchun esa ozodlikdan mahrum qilish jazosining eng ko'p muddatini belgilash (6.08, 6.09, 7.04-moddalar) yo'lidan boradi. Qayd etilgan har ikkala holatda ham, sud jazo muddatini uzaytirish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Ikkinchidan, AQSH JK tavsiyalariga muvofiq, AQSH shtatlarining kodekslari qoida tariqasida, faqatgina ijrochi va ishtirokchilarni farqlaydi [15, S.118]. Biroq, AQSH JK matnida [15, S.116, 120] hamda AQSH qonunlar majmuida [16, S.72] "(Jinoyat sodir etish yuzasidan) oldindan kelishuv" (conspiracy) atamasi ham qo'llaniladi.

JK 2.06-moddasida jinoyatda ishtirokchilik (complicity) uchun javobgarlik, shuningdek ishtirokchilik deb topilmaydigan holatlar ham nazarda tutilgan bo'lsada, ishtirokchilarga nisbatan jazoni yengillashtirish yuzasidan biror-bir qoida belgilanmaydi. Shu jumladan, jinoyat sodir etilgunga qadar undan ixtiyoriy ravishda qaytgan, huquqni muhofaza qiluvchi organlarni o'z vaqtida xabardor qilgan va tegishli boshqa xatti-harakatlarni amalga oshirgan shaxs ishtirokchi deb topilmaydi.

E'tiborlisi, AQSHda xuddi Angliya singari nafaqat qasddan, balki ehtiyotsizlik orqasida sodir etilgan jinoyatlarda ham ishtirokchilikka yo'l qo'yiladi [16, S.74].

Uchinchidan, korporativ jinoiy javobgarlikni joriy qilish yuzasidan dastlabki urinishlar Angliya, AQSH va Kanada singari umumiy huquq tizimiga mansub mamlakatlarda amalga oshirilishi ularda sanoat inqilobining erta boshlanishi bilan qisman izohlanadi [17, P.2]. Xususan, AQSH da korporatsiyalar XX asr boshlaridan faol ravishda sudlar tomonidan jinoiy javobgarlikka tortilib kelingan. Xususan, AQSH JK yuridik shaxslarni ham jinoiy javobgarlik subyekti sifatida e'tirof etgan holda, ushbu Kodeksning 1.13(8)-moddasida "shaxs" (person) deganda, har qanday jismoniy shaxs (natural person) hamda zarur hollarda, korporatsiya (corporation) yohud korporativ bo'lmagan assotsatsiya (unincorporated association)ni anglatishi belgilab qo'yilgan. JK 2.07, 6.04 va boshqa moddalarida yuridik shaxslarning javobgarligi belgilangan bo'lsada, jazoni yengillashtirishning alohida tartibi to'g'risida so'z ketmaydi. Bunda, korporatsiya yoki korporativ bo'lmagan assotsatsiyaning xulq-atvori uchun yuridik javobgarligi sababli jinoiy javobgarlikka tortilayotgan shaxsga nisbatan, mazkur jismoniy shaxs tegishli darajadagi jinoyat uchun javobgarlikka tortilgan taqdirda tayinlanishi mumkin bo'lgan jazo tayinlanadi.

AQSH Hukm chiqarish bo'yicha komissiyasi tomonidan 2021-yilda chop etilgan "Hukm chiqarish bo'yicha federal Ko'rsatma"ning [18] "Tashkilotlarga nisbatan hukm chiqarish" deb nomlangan sakkizinchi bo'limiga muvofiq, "tashkilot" deganda, jismoniy shaxslardan tashqari boshqa shaxslar tushunilib, ushbu bo'limda tashkilotlarga nisbatan tayinlanadigan jazo turlari, jinoyat natijasida yetkazilgan

ziyonni bartaraf etish, to'lovga qobilyatsizlik asosida jarima miqdorini kamaytirish, shu jumladan belgilangan jazoning eng kam qismidan ham kamroq jazo tayinlash, shartli hukm qilish, tashkilot tomonidan jinoyatning tergov qilinishi yoki boshqa tashkilot tomonidan sodir etilgan jinoyatning ta'qib etilishi yohud jinoyat sodir qilgan tashkilot bilan bog'liq bo'lmagan shaxsni ta'qib etishda ko'rsatilgan yordam asosida hukumatning iltimosnomasiga binoan jazoning yengillashtirilishi singari masalalar o'z aksini topgan. Xususan, tashkilotga nisbatan yakuniy jazoni yengillashtiruvchi quyidagi ikki nafar yengillashtiruvchi holatlar qayd etilib, bular muvofiqlikni va etikani ta'minlashga doir samarali dasturning mavjudligi hamda o'z-o'ziga hisobot berish, hamkorlik va javobgarlikni qabul qilishdan iborat.

Bu borada, AQSHda muvofiqlikni va etikani ta'minlashga doir samarali dasturning mavjudligi korporativ sovuqqonlik (corporate negligence)da aybdor deb topilishning oldini olish uchun deyarli majburiy shartga aylanishga ulgurgan [19, P.559].

Shu o'rinda, yuridik adabiyotlarda yuqorida tilga olingan ko'rsatmaning amaliyotda [20, P.524-525; 21, P.1015, 1022, 1024; 22, P.1168-1169; 23, P.154; 24, P.18-19; 25, P.123; 26, P.2; 27, P.59-61], xususan tashkilotlarga jazo tayinlash masalasida [28, P.354-355] keltirib chiqarayotgan ko'plab ijobiy va salbiy oqibatlari munozaralarga sabab bo'layotganligini ta'kidlab o'tish joiz, deb hisoblaymiz. O'z navbatida, 2005 yildagi "Qo'shma shtatlar Bukerga qarshi" (United States v. Booker 2005) ishi yuzasidan AQSH Oliy Sudi tomonidan chiqarilgan qarorga ko'ra, Hukm chiqarish bo'yicha federal Ko'rsatmalarga (keyingi o'rinlarda - Ko'rsatma) majburiy ravishda amal qilgan holda hukm chiqarilishi mamlakat Konstitutsiyasining har qanday ayblanuvchining ishi qasamxo'rlar sudida ko'rilishini kafolatlovchi Oltinchi tuzatishiga [29] zid deb topilishi natijasida, qayd etilgan Ko'rsatma o'z majburiylik ahamiyatini yo'qotib, tavsivaviy ahamiyat kasb etgan bo'lsada, hali hanuz deyarli oltmish foiz hollarda hukmlar mazkur Ko'rsatmaga amal qilgan holda chiqarilmoqda [30, P.352, 354].

Shuningdek, federal prokurorlarning aybga iqrorlik to'g'risida kelishuv yoki ayblanuvchilar bilan kelishuv tuzish yuzasidan keng vakolatlarga ega ekanligi, sud jarayonlari kompaniyalar uchun ajralmas xatar hisoblanishi, ko'p hollarda prokuror bilan kelishilgan qarorning aniqligi sudning noaniq hukmidan afzalligi, hattoki yirik korporatsiyalar uchun ham sud jarayonlari juda katta xarajatlarga sabab bo'lishi mumkin ekanligi sababli, korporatsiyalarning sud ta'qibi kam hollarda jinoyat ishi yurituviga olib keladi hamda korporatsiyalar tez-tez ayblov tarafi bilan kelishilgan jazoning yengillashtirilishi yoki sud ta'qibini keyinga qoldirish yohud sud ta'qibidan voz kechish to'g'risidagi kelishuv evaziga o'z aybini bo'yniga oladi [31, S.171].

To'rtinchidan, AQSH JKning "Xulq-atvorni qonuniy deb topishning umumiy prinsiplari" deb ataladigan Uchinchi bo'limida qilmishning jinoiyligini istisno qiluvchi qator holatlar, xususan zaruriy mudofaa paytida kuch ishlatish (3.04-modda), boshqa shaxslarni himoya qilish uchun kuch ishlatish (3.05-modda), mol-mulkni himoya qilish uchun zo'rlikni qo'llash (3.06-modda), qonunni ijro qilish paytida kuch ishlatish (3.07-modda) o'z ifodasini topgan. Bu borada, V.D.Pakutinning

ta'kidlashicha, AQSH qonunchiligi zaruriy mudofaaning chegarasidan chetga chiqishga doir maxsus me'yorlarni aks ettirmasdan, zaruriy mudofaaning chegarasidan chetga chiqishga uncha og'ir bo'lmagan jinoyat sifatida qaralib, jinoiy javobgarlik yuzaga keladi [32]. Shu bilan birga, zaruriy mudofaaning chegarasidan chetga chiqqan holda odam o'ldirish sud pretsidenti bilan ham tartibga solinib, ushbu holat yengillashtiruvchi holat sifatida talqin qilinishi mumkin [33, S.49].

Qo'shimcha sifatida qayd etish lozimki, AQSH JKda qilmishning jinoiyligini istisno qiluvchi holatlar yuqoridagilar bilan cheklanmasdan, ushbu va undan avvalgi ikkinchi bo'limlarda ham qator shunday holatlar ko'zda tutiladi.

Beshinchidan, JK 4.01-moddasiga muvofiq, ruhiy kasallik yoki javobgarlikni istisno qiluvchi nuqson, ya'ni aqli norasolik holatida sodir etilgan qilmish javobgarlikni istisno qiladi. Bunda, mastlik holatida sodir etilgan qilmish aqli norasolikni tashkil etmaydi (2.08(3)-modda).

JK 4.02(2)-moddasida esa, ruhiy kasallik yoki muomalaga layoqatlilikni pasaytiruvchi nuqson o'lim jazosini nazarda tutuvchi ishlar yuzasidan jazoni yengillashtirish uchun asos vazifasini o'tashi belgilangan.

JK 4.08-moddasida esa, ruhiy kasallik yoki javobgarlikni istisno qiluvchi nuqson asosida chiqarilgan oqlov hukmining huquqiy oqibatlari borasida so'z yuritiladi.

Shunday qilib, sudlar ruhiy kasallik asosida jinoyatning og'irlik darajasini pasaytirish imkoniyatiga ega bo'lsada, ushbu maqsadga erishish uchun tizimli va shaffof metodologiya mavjud emas [34, P.21].

Oltinchidan, AQSH statut huquqida cheklangan aqli rasolik institutini to'g'ridan-to'g'ri tilga oluvchi me'yorlar mavjud bo'lmasada, ayrim shimoliy shtatlarda ayblanuvchi oldindan o'ylangan qasdni talab qiluvchi jinoyatni sodir qilish imkonini bermaydigan ruhiy holatda bo'lganligini tasdiqlovchi dalillarni taqdim etgan hollarda sudlar tez-tez cheklangan aqli rasolik konsepsiyasini qo'llab, jinoyatning og'irlik darajasini pasaytirgan holda jinoyatni malakalaydilar [35, S.327]. Qayd etish lozimki, AQSH jinoyat huquqida cheklangan aqli rasolik institutini ifodalovchi "qisman javobgarlik" (partial responsibility) va "kamaytirilgan javobgarlik" (diminished responsibility) atamaları ham qo'llanilgani holda, jinoyat huquqi mazkur institutning "axloqiy ahamiyati"ni tan olishga ulgurgan. Xususan, 2002 yildagi "Atkins Virjiniyaga qarshi" (Atkins v. Virginia) ishi yuzasidan Sud AQSH Konstitutsiyasiga Sakkizinchi tuzatishga asosan [29], aqliy jihatdan rivojlanishdan ortda qolgan shaxslarga nisbatan o'lim jazosi tayinlanishini qat'iy ta'qiqlagan holda, "Aqli zaif odamlar (mentally retarded persons) ko'pincha yaxshilik va yomonlik o'rtasidagi farqni biladilar. O'z ruhiy holatining buzilishi tufayli ularning anglash va axborotga ishlov berish, muloqot qilish, xatolardan xalos bo'lish va o'z tajribasiga tayangan holda o'rganish, mantiqiy fikrlash, impulslarni boshqarish hamda o'zgalarning reaksiyalarini tushunish qobiliyati pasaygan bo'ladi. Ularning kamchiliklari jinoiy jazodan ozod qilish uchun asos bo'lmasada, shaxsiy aybdorligini kamaytiradi. Qilmishiga yarasha jazolash borasida esa, tegishli jazoning og'irligi albatta jinoyatchining aybdorlik darajasidan kelib chiqadi", - deb qayd etadi [36,

P.289]. Bundan tashqari, “Hukm chiqarish bo‘yicha federal Ko‘rsatma”ning 5K2.13-moddasiga binoan, faqatgina zo‘rluk ishlatmasdan jinoyat sodir qilganlarga nisbatan bo‘lsada, jinoyatning sodir etilishiga “aqliy qobiliyatlarining sezilarli darajada kamayganligi” (significantly reduced mental capacity) sabab bo‘lgan taqdirda, jazoning yengillashtirilishi aniq belgilab qo‘yilgan [18].

Yettinchidan, AQSH JKda tamom bo‘lmagan jinoyatlar (inchoate crimes) bosqichlaridan faqatgina jinoyatga suiqasd qilganlik (criminal attempt) uchun javobgarlik belgilanadi. JK 5.01(3)-moddasiga ko‘ra, boshqa bir shaxsning jinoyat sodir etishiga ko‘maklashgan shaxs, mazkur boshqa bir shaxs tomonidan jinoyat sodir etilgan yoki sodir etishga suiqasd qilinganligidan qat’i nazar, unga ko‘maklashgan shaxs jinoyatga suiqasd qilganlik uchun javobgarlikka tortiladi. Ushbu me‘yor mazkur Kodeksning 2.06-moddasida jinoyatda ishtirokchilik uchun javobgarlikni belgilovchi me‘yorlarni to‘ldirish vazifasini bajaradi.

JK 5.05-moddasida suiqasd, jinoyatga dalolatchilik (solicitation) va jinoyat sodir etish yuzasidan oldindan kelishuv (conspiracy) uchun jazo tayinlash tartibi belgilangan, xususan jazoni yengillashtirish tartibi aks etgan. Bunda, ushbu moddada boshqacha tartib belgilanmagan bo‘lsa, aynan qaysi jinoyatga nisbatan suiqasd, dalolatchilik qilingan yohud jinoyat sodir etishda oldindan kelishuvning obykti bo‘lgan eng og‘ir jinoyat qanday kategoriyaga yoki darajaga ega bo‘lsa, suiqasd, dalolatchilik va jinoyat sodir etish yuzasidan oldindan kelishuv ham xuddi shunday kategoriya (grade) va darajadagi (degree) jinoyat sifatida baholanadi. Birinchi darajali og‘ir jinoyat (o‘lim jazosi nazarda tutilgan jinoyat) sodir etilishiga suiqasd, dalolatchilik qilingan yoki uni sodir etish yuzasidan oldindan kelishuvga erishilgan taqdirda, mazkur suiqasd, dalolatchilik yoki oldindan kelishuv ikkinchi darajali og‘ir jinoyat hisoblanadi.

Shuningdek, jinoyatga suiqasd, dalolatchilik yoki uni sodir etish yuzasidan oldindan kelishuvni aks ettiruvchi xulq-atvorning jinoyat sodir etilishiga olib kelishi yoki jinoyat sodir etilishi bilan tamomlanishining dargumonligi, ushbu jinoyatni mazkur moddaga ko‘ra malakalash uchun asos vazifasini o‘tovchi na mazkur xulq-atvor va na harakat qilayotgan shaxsning ijtimoiy xavfliligi mavjud bo‘lmagan taqdirda, sud ushbu Kodeksning 6.12-moddasida nazarda tutilgan vakolatlaridan foydalanishi hamda quyiroq kategoriya va darajadagi jinoyat uchun jazo tayinlashi, eng so‘nggi hollarda esa jinoiy ta‘qibni tamomlashi ham mumkin.

Sakkizinchidan, AQSH JK voyaga yetmaganlarning javobgarligi masalalariga ham e‘tibor qaratadi. Xususan, “yosh jinoyatchi” (young adult offender) deganda JK 6.05-moddasida, jazo tayinlash paytida o‘n olti yoshga to‘lgan, biroq yigirma ikki yoshga kirmagan shaxs ko‘zda tutiladi. Shuningdek, mazkur toifadagi shaxslarga nisbatan jazoni yengillashtirish, probatsiya yoki jazoni o‘tashdan muddatidan ilgari shartli ozod qilish tartibi ham belgilangan.

Bundan tashqari, JK 4.10-moddasiga asosan, jinoyat sodir etish paytida o‘n olti yoshdan kichikroq yoshda bo‘lgan shaxs mahkum qilinishi mumkin emas bo‘lgani holda, mazkur holatda voyaga yetmaganlarning ishlari bo‘yicha sud eksklyuziv yurisdiksiyaga ega hisoblanadi.

Umuman olganda, AQSHda voyaga yetmagan sudlanuvchilarning xususiyatlarini inobatga olish masalasi Konstitutsiya me'yorlari va jinoyat huquqining asosiy tamoyillarining chuqur tahlili bilan birga kechadi [37, S.163]. Bu sud amaliyotidagi qator misollarda o'z tasdig'ini topadi. Masalan, 2005 yildagi "Roper Simmonsga qarshi" (Roper v. Simmons 2005) ishi yuzasidan AQSH Oliy sudi voyaga yetmaganlarning aybi "kamaytirilgan" (diminished culpability) hisoblanishi va ularning mas'uliyatsiz xulq-atvori kattalarniki singari nojo'ya bo'lmaganligi bois, voyaga yetmagan shaxslarga nisbatan tayinlangan o'lim jazosini Konstitutsiyaga xilof deb topgan. Shuningdek, 2012 yildagi "Miller Alabamaga qarshi" (Miller v. Alabama 2012) ishi bo'yicha qabul qilingan qarorga ko'ra, odam o'ldirish jinoyatini sodir etgan voyaga yetmagan shaxslarga nisbatan jazoni o'tashning muddatidan ilgari ozod bo'lish huquqsiz umrbod ozodlikdan mahrum qilish jazosining majburiy ravishda tayinlanishi Konstitutsiyaga zid deb topilgan hamda ushbu qarorni voyaga yetmaganlar aybining kamaytirilganligi, shaxsiyatining o'zgarish xususiyati, shuningdek ularning yoshi va bu bilan bog'liq yetuk emaslik, impulsivlik hamda o'z xulq-atvorining xatarlari va oqibatlarini to'liq baholay olmaslikdan iborat xislatlarini e'tiborga olish zaruriyati bilan izohlangan [38, P.679-681, 682-684].

Demak, AQSHda o'smirlarga nisbatan tayinlanadigan og'irroq jazo chorasi bo'lib uzoq bo'lmagan muddatga ozodlikdan mahrum qilish hisoblanadi. Va voyaga yetmaganlarning manfaatlari himoyasi shtatlarning jinoyat qonunchiligi me'yorlari bilan turli hajmda ta'minlanishi AQSH federalizmining o'ziga xos jihatlari bilan izohlanadi [39, S.77].

AQSH yuvenal yustitsiyasida 1974 yildagi "Yuvenal yustitsiya va huquqbuzarliklarning oldini olish to'g'risida"gi Federal qonunning [40] muhim o'rin egallashini ta'kidlash lozim.

O'z navbatida, mamlakat yuvenal tizimining qator kamchiliklarga ega ekanligini ham unutmash lozim [41, P.57-60, 63-64; 42, P.318-319]. Shu kabi kamchiliklarning ifodasi bo'lmish bir qator ishlarda, masalan, "Jekson Xobsga qarshi" (Jackson v. Hobbs) ishida o'n to'rt yoshli jinoyatchi jazoni o'tashdan muddatidan ilgari ozod bo'lish huquqsiz umrbod ozodlikdan mahrum etiladi. Biroq, AQSH Oliy sudi qayd etilgan qaror AQSH Konstitutsiyasiga kiritilgan "insonni shafqatsiz jazolarga tortilmasligini kafolatlovchi" Sakkizinchi tuzatishga zid degan xulosaga keladi. Ayni paytda, Oliy sud yuqoridagi holatda hukm chiqaruvchi organ tegishli shtat qonunchiligidan chetga chiqa olmaganligi bois, jinoyatchilarning yoshligi va shunga bog'liq holatlarni yengilroq jazo tayinlash uchun asos sifatida hisobga olingan taqdirda ham boshqa jazo chorasini tayinlay olmaganligini, aslida esa sud yoki qasamxo'rlar voyaga yetmaganlarga nisbatan eng og'ir jazo chorasini tayinlashdan avval yengillashtiruvchi holatlarni ko'rib chiqish imkoniyatiga ega bo'lishi lozimligini qayd etadi. Shu bilan, 2005 yilda Oliy sud o'n sakkiz yoshga to'lmagan barcha voyaga yetmagan jinoyatchilarga nisbatan o'lim jazosi tayinlanishini ta'qiqlaydi [43]. Sud amaliyotida xuddi yuqoridagi kabi jazo o'n uch yoshdagi voyaga yetmagan shaxslarga tayinlangan holatlar ham uchraydi [44; 45].

To‘qqizinchidan, AQSH JK jazoni o‘tashdan muddatidan ilgari shartli ozod qilish (parole) (6.10, 305.1-305.19, 402.1-402.3, 404.1-404.3-moddalar), shartli hukm qilish (probation) (7.01, 301.1-301.6, 404.1-405.4-moddalar), shuningdek yaxshi xulq-atvor uchun jazoni o‘tash muddatining (303.8, 305.1, 305.3-moddalar) hamda jazoni o‘tashdan muddatidan ilgari shartli ozod qilish muddatining (305.2-305.3-moddalar) qisqartirilishi tartibi ham mustahkamlangan.

O‘ninchidan, aybga iqrorlik to‘g‘risida kelishuv (plea agreement) instituti “Hukm chiqarish bo‘yicha federal Ko‘rsatma”ning [18] oltinchi bo‘limi “B” qismida o‘z ifodasini topgan. Albatta, ushbu institut doirasida jazoni yengillashtirish yuzasidan kelishuvga erishish imkoniyatlari ham talaygina hisoblanadi [46, P.1187; 47, S.140-141; 48, S.52; 49, P.1269-1270; 50, S.171-172; 51, P.596-597; 52, P.808-809].

O‘n birinchidan, AQSH JKda “yengillashtiruvchi holatlar” (mitigating circumstances, mitigating factors) (210.6-modda), “jiddiy ahamiyatga ega yengillashtiruvchi holatlar” (substantial mitigating circumstances) (210.6-modda), “yengillikni talab qilish uchun yetarlicha ahamiyatga ega bo‘lgan” yengillashtiruvchi holatlar” (mitigating factors “sufficiently substantial to call for leniency”) (210.0-210.6-moddalarga sharh) atamaları tilga olingan bo‘lsada, ularning birontasiga JK matnida rasmiy ta’rif keltirilmagan.

JK yengillashtiruvchi holatlarning barcha jinoyat tarkiblariga tatbiq etiladigan umumiy ro‘yxatini aks ettirmagan bo‘lsada, jazoni yengillashtirishning ayrim tartiblarini ifoda etadi:

1. Sud tomonidan hukmning og‘irlik darajasi quyiyoq bo‘lgan og‘ir jinoyatgacha yoki qilmishga qadar yengillashtirilishi (6.12-modda). Shaxs og‘ir jinoyatga hukm qilingan taqdirda, sud jinoyatning xususiyati va holatlarini, shuningdek sudlanuvchining tarixi va xarakterini inobatga olgan holda jazo tayinlash Kodeksiga ko‘ra asossiz og‘ir bo‘lar edi deb hisoblasa, sud sudlanuvchining og‘irlik darajasi quyiyoq bo‘lgan og‘ir jinoyat yoki qilmishni sodir etganlikda aybdor deb topishga va tegishli jazo chorasini tayinlashga haqli.

2. Sud ta’qibi yoki jazoning o‘rniga fuqarolik majburiyati, ya’ni majburiy davolashning (civil commitment) tayinlanishi (6.13-modda). Qilmish yoki mayda huquqbuzarlik (uchinchi darajadagi og‘ir jinoyat) uchun sud ta’qibiga duchor bo‘lgan shaxs surunkali alkogolizmga, giyohvandlikka (fohishalikka) yo‘liqqan yohud ruhiy nuqsondan aziyat chekayotgan shaxs bo‘lgan hamda sud qonunga ko‘ra bunday shaxsni kasalxona yoki boshqa muassasaga tibbiy, ruhiy yoki reabilitatsiyaviy davolanish uchun joylashtirishdan iborat fuqarolik majburiyatini yuklashga vakolatli bo‘lgan taqdirda, sud bu haqda buyruq chiqarishi va sud ta’qibini to‘xtatishi mumkin. Mazkur buyruq ayblov hukmi e’lon qilinganidan so‘ng ham chiqarilishi, ushbu holatda sud hukmi bekor qilishi hamda sud ta’qibini to‘xtatishi mumkin.

3. JK 210.6(4)-moddasida odam o‘ldirish (murder) jinoyati uchun jazoni yengillashtiruvchi holatlarning quyidagi ro‘yxatini nazarda tutadi:

a) ayblanuvchi avvalgi jinoiy faoliyatiga doir jiddiy tarixga ega emasligi;

b) ayblanuvchi kuchli ruhiy yoki asabiy zo'riqish ta'siri ostida bo'lgan paytida jinoyat sodir qilinishi;

v) jabrlanuvchi ayblanuvchining jinoyat sodir etishga qaratilgan xulq-atvorining ishtirokchisi bo'lganligi yoki jinoyat sodir etilishiga rozilik berganligi;

g) jinoyat sodir etish holatlari ayblanuvchining fikriga ko'ra uning xulq-atvorining ma'naviy jihatdan oqlanishi yoki yengillashtirilishini ta'minlaydi, deb hisoblangan holatlarda jinoyat sodir etilishi;

d) ayblanuvchi boshqa bir shaxs tomonidan sodir etilayotgan odam o'ldirish jinoyatining ishtirokchisi bo'lganligi hamda mazkur ishtirokchilikning kam ahamiyatli ekanligi;

e) ayblanuvchi majburlash yoki boshqa bir shaxsning ta'siri ostida harakat qilganligi;

j) jinoyat sodir qilish paytida ayblanuvchining o'z xulq-atvorining jinoiy (huquqqa xilof) ekanligini anglash yohud xulq-atvorini qonun talablariga muvofiqlashtirish imkoniyatining ruhiy kasallik, nuqson yoki mastlik oqibatida izdan chiqqanligi;

z) jinoyat sodir etish paytida ayblanuvchining yosh ekanligi.

O'n ikkinchidan, afv etish (pardon) institutini qo'llash tartibi AQSH JK 402.2(2)-moddasida ko'zda tutilgan. Bunda, gubernatorning so'roviga ko'ra, Muddatidan ilgari shartli ozod qilish Kengashi (The Board of Parole) unga afv etish, jazoning ijrosini keyinga qoldirish va yengillashtirish yuzasidan kelib tushgan murojaatlar bo'yicha maslahatlar beradi hamda tegishli so'rovga asosan surishtiruv o'tkazgan holda, yuqorida qayd etilgan murojaatga taalluqli bo'lgan, xususan mahkum tomonidan sodir etilgan jinoyatga doir faktlar va holatlar, avvalgi sudlanganligi, ijtimoiy o'tmishi, jismoniy, ruhiy holatiga doir yozuvlarni to'playdi.

Demak, barcha shtatlarning gubernatorlari tegishli shtat yurisdiksiyasiga taalluqli bo'lgan jinoyatlar yuzasidan, mamlakat Prezidenti esa, AQSH Konstitutsiyasining II-moddasi ikkinchi bo'limiga muvofiq [29], impichment bilan bog'liq ishlarni istisno qilgan holda, Qo'shma Shtatlarga qarshi qaratilgan jinoyatlar yuzasidan kechiktirishlar (reprieves) hamda afv etish vakolatiga ega hisoblanadi. Bu yerda so'zma-so'z "amnistiya" (amnesty) atamasidan foydalanilmagan bo'lsada, ayrim mualliflar "kechiktirishlar" atamasi Prezidentning muayyan bir shaxslar guruhiga nisbatan amnistiya e'lon qilish vakolatini anglatishini ilgari suradilar [53, S.109]. Boshqa mualliflar esa, prezidentning afv etishga doir vakolatlari haqiqatda besh turdagi vakolatlarni, xususan afv etish, jazoning ijrosini vaqtinchalik kechiktirish, jazoni yengillashtirish, amnistiya, shuningdek jarima va mol-mulk musodarasini bekor qilish huquqlarini o'z ichiga oladi, deb hisoblaydilar [54, P.1652].

Keng ko'lamli amnistiya sifatida prezident Trumen tomonidan Ikkinchi jahon urushiga chaqiruvdan bo'yin tovlaganlarga nisbatan hamda prezident Karter tomonidan Vetnam urushi paytida "Tanlov asosida xizmatni o'tash to'g'risida"gi Qonunni buzganlarga nisbatan e'lon qilingan amnistiya hujjatlari tarixda qolgan [54,

P.1656]. Mazkur va boshqa holatlar [55, P.7] misolida AQSHda ommaviy amnistiyalar asosan harbiy nizolardan keyin e'lon qilinishi orqali "siyosiy" jinoyatlardan himoya vositasini bajaradi degan fikrga kelish ham mumkin [56, P.230].

Qiziqarlisi, AQSH shtatlarining o'lim jazosiga mahkum etilganlarni afv etishga doir qonunchiligi afv etishning quyidagi turlarini belgilab beradi:

mahkumning oqlanganligi munosabati bilan ozod qilinishi;

o'lim jazosining umrbod yoki uzoq muddatga ozodlikdan mahrum qilish jazosi bilan, ko'p hollarda muddatidan ilgari shartli ozod bo'lish huquqisiz yoxud ushbu huquqdan foydalanish uchun jazoning o'ttiz besh yil muddatini o'tash lozimligiga doir shart bilan almashtirilishi;

o'lim jazosining ijrosini o'n besh yilgacha bo'lgan muddatga keyinga qoldirish.

Yana bir e'tiborli jihati, AQSH Prezidenti mamlakat federal qonunchiligida nazarda tutilgan jinoyatlar uchun mahkum etilganlarni afv etishga doir iltimosnomalarni ko'rib chiqish jarayonida, nafaqat hukm chiqarilganidan so'ng, balki balki hukm chiqarilishidan avval yoki uni chiqarish paytida to'liq (shartlarsiz) [57, P.429] yoki qisman (shartli) [58, P.1718-1719] afv etish yuzasidan qaror qabul qilishi mumkin [59, S.13].

Prezident yoki gubernator tomonidan to'liq afv etilgan shaxs yana ovoz berish hamda jamoatchilik ishonchiga asoslanadigan turli xil lavozimlarni egallashi mumkin bo'lsa, shartli afv etish kuchga kirishidan avval jinoyatchining zimmasiga ma'lum bir shartni yuklaydi [60, P.124-125].

Shuningdek, AQSH prezidentlarini afv etish to'g'risidagi iltimosnomalarni qanoatlantirish masalasida saxiy deb bo'lmaydi. Shu jumladan, 1860-1900 yillarda mazkur iltimosnomalarning 49%, 1961-1980 yillarda esa 28% qanoatlantirilgan bo'lsa, ushbu ko'rsatkich tobora kamayib borayotganligini kuzatish mumkin. Hattoki, prezidentlar Reygan, Bush, Klinton va kichik Bush davrida jazoni yengillashtirishga doir iltimosnomalarning bor-yo'g'i 0,5% qanoatlantirilganligiga guvoh bo'lamiz. Albatta mazkur dinamikaning o'ziga xos sabablari bo'lishi lozim [61, P.1131-1132]. Bu borada, prezident Ford tomonidan o'zidan avvalgi, ya'ni "Uotergeyt mojarosi" tufayli lavozimini tark etgan sobiq prezident Niksonni afv qilgani ham ma'lum va mashhur [56, P.214]. O'z navbatida, afv qilish institutining byurokratik va shaffof bo'lmagan jarayon ekanligi, Adliya vazirligining martabaga intiluvchi prokurorlari tomonidan nazorat qilinishi singari sabablar tufayli tanqid qilinishi hamda ushbu institutni isloh qilishga doir ko'plab takliflarni ilgari suruvchi mualliflar ham yo'q emas [62, P.850-851].

Qayd qilinganlarga ko'ra, AQSh jinoyat qonunchiligida ham pretsedent huquqi, ham AQSh Namunaviy jinoyat kodeksi jazoni yengillashtirish institutining tartibga solinishida alohida o'rin egallaydi. Xususan, AQSH JKda jinoyat qonunining ortga qaytish kuchi, qilmishning jinoiyligini istisno qiluvchi holatlar, cheklangan aqli rasolik holatida va ishtirokchilikda sodir etilgan jinoyatlar uchun jazo tayinlash, suiqasd bosqichida sodir etilgan tamom bo'lmagan jinoyatlar uchun jazoni yengillashtirish, voyaga yetmagan shaxslarga jazo tayinlash, jazoni o'tashdan

muddatidan ilgari shartli ozod qilish va shartli hukm qilish, aybga iqrorlik to‘g‘risida kelishuv vositasida yengilroq jazo tayinlanishiga erishish, yengilroq jazo tayinlash, afv etish va amnistiya subinstitutlari o‘z ifodasini topgan. Shu o‘rinda, JK matnida yengillashtiruvchi holatlatning yagona ro‘yxati keltirilmaganligi tufayli, qaysi bir holatni yengillashtiruvchi holat deb topish masalasi asosan sud pretsedenti vositasida hal etiladi. Faqatgina, AQSH Hukm chiqarish bo‘yicha komissiyasi tomonidan 2021-yilda chop etilgan “Hukm chiqarish bo‘yicha federal Ko‘rsatma”da yuridik shaxslarga nisbatan jazo tayinlashda hisobga olinadigan ikki nafar yengillashtiruvchi holatdan tarkib topgan qisqa ro‘yxatni ko‘rish mumkin.

Fikrimizcha, jazoni yengillashtirish institutini o‘rganayotgan tadqiqotchilar uchun AQShning bu boradagi boy va ko‘p yillik qonunchilik tajribasi katta qiziqish uyg‘ota oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Мелешко Н.П., Тарло Е.Г. Уголовно-правовые системы России и зарубежных стран (криминологические проблемы сравнительного правоведения, теории, законодательная и правоприменительная практика). М.: Юрлитинформ, 2003. - 304 с.

2. Сундуров Ф.Р., Талан М.В. Наказание в уголовном праве: Учебное пособие. – М.: Статут, 2015. – 256 с.

3. Мухтаров Н.К. Сравнительно-правовой анализ источников уголовного права зарубежных стран // Ученые записки Санкт-Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии. 2017. № 1 (61). С. 80-83.

4. Вяткина М.Ю., Фокин М.С. Необходимая оборона собственности по уголовному праву США: проблемы уголовно-правовой оценки // Вестник Омского университета. Серия «Право». 2012. № 2 (31). С. 228-234.

5. United States Code (AQSH). URL: <https://uscode.house.gov>

6. Code of federal regulations (AQSH). URL: <https://www.ecfr.gov>

7. Нагорная И.И. Проблемы установления вины в уголовном праве США и Франции (обзор) // Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Серия 4: Государство и право. 2018. № 1. С. 161-170.

8. Sentencing Reform Act 1984 (USA). URL: <https://www.ussc.gov/sites/default/files/pdf/research-and-publications/research-projects-and-surveys/miscellaneous/15-year-study/chap1.pdf>

9. South African Law Commission. Sentencing Mandatory Minimum Sentences. Issue Paper 11, Project 82, 1997, 64 p.

10. About United States Sentencing Commission. URL: <https://www.ussc.gov>

11. Paul H. Robinson and Markus D. Dubber. The American Model Penal Code: a Brief Overview // New Criminal Law Review, 2007, Vol. 10, No. 3, pp. 319-341.

12. Model Penal Code, 1962 (АҚШ). URL: [https://ia800102.us.archive.org/29/items/ModelPenalCode_ALI/MPC%20full%20\(504%20pages\).pdf](https://ia800102.us.archive.org/29/items/ModelPenalCode_ALI/MPC%20full%20(504%20pages).pdf)
13. Боронбеков С. Преступление и наказание по уголовному праву Соединенных Штатов Америки (краткая характеристика) // Человек: преступление и наказание. 2011. № 3 (74). С.79-83.
14. Кочемасов А.В. Проблемы кодификации федерального уголовного права США // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 11. Право. 2013. № 6. С. 73-85.
15. Кольцов М.И. Уголовно-правовая характеристика соучастия по уголовному законодательству зарубежных государств // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. 2014. № 10 (138). С. 115-122.
16. Безбородов Д.А. Особенности законодательной регламентации совместного преступного деяния по уголовному праву Великобритании и США // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России, №1(25), 2005. С. 71-75.
17. Markus Wagner. Corporate criminal liability: National and international responses // Background Paper for the International Society for the Reform of Criminal Law 13th International Conference Commercial and Financial Fraud: A Comparative Perspective Malta, 8-12 July 1999. 10 p.
18. Guidelines Manual 2021 (АҚШ). URL: <https://www.ussc.gov/guidelines/2021-guidelines-manual-annotated>
19. Cristina De Maglie. Models of corporate criminal liability in comparative law // Washington University Global Studies Law Review, 2005, Vol. 4, pp. 547-566.
20. Nancy Gertner. From Omnipotence to Impotence: American Judges and Sentencing // Ohio State Journal of Criminal Law, 2007, Vol. 4, No. 2, pp. 523-539.
21. MaryBeth Lipp. A New Perspective on the “War on Drugs”: Comparing the Consequences of Sentencing Policies in the United States and England // Loyola of Los Angeles Law Review, 2004, Vol. 37, No. 4, pp. 979-1036.
22. Mirko Bagaric. A Rational Theory of Mitigation and Aggravation in Sentencing: Why Less is More When It Comes to Punishing Criminals // Buffalo Law Review, 2014, Vol. 62, No. 5, pp. 1159-1237.
23. Rhys Hester. Sentencing in US-American Jurisdictions // Göttingen Studies in Criminal Law and Criminal Justice, 2020, Vol. 38, pp. 151-183.
24. Mirko Bagaric. Rich Offender, Poor Offender: Why It (Sometimes) Matters in Sentencing // Minnesota Journal of Law & Inequality, 2015, Vol. 33, Issue 1, pp. 1-51.
25. David Bjerck. Mandatory Minimums and the Sentencing of Federal Drug Crimes // Journal of Legal Studies, Vol. 46 (1), January 2017, pp. 93-128.
26. United States Sentencing Commission. Overview of Mandatory Minimum Penalties in the Federal Criminal Justice System. July 2017, 83 p.
27. Michael Tonry. Parochialism in U.S. Sentencing Policy // Crime & Delinquency, January 1999, Vol. 45, No. 1, pp. 48-65.

28. Pamela H. Bucy. Organizational Sentencing Guidelines: The Cart Before the Horse // Washington University Law Quarterly, 1993, Vol. 71, pp. 329-355.

29. Constitution of the United States (АКШ). URL: <https://constitution.congress.gov/constitution/>

30. Mirko Bagaric. The Punishment Should Fit the Crime - Not the Prior Convictions of the Person That Committed the Crime: An Argument for Less Impact Being Accorded to Previous Convictions in Sentencing // San Diego Law Review, 2014, Vol. 51, pp. 343-418.

31. Баиров Т.Г. О проблемных сторонах института уголовной ответственности юридических лиц в странах англо-американского права // Образование и право, №10, 2019. С. 168-172.

32. Пакутин В.Д. Превышение пределов необходимой обороны по законодательству стран дальнего зарубежья (сравнительный анализ) // Проблемы совершенствования и применения законодательства о борьбе с преступностью: материалы Всероссийской научно-практической конференции. - Ч. I. - Уфа: РИО БашГУ, 2004. - С. 62-63.

33. Шаяхметов Т.Р. Некоторые аспекты развития и применения института необходимой обороны в Соединенных Штатах Америки // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения № 1 – 2016. С. 46-52.

34. Mirko Bagaric. A Rational (Unapologetically Pragmatic) Approach to Dealing with the Irrational – The Sentencing of Offenders with Mental Disorders // Harvard Human Rights Journal, 2016, Vol. 29, 56 p.

35. Кононов А.Д. Уголовная ответственность лиц с психическим расстройством, не исключающим вменяемости, в уголовном праве зарубежных стран // Наука и современность. 2012. №17. С. 325-329.

36. Stephen J. Morse. Diminished Rationality, Diminished Responsibility // Ohio State Journal of Criminal Law, 2003, Vol. 1, No. 1, pp. 289-308.

37. Нагорная И.И. Избыточная уголовная репрессия в США // Право. Журнал Высшей школы экономики. 2015. № 3. С. 157-167.

38. Kelsey B. Shust. Extending Sentencing Mitigation for Deserving Young Adults // Journal of Criminal Law and Criminology, 2014, Vol. 104, Issue 3, pp. 667-704.

39. Сулейманова И.Е. Сравнительный анализ законодательства зарубежных стран по противодействию молодежной преступности // Вестник Уральского юридического института МВД России. 2018. №1. С. 75-79.

40. Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act of 1974 (АКШ). URL: <https://www.congress.gov/bill/114th-congress/senate-bill/1169/text>

41. Jeffrey M. Jenson, Cathryn C. Potter and Matthew O. Howard. American Juvenile Justice: Recent Trends and Issues in Youth Offending // Social Policy & Administration, Vol. 35, No. 1, March 2001, pp. 48-68.

42. Jennifer A. Zepeda. Sentencing Juveniles for Murder in France and the United States: Are They Juveniles Who Commit Adult Crimes or Adult Criminals Who are Juveniles // 1999, Vol. 22, No. 2, pp. 289-319.

43. Jackson v. Hobbs: Supreme Court Limits Sentences for Youngest Offenders. URL: <https://constitutionallawreporter.com/2012/08/16/jackson-v-hobbs-supreme-court-limits-sentences-for-youngest-offenders/>

44. USA: Further information: Critical stage in case of 13-year-old boy. URL: <https://www.amnesty.org/en/wp-content/uploads/2021/07/amr510012011en.pdf>

45. Cruel and Unusual: Sentencing 13- and 14-Year-Old Children to Die in Prison. URL: https://www.nyu.edu/about/news-publications/news/2007/october/cruel_and_unusual_sentencing.html

46. Carol A. Brook, Bruno Fiannaca, David Harvey, Paul Marcus, Jenny McEwan. A Comparative Look at Plea Bargaining in Australia, Canada, England, New Zealand, and the United States // William & Mary Law Review, 2016, Vol. 57, pp. 1147-1224.

47. Марков А.Я. Досудебное соглашение о сотрудничестве в свете последних изменений уголовно-процессуального законодательства РФ // Вестник Международного института экономики и права. 2010. №1. С. 135-143.

48. Шаталов А.С. Досудебное соглашение о сотрудничестве — новый институт российского уголовного судопроизводства // Право. Журнал Высшей школы экономики. 2009. №4. С. 51-60.

49. Darryl K. Brown. Judicial power to regulate plea bargaining // William & Mary Law Review, 2016, Vol. 57, pp. 1225-1276.

50. Бирюков П.Н., Жданов И.Н. Назначение наказания при заключении сделки о признании вины в США // Вестник ВГУ. Серия: Право. 2015. №2. С. 164-175.

51. Markus Dirk Dubber. American Plea Bargains, German Lay Judges, and the Crisis of Criminal Procedure // Stanford Law Review, 1997, Vol. 49, pp. 547-605.

52. Nancy Amoury Combs. Rehabilitating charge bargaining // Indiana Law Journal, 2021, Vol. 96, Issue 3, pp. 803-864.

53. Мишин А.А., Власихин В.А. Конституция США. Политико-правовой комментарий. Учебное пособие. М., 1985. - 336 с.

54. Kristen H. Fowler. Limiting the Federal Pardon Power // Indiana Law Journal, 2008, Vol. 83, Iss. 4, pp. 1651-1669.

55. Budd N. Shenkin, David I. Levine. Should the Power of Presidential Pardon be Revised? // Hastings Constitutional Law Quarterly, 2019, Vol. 47, No. 1, pp. 3-18.

56. Jody C. Baumgartner, Mark H. Morris. Presidential Power Unbound: A Comparative Look at Presidential Pardon Power // Politics & Policy, 2001, Vol. 29, No. 2, pp. 209-236.

57. Philip Oamen. Grant of Presidential Pardon in the United States and Nigeria: Posthumousness, Corporateness and other matters // Commonwealth Law Bulletin, 2020, Vol. 47, Issue 3, pp. 417-452.

58. Harold J. Krent. Conditioning the President's Conditional Conditional Pardon Power // California Law Review, 2001, Vol. 89, No. 6, pp. 1165-1720.

59. Стрелков Д.О. Правовое регулирование помилования в России и США // Уголовно-исполнительное право. 2011. №2. С. 12-15.

60. Imo Udofa. The Abuse of Presidential Power of Pardon and the Need for Restraints // Beijing Law Review, 2018, Vol. 9, No. 2, pp. 113-131.

61. Albert W. Alschuler. Bill Clint Bill Clinton's Parting Pardon Party // Journal of Criminal Law and Criminology, 2010, Vol. 100, No. 3, pp. 1131-1168.

62. Andrew Novak. Transparency and Comparative Executive Clemency: Global Lessons for Pardon Reform in the United States // University of Michigan Journal of Law Reform, 2016, Vol. 49, No. 4, pp. 817-851.

ТОЖАЛИЕВ Илёсбек Лочинбой ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси*

ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг сабабларига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада мазкур жиноятларнинг сабаблар ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитларга доир олимларнинг фикирлари таҳлил этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлари: пиротехника, буюмлар, боғлиқ, қонунга хилоф, муомала, жиноятлар, жавогарлик, сабаблар, шарт-шароитлар, омиллар.

ПРИЧИНЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НЕЗАКОННЫМ ОБРАЩЕНИЕМ С ПИРОТЕХНИЧЕСКИМИ ИЗДЕЛИЯМИ

Аннотация: в данной статье описаны причины преступлений, связанных с незаконным обращением с пиротехническими изделиями. В статье также анализируются мнения ученых о причинах этих преступлений и условиях, их создающих, даются соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: пиротехника, предметы, зависимые, противоправные, сделки, преступления, противостояние, причины, условия, факторы.

CAUSES OF CRIMES RELATED TO THE ILLEGAL HANDLING OF PYROTECHNIC PRODUCTS

Abstract: this article describes the causes of crimes associated with the illegal handling of pyrotechnic products. The article also analyzes the opinions of scientists about the causes of these crimes and the conditions that create them, and makes appropriate proposals and recommendations.

Key words: pyrotechnics, objects, dependent, illegal, transactions, crimes, confrontation, reasons, conditions, factors.

Жиноятлар профилактикаси бугунги кунда ҳар бир жамият ва давлат олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Жиноятчиликка қарши кураш, жиноятлар профилактикаси амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, кейинги

даврда жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектларнинг содир этилган пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда оқибатларини бартараф қилиш, унга қарши курашиш вазифалари билан бирга, жиноятларни барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятини ҳам такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда[1].

Албатта, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасининг самарадорлиги жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш фаолиятига бевосита боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, жиноятларнинг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тизимли ўрганиш, уларни тадқиқ этиш, тадқиқотлар асосида профилактик фаолиятни такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Шу нуқтаи-назардан пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини батафсил ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш ҳам ҳуқуқий, ҳам психологик, ҳам фалсафий, шунингдек ижтимоий ёндашувларни талаб қилади.

Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тадқиқ этишда, энг аввало, “сабаб” ҳамда “шароит” сўзларининг луғавий маъноларига тўхталиб ўтиш лозим. “Сабаб” сўзи ўзбек тилида бир қатор маъноларда қўлланилади, яъни бирор иш-ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг юзага келишида, содир бўлишида омил бўлган бошқа воқеа; бирор иш-ҳаракат ёки ҳолат учун асос бўлган нарса; бирон бир вақт мобайнида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодиса[2].

“Шароит” сўзи эса объектив ҳолдаги муайян вазият, бирор нарсанинг бўлишига таъсир этувчи ҳолат, имконият сифатида изоҳланади[2]. Мазкур тушунчалар луғавий маъноларига кўра ҳам ўзаро узвий боғлиқ. Қайд этиш жоизки, жиноятнинг содир этилишига асос бўлган сабаблар, ўз навбатида, муайян шароитларда маълум бир оқибатларни келтириб чиқаради. Сабаб ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги, бу икки воқеъеликнинг эса шароит билан узвий алоқада эканлиги қонунияти жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Профессор З.Зарипов жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини қуйидагича тавсифлаган, яъни “жиноятчилик сабаблари ижтимоий-психологик

воқеълик сифатида жиноятчилик ҳамда жиноятларни келтириб чиқарувчи ўзига хос жараёнлар тизимидир, жиноятчиликнинг шароитлари эса ўзига хос равишда унинг сабаблари юзага келишини жадаллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олади”[3].

Ушбу ўринда муаллиф жиноятчиликнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнайдиган сабаб ва шароитнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини, ҳар қандай шароитнинг ўзи мустақил жиноятчилик ва жиноятни келтириб чиқармаслигини, шароит мавжуд бўлган ҳолда бирор-бир жиноят сабабсиз содир бўлмаслигини аниқ ва равшан ифодалаб берган. Қайд этиш жоизки, жиноятларнинг сабаблари ўрганилганда, уларнинг содир этилишига баъзан биргина сабаб, ёхуд давомий сабаблар асос бўлган.

Муайян бир жиноятга олиб келган сабаблар кетма-кетлиги, айниқса, жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят, яъни пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларда яқол намоён бўлади.

Катта даромад илинжида юрган баъзи нопок кимсалар ҳаёт учун хавфли бўлган пиротехника воситаларини ёшлар, асосан мактаб ўқувчиларига пулламоқчи бўлаяптилар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Янги йил кунлари давомида пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласи мавзуси тобора долзарб тус олаётгани бежиз эмас. Ижтимоий тармоқларда аллақачон пиротехникадан фойдаланишнинг аянчли оқибатлари акс этган видеолар ҳам тарқалиб улгурмоқда. Осойишталик, ёнғин хавфсизлиги ва энг аввало саломатликка жиддий хавф туғдирадиган бу турдаги воситаларнинг зарари ва оқибатлари ҳақида барча мутасадди давлат органлари томонидан ҳам кенг миқёсдаги тушунтириш тарғибот ишлари амалга ошириб келинмоқдаки, ушбу масала шу кеча-ю кундузда бир қадар долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрдаги “Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, пиротехника воситаларини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, ушбу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш, савдоси билан шуғулланиш, у билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилаяпти.

Ноқонуний иш билан шуғулланаётган кимсаларга албатта жазо муқаррар. Аммо болаларни пиротехника воситаларидан асрашга барчамиз бирдек масъулмиз. Ота-оналар оилада огоҳликни оширишлари зарур. Маҳаллаларда ҳам болаларнинг нима билан машғул бўлаётганини кузатиш, ноқонуний савдо қилаётганлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ўз вақтида хабар бериш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмайлик. Пиротехника воситаларидан фойдаланиш орқали содир бўлиши мумкин бўлган турли хил бахтсиз ходисаларнинг олдини олишда барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қаторида ҳар бир ота-она, маҳалла-қўй, таълим муассасалари мутасаддилари бирдек масъулдирлар.

Профилактика хизмати ходимлари томонидан олиб борилаётган профилактик суҳбатлардан ташқари инсон саломатлиги учун хавфли бўлган пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаладан олиб қўйилмоқда. Мазкур ишда ўсмирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, зеро улар ёшлик сабабли турли хил “пақилдоқ”лар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунишмайди. Сертификатланмаган пиротехника маҳсулоти топилганда патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари ходимлари ёши катталарга уларнинг савдоси бировнинг бахтсиз ҳодисасига сабаб бўлиши мумкинлигини тушунтиришлари лозим. Афуски, баъзи фуқаролар ўз моддий манфаатлари йўлида бировларнинг саломатлиги ҳақида ўйлаб кўришмайди.

Амалиётга мурожаат этадиган бўлсак, 2020 йил 29 ноябрь куни соат 23.50 да Сергели тумани Шоқир ариқ кўчасида 29 ёшли Охунжон И. бошқарувидаги “Мерседес-Бенц” русумли автомобиль тўхтатилди. Холислар гувоҳлигидаги текширув давомида автомобиль салони ва юкхонасидан 286 қути “Британика”, 69 қути “С Новым годом”, 38 қути “Снайпер”, 12 қути “Д-12”, 31 қути “Четырех дюймовый Фонтан”, 340 қути “Звездочки конфетти”, 80 қути “Зимние огни”, 79 қути “Бенгальские огни” номли пиротехника маҳсулотлари топилди. Мазкур факт асосида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман ИИО ФМБга йўналтирилди.

Бир кун олдин, 28 ноябрь куни Яшнобод туманидаги бозорда олиб борилган профилактик ишлар давомида 45 ёшли Ирина Х.дан 4 қути 120.000 сўмлик “Микки Маус” номли пиротехника маҳсулоти топилди.

29 ноябрь куни Бектемир туманида 24 ёшли Саидқосим Й. пиротехника маҳсулотларини ноқонуний равишда сотаётгани аниқланди. Унинг ёнидан нархи 1.500.000 сўм бўлган 150 қути “Британика” топилди.

Мирзо-Улуғбек туманида 17 ёшли Омонулла Н.дан 225.000 сўмлик 15 қути “Британика” топилди.

Сергели туманида 19 ёшли Сардор Ж.дан 47 ёшли қути “Новый век” пиротехника маҳсулоти топилди.

Шу куннинг ўзида Юнусобод туманида олиб борилган профилактик тадбирлар давомида 22 ёшли Сарвар Х. ва 19 ёшли Абдуллоҳ К.лардан 8 та “7 shots” номли маҳсулот, 6 та “Королевский салют” ва 4 та “Волк” русумли жами 6.920.000 сўмлик маҳсулотлари олиб қўйилди. Йигитларга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди.

2020 йил 29 ноябрь куни Чилонзор туманидаги автотураргоҳда ППХ ходимлари томонидан шубҳали “Нексия-1” русумли автомобиль тўхтатилди. Текширув давомида автомобиль юкхонасидан 15.028 та жами 3.750.000 сўмлик пиротехника маҳсулотлари топилди. Ҳайдовчига нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман ИИО ФМБга йўналтирилди[4].

Мазкур ҳуқуқбузарликни содир этишнинг сабаблари моддий манфаат олишдир.

Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган салбий

ходиса, воқеа, жараёнлар келтириб чиқаради. Ҳар қандай жамиятда, унинг ривожланишининг барча босқичларида ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларни келтириб чиқарадиган объектив ва субъектив сабаб ва шароитлар мавжуд, лекин улар турли даражада бўлади. Ҳар қандай муайян жиноят содир қилиниши асосида ётган ижтимоий-психологик ҳодисалар, яъни ғайриижтимоий қарашлар, одатлар, кўникмалар, ниятлар, хулқ-атвор субъектив сабаб ва шароитлар деб аталади. Шахсдан ташқарида бўлган ва унинг психологиясига таъсир қилиб, унда ғайриижтимоий қарашлар, одатлар, хулқ-атворни шакллантирадиган, уни мустаҳкамлайдиган ҳодиса, воқеа, жараёнлар эса объектив сабаб ва шароитлар деб аталади.

Ўрганилаётган қилмишнинг сабаблари унинг мотиви билан бевосита боғлиқ бўлиб, жиноят ишларининг таҳлилига кўра безориликнинг содир этилишига бир қанча омиллар таъсир кўрсатаётганлигини кўрсатади.

Пиротехника воситаларидан фойдаланиш орқали содир бўлишига имкон берган сабаб ва шароитларни таснифлаш жиноятлар профилактикасида, жиноятларни барвақт олдини олишда муҳим ўрин тутди[5]. Бундай таснифлаш профилактик фаолиятнинг йўналишларини белгилаш, аниқ вазифалар ишлаб чиқиш, профилактик фаолиятнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишга имкон яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноятнинг сабаблари ва шароитлари юзасидан олим ва мутахассислар томонидан тизимли ўрганишлар олиб борилади. Профессор З.Зарипов жиноятга имкон берган сабаб ва шароитларни миқёсига кўра, мазмунан ҳамда ўз табиати ва баъзи хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилишини қайд этган. Муаллиф жиноятнинг сабаб ва шароитларини миқёсига кўра жиноятчиликнинг умумий ҳолати бўйича, жиноятларнинг турлари бўйича, алоҳида олинган жиноятлар бўйича каби таснифлаган[3]. Шу билан бирга профессор З.Зарипов жиноятларни юзага келтирувчи криминоген-детерминантлар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий, сиёсий, ижтимоий-руҳий, тарбиявий, ижтимоий бошқарув йўналишидаги сабаб ва шароитлардан иборат бўлиши мумкинлигини қайд этган. Билишнинг криминологик усуллари жиноят-ҳуқуқий фанларнинг мураккаб саволларига, масалан, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қандай чораларни қўллаш лозим деган саволга жавоб топишга хизмат қилади[6]¹. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва божхона органларнинг пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолияти илмий асосланган усулларга таянганда кутилган натижаларни беради[7]. Зеро, гап осойишталигимиз, хавфсизлигимиз ва энг аввало, фарзандларимиз саломатлиги ҳақида кетар экан, лоқайд бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

¹ Кудрявцев В.Н. Причинность в криминологии (о структуре индивидуального преступного поведения). Монография. М.: ТК Велби, Из-во Проспект, 2007. –С. 4. ОТАЖОНОВ А. Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг объекти ва субъектлари //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 57-67.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 феврал, ПФ4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. Т-3. Б-408. (Explanatory dictionary of the Uzbek language. Т.: “National encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House, 2007. V-3. P-408.)

3. Криминология: Дарслик / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 65. (Criminology: textbook / Zaripov Z.S., Pulatov Yu.S., Avanesov G.A. other. Edited by prof. Z. Zaripova. - Т.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2006. – P-65.)

4. <https://iiv.uz/oz/news/toshkent-shahar-iibb-xodimlari-tomonidan-aniqlangan-pirotexnika-buyumlarining-qonunga-xilof-muomalasi-bilan-bogliq-fakt-boyicha-jinoiy-ish-qozgatildi>

5. Otajonov A. A. Legal analysis of signs participation in the crime //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 60-65.

6. Кудрявцев В.Н. Причинность в криминологии (о структуре индивидуального преступного поведения). Монография. М.: ТК Велби, Из-во Проспект, 2007. –С. 4. ОТАЖОНОВ А. Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг объекти ва субъектлари //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 57-67.

7. Кудрявцев В.Н., Эминов В.Е. Причины преступности в России: Криминологический анализ. М.: Норма, 2006. – С. 23.

АЛАУТДИНОВ Дилмурод Алаутдин ўғли
Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиги ўринбосари

БИР-БИРИГА ТОБЕ БЎЛМАГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРГА ОИД УСТАВ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА БИРЛАМЧИ ВА КЕЙИНГИ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАКТИК ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ТАВСИЯЛАР

Аннотация: мақолада бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари

бўйича бирламчи ва кейинги тергов харакатларини амалга оширишнинг тактик қоидалари таҳлил қилинган ва айрим тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳарбий хизматчилар, тергов харакатлари, ўлдириш, қўрқитиш, жисмоний зўрлик.

**ТАКТИЧЕСКИЕ ПРАВИЛА И РЕКОМЕНДАЦИИ ПО
ПРОВЕДЕНИЮ ПЕРВИЧНЫХ И ДАЛЬНЕЙШИХ СЛЕДСТВЕННЫХ
ДЕЙСТВИЙ ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ, СВЯЗАННЫМ С НАРУШЕНИЕМ
ТРЕБОВАНИЙ УСТАВОВ ПО ВЗАИМООТНОШЕНИЯМ
ВОЕННОСЛУЖАЩИХ, НЕ ПОДЧИНЕННЫХ ДРУГ ДРУГУ**

Аннотация: в статье анализируются тактические правила производства первичных и последующих следственных действий по преступлениям, связанным с нарушением конституционных норм взаимоотношений между военнослужащими, не подчиненными друг другу, а также разрабатываются некоторые рекомендации и предложения.

Ключевые слова: военнослужащие, следственные действия, убийство, запугивание, физическое насилие.

**TACTICAL RULES AND RECOMMENDATIONS FOR CONDUCTING
PRIMARY AND FURTHER INVESTIGATIVE ACTIONS FOR CRIMES
RELATED TO VIOLATION OF THE REQUIREMENTS OF THE
CHARTERS FOR THE RELATIONSHIP OF MILITARY SERVANTS NOT
SUBORDINATE TO EACH OTHER**

Abstract: the article analyzes the tactical rules for carrying out initial and subsequent investigative actions for crimes related to the violation of constitutional norms of relations between military personnel who are not subordinate to each other, and also develops some recommendations and proposals.

Key words: military personnel, investigative actions, murder, intimidation, physical violence.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича тергов ҳаракатларининг жарёнини ва натижалари техник воситалардан фойдаланилиши, зарурият бўлганда судда картинани қайта тиклаш керак. Холислар иштирокининг сифатини такомиллаштириш учун қонун нормаларини қайта кўриб чиқиш хусусида таклиф берилиши даркор[1]. Буни икки йўналишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчиси, холисларнинг жараёни дикқат билан кузатиш мажбуриятини белгилаш даркор. *Шу мақсадда холисларнинг мажбурияларини назарда тутувчи Жиноя-процессуал кодексининг 74-моддасининг иккинчи қисмига "суриштирувчи, терговчи, прокурор ва тергов ҳаракатини бажараётган бошқа шахснинг ҳаракатларини синчковлик билан кузатиш"* деган сўзлар киритилиши керак.

Иккинчи йўналиш, холислар иштирокининг туб моҳиятини таъминлаш учун уларнинг рад этилиш масаласини қайта кўриб чиқиш керак[1]. Уларни рад қилиш хусусида илтимоснома берадиган шахслар дорасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Нафақат жиноят процесси иштирокилари, балки жиноят процесси иштирокчиси бўлмаган лекин тергов ҳаракатининг иштирокчиси бўлган шахслар ҳам холисларни рад қилиш хусусида илтимоснома бериш ҳуқуқи эга бўлишлари керак.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича ҳарбий қисм ёки бўлинмага ташқи худуддан киритиладиган холис вазифасини бажарувчи шахсларнинг асл мақсади ҳар доим ҳам холислик қилиш бўлмаслиги мумкин. Муқаддам судланган, рецидивист ёки бошқа ғаразгўйлик мақсадларини кўзлайдиган шахслар ҳам тасодифан холис сифатида ҳарбий қисмга таклиф қилиниши мумкин. Шу ўринда ҳарбий қисм, бўлинма ёки муассасанинг раҳбарияти ушбу масалага ҳам эътибор бериши ва назорат қилиши лозим. Агарда беғаразлигига шубҳа туғилса холисларни ишда иштирок этиши ҳолати юзасидан асослантирилган тарзда терговни амалга ошираётган мансабдор шахсга эътироз билдириши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахслар таклиф қилинаётган холисларнинг иштирок этишини хоҳламаган тақдирда ҳам тергов ҳаракати ўтказилиши мумкин. Бу ҳолат қонунга зид ҳисобланмайди. Лекин арзимас масалада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан норозилик кайфияти шаклланади. ***Буларни олдини олиш мақсадида эса Жиноят-процессуал кодекснинг 80-моддасига қўйидаги янги иккинчи қисм киритилиши керак: "Холислар иштирок этаётган ҳолатларда, уларни рад қилиш тўғрисида манфаатдор шахслар ёки процессуал ҳаракатда иштирок этаётган бошқа шахслар ҳам арз қилишлари мумкин. Бундай арзлар дарҳол кўриб ҳал қилинади."***

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятини терговини амалга оширувчи айрим мансабдор шахслар тажрибасизликлари туфайли ва кўпчилик ҳарбий хизматчилар кўз ўнгида содир этилганлиги учун ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларида устав қоидаларини бузиши ҳолатларини жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деб баҳолаб, безорилик жинояти бўйича квалификация қилишмоқда. Ушбу жиноятларни бир биридан фарқлашимиз учун жиноятларни содир этиш жойига эътибор беришимиз лозим. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти деярли барча ҳолатларда ҳарбий қисм, бўлинма ёки ўқув муассасаларида содир этилади. Безорилик жинояти эса жамоат жойларида содир этилиши билан ажралиб туради. Безорилик одамлар кўз ўнгида содир этилиши жиноятнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Чунки безорилик жиноятининг асосий объекти жамоат хавфсизлиги ҳисобланиб, айбдорлар жамоада ўрнатилган юриш

туриш қоидаларини қасдан менсимаслиги оқибатида ҳамда жамоада норозилик кайфиятини пайдо бўлиши туфайли ушбу жиноят содир этилади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти ҳам кўпчилик ҳарбий хизматчилар кўз ўнгида содир этилиши туфайли ҳарбий жамоада норозилики кайфияти уйғониши ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб ушбу жиноятни содир этиш ҳолатлари учраши ҳамда турли хил оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Безорилик жиноятининг асосий белгиларидан бири тан жароҳати етказиш (ЖК 277-модда 1-қисмида[2] келтирилган қилмишни квалификация қилиш учун безорилик оқибатида жабрланувчига енгил шикаст етказилишининг ўзи етарли. Бунда тан жароҳати соғлиғининг бузилишига олиб келганлиги аҳамиятга молик эмас) бўлиб шу тарафдан бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятига ўхшаш бўлса, жамоат жойида содир этилиши билан бир-биридан фарқ қилади.

Чунки, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти содир этиладиган ҳарбий қисм ёки ҳарбий ўқув муассасасини биз жамоат жойи сифатида олишимиз мумкин.

Зеро, доимий тусдаги жамоат жойлари деб – ҳудудда фуқароларнинг доимий бўлиши ёки доимий бўлиш имконияти, муайян вақтда фаолият юритиш режими белгиланмагани ва фуқаролар доимий яшайдиган объектларнинг мавжуд бўлиши билан таснифланади.

Ҳарбий қисм, бўлинма ёки ҳарбий ўқув муассасалари юқоридаги мезонлар асосида иш юритмайди ҳамда белгиланган режим асосида иш олиб боришади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 285-моддаси 2-қисмига “ф” банд сифатида “ҳарбий хизматчиларнинг кўз ўнгида содир этилса” деб киритишми таклиф этамиз.

Ушбу таклифни қонунчиликка тадбиқ этиш орқали бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти натижасида етказиладиган зиён ҳамда оқибатларни бартараф этган бўламиз. Терговни амалга оширувчи мансабдор шахслар тергов ҳаракатларини ўтказишда бевосита юқорида келтирилган ҳолатларга эътибор бериши ҳамда етказилиши мумкин бўлган зарар миқдорини аниқлаши лозим. Терговни тўғри ташкиллаштириш ҳар доим ҳам терговчининг ҳаракатларига боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида баъзи бир жиноятлар сингари ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ҳам кўрқитиш, кўрқитиш каби ҳаракатлар натижасида содир этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 112-моддаси яъни “Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш” деб номланиб ушбу жиноятнинг объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиги ҳисобланади. Ундан ташқари Жиноят кодексининг “Бўйсунмиш

ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар” деб номланувчи 21-бобнинг 282-моддаси “Бошлиқни кўрқитиш” жиноятида жиноятнинг объекти ҳарбий бўйсунушнинг ўрнатилган тартиби, ўзгаларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳисобланади.

Аммо, Жиноят кодексининг 282-моддаси фақатгина бир-бирига тобе бўлган яъни бошлиқ ва бўйсунувчи ўртасидаги муносабатларда амал қилади. Лекин, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти ҳарбий хизматчининг ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали ҳам содир этилиши мумкин. Шундай ҳолларда эса ушбу ҳаракатларга қонунчилигимизда аниқ тўхтамга келинмаганлиги сабабли айрим қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. ***Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 285-моддаси 1-қисм диспозитсиясининг “яъни мунтазам хўрлаш” сўзидан кейин “кўрқитиш” сўзини қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.***

Кўрқитиш ҳаракатлари объектив томондан ҳар хил йўллар орқали ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан кўрқитишда намоён бўлади.

Ўлдириш билан кўрқитиш деганда, ҳарбий хизматчини бошқа ўзига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчини ҳаётдан маҳрум қилиш учун ҳақиқатда билдирилган ниятини тушуниш керак.

Жисмоний зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш деганда, айбдор ҳарбий хизматчининг ўзига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчи соғлиғига зарар етказиш мақсадида жисмоний зўрлик ишлатишга оид ниятининг ошкора ифода этишини тушуниш лозим. Ушбу ҳаракатни кўрқитиш деб баҳолаш учун жиноят субъекти жабрланувчига зўравонликнинг айнан қандай усули орқали таҳдид қилиш билан кўрқитгани аҳамиятсиздир.

Кўрқитиш қилмишни квалификацияга таъсир этмайдиган ҳар хил усуллар билан: оғзаки, ёзма, телефон орқали, имо-ишоралар, қурол ёки унинг ўрнини босадиган воситалар ва бошқаларни кўрсатиш билан амалга оширилиши мумкин. Кўрқитиш жабрланувчига бевосита айтилиши ёки учинчи шахслар орқали етказилиши мумкин. Кўрқитишнинг зарурий шarti – унинг муайян ўзига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчига қаратилганлигидир. Ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ўзига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчининг ўзига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилиши мумкин.

Кўрқитишнинг ҳақиқийлигини аниқлашда жабрланувчи ва унинг атрофидаги ўзига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар кўрқитишни қандай қабул қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш айбдорнинг кўрқитиш ҳақиқий эканлигидан далолат бериб, жабрланувчини бу кўрқитиш амалга оширидан хавфсирашга мажбур қиладиган изҳор ва ҳаракатларида ифода этилиши зарур.

ЖК 112-моддасидан фарқли равишда жиноятни квалификация қилиш учун кўрқитишнинг бир марталиги ёки муттасил қайтарилиши аҳамият касб этади. Чунки ҳарбий хизматчи ўзига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчини доимий равишда ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиши унинг психологиясига салбий таъсир кўрсатиши, доимий равишда хавфсираб юриши, ишчанлик қобилиятининг пасайишига олиб келиши ёки интизом бузиш ҳолатлари кўплаб содир этилиши мумкин.

ЖК 285-моддаси бўйича кўрқитиш орқали содир этилган деб квалификация қилишнинг зарурий шарти кўрқитишнинг чинакамлиги бўлиб, унинг моҳияти жабрланувчида хавфсираш учун етарлича асоснинг мавжудлигидир. Бу ўринда айбдорнинг кўрқитишни амалга оширмақчи бўлган-бўлмаганлигининг аҳамияти йўқ.

Кўрқитишнинг чинакамлиги ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда содир этилган бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг муайян аниқ вазиятлари инобатга олиниб, аниқланади.

Кўрқитишнинг объективлиги:

- ифодалаш ёки изҳор қилиш усули;
- айбдор ва жабрланувчининг ўзаро тобелик ва шахсий муносабатлари, улар ўртасидаги совуқ муносабат, жанжал, душманлик ва бошқаларнинг мавжудлиги;
- айбдорнинг илгариги хулқ-атвори ва шахсияти;
- айбдорда қурол ёки қурол ўрнида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа предметларнинг мавжудлиги;
- кўрқитиш ифодаланган жой, муҳит, вақт ва бошқалар билан изоҳланади.

Мазкур омилларни инобатга олиш жабрланувчида унинг хавфсираши учун етарлича асос бўлганлигидан, яъни субъектив мезоннинг мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Ҳарбий хизматчи кўрқитишни ўзига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчига етказгани заҳотиёқ жиноят тугалланган ҳисобланади. Бу ўринда жабрланувчига мазкур кўрқитиш таъсир қилган ёки қилмаганлигининг аҳамияти йўқ.

Кўрқитиш одам ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатишни содир этишга шароит яратадиган аниқ ҳаракатлар билан давом этса, айбдорнинг қилмишлари ЖК 285-моддаси билан эмас, балки тегишли жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш сифатида квалификация қилинади.

Ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш бошқа оғирроқ жиноятларни (талончилик, товламачилик, босқинчилик ва бошқалар) содир этиш усули бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўлдириш ва зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш мазкур жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутадиган тегишли моддалар таркибига киради ва шу жиноятда бир-бирига тобе бўлмаган

ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти таркиби бўлмаса ЖК 285-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишга эҳтиёж қолмайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкин-ки, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича тергов ўтказиш жараёнида бевосида амалдаги қонун нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси талабларига амал қилишимиз лозим. Тергов ҳаракатларини ўтказишга маъсул бўлган мансабдор шахс иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаши мақсадида айнан қайси тергов ҳаракатларини ўтказиши лозимлиги тўғрисида аниқлаштириб олиши керак. Олдиндан режалаштирилиб ўтказилган тергов ҳаракатларидагина биз қисқа вақт мобайнида қўзлаган натижамизга етишимиз мумкин. Ҳар бир тергов ҳаракатларини ўтказишимизда амалдаги қонунчилик бўйича ҳолислар иштирок этишини таъминлашимиз ҳамда барча жараёнларни процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказишимиз керак. бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича юқоридаги тергов ҳаракатларини сифатли ҳамда ўз вақтида ташкил этиш тергов ҳаракатларини ўтказишга маъсул шахснинг касбий маҳоратига боғлиқ. Исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали ўтказилиши ҳамда процессуал жиҳатдан тўғри бажарилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акимов Ахмет Бахтиярович, Магистрант Университета общественной безопасности Республики Узбекистан, майор. Институт понятий в уголовном процессе: проблемы, решения, перспективы. <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6117208>

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Тошкент. Адолат 2016

KAMOLOV Abdullo Abdurazzokovich,
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
mustaqil izlanuvchisi

FAVQULODDA VAZIYATLARDA HARAKATLANUVCHI UCHUVCHISIZ UCHADIGAN APPARAT TASVIRLARINI TAHLIL QILISHNING ZARARLARINI MINIMALLASHTIRISHDAGI AHAMIYATI

Annotatsiya: Ushbu tezisdagi favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda uchuvchisiz uchadigan apparatlar vazifalari hamda xususiyatlari shuningdek, zamonaviy kuzatuv kameralariga ega murakkab sharoitlarda harakatlanuvchi uchuvchisiz uchadigan apparatlarning tasvirlarini tahlil qilish orqali sodir bo'lishi mumkin bo'lgan xavflarning oldini olish masalalari keng yoritib o'tilgan.

Kalit soʻzlar: favqulodda vaziyatlar, uchuvisiz uchadigan apparat, sunʼiy intellekt, robot, sintez, termodatchik, pribor, epidemiologik, patrullik xizmati, obyekt, monitoring, operativ, taktik, operator, geodeziya, ekstremal, startap, projector, landshaft, 3D xarita.

ЗНАЧЕНИЕ АНАЛИЗА ИЗОБРАЖЕНИЙ БПЛА В МИНИМИЗАЦИИ ПОВРЕЖДЕНИЙ В АВАРИЙНЫХ СИТУАЦИЯХ

Аннотация: В данной статье широко освещаются задачи и характеристики дронов в условиях чрезвычайных ситуаций, а также вопросы предотвращения возможных опасностей путем анализа изображения движения дронов в сложных условиях с помощью современных камер наблюдения.

Ключевые слова: чрезвычайные ситуации, беспилотный летательный аппарат, искусственный интеллект, робот, синтез, термометр, оборудование, эпидемиологический, патрульная служба, объект, мониторинг, оперативный, тактический, оператор, геодезия, экстрим, запуск, проектор, ландшафт, 3D карта.

THE SIGNIFICANCE OF ANALYSIS OF MOBILE DRONE IMAGES IN DAMAGE MINIMIZATION IN EMERGENCY SITUATIONS

Abstract: In this article, the tasks and characteristics of drones in emergency situations, as well as the issues of preventing possible dangers by analyzing the images of drones moving in complex conditions with modern surveillance cameras, are widely covered.

Keywords: emergency situations, unmanned aerial vehicle, artificial intelligence, robot, synthesis, thermometer, equipment, epidemiological, patrol service, object, monitoring, operative, tactical, operator, geodesy, extreme, startup, projector, landscape, 3D map.

Butun dunyo boʻylab uchuvchisiz uchuvchi apparatlarga boʻlgan qiziqish keskin oshib bormoqda. Bunday qurilmalar nisbatan arzon yuqori manyovrlilik xususiyatlariga ega va keng koʻlamli vazifalarni bajarishga qodir boʻlgan yengil hisoblanadi. Uchuvchisiz uchadigan apparatlar butun dunyodagi harbiy amaliyotlar davomida muvaffaqiyatli qoʻllanilmoqda va ayni paytda ular fuqarolik vazifalarida ham oʻz samarasini berib kelmoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev raisligida joriy yilning 28 iyul kuni Fargʻona viloyatida oʻtkazilgan yigʻilishida, yurtimizda jinoyatchilikni jilovlash hamda jamoat xavfsizligini taʼminlash sohasidagi muammolarni tizimli hal etish, ayniqsa **“huquqbuzarliklarning ijtimoiy profilaktikasi”** usullari asosida koʻchalarimiz va mahallalarimizda osoyishta muhitni yaratish boʻyicha barcha masʼul idora va jamoatchilik vakillarining faoliyatini samarali yoʻlga qoʻyib, bu borada tub oʻzgarish yasash yuzasidan aniq vazifalar belgilab berildi. Shu jumladan jamoat tartibini saqlash, yongʻin va boshqa favqulodda vaziyatlarning oldini olish samaradorligini oshirish maqsadida, qoʻshimcha videokuzatuv kameralari oʻrnatish

va **yagona monitoring markaziga** integratsiya qilish[1] vazifalari asosida sohaga uchuvchisiz uchadigan apparatlarni olib kirish o'zining samarasini beradi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Bugungi kunga kelib, mavjud uchuvchisiz uchadigan apparatlarning aksariyati radio kanallarida ishlaydigan masofadan boshqarish pultrlari bilan qo'lda sinovdan o'tkazilmoqda. Uchuvchisiz uchadigan apparat qo'lda boshqarishda uchun ham yetarli malakaga ega bo'lish zarur hisoblanadi. Misol uchun, AQSh armiyasida bir yillik tayyorgarlik va treningdan so'ng havo kuchlari uchuvchilari uchuvchisiz uchadigan apparat operatorlari bo'lishadi. Ko'p jihatdan, bu samolyotni sinovdan o'tkazishdan ko'ra murakkabroq va uchuvchisiz samolyotlarning ko'pchiligi, operator xatolari va mexanik qobiliyatsizligi tufayli uchuvchisiz uchadigan apparatni ishdan chiqarishga olib keladi.

Bugungi kunda olimlar va tadqiqotchilar sun'iy intellektga ega robotlashgan tizimlar ustida ko'plab yutiqlarga erishib kelmoqda. Odatda, robotlar deganda, ko'pchilikning ko'z oldiga insonlardek gaplasha oladigan, ularning o'rniga barcha yumushlarni bajara oladigan yordamchilar keladi. Aslini olganda esa sun'iy intellektga ega robotlar bu mustaqil fikrlash, sintez qilish, tanish, turli xavf-xatarlardan o'zini himoya qila olish qobiliyatiga ega texnik qisimlardan tashkil topgan pribor hisoblanadi. Rivojlanayotgan mamlakatlarda yangi turdagi uchuvchisiz uchish apparatlarini takomillashtirish va rivojlantirish uchun budjetlaridan katta mablag'lar ajratilmoqda. Bugungi o'zgarishlar, fuqarolik sohasida uchuvchisiz uchadigan apparatlarning rivojlanish sur'ati hayratlanarli darajada o'sib bormoqda. Hozirda kichik uchuvchi qurilmalarni ko'paytirish Amerika Qo'shma Shtatlarda qonunchiligida ko'plab muhokamalarga sabab bo'lmoqda. Hozirda uchuvchisiz uchadigan apparatlarni ishlab chiqarishni taklif qiluvchi startaplar, bunday samolyotlarni kundalik hayot uchun kiritish kichik boshqariladigan samolyotlardan uy yumushlarini bajarishda ham foydalanish yuzasidan ishlar olib borishmoqdalar. So'nggi paytlarda mashinalarni avtomatlashtirish haqida ko'plab tadqiqot ishlari amalga oshirilmoqda. Xo'sh bunday qurilmalarga nima uchun katta etibor va mablag' sarflanmoqda? Buning asosiy sabablaridan biri inson, omilisiz ko'pgina ekstremal sharoitlarda uchuvchisiz uchadigan apparat o'zining keng qamrovli imkoniyatlari bilan odamlarni lol qoldirib kelmoqda. Jumladan:

- Favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda (suv toshqini, yong'in, epidemiologik kasalliklar tarqalganda, kuchli yer qimirlash holatlari sodir bo'lganda va h.k);
- Jangovar holatlarda qulay kuzatuv faoliyatini amalga oshirish;
- Obyektlar xavfsizligini ta'minlashda patrullik xizmatini olib boorish;
- Atom inshootlarida va yirik avariya sodir bo'lganda inson omilisiz hududni nazorat qilish[6].



1-rasm. Uchuvchisiz uchadigan apparat yordamida obyekt 3D xaritasini ko'rish

Dronlardan foydalanishning ko'payishi, mobil 3D xaritalashning yaxshilanishi va ma'lumotlar boshqaruvidagi o'zgarishlar orasida geodeziya oldida ko'plab o'zgarishlar mavjud. Ushbu tamoyillar soha uchun axborot yig'ishni yaxshilashi, ma'lumotlarni saqlash yondashuvlarini o'zgartirishi va yanada qulay va moslashuvchan informatsiya to'plashni taklif qilishi mumkin(1-rasmga qarang).

Uchuvchisiz uchadigan apparatlar tobora ommalashib bormoqda. Ularning keng tarqalishidan oldin, ular ko'pincha harbiy maqsadlarda foydalanilgan. Bugungi kunda esa ular quruqlikda, geodeziya, qishloq xojaligi va boshqa ko'plab sohalarda keng foydalanilmoqda. Uchuvchisiz uchadigan qurilmalar nisbatan bir nechta afzalliklarga ega qurilma hisoblanadi. Bunga quyidagilarni kiritish mumkin:

- qisqa vaqt ichida katta sirt maydonlarini aylanish;
- harakatlanish qiyin bo'lgan yerlarni kesib o'tish;
- murakkab landshaftlarning batafsil rasmlarini olish;
- yerni o'rganish, fotogrammetriya, 3D xaritalash, topografik o'lchov va boshqalarni amalga oshirish[5].

Mamlakatimizning o'ziga xos xususiyati keng hududda, aholining past zichligi va aholining yuqori konsentratsiyasi yirik shaharlar, doimiy tabiiy hududlarning mavjudligi, favqulodda vaziyatlar vazirligi faoliyatini qiyinlashtiradi va ulardan doimiy tayyorgarlikni talab qiladi. 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son O'zbekiston Respublikasining 2022-2026-yillarga mo'ljallangan "Yangi O'zbekiston Taraqqiyot strategiyasi" qabul qilindi. Ushbu strategiyaning yettinchi yo'nalishi "Mamlakatimiz xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq pragmatik va faol tashqi siyosat olib borish" nomi bilan ataladi. Ushbu yo'nalishning 92-maqsadi sifatida

qabul qilingan “Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bartaraf etishning samarali tizimlarini yaratish”[2] asosiy maqsadlar sifatida tanlab olindi.

Biz ushbu maqolada harbiy kuch tuzilmalarimizga yangi zamonaviy va ilg‘or texnikalardan biri bo‘lib kelayotgan UUA ni keng targ‘ib qilish orqali favqulodda vaziyatlar sodir bo‘lganda, ularning oqibatlarini kamaytirish va samarali bartaraf etish aholining tinch va xavfsiz hayot kechirishini ta‘minlash, mamlakat rivojlanishning strategik maqsadlariga erishishda muhim ahamiyatga egadir. Uchuvchisiz uchadigan qurilmaning o‘lchami qanchalik katta bo‘lsa, uning shamolga qarshilik kuchi ortadi, lekin ixcham va nisbatan kichik uchuvchisiz uchadigan apparatlar tezligi yuqori uchish vaqti esa koproq bo‘ladi. Bu esa bizga uchuvchisiz uchadigan apparatdan yanada ko‘proq foydalanish imkonini yaratadi.

Boshqaruv usuli:

Uchuvchisiz uchadigan qurilmalarni boshqarishning quyidagi 2 usuli mavjud:

1) Masofadan boshqarish usuli. Parvozni boshqarish ikki rejimda amalga oshiriladi:

qo‘l bilan boshqarish - real vaqt rejimida uchuvchisiz uchish qurilmasini operator tomonidan boshqarish hisobiga amalga oshiriladi;

avtomatlashtirilgan boshqarish - uni sozlash imkoniyati bilan avtonom tarzda amalga oshiriladi.

navigatsiya orqali - uchish qurilmasining joriy joylashuvini aniqlab, yo‘nalish nuqtalari koordinatalari oldindan kiritiladi.

2) Monitoringning avtomatik usuli. Boshqarish avtopilot tartibida berilgan trayektoriyada, berilgan balandlikda, berilgan tezlik bilan va yo‘naltirilgan burchaklarni barqarorlashtirish orqali amalga oshiriladi[3].

Tadqiqot natijalari: Jahonning yetakchi maxsus bo‘linmalari uchuvchisiz uchish qurilmalarini ekstremal sharoitlarda hamda inson omilisiz amalga oshiriluvchi tezkor va favqulodda vaziyatlarda, yuqori tezlikdagi ma‘lumotlar almashuvi asosida tezkor qaror qabul qilish orqali zararlarni kamaytirish, operativ-taktik boshqaruv bo‘g‘ini qaror qabul qilish tizimini samarali boshqarishning matematik modelini takomillashtirish, favqulodda vaziyatlarda optimal uchuvchisiz uchadigan apparatlarini qo‘llash asosida bo‘limalarni xarakat algaritmini ishlab chiqish va zararlarni maksimal darajada minimallashtirish mumkin. Shveysariyalik tadqiqotchilar yonayotgan binolar va o‘rmonlarda qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan issiqlikka chidamli dronlarni ishlab chiqdi, ushbu dron Shveysariyaning robototexnika laboratoriyasi rahbari Mkro Kovak tomonidan yaratildi.

Ushbu patrul tizimi 400 metr masofadan UUA yordamida qo‘riqlanadigan hududni buzgan shaxsni aniqlash va to‘xtatish imkoniyatiga ega. Shu maqsadda foydalaniladigan UUA proyektor va ovoz kuchaytirgich bilan jihozlaniladi. “Havo” xavfsizligi huquqbuzarga “zudlik bilan hududni tark etish” talabini yetkazadi. Kompleks negizida o‘rnatilgan yuzni tanish funksiyasi bosqinchi haqidagi

ma'lumotlarni onlayn rejimda qo'riqlash postiga uzatadi, bu esa xavfsizlik xodimlarining hodisalarga javob qaytarish tezligini oshiradi. 300 metr masofadan UUA termal tasvir kamerasi o'rmon hududida tunda yoki pana joydagi odamni aniqlaydi. Shuningdek, ushbu texnologiya yordamida qo'riqlanadigan hududda yaqinda to'xtab qolgan avtomashinalarni 500 metr masofadan aniqlashi – ro'yxatdan o'tmagan transport vositasining harakatini aniqlashi, 200x optik va raqamli zum esa huquqbuzarning harakatini aniqlash va tuzatishga qodir. Shuningdek favqulodda vaziyat sodir bo'lgan hollarda ya'ni qattiq yer silkinishi oqibatida zudlik bilan binolar va inshootlar ostida qolgan odamlarni issiqlik sezuvchi maxsus termo dachchiklar yordamida aniqlaydi hamda qutqaruv monitoring markaziga xabar beradi. Xavfsizlik UUA sizga ko'plab aniq vazifalarni tez va samarali hal qilish imkonini beradi. Uning parvozi deyarli jim bo'lib, operatorga har qanday murakkablikdagi hodisalarni hal qilish uchun turli maqsadli yuklardan foydalanish imkonini beradi[4].

Favqulodda va ekstremal sharoitlarda zararlarni minimallashtirish uchun UUA tasvirlarini monitoring qilish markazi(pult operatori)ga yuborish hamda qutqaruv bo'linma ixtiyorida mavjud bo'lgan vaqtni uchta tarkibiy qismlarga bo'lish mumkin. Bularga:

- uchuvchisiz uchadigan apparatning favqulodda vaziyat sodir bo'lgan hududni tasvirga olish uchun ketgan vaqt;
- olingan tasvir ma'lumotlarini pult operatori hodimi tahlil qilish va tezkor qutqaruv guruhlariga eng qulay va xavfsiz yo'nalishda harakatlanishi uchun buyruq berishi uchun ketgan vaqt;
- qutqaruv bo'linmalarining ko'rsatilgan yo'nalishlarda harakatlanib xavfsiz hududgacha uchuvchisiz uchadigan apparatning kuzatuvi uchun ketgan vaqt.

Xulosa o'rnida Favqulodda va murakkab holatlarda harakatlanuvchi uchuvchisiz uchadigan apparatlar vazifalari hamda xususiyatlari mavzusi bo'yicha tezisda olib borilgan tadqiqotlar natijasida quyidagi xulosalar taqdim. Uchuvchisiz uchish apparatlarini qo'llash orqali o'ta muxim va ikki qo'llaniladigan maqsadli obyektlarda shaxsiy tarkibni himoya qilishga erishishning texnik shartlarini tahlil qilish natijasida inqirozli va ekstremal vaziyatlarda samarali qutqaruv operatsiyalarini o'tkazish imkonini beradi. Endilikda tadqiqotchilar zamonaviy dronlar yordamida havo ma'lumotlarini tez va aniq olishmoqda. Shuningdek, dronlar ishni xavfsizroq bajaradi, negaki operatorlar o'lchovlarni o'tkazish uchun uchib o'tishlari yoki xavfli muhitga kirishlari shart emas. Uchuvchisiz uchish vositalari odatiy holga aylanib bormoqda. Tez orada ulardan foydalanish sanoat standartiga aylanishi tayin. Uchuvchisiz uchadigan apparatlardan foydalanishning yana bir afzalligi shundaki, u yer haqidagi ma'lumotlar va inshootlarning turli xil fotosuratlarini taqdim etadi, bu esa bizga sodir bo'lishi mumkin bolgan xavf-hatar oqibatlarini oldindan ko'ra bilishimiz, zararlarni bir necha barobarga kamaytirishda yaxshigina qo'l keladi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo'mondonining mamlakatimiz aholisiga murojati. 2023 yil 23-sentabr. Yangi O'zbekiston 195-son
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son.
3. А.Г.Гербеников, А.К.Мялица, В.В.Парфенюк, О.И. Парфенюк , С.В.Удовиченко. Общие виды и характеристики беспилотных летательных аппаратов. Справочное пособие. Харьков «ХАИ». 2008.
4. www.uav.ru
5. Астахова Н.Л., Лукашов В.А. Дроны и их пилотирование с нуля БХВ-Петербург, 2020.
6. МЧС [Электронный ресурс]. - Режим доступа. - URL: <http://www.mchs.gov.ru>
7. <https://avtovsamare.ru/uz/klassifikaciya-i-vidy-bespilotnyh-letatelnyh-apparatov-bespilotnye/>
8. <https://kun.uz/uz/news/2022/09/08/suniy-intellekt-va-xavfsizlik-robotlar-odamlar-ustidan-hukmronlik-qilishi-mumkinmi>
9. lex.uz
10. <https://www.xabar.uz/uz/tehnologiya/yangi-ruk-n-kelajak-tehnologiyalari>

OBLAKULOV Davlat Oltinboyevich

O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish Akademiyasi mustaqil izlanuvchisi

XUSUSIY SEKTORDA PORAXO'RLIK UCHUN JAVOBGARLIK BO'YICHA XALQARO STANDARTLAR VA ULARNI MILLIY QONUNCHILIGIMIZGA TADBIQ ETISH MASALALARI

Annotatsiya: Ushbu maqola poraxo'rlik uchun javobgarlik bo'yicha xalqaro standartlarni o'rganishga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: xususiy sektor, poraxo'rlik, javobgarlik, xalqaro standartlar.

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ПО ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ВЗЯТОЧНИЧЕСТВО В ЧАСТНОМ СЕКТОРЕ И ИХ ВНЕДРЕНИЕ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

Аннотация: статья посвящена изучению международных стандартов ответственности за взяточничество.

Ключевые слова: частный сектор, взяточничество, ответственность, международные стандарты.

INTERNATIONAL STANDARDS ON LIABILITY FOR BRIBERY IN THE PRIVATE SECTOR AND THEIR IMPLEMENTATION INTO NATIONAL LEGISLATION

Annotation: The article is devoted to the study of international standards of liability for bribery.

Key words: private sector, corrupt practices, responsibility, international standards.

Ma'lumki korrupsiya dunyoda global muammo hisoblanadi, ammo korrupsiyaga qarshi kurashishga oid qonunlar har bir davlatda o'ziga xos bo'lib, boshqa davlatdan sezilarli darajada farq qilishi mumkin. Korrupsiya bo'yicha bir qator xalqaro Konvensiyalar umumiy standartlarni belgilash orqali unga qarshi kurashish samaradorligini oshirish bilan bir qatorda sodir etilgan korrupsiyaviy jinoyat bo'yicha javobgarlikni ta'minlash uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Bu borada BMTning Bosh Assambleyasi 1975 yildagi Rezolyutsiyasida davlatlarni korrupsion faoliyatning barcha turlarini, shu jumladan, xalqaro va boshqa kompaniyalar, ularning agentlari tomonidan sodir etiladigan poraxo'rlikni ta'qiqlab, uning uchun javobgarlik bo'yicha zarur mexanizmlarni joriy qilishga undagan.

Xalqaro tashkilotlar tomonidan korrupsiya muammosiga 1990-yillarning o'rtalaridan boshlab jiddiy e'tibor qaratila boshladi. O'tgan vaqt mobaynida dunyoda xalqaro miqyosda korrupsiyaga qarshi kurashga undovchi 100 dan ortiq normativ hujjatlar qabul qilindi.[1.S.22-61] Mazkur hujjatlarda korrupsiyaga qarshi kurashishga qaratilgan normalar, korrupsiyaviy jinoyatlar, shu jumladan, xususiy sektorda sodir etilgan korrupsiyaviy jinoyatlarga qarshi kurashish va uning uchun javobgarlikni joriy etish masalalari mavjud. Bunga misol sifatida BMT tomonidan 1990-yilda "Davlat boshqaruvi sohasidagi korrupsiya deb nomlangan maxsus Rezolyutsiyasini, 1996 yilda "Korrupsiyaga qarshi kurash" Rezolyutsiyasini va mazkur Rezolyutsiya bilan tasdiqlangan "Davlat mansabdor shaxslari axloqining xalqaro Kodeksi"ni, "Xalqaro savdo operatsiyalarida korrupsiya va poraxo'rlikka qarshi kurash to'g'risida"gi Deklaratsiyani qabul qilinganligini e'tirof qilish mumkin.

Xususiy sektorda poraxo'rlikka qarshi kurashish borasida ilk fikrlar OECD ishchi guruhi ma'ruzachisi, professor Mark Piet va Xalqaro Savdo Palatasi tomonidan ilgari surilgan. [2.]

Shu o'rinda biz nodavlat sektordagi korrupsiyaga qarshi kurashish borasidagi standartlar haqida gapirishdan oldin qisqacha xalqaro standart tushunchasiga to'xtalib o'tsak. Bu haqda tadqiqotchi V.V.Zimin "korrupsiyaga qarshi xalqaro standart" tushunchasi, boshqa har qanday huquqiy standart kabi, tor ma'noda "norma" tushunchasi bilan sinonim hisoblanadigan o'ziga xos ko'rsatma, namuna, shablon, keng ma'noda esa majburiy bo'lgan prinsiplar, normalar, qarorlarni tushunish kerak deb qayd etadi.[1.S.22-61]

Hozirgi vaqtda xalqaro huquqiy hujjatlar, shu jumladan, korrupsiyaga qarshi asosiy va maxsus standartlar BMT doirasida va boshqa xalqaro hukumatlararo tashkilotlar, birinchi navbatda Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD),

Yevropa Kengashi tomonidan qabul qilingan. Shuningdek, boshqa mintaqaviy tashkilotlar tomonidan ham korrupsiyaga qarshi xalqaro standartlar ishlab chiqilmoqda, biroq mazkur standartlar mintaqaviy tabiati va o'ziga xos xususiyatlari bilan cheklangan deyish mumkin".

Korrupsiyaga qarshi xalqaro standartlarni ko'rib chiqishda mutaxassislar birinchi navbatda xalqaro huquqiy standartlarga, ya'ni xalqaro huquq manbalarida mavjud bo'lgan normalarga e'tibor berishadi. Bunday manbalarga, birinchi navbatda, tegishli xalqaro shartnomalar (Konvensiyalar) kiradi.

Y.A.Nikonorov va Y.V.Nikonorovning qayd qilishicha, konvensiya –milliy qonunchilik va huquqni muhofaza qilish tizimining korrupsiyaga qarshi kurashish samaradorligini oshirishga qaratiladigan tavsiyalar to'plami hisoblanadi.[3. S. 99.]

A.A.Tarasov "korrupsiyaga qarshi standartlar" tushunchasi, korrupsiya jarayonlarini cheklash maqsadida davlat faoliyatining muayyan turlarini tartibga soluvchi me'yoriy-huquqiy hujjatlar bilan bajarilishi lozim bo'lgan ma'lum bir fundamental, rasman belgilangan qoidalar majmuini anglatadi. Korrupsiyaning aniq faktlarini o'z vaqtida aniqlash, ularning salbiy oqibatlarining oldini olish imkonini beradi", deb ta'kidlaydi.[4. S. 54.] Darhaqiqat korrupsiyaga qarshi samarali kurashish uchun bu borada xalqaro standartlarda to'plangan ilg'or tajribalardan foydalanish juda muhim ahamiyat kasb etadi.

Shunday qilib Konvensiya (shartnoma) xalqaro huquq mexanizmining bir qismi bo'lib, xalqaro huquq normalarini amalga oshiradigan vositalar va institutlar to'plamidir. Korrupsiyaga qarshi kurashning xalqaro standartlari bir qator ko'p tomonlama xalqaro shartnomalar bilan belgilanadi.

O'zbekiston Respublikasining Yangi Konstitusiyasining xalqaro huquqning umume'tirof etilgan prinsip va normalariga asoslanganligi uning muqaddimasida belgilangan. Yangi Konstitusiyamizning 15-moddasida O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalari xalqaro huquqning umume'tirof etilgan prinsip va normalari bilan bir qatorda O'zbekiston Respublikasi huquqiy tizimining tarkibiy qismidir. Agar O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasida O'zbekiston Respublikasining qonunida nazarda tutilganidan boshqacha qoidalar belgilangan bo'lsa, O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasi qoidalari qo'llaniladi deb belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi bugungi kunda BMTning bir qator, jumladan, Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi, Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi Konvensiyasiga a'zo hisoblanadi. Bundan tashqari, O'zbekiston korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida, jumladan, korrupsiyaga oid jinoyatlar uchun javobgarlikni belgilashda "yumshoq huquq"ning muhim manbalaridan biri submintaqaviy tashabbus - Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkilotining Korrupsiyaga qarshi kurash bo'yicha Istanbul harakat rejasiga ham qo'shilgan.

O'zbekiston Respublikasiga korrupsiyaga qarshi xalqaro standartlarni joriy qilishdan asosiy maqsad quyidagilardan iborat;

birinchidan, mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi kurashishning samaradorligini yanada oshirish;

ikkinchidan, O‘zbekiston Respublikasining investitsion jozibadorligini oshirish;
uchinchidan, mamlakatning xalqaro jinoyatchilikka qarshi hamkorligidagi mavqei va nufuzini mustahkamlash;

to‘rtinchidan, milliy qonunchilik va huquqni qo‘llash amaliyotini takomillashtirish;

beshinchidan, korrupsiyaga qarshi monitoring organlari tomonidan baholash faoliyati natijalarida reyting va indekslarda ijobiy natijalarga erishish;

Shu bilan birga korrupsiyaga qarshi xalqaro standartlarning milliy qonunchilikka tatbiq etish orqali Konvensiyadagi talablar va majburiyatlarni bajarish hisoblanadi.

Korrupsiyaga qarshi xalqaro mexanizmlar orasidagi universal bu BMTning Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi (UNCAC) bo‘lib, u dunyoning 186 davlatini birlashtirgan universal xalqaro shartnoma hisoblanadi. Bugungi kunda jahon davlatlarining aksariyati BMTning Korrupsiyaga qarshi konvensiyasida ishtirok etayotganligi sababli uning qoidalari umume’tirof etilgan xalqaro huquq normalari xususiyatiga ega, shu jumladan, O‘zbekiston Respublikasi mazkur Konvensiyaga qo‘shilib, milliy qonunchiligini Konvensiya talablariga muvofiqlashtirish majburiyatini o‘z zimmasiga olgan.

Mazkur Konvensiyaning “Jinoyatchilik va huquqni muhofaza qilish faoliyati” deb nomlangani 3-bobida korrupsion xarakterdagi jinoyatlar va ularga qarshi kurashish mexanizmlari ko‘rsatilgan. Biroq Konvensiyani imzolash va ratifikatsiya qilish faktining o‘zi hali huquqni muhofaza qilish organlari va sudlar tomonidan ularning normalarini avtomatik ravishda qo‘llashni anglatmaydi. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi 14-moddasiga binoan, ushbu Kodeks bilan ta’qiqlangan, aybli ijtimoiy xavfli qilmish (harakat yoki harakatsizlik) jazo qo‘llash tahdidi bilan jinoyat deb topiladi. O‘zbekiston Respublikasida mazkur JK qilmishlarning jinoiyligi va jazolanishini belgilovchi yagona normativ-huquqiy hujjat hisoblanadi. Biz quyida milliy qonunchiligimizda tijoratda pora evaziga og‘dirish jinoyatini xalqaro standartlarga qanchalik mos kelishini ko‘rib chiqamiz.

BMTning Korrupsiyaga qarshi Konvensiyasining “xususiy sektor” deb nomlangan 12-moddasida mazkur xalqaro umume’tirof etilgan hujjat ishtirokchisi bo‘lgan har bir ishtirokchi davlat zimmasiga, o‘z ichki qonunchiligining asosiy tamoyillariga muvofiq, xususiy sektorda korrupsiyaning oldini olish, buxgalteriya hisoboti va auditi standartlarini kuchaytirish va tegishli hollarda, bunday choralarga rioya qilinmasligi uchun samarali, mutanosib va tiyib turuvchi ta’sir ko‘rsatadigan fuqarolik-huquqiy, ma’muriy yoki jinoiy jazolarni belgilash choralari ko‘rish lozimligi haqidagi vazifa yuklatilgan.

Mazkur Konvensiyada davlatlarga kriminalizatsiya qilishi ixtiyoriy bo‘lgan xususiy sektorda sodir etiladigan korrupsiyaviy jinoyatlarni ikkitasiga e’tibor qaratilgan. Jumladan;

1. xususiy sektorda poraxo‘rlik (21-modda);
2. xususiy sektorda mulkni o‘g‘irlash (22-modda).

Ushbu Konvensiyaning “xususiy sektorda poraxo‘rlik” deb nomlangan 21-moddasida: har bir ishtirokchi davlat iqtisodiy, moliyaviy yoki tijorat faoliyati

davomida quyida ko'rsatilgan harakatlar ataylab sodir etilganda buni jinoiy javobgarlikka tortiladigan harakat sifatida e'tirof etish uchun talab qilinishi mumkin bo'lgan qonuniy va boshqa choralar ko'rish imkoniyatini ko'rib chiqadi:

a) xususiy sektor ishini tashkil qilishga rahbarlik qilayotgan yoki ushbu tashkilotda istalgan lavozimda ishlayotgan shaxsning o'ziga yoki boshqa shaxsga, ushbu shaxs o'z xizmat vazifalariga xilof bo'lgan biron harakatni amalga oshirishi yoki harakat qilmasligi evaziga shaxsan yoki vositachilar orqali biron afzallikni va'da qilish, taklif etish yoki taqdim etish;

b) xususiy sektor ishini tashkil qilishga rahbarlik qilayotgan yoki ushbu tashkilotda istalgan lavozimda ishlayotgan shaxsning o'ziga yoki boshqa shaxsga, ushbu shaxs o'z xizmat vazifalariga xilof bo'lgan biron harakatni amalga oshirishi yoki harakat qilmasligi evaziga shaxsan yoki vositachilar orqali biron noqonuniy afzallikni talab qilib yoki qabul qilib olish.

Konvensiyadagi mazkur normada xususiy sektordagi poraxo'rlik aktiv va passiv poraxo'rlikka ajratilgan bo'lib, birinchi qismi aktiv poraxo'rlikni, xususiy sektor ishini tashkil qilishga rahbarlik qilayotgan yoki ushbu tashkilotda istalgan lavozimda ishlayotgan shaxsning o'ziga yoki boshqa shaxsga, biron bir afzallikni va'da qilish, taklif etish yoki taqdim etishda ifodalansa, ushbu moddaning ikkinchi qismida passiv poraxo'rlik, ya'ni ko'rsatilgan shaxslarni shaxsan yoki vositachilar orqali biron noqonuniy afzallikni talab qilib yoki qabul qilib olishida ifodalanadi.

Ushbu Konvensiyasining "xususiy sektorda poraxo'rlik" deb nomlangan 21-moddasida:

- xususiy sektor ishini tashkil qilishga rahbarlik qilayotgan yoki ushbu tashkilotda istalgan lavozimda ishlayotgan shaxsga nafaqat biron afzallikni taqdim etish, balki va'da qilish, taklif etish uchun ham;

- ushbu shaxslarni noqonuniy afzallikni qabul qilishi, balki "tovlamachilik" yo'li bilan so'rash uchun ham javobgarlik belgilash nazarda tutilgan.

Mazkur moddaga ko'ra, xususiy sektorda poraxo'rlik – pora predmeti boshqa noqonuniy afzalliklar, ya'ni mulkiy, mulkiy tusdagi xizmatlar, nomoddiy haq va boshqa noqonuniy afzalliklar hisoblanadi.

Xususiy sektorda passiv poraxo'rlik subyektlari faqat xususiy sektor mansabdor shaxslari bilan cheklanmagan, ya'ni xususiy sektor xodimi ham subyekt hisoblanadi.

Shu o'rinda qayd qilish lozimki, mazkur Konvensiyadagi ushbu norma ishtirokchi davlatlar tomonidan kriminalizatsiya qilinishi ixtiyoriy bo'lgan korrupsiyaviy jinoyat hisoblanadi. Biz Konvensiyaning ushbu normasini tahlil qilib, O'zbekiston Respublikasi JK 192⁹-moddasi bilan ma'lum bir farqlar mavjud degan xulosaga keldik.

O'zbekiston Respublikasi jinoyat qonunchiligining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda, BMTning Korrupsiyaga qarshi Konvensiyasidan farqli Jinoyat Kodeksida quyidagi jinoiy jazolanadigan harakatlar mavjud emasligini aytish mumkin:

Jumladan, tijoratda pora evaziga og‘dirib olish subyektining va‘dasi va taklifi faol tijoratda pora evaziga og‘dirib olishga tayyorgarlikdir. JKning 192⁹-moddasi 1-qismida (nodavlat sektorda faol poraxo‘rlik) faqat pora oluvchilarga mulkiy imtiyozlar berganlik uchun javobgarlikni nazarda tutadi. Ya‘ni JKning 192⁹-moddasi moddiy tarkibli jinoyat hisoblanadi. Nazarimizda ushbu bo‘shliqni to‘ldirish o‘rinli hisoblanadi, chunki mazkur jinoyatning xavfli jihati pora olganlarni boyitishda emas, balki nodavlat sektordagi boshqaruv apparatni normal ishlamasligiga olib kelishi hisoblanadi. O‘z-o‘zidan, noqonuniy foyda taklifi va uni qabul qilish ishonib topshirilgan manfaatga xiyonat qilish shaklida to‘liq tajovuzni shakllantiradi.

Bu borada Y.V.Kolenko pora olish tarkibini kesik tarkibda tuzish maqsadga muvofiqligi haqidagi ilmiy nuqtai nazarini himoya qilgan holda jinoyatning tamom bo‘lish vaqtini pora so‘ralgan paytdan boshlab belgilash lozimligini asoslaydi. [5.B.36] Xuddi shunga o‘xshash fikrni aynan tijoratda pora evaziga og‘dirib olish jinoyati uchun ham joriy qilish zarurati mavjudligini D.A.Kononov o‘zining tadqiqotida isbotlagan. [6.S.133-134.]

Keyingi yana bir dolzarb masala, JK 192⁹-moddasida tijoratda pora evaziga og‘dirib olish predmeti sifatida mulkiy bo‘lmagan imtiyozlarni qabul qilish va taqdim etish nazarda tutilmagan. O‘z-o‘zidan bunday imtiyozlar nimani anglatishi ham mazkur moddada aniq ko‘rsatilmagan. Oddiy og‘zaki minnatdorchilik “pora olganlarga” zavq bag‘ishlashi mumkin, biroq bu poraxo‘rlik deb hisoblanmaydi. Xullas, JK 192⁹-moddasida insonga nomoddiy afzalliklar taqdim qilishni ta‘qiqlovchi norma yo‘q. Shunga asosan JKga bu borada tegishli o‘zgartirish kiritish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Bu borada Y.N.Karabanova poraxo‘rlik predmetiga har qanday noqonuniy afzalliklarni, shu jumladan, nomoddiy afzalliklarni, ularning baholanadigan bozor qiymatiga ega yoki yo‘qligidan qat‘iy nazar kiritish kerak degan g‘oyani ilgari surgan.[10. S. 109-111]

BMTning Korrupsiyaga qarshi Konvensiyasining 16-moddasining 1-qismiga ko‘ra, har bir ishtirokchi davlat zimmasiga xorijiy ommaviy mansabdor shaxsga yoki ommaviy xalqaro tashkilotning mansabdor shaxsiga shaxsan yoki vositachilar orqali mansabdor shaxsning o‘zi uchun yoxud boshqa jismoniy yoki yuridik shaxs uchun, ushbu mansabdor shaxs xalqaro ishlarni yuritish yuzasidan tijorat yoki boshqa noqonuniy afzallikka ega bo‘lish uchun o‘z lavozim vazifalarini bajarish vaqtida biron harakatni amalga oshirishi yoki harakat qilmasligi maqsadida biron afzallikni va‘da qilish, taklif etish yoki taqdim etish, qachonki ular atayin sodir etilganda, buni jinoiy javobgarlikka tortiladigan harakat sifatida e‘tirof etish uchun talab qilinishi mumkin bo‘lgan qonuniy va boshqa choralarni ko‘rishi lozimligi belgilangan. Ushbu norma davlatlar tomonidan kriminalizatsiya qilinishi shart bo‘lgan normalardan biri hisoblanadi.

Mazkur Konvensiyaning 20-moddasiga ko‘ra, har bir ishtirokchi davlat, o‘z konstitusiyasi va huquqiy tizimining eng muhim prinsiplariga rioya qilish shartida, noqonuniy tarzda boyluk orttirilishini, ya‘ni ommaviy mansabdor shaxs aktivlari uning qonuniy daromadlaridan oqilona asoslanib berila olmaydigan darajada oshib

ketishini, qachonki ular atayin sodir etilganda, buni jinoiy javobgarlikka tortiladigan harakat sifatida e'tirof etish uchun talab qilinishi mumkin bo'lgan qonuniy va boshqa choralarni ko'rish imkoniyatini ko'rib chiqadi.

Shunday qilib, BMTning Korrupsiyaga qarshi Konvensiyasining 16,18 va 20-moddalarini mamlakatimiz jinoyat qonunchiligiga joriy qilish maqsadida, shuningdek, bu borada tadqiqot olib borgan olimlar D.A.Kononov [6.S.133-134.], V.V.Zimin [1.S.15.], A.V.Serous [7.28s.], Y.V.Kolenko [5. B.4.], B.Shamsutdinov [8.B.76-77.], S.A.Boydedayevlarning [9.B.25.] ilg'or surgan fikrlarini o'rgangan holda O'zbekiston Respublikasi JKga yangi "**Shaxsning o'z mavqeini suiiste'mol qilishi**" (Y.V.Kolenko tadqiqotida "**Ta'sir ko'rsatishni suiiste'mol qilish**" deb nomlagan) uchun, "**Xorijiy mansabdor shaxs yoki xalqaro tashkilot mansabdor shaxsi tomonidan pora olish**" va "**Xorijiy mansabdor shaxsga pora berish**"ni hamda "**Noqonuniy boylik ortirish**" uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi moddalar bilan to'ldirish taklif etamiz.

Bu borada o'tkazilgan ijtimoiy so'rovnoma natijalariga ko'ra, *respondentlarning 75,3 foizi* "noqonuniy tarzda boylik orttirish" uchun alohida jinoiy javobgarlik belgilash zarurati, *respondentlarning 75,3 foizi* O'zbekiston Respublikasining Jinoyat Kodeksi Maxsus qismiga ikkita alohida huquqbuzarlik tarkibi – "Xorijiy mansabdor shaxs yoki xalqaro tashkilot mansabdor shaxsi tomonidan pora olish" va "Xorijiy mansabdor shaxsga pora berish"ni kiritishni maqsadga muvofiq deb hisoblaganlar.

BMTning Korrupsiyaga qarshi Konvensiyasidan farqli o'laroq, O'zbekiston ishtirok etmayotgan korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik to'g'risidagi Yevropa Konvensiyasida (Strasburg 27.01.1999 yil) tavsiyalar emas, balki korrupsiyani kriminallashtirish majburiyatlari mavjud.

Xususan, mazkur Konvensiyaning "xususiy sektorda faol pora berish" deb nomlangan 7-moddasida: har bir tomon o'z ichki qonunchiligiga binoan tadbirkorlik faoliyatida va'da, taklif yoki ta'minotni to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita taqdim etish orqali qilingan xatti-harakatlar yuzasidan jinoiy javobgarlikka tortish uchun zarur bo'lgan qonunchilik va boshqa choralarni ko'radi. Xususiy sektor korxonalarini u yoki bu tarzda, o'zlari yoki boshqa biron bir shaxsning manfaatlari uchun boshqaradigan shaxslar o'z vazifalarini buzgan holda bunday xatti-harakatlarni sodir qilishlari jinoiy javobgarlikka sabab bo'ladi.

Ushbu Konvensiyaning 8-moddasi "xususiy sektorda passiv poraxo'rlik" deb nomlanib, unga ko'ra har bir tomon o'z faoliyati davomida to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita xususiy sektor korxonasini boshqaradigan har qanday shaxs tomonidan so'ralishi yoki olinishi ichki qonunchiligiga binoan jinoiy javobgarlikka tortilishiga sabab bo'ladigan xatti-harakatlarni sodir etish yuzasidan zarur bo'lgan qonunchilik va boshqa choralarni ko'radi.

O'zbekiston Respublikasi JKning 192⁹-moddasida 1-qismi noqonuniy imtiyozlarni va'da qilish va taklif qilish uchun jazo belgilash to'g'risidagi Yevropa Konvensiyaning 7-moddasiga mos kelmaydi.

Bizga ma'lumki O'zbekiston Respublikasi JKning 17-moddasiga asosan yuridik shaxslar jinoyat subyekti hisoblanmaydi. Biroq, BMTning Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi Konvensiyada yuridik shaxslarning jinoiy javobgarlik choralarini belgilash imkoniyati ko'rsatilgan.

Shuningdek, BMTning Korrupsiyaga qarshi Konvensiyasi (26-moddasiga asosan) har bir ishtirokchi yuridik shaxslarning, shu jumladan, jinoyatchilarning xususiy sektorda korrupsiya jinoyatlarida ishtirok etganliklari uchun javobgarligini belgilash choralarini ko'rishi kerak bo'lgan qoidani o'rnatgan. Ushbu Konvensiyaning Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi Konvensiyadan o'ziga xos xususiyati yuridik shaxslarning jinoiy javobgarligini belgilash imkoniyati taqdim etilgan jinoyatlarning aniq ro'yxati ko'rinishidagi cheklovlarning yo'qligi bo'lib hisoblanadi.

Konvensiyalar qoidalariga qo'shimcha ravishda guruhning ishtirokchisi bo'lgan pul yuvish bilan kurashish bo'yicha moliyaviy chora-tadbirlarni ishlab chiqish bo'yicha juda qattiq talabi ham mavjud, shu jumladan, O'zbekiston Respublikasi uning tavsiyalari asosida yuridik shaxslarning jinoiy javobgarligini belgilashni nazarda tutadi.

Korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik to'g'risidagi Yevropa Konvensiyasining "yuridik shaxslarning javobgarligi" deb nomlangan 18-moddasiga ko'ra, har bir tomon yuridik shaxslarning faol pora olish, mansab lavozimidan shaxsiy manfaatlari uchun foydalanish va shu kabi jinoyatlar sodir etish orqali qo'lga kiritilgan mablag'larini legallashtirishga oid jinoyatlarni sodir etganlik uchun javobgarlikka tortilishini ta'minlash yuzasidan zarur bo'lgan qonunchilik va boshqa choralarni ko'rishi lozim.

Mazkur Konvensiyaning 19-moddasida: har bir tomon yuridik shaxslarni korrupsiya bilan bog'liq jinoyatlarni sodir etganligi uchun jinoiy xususiyatga ega bo'lmagan sanksiyalar, xususan, moliyaviy sanksiyalarni qo'llashni ta'minlaydi, deb belgilangan.

Ushbu Konvensiyaning 24-moddasida Konvensiyaning talablari ahdlashuvchi davlatlar tomonidan bajarilishi Korrupsiyaga qarshi davlatlar guruhi GRECO tomonidan nazorat qilinishi, 33-moddasida Konvensiya davlat uchun kuchga kirgan kundan boshlab avtomatik ravishda GRECO a'zosi bo'lishi ko'rsatilgan.

Ushbu Konvensiya davlatlarni korrupsion xarakterdagi jinoiy huquqbuzarliklar uchun javobgarlikning biron bir shaklini belgilashga majbur qiladi. Biroq yuqorida qayd etganimizdek, O'zbekiston Respublikasi mazkur Konvensiyaning ishtirokchisi hisoblanmaydi.

Shunday qilib korrupsiyaviy jinoyatlar, shu jumladan, biz ko'rib chiqayotgan JKning 192⁹-moddasi bo'yicha yuridik shaxslarning jinoiy javobgarlikka tortishdan asosiy sabab va maqsad sifatida quyidagilarni keltiramiz:

1) yuridik shaxsni jinoiy javobgarlikka tortish, yolg'iz boshlig'ining faoliyatining emas, balki yuridik shaxsning o'zini ham jinoiy faoliyatini tan olishni anglatadi;

2) yuridik shaxslarga jinoiy javobgarlik belgilanishning jinoyat sodir qilinishini oldini olishda muhim bo‘lgan ta’sir chora hisoblanadi;

3) yuridik shaxsning sodir qilgan jinoyati uchun jinoiy javobgarlikka tortish chorasini ko‘rilmasa, bunda yuridik shaxs jinoiy faoliyatni davom ettirishi mumkin;

4) huquqbuzarlik uchun yuridik shaxsga faqat ma’muriy javobgarlik chorasi qo‘llanilsa-chi, bunday holda ma’muriy javobgarlik xavfini o‘z zimmasiga olgan yuridik shaxs jinoiy faoliyatni davom ettirishiga sabab ham bo‘lishi mumkin.

Bugungi kunda dunyoning 70 dan ortiq mamlakatlarida, xususan mamlakatimiz huquq tizimiga yaqin bo‘lgan roman-german huquq oilasiga kiruvchi Fransiya, Ispaniya, Chexiyada, shu bilan birga, Ozarbayjon, Gruziya, Latviya, Moldava, va Estoniya kabi davlatlar yuridik shaxslarning jinoiy javobgarligini joriy qilgan.[11.,12.,13. B.153-160.,14. B.169-198.,15,16]

Xorijiy davlatlarning ijobiy tajribasini hisobga olgan holda, O‘zbekiston Respublikasining jinoyat qonunchiligida yuridik shaxslarning jinoiy javobgarligi asoslarini hamda qaysi jinoyatlar uchun yuridik shaxslar jinoyat subyektini bo‘lishi mumkinligini aniq ko‘rsatgan holda belgilash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. V.V.Zimin. Уголовно-правовые и криминологические аспекты реализации Российской международной антикоррупционных стандартов Диссертации на соискание ученой степени к.У.н М.:2022.

2. Günter Heine • Thomas O. Rose Private Commercial Bribery A Comparison of National and Supranational Legal Structures International Chamber of Commerce, Paris.

3. Nikonorov YE. A., Nikonorova Y. V. Konvensiya Organizatsii Obedinennix Natsiy protiv korrupsii, kak istochnik normativno-pravovogo regulirovaniya protivodeystviya korrupsii v Rossii // Vestnik Moskovskogo universitete MVD Rossii. – 2016. – № 1.

4. Tarasov A.A. Problemi protivodeystviya prestupnosti v sovremennix usloviyax. Materiali mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferensii 16-17 oktabrya 2003 g. Chast I. Ufa: RIO BashgU, 2003 g.

5. Ye.V.Kolenko. “Pora olish uchun javobgarlik: O‘zbekiston Respublikasi jinoyat qonunchiligini xalqaro standartlarni hisobga olgan holda takomillashtirish istiqbollari” mavzusida yuridik fanlar bo‘yicha falsafa fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya Avtoreferati T.:2023 .

6. D.A.Kononov Zloupotrebleniye polnomochiyami i kommercheskiy podkup: ugovovno-pravovaya xarakteristika 12.00.08.Dissertatsiya na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk Moskva – 2016.

7. A.V.Serous Ugolovnaya otvetstvennost za podkup inostrannix doljnostnix lits i doljnostnix lits publichnix mejdunarodnix organizatsiy Avtoref. diss. k.Y.n. Moskva—2019

8. B.Shamsutdinov Korruptsiyaviy jinoyatlar uchun javobgarlik. MonografiY. T.:2020.

9. Bu borada tadqiqotchi S.A.Boydedayev. O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksiga mavqeni suiiste‘mol qilish uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi yangi 210²-modda. “Shaxsning o‘z mavqeini suiiste‘mol qilishi” bilan to‘ldirishni taklif qilgan// Batafsilroq qarang: S.A.Boydedayev Korruptsiyaga qarshi kurashning jinoyat-huquqiy va kriminologik jihatlari Y.f.f.d. (PhD) dissertatsiyasi Avtoref. T.: – 2023.

10. Ye.N.Karabanova Probeli rossiyskogo zakonodatelstva, reglamentiruyushego ugolovnyuyu otvetstvennost za korruptsiyu // Probeli v rossiyskom zakonodatelstve. 2015. № 5.

11. N.V.BugayevskaY.(k.Y.n.dots) Perspektivi vvedeniyaugolovnoy otvetstvennosti yuridicheskix litsza korruptsiyonniye prestupleniyai primeneniya otdelnix vidovugolovnogo nakazaniya// Ugolovno-ispolnitelnoye pravo. 2019. T. 14(1–4), № 2.;

12. N.V.BugayevskaY. Korruptsiyonniye prestupleniya: vidi i osobennosti subyekta : MonografiY. M., 2015. 200 s.

13. B.I.Ismailov. Xorijiy mamlakatlarda yuridik shaxslarni jinoiy javobgarlikka tortish: zarurati, ahamiyati va modellari //Qonun ustuvorligini ta‘minlash va sud-huquq tizimini yanada isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlari (maqolalar to‘plami)// Mas‘ul muharrir YE.V.Kolenko. T.:2020.

14. B.I.Ismailov. Korruptsiyaga qarshi kurash borasida xorijiy davlatlar amaliyoti va xalqaro standartlar tizimi shakllanishi. O‘quv qo‘llanma.T.:2019

15. G‘.A.Alimov. Yuridik shaxslarning korruptsiyon huquqbuzarliklar uchun javobgarligini tartibga soluvchi xalqaro standartlar tizimi. MonografiY. T.:YUMOM,2019.

16. Korruptsiyaga qarshi kurashish. Darslik. // Mas‘ul muharrir: A.SH.Bekmurodov: – Toshkent: “Akademiya”, 2022. – 344.

TOSHEVA Maftuna

Teacher of the Academy of Labor and social relationship, PhD student of Tashkent State University of Law

Email: maftunaaslonova@gmail.com

ACCORDING TO THE CRIMINAL CODE OF THE CIS COUNTRIES, RESPONSIBILITY ISSUES FOR THE CRIMES AS INDECENT ACTS TO THE UNDER-AGES

Annotation: The article deals with issues of responsibility for depraved acts against minors. The author based the article on the criminal codes of the Republic of Uzbekistan, the Russian Federation, Ukraine and the Republic of Kazakhstan.

Key words: *depraved actions, crimes against minors, under age sixteen, Uzbekistan, Russian Federation, Ukraine, Kazakhstan.*

In recent years, the number of crimes against the sexual freedom of minors and women, established procedures and moral norms in society has been increasing. The lightness of the liability and punishment provided by the Criminal Code of Uzbekistan, committing lewd and lascivious acts against minors in public places, neighborhoods, and public transports leads to an increase in these crimes. Chairman of the Senate of Uzbekistan Tanzila Norboeva said " *there is a need for stronger and stricter laws that are able to reliably protect the rights of women and children in our society and against cases of violence against our minors* " at the thirty-ninth plenary session of the Senate of the Republic of Uzbekistan[1].

According to Article 129 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, committing depraved actions against a person under the age of sixteen without using force is punishable by restriction of liberty from two to three years or deprivation of liberty from two to three years.

Also, according to part 2 of this article, those actions:

- a) by fraud or abuse of trust;
- b) against two or more persons;
- c) against a person under the age of fourteen;
- g) in relation to a person who is known to the guilty person to have a sign of disability;
- d) repeatedly, a dangerous recidivist or a person who has previously committed the crimes provided for in Articles 118, 119, 121 and (or) 128 of this Code;
- e) in relation to a close relative or a person living together on the basis of a single household;
- j) by a person who performs the duties of upbringing, training and (or) caring for the victim, as well as an employee of an educational, educational, medical or other institution, which is charged by law with the duty to look after the victim. In addition, if these actions were committed by using force or intimidation, it is established that it is punishable by deprivation of liberty from five to eight years [2].

The disposition of Article 129 of the Criminal Code of Uzbekistan in the previous version was established as " **Committing depraved actions against a person without using force, who is known to be under the age of sixteen.** This was editing according to the Law of the Republic of Uzbekistan dated 11.04.2023 "On amendments and additions to certain legal documents of the Republic of Uzbekistan in connection with the further improvement of the system of reliable protection of the rights, freedoms and legal interests of women and children" the text of the article was wording as "**Committing obscene acts against a person under the age of sixteen without using force**" [3].

It should also be noted that in most cases, the perpetrator of lewd and lascivious acts does not aim to satisfy his abnormal sexual desires, but to mislead a person under the age of 16, who, as a rule, does not have clearly formed correct concepts about sexual relations between people in his psyche and mind. [4, 173].

According to Article 135 of the Criminal Code of the Russian Federation, Committing depraved acts without the use of violence by a person who has reached the age of eighteen against a person who has not reached the age of sixteen - shall be punishable by compulsory works for a term of up to 440 hours, or by restraint of liberty for a term of up to three years, or by compulsory labor for a term of up to five years, with or without deprivation of the right to occupy certain positions or engage in certain activities for a term of up to three years, or by deprivation of liberty for up to three years with or without deprivation of the right to hold certain positions or engage in certain activities for up to ten years [5]. The peculiarity of Article 135 is that despite the consent of the victim, this act is considered a crime and does not exclude responsibility [6, 317]. According to part 2 of the above article, if the same act is committed against a person who has reached the age of twelve, but has not reached the age of fourteen, - shall be punishable by imprisonment for a term of three to eight years, with or without deprivation of the right to hold certain positions or engage in certain activities for a term up to fifteen years, and with or without restraint of liberty for a term up to two years. Part 3 of this article contains aggravating circumstances: committing lewd and lascivious acts against two or more persons, and part 4 sets out the issues of responsibility for an act committed by a group of persons with prior agreement or by an organized group. In part 5 of Article 135, depraved actions committed by a person convicted of a previous crime against the sexual integrity of a minor - shall be punishable by imprisonment for a term of ten to fifteen years, with deprivation of the right to hold certain positions or engage in certain activities for a term of up to twenty years.

According to Article 156 of the Criminal Code of the Republic of Ukraine, Perpetration of depraved acts against a person under the age of sixteen is punishable by imprisonment for up to five years or deprivation of liberty for the same period. According to part 2 of this article, if the same actions were committed against the minor by family members or close relatives of the minor, by a person entrusted with the task of raising or caring for the victim - shall be punishable by imprisonment for a term of five to eight years, with or without deprivation of the right to hold certain positions or engage in certain activities for a term up to three years. [7].

According to Article 124 of the Criminal Code of the Republic of Kazakhstan, 1. Committing depraved acts without the use of violence against a known minor (underage) - shall be punishable by imprisonment for a term of seven to twelve years, with lifelong deprivation of the right to occupy certain positions or engage in certain activities. Comply with part 2 of this article, if the same act, committed in relation to a minor (underage) by a parent, stepfather, stepmother, teacher or other person, who is entrusted with the duties of raising her (his) upbringing by the law of the Republic of Kazakhstan, - shall be punishable by imprisonment for a term of ten to fifteen

years, with lifelong deprivation of the right to occupy certain positions or engage in certain activities. Also, in part 3 of the above article, it is established that The acts provided for by paragraphs 1 or 2 of this Article, if committed repeatedly, - shall be punishable by imprisonment for a term of twelve to seventeen years, with lifelong deprivation of the right to hold certain positions or engage in certain activities. [8] .

In conclusion, it should be said that despite the reforms being carried out in our country, as well as laws aimed at protecting the sexual integrity and moral development of women and children, the changes being made are not enough. In particular, although it was established that early parole is not applied for committing indecent acts against a minor, punishments such as depriving the criminal of the right to occupy certain positions or engage in certain activities were not included.

References:

1. "https://kun.uz/news/2023/04/06/voyaga-yetmagan-shaxslarga-nisbatan-jinsiy-zoravonlik-sodir-etgan-shaxslarga-bolalar-bilan-ishlash-ta'qiqlanadi-tanzila-norboyeva"
2. Criminal Code of the Republic of Uzbekistan <https://lex.uz/docs/111453>
3. "On amendments and additions to some legal documents of the Republic of Uzbekistan in connection with the further improvement of the system of reliable protection of the rights, freedoms and legal interests of women and children" Law of the Republic of Uzbekistan O'RQ-829 <https://lex.uz/docs/6430272>
4. Rustambaev M.Kh. Uzbekistan _ Republic of Crime to the Codex comments . Special part /M. Rustambaev . - Tashkent : « Legal books publish ", 2021. - 696 p.
5. "Ugolovnyy kodeks Rossiyskoy Federatsii" ot 13.06.1996 N 63-FZ (ed. ot 13.06.2023) (s izm. i dop., ustup. v silu s 24.06.2023) https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/89_c_255_de_9_a_1_c_900_fcde_4_cd_5_a_34_c_5_f66282_cf_2_db_5/
6. Bragin A.P. Rossiyskoe ugovnoe pravo: uchebno-prakticheskoe posobie/ A.P. Bragin . - M.: Izd. center EAOI. 2012.- 640s.
7. Criminal Code of Ukraine dated April 5, 2001 No. 2341-III (amended and amended on March 21, 2023) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&pos=28;-52#pos=28;-52
8. Copyright Code of the Republic of Kazakhstan dated July 3, 2014 No. 226-V (amended and supplemented on May 20, 2023) https://continent-online.com/Document/?doc_id=31575252#pos=2061;-59

DARVISHOV Sarvabek Rustamovich,

IIV Akademiyasi test markazi o'qituvchi-metodisti, +998-90-980-74-50

IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI KURASHISHDA SUD-BUXGALTERIYA EKSPERTIZASINING ROLI

Annotatsiya. Maqolada buxgalteriya hisobi subyektari tomonidan buxgalteriya hujjatlari, moliyaviy hisobotlarni soxtalashtirish orqali amalga oshiriladigan iqtisodiy jinoyatlarning mamlakat iqtisodiy xavfsizligiga ta'siri yoritilgan. Mazkur turdagi iqtisodiy jinoyatlarni oldini olish, ularni aniqlashda sud-buxgalteriya ekspertizasining o'rni ifodalangan. Shuningdek, sud-buxgalteriya ekspertizasining maqsadi, obykti hamda iqtisodiyotni raqamlashtirish jarayonida uning samaradorligini oshirishga e'tibor qaratilgan.

Kalit so'zlar: iqtisodiy xavfsizlik, yashirin iqtisodiyot, iqtisodiy jinoyat, buxgalteriya hisobi, sud-buxgalteriya ekspertizasi, ekspert-buxgalter, xulosa.

РОЛЬ СУДЕБНО-БУХГАЛТЕРСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В БОРЬБЕ С ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация. В статье описано влияние экономических преступлений, совершаемых субъектами бухгалтерского учета путем фальсификации учетных документов и финансовой отчетности, на экономическую безопасность страны. Выражена роль судебно-бухгалтерской экспертизы в предупреждении и раскрытии экономических преступлений данного вида. Также уделено внимание цели и объекту судебно-бухгалтерской экспертизы и повышению ее эффективности в процессе цифровизации экономики.

Ключевые слова: экономическая безопасность, теневая экономика, экономическое преступление, бухгалтерский учет, судебно-бухгалтерская экспертиза, эксперт-бухгалтер, заключение.

THE ROLE OF FORENSIC ACCOUNTING IN COMBATING ECONOMIC CRIMES

Abstract. The article describes the impact of economic crimes committed by accounting entities through the falsification of accounting documents and financial statements on the country's economic security. The role of forensic accounting in the prevention and detection of economic crimes of this type is expressed. Also, attention is paid to the purpose and object of the forensic accounting examination and to increase its efficiency in the process of digitalization of the economy.

Key words: economic security, shadow economy, economic crime, accounting, forensic accounting, expert accountant, conclusion.

Mamlakat iqtisodiy xavfsizligiga tahdid qiluvchi bir qator omillar mavjudki bular olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlarga, iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga to'sqinlik qiladi. Bularga firibgarlik, talon-tarojlik, daromadlarni

solliqdan yashirish, soxta bankrotlik, bankrotlikni yashirish, qasddan bankrotlikka olib kelish va boshqa turdagi moliya-xo‘jalik faoliyati bilan bog‘liq bo‘lgan iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlarni misol qilishimiz mumkin. Ushbu turdagi iqtisodiy jinoyatlar albatta buxgalteriya hisobiga oid moliyaviy hujjatlarni soxtalashtirish orqali amalga oshiriladi va ularda iz qoldiradi. So‘nggi yigirma yillikda jahonda bir qator mashhur kompaniyalarda buxgalteriya hujjatlari, moliyaviy hisobotlarni soxtalashtirish natijasida yirik moliyaviy mojarolar kuzatildi. Jumladan, Enron, WorldCom, AIG, Tyco International, Freddie Mac, Lehman Brothers kabi kompaniyalarda ayrim shaxslarning noqonuniy harakati natijasida kompaniyalar vayron bo‘lgan, milliardlagan AQSh dollari zarar ko‘rilgan hamda bu millionlab insonlarga ta’sir qilgan. Ya’ni birgina Enron kompaniyasidagi moliyaviy mojaro natijasida aksiyadorlar 74 milliard AQSh dollari zarar ko‘rganlar.[7] Shuningdek, Firibgarlikni tekshiruvchi sertifikatlangan ekspertlar uyushmasining (ACFE) ma’lumotlariga ko‘ra, har yili dunyo bo‘ylab kasbiy firibgarlik tufayli 4,7 trillion dollardan ortiq mablag‘ yo‘qotiladi.[6]

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda ro‘yxatga olingan iqtisodiyot asoslariga qarshi, xo‘jalik faoliyati sohasidagi, boshqaruv organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar soni 2019 yilda 7538 tani, 2020 yilda 10005 tani, 2021 yilda 33959 tani, 2022 yilda 30736 tani tashkil qilgan. [4] Yoki sudlangan shaxslar tomonidan sodir etilgan jinoyatlardan birgina “O‘zlashtirish yoki rastrata yo‘li bilan talon-toroj qilish” jinoyati 2020 yilda 1528 ta, 2021 yilda 3883 ta, 2022 yilda esa 5891 tani tashkil qilib yildan-yilga sezilarli darajada o‘sish tendensiyasini kuzatish mumkin [5]. Shulardan, mansabdor shaxslarning jinoyatlari oqibatida davlat va jamiyat manfaatlariga 2020 yilda 500 mlrd 102 mln so‘m, 2021 yilda esa 913,7 mlrd so‘m miqdorida moddiy zarar yetkazilgan. [8] Yuqorida keltirilgan raqamlar yildan yilga oshib borishi mamlakat iqtisodiyotiga salbiy ta’sirini ko‘rsatmasdan qolmaydi.

Bu borada Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev “Islohotlarimizga jiddiy to‘sqinlik qilayotgan “yashirin iqtisodiyot”ga barham berilmas ekan, sog‘lom raqobat ham, qulay investitsiya muhiti ham shakllanmaydi” [3] deya ta’kidlab o‘tganlar.

Bu esa o‘z navbatida mazkur turdagi iqtisodiy jinoyatlarni oldini olish, ularni aniqlashda maxsus iqtisodiy bilimlarning o‘rni naqadar ahamiyatli ekanligini ko‘rsatadi. Maxsus iqtisodiy bilimlar orasida nihoyatda keng tarqalgan turlaridan biri bu – sud-buxgalteriya ekspertizasidir. Uni o‘tkazish zarurati tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, dastlabki tergov va sud muhokamasida yuzaga keladigan buxgalteriya hisobiga oid nizolarni adolatli hal qilishda maxsus buxgalteriya hisobiga oid bilimlar keng qo‘llanilganda vujudga keladi.

Sud-buxgalteriya ekspertisasi haqida Buyuk Britaniyaning sobiq Bosh vaziri, moliya vazirligi kansleri Janob Gordon Braun fikr bildirib, “XIX-asrda barmoq izlaridan, XX-asrda DNK tahlilidan qanday foydalanilgan bo‘lsa, moliyaviy ma’lumotlar va sud-buxgalteriya ekspertisasi bugungi kunda mavjud bo‘lgan eng kuchli tergov va razvedka vositalaridan biriga aylandi” [2] deya ta’kidlagan.

Umuman olganda, sud-buxgalteriya ekspertisasi fuqarolik, iqtisodiy, jinoyat va ma’muriy sud ishlarini yuritishda ish holatlarini aniqlashga qaratilgan hamda

ekspert-buxgalter tomonidan buxgalteriya sohasidagi maxsus bilimlar asosida sud-ekspert tekshirishlarini o'tkazish va xulosa berishdan iborat bo'lgan protsessual harakatdir. Sud-buxgalteriya ekspertizasining maqsadi tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organ mansabdor shaxsining, surishtiruvchining, tergovchining, prokurorning yoki sudyaning qarori, sudning ajrimi, advokatning so'rovida qo'yilgan savollarga asoslantirilgan xulosa berish uchun buxgalteriya hisobi subyekting buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobotni tashkil etishning to'g'riligi, xo'jalik faoliyatining ishonchliligini aniqlashdan iborat.

Sud-buxgalteriya ekspertizasining obyektlari umumiy va maxsus turlarga bo'linadi. Umumiy turiga boshlang'ich va yig'ma hujjatlar, buxgalteriya hisobi registrlari, moliya va soliq hisobotlari hujjatlari, inventarizatsiya materiallari, tashkiliy-ma'muriy hujjatlar va boshqa buxgalteriya hujjatlari kiradi. Maxsus turiga hujjatli taftish dalolatnomasi, boshqa soha ekspertlarining xulosalari, hujjatlarni olib qo'yish to'g'risidagi bayonnomalar va ularni ishga ilova qilish to'g'risidagi qarorlar, turli sud jarayonlarining bayonnomalari (so'roq qilish, yuzlashtirish, tintuv va olib qo'yish) kiradi [1].

Bugungi kunda buxgalteriya hisobi subyektlari tomonidan buxgalteriya hisobi avtomatlashtirilgan sharoitda turli xil dasturiy ta'minotlarda olib borilayotganligi sababli sud-buxgalteriya ekspertisasi obyektlarining umumiy turlariga nafaqat qog'oz shaklda taqdim etilgan hujjatlar, balki elektron tarzda tuzilib, kompyuter xotira qurilmalarida saqlanadigan, ma'lumotlar tarmoqlari orqali uzatiladigan hamda elektron imzo bilan tasdiqlanadigan hujjatlar ham kiradi.

Demak, elektron hujjatlar ham xuddi qog'oz hujjatlari kabi bir xil kuchga ega. Shu bilan birga raqamlashtirilgan buxgalteriya hisobi orqali iqtisodiy jinoyatlar amalga oshirilsa elektron buxgalteriya hujjatlari ishlarni ko'rib chiqish uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan axborot manbai bo'lib xizmat qiladi hamda o'z navbatida ular ham sud-buxgalteriya ekspertisasi obyekti bo'lib hisoblanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni xulosa qilish mumkinki, bugungi kunda mamlaktimizda buxgalteriya hisobi sohasiga raqamlashtirish texnologiyalarini keng joriy qilinishi jadallashib borayotgan bir paytda mazkur sohadagi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish borasida sud-buxgalteriya ekspertizasini sifati va samaradorligini yanada oshirish uchun raqamlashtirilgan buxgalteriya hisobi ma'lumotlari bo'yicha sud-buxgalteriya ekspertisasi tadqiqotini o'tkazish metodikasini ishlab chiqish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Е.С.Дубоносов Судебно-бухгалтерская экспертиза: учебник для бакалавриата и магистратуры / Е.С.Дубоносов. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2019. С.-70-71.

2. Muehlmann, B.W., Burnaby, P. and Howe, M. (2012). The Use of Forensic Accounting Experts in Tax Cases as Identified in Court Opinions. Journal of Forensic & Investigative Accounting, 4(2), p.1.

3. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

4. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
5. <https://stat.sud.uz/file/2023/03.05/sayt%20jinoiyat%202023%20yil%203%20oy.pdf>
6. <https://www.acfe.com/about-the-acfe/newsroom-for-media/press-releases/press-release-detail?s=2022-RTTN-launch>
7. <https://www.corporatefinanceinstitute.com/resources/accounting/top-accounting-scandals/>
8. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/20/crime/>

SHUKUROVA Muhayyo Mukumjanovna

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Toshkent viloyati Ohangaron tumanidagi Xalq qabulxonasi mudiri, IIV Akademiyasi mustaqil izlanuvchisi

HOKIMIYAT HARAKATSIZLIGI UCHUN JAVOBGARLIK BELGILASHNING RETROSPEKTIV TAHLILI

Annotatsiya. Mazkur maqolada hokimiyat harakatsizligi uchun javobgarlik muammolariga doir ilmiy tadqiqotlarning zamonaviy holati va rivojlanishi alohida o'rganilib ushbu masala yuzasidan olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlari tahlil qilindi va statistik tahlil, kuzatish, materiallarni o'rganish usullari orqali xulosa va takliflar ishlab chiqildi.

Kalit so'zlar: davlat boshqaruv organlari, ijro hokimiyati hokimiyat harakatsizligi, jinoiy javobgarlik, jinoiy protsessual kodeksi, mansabni suiiste'mol qilish.

РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АНАЛИЗ УСТАНОВЛЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА БЕЗДЕЙСТВИЕ ВЛАСТИ

Аннотация. В данной статье отдельно изучено современное состояние и развитие научных исследований по проблемам ответственности за бездействие органов власти, проанализированы научные исследования, проводимые по данному вопросу, а также разработаны выводы и предложения на основе методов статистического анализа, наблюдение и изучение материалов.

Ключевые слова: органы государственного управления, исполнительная власть, бездействие власти, уголовная ответственность, Уголовно-процессуальный кодекс, злоупотребление служебным положением.

RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE ESTABLISHMENT OF RESPONSIBILITY FOR AUTHORITY INACTION

Annotation. This article separately examines the current state and development of scientific research on the problems of liability for the inaction of government authorities, analyzes scientific research conducted on this issue, and also develops conclusions and proposals based on methods of statistical analysis, observation and study of materials.

Keywords: state management bodies, executive power, power inaction, criminal liability, criminal procedural code, abuse of office.

Davlat boshqaruvi sohasida turli islohot va o'zgarishlar natijasida XX asrning oxiriga kelib, davlat "boshqaruvchi" emas, "ishtirokchi"lardan biri ekanligi yaqqol namoyon bo'la boshladi. Bu borada davlatning vertikal boshqaruvdan davlat hokimiyati idoralari, fuqarolik jamiyati institutlari va boshqa jamoat tashkilotlari bilan hamkorligi, ya'ni gorizontal tartibga o'tganligini ko'rsatish mumkin. Bu, o'z navbatida, davlat qarorlari qabul qilinishi jarayonida barcha manfaatdor tomonlarning ishtirok etishiga olib keldi. Hokimiyatning bu jarayondagi funksiyasi ham o'ziga xos ahamiyatga ega.

Mamlakatimizda davlat boshqaruv tizimini isloh qilish, ushbu tizimda faoliyat olib borayotgan xizmatchilarning kasbiy malakalarini rivojlantirish masalasi dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan 2017-yil 7-fevralda qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"[1] gi, 2022-yil 28-yanvarda qabul qilingan "2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi farmonlarda davlat boshqaruv tizimini isloh qilish va uni har tomonlama zamon ruhiga moslashtirish masalalariga doir ko'plab taklif va tavsiyalar ilgari surilgan.[2] Bundan asosiy maqsad hokimiyatning asosiy xizmat prinsiplaridan bo'lgan xalq manfaatlarini himoya qilish vazifasini hal qilish, davlatga nisbatan ishonch va itoatkorlikni shakllantirish, demokratik jamiyatni chin ma'nodagi g'oyalarini yuzaga chiqaishdan iboratdir.

Davlat va hokimiyat boshqaruvining ilmiy-nazariy asoslarini tadqiq etishda uning tarkibiy qismlari bo'lgan "davlat", "boshqaruv", "hokimiyat", "mahalliy hokimiyat organi" tushunchalari mazmunini to'g'ri anglash katta ahamiyatga ega. Ayniqsa, shu davrga qadar "boshqaruv" tushunchasiga ko'plab sharhlar berilgan bo'lib, natijada, ushbu tushuncha bugungi kunda turli xususiyatlar, munosabatlar va jarayonlarning cheksiz xilma-xilligini asoslamogda. Davlat boshqaruvi tizimi - jamiyat ehtiyojlari hamda milliy manfaatlar evolyutsiyasini mos ravishda o'zida aks ettirishi, qolaversa, davlat va mahalliy boshqaruv jarayonlarini tashkil qilish tamoyillarining ilmiy-metodologik asoslanganini bilish uchun ushbu tizimdagi siyosiy tadqiqot usullarini chuqur o'rganish zaruriyati kelib chiqadi. Jumladan, ushbu tizim faoliyatini o'rganish asosida uning amaliy jarayonlar bilan yetarli darajadagi mushtarakligiga erishish hamda davlat va mahalliy boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish borasidagi samarali boshqaruv tadbirlarini ishlab chiqish mumkin.

Bunda, bir tomondan, aynan mahalliy boshqaruv va hokimiyat harakatlari borasidagi mavjud vazifalarning bajarilishi uchun ilmiy asosga ega bo'lgan amaliyot zarur bo'lsa, ikkinchi tomondan, innovatsion boshqaruv siyosati nazariyasini rivojlantirish hamda bu boradagi ilmiy tadqiqotlar natijalarini doimiy ravishda tizimlashtirib borish talab qilinadi.[3] Masalaning asosiy ilmiy tushunchalari va kalit so'zlarining istilohiy va lug'aviy mazmunini o'rganish barobarida ularning

ijtimoiy-siyosiy maydondagi huquqiy xarakterini ham amalda tahlildan o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Davlatning hokimiyat funksiyasi amalda xalq manfaatlarini himoya qilishi Konstitutsiyaning 7-moddasi (Xalq davlat hokimiyatining birdan-bir manbaidir)[4] da ham aniq va ravshan bayon qilingan.

Agar hokimiyatga tushunish oson bo'lgan eng oddiy ta'rif beradigan bo'lsak, u ijtimoiy hodisa; kishilik jamiyatining barcha bosqichlarida mavjud bo'lgan va jamiyat rivojlanishi bilan rivojlanib borgan; hokimiyatning rivojlanishi jamiyat rivojiga yoki aksincha, jamiyat rivoji hokimiyatga ta'sir etgan; hokimiyat munosabatida ikki tomon: birinchisi - hokimiyat subyektu yoki hokimiyat egasi, ikkinchi tomon - shu subyektga bo'ysunuvchi tomon bo'ladi; hokimiyat, albatta, kuchga ega bo'ladi. Umumlashtirib aytadigan bo'lsak, hokimiyat boshqalarga nisbatan huquqqa ega bo'lish, kuchga ega bo'lish va boshqalarga ta'sir qilishdir. Boshqalar deganda alohida shaxs yoki shaxslar, jamoa, oila, jamiyatni tushunish mumkin. Shuning uchun hokimiyatning turlari, ko'rinishi turli-tuman boshqaruv formati mavjud.[5]

Dunyoda tajribasida sud tomonidan ijro hokimiyati faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirish orqali "o'zaro tiyib turish va qarama-qarshi ta'sir etish tizimi"ni amalda ta'minlash, ma'muriy sudlar tomonidan shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish samarali huquqiy mexanizm sifatida baholanadi. Ijro hokimiyati faoliyatini sud tomonidan nazorat qilish mezoni Xalqaro sud loyihasi (World Justice Project)da davlatlarda demokratik o'zgarishlarning baholashning asosiy mezoni sifatida belgilanib, ushbu loyiha doirasida har yili 140 ta davlatning huquq indeksi bo'yicha reytingi e'lon qilib boriladi[6]. Xususan, so'ngi yillarda davlatlar tomonidan Konstitutsiya va qonunlar ustuvorligini ta'minlash va shaxslarning huquq va erkinliklari buzilishining oldini olishda sud nazorati institutidan samarali foydalanish mexanizmlarini takomillashtirish masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ma'lumki, ma'muriy organlar va ular mansabdor shaxslarining qarorlari, harakatlari (harakatsizligi) yuzasidan nizolar ommaviy huquqiy munosabatlar sohasida kelib chiqadi. Ushbu huquqiy munosabatlar ishtirokchilari o'z huquqiy maqomida teng emasligi, "hokimiyat-bo'ysunish" formulasiga asosan qurilganligi, bir taraf huquqiy majburiyatlarga, ikkinchi taraf esa subyektiv huquqlarga egaligi bilan boshqa huquqiy munosabatlardan (fuqaroviy huquqiy munosabat) tubdan farq qiladi. Shunga ko'ra, davlatlarning protsessual qonunchiligi (Germaniya Ma'muriy-protsessual kodeksi, Ozarbayjon Respublikasi Ma'muriy-protsessual kodeksining, Gruziya Respublikasi Ma'muriy-protsessual kodeksi, Qozog'iston Respublikasi Ma'muriy-protsessual kodeksi, Estoniya Respublikasi Ma'muriy-protsessual kodeksi va hok.) bunday toifadagi ishlarni ko'rishda taraflarning huquqiy holati muvozanatini ta'minlash, natijada fuqarolarning ma'muriy organlar bilan sudda tortishuvini va tengligini, ularning sud himoyasi huquqini amalga oshirishda real imkoniyatlarini yaratish maqsadida sud ishini yuritishda sudning faol rolini oshirishga qaratilgan. Bu esa o'z navbatida, ushbu toifadagi ishlarni sudda ko'rishda tenglikning ta'minlanishiga, natijada shaxslarning buzilgan huquqlari sud orqali tiklanishiga o'zining munosib hissasini qo'shadi.[7]

Keyingi yillarda jamiyatdagi hokimiyatning boshqaruv uslubi va qarorlari bilan bog‘liq ommaviy-huquqiy munosabatlardan kelib chiquvchi nizolarni hal qilishda ochiqlik va shaffoflikni ta‘minlash, ma‘muriy organlarning aktlari va harakatlari ustidan sud nazoratini amalga oshirish, ushbu toifadagi ishlarni sudda ko‘rishning protsessual tartibini takomillashtirish masalalari bo‘yicha tadqiqotlarni olib borishga alohida e‘tibor berilmoqda. Jumladan, shaxslarning odil sudlovga bo‘lgan huquqlarining to‘liq ta‘minlanishi, ma‘muriy organlar maqomi, ularning shaxslar bilan munosabatlarida Konstitutsiya va qonunlarga so‘zsiz amal qilishi ustidan sud nazoratini amalga oshirishning protsessual asoslari, ishtirokchilarning sud jarayonlarida huquq va majburiyatlarini belgilash, ommaviy-huquqiy munosabatlardan kelib chiquvchi nizolarni ko‘rishda sudning faolligini oshirish va shu orqali sud ish yurituvining asosiy prinsiplaridan biri bo‘lgan taraflar tortishuvi va teng huquqliligiga erishish, sohaga zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy qilish masalalari muhim ilmiy tadqiqot yo‘nalishlari sifatida o‘rganilmoqda. Buning pirovard maqsadi hokimiyatning sog‘lom huquqiy muhit ta‘siridagi odilona faoliyatini taminlashdan iborat. Zero hokimiyat jamiyatga yaxlitlik, barqarorlik, uyushqoqlik, boshqaruv va tartib baxsh etadi. Hokimiyat ijtimoiy munosabatlarni boshqarib, ularni aniq maqsad sari yo‘naltirib turadi. Shunday qilib, ijtimoiy hokimiyat – uyushgan kuch bo‘lib, jamiyat a‘zolarining irodasini o‘ziga bo‘ysundiradi. Ijtimoiy hokimiyat ikki turga ajratiladi: nosiyosiy hokimiyat va siyosiy (davlat) hokimiyat. Tarixan birinchi qaror topgan siyosiy tashkilot – bu davlatdir.[8]

Hokimiyat tushunchasi umumiy ma‘noda tahlil qilinganda avvalo bu ijtimoiy hodisa yoki tizimning tarixiy paydo bo‘lish va shakllanish bosqichlari haqida fikr yuritish maqsadga muvofiqdir. Insoniyatning daslabki paydo bo‘lishidan to bugungi demokratik jamiyat sifatida davlatchilik shaklida hayot kechirishigacha bo‘lgan davrda hokimiyat turli tuzilmalar misolida rivojlanib borgan. Jamiyatdagi insonlarning ibtidoiy hayot tarzi davrida ham ushbu unsur qisman kurtak yozib borgan va uning daslabki alomatlari kuzatilgan.

Tarixdan ma‘lumki, davlat hokimiyati boshqaruvidagi muhim jarayonlarning dastlabki elementlari antik davrlardayoq ishlab chiqilgan bo‘lib, Platon, Aristotel va Sitseronning asarlarida boshqaruvning markaziy va yagona mexanizmi hamda asosan, yetakchilar tomonidan amalga oshiriladigan jarayon sifatida talqin etilgan bo‘lsa, yangi davrga kelib esa, bunday qarashlar o‘zgargan. Masalan, T.Jefferson, J.Lokk, J.Russo, A.de Tokvill va J.Millning asarlarida mahalliy hokimiyat institutining siyosiy ahamiyati, mahalliy o‘zini o‘zi boshqarishning ijtimoiy mohiyati yoritilgan. Sharqda Abu Nasr Forobiy, Nizomulmulk, Amir Temur, Alisher Navoiy va boshqa mutafakkirlarning asarlarida boshqaruv jarayonini amalga oshirishda adolat mezoniga qat‘iy amal qilish va kengash bilan maslahatlashish kerakligi ta‘kidlanadi.[9]

Hokimiyatning harakatsizligi va ushbu jarayonlar bilan bog‘liq normalar buzilishi borasidagi fundamental tadqiqotlar boshqaruv nazariyasi namoyondalari (F.Teylor, G.Emerson, A.Fayol, M.Veber, E.Meyo, R.Laykert, G.Saymon,

P.Duruker, E.Deyl va boshqalar) tomonidan olib borilgan bo‘lib, ular nazdida rahbar faoliyatini birinchi navbatda boshqaruv qarorlarini tayyorlash va amalga oshirish bilan bog‘laydi. Boshqaruv samaradorligi ko‘p jihatdan optimal qaror qabul qilinishiga bog‘liq. Boshqaruv qarorlari doimo tashkilotdagi o‘zgarishlar bilan bog‘liq bo‘lib, ularning tashabbuskori, odatda nazorat qilinadigan yoki amalga oshiriladigan mas‘ul bu - rahbar shaxs hisoblanadi.[10] Bu esa hokimiyatning tarkibiy elektoratining ijtimoiy faol va foydali amallari ko‘lamini oshirishga xizmat qiladi.

O‘zbekistonlik olimlardan R.Tursunov hokimiyatning “davlat boshqaruvidagi fuqarolar bilan bevosita konfliktlarini oldini olishda ularning harakatsizlik omilini bartaraf etishi muhim”[11] degan fikrni ilgari suradi. O.Ismailov, A.Allaberganov, B.Xolovlar[12] qaror qabul qilish jarayoni, qaror qabul qilishning asosiy bosqichlari, qaror qabul qilish va ularni ijrosini nazorat qilish masalalarini tahlil etishgan.

Ibtidoiy jamoa tuzumi – insoniyat tarixidagi eng birinchi ijtimoiy-iqtisodiy jarayondir. Bu jamiyat sinflarni ham, davlat hokimiyati va huquqni ham bilmas edi. Bu sharoitda hokimiyat butun jamiyatga tegishli edi. Birgalikda hayot kechirishning hamma masalalari: ishlab chiqarish faoliyati, urush olib borish, diniy marosimlar o‘tkazish, kishilar o‘rtasida nizolarni hal qilish va boshqa masalalar umumiy yig‘ilishida ko‘rib chiqilar va hal etilardi.

Ibtidoiy tuzumdagi ijtimoiy hokimiyat ancha obro‘li, real va samarali boshqarishga qodir bo‘lgan. Tabiiyki uning g‘ayriqonuniy va nohaq qarorlari ham deyarli kuzatilmagan, chunki sanoqli hammaga aloqador va adolatli qoidalar ushbu jamoaning yagona kosepsiyasi bo‘lgan.

Tarixdan ma‘lumki, miloddan avvalgi III–II mingyilliklarga kelib Markaziy Osiyoning iqtisodiy taraqqiyoti ilk shaharlar paydo bo‘lishiga imkon yaratdi. Ilk shaharlar dastlabki davlatchilik shakllanishida asosiy omillardan biri bo‘lib, bu ikkala jarayon uzviy holda kechgan. Miloddan avvalgi II asr o‘rtalarida kichik shahar davlatlar shakllangan.[13]

Ibtidoiy jamiyatdan keyingi quldorlik davrida hokimiyatning gegemonligi o‘sib, aholining tabaqalashuvi ortib borgan. Bu esa o‘z navbatida huquqiy munosabatlarning poymol bo‘lishi va omi xalqning azob chekishiga olib kelgan. Natijada davlat boshqaruvi va hokimiyat salohiyatining shakllanishi huquqiy ehtiyoj va ijtimoiy holatga qarab emas, balki tabaqaviy shakllanish va kelib chiqishga qarab olib borilgan.

Bugungi kunda ham davlatlar o‘z tasarrufidagi qatlamlar – ziyolilar, tadbirkorlar, nafaqaxo‘rlar, talabalar, dehqon va ishchilarni qonuniy himoya qiladi. Demak, qadimgi davrlar davlatlarida o‘ziga xos boshqaruv shakli bo‘lib, mavjud qatlamlarni himoya qilgan. Biroq tarixning guvohlik berishicha, qadimgi davlatlarda ko‘proq amaldorlar (quldorlikda quldorlar, feodalizmga katta yer egalari va h.k.) manfaati himoya qilingan.[14]

Quldorlik jamiyatining demokratik davlat boshqaruviga o‘tishini Afina quldorlik demokratiyasining shakllanishi bilan izohlash mumkin. Bu davlatda asosan qarorlar xalq yig‘ini va kengashlar yordamida amalga oshirilgan. Tabiiyki bu

hokimiyatning harakatsizligini cheklab qo‘ygan. Mamlakatimiz tarixiy davlatchiligida ham ushbu insoniyat jamiyati evolyutsiyasi bilan parallel ravishda rivojlanib borgan.

Feodalizm jamiyati va hokimiyat tuzilishi ham insoniyat madaniyati va ijtimoiy-siyosiy hayotida muhim tarixiy muhim o‘rin tutgan Yevropa mamlakatlarida ayniqsa tez rivojlanib, katta muvaffaqiyatlarga erishdi. Biz quldorlik jamiyati g‘oyalarining yuksalishini, unda paydo bo‘lgan qarama-qarshiliklarni, uning tanazzulini milodning V asridan boshlab, asosan, Rim quldorlik imperiyasi misolida o‘rganib chiqqan edik. O‘rta asrlar tarixidagi eng muhim voqealar qatorida xristian va islom dinlarining paydo bo‘lishi va keng tarqalishini alohida ta’kidlash lozim.[15] Din o‘sha davr hokimiyatining boshqaruv lokomotivi vazifasini o‘tagan. Ammo dindorlar, ruhoniy va din vakillarining qatag‘onlari va ko‘plab g‘ayriqonuniy harakatlari haqida tarixiy dalillar bizga ma’lum. Albatta ushbu dalillar feodal jamiyatning hokimiyat boshqaruvidagi nuqsonlarini yaqqol namoyon etadi.

G‘arb mamlakatlari feodal jamiyati, davlatchiligi hamda huquqshunosligida xristian dinining hukmron dinga aylanishi qanchalik ahamiyat kasb etgan bo‘lsa, islom dinining yaratilishi va tarqalishi ham Sharq dunyosidagi yuksak madaniyatning vujudga kelishida shunchalik hissa qo‘shdi. O‘rta asrlar Renessansi, Uyg‘onish davrining jahon xalqlari madaniyatiga qo‘shgan hissasi benihoya katta. Islom dinining shar‘iy qoidalari va huquqiy me‘yorlari xalq manfaatiga xizmat qilgan bo‘lib ushbu jarayonda aholini dinga jalb qilish uchun turli usullardan foydalanilgan. Ushbu ikki din hokimiyat funksiyasining ijtimoiy-falsafiy va siyosiy qiyosiy jihatdan tahlil qilinganda shu ma’lum bo‘ldiki, xristian dini feodal va kapital jamiyat tuzumida hokimiyatni boshqarishda avtoritar usulni ilgari surgan. Bu o‘z navbatida hokimiyat harakatsizligi va mansabni suiste‘mol qilish kabi jinoyatlarning sodir etilishiga sharoit yaratgan. Hozirgi davr bilan taqqoslaganda o‘sha vaqtda bu kabi jinoyatlar hokimiyatning hukmronligi va tuzilmaviy tarkibidan qoida sifatida o‘rin olganligi ayanchli haqiqatdir.

O‘rta asrlarda dunyoning turli qismlarida ko‘pdan-ko‘p va turli ijtimoiy-iqtisodiy, davlat-huquqiy jarayonlar sodir bo‘lgan. Bu davrda feodalizmning butun dunyo miqyosida ommalashishi quldorlik va ayniqsa, ibtidoiy-jamoa tuzumiga nisbatan progressiv hodisa bo‘ldi. Qadimgi Eron bitiklaridan, Yunon-rim tarixchilaridan Gerodot, Ktesiy, Arrian, Kurtsiy Ruf, Strabon va boshqalarning asarlaridan, o‘lkamizda arxeologik tadqiqotlar olib borgan tadqiqotchilarning asarlaridan qimmatli ma’lumotlar olish mumkin. Markaziy Osiyoda miloddan avvalgi VI asrning o‘rtalariga kelib xalqlarning shakllanishi jarayoni tugagan, ularning hududiy joylashuv chegaralari, viloyatlarning ma’muriy chegaralari paydo bo‘lgan.

Yuqorida keltirilgan fikrlar, ijtimoiy hokimiyatning xususiyatlari turli davrlarda xususan ibtidoiy jamoa tuzumi davrida hokimiyat o‘zini-o‘zi boshqarish va ibtidoiy demokratiya ko‘rinishida bo‘lganligini ko‘rsatadi. Davlatchilik shakllarining turli davrlardagi shakllanishiga ko‘ra hokimiyatning o‘ziga xos funksiyasi va ijroviy xususiyatlari mavjud bo‘lgan. Masalan Somoniylar o‘z davlatida juda yaxshi yo‘lga

qo'yilgan hukmronlik tizimini o'rnatdilar. Davlat boshida juda katta vakolatlarga ega bo'lgan amir turar edi.

Somoniylar davlatining ma'muriy tuzilishi quyidagicha bo'lgan: dastavval boshqaruv organi dargoh (oliy xukmdor saroyi) va devon (davlat idorasi)ga bo'lingan. Narshaxiyning ma'lumoti bo'yicha, Somoniylar davlati asosan devoni vazir, mustavfiy, amidal-mulk, sohibi shurat, sohibi muayyid, mushrif, mumallikayi xos, muhtasib, avqof va qazo nomlari bilan yuritiladigan 10 ta devonlar boshqaruvida idora etilardi. Barcha devon boshliqlari vazirga tobe edi. Somoniylar markazlashgan hokimiyat yaratishga intilib, davlat boshqaruv apparatini yengillashtirib, takomillashtirdilar.[16]

X asrning ikkinchi yarmiga kelib ichki ziddiyatlarning ko'payishi va keskinlashuvi natijasida Somoniylar davlati kuchsizlana boshlaydi. Bunga sabablardan biri tabaqalashuv va hokimiyatning ommadan integratsion uzulishi va huquqiy nizolarning kelib chiqishida ko'rinadi. Somoniylarga tobe bo'lgan viloyatlarda, ayniqsa, Xurosonda ular hokimiyatiga qarshi ko'tarilgan isyonlar, toju-taxt uchun uzluksiz olib borilgan kurashlar Somoniylar davlati inqirozini yaqinlashtirgan edi. Bunday vaziyatdan Yettisuv va Qashg'arda yashovchi turkiy qabilalar unumli foydalandilar. Chunki, X asrning ikkinchi yarmiga kelib bu hududlardagi turkiy qabilalar – qarluqlar, chig'illar, yag'molar va boshqalar o'zlarining kuchli feodal davlatlarini tuzishga muvaffaq bo'lgan edilar.

Feodal jamiyatning tanazzuli va kapitalizmning shakllanishida ham hokimiyat turli shakllarda ta'siri doirasida huquqiy nizo va kelishmovchiliklarni tug'dirib turgan.

Har qanday davlat o'z jamiyatining tarixiy, madaniy va axloqiy merosi negizlari asosida rivojlanadi. Bunday uyg'unlik xalqni o'z taraqqiyotida yangi bosqichlarga ko'taradi, uning istiqbol omillarini kengaytiradi. Jahonda taraqqiy etgan xalqlar tajribalari shuni ko'rsatmoqdaki, ular o'z ehtiyojlarini to'la qondirishga, farovon hayot kechirishga erishganlari, madaniy salohiyatlari yuksaklikka ko'tarilib borganlari sari o'zligini anglashga bo'lgan intilishlari kuchayib bormoqda. Yuqoridagi tahlillar shuni ko'rsatadiki har bir davrda hokimiyatning harakatsizligi avvalo subyektiv sabablarga bog'liq bo'lgan. Jumladan hokimiyatning tashkiliy mexanizmlari aynan shu harakatsizlikni yuzaga keltirish xavfi bilan qorilgan nosimmetrik siyosiy bo'g'inlardan tashkil topgan. Shu jihatdan, davlat boshqaruvini demokratik huquqiy va axloqiy munosabatlar asosida tashkil etish muammolari aslida bugun ham o'z dolzarbligini yo'qotgan emas. Ammo, "siyosat" va "axloq" o'rtasidagi mavjud nazariy qarashlarda asriy bahslar mavjud. Fikrimizcha axloq hokimiyatning normal faoliyati uchun shaffof huquqiy muhitni yaratishga xizmat qiladi. Bu bahslar, avvalo, siyosatda axloqqa va u orqali adolatga erishish masalalarida namoyon bo'ladi. Masalan, hukmdor qanday qilib adolatga intilish asnosida jabr-zulmdan uzoq bo'lishi mumkin. Odamlarning turli madaniy va moddiy manfaatlari axloq doirasida qay yo'sinda uyg'unlashtiriladi. Jamiyatda, hokimiyatda darajalar, manfaatlar turli bo'lsa, qolaversa, axloq yoki uni qaror toptiruvchi vositalar ko'proq insonning madaniy salohiyati bilan bog'liq hodisa bo'lsa. Siyosatda ularning

adolatli va axloqiy yechimlari qanday tashkil etiladi. Aynan shunday omillarga asoslangan hokimiyat odil va adolatli hukumronlik funksiyasiga ega bo'lgan davr va davlatlardan biri shubhasiz Amir Temurning tashkil qilgan muttamar markaz davlati desak mubolag'a bo'lmaydi. Ushbu davlat diniy qoidalarini hokimiyat boshqaruv apparatida to'g'ri va tizimli joriy etilganligi tarixdan ma'lum.

Amir Temur shu paytgacha parokanda bo'lib kelgan turli manfaat va darajadagi hukmdorlarni yagona maqsad - qudratli davlat barpo etish g'oyasi atrofida birlashtirishga erishadi. Bunday g'oya ma'lum siyosiy tadbirlar izchilligi bilan amalga oshirilgan. Bu borada, u davlat boshqaruv tizimlarini hukmdor va boshqa tabaqalarni davlat xizmati faoliyatiga aniq qoidalar asosida jalb etadi hamda ularning salohiyati va shunga muvofiq manfaatlarini umumxalq manfaatlari bilan uyg'unlashtirishga erishadi. Bu qoidalar saltanatning o'n ikki toifasini belgilash asosida tashkil etiladi.

Sohibqiron, avvalo, a'yonlarning nasl-nasabiga, ularning fahm-farosatiga, salohiyatiga, shaxsiy insoniy sifatlariga katta e'tibor qaratadi. Ya'ni, davlat xizmatchilarining ijtimoiy kelib chiqishi, davlatni boshqara olish salohiyatlari asosida ularni ma'lum vazifa yoki darajalarga ko'targan. Bunday yondashuv tizimiy xarakterga ega bo'lib, nafsi yomon himmatsizlarni, ko'ngli buzuvchi qo'rqoqlarni davlat idorasi faoliyatidan tashqarida tutishga qaratilgan. Hokimiyatning aholi zarariga chiqariladigan qaror va hukmlari ushbu saralash orqali anchayin kamaytirilgan. Ayniqsa, bunda tabaqalar faoliyatining alohida vazifalarini hamda shunga muvofiq mas'uliyatlarini belgilashga erishgan. Ayni paytda, ularning vakolatlari biri ikkinchisiga nisbatan oshib ketmasligi yoki, aksincha, tushib ketmasligi mezonlari belgilanib, davlat ishlarini tartib-intizomga va samarali faoliyatga olib kelgan. Shu tariqa, har narsani va har kimni o'z martabasida saqlashga, har kimning qadr-qimmatini, tutgan mavqeini va har narsaning o'lchovini belgilab olishga katta e'tibor bergan. Feodal jamiyatda bu kabi demokratik prinsiplarning joriy etilishida diniy qoidalar va shariat omilini hokimiyat boshqaruvida to'g'ri tadbir etish tendensiyasi ham muhim o'rin tutadi.

Amir Temur zukko, tajribali davlat arbobi edi. U o'zi tuzmoqchi bo'lgan davlatning markaziy apparati va mahalliy hokimiyatning qanday, qaysi ijtimoiy toifalarga tayanishi, mansabdor shaxslar va ularning sifatleri hamda burch va vazifalarini oldindan belgilab bergan. Har bir sohibi toj davlat va jamiyatni ma'lum ijtimoiy-siyosiy guruhlariga tayangan holda boshqarishiga alohida e'tibor qaratgan[17].

“Tuzuklar” ga ko'ra toifalarning eng yuqori darajasi sifatida sayyid, ulamo, shayx va fozillar deb qaraladi. Bu borada Amir Temur ilm va din ahlining davlat siyosatidagi nufuzi to'g'risida o'zidan oldingi ta'limotlarga amal qilgan holda olim-u ulamolarni toifalarning eng yuqori martabasi sifatida ko'radi. U - “Saltanatim tuzuklarini islom dini va kishilarning eng xayrlisi (hazrati Muhammad) ning shariatiga bog'lab, izzat-hurmatlash vojib bo'lgan onhazratining avlodi va sahobalariga muhabbat bildirish asosida tuzdim”, deydi.

Saltanat boshqaruvida o'n ikki toifa kishilarni ajratgan holda ushbu shaxslarga alohida mansab vakolati va majburiyatlar yuklangan edi. Ayni paytda, hokimiyat boshqaruvida fozillarning yaxshilari davlat va jamiyat oldidagi mas'uliyatlarini namoyon qilish va shu orqali el olqishiga sazovor bo'lish kabi muhitni vujudga keltirgan. Bunday sog'lom axloqiy munosabatlarning amaliy ifodasi bevosita Amir Temur tomonidan munosib taqdirlanib borilgan. U ulkan davlat boshqaruv tizimi asoslarini yaratish borasida adolatga asoslanish va uni ustuvor siyosiy vosita sifatida qarash shu davrda yaratilgan siyosiy ta'limotlarning amaliy jihatdan qaror topishiga olib kelgan.

Holbuki, Sohibqiron davridagi hokimiyat nazorati bilan shug'ullanuvchi sud tizimining axloqiy jihatini o'rganish bu davr davlatchiligining yana bir muhim jihatini ochib berishi mumkin. Bu davrda jinoyatga jazo berishni kuchaytirishga emas, balki uning tarbiyaviy jihatiga katta e'tibor berilgan. "Tuzuklar"da keltirilishicha, har bir shaharda shahar hokimining saroyi (Dorilamorat), qozixona (sud idorasi) adliya boshqarmasi (Doruladolat) qurilgan. Ular davlat, jamiyat va shaxsga qarshi qaratilgan jinoyatlarning oldini olishda muhim ahamiyat kasb etgan. Shuningdek, huquqni muhofaza etuvchi tarkib tuzilgan. Bu tuzilmalar ichida dorug'alar ham katta rol o'ynaganlar. Ular zimmasiga o'z xududlariga qarashli yerlarda tinchlik va barqarorlikni saqlash vazifalari yuklatilgan. Shuningdek har bir shahar va qishloqqa qutvollar tayinlangan bo'lib, ular xalqning tinch-osoyishtaligini qo'riqlagan, bordiy-u bu hududda biror narsa yo'qolsa yoki o'g'irlansa qutvollar javobgar bo'lib, ularga dorug'alar kabi yo'qolgan molni to'lash majburiyati yuklangan. Shuningdek yo'lovchilarni bir manzildan ikkinchi manzilga bexatar yetkazib qo'yish uchun zobitlar tayinlangan. Agarda yo'lda o'g'irlik yoki qotillik jinoyati sodir etilsa, javobgarlik ular zimmasiga yuklangan.[18]

Amir Temur va Temuriylar davri sud tizimi qati'y qonuniylik va adolat tamoyiliga asoslangan. Chunki, Amir Temur davrida majburlov kuchini amalga oshirishda sudlar katta ahamiyat kasb etgan.[19] Sohibqiron saltanatida sudlar ixtisoslashgan bo'lib ularning uch xil turi mavjud edi.

Birinchisi-lashkar qozisi. Bu qozilik harbiy masalalarga oid jinoyat va nizoli masalalarni ko'rgan.

Ikkinchisi-shariat qozisi bo'lib, u shariat bilan bog'liq jinoyat va nizolarni ko'rib chiqqan.

Uchinchi qozilik dunyoviy-fuqarolik va davlatga tegishli bo'lgan masalalarni masalan, o'g'irlik, moliyaviy va ma'muriy sohalarga oid ishlarni ko'rgan. Bundan ma'lum bo'ladiki hokimiyat tuzilishiga mas'ul nazorat organlarining o'zi tomonidan ham nazorat qilingan va ushbu mansabga nomzodlar maxsus talablar asosida saralab qabul qilingan. Bundan keyingi davlatchilik tarixida hokimiyatning harakatsizligi masalasi yanada kuchayib bu yaqqol ta'zyiqqa aylanib bordi.

1917-yilgi oktabr to'ntarishi Turkiston xalqlari tarixida Rossiya mustamlakachiligining yangi davrini boshlab berdi. Ayni o'sha palladan sho'rolar saltanati mustamlakachiligi davri boshlanib, u to 1991-yil 31-avgustgacha davom etdi. Sho'rolar davrida amalga oshirilgan qizil saltanat mustamlakachiligi siyosati

Chor hukumati yurgizgan mustamlakachilik siyosatidan bazi hokimiyat nohaqliklari va qasddan amalga oshirilgan harakatsizliklari bilan farqlanadi. U quyidagilardan iborat:[20]

Birinchiidan, chorizm mustamlakachilik, millatchilik va shovinistik siyosatini izchil amalga oshirib bordi. Sho'rolar esa ana shu siyosatni balandparvoz, havoyi shiorlar orqali yurgizdi. "Sho'rolar davlati - umumxalq davlati", "proletar intemasionalizmi va xalqlar do'stligi", "sotsializm va kommunizm g'alabasi ishiga sadoqat", "Kompartiya - umumxalq partiyasi", "Bir kishi hamma uchun, hamma bir kishi uchun!" kabilar ana shular jumlasidandir. Hokimiyatning kapital niqobi va soxta demokratik g'oyalari aslida xalq manfaatlariga qarshi ishlatildi.

Ikkinchiidan, ushbu hukumati ma'lum ma'noda mustamlakachilik - bosqinchilik siyosatini yon-atrofiga qarab, xalqaro maydondagi vaziyat bilan hisoblashgan holda ehtiyotkorona olib bordi. Buxoro amirligi va Xiva xonligini o'ziga qaram, vassal davlatga aylantirgan bo'lsa-da, ularning siyosiy mustaqilligini batamom yo'q qila olmadi. Sho'rolar esa ularning hududlarini dahshatli qirg'inlar evaziga bosib oldi va mustamlakaga aylantirdi.

Uchinchiidan, chorizm Turkiston o'lkasida qattiqqo'llik bilan mustamlakachilik zulmi siyosatini olib borgan bo'lsa-da, tub yerli aholining tarixi, tili, dini, urf-odati, madaniyati kabilarga sho'rolardek xuruj va tazyiq o'tkazmagan edi. Sho'rolar qisqa muddat ichida Turkiston xalqlarining milliy davlatchiligiga barham berdi, tarixidan mahrum qildi, dinini ta'qiqlab qo'ydi, tiliga kishan soldi, madaniyat va ma'naviyatini g'orat qildi. Bularning barchasi aniq reja asosida amalga oshirildi. Xullas, sho'rolar davrida Markaziy Osiyoning eng yirik millatlaridan bo'lgan O'zbeklar millat sifatida halokat yoqasiga kelib qoldilar.

Yuqoridagi qiyosiy tahlillar shuni ko'rsatadiki mustamlakachilik davrida hokimiyat tabaqalashgan qoidalarga asosan turli yod g'oyalar va zulm aralash qonunlar bilan xalqni boshqarishga uringan va bu o'z navbatida hokimiyat harakatsizligining cho'qqisi desak mubolag'a bo'lmaydi. Afina quldorlik demokratiyasi, Somoniylar, Temuriylar davri hokimiyat shakli va boshqarish instituti bilan taqqoslaganda bu tuzum hukumronligi mahalliy jamiyat ahliga nisbatan hokimiyat harakatsizligi va mansabni su'istemol qilish kabi jinoyatlarni qasddan bajarish eng avjiga chiqqan davr sifatida yodda qolgan.

Mustaqillikdan keyingi yillarda demokratik g'oyalar va hokimiyatning xalq manfaatlariga xizmat qilishi tubdan yaxshi tomonga o'zgardi deyish mumkin. Albatta bunday tizim butun dunyo davlatlari, umuman olganda insoniyatning azaliy orzusi edi desak adashmaymiz.

Mamlakatimizda inson va uning manfaatlari oliy qadriyat hisoblanib, ularning ma'muriy organlar bilan munosabatlarida qonun ustuvorligini ta'minlash, sud hokimiyatini fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta'minlovchi hokimiyatning mustaqil tarmog'iga aylantirish, xususan mamlakatimiz tarixida yangi tashkil etilgan ma'muriy sudlar faoliyatini takomillashtirish orqali ma'muriy organlarning qonunchilikka qat'iy amal qilishi ustidan sud nazoratini o'rnatish masalalari bo'yicha keng qamrovli chora tadbirlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, "adolat va qonun

ustuvorligini ta'minlash, davlat organlari va mansabdor shaxslarning faoliyati ustidan samarali sud nazoratini o'rnatish hamda fuqaro va tadbirkorlik subyektlarining odil sudlovga erishish darajasini oshirish" masalalari 2022-2026- yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida belgilangan ustuvor vazifalardan biri bo'lib, mazkur vazifalar ma'muriy sud ishini yuritishga oid qonunchilikni yanada takomillashtirish maqsadida bu sohani tadqiq etish dolzarb ahamiyatga egadir.

Davlat organlari va mansabdor shaxslarning faoliyati ustidan samarali nazorat choralari o'rnatish, fuqaro va tadbirkorlik subyektlarining ma'muriy sudlarda mahalliy davlat hokimiyati qarorlari ustidan berilgan shikoyatlarni ko'rib chiqish tizimini takomillashtirish hamda tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlarni yaratish, xususiy mulk daxlsizligi va himoyasi kafolatlarini kuchaytirish, mahalliy davlat hokimiyati organlarining qonunga zid bo'lgan qarorlari natijasida mulkdorning buzilgan huquqlarini tiklashning moliyaviy mexanizmlarini qo'llash mazkur sohada vujudga kelgan munosabatlarni fuqarolik-huquqiy tartibga solinishini talab qiladi.[22]

Qolaversa, fuqarolik-huquqiy munosbatlar keng qamrovga ega ekanligi inobatga olinsa, davlat hokimiyati organlarining qonun hujjatlariga muvofiq bo'lmagan, tashkilotlar va fuqarolarning huquqlari va qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlarini buzadigan amaliyotlarini harakatsizlik yoki suiste'mol qilish harakati deb atash va ushbu hujjatlarini haqiqiy emas deb topish hamda uning oqibatlarini fuqarolik-huquqiy tartibga solishning nazariy va amaliy masalarini hal qilish muhim sanaladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-sonli Farmonining 2-ilovasida 2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasini "Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturida Davlat organlari va mansabdor shaxslarning faoliyati ustidan samarali sud nazoratini o'rnatish hamda fuqaro va tadbirkorlik subyektlarining odil sudlovga erishish darajasini oshirish yo'lida Sudlar tizimida "yagona darcha" tamoyilini keng joriy etish maqsadida arizalarni sudga taalluqliligidan qat'iy nazar qabul qilish va vakolatli sudga yuborish hamda muayyan ish doirasida barcha huquqiy oqibatlarni hal qilishni ta'minlash tizimini joriy etish Ustuvor yo'nalishida Davlat idoralari tomonidan yetkazilgan zararni qoplash va boshqa huquqiy oqibatlarga oid masalalarni hal qilish bo'yicha ma'muriy sudlar vakolatini aniq belgilash nazarda tutilgan.[23]

Davlat organlari deganda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2003-yil 9-dekabrda PF-3358-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan Respublika davlat boshqaruvi organlari ro'yxatida ko'rsatilgan vazirliklar, davlat qo'mitalari, agentliklar, qo'mitalar, markazlar, inspeksiyalar va ularning hududiy organlari, "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga[24] muvofiq mahalliy ijroiya hokimiyati organlari (viloyat, tuman va shahar hokimliklari)

va huquqiy oqibat keltirib chiqaruvchi hujjatlar qabul qilish vakolatiga ega bo'lgan boshqa organlar tushuniladi.

Ushbu masala yuzasidan yondashuvlarimizning amaliy natijalari yuzasidan fikr bildirganda mamlakatimiz qonunlarida belgilangan prinsipial jihatlarga alohida e'tibor qaratish lozim.

Qo'shimcha bevosita obyekti fuqarolarning qonuniy huquq va manfaatlarini ta'minlashga qaratilgan ijtimoiy munosabatlardir.[25] Hokimiyatning harakatsizligi va shunga monand xarakterga ega qoidabuzarliklar umumiy boshqaruv tartibiga oid jinoyatlar turkumiga kiritiladi va klassifikatsiya qilinadi (1-jadval)

Davlat organlarining javobgarligini (harakatsizligi) belgilovchi qoidalar boshqa qonunchilik hujjatlarida ham mavjud. "Noqonuniy" deganda davlat organlari yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari tomonidan o'z huquqlarini nomuvofiq (vakolatini buzib yoxud umuman vakolatsiz, qonunchilikka zid holda) tarzda amalga oshirishi natijasida vujudga keladigan harakatlar tushuniladi. Harakatsizlik esa tegishli davlat organi yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organiga yuklatilgan majburiyatlarni belgilangan muddat va tartibda bajarmaslikni nazarda tutadi (hujjatni qabul qilmaslik, harakatlarni sodir etmaslik). Masalan, FK 380-moddasida va boshqa normalarda nazarda tutilgan bosh tortish harakatsizlikning ko'rinishlaridan biridir[26].

Davlat hokimiyati organlari mansabdor shaxslarining qonunga xilof harakatlari (harakatsizligi) natijasida fuqaroga yoki yuridik shaxsga yetkazilgan zarar sud qarori asosida qoplanadi. Bunda zarar g'ayriqonuniy qaror qabul qilish orqali emas, balki g'ayriqonuniy harakatlar (harakatsizlik) sodir etish orqali yetkaziladi. Mansabdor shaxslarning harakatlari agarda xizmat vazifalarini bajarish bilan bog'liq bo'lsa, har doim huquqiy xarakterga ega bo'ladi va demak huquqiy oqibatlar vujudga keltiradi (masalan, soliq xizmati tomonidan tadbirkorlik subyektini g'ayriqonuniy tekshirish).

Masalaga retrospektiv yondashuvlardan shu narsa oydinlashdiki hokimiyat tushunchasi qadim ta'rixga ega bo'lgan boshqaruv apparati degan ma'noni bildiradi va qadimda ham ushbu tizimdagi muammolarni hal etish va jinoyatlar bo'yicha javobgarlikka tortish amaliyoti mavjud bo'lgan. Zamonaviy qonunchilik va demokratik islohotlar davrida esa ushbu amaliyot birmuncha takomillashdi.

Ushbu mavzu bo'yicha olib borilgan izlanishlar va kichik tahlillardan quyidagi xulosalarga kelindi:

mansabdor shaxsning mansab yoki xizmat mavqeiga ko'ra jinoyat sodir etishga yo'l qo'yishi qonunga binoan hokimiyat harakatsizligi, deb baholanishi lozim;

hokimiyat harakatsizligi moddiy tarkibli jinoyatdir;

fuqarolarning huquqlari yoki qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlariga yoxud davlat yoki jamoat manfaatlariga ko'p miqdorda zarar yoki jiddiy ziyon yetkazilishi tarzidagi oqibatlarining ro'y berganligi jinoyatning zaruriy belgisi hisoblanadi.

Bir so'z bilan aytganda hokimiyatning qonunga xilof va fuqaro yoki davlatning zarariga xizmat qiladigan harakatsizligi bir jinoyat bo'lsa, ushbu holatning oqibatlari

va undan yuzaga keladigan moddiy va ma'naviy zarar, noroziliklar, iqtisodiy-ijtimoiy tanqisliklar yana bir jinoyatdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017- yil 7- fevraldagi PF-4947- sonli "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha "Harakatlar Strategiyasi" Farmoni.
2. Bahodir Eshov. O'zbekistonda davlat va mahalliy boshqaruv tarixi.- Toshkent: 2014. – 281 b
3. J.D. Akramov "O'zbekistonda ijro hokimiyati tizimini modernizatsiyalashning innovatsion omillari (mahalliy ijroiya hokimiyati misolida) PhD) Dissertatsiyasi avtoreferati Toshkent – 2021 12-b
4. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi II-bob 7-moddasi Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-y., 03/23/837/0241-son
5. O.T. Husanov "Konstitutsiyaviy huquq" darslik Toshkent – 2022 69-b
6. <https://worldjusticeproject.org>
7. M.U. ESHIMBETOV "Ma'muriy organlar va ular mansabdor shaxslarining qarorlari, harakatlari (harakatsizligi) yuzasidan kelib chiquvchi nizolarni sudda ko'rib chiqish tartibini takomillashtirish" (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati Toshkent – 2023-yil 5-b
8. X. T. Odilqoriyev "Davlat va huquq nazariyasi" o'quv qo'llanma Ikkinchi nashr T-2010 25-b
9. Maqsad Isabaev "O'zbekiston respublikasi mahalliy davlat hokimiyati vakillik organlari faoliyati samaradorligini oshirish mexanizmlari" monografiya namangan – 2021 5-b
10. Xolov Aktam Xatamovich "Mahalliy davlat hokimiyati organlarida samarali qarorlar qabul qilish tizimini tatbiq etish masalalari" "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2018 yil 2-b
11. Tursunov R. Qaror qabul qilishning miqdoriy usullari" o'quv kursi bo'yicha ta'lim texnologiyasi – T.: TDIU, 2012 40-bet
12. Turizm menejmenti: kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma / Ismailov O., Allaberganov A., Xolov B.; O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi; O'rta maxsus kasb-hunar ta'limi markazi. –Toshkent.: Yangi nashr, 2012. 55-70 betlar
13. A. Asqarov O'zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi. – T., 2007. – B. 340.
14. Tarix ortga qaytmaydi to'plam. 2004-yil.
15. H. Muhamedov "Xorijiy mamlakatlar davlati va huquqi tarixi (O'rta asrlar davlati va huquqi tarixi) Toshkent-2015 3-b
16. U.Q. Umidullayev "O'zbekistonda mahalliy ijro hokimiyati organlari faoliyati samaradorligini baholashning nazariy-huquqiy asoslari" (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati Toshkent – 2019, 9-b

17. Temur Tuzuklari, T., T. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nash.r, 1996, 9-10 bet.
18. Temur tuzuklari. Toshkent, 1996, 119 bet.
19. Akhmedov, B. A. (2020). KARAKUL BREEDING DURING THE BUKHARA EMIRATES. In НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ МОЛОДЫХ УЧЁНЫХ (pp. 160- 162)
20. N. Jo'rayev, Sh. Karimov "O'zbekiston tarixi o'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida" ikkinchi kitob "Sharq" Toshkent-2011 5-b
21. N. Parpixo'jayev "Mahalliy davlat hokimiyati organlarining qarorlarini haqiqiy emas deb topishning fuqarolik-huquqiy tartibga solishni takomillashtirish" // ORIENSS. 2022. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mahalliy-davlat-hokimiyati-organlarining-qarorlarini-haqiqiy-emas-deb-topishning-fuqarolik-huquqiy-tartibga-solishni> (дата обращения: 09.06.2023).
22. (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022-y.,
23. O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1993-y., 9-son.
24. M.X. Rustambayev O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi IV tom maxsus qism Toshkent 354-b.
25. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksiga sharh 1-jild. X.R. Raxmonqulov, O.O. Oqyulov / Toshkent" "Vektor-PreSS", 2010. 815.

НОРМАНОВА Клара Эшназаровна,

Мирзо-Улугбек тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

ЖИНОЯТНИНГ ЁРДАМЧИСИ: ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада жиноятда иштирокчилик тушунчаси ва турлари тўғрисида сўз юритилган бўлиб, алоҳида эътибор жиноятнинг ёрдамчиси масалаларига бағишланган. Хусусан, ақлий ва жисмоний ёрдамчилик тушунчаси ва турлари, жиноятда ёрдамчининг ҳаракатларини квалификация қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимларига оид фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: жиноят, иштирокчилик, ташкилотчи, далолатчи, бажарувчи, ёрдамчи, квалификация.

ПОСОБНИК ПРЕСТУПЛЕНИЯ: ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Аннотация: в статье рассказывается о понятии и видах соучастия в преступлении, особое внимание уделено вопросам пособничества преступлению. В частности, были высказаны мнения о понятии и видах

психологической и физической помощи, проблемах квалификации действий пособника в совершении преступления и их решениях.

Ключевые слова: преступление, соучастие, организатор, подстрекателем, исполнитель, пособник, квалификация.

ACCESSORY TO CRIME: LEGISLATIVE PROBLEMS AND PROSPECTS FOR IMPROVEMENT

Abstract: the article talks about the concept and types of complicity in a crime, especially issues of aiding and abetting a crime. In particular, opinions were expressed on the concept and types of psychological and physical assistance, the problems of qualifying the actions of an accomplice in committing a crime and their solutions.

Key words: crime, complicity, organizer, instigator, performer, accomplice, qualification.

Хуқуқни қўллаш амалиёти ва назарияда ёрдамчининг бошқа иштирокчиларга қараганда ижтимоий хавфи камроқ деб ҳисоблашса-да, унинг жавобгарлиги масаласи алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки ёрдамчининг қилмиши жиноятларни енгиллаштириш, унинг содир этилишига қулай шароит яратиб беришда ифодаланади.

Жиноят кодексининг 28-моддаси бешинчи қисмига биноан “Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади”. Ушбу таъриф мазмунига кўра, ёрдамчининг вазифаси шундаки, у ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жиноятнинг объектив томонини содир этилишида бевосита иштирок этмаган ҳолда бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки бошқа ёрдамчига жиноятнинг содир этилишида ақлий, моддий ёки жисмоний ёхуд бошқача тарзда ёрдам беради. Демак, ёрдамчининг қонунчилик нормаси тузилишидан келиб чиқилса, жиноятга ёрдам беришнинг ақлий ва жисмоний ҳамда жиноят содир этилгунга қадар ва жиноят содир этилган кейин амалга ошириладиган турларини фарқлаш мумкин бўлади.

Ақлий ёрдамчилик жиноят содир этишда бошқа иштирокчиларга маслаҳат ёки ахборот ёрдамини кўрсатишдан иборат бўлади (жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари ва кўрсатмалари билан кўмаклашиш ҳамда жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда бериш).

Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари билан кўмаклашиш жиноятни содир этиш механизмига тааллуқли ҳар қандай ҳолатлар (жиноятни содир этиш усуллари, жиноят содир этиш қурол ва воситалари, бошқа иштирокчиларни

танлаш тўғрисида ва ҳоказо) бўйича бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларга ўз фикрини билдиришни англатади.

Жиноят содир этилишига кўрсатмалар билан кўмаклашиши жиноят иштирокчиларига худди шу ҳолатлар бўйича тушунтириш ва йўл-йўриқлар берилишини билдиради. Бунда, маслаҳат ва кўрсатмалар ўртасидаги фарқ, одатда, маслаҳат тавсия шаклида, кўрсатма эса мажбурий шаклда берилишида ифодаланади. Бироқ, адабиётларда маслаҳат ва кўрсатма бериш тушунчалари айнан маънода тушунилиб, уларнинг фарқи ажратилмаслиги [13; Б. 270; 4; В. 241], мазкур ҳолатларни квалификация қилишда қонун нормаларининг бир хилда қўлланилишига эришиш ҳамда жазоларни индивидуаллаштириш мақсадида ёрдамчи тушунчасидан «*кўрсатмалар билан кўмаклашиши*» иборасини чиқариш мақсадга мувофиқлиги [11; Б. 117] ҳақида фикрлар билдирилган. Аммо бизнингча, мазкур иборалар бир-биридан фарқ қиладиган турли тушунчалар ҳисобланади, чунки мазкур ҳолатлар инсон онгига таъсир кўрсатиш даражаси нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади, шунингдек назаримизда кўрсатмалар билан ёрдам беришни ёрдамчилик мазмунидан чиқаришга эҳтиёж мавжуд эмас.

Жиноятни яшириш механизмига тегишли ҳолатлар ҳақида маслаҳат ёки кўрсатмалар бериш йўли билан жиноятнинг содир этилишига ёрдам бериш (жиноятни яшириш учун фойдаланиладиган қурол ва воситалар ҳақида, жиноий ҳулқ-атворни оқлаш учун алибаларни ўйлаб топиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва бошқа ш.к.) масаласи муайян даражада амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Негаки, бу каби ҳолатлар ақлий ёрдамчилик сифатида квалификация қилиниши керак, бироқ буни маслаҳат ёки кўрсатмалар шаклида жиноят содир этилишига ёрдам бериш сифатида эмас (чунки бу каби маслаҳат ва кўрсатмалар бевосита жиноятнинг ўзига тегишли бўлмасдан, балки у шахснинг жиноий ҳулқ-аторига тааллуқли бўлади), балки жиноятни олдиндан ваъда берган ҳолда жиноятга ёрдам бериш шаклида баҳолаш лозим.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида маслаҳат ва кўрсатмалар бериш шаклидаги ақлий ёрдамчиликни, далолатчиликдан фарқлаш масаласи муаммоли бўлиб, у далолатчи шахсига ҳам маслаҳат ва кўрсатмалар беришда ифодаланиши мумкин. Агар бир иштирокчининг бошқасига берган маслаҳати ва кўрсатмалари жиноят содир этиш ёки яширишнинг техник томонига тааллуқли бўлмаса, лекин бошқа иштирокчида жиноят содир этишга бўлган ишонч ва ҳоҳишини уйғотса, шу жумладан бошқа иштирокчиларнинг жиноят содир этишини қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган бўлса, бундай маслаҳат ва кўрсатмалар беришни ёрдамчилик сифатида эмас, балки далолатчилик тариқасида квалификация қилиш керак. Чунки, бу ерда уларнинг мазмунидаги маслаҳатлар ва кўрсатмалар тўғридан-тўғри иштирокчиликка хос бўлган жиноятнинг объектив томонини бажаришни енгиллаштиришга қаратилган бўлмайди, балки бажарувчи ёки бошқа иштирокчида жиноят содир этиш ниятини (қарорини) мустаҳкамлашга қаратилган бўлади.

Ақлий ёрдамчиликни квалификацияси учун жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга ҳамда бундай нарсаларни олиш ёки ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда бериш ҳолатини тўғри тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи ёрдамчиликнинг бу усули бошқа иштирокчиларни уларнинг жиноятларини яшириш ёки жиноий йўл билан топилган нарсаларни олиш ёки ўтказишга ёрдам бериш тўғрисида жиноят содир этилишидан олдин (жиноятга тайёргарлик босқичида) ёки жиноятни содир этиш вақтида (тугалланмаган суиқасд босқичида) хабардор қилиши керак. Шунингдек, ёрдамчиликнинг ушбу шакли бўйича жиноят содир этилига қўмаклашиш жиноятни кейинчалик яшириш, жиноий йўл билан олинган нарсаларни олиш ёки сотишда эмас, балки берилган ваъданинг ўзида ифодаланади. Шу боисдан ҳам берилган ваъданинг кейинчалик бажармаслиги (масалан, жиноят содир этилганидан кейин бажарувчини яширишдан бош тортиш) жиноятга ёрдам бериш учун жавобгарликни истисно этмайди.

Шу билан бирга айтиш керакки, адабиётларда жиноий йўл билан топилган мулкни олдиндан ваъда қилинмаган бўлса-да, бироқ шахс жиноят содир этган шахсга мунтазам равишда бу каби қўмаклашишни қўзлаётганлигини онгли равишда англаган ҳолда содир этган бўлса ҳам қилмиш ақлий ёрдамчилик учун жавобгарлик белгилаш керак[7; Б. 423]лиги ҳақида таъкидланади. Айни дамда бундай нуқтаи назарни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз, чунки мазкур ҳолат шахснинг келгусида жиноий фаолиятни амалга оширишига бўлган қатъияти ва ишончини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга бевосита туртки беради.

Бундан ташқари юридик адабиётларда олдиндан ваъда берилган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермасликни, жиноятга ёрдамчилик деб ҳисоблаш керак ёки керак эмаслиги баҳс-мунозарали ҳисобланади. Масалан, А.М. Зацепиннинг ёзишича, “Жиноят ҳақида хабар бермаслик тўғрисида олдиндан ваъда қилиш фақат содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик мажбуриятини олишни англатади холос. Содир этилаётган жиноят ҳақида хабар берилмаслиги натижасида жиноятчини, жиноятнинг қурол ва воситаларини, жиноят излари ёки жиноят предметларини яшириш мумкин эмас. Агар ушбу нарсалар яширилмаган бўлса, мавжуд ҳолат жиноят ҳақида хабар берилмаганлигидан олдин қандай бўлган бўлса, хабар берилганидан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида олдиндан ваъда берилган ҳолда ҳокимият органларига хабар бермасликни, жиноятга ёрдам бериш деб ҳисоблаш мумкин эмас” [8; С. 114].

Б.Ж. Ахраров ва Ш. Сайдуллаевлар эса “олдиндан ваъда берилган ҳолда, хабар бермаслик ақлий ёрдамчилик сифатида жиноятда иштирокчиликни юзага келтирмайди. Чунки жиноят ҳақида хабар бермаслик ҳаракатсизлик билан ифодаланса, иштирокчилик аксинча фаол ҳаракатдан иборатдир” [3; Б. 18-19], деб ҳисоблайдилар. А. С. Якубовнинг таъкидлашича, “олдиндан ваъда берилган ҳолда, хабар бермаслик ақлий ёрдамчилик сифатида жиноятда иштирокчиликни ташкил қилади, тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят

ҳақида хабар бермасликни ваъда қилиш жиноятчида жавобгарликдан қочишга умид уйғотади ва жиноят содир этишни давом этиш ниятини мустаҳкамлайди” [18; С. 103]. М. Усмоналиев эса, “Жиноят ҳақида хабар бермаслик тўғрисида олдиндан ваъда бериш, агарда бу ваъда жинойий қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар бошланмасдан олдин берилган бўлса, ёрдамчи сифатида жиноятда иштирокчи деб квалификация қилиниши керак. Чунки олдиндан ваъда бериш иштирокчиликнинг бир тури бўлиши мумкин” [15; Б. 78], деган фикрни илгари суради.

Дарвоқе, олдиндан ваъда берган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермасликни иштирокчилик деб топиш масаласи жиноят қонуни нормаларида аниқ ўз аксини топмаган. Жиноят кодексининг “Жиноятда иштирокчилик” деб номланган VII бобида назарда тутилган нормалар бўйича жиноятда иштирокчилик олдиндан ваъда берган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермасликни ўз ичига олмаган. Жиноят кодексининг 31-моддаси (Жиноятга дахлдорлик) биринчи қисмида жиноят ҳақида хабар бермасликка берилган таъриф “олдиндан ваъда бериб” хабар бермасликни ўз ичига олмайди. Жиноятда иштирокчиликда эса, умуман бу муносабат эътибордан четда қолган.

Шунинг учун ҳам жиноят қонуни нормаларида ва суд амалиётида олдиндан ваъда берган ҳолда хабар бермаслик билан боғлиқ қилмишларга ҳуқуқий баҳо беришда учраб турадиган муаммоли ҳолатларни қонуний ҳал этиш учун жиноят қонунининг ёрдамчининг таърифда ушбу масала қонуний жиҳатдан ҳал қилиниши мавсадга мувофиқ. Шундагина, назария ва суд амалиётида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга имкон яратилади.

Жиноятга ёрдам беришнинг навбатдаги тури *жисмоний ёрдамчи* ҳисобланади. Жисмоний ёрдамчилик жиноят содир этишда бошқа иштирокчиларга моддий ёки жисмоний ёрдам кўрсатишни англатади. У жиноят иштирокчиларини жиноят содир этиш қуроли ёки воситалари билан таъминлайди (жиноят содир этилишида қурол ва восита сифатида ишлатиш мумкин бўлган предметларни беради, транспорт воситаси билан таъминлайди, ҳокимият вакилининг кийимларини беради ва х.к.) ёхуд жиноят содир этилишидаги тўсиқларни (беғоналарнинг кириши мумкин бўлган бинога бажарувчининг кириши учун рухсат бериш, хавфсизлик тизимини ўчириб қўйиш, олдиндан ваъда берган ҳолда жиноятга йўл қўйиб бериш, дераза ва эшикларни очик қолдириш ва бошқа ш.к.) бартараф этади. Шу боис ҳам жисмоний ёрдамчиликда, шахс бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларнинг онги ёки иродасига таъсир кўрсатмасдан, уларга жисмонан, амалий жиҳатдан ёрдам беради.

Жиноят содир этилишига воситалар бериш билан кўмаклашиш деганда, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки уни содир этишда фойдаланиш учун бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларга турли воситалар тақдим этиш тушунилади. Аммо, амалдаги жиноят қонуни нормасида жиноятга ёрдам беришнинг усуллари қаторида, жиноят содир этилишида бажарувчи ва бошқа

иштирокчиларга қурол тақдим этиш билан ёрдам берилиши мумкинлигини назарда тутмайди. Ваҳоланки, «қурол» ибораси «восита» билан таққосланганда улар бир-биридан жиддий тарзда фарқ қилади. Жиноят содир этиш қуроли воситадан фарқли равишда бажарувчи ёки бошқа иштирокчилар томонидан содир этиладиган муайян турдаги жиноятни амалга оширишни енгиллаштириш мақсадида фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Шунинг учун «қурол» тақдим этиш билан жиноят содир этишга кўмаклашишни ҳам ёрдамчи мазмунига киритиш зарурдир. Зеро, қонунга кўра (ЖПК 203¹-м.), жиноят қуроли деб, ашёвий далил деб эътироф этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жинорий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулкка айтилади.

Тўсиқларни йўқотиши билан кўмаклашиши деганда, бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларнинг жинорий ниятини амалга оширишлари учун мавжуд бўлган ҳар қандай тўсиқларни бартараф қилиш тушунилади. Масалан, замонавий кузатув техник воситалар билан жиҳозланган хонадонга талон-торож қилиш мақсадида кириш учун, ушбу техник воситаларни ишдан чиқариш, жиноят содир этиш жойини ёритиш ҳамда жиноят содир этиш учун бошқа шахсларни чалғитиб туриш кабилар.

Таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 28-моддаси бешинчи қисмида жиноятга ёрдам беришнинг қатъий усуллари назарда тутилади. Шунинг учун ушбу нормада санаб ўтиладиган бошқа ҳеч бир ҳаракат ёрдамчи сифатида тан олинishi мумкин эмас [13; Б. 269]. Аммо махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноят таркибининг объектив томон ҳаракатларини махсус субъект билан биргаликда умумий субъект ҳам содир этганлик ҳолатида, умумий субъект жавобгарлиги қандай ҳал қиланди? Суд амалиёти материалларининг таҳлили эса, мазкур ҳолатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича квалификация қилинаётганлигини кўрсатди. Хусусан, Ў. умумий субъект белгиларига эга бўлсада, у ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятининг бажарувчиси деб топилган. Жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман суди томонидан кўриб чиқилган иш тавсилотларига кўра, судланувчи Ў. Пайариқ туманида рўйхатдан ўтган фарзанди Ф. раҳбари ҳисобланган “Malakxonim uyleri” масъулияти чекланган жамиятига норасмий равишда раҳбарлик қилиб, ушбу жамиятни ўзи бошқариб келиб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 1 декабрь куни Пайариқ туманида рўйхатдан ўтган “Uralov Ravshan Quruvchi” масъулияти чекланган жамияти билан Пайариқ туман Мактаб ва мактабгача таълим бўлимига қарашли 40-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш бўйича умумий қиймати 877.000.000 сўмни ташкил этувчи 2-сонли пудрат шартномасини тузиб, шартнома шартларига кўра қурилиш ишларини белгиланган муддат, сифат ва миқдорда амалга ошириш мажбуриятини олиб, қайд этилган объектда пудрат шартномасига асосан 877.000.000 сўмлик ишлар тўлиқ бажарилганлиги ҳақида 2023 йил 27 февралда 1-сонли сохта ҳисоб-фактурани тузиб, тўлов учун

бош пудратчи ва буюртмачига тақдим этиб, ҳақиқатда 37 та ҳолатда жами 182.403.338 сўмлик бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўшиб ёзиб, МЧЖга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган жуда кўп микдордаги 182.403.338 сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Суд томонидан Ў. ЖК 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилган [6]. Аммо, Ў. ЖК 167-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бажарувчиси бўла олмайди, чунки ушбу жиноятнинг субъекти фақат махсус субъект бўла олади.

Шунингдек, махсус субъектли жиноятларда иштирокчилик масалаларида уюшган гуруҳ томонидан содир этиладиган махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятларда, ушбу гуруҳ таркибига махсус субъект белгиларига эга бўлмаган шахслар ҳам кирган ҳолатда, унинг қилмиши қандай квалификация қилинади, деган ўринли савол туғилади? Масалан, ЖК 178-моддасида назарда тутилган чет эл валютасини яшириш жиноятининг субъекти корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар ҳисобланади. ЖК 178-моддаси 3-қисмида ўша қилмиш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Бундай ҳолларда уюшган гуруҳ таркибига кирган махсус субъект белгиларига эга бўлмаган шахслар ҳам жиноятнинг ёрдамчиси тариқасида ЖК 28-моддаси 5-қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилиш лозим.

Бинобарин, махсус субъектли жиноятларда иштирок этганлик учун жавобгарлик масаласи юридик адабиётларда турлича талқин қилинади. Яъни, назарий жиҳатдан махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноят таркибларида махсус субъект билан бирга бундай белгига эга бўлмаган (умумий субъект) шахс иштирок этганда, уларнинг қилмиши турлича баҳоланади. Масалан, айрим тадқиқотчилар: “Махсус субъектли жиноятда бундай белгига эга бўлмаган шахс иштирок этган тақдирда, жиноят махсус субъектининг қилмиши ушбу модда бўйича квалификация қилинади, махсус субъект бўлмаган шахс эса жиноят содир этишда бажарган вазифасидан келиб чиққан ҳолда мазкур жиноятда иштирокчиликда, яъни бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи тариқасида жавобгар бўлади” [2; С. 110], дейишади. Бошқа муаллифлар: “Умумий ва махсус субъектлар иштирокидаги қилмишни квалификация қилиш масаласи жиноятларни квалификация қилишнинг умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилишини” [12; С. 17] таъкидлайдилар. Яна бир бошқа муаллифлар эса: “Жиноят содир этишда махсус субъект билан бирга иштирок этаётган умумий субъект жиноят содир этишда бажарган вазифаси ва ролдан келиб чиққан ҳолда жавобгар бўлади, бироқ умумий субъект махсус субъектли жиноятнинг бажарувчиси бўла олмайди” [9; С. 51], деган фикрни билдирадилар.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда махсус субъектли жиноятларда умумий субъект иштирок этган ҳолларда улар жавобгарлигини белгилаш

масаласида ҳам турлича фикрлар илгари сурилган. Жумладан, *биринчи гуруҳ* муаллифлари махсус субъектли жиноятларда умумий субъект иштирок этган бўлса, махсус субъект ушбу жиноятнинг бажарувчиси, умумий субъект эса жиноятда қатнашганлик ролдан келиб чиққан ҳолда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи тариқасида жавобгар бўлади [5; Б. 87; 10; С. 107], – дейишса, *иккинчи гуруҳ* муаллифлари махсус субъектли жиноятда умумий субъект иштирок этган бўлса, умумий ва махсус субъектларнинг қилмиши жиноят таркибининг объектив томонини бажарганлигидан келиб чиқади. Агар умумий ва махсус субъектлар жиноят таркибининг объектив томонини ташкил қилувчи қилмишларни бирга бажарган бўлса, у ҳолда уларнинг қилмиши бирга бажарувчилик тариқасида баҳоланади. Қолган ҳолларда эса уларнинг қилмиши ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилик тариқасида квалификация қилинади [1; Б. 110; 14; С. 22], дейишади. Яна бир гуруҳ муаллифлар эса махсус субъектли жиноятларда умумий ва махсус субъектларнинг биргаликдаги иштироки жиноятда иштирокчиликни ташкил этмайди. Шунинг учун ҳар бирининг қилмиши мустақил квалификация қилинади, чунки мазкур ҳолат идеал мажмуанинг бир кўринишини ташкил этади, холос [16; С. 117-118], дейдилар.

Бизнингча, агар умумий субъект махсус субъект назарда тутилган жиноятни махсус субъект билан биргаликда содир этса, умумий субъект ҳаракатини шу модданинг махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи қисми, яъни у жиноятда қатнашганлик вазифасидан келиб чиқиб, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи, махсус субъектни эса иштирокчилик учун жавобгарликни назарда тутувчи қисми бўйича бажарувчи, деб квалификация қилиш керак. Агар, мазкур нормада иштирокчиликда содир этилган қилмиш оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи белги сифатида кўрсатилмаган бўлса, умумий субъект жиноят таркибининг тегишли қисмига жиноятда қатнашганлик вазифасидан келиб чиқиб, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи, махсус субъект эса ушбу модданинг тегишли қисми бўйича бажарувчи, деб баҳоланади.

Умумий субъект махсус субъект билан бирга махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноят таркибининг объектив томон ҳаракатларини амалга оширган тақдирда ҳам уни ушбу жиноятнинг бажарувчиси ёки бирга бажарувчиси, деб баҳолаб бўлмайди. Чунки, Жиноят кодексининг Махсус қисмида фақат бажарувчилар жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, махсус субъектли жиноятларда ушбу жиноятнинг субъекти фақат махсус субъект белгисига эга бўлган шахсларгина бўла олади. Шу боисдан, бундай муаммони ечиш учун Жиноят кодексининг 30-моддасини қуйидаги мазмундаги қоида билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

“Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаси, қисмда махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятни содир этишда, шундай субъект белгига эга бўлмаган шахс иштирок этган бўлса, у ушбу жиноятда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи тариқасида жавобгар бўлади. Махсус

субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятнинг бажарувчиси фақат шундай белгига эга шахс бўла олади”.

Шу билан бирга, ахборот тақдим этиш йўли билан жиноятнинг содир этилишига ёрдам беришни амалдаги қонунчилик ёрдамчи таркибига киритмайди. Бу эса, бундай қилмишга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланмаганлигидан далолат беради. Чунки ахборот тақдим этиш йўли билан жиноят содир этилишига кўмаклашиш ёрдамчининг ҳеч қайси усули мазмунига мос келмайди. Бинобарин, ахборот тақдим этиш йўли билан жиноятга ёрдам бериш бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларнинг жиноят содир этишга тайёрлиги ёки уни содир этаётганлигини билган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриш ёки уни содир этилишини енгиллаштиришда фойдаланиш мумкин бўлган тегишли маълумотларни қасддан тақдим этишни англатади.

Таъкидлаш жоизки, жиноятга бундай тарзда ёрдам бериш ҳар қандай мазмундаги ахборотни тақдим этишни назарда тутмайди. Бундай ахборотга қўйиладиган биринчи талаб бериладиган ахборот жиноят содир этилишини енгиллаштиришга хизмат қилиши шартлигидадир. Чунончи В.Ю. Шубина ахборот тақдим этишнинг жиноийлик шарти, бу каби ахборотнинг мазмуни бевосита жиноят ҳодисасига тегишли бўлиши керак [17; С. 53] лигидадир, дейди. Ўз навбатида биз ҳам ушбу фикрга қўшиламыз, чунки бажарувчи ва бошқа иштирокчиларга тақдим этилиши зарур бўлган ахборот айнан улар томонидан тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилиши кўзда тутиладиган жиноятга тааллуқли ва унинг содир этилишини енгиллаштиришга имкон яратади.

Хулоса қилиб айтганда юқоридаги келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

1. Маслаҳат ва кўрсатмалар бериш шаклидаги ақлий ёрдамчиликни ва жиноятга далолат қилишдан фарқлаш масаласида берилган маслаҳат ва кўрсатмаларнинг хусусиятидан келиб чиқиш керак. Агар бир иштирокчи бошқасига бераётган маслаҳат ва кўрсатмалари жиноятни содир этиш ёки яширишнинг объектив томонига тааллуқли бўлмаса, балки бошқа иштирокчида жиноят содир этишнинг зарурлиги, фойдалиги ва уни содир этишга бўлган ҳоҳишини мустаҳкамласа, шу жумладан жиноят содир этилишини қўллаб-қувватласа, бундай маслаҳат ва кўрсатмалар ёрдамчилик эмас, балки жиноят содир этишга далолат қилиш деб баҳоланиши керак.

2. Ақлий ёрдамчилик бажарувчи томонидан содир этиладиган жиноятнинг ижтимоий хавfli оқибатини келтириб чиқариши учун зарур бўлган ҳаракатларини охирига етказмасидан жиноятга тайёргарлик кўриш ёки тугалланмаган суиқасд босқичида бўлиши мумкин.

3. Жисмоний ёрдамчилик бажарувчи томонидан содир этиладиган жиноятнинг ижтимоий хавfli оқибатлари билан сабабий боғлиқ бўлганлиги боис, у бажарувчининг ижтимоий хавfli қилмишни содир этиши ва бунда жиноий оқибатнинг келиб чиқиши учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бунда, жисмоний ёрдамчи бажарувчининг жиноят содир этиши учун унга тўсиқларни

олиб ташлаш тарзида кўмаклашишида ифодаланиб, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятга суиқасд қилиш ва тугалланган жиноят босқичида ҳам бўлиши мумкин.

4. Тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятда бир вақтнинг ўзида ташкилотчилик, далолатчилик ва ёрдамчиликнинг аломатлари мавжуд бўлса, бундай ҳолда иштирокчиликнинг ижтимоий хавfli юқори бўлган битта тури билан қамраб олинган ҳолда ЖК 28-моддасининг иштирокчиликнинг оғирроқ турини назарда тутган қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилинади. Агарда, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятда бир вақтнинг ўзида далолатчилик ва ёрдамчилик аломатлари мавжуд бўлса, бундай ҳолда қилмиш ёрдамчилик деб баҳоланмоғи ва ЖК 28-моддаси 5-қисмига ҳавола қилинади. Чунки, одатда содир этилаётган ва содир этилган жиноятларда далолатчилик аломатлари мавжуд бўлмайди. Шунингдек, ёрдамчининг ҳаракатлари ЖК Махсус қисмида мустақил жиноят таркиби сифатида кўрсатилмаган тақдирдагина унинг қилмиши Жиноят кодекси 28-моддаси 5-қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилинади.

Агарда ёрдамчи уюшган гуруҳ таркибида қилмишларини содир этган бўлса, ЖК Махсус қисми моддасининг қисмида “уюшган гуруҳ томонидан содир этилган” белгиси квалификация қилинувчи белги сифатида назарда тутилган бўлса, қилмиш ушбу қисм билан квалификация қилинади ва бунда ЖК 28-моддаси 5-қисмига ҳавола қилиш талаб этилмайди. Агарда ЖК Махсус қисми моддасининг қисмида “уюшган гуруҳ томонидан содир этилган” белги квалификация қилинувчи белги сифатида назарда тутилмаган бўлса, ундай ҳолда ёрдамчининг қилмиши ЖК 28-моддаси 5-қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилинади.

5. Махсус субъектли жиноятлар иштирокчиликка оид қилмишларни квалификация қилишдаги қийинчилик ва муаммоларни ҳал қилиш учун Жиноят кодексининг 30-моддасини қуйидаги мазмундаги қоида билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: *“Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаси, қисмда махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятни содир этишда, шундай субъект белгига эга бўлмаган шахс иштирок этган бўлса, у ушбу жиноятда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи тариқасида жавобгар бўлади. Махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятнинг бажарувчиси фақат шундай белгига эга шахс бўла олади”*.

6. “Жиноят ҳақида хабар бермаслик тўғрисида олдиндан ваъда бериш, агарда бу ваъда жинoий қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатлар бошланмасдан олдин берилган бўлса, ёрдамчи сифатида жиноятда иштирокчи деб квалификация қилинади.

7. Жиноят кодексининг 28-моддаси бешинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ: *жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари ва кўрсатмалари, ахборот тақдим этиш, қурол, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноят иштирокчиларини, жиноят содир этиш қуроли, воситалари ва изларни ёхуд жинoий йўл билан қўлга*

киритилган нарсаларни яширишига ҳамда уларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. – Тошкент. ТДЮИ, 2005. – Б. 110;
2. Аветисян С.С. Соучастие в преступлениях со специальным составом (Теория и практика правового регулирования): дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2005. – С. 110.
3. *Ахраров Б.Ж., Сайдуллаев Ш.* Иштирокчиликдан фарқлаш // *Qonun himoyasida.* – 2002. – № 6 (78). – Б. 18–19.
4. *Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To‘ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq.* – Т., 2012. – В. 241.
5. *Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A.A. Otajonov, I.A. Sottiyev va boshq.* – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – В. 87.
6. *Жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 1-1412-2302/181-сонли жиноят иши материаллари.*
7. *Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т. Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов.* – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 423.
8. *Зацепин, А.М.* Дополнительная квалификация преступления: общие и специальные вопросы: монография. – М.: Проспект, 2016. – С.114.
9. *Иванов Н.* Соучастие со специальным субъектом // *Российская юстиция.* – 2001. – № 3. – С. 51.
10. *Козлов А. П.* Соучастие: традиции и реальность. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001. – С. 107.
11. *Otajonov A.A.* Jinoyatda ishtirokchilik institutining jinoyat-huquqiy tartibga solinish: Monografiya. – Т.: Toshkent davlat yuridik universiteti, 2023. – В. 117.
12. *Плужников А.В.* Соучастие в преступлении (проблема соучастия общего и специального субъекта). Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 17.
13. *Рустамбаев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент. «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. – Б. 269.
14. *Рыжов Р.С.* Уголовная ответственность соучастников преступления. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань. – 2003. – С. 22.
15. *Усмоналиев М.* Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б. 78.
16. *Шеслер А.В.* Соучастие в преступлениях со специальным субъектом //

Актуальные проблемы борьбы с преступностью в Сибирском регионе. Материалы научно-практической конференции (3-4 февраля 2000 г.). – Красноярск, 2000. – С. 117–118.

17. Шубина В.Ю. Дискуссионные аспекты законодательной регламентации интеллектуального пособничества в преступлении // Юридический вестник Кубанского государственного университета. – 2010. – №2. – С. 53.

18. Якубов А. С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан. – Т., 1995. – С. 103.

XONGELDIYEV Dermon Abduvali O'g'li

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti Yuridik fakulteti 2-bosqich talabasi

JINOYATLARNI KVALIFIKATSIYA QILISHDA OBYEKTIV TOMONNING AHAMIYATI

Annotatsiya: Mazkur maqolada huquqiy tadqiqotning mantiqiylik, qiyosiy-huquqiy tahlil, analiz, sintez va ma'lumotlar tahlili kabi metodlardan foydalanilib, so'ngra "Obyektiv tomon" elementlari tushunchasi, mohiyati hamda kvalifikatsiya qilishdagi ahamiyati, Ijtimoiy xavli qilmish va ijtimoiy xavfli oqibatni kvalifikatsiya qilish, Ijtimoiy xavli qilmish va ijtimoiy xavfli oqibat o'rtasidagi sababiy bog'lanishni aniqlash, Obyektiv tomonning zaruriy va fakultativ belgilarining kvalifikatsiyaga ta'siri va sohada milliy va xorijiy tajribaning o'xshashligi va farqli jihatlari haqida batafsil yoritib o'tilgan. Shuningdek, xorijiy tajribadan kelib chiqqan holda jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish strukturasi takomillashtirish yuzasidan tegishli taklif va tavsiyalar ilgari surilgan.

Kalit so'zlar: jinoyat tarkibi, kvalifikatsiya, jismoniy zo'rlik, ruhiy zo'rlik, zaruriy belgilar, fakultativ belgilar

ЗНАЧЕНИЕ ОБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ В КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация: В данной статье используются такие методы правового исследования, как логика, сравнительно-правовой анализ, анализ, синтез и анализ данных с последующим определением понятия, сущности и значимости элементов "объективной стороны" в квалификации, квалификация общественно опасного деяния и общественно опасного следствия, выявление причинно-следственной связи между общественно опасным деянием и общественно опасным последствием, подробно освещается влияние необходимых и факультативных признаков объективной стороны на квалификацию, а также сходства и отличия отечественного и зарубежного опыта в данной области. Также выдвинуты соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию структуры квалификации преступлений на основе зарубежного опыта.

Ключевые слова: состав преступления, квалификация, физическое насилие, психическое насилие, необходимые признаки, факультативные признаки

THE IMPORTANCE OF THE OBJECTIVE SIDE IN THE CLASSIFICATION OF CRIMES

Abstract: This article uses such methods of legal research as logic, comparative legal analysis, analysis, synthesis and analysis of data with the subsequent definition of the concept, essence and significance of the elements of the “objective side” in qualification, qualification of a socially dangerous act and a socially dangerous consequence, identifying the cause-and-effect relationship between a socially dangerous act and a socially dangerous consequence. The influence of necessary and optional signs of the objective side on qualifications is covered in detail, as well as the similarities and differences between domestic and foreign experience in this area. Corresponding proposals and recommendations for improving the qualification structure were also put forward crimes based on foreign experience.

Key words: corpus delicti, qualification, physical violence, mental violence, necessary signs, optional signs.

Barchamizga ma'lumki, shaxs tomondan jinoyat sodir qilish holatlari har qanday davrida mavjud bo'lgan va o'zining ijtimoiy xavfliligi bilan ajralib turgan. Shuning uchun, bugungi kunda dunyo mamlakatlarining barchasida jinoyatchilikka qarshi kurashish davlat siyosatining muhim yo'nalishlaridan biri sifatida belgilangan. Har qanday mamlakatda jinoyat-huquqiy siyosatni amalga oshirishning boshlang'ich va muhim bosqichidir. Ya'ni, bu qonun hujjatlarida jinoyat uchun javobgarlik belgilashdir. Bundan ko'zlangan maqsad esa ijtimoiy hayotda sodir qilingan real qilmishning belgilarini jinoyat qonunida nazarda tutilgan jinoyat tarkibi belgilariga solishtirish orqali uning qanday jinoyat ekanligini va unga nisbatan qaysi turdagi jazo tayinlash hisoblandi. Bu jarayon esa “qilmishni kvalifikatsiya qilish” deb nomlanadi. Jinoyatni kvalifikatsiyab qilishning asosini jinoyat qonunida belgilangan aniq jinoyat tarkibi tashkil qiladi. Mazkur maqolada ushbu jinoyat tarkibing asosiy tarkibiy elementi bo'lgan obyektiv tomonning kvalifikatsiya qilishdagi ahamiyatini yuridik jihatdan tahlil qilishga harakat qilamiz.

Jinoyat huquqida jinoyatning obyektiv tomoni bu- ijtimoiy xavli qilmishning tashqi tomoni hisoblanib, jinoyatning qanday sodir etilganligini anglatadi. Aynan ijtimoiy xavfli qilmishning tashqi tomoni, bir jinoyatni boshqa bir jinoyatdan ajratish imkonini beradi, chunki bitta obyektga qilingan tajavvuz ijtimoiy xavfli qilmishning xususiyati hamda darajasiga ko'ra turlicha bo'lishi mumkin. Jinoyatni kvalifikatsiya¹ qilish jarayonida qonunning muayyan normasida nazarda tutilgan barcha obyektiv tomon belgilari ishtirok etadi. Obyektiv tomon bo'yicha kvalifikatsiya qilishning qonuniy asosi uning belgilarini o'zida to'liq aks ettirgan JK Maxsus qismining muayyan bir normasi hisoblanadi. Ya'ni unga ko'ra, obyektiv tomon asosan JK

Maxsus moddalari dispozitsiyasi va bandlarida ta'riflanadi yoki ko'rsatib o'tilgan bo'ladi. Shuningdek, jinoyatning obyektiv tomoni jinoyat qonuni bilan qo'riqlanadigan ijtimoiy munosabatlarga zarar yetkazadigan yoki shunday zarar yetkazish xavfini vujudga keltiradigan, obyektiv tomon belgilaridan iboratdir. Bu belgilardan birinchisi **ijtimoiy xavfli qilmish** hisoblanadi, ya'ni u *harakat* yoki *harakatsizlikni* ifodalaydi. *Ijtimoiy xavfli qilmish bu* – insonning ijtimoiy munosabatlariga zarar yetkazuvchi tashqi dunyodagi g'ayriqonuniy, ongli, faol yoki nofaol xulq atvordir. Qilmish har qanday jinoyatning zaruriy belgisi hisoblanadi. Har qanday jinoiy qilmish ijtimoiy xavflidir, qilmishning bunday xavfliligi esa, uning qonun bilan qo'riqlanadigan ijtimoiy munosabatlarga zarar yetkazishida namoyon bo'ladi. *Harakat esa bu* – shaxsning ijtimoiy faol xulq-atvoridir. *Harakatsizlik* aksincha shaxsning passiv xulq-atvori bo'lib, shaxs o'ziga qonun yoki qonunosti normativ hujjatlar, boshqa maxsus qoidalar asosida yuklatilgan vazifalarni bajarmaslikda ifodalanadi. Obyektiv tomonning ikkinchi belgisi bu *oqibatdir*, ya'ni borliq olamdagi o'zgarishlar demakdir. Ijtimoiy xavfli qilmishning sodir etilishi tufayli salbiy o'zgarishlar yuzaga keladi. Aynan o'sha ijtimoiy xavfli qilmish sodir etilishi natijasida yuzaga kelgan salbiy o'zgarishlar **ijtimoiy xavfli oqibatining** mohiyatini tashkil qiladi. Jinoyat huquqida obyektiv tomonning yana bir muhim uchunchi belgisi *sababiy bog'lanishdir*. Bu tushunchani harakat va oqibat o'rtasidagi analogik² tobelik deb tushunishimiz mumkin. Ya'ni, biz voqelikda mavjud sababiy aloqalarni aniqlar ekanmiz, bu holda tegishli hodisalarda har qanday voqelik o'zining vaqt va makon bo'yicha shakliga ega ekanligini anglaaymiz. Shu bilan qilmish va oqibat davriy jihatdan (agar ular o'rtasida sababiy bog'lanish bo'lsa) bir-biridan farqlanishi lozim. Buning bog'liqligi shundaki, oqibat qilmish rivojlanishining natijasidir. Shu bois u vaqt bo'yicha qilmishdan keyinroq, ya'ni undan so'ng yuzaga keladi.

Yuqorida keltirilgan belgilar: *ijtimoiy xavfli qilmish*, *ijtimoiy xavfli oqibat* va ular *o'rtasidagi sababiy bog'lanish* jinoyat obyektiv tomon **zaruriy belgisi** hisoblanadi. Bundan tashqari jinoyat qonunida qo'shimcha, ya'ni **fakultativ belgilar** ham mavjud. Uni esa *jinoyat sodir qilish joyi, vaqti, holati, usuli, quroli va vositalari* tashkil etadi. Obyektiv tomon belgilarining zaruriy hamda fakultativ belgilarga bo'linishining sababi qonun chiqaruvchi organ tomonidan belgilangan jinoyat tarkibining qonun tuzilishidan kelib chiqqanligidir. Ijtimoiy xavfli qilmish, jinoiy oqibat va ular o'rtasidagi sababiy bog'lanish deyarli barcha jinoyatlarda birinchi navbatda aniqlanishi zarur bo'lgan holatlar hisoblansa, qolgan belgilar faqat ayrim hollarda, ya'ni, jinoyat tarkibida qayd etilgan hollardagina jinoyat kvalifikatsiyasiga ta'sir qiluvchi belgi hisoblanadi. Shuning uchun Jinoyatning obyektiv tomoni ijtimoiy xavfli qilmishni kvalifikatsiya qilishda hal qiluvchi ahamiyatga egadir. Ularning ahamiyati shundaki:

- obyektiv tomon jinoyat tarkibining elementi;
- obyektiv tomon ijtimoiy xavfli qilmishning ijtimoiy xavflilik darajasini tavsiflaydi;

- obyektiv tomon jinoyatning tamom bo'lish vaqti, qasddan jinoyat sodir etish bosqichlari differensiyasini (farq, tafovut) aniqlab beradi;

- jinoyat tarkibining obyekt va boshqa alomatlari bo'yicha bir-biriga o'xshash bo'lgan jinoyatlarni o'zaro farqlashda foydalaniladi.

Ijtimoiy xavfli qilmishning kvalifikatsiyasi. Shuni e'tiborga olish kerakki, qilmishni jinoiy-huquqiy ma'noda umumiy yoki uni faqat tashqi, obyektiv tomondan tahlil qilganda, bu faoliyat hajmi bo'yicha inson faoliyatiga qaraganda tor ma'noga ega bo'ladi. Faoliyatni umumiy jihatdan olganda, u fikrlash faoliyati, ya'ni tafakkurni ham o'z ichiga oladi va uning yakka o'zi hech qachon, hatto ba'zi bir ba'zan harakatlaridan ham tashkil etsa ham jinoyatni tashkil qila olmaydi. Kvalifikatsiya jarayonida, biz qilmishni umuman ongli ravishda bor yoki yo'qligini emas, balki u yoki bu jinoyat tarkibini ta'riflashda qonunda qayd qilingan alomatlarining bor yoki yo'qligini aniqlaymiz. Shunga qarab qonundagi jinoiy qilmishni tasniflashning bir qancha turlarini ajratib ko'rsatishimiz mumkin. Ya'ni:

- qonunning tuzilishida yagona ijtimoiy xavli qilmish ko'rsatiladi. Bunday holatda qilmishning jinoyat yoki jinoyat emasligi aynan shu qilmishning sodir etilishi bilan shartlanadi. Masalan, JK 274-moddasining 1-qismida "Giyohvandlik vositalari, psixotrop yoki shaxsning aql-idrokiga ta'sir qiluvchi boshqa moddalarni har qanday shaklda iste'mol qilishga jalb qilish" uchun javobgarlik belgilangan. Qilmishni ushbu norma bo'yicha kvalifikatsiya qilish uchun shu moddadagi iste'mol qilishga jalb etish harakatini aniqlash shart hisoblanadi.

- qonunning tuzilishida ijtimoiy xavfli qilmish asosiy tarkibga nisbatan yengillashtiruvchi yoki og'irlashtiruvchi holat sifatida ko'rsatiladi. Masalan, JK 129-moddasining 1-qismida "Shaxsning 16 yoshga to'lmaganligi aybdorga ayon bo'lgan holda, unga nisbatan zo'rlik ishlatmay uyatsiz-buzuq harakatlar sodir etish" uchun javobgarlik belgilangan. Agar shu harakatlar zo'rlik ishlatib yoki qo'rqitib sodir qilingan bo'lsa, qilmishni ushbu moddaning 2-qismi bilan kvalifikatsiya qilish lozim.

- qonunning tuzilishida muqobil qilmishlar ko'rsatiladi. Bunday holatlarda jinoyatni kvalifikatsiya qilishda normada nazarda tutilgan muqobil qilmishlarning kamida birini aniqlash kerak bo'ladi, qolgan qilmishlarning esa sodir etilmaganligi kvalifikatsiyaga ta'sir ko'rsatmaydi. Bunga misol tariqasida, JK 112-moddasining 1-qismiga ko'ra, "O'ldirish yoki zo'rlik ishlatish bilan qo'rqitish", agar ushbu harakat amalga oshirilishidan xavfsirash uchun yetarli asoslar bor bo'lsa, jinoiy javobgarlik kelib chiqishiga sabab bo'lishi mumkinligi belgilangan. Bunday vaziyatda jinoyat subyekting o'ldirish yoki zo'rlik ishlatish harakatlarining faqat bittasi bilan qo'rqitganligi jinoyatni kvalifikatsiya qilish uchun yetarli ekanligini keltirib o'tish mumkin.

- qonunning tuzilishida ijtimoiy xavli qilmishlar tizimli ketma-ketlikda belgilanadi. Bunday holatlarda esa jinoyatni kvalifikatsiya qilishda qonunda nazarda tutilgan qilmishlar ushbu normada belgilanganidek, ketma-ketlikda sodir qilingan bo'lishi kerak. Aks holda bu qilmishni jinoyat qonuni bilan kvalifikatsiya qilib bo'lmaydi. Misol tariqasida, JK 118-moddasining 1-qismi, ya'ni, "Zo'rlik ishlatib,

qo‘rqitib yoki jabrlanuvchining o‘zligidan foydalanib, jinsiy aloqa qilish” harakati aynan qonunda belgilangan boshqa qilmishlardan keyin sodir qilingan bo‘lishi kerak. Agar jinsiy aloqa qilish harakati ushbu belgilangan boshqa qilmishlardan oldin sodir etilgan bo‘lsa bu qilmishni nomusga tegish (118-modda) deb kvalifikatsiya qilish mumkin emas.

Jinoyat – huquqiy harakatlar tashqi tomondan inson, hayvon yoki moddiy predmetga jismoniy ta’sir qilish shaklida ifodalanishi mumkin. Jinoyat kodeksidagi 90% jinoyatlar shunday shaklda sodir qilinadi. Jinoyat-huquqiy harakat muayyan so‘z yoki iboralarni yozish yoki aytishda ham ifodalanishi mumkin. (Masalan, *tuhmat*, *haqorat*.) Ba’zida boshqa shaxslar ham ijtimoiy xavfli harakat vositasi bo‘lishi mumkin. Misol uchun, aqli noraso yoki kichik yoshdagi bolalar o‘t qo‘yishga yoki odam o‘ldirishga dalolat qilinganida, dalolatchi o‘sha jinoyatni bevosita sodir qilishda ayblanadi. Aqli noraso yoki subyekt yoshida bo‘lmagan shaxslar esa o‘z harakatlarining ijtimoiy xavfliligini tushunmaganligi tufayli javobgarlikka tortilmaydi.

Jinoyat qonuni harakatni va ba’zi holatlarda esa harakatsizlikni ham ijtimoiy xavfli qilmishligini belgilaydi. Agar shaxs yuridik jihatdan biror harakatni bajarish majburiyatiga ega bo‘lmasa va ushbu harakatni amalga oshirmagan bo‘lsa, jinoiy qilmishni tashkil etmaydi. Masalan, ko‘chada ketayotgan shaxs boshqa bir shaxsning suvda cho‘kayotganini va “yordam bering cho‘kayapman” degan so‘zlarini eshitdi, lekin bu shaxs o‘z kiyimlarining suv bo‘lishini xohlamasdan unga yordam bermadi va boshqa shaxslarga ham bu haqida xabar bermay yo‘lida davom etdi. Bu holat bo‘yicha shaxsning harakatsizligini jinoyat deb topish uchun ushbu shaxs qonun nuqtai nazaridan hayoti yoki sog‘lig‘i xavf ostida qolgan va o‘zini-o‘zi himoya qilish imkoniyatidan mahrum bo‘lgan shaxsga yordam berish majburiyati yuklatilganligini aniqlash kerak bo‘ladi. Bunda esa shaxsda bunday majburiyatlarning yuklatilmaganligi aniqlangan taqdirda, ushbu ijtimoiy xavfli qilmishni jinoyat deb kvalifikatsiya qilib bo‘lmaydi. Chunki cho‘kayotgan insonni qutqarish yuridik jihatdan uning majburiyatiga kirmaydi va buning uchun u cho‘kayotgan insonni qutqarish imkoniyati bor yoki yo‘qligidan qat’iy nazar, hech qanday javobgarlikka tortilmaydi.

Shaxs yengib bo‘lmaydigan jismoniy kuch yoki ruhiy zo‘rlilik ta’sirida qonun bilan qo‘riqlanadigan ijtimoiy munosabatga xavf solgan qilmishi va uning oqibatlari uchun jinoiy javobgarlikka tortilishi mumkin emas. Jinoyat huquqi nazariyasiga qaraydigan bo‘lsak, yengib bo‘lmaydigan kuch deganda, ma’lum bir aniq shaxsni tabiiy ofatlar (yong‘in, toshqin, bo‘ron) ta’sirida o‘z irodasiga qarshi ma’lum bir xatti-harakatlarni qilib qo‘yish hodisalari (masalan, avtobusning to‘satdan to‘xtatishi natijasida, yo‘lovchilardan biri yiqilayotib, qo‘lini beixtiyor yonida turgan yo‘lovchining ko‘ziga tegib jarohatlashi yoki toshqin natijasida shifokorning chaqiruvga bora olmasligi va bemorning vafot etishi) tushuniladi. Tabiiy ofatni haqiqatan ham yengib bo‘lmaganligini aniqlash uchun shaxsning unga qarshi kurash qobiliyati, vaziyati hisobga olinadi. **Ruhiy zo‘rlilik** esa, shaxsni o‘ldirish moddiy yoki ma’naviy zarar yetkazish bilan qo‘rqitilishi natijasida sodir qilgan harakat yoki

harakatsizligi tufayli ijtimoiy oqibatning ro'y berishi tushuniladi. Ruhiy ta'sir natijasida yetkazilgan zarar uchun aybdor oxirgi zarurat hollaridan tashqari barcha hollarda javobgarlikka tortiladi. Sud esa bu holatda jazo tayinlayotganda javobgarlikni yengillashtiruvchi holat sifatida e'tiborga olishi kerak. Bundan tashqari **jismoniy zo'rlik** tushunchasiga ham alohida e'tibor qaratish lozim, ya'ni jismoniy zo'rlikda - shaxs boshqalarning jismoniy ta'sirida jamiyat uchun xavfli qilmishlarning amalga oshiradi va bunda jismoniy ta'sir uning ixtiyorini butunlay olib qo'yadi (masalan, jinoyatchilar do'konchining qo'l-oyoqlarini bog'lab do'kondagi narsalarni o'g'irlab ketadi). Agar shaxs jinoyatni bartaraf qilish uchun imkoniyatiga ega bo'la turib, jismoniy zo'rlik natijasida undan foydalanmagan bo'lsa, jinoiy javobgarlikni istisno qilmaydi. Sud tomonidan aybdorga bunday vaziyatda jazo tayinlashda O'zbekiston Respublikasining Jinoyat Kodeksining 55-moddasiga muvofiq holda jazoni yengillashtiruvchi holatlar sifatida hisobga olinishi mumkin. Masalan, ijtimoiy xavfli qilmish zaruriy mudofaa holatda sodir etilgan taqdirda shaxs javobgarlikka tortilmaydi.

Jinoyatning ijtimoiy xavfli oqibatlarini kvalifikatsiya qilish. Jinoyat qonunida jinoyat tarkibini tuzishda ijtimoiy xavfli qilmish sodir etilishini yoki boshqa holatlarda esa ijtimoiy xavfli qilmish biron-bir oqibatni yuzaga keltirgan bo'lsagina jinoyat deb topilishi mumkinligi keltirib o'tilgan. Ma'lumki, jinoyat tarkibi tuzilishiga ko'ra moddiy va formal tarkibli jinoyatlarga bo'linadi. *Formal tarkibli jinoyatlarda* biron-bir oqibat kelib chiqishi shart bo'lmaydi, oqibat kelib chiqqanda ham jinoyatning kvalifikatsiyasiga ta'sir qilmaydi. *Moddiy tarkibli jinoyatlarda esa,* Jinoyat kodeksi Masxusus qismi moddalarida nazarda tutilgan qilmish natijasida yuzaga keladigan oqibat hamda qilmish va oqibat o'rtasidagi sababiy bog'lanish nazarda tutiladi. Jinoyat kodeksida oqibatlar jinoyat tarkibining tuzilishida namayon bo'ladi va faqat moddiy tarkibli jinoyatlarda mavjuddir. Jinoyat tarkibining tuzilishida oqibatlar turli (moddiy, jismoniy, ma'naviy, mulkiy) shakllarda belgilanadi. Moddiy tarkibli jinoyatlarda sodir etilgan qilmishning oqibatlari bu qilmishlarni tugallangan jinoyat sifatida tasnif etish imkonini beradi. Qonunda belgilangan oqibatning kelib chiqmaganligi qilmishni jinoyatga suiqasd qilish kabi kvalifikatsiya qilishga sabab bo'ladi.

Ijtimoiy xavli qilmish va ijtimoiy xavfli oqibat o'rtasidagi sababiy bog'lanishni aniqlash. Qilmishni obyektiv tomon belgilari bo'yicha kvalifikatsiya qilish jarayonida qilmish va oqibat o'rtasidagi sababiy bog'lanish, ya'ni qilmish va oqibat o'rtasida davriy ketma-ketlikning borligi, boshqacha qilib aytganda, vaqt jarayonida qilmishdan keyin oqibat yuzaga kelganligi, qilmish oqibatdan avval bo'lganligi aniqlanadi. Masalan, avtotransport hodisasida, ya'ni haydovchi qishloq joyidan shahar kasalxonasiga zaharlangan bemorni olib ketayotganida, haydovchi bemorga yordam beraman deb, tezlikni oshirgan va qarama-qarshi tarafda ketayotgan avtomobil bilan to'qnashgan, shundan keyin kasal yo'lovchi vafot etgan. Bu hodisada qoida buzilishi va odamning halok bo'lishi aniq. Bunda esa qilmish JK 266-moddasining 2-qismidagi jinoyat kabi kvalifikatsiya qilinishi kerak. Lekin yuqorida aytilganidek, qilmish va oqibatning mos kelishini tasdiqlash jinoyat

tarkibining borligini asoslash uchun yetarli emas, chunki bu yerda qoidaning buzilishi va odamning o'limi o'rtasidagi sababiy bog'lanish aniqlanishi shart. Bunday vaqtlarda ekspertiza yordamida o'limning qachon yuz berganligini aniqlash mumkin. Agar bemorning o'limi avtohalokatga uchragan vaqtdan oldin yuz berganligi aniqlansa, bu holda transport qoidalarining buzilishi odamning o'limiga sabab bo'lmaganligidan dalolat beradi. Chunki qilmish va oqibat o'rtasida davriy ketma-ketlikning yo'qligi ushbu taxminni yo'qqa chiqaradi. Agar transport to'qnashuvi natijasida o'lim yuz bergani aniqlansa, bu holatda voqealarning ketma-ketlikda bo'lishi sababiy bog'lanishning rivojlanishiga to'g'ri kelishi haqida xulosa qilsa bo'ladi.

Kvalifikatsiyaga jinoyat tarkibi obyektiv tomoni fakultativ belgilarining ta'siri. Jinoyat tarkibining qo'shimcha, ya'ni fakultativ belgilariga yuqorida keltirib o'tilganidek, jinoyatni sodir etish quroli, vositasi, usuli, joyi, vaqti va jinoyatni sodir sharoitlari kiradi. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish natijalarini o'zida namoyon etuvchi jinoyat protsessual hujjatlarini rasmiylashtirishda jinoyat obyektiv tomonining fakultativ belgilari ko'rsatilishi shart hamda ular jinoyat ishi bo'yicha isbotlash predmeti sifatida namoyon bo'ladi. Ularning aniqlanishi jinoyat hodisasi haqiqatan borligini anglatadi. Agarda fakultativ belgi modda dispozitsiyasida belgilangan bo'lsa, u jinoyat tarkibining zaruriy belgisi hisoblanadi. Uning yo'qligi esa qilmish uchun ushbu norma bo'yicha javobgarlikka tortishni istisno qiladi. Agar fakultativ belgi normaning dispozitsiyasida ko'rsatilmagan bo'lsa, u kvalifikatsiyaga ta'sir qilmaydi, ammo u jazoni og'irlashtiruvchi holat sifatida hisobga olinishi mumkin. (masalan, JK 56-moddasining "d", "e", "j", "z", "i" bandlari).

Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilishda obyektiv tomon fakultativ belgilarining ahamiyati shundaki:

birinchidan, qilmishning qanday huquqbuzarlik turiga tegishli ekanligini aniqlab beradi;

ikkinchidan, qilmishning ijtimoiy xavflilik darajasini aniqlab beradi;

uchinchidan, shaxsning qilmishida jinoyat tarkibi bor yoki yo'qligini aniqlab beradi;

to'rtinchidan, biron-bir jinoyatning boshqa bir jinoyatdan farqini aniqlab beradi;

beshinchidan, javobgarlikni og'irlashtiruvchi yoki yengillashtiruvchi holat bo'lib hisoblanadi;

oltinchidan, esa jazo tayinlashda hisobga olinadi.

Har bir jinoyat ayni bir joyda, vaqt oralig'ida, holatlarda, u yoki bu uslublar bilan yoki aniq qurol yoxud vositalar bilan sodir qilinadi. Bu holatlar doim jinoyatning obyektiv tomoniga tegishlidir, lekin ularning jinoiy-huquqiy ahamiyati turlichadir. Fakultativ belgilar jinoyat tarkibining tuzilmaviy belgilari sifatida namoyon bo'lgandagina jinoyatlarni kvalifikatsiya qilishga ta'sir etadi. Demak xulosa qilib aytadigan bo'lsak, joy, vaqt, holat, uslub, qurol yoki vositalar jinoyat tarkibi tuzilmaviy belgisi sifatida nazarda tutilgan bo'lsa, bunday holatda uni aniqlash kvalifikatsiya qilishda zarurdir.

Jinoyat sodir qilish *vaqti* deganda, yil, oy, hafta, kun va tunning ma'lum bir qismiga yoki ushbu voqea sodir bo'lishi jinoyat tarkibining belgisi sifatida qonunda nisbatan kamroq ishlatiladi. Masalan, JKning 99-moddasida onaning o'z chaqalog'ini qasddan o'ldirishi tug'ish vaqtida yoki tug'ilishi hamon amalga oshirishi mumkinligini nazarda tutadi.

Jinoyat sodir qilish *joyi* deb, jinoiy qilmish sodir qilingan ma'lum bir hudud tushuniladi. Ba'zi jinoyatlarda jinoyat sodir etish joyi jinoyatning tarkibiy tuzilish belgisi hisoblanadi. Bunga misol tariqasida, JK 204-moddasi alohida muhofaza qilinadigan tabiiy hududlar tartibini buzish uchun javobgarlik belgilanganligi yoki JK 114-moddasida jinoiy ravishda homila tushirishning javobgarlikka olib keluvchi belgilaridan biri sifatida, tibbiyot muassasalaridan boshqa joylarda homilani tushurish ko'rsatilganligini keltirish mumkin.

Jinoyat sodir etilgan *holat* bu – jinoyat qonuni bilan qo'riqlanadigan ijtimoiy munosabatlarga tajovuz qilinadigan sharoitlardagi o'zaro aloqada bo'lgan omillar (odamlar, moddiy ashyolar, tabiiy va ijtimoiy jarayonlar) yig'indisi demakdir. Holatning jinoyatga ta'siri uning ijtimoiy xavfli qilmishni o'zgartirish qobiliyatidan iboratdir. Demak, boshliqni o'ldirish yoki zo'rlik ishlatish bilan qo'rqitish faqat u “jangovor vaziyatda” sodir qilingan taqdirda JK 282-moddasi bo'yicha javobgarlikni keltirib chiqaradi. Agar shunga o'xshash harakat boshqa sharoitlarda, ya'ni “jangovor bo'lmagan holatda” sodir qilinsa, ushbu qilmishni JK 112-moddasi bilan kvalifikatsiya qilish kerak.

Jinoyatni sodir qilish *usuli* esa, shaxsning jinoiy niyatini amalga oshirishi uchun foydalangan ketma-ket harakat usullari va yo'llarining ma'lum bir tartibini ifodalaydi. Ba'zi hollarda jinoyat sodir qilish usuli uning darajasi va qilmishning ijtimoiy xavfliligi xususiyatiga ta'sir qiladi, u qonun tarafdin jinoyatning asosiy yoki kvalifikatsiya qilinadigan aniq bir belgi sifatida qabul qilinadi. Demak, o'zini-o'zi o'ldirish darajasiga yetkazish yoki o'zini-o'zi o'ldirishga suiqasd qilish (103-m.), agar aybdor jabrlanuvchi bilan rahmsiz muomila qilgan yoki uning sha'ni qadr-qimmatini mutassil kamsitgan usulda sodir qilgan bo'lsa, jinoyat deb topilishi mumkin. Boshqa usullar orqali, masalan, aldov yo'li bilan o'zini-o'zi o'ldirish darajasiga yetkazish shaxsni JK 103-moddasi bilan javobgarlikka tortish uchun asos bo'la olmaydi.

Qurol va *vositalarining* jinoiy-huquqiy ahamiyati shundan iboratki, ular ko'pincha kerakli darajada jinoyatlarning kvalifikatsiyasiga ta'sir qiladi, ba'zida esa ulardan foydalanib aybdor shaxsga nisbatan qo'llaniladigan javobgarlikni jiddiy og'irlashtirishi mumkin. Masalan, JK 277-moddasi 3-qismining “b” bandida o'qotar qurolni namoyish etib, uni qo'llash bilan qo'rqitish orqali sodir qilingan bezorilik uchun javobgarlik belgilangan. Bunda Jinoyat predmetini jinoyat sodir qilish quroli va vositasidan farqlash lozim.

Xulosa qilib aytganda, jinoyat huquqida “obyektiv tomon” jinoyat tarkibini kvalifikatsiya qilishda alohida ahamiyat kasb etadi. Bu bo'yicha yuqorida batafsil yoritib o'tildi. Sud-tergov organlari ham qilmishni kvalifikatsiya qilishda jinoyat tarkibida ushbu elementning bor yo'qligini e'tiborga olishlari lozim. Shundagina

kvalifikatsiya to'g'ri amalga oshiriladi va sodir etilgan qilmish uchun muqarrar javobgarlik belgilanadi.

Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish masalasi bo'yicha xorijiy davlatlar tajribasiga qaraydigan bo'lsak ham ularning qonunchiligida ham jinoyat tarkibiy elementlari kvalifikatsiya qilishning asosini tashkil etganligini ko'rish mumkin. Masalan, Avstraliya jinoyat qonunchiligi o'rganilganda, ushbu davlatning Jinoyat kodeksi umumiy qismida "*jinoyat elementlari*" (*elements of offence*) tushunchasi, tasnifi va ahamiyati to'g'risida to'liq ma'lumot berilgan. Ushbu davlat kodeksi 3.1-moddasiga ko'ra, jinoyat o'z ichiga moddiy va ayb elementlarini (*physical and fault elements*) qamrab oladi. O'z navbatida , 4.1- moddasida keltirilishicha, jinoyatning moddiy elementlari quyidagilardan iborat:

- 1) Xulq-atvor (*conduct*);
- 2) Xulq-atvor natijasi (*a result of conduct*);
- 3) Xulq-atvor va uning natijasi o'rtasidagi holat (*circumstance*)

Ushbu elementlar orasida xulq-atvor ikki xil ko'rinishda o'z aksini topadi:

harakat (*act*) va harakatsizlik (*omission*). Bevosita milliy qonunchiligimizga solishtiradigan bo'lsak, harakat va harakatsizlik o'z ichiga olgan xulq-atvor *ijtimoiy xavfli qilmishga*; xulq-atvor natijasi *ijtimoiy xavfli oqibatga*; xulq-atvor va uning natijasi o'rtasidagi holat esa *ijtimoiy xavfli qilmish va oqibat o'rtasidagi sababiy bog'lanishga* to'g'ri keladi. Demak, Avstraliya Jinoyat kodeksida belgilangan *moddiy elementni jinoyatning obyektiv tomoni* deb atashimiz mumkin.

Yuqorida keltirilgan xalqaro tajriba misolida Avstraliya davlati jinoyat huquqini oladigan bo'lsak ham unda javobgarlik masalasi turlicha bo'lishi mumkin, ammo qilmishni kvalifikatsiya qilishda jinoyat tarkibi belgilaridan kelib chiqib, amalga oshiriladi. Demak, real hayotda sodir qilingan bitta qilmishni boshqa bir qilmishdan farqlash uchun unga xos bo'lgan belgilar jinoyatning obyektiv va subyektiv belgilari bilan taqqoslab ko'riladi. Sodir qilingan qilmishning belgilari jinoyat qonunidagi qaysi modda belgilari bilan mos kelsa, qilmish aynan o'sha modda bilan kvalifikatsiya qilinib, jazo ham sanksiya doirasida tayinlanadi. Shu bilan bir qatorda aytish lozimki, amaliyotda ba'zan sud-tergov organlari tomonidan jinoyat tarkibi barcha elementlarning aniqlanmasligi sababli jinoyat hisoblanmagan qilmishlarni jinoyat deb topish yoki qilmishni boshqa jinoyat sifatida noto'g'ri kvalifikatsiya qilish holatlarining oldini olish maqsadida faqat jinoyat huquqi nazariyasida emas, balki Avstraliya tajribasida bo'lgani kabi O'zbekiston Respublikasining amaldagi jinoyat kodeksida ham jinoyat tarkibi elementlarini aniq ko'rsatish va JK 16-moddasini quyidagicha ifodalash maqsadga muvofiq bo'lardi, deb o'ylaymiz:

"Jinoyat kodeksida nazarda tutilgan jinoyat tarkibining barcha alomatlari: obyekt, subyekt, obyektiv tomon va subyektiv tomon belgilari mavjud bo'lgan qilmishni sodir qilish javobgarlikka tortish uchun asos bo'ladi".

Fikrimizcha, modda dispozitsiyasini bu tarzda ifodalash qilmishni kvalifikatsiya qilishga vakolatli bo'lgan shaxslarning jinoyat tarkibi barcha elementlarini aniqlashda va unga to'g'ri baho berishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi, 1994-yil 22-sentabr, // O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari milliy bazasi
<https://www.lex.uz/docs/6750126//>;
2. Xudoyqulov F.X Jinoyat va jinoyat tarkibi tushunchalari hamda subyektiv va obyektiv belgilarning o‘zaro munosabati: instrumental tahlil va taklif // Huquqiy tadqiqotlar jurnali // - 2021-y.
3. Kabulov R. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IV oliy ta‘lim muassasalari uchun darslik / 2012-y.
4. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – T.: TDYI nashriyoti. 2006-y. – 529 bet.
5. JINOYAT HUQUQI (Umumiy qism). O‘quv qo‘llanma. Ochilov X.R. – Toshkent: Yuridik adabiyotlar Publish, 2022-y. – 176.
6. Avstraliya Davlati Jinoyat kodeksi // <https://www.refworld.org =hh5687312> (1995).

АДЕМБАЕВ Аралбай Куралбаевич

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Жиноийи-хуқуқий ва фуқаролик-хуқуқий фанлар» кафедраси ўқитувчиси

АВТОТРАНСПОРТ ЖИНОЯТЛАРИ: УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА БЕЛГИЛАРИ

Аннотация. Мақола автотранспорт жинояти табиати ва жиҳатларига бағишланган. Автотранспорт соҳасидаги жиноятлар предмети ва жиноят таркибининг бошқа белгиларига кўра автотранспорт жиноятлари ва автотранспортда содир этилган жиноятларни ажратиш ва таснифлаш мезонлари таклиф этилади. Автотранспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузиш автотранспорт жинояти, қоида тариқасида қўрилиши. Автотранспорт жиноятларини кенг ва тор турларга бўлиншига тугуншалар берилган. Чет эл олимлавринин фикирлари келтирилган.

Калит сўзлар: автотранспортдаги жиноятлар, автотранспорт жиноятлари, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги

АВТОТРАНСПОРТНЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ: ИХ СУТЬ И ПРИЗНАКИ

Аннотация. Статья посвящена сущности и аспектам автомобильной преступности. Предложены критерии классификации и классификации автотранспортных преступлений и преступлений, совершаемых на автотранспортных средствах, исходя из предмета преступлений в сфере автотранспортных средств и других особенностей структуры преступлений. Нарушение правил пользования автотранспортным средством, как правило, является автотранспортным преступлением. Приведено разделение автомобильных преступлений на широкие и узкие виды. Представлены мнения зарубежных ученых.

Ключевые слова: преступления на автотранспорте, автомобильные преступления, безопасность дорожного движения, безопасность использования транспортных средств.

MOTOR TRANSPORT CRIMES: THEIR ESSENCE AND SIGNS

Annotation. The article is devoted to the essence and aspects of automobile crime. Criteria for the classification and classification of motor vehicle crimes and crimes committed on motor vehicles are proposed, based on the subject of crimes in the field of motor vehicles and other features of the structure of crimes. Violating the rules for using a motor vehicle is usually a motor vehicle crime. The division of automobile crimes into broad and narrow types is given. The opinions of foreign scientists are presented.

Key words: crimes on motor vehicles, automobile crimes, road safety, safety of use of vehicles.

Транспорт узок вақтдан бери жамият ва давлат ҳаётининг зарур ва аллақачон ажралмас қисми бўлиб келган. Бугунги кунда транспорт индустрияси унинг турли элементлари - темир йўл, сув, ҳаво, автомобил, ва бошқа турдаги транспорт воситалари билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизимидир.

Транспорт, шубҳасиз, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётидаги энг муҳим соҳалардан биридир. Бошқа барча тармоқлар фаолиятининг динамикалиги ва самарадорлиги, алоҳида ҳудудларнинг ҳам, умуман давлатнинг ҳам нормал ривожланиши унинг ишининг изчиллигига боғлиқ.

Шу билан бирга - одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, уларнинг мулкига ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга объектларга тузатиб бўлмайдиган зарар етказишга қодир бўлган ортиб бораётган транспорт хавф манбаи сифатида рол ўйнайди.

Автотранспорт соҳасида бундан мустасно эмас. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилда йўл ҳаракати ва автотранспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини жиноий бузиш ҳолатлари деярли икки баробарга камайди. Бироқ, ушбу турдаги жиноятни тавсифловчи мутлақ кўрсаткичлар ҳали ҳам юқори.

Республикамизда деярли ҳар куни инсонлар ўлимига сабаб бўлган йўл-автотранспорт ҳодисалари содир бўларди. Умуман олганда, жиноий жавобгарликка тортиладиган йўл ҳаракати ва автотранспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари йилига мингга яқин фактни ташкил этади[1]. Бундай жиноятларнинг аксарияти маст ҳолатда бўлган ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилмоқда.

Жиноий квалификация қилиш масалалари бўйича тадқиқотларнинг зарурлиги ва долзарблиги йўл ҳаракати ва автотранспорт воситаларидан

фойдаланиш қоидаларини бузиш бўлиб топилади. Бундан ташқари, ушбу мавзуга бағишланган кўп сонли нашрларга қарамай, ҳозирги кунга қадар автотранспорт жиноятининг ягона концепцияси ишлаб чиқилмаган.

Кўриб чиқиладиган мавзунинг ўзига хослиги тор бўлгани учун биз умуман автотранспорт билан боғлиқ бўлган жиноятларга тўхталиб ўтмаймиз, фақат автотранспорт жиноятларига, яъни Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари бўйлаб ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларининг бевосита иштирокида содир этилган жиноятларга тўхталаримиз.

Ихтисослашган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, автотранспорт жиноятларини тушунишга таклиф этиладиган ёндашувларни кенг ва тор турларга бўлиш мумкин.

Чет эл давлатларининг тарафдорлари (Н.С.Алексеев, Б.С.Никифоров, В.С.Прохоров, Н.Н.Белокобилский ва бошқалар) бу жиноятни транспортнинг нормал ва хавфсиз ишлашига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмиш деб таърифлаганлар. Б.А.Куринов ўзининг дастлабки нашрларида ҳам худди шундай фикрга амал қилган. Шу билан бирга, олимнинг кейинги асарлари жиноятни тушунишда тор ёндашув қабул қилинганлигидан далолат беради, у “механик транспорт ҳаракати хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиноий ҳаракат” деб таърифлаган. Худди шу тор талқинни Л.Г. Мачковский . Шуни таъкидлаш керакки, бундай ёндашув ҳатто жуда тор, чунки транспорт воситаларининг хавфсизлиги каби объект кўриб чиқиладиган жиноятлар доирасидан ташқарига чиқади.

Автотранспорт жиноятлари тушунчаси ва моҳиятини ўрганиш билан шугулланган айрим олимлар (К.М.Каратсев, О.Н.Бондарчик, А.В.Соляной ва бошқалар) уларни йўл-транспорт ҳодисаси” тушунчаси билан аниқлашга мойиллик кўрсатдилар.

Шу билан бирга, таърифларни бундай тенглаштириш ўзини оқламайди, чунки “ҳодиса” тушунчасини жиноят ҳуқуқи фани берган маънода “ҳаракат” тушунчаси билан бирлаштириш мумкин эмас. Воқеа содир бўлиши мумкин эмас, чунки рус тилининг изоҳли луғатларида мавжуд бўлган талқинларга кўра, бу “одатдаги тартибни бузган ҳодиса, иш” (С.И. Ожегов, Д.Н. Ушаков, С.А. Кузнецовлар.). Қилмиш жиноятнинг обектив томонининг элементи сифатида инсон хатти-ҳаракатининг ихтиёрий қилмишидир ва бу хусусият уни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик юзага келишининг муҳим шартидир. Тасодифий зарар етказиш (жиноят қонунчилигида “ҳодиса” деб ҳам юритилади) жиноят таркибининг субъектив томонини истисно қилади ва шунинг учун оқибатларининг оғирлигидан қатъи назар, жиноий жавобгарлик юзага келиши мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда олимлар жиноий тажовуз объекти - ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланишни таърифга тўғри киритадилар. Бироқ бундай жиноятларнинг белгиси жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши эканлиги кўрсатилган. Жиноят қонунчилиги барча ҳолларда бундай оқибатларнинг юзага келишини назарда тутмаганлиги сабабли бундай ёндашув билан тўлиқ рози бўлиш мумкин эмас. Жиноий жавобгарлик белгиланган бир қатор автотранспорт ҳуқуқбузарликлари қилмишнинг ўзи жамоат учун хавфли бўлганлиги сабабли аллақачон шундай бўлиб, шунинг учун жиноятнинг бундай элементлари жиноят қонунида расмий (транспорт воситасини бошқа шахс томонидан бошқарилиши) назарда тутилган. маст ҳолатда; бошқарув ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан транспорт воситасини бошқариш).

Автотранспорт жинояти таркибининг муҳим белгиси унинг предмети - механик транспорт воситасидир. Шуни алоҳида келтириш керак, механик бўлмаган транспорт воситаси ҳисобланмайди[2].

Шу билан бирга, баъзи манбаларда бундай автотранспорт воситасини объект эмас, балки жиноят қуроли деб ҳисоблаш керак деган фикрни топиш мумкин[3]. Шу билан бирга, А.С. Денисова, жиноят ҳуқуқининг классик таълимотига кўра, жиноят қуроли унинг объектив томонининг элементи сифатида фақат қасддан содир этилган жиноятларга хосдир, автотранспортда содир бўлган жиноятлар, ҳатто ҳаётга, инсон саломатлигига ёки мулкий муносабатларга зарар этказиш билан боғлиқ жиноятлар. айбнинг бепарво шакли билан тавсифланади[4].

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, автотранспорт жинояти, қоида тариқасида, инсон ҳаёти ёки соғлиғига зарар этказиш билан боғлиқ бўлган қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган йўл ҳаракати ёки автотранспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузиш деб кўрилиши керак. Бундай жиноятнинг белгилари: йўл ҳаракати ёки автотранспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш; айбнинг қасддан ва эҳтиётсизлик шакли.

Фойдаланган адабиётлар:

1. <https://jadval.sud.uz/jinoyat/huquqbuzar/chilmsud/2022/02/02>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига шарҳлар. Маҳсус қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar pulish», 2021. – 777 б.
3. Груздева, Л. М. Уголовно-правовые средства борьбы с преступностью на транспорте / Л. М. Груздева. – Текст : непосредственный. // Транспортное право и безопасность. – 2020. – № 3(35). – С.53.
4. https://elib.amia.by/bitstream/docs/6694/1/probl_borbi_konf2022-163

РЕЙИМБАЕВ А.Қ.

ҚқДУ Жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси ассистент-ўқитувчиси

ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК ЁКИ УНИ ЯШИРИШНИНГ СУБЪЕКТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Мақолада жиноят ҳақида хабар бермаслик юзасидан жавобгарлик масалалари, жиноятни яширишнинг субъектив томонининг белгилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятларнинг олдини олиш, уларни тўхтатиш ва очиш борасидаги фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ўрганиб, тағлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят, жиноят субъекти, прокурор, терговчи, судлов органлари, қасддан одам ўлдириш ва бошқалар.

СООБРАЖЕНИЯ ПО ТЕМЕ НЕСООБЩЕНИЯ ИЛИ СКРЫТИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

Аннотация: В статье рассматриваются и анализируются вопросы ответственности за сокрытие преступления, признаки субъективной стороны сокрытия преступления, общественные отношения в сфере деятельности правоохранительных органов по предупреждению, пресечению и раскрытию преступлений.

Ключевые слова: преступление, субъект преступления, прокурор, следователь, органы юстиции, умышленное убийство и др.

CONSIDERATIONS ON FAILURE TO REPORT OR CONCEAL A CRIME

Annotation: The article discusses and analyzes issues of responsibility for concealing a crime, signs of the subjective side of concealing a crime, public relations in the field of activity of law enforcement agencies in preventing, suppressing and solving crimes.

Key words: crime, subject of the crime, prosecutor, investigator, justice authorities, premeditated murder, etc.

Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖК 31-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасига мувофиқ, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади. Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан — иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан — учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо. Ака-ука, опа-сингил,

уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, яқин қариндошлар деганда, ота-она, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укаси ва опа-сингиллари тушунилади.

Шўро жиноят қонунчилигида қариндошлик туйғулари туйфайли яширувчилик содир этган шахсларнинг жавобгарлигига нисбатан бирон-бир чеклаш мавжуд эмас эди. “Бу даврда жиноят содир этган ўз қариндошларига муайян ёрдам кўрсатувчи шахсларнинг жавобгарлигини бирон-бир тарзда юмшатиш тўғрисидаги масала ҳатто кўйилмаган”[1, 74], деб ёзади В.С.Гелашвили ўша даврнинг мураккаб шароитларида бундай чораларнинг зарурлигига ишора қилар экан.

Адабиётларда мазкур ҳолат хусусида асосий жиноятни содир этган шахсга нисбатан яширувчининг қариндошлик муносабатлари суд томонидан ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этилган. Ўтган асрнинг 20-йиллари бошида жиноят ҳуқуқи назариясида яширувчиларни, агар уларнинг ҳаракатлари яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса, жавобгарликдан озод қилишнинг мақсадга мувофиқлиги хусусида илк фикр-мулоҳазалар пайдо бўлган.

Масалан, М.М.Исаев кўриб чиқиладиган ҳолларда жазонинг факультативлигини белгилашни таклиф қилган[2, 575]. Шунга ўхшаш фикрни И.А.Бушуев ҳам илгари сурган, лекин, шу билан бир вақтда, у оғир жиноятлар ҳамда паст ниятларда жиноятлар содир этилган ҳолларда жавобгарликни сақлаб қолишни таклиф қилган[3, 87]. Кейинчалик, В.С.Гелашвили ўз илмий ишида яширувчи-қариндошларни, агар улар бунда ғаразгўйлик ниятларидан эмас, балки ўз қариндошлик туйғуларидан келиб чиққан бўлсалар, жиноий жавобгарликдан озод қилишни таклиф қилади[4, 61], Н.Г.Радунцева ва М.И.Ковалев эса, давлатга қарши ўта хавфли жиноятларни ёки бошқа оғир жиноятларни содир этган яқин қариндошларни яширганлик учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш ярамайди, чунки улар ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги билан тавсифланади, деган фикрни илгари сурадилар[5, 445-447].

Таниқли олимларнинг нуқтаи назарига асосланган ҳолда, Н.С.Косякова мисол келтирар экан, ўз ёвуз қилмишларини содир этишда давом этаётган қариндош-қотилни яшириш нафақат ахлоққа зид, балки ижтимоий хавфли, жиноийдир, деб таъкидлайди[6, 11-14]. Бунда муаллиф қуйидаги ҳолларда яқин қариндошлар ёки хотин (эр)ни яширувчилик учун жиноий жавобгарликдан озод қилмасликни таклиф қилади:

а) агар яширувчиликни улар қариндошлик туйғулари туфайли эмас, балки ғаразгўйлик ниятларида содир этган бўлсалар;

б) агар яқин қариндош томонидан содир этилган жиноят ҳаётга тажовуз билан боғлиқ бўлса ёки вояга етмаган шахсга нисбатан ёки ундан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;

в) агар яширилаётган шахс янги жиноят содир этаётган бўлса[6, 11-14].

Шунга ўхшаш фикрни А.Д.Макаров ҳам илгари суради. У яширувчилик учун жиноий жавобгарликдан қариндошлик белгиларига кўра озод қилиниши лозим бўлган шахсларнинг тоифалари хусусида сўз юритар экан, агар яширувчига яқин бўлган шахс томонидан содир этилган жиноят ҳаётга тажовуз қилиш билан боғлиқ бўлса ва вояга етмаган шахсга нисбатан ёки ундан фойдаланган ҳолда ёхуд ақли норасо шахсларга нисбатан, шунингдек ғаразгўйлик ниятларида содир этилган бўлса, юқорида зикр этилган шахслар тоифасини чеклашни ва уларни озод қилиш имкониятини истисно этишни таклиф қилади[7, 12].

О.И.Семикина одил судлов органларининг ходимлари томонидан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яширишга РФ ЖК 316-моддасининг жазони оғирлаштирувчи белгиси сифатида қарашни таклиф қилади[8, 32].

“Жиноятни яшириш билан боғлиқ ҳаракатлар фақат шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши туфайли содир этилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳолда ҳам жиноятларнинг идеал мажмуи мавжуд бўлиши мумкин, деб ёзади Г.И.Баймурзин[9, 49-53].

Бу турдаги яширувчилик одил судлов органларининг фаолиятига тажовуз билан бир қаторда шахс хизмат қиладиган муассасанинг нормал ишига ҳам зарар етказди, чунки у ўзига берилган ваколатлардан хизмат аппаратининг манфаатларига зид равишда фойдаланади. Шу туфайли ҳам, содир этилган тажовуз натижасида зарар кўрувчи муайян объектларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бундай ҳаракатларни икки жиноят таркиби: яширувчилик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишнинг мажмуи сифатида квалификация қилиш ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назарлардан ўринли бўлади.

Агар кўрсатилган ҳаракатлар прокурор, терговчи ёки суриштирувчи юритаётган шахс томонидан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мақсадида содир этилган бўлса, бу ҳолда улар жиноий жавобгарликдан ноқонуний озод қилишда назарда тутилган жиноят таркибини ҳосил қилади. Бу масала хусусида илгари И.С.Тишкевич яширувчиликда мансабдор шахс айбдор бўлса, муайян шароитларда у тегишли мансабдорлик жинояти учун ҳам жавобгарликка тортилиши лозимлигини қайд этган эди[10, 67-71].

Биз ҳуқуқшуносларнинг ўз фаол жисмоний ҳаракатлари билан жиноятчини, худди шунингдек жиноятни содир этиш куруллари ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган предметларини яширишга кўмаклашган мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракатлари жиноятлар мажмуини

ҳосил қилади ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 205 ва 241-моддалари бўйича квалификация қилинади, деган фикрига қўшиламмиз.

Ушбу аснода, албатта таҳлил қилинатёган жиноятнинг субъектив белгиларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси ЖК 241-моддасига кўра, олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликда мотив айбдор ҳаракатларини квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Айни вақтда, суд жазо миқдорини аниқлашда мазкур субъектив белгини ҳисобга олиниши даркор. Ўз вақтида Н.С.Таганцев мотивнинг аҳамияти тўғрисида шундай деб ёзган эди: "...яширувчиликнинг мотивларига тузук (уложения)да эътибор қаратилмаган, ҳолбуки, жиноятчига ҳамдарлик туфайли яширувчилик билан ғаразгўйлик мақсадларида яширувчилик ўртасида катта фарқ мавжуд" [11, 59-61]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддаси биринчи қисми "к" бандига кўра, ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб эътироф этилади.

Шундай қилиб, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг субъектив томони қуйидаги белгилар билан тавсифланади: айбдор шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, жиноятчини, жиноятнинг қуроллари ёки воситаларини, жиноят изларини яширар экан, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятларнинг олдини олиш, уларни тўхтатиш ва очиш борасидаги фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларга зарар етказётганини, ўз ҳаракатлари натижасида асосий жиноятчи жиний жавобгарлик ва жазодан қутулиб қолишини тушунади. Мазкур белгилар тўғри қасд белгиларига хосдир. Мотив ва мақсад эса, ўз навбатида, кўриб чиқилаётган жиноят таркиби субъектив томонининг муқаррар белгилари сифатида амал қилмайди, лекин жазо тури ва миқдорини аниқлашда ҳисобга олиниши керак.

Адабиётлар

1. Гелашвили В.С.Заранее не обещанное укрывательство - преступление против правосудия // Вестник Московского университета. № 3 // Изд-во Моск. ун-та, 1978.
2. Уголовное право. Общая часть: Учебник / Герцензон А.А., Исаев М.М., Пионтковский А.А., Утевский Б.С.; Науч. ред.: Меньшагин В.Д. - 4-е изд., перераб. - М.: Юрид. изд-во МЮ СССР, 1948.
3. Социальная и уголовно-правовая оценка причинения вреда преступнику при задержании. Учебное пособие / Бушуев Г.В. - Горький: Изд-во ГВШ МВД СССР, 1976.
4. Гелашвили В.С. О заранее не обещанном укрывательстве, совершенном родственниками виновного // Вестник МГУ. Серия 11. Право. 1980. N 1.
5. Ковалев М.И., Козаченко И.Я., Кондрашова Т.В. и др. Общая часть: учебник / отв. ред. И. Я. Козаченко. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: Норма, 2008.

6. Косякова Н.С. Прикосновенность к преступлению по российскому уголовному праву: становление, состояние и перспективы развития: Автореф. дис... канд...юрид...наук. – М., 2001.

7. Макаров, А.Д. Уголовная ответственность за прикосновенность к преступлению: автореф. дис. ... канд. юрид. наук / А.Д. Макаров. - М., 2004.

8. Semykina O. I. The Principle of Humanism as a Means of Ensuring the Prohibition of Torture. Journal of Foreign Legislation and Comparative Law, 2021, vol. 17, no. 5, pp. 32—65. (In Russ.) DOI: 10.12737/jflcl.2021.053.

9. Баймурзин Г.И. Ответственность за прикосновенность к преступлению. – Алма-Ата, 1968.

10. Квалификация преступлений против жизни. Учебное пособие / Тишкевич С.И. - Минск: Изд-во МВШМ МВД СССР, 1991.

11. Таганцев Н.С. Русское уголовное право. Часть Общая. Т.1. – М., 1994.

БЕРДИАЛИЕВ Бахтиёр

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси*

БЕЗОРИЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада жамоат тартибига қарши жиноят ҳисобланган безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминология жихатлари таҳлил қилинган, шунингдек унинг барвақт профилактикаси оид хулоса ҳамда таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: жамоат тартиби, жиноят, безорилик, объект, объектив томон, субъект, субъектив томон, криминологик жихат, жавобгарлик, жазо, барвақт профилактика.

УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ХУЛИГАНСТВА

Аннотация: В статье анализируются уголовно-правовые и криминологические аспекты хулиганства, которое считается преступлением против общественного порядка, а также формулируются выводы и предложения по его ранней профилактике.

Ключевые слова: общественный порядок, преступление, хулиганство, объект, объективная сторона, субъект, субъективная сторона, криминологический аспект, ответственность, наказание, ранняя профилактика.

CRIMINAL AND CRIMINOLOGICAL ASPECTS OF HOLOGANITY

Abstract: The article analyzes the criminal legal and criminological aspects of hooliganism, which is considered a crime against public order, and also formulates conclusions and proposals for its early prevention.

Key words: public order, crime, hooliganism, object, objective side, subject, subjective side, criminological aspect, responsibility, punishment, early prevention.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XX боби “Жамоат тартибига қарши жиноятлар” деб номланади. Жамоат тартибига қарши жиноятлар – бу жамиятда юриш-туриш қоидалари ва жамоат осойишталигини таъминлаш ҳамда муносиб хулқ-атворда бўлишга асосланган жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўрсатилган ҳуқуққа хилоф, айбли ижтимоий хавфли қилмишлардир[1]

Мазкур мақола доирасида биз жамоат тартибига қарши қаратилган ва энг кўп содир этиладиган безорилик жиноятининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси “Безорилик” жиноятига бағишланган бўлиб, у уч қисмдан иборат.

Жамоат тартибига қарши жиноят ҳисобланган безорилик мазкур моддага мувофиқ, “жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш”[2] хатти-ҳаракатлари орқали содир этилади. Амалиётда “безорилик” билан “майда безорилик” атамаларини қўллашда уларни бир-биридан ажратиш турадиган белгиларини аниқ билиш талаб этилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ “майда безорилик” маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, унга қуйидагича ҳуқуқий таъриф берилган: “майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик”[3].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, безорилик ҳамда майда безориликнинг ўхшашлик томони уларнинг ҳар иккаласи ҳам жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик натижасида содир этилади. Лекин уларни бир-биридан фарқлайдиган асосий белги “ижтимоий хавфлилик” даражаси ҳисобланди.

Мазкур қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини кўрсатувчи белгилар амалдаги қонунчиликдан аниқ акс эттирилган бўлиб, майда безорилик “жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда” ифодаланса, безорилик эса “уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилишда” ифодаланади.

Қонун чиқарувчи мазкур қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликда майда безориликни “маъмурий ҳуқуқбузарлик” сифатида белгилаб, уни содир этганлик учун “базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамок”[3] каби маъмурий жазоларни қўллашни назарда тутган. Безориликни эса “жиноят” деб белгилаб, Жиноят

кодексининг 277-моддасининг *биринчи қисмида* кўрсатилган қилмишни содир этганлик учун “базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари”, *иккинчи қисми* кўрсатилган ҳолатларда содир этилганда “уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш”, *учинчи қисмида* бўйича “уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш”[2] каби жиноий жазоларни қўллаш назарда тутилган.

Жиноят ҳуқуқи дарсликлариди, шунингдек Жиноят кодексининг безорилик жинояти белгиланган нормаларига берилган шахларда мазкур қилмиш жамоат тартиби қоидаларига ҳурматсизлик билдиришда ифодаланадиган ва қасддан содир этиладиган жиноят эканлиги эътироф этилиб, унинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари етарли даражада тавсифланган[4].

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда безорилик содир этган шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори, юриш-туриши билан жамиятда, хусусан жамоат жойларида ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ўрнатилган тартиб қоидаларни менсимасдан, уларнинг талабларига риоя қилмасдан ёки уларни бузган ҳолда мавжуд ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади.

Жиноят ҳуқуқига оид манбаларда таъкидланганидек, безориликнинг тажовуз объекти бўлиб жамоат тартиби, яъни амалдаги ҳуқуқ ва ижтимоий (ахлоқ) нормаларига риоя қилиш орқали фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, кўпчиликнинг, омманинг хавфсизлигини таъминлашга, ҳудуддаги ва объектдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, инсонларнинг меҳнат қилиши ва дам олишлари учун қулай шароит яратишга қаратилган, шунингдек уларнинг шаъни, кадр-қимматини, миллий кадриятларни ва ижтимоий ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг талабларига риоя этиш бўйича асосан жамоат жойларида вужудга келадиган ва тараққий этиб борадиган ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Безориликнинг объектив томони белгилари қуйидагиларда ифодаланеди:

биринчидан, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, яъни шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворнинг мавжудлиги билан бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига зарар етказиш;

иккинчидан, уриш-дўппослаш, яъни жисмоний куч ишлатиш орқали бошқа шахсларга баданига шикаст етказмаган ҳолда зарба бериш ва оғрик етказишда;

учинчидан, баданга енгил шикаст етказиш, яъни соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаганда;

тўртинчидан, ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар¹ етказиш, яъни мулкни, унинг муайян бир қисмини қисман ёки бутунлай

¹ Изоҳ: Анча миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор.

яроксиз ҳолга келтириш орқали ҳозирги кунда 33000000 сўмдан 99000000 сўмгача зарар етказилишда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, таҳлил қилинган “қилмишни Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиш учун юқорида кўрсатилган оқибатларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлиши талаб этилмайди”[5].

Безориликнинг субъектив томони мазкур қилмишнинг қасддан содир этилишида намоён бўлади.

Жиноят кодексининг 17-моддасига мувофиқ безорилик жиноятнинг субъекти бўлиб, 277-моддаси биринчи қисми бўйича 16 ёшга тўлган 277-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари бўйича эса 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Жиноят кодекси 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида безориликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жазо белгиланган.

Биринчидан, мазкур модданинг иккинчи қисмига мувофиқ безорилик: а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб; б) бир гуруҳ шахслар томонидан; в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намоёиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб; г) ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намоёишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан; д) ёш бола, қария, ногиронлиги бўлган шахс ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб; е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкини нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилганда уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан бири тайинланиши назарда тутилган.

Иккинчидан, мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ безорилик: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) ўқотар қуролни намоёиш қилиб, уни қўллаш билан кўрқитиб ёки қўллаб; в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда; г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилганда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан бири тайинланиши назарда тутилган.

Жамоат тартибига қарши жиноятлар криминологик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2023 йил 6 ойида умумий қайд этилган жиноятлар ўтган йил шу даврга нисбатан 6,5 фоизга ошган бир вақтда, безорилик жинояти 25,4 фоизга ўсган. Қиёсий таҳлил қилинаётган даврда безориликнинг умумий қайд этилган жиноятлар тузилишидаги ҳиссаси эса 1,9 фоиздан 2,3 фоизга ўсиши кузатилган.

Безорилик жиноятлари содир этилишининг ўсиши Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятидан ташқари республиканинг барча ҳудудларида кузатилган. Республика даражасидан юқори бўлган ўсиш, ўтган йил 6 ойга нисбатан Хоразм(137,5), Жиззах(116,7), Қашқадарё(90,4), Транспортда хавфсизликни таъминлаш ИИБда(80), Наманган(60,5), Самарқанд(56,3), Навоий(44,4), Сирдарё(29,4), Тошкент(26,5) вилоятларида кузатилган.

Республика бўйича қайд этилган безорилик жиноятларнинг 19,5 фоизи Тошкент шаҳри, 17,8 фоизи Наманган, 13,2 фоизи Тошкент, 8,9 фоизи Фарғона, 8,8 фоизи Қашқадарё, 8,2 фоизи Сурхандарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Безорилик, асосан жамоат жойларида содир этилиши айтилади[6]. Агарда, 2023 йил 6 ойда жами қайд этилган жиноятларнинг 8,3 фоизи жамоат жойларида содир этилган бўлса, мазкур жиноятларнинг 65,2 фоизи кўча, майдон, хиёбон ва истироҳат боғларида содир этилган. Безориликнинг эса 69,3 фоизи жамоат жойларида, шундан ярмидан кўпи кўча, майдон, хиёбон ва истироҳат боғларида содир этилган. Таҳлил қилинаётган даврда бор йўғи 0,7 фоиз безориликларгина хонадон, хусусий уй ва ётоқхоналарда содир этилганлиги қайд этилган. Мазкур таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда безорилик жиноятларининг қолган 30 фоизга яқинининг қаерларда содир этилганлиги тегишли статистик ҳужжатларда қайд этилмасдан қолмоқда.

Жами содир этилган жиноятларнинг ким томонидан ва қандай ҳолатда содир этилганлиги жами безорилик билан қиёсий таҳлил қилинганда: вояга етмаганлар безорилиги 8,2 фоизни; муқаддам судланганлар безорилиги 2,2 фоизни; аёллар безорилиги 1,8 фоизни; гуруҳий безорилик 6,6 фоизни; мастлар безорилиги 12,7 фоизни; ишламайдиганлар безорилиги 3 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

биринчидан, безорилик жиноятларининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари таҳлили бугунги кунда мазкур қилмишларнинг ижтимоий хавфи ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда;

иккинчидан, жамоат хавфсизлиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида янги институционал тузилмалар, тартиб-қоидалар ва механизмлар жорий этилганлигига қарамасдан жамоат жойларида содир этилаётган, хусусан безорилик жиноятларининг ўсиб бориши, уларга қарши курашда ҳали ҳануз эскича усуллар, яъни жиноятларнинг оқибати билан курашиб келинаётганлигини кўрсатмоқда;

учинчидан, жамоат жойларида содир этилаётган жиноятлар, хусусан безориликларни, уларни содир этувчи шахсларни, шунингдек уларнинг сабаб ва шароитларини комплекс илмий тадқиқ қилиш зарурати юқориликча қолмоқда;

тўртинчидан, жамоат жойлари ва унга туташ ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, хавфсизлик қоидалари ва талаблари ўрнатилишига, уларга риоя этилиши учун шарт-шароит яратишга масъул субъектларнинг жамоат тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан

жиноятлар барвақт профилактикаси чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мажбуриятлари ва жавобгарлигини қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгилаш зарур;

бешинчидан, жамоат жойларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўрнатилган видео кузатув қурилмалари ва ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жамоат тартибига қарши, хусусан безорилик жиноятларининг барвақт профилактикаси амалга ошириш методикасини ишлаб чиқиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016., 957-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. <https://lex.uz/acts/111453>
3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>
4. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016., 959-964-б.; Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси (илмий-амалий шаҳлар). Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси, 1997 й., 558-567-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 14.06.2002 йилдаги 9-сон. <https://lex.uz/docs/1452654>
6. Ж.А. Джавкашев. Безорлик жинояти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. <file:///C:/Users/User/Downloads/bezorlik-zhinoyati-va-uning-ziga-hos-hususiyatlari.pdf>

БАХРАМОВ Хожиакбар

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

ХУСАНОВ Абдуғафур

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсанти

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ ВАЗИФАЛАРИ, ТИЗИМИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада жиноят қонунчилиги вазифалари, тизими, хусусиятлари ва такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: жиноят кодекси, жиноят кодексининг тизими ва тузилиши, атамалар.

ЗАДАЧИ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА, ЕГО СИСТЕМА И ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Аннотация. В данной статье освещены задачи, система, особенности и вопросы совершенствования уголовного законодательства.

Ключевые слова: уголовный кодекс, система и структура уголовного кодекса, термины.

TASKS OF CRIMINAL LEGISLATION, ITS SYSTEM AND ISSUES OF IMPROVEMENT

. This article highlights the tasks, system, features and issues of improving criminal legislation.

Keywords: criminal code, system and structure of the criminal code, terms.

Мамлакатимиз мустақилликга эришган кундан бошлаб ҳозирги даврга қадар суд-ҳуқуқ соҳасидаги миллий қонунчилигимиз изчиллик билан мақсадга мувофиқ равишда яратилиб, шаклланиб, ривожланиб халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосланган ҳолда ўзига хос миллий ҳуқуқ ижодкорлиги мактаби, тажрибаси юзага келди.

Барча соҳаларда амалга оширилган ва тадрижий равишда амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, фуқароларнинг Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан амалга оширилаётган ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётида янги ҳуқуқий негизни шакллантириш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққий этнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш заруратини юзага келтирди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар қаторида жиноят, жиноят процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилиги ҳам ислоҳ қилинди. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги 16-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан қонуний кучга кирди[1].

Асосий эътиборни Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилигига қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланган бўлиб, Жиноят кодексидан иборатлиги мазкур кодекснинг 1-моддасида қайд этилган[2].

Кодекс сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, (лотинча *codex* сўзидан олинган бўлиб) ижтимоий муносабатларнинг муайян бир турдаги соҳасини тартибга солувчи тизимлаштирилган ягона қонун ҳужжати маъносини англатади.

Жиноят қонунчилиги яъни жиноят кодексининг вазифаларига тўхталадиган бўлсак, қонун чиқарувчи томонидан кодекснинг 2-моддасида жиноят кодексининг вазифалари сифатида “шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш,

шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат”лиги белгиланган. Мана шу вазифаларни амалга ошириш учун жиноят кодекси жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Шунингдек, жиноят кодексининг 3-моддасида қуйидаги 7 та муҳим: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби жиноят-ҳуқуқий принципларига асосланиши қайд этилган.

Жиноят кодексининг тизими тузилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга. Умумий ва махсус қисм жами 15 та бўлим, 41 та боб ва 302 та моддалардан иборат. Шунингдек, ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи янги киритилган боблар ва моддалар ҳамда Махсус қисмда бошқа кодексларда мавжуд бўлмаган “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”ни ўз ичига олган бўлимдан иборат.

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, мамлакат жиноят қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш соҳаларида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиной жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Жиной жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексининг аксарият жиноят таркиблари бўйича санкциялар енгиллаштирилди, уларнинг 26 тасидан қamoқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари чиқариб ташланди, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси 86 тадан 196 тага ошди, шунингдек мазкур қонун билан амалдаги Жиноят кодексининг 105 та моддасига жиной жазоларнинг либераллаштирилиши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Жиноят кодексида белгиланган жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди, жиной жазо тизимидан айрим жазо турлари (мол-мулкни мусодара қилиш) чиқарилиб, жазо тизими янада либераллаштирилди.

Бундан ташқари, жиноят қонунчилигида ярашув институтининг жорий этилиши халқимизга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби азалий қадриятларимизни жиноят қонунчилигидаги ифодасини янада мустаҳкамлади. Мазкур институтнинг жиноят қонунчилигига киритилган даврдан бошлаб бугунги кунга қадар такомиллаштирилиб борилиши натижасида ярашув институтни қўллаш имконияти 26 та модда (32 та жиноят таркиби) дан

44 та модда (60 та жиноят таркиби)га ортгани ҳамда ўтган давр мобайнида 200 мингдан ортиқ шахслар ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинганлиги жиноят қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш соҳасида улкан ва ғоят тўғри кадам ташланганлигини билдиради, шунингдек, бу институт амалиётда ўзини оқлади.

Жиноий-ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар орасида Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 11 июль қонуни муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноий жазолар тизимини либераллаштириш борасида туб бурилиш ясади десак, муболаға бўлмайди. Чунончи, 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан ўлим жазосини чиқарилиши билан нуфузли хорижий экспертларнинг эътироф этишича, давлатимизда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бирига асос солинган.

Жиноят қонунчилигимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси ҳисобланиб, фақат иккита турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда касддан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми) ва терроризм (155-модданинг 3-қисми) учун тайинланиши назарда тутилган. Бироқ, инсонпарварлик ва одиллик принципларига асосланган ҳолда мазкур жазо тури хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасидаги қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 30 ноябрь қонунида компьютер тизимларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ хавфли қилмишлар жиноят деб белгиланди ҳамда амалдаги Жиноят кодекси «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» номли янги ХХ¹ боб ва тегишли моддалар билан тўлдирилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2012 йил 29 декабрдаги қонунга кўра, Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ва жиноий жазо тизимини либераллаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур қонун билан киритилган ўзгартишлар, энг аввало, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни либераллаштиришда ўз ифодасини топди, Жиноят кодексига судланганликнинг олиб ташланишини либераллаштириш бўйича янги норма шунингдек, *анча, кўп, кўп бўлмаган, жуда кўп миқдор* тушунчаларига ўзгартишлар киритилди.

Мамлакатимизда иқтисодий, хусусан, молиявий, хўжалик муносабатларининг тез суръатлар билан ривожланиб бориши коррупцияга оид порахўрлик жиноятларининг содир этилиш усулларининг такомиллашувига олиб келиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни билан Жиноят кодексининг 211-(Пора бериш) ва 212- (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш) моддаларининг матни янги таҳрирда қабул қилиниб, амалдаги Жиноят кодексининг пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалари такомиллаштирилди.

2014 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, Жиноят кодексининг 144-моддаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилган жазо тизими «Озодликни чеклаш» деб номланувчи янги жазо тури билан тўлдирилди. Жиноят қонунчилигига мазкур жазо тури киритилиши муносабати билан амалдаги Жиноят кодекси Умумий қисмининг 13 та моддасига, ушбу кодекс Махсус қисмининг 156 та моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши жинойий жазо тизимининг янада либераллашувига олиб келди.

2015 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Жиноят кодексининг 27 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги, 3 та модда янги таҳрирда қабул қилинганлиги, 1 та модда чиқарилганлиги, шунингдек 11 та моддадан иборат янги «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралashi билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» деб номланган XIII¹ боб билан тўлдирилганлиги ушбу жиноятларга қарши курашнинг жинойий-ҳуқуқий чораларнинг такомиллашувига замин яратди.

2023 йил 11 апрелдаги «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига таҳририй ўзгартишлар киритилиб 2та қуйидаги мазмундаги “126¹-модда. Оилавий (маиший)

зўравонлик” шунингдек, “141³-модда. Шахснинг шаънини ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини ақс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш” янги моддалар билан тўлдирилиб мазкур ижтимоий хавфли қилмишларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Юқоридаги ҳолатлардан кўришиб турибдики, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жамият тараққиёти, илм, фан-техника ривожланиши ва бошқа замонавий ўзгаришлар инобатга олиниб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси, инсонпарварлик ва демократизм принципларининг амалда ижросини таъминловчи янги нормалар мақсадга мувофиқ ҳолда киритилиб борилмоқда. Бироқ, барча қонунчилик каби жиноят қонунчилиги ҳам мунтазам равишда янгиланаётган давр ва амалиётга мос равишда такомиллаштирилиб борилиши объектив заруратдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони[3] билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” деб номланган **II** устувор йўналиши бўйича “Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон кадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш” деб номланган **14-мақсадда** Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” деб номланган **16-мақсадда** Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ва уларни рўйхатга олишнинг «Е-ҳуқуқбузарлик» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш;

- бир йил давомида такроран содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг ҳисобини бир йил давомида юритиш ва муддат ўтиши билан автоматик равишда ҳисобдан олиб ташлаш тартибини йўлга қўйиш каби вазифалар белгиланган.

Булардан ташқари фикримизча, Жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур деб ҳисоблаймиз.

Жиноят кодексининг давлат ва рус тилидаги матни таҳририда ҳамда атамаларнинг қўлланилишида номувофиқликка йўл қўймаслик лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган “жиддий зиён” ибораси 10 та модданинг диспозициясида қўлланилган. Рус тилидаги таҳририда эса 12та моддада (существенный вред) атамаси қўлланилган.

Мазкур 10 та модданининг 9 тасида қуйидаги “фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига **“кўп миқдорда зарар”**” сўзлардан кейин “ёхуд **жиддий зиён** етказилишига сабаб бўлса” яъни **“жиддий зиён”** ибораси қўлланилган.

Фақат 1та (Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) деб номланган 144-моддада қуйидаги “жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига” сўзлардан кейин “ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса” яъни фақат **“жиддий зиён”** ибораси қўлланилган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” деб номланган 8-бўлимида **“кўп миқдор ёки кўп миқдордаги зарар - базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар”** атамасининг ҳуқуқий маъноси белгиланган.

Жиноят кодексининг давлат тилидаги иккита моддаларида “Мансаб сохтакорлиги” деб номланган 209-моддасида **“жиддий зарар”** ибораси қўлланилган. Шунингдек, “Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш” деб номланган 251¹-модданинг тўртинчи қисмида ҳам **“жиддий зарар”** ибораси қўлланилганини кўришимиз мумкин.

Бирок, мазкур моддаларнинг рус тилидаги таҳририда бир хил “существенный вред” атамаси қўлланилганини эътироф этишимиз мумкин. Демак, Жиноят кодексининг давлат тилидаги таҳририда икки хил **“жиддий зиён”** шунингдек, **“жиддий зарар”** атамдан фойдаланилгани намоён бўлмоқда. Эътиборли жиҳати эса Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” деб номланган 8-бўлимида мазкур **“жиддий зиён”** атамасига ҳам унинг ўрнида фойдаланилган **“жиддий зарар”** атамасининг ҳам, шунингдек, рус тилидаги таҳририда ҳам қўлланилган фақат айнан бир “существенный вред” атамасининг ҳуқуқий маъноси берилмаганлигини кўришимиз мумкин. Шу боис, мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин. Жиноят қонунчилигини доимий равишда такомиллаштириб бориш, айниқса, ушбу ўзгаришларни жамиятимиз аъзоларига тушунтириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига амалдаги ва янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини шарҳлаш, шунингдек бўлажак ҳуқуқшунос кадрларни жиноят қонунчилиги бўйича билим

ва кўникмаларини замон талабларига мос ҳолда шакллантириш, ривожлантириш ҳамда юксалтириб бориш энг долзарб вазифалар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, 2-сон, 3-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.

НАРИМОВ Икром Шерматович

КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ КЎРИНИШИ ВА ШАКЛЛАРИ

Аннотация. Илмий мақолада коррупция ижтимоий хавфсизлиги, унинг белгилари, содир этилиш соҳалари ва уларга берилган илмий таърифлар асосида таҳлиллар қилиб берилган. Шунингдек, коррупциянинг вужудга келишининг дастлабки белгилари ва улар юзасидан вужудга келган халқаро ҳужжатлар ва коррупцияга қарши конвенциянинг моҳияти тушунтириб берилган. Коррупция тушунчасининг содир этилиш соҳаларига кўра илмий таҳлил қилиш асослари таҳлил қилиб берилган.

Калит сўзлар: коррупция, ижтимоий хавфли, давлат функциялари, мансабдор шахс, мансаб ваколоти, хизмат ваколатлари, сиёсий коррупция, иқтисодий коррупция, ҳокимият органлари, вертикал коррупция, қуйи даражадаги коррупция, юқори даражадаги коррупция.

ПОНЯТИЕ КОРРУПЦИИ, ЕГО ВИДЫ И ФОРМЫ

Аннотация. В научной статье анализируется социальная безопасность коррупции, ее признаки, сферы совершения и их научные определения. Также поясняются первые признаки появления коррупции и международные документы и природа антикоррупционной конвенции. Анализируются основы научного анализа понятия коррупции по сферам ее возникновения.

Ключевые слова: коррупция, социальная опасность, государственные функции, должностное лицо, официальная власть, служебная власть, политическая коррупция, экономическая коррупция, власть, вертикальная коррупция, коррупция низшего уровня, коррупция высшего уровня.

THE CONCEPT OF CORRUPTION, ITS TYPES AND FORMS

Abstract . The scientific article analyzes the social security of corruption, its signs, areas of occurrence and their scientific definitions. The first signs of corruption and international documents and the nature of the anti-corruption convention are also explained. The basics of scientific analysis of the concept of corruption in the

Keywords: corruption, social danger, government functions, official, official power, official power, political corruption, economic corruption, power, vertical corruption, low-level corruption, high-level corruption.

Коррупция тушунчаси кенг бўлиб, ҳозирда унинг оммавий қабул қилинган, ягона таърифи мавжуд эмас. 2002 йилда БМТ нинг Коррупцияга қарши конвенциясининг лойиҳаси ишлаб чиқиляётган пайтда ҳам коррупцияга таъриф беришдан кўра, унга оид барча ижтимоий хавфли қилмишларнинг рўйхатини кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Ўзининг тарихийлигига кўра, коррупция фақат урушдан кейинги ўринда туради. Икки-тўрт минг йиллар аввалги халқ афсоналарида ижобий қаҳрамонлар билан бир қаторда таъмагир, порахўр, ўз мансабидан ҳар қандай йўллар билан ғайриқонуний равишда фойдаланувчи амалдорлар ҳам асосий иштирокчи сифатида тилга олинган. Қимор ўйини ёки фоҳишабозлик, буюртма асосида одам ўлдириш, гиёҳвандлик моддалари ёки спиртли ичимликларни қонунга ҳилоф равишда олиш-сотиш кўринишида бўлишидан қатъий назар, бу турдаги жиноятлар қадим замонлардан бери мавжуддир. Коррупция қариндошлик, уруғ-аймоқчилик, бир миллатга мансублик ришталари билан боғланган, у Шарқда ва Ғарбда даставвал ўзлигини ҳимоя қилиш ва бегона ижтимоий (ёки миллий) муҳитга мослашишга хизмат қилувчи ташкилот сифатида вужудга келган, кейинчалик эса жиноий муҳит, жиноий уюшмалар ҳар хил ном билан аталганига қарамай, у кўп асрлардан бери маълум. Чор Россиясида ов итларининг амалдорга пора сифатида берилиши кўпгина масалаларни ҳал қилган. Ҳозирги шароитда коррупция “уруғ-аймоқчилик”, “қуда-андачилик”, “маҳаллийчилик”, бирон-бир авлодга мансублик кўринишларида намоён бўлмоқда.

Этимологик жиҳатдан “коррупция” - латинча “corruptio”, яъни “бузиш, сотиб олиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”[1].

“Юридик атамалар қомусий луғати”да коррупция тушунчасига “давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ғайриқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга ҳилоф равишда эгаллашига имкон бериши”[2], деб таъриф берилган.

Бошқа манбаларда эътироф этилишича, коррупция атамаси “сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият бўлиб, мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишидан иборат”[3], деб тавсифланган.

1979 йил 17 декабрда қабул қилинган Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексида: “Коррупция тушунчаси миллий ҳуқуқда белгиланиши лозим”, деб қайд этилган ва унда мазкур ҳодисанинг намунавий таърифи қуйидагича келтирилган: “...мансабдор шахс ўз мансаб ваколатлари доирасида ҳар қандай шаклдаги ҳақ эвазига мазкур ҳақни берувчининг манфаатлари йўлида, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги”[4].

Коррупция тушунчасига берилган шунга ўхшаш таърифга Жаҳон банкининг ҳозир дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам дуч келиш мумкин: коррупция – бу “шахсий наф кўриш йўлида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш”, деб таърифланган [5].

Коррупциянинг бундай талқини ҳозирги замон криминологиясида ҳам мавжуд. Масалан, А.И.Долгова коррупция тушунчасига “давлат амалдорлари ёки ўзга хизматчилар пора эвазига оғдирилиши ва шу асосда улар ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки муайян гуруҳ манфаатларида фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса”[6], деб таъриф берган.

Н.Ф.Кузнецов ва Г.М. Миньковлар коррупция деганда давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавfli ҳодисани тушунади [7]. Аммо ижтимоий ҳодиса сифатидаги коррупция тушунчасининг пора эвазига оғдириш, порахўрлик билангина боғлиқ бўлмаган кенгроқ талқини ҳам мавжуд ва у, бизнингча, тўғрироқдир.

Коррупция сўзи адабиётларда турлича талқин қилинади. Унинг ягона тушунчаси йўқ, у бир неча жинойтларни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Ҳатто халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан ҳам унинг ягона тушунчасини яратиб бўлмайди, бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жинойтлари “коррупция” деб аталмоқда [8]. Муаллифнинг фикрича, бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жинойтлари ва коррупция тушунчаларининг моҳияти турлича ва улар орасида фарқлар ҳам мавжуд. Коррупция мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни кўзлаб содир этиладиган жинойтлар йиғиндиси. Коррупция деганда мансабдор шахслар томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан қонунга зид равишда фойдаланиб, оммавий тарзда моддий ёки номоддий манфаатдорликка эришиш тушунилади” [9].

Л.В.Михайлов “Коррупция тушунчаси АҚШ олимлари томонидан айниқса чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этилган. Коррупция муаммоларининг америкалик тадқиқотчилари бу ҳодисани сиёсий арбоблар, давлат аппарати ходимлари, бизнесменлар ва бошқа шахслар бойиш ва ўз ижтимоий мақомини юксалтириш мақсадларида, шахсий, оилавий ёки муайян гуруҳ манфаатларини кўзлаб, ўз расмий вазифалари ва давлат функцияларини бажаришдан бўйин товлаши сифатида тавсифлайдилар”[10], деб ёзади.

М.Джонстоннинг фикрича коррупция: а) мансабдор шахснинг расмий вазифалари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари билан мувофиқ бўлмаган муайян

имтиёз бериш ниятида содир этиладиган қилмиш; б) мансабдор шахснинг ўз хизмат лавозими ёки мақомидан ўзга шахсларнинг вазифалари ва ҳуқуқларига зид бўлган мақсадларда ўзи ёки ўзга шахс учун бирон-бир устунликни қўлга киритиш учун қонунга хилоф равишда фойдаланишидан иборат бўлган қилмиш сифатида тавсифланади [11].

П.А.Кабанов коррупцияга давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахси ўз хизмат мавқеидан шахсий бойиш учун фойдаланишидан иборат бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашади [12].

Қ.Тожибоев эса, “Коррупция жиноятчилиги натижасида давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсиндирилган ҳолда ташкил этилиши асосида вужудга келади [13]”, дейди.

“Коррупция... – давлат лавозимидан шахсий наф кўриш учун ғайриқонуний фойдаланиш. “Ғайриқонуний” атамаси давлат лавозимларини эгаллаган шахсларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи қонунлар (қоидалар) мавжудлигини англатади” [14].

А.К.Иркаходжаевнинг фикрича, “криминологик ҳамда жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан коррупция – бу уюшган жиноятчиликнинг бир туридир. Мазкур жиноятни содир этилиши мақсадлари остида нафақат моддий бойлик орттириш, балки ҳокимиятга интилиш манфаатлари ҳам ётади. Коррупция давлат ва бошқа хизматчиларнинг расмий хизмат ваколатларини, улар билан боғлиқ бўлган нуфуз ва имкониятларини шахсий ёки муайян гуруҳ, корпоратив манфаатлар йўлида, ғаразли мақсадларда фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса” [15].

Қ.Р.Абдурасулованинг таъкидлашича: “Коррупция тўғридан-тўғри маънодаги ҳуқуқий категория ҳисобланмайди, чунки унинг юридик таърифи мавжуд эмас. Аммо мазкур тушинча қонунлар ишлаб чиқиш жараёнига, қонунни қўллаш амалиётига жиддий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам бу муаммо халқаро ташкилотларни ташвишлантирмоқда” [16].

“Коррупция” тушинчасининг ўзи бирон-бир қаятий ҳуқуқий маъзмунга эга эмас. Ушбу шарт-шароитлар туфайли коррупцияга қарши кураш олиб бориши керак бўлган органлар зиммасига юкланган қонун қўллаш амалиёти ва статистика ҳисоб-китоблари аслини олганда аросатда қолиб келди.

Бугунги кунда, криминалист олимлар ўртасидаги баҳсларда, жиноят, фуқаролик, маъмурий, меҳнат, ҳўжалик ҳуқуқи соҳасидаги мутахассисларнинг илмий ишларида, оммавий ахборот воситаларида “коррупция” ибораси турли маъноларда қўлланилмоқда, бу эса коррупция ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, порахўрликнинг ўта салбий кўринишидир, деб хулоса қилиш имконини беради.

Баъзи манбаларда эса бу атама “иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” ва “мансабдорлик жиноятлари” каби сўзлар билан бир қаторда қўлланилади. Республикамизда чоп этилган китоб ва мақолаларда ҳам коррупция дейилганда, юқори мансабдаги шахслар томонидан содир этиладиган порахўрлик назарда тутилади [17].

Шу билан бирга, баъзи муаллифлар коррупция деган юридик тушунчанинг жорий этилиши, унинг муайян кўринишлари (Масалан, пора) га қараб таърифлаш зарур эмас, деб ҳисоблайдилар.

Чунки, ана шу тушинчани қатъий қолипга солиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай уринишлар пировард оқибатда коррупция ҳатти –ҳаракатларининг бир қисми ЖК ёки бошқа қонунларнинг таъсир доирасидан четда қолиб кетишга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида, - *шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш* [18], деб таърифланган. Юқорида баён этилган таърифларни тўғри эмас деб айтиб бўлмайди, негаки коррупциянинг кенг кўламли ижтимоий ҳодиса эканлиги, ушбу тушунчаларнинг турлича таърифланишига сабаб бўлган.

Шу билан бирга бошқа олимлар Жиноят кодексига ягона коррупция тушинчасининг киритилишига қарши эканликларини билдиришади. Жумладан, бу жиноят ҳуқуқи нормаларининг энг оддий талабларига ҳам зид бўлиб, қонунинг қўпол бўзилишига олиб келиши мумкин, шунинг учун ҳам халқаро миқёсда коррупцияга кўп таърифлар берилган, аммо унинг тўла ва аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Уларнинг фикрига кўра, “Коррупция” ҳуқуқий эмас, кўпроқ ижтимоий ва криминологик тушинчалардир, шунинг учун унга муайян жиноятнинг таркиби эмас, балки ижтимоий ҳодиса деб қараш керак [19].

Жиноят қонунида муайян жиноий қилмишни содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилади. Мазкур таърифдан кўришиб турибдики, мансабдор шахслар томонидан порахўрлик, ғараз мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиниши ва ўзлаштирилиши коррупциянинг кўринишларидан биридир. Бундан коррупция порахўрлик доирасидан кенгроқ, у порахўрликдан ташқари ўзи ва бошқалар учун қонунга хилоф равишда имтиёзларни қўлга киритиш мақсадида мансабидан фойдаланиб, содир этиладиган бошқа турдаги жиноятларни ҳам ўз ичига олади, деган хулосага келиш мумкин.

Мазкур муаммога доир юридик адабиётларнинг таҳлили шундан гувоҳлик берадики, илмий талқинга муҳтож бўлган “коррупция” тушинчасининг ўзидан ташқари, бизнинг назаримизда, коррупциявий ҳуқуқбўзарлик, жиноий, коррупциявий қилмиш, жиноий коррупциявий қилмишнинг таркиби, коррупциявий алоқларга эга бўлган жиноий уюшма, жиноий коррупция қилмишнинг субъекти каби масалалар ҳам баҳсли бўлиб қолмоқда.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, коррупцияга шундай таъриф бериш мумкин. **Коррупция** – давлат хизматчиларининг ўз хизмат мавқеи ва эгаллаб турган мансаби ҳамда у билан боғлиқ бўлган обрўсидан шахсий наф кўриш ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатлари йўлида гараз мақсадларда фойдаланишдан иборат бўлган жамият учун хавfli ҳодисадир.

Фикримизча, коррупция тушунчасига турлича таърифлар берилган. Лекин, коррупция тушунчасига келтирилган таърифларда бир-бирига яқин ўзаро муштарак қарашлар акс этган воқиеликдир [20].

Фикримизча, юқорида баён этилган таърифлар таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

биринчидан, бу, аввало, аниқ юридик таърифи мавжуд бўлмаган ижтимоий ҳодиса; пировард натижада коррупция ҳаракатлари жамият ҳаётининг кундалик меъёрига айланиши оқибатида бутун фуқаролик жамияти ва давлатнинг инқирозига олиб келади;

иккинчидан, мазкур ҳуқуқбузарлик субъектларининг муайян доираси мавжуд (бу, аввало, давлат хизмати ходимлари, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган давлат хизмати ходимлари, шунингдек хусусий секторда бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар);

учинчидан, кўрсатилган субъектлар ўз мансаб мавқеидан, хизмат (яъни давлат хизмати ва хусусий сектор ташкилотларидаги хизмат) манфаатларига ҳамда ҳуқуқ ва ахлоқнинг белгиланган қоидаларига зид равишда фойдаланадилар;

тўртинчидан, кўрсатилган субъектларнинг мазкур фаолияти шахсий наф кўриш ёки ўзга шахсларнинг манфаатларида ёхуд корпоратив манфаатларда (жиной тизилмаларга мадаккор бўлиш учун) амалга оширилиши мумкин ва ҳ.к.

Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш шакллари жуда ранг-баранг бўлгани боис, турли мезонларга кўра коррупциянинг ҳар хил турлари фарқланади. Юридик адабиётларда коррупция бир нечта асосий турларга ажратиб ўрганилади:

1) субъектларнинг мақомига кўра:

- а) ҳокимият органларидаги коррупция;
- б) хусусий сектордаги коррупция;
- в) сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупция;

2) даражасига кўра:

- а) қуйи даражадаги коррупция;
- б) юқори даражадаги коррупция;
- в) вертикал коррупция;

3) ижтимоий хавфлилик даражаси ҳокимият билан доимий характерига кўра:

- а) коррупция-қилмиш;
- б) коррупциянинг жинойт олами [21].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юридик энциклопедия . – Тошкент: Шарқ, 2001. – 258 б.
2. Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 201 б.
Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 201 б.
3. Юридическая энциклопедия. 2-ое изд. перераб. – М.: Зерцало, 2003. – 45 с.
4. Уголовный кодекс Республики Казахстан: Учебно-практическое пособие. – Алматы: НОРМА-К, 2007. – 21 с.
5. Отчет Всемирного банка о мировом развитии / Под общ. ред. Д.Тушунова. Пер. с англ. Н. Сухова. – М.: Прайм-Тасс, 1997. – 26 с.
6. Криминология / Под ред. А.И. Долговой. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 68 с.
7. Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М.: МГУ, 1994. – 58 с. Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М.: МГУ, 1994. – 58 с.
8. Кадыков В.М. Некоторые проблемы коренной трансформации экономического механизма и криминализации российской экономики // Проблемы борьбы с преступностью, охраны прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике. – М., 1996. – С.85-94.; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: учебное пособие/–Алматы: КазАТК,2008.–287 с. Кадыков В.М. Некоторые проблемы коренной трансформации экономического механизма и криминализации российской экономики // Проблемы борьбы с преступностью, охраны прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике. – М., 1996. – С.85-94.; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: учебное пособие/–Алматы: КазАТК,2008.–287 с.
9. Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жинойтлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – Б.143-146.
10. Михайлов Л.В. Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Вопросы истории. – 1994. - №5. – 9 с
11. Джонстон М. Поиск определений: качество политической жизни и проблема коррупции // Международное жюри социальных наук. – Париж, 1997. - №16. – 18 с.

12. Кабанов П.А. Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты. – Нижнекамск: Гузель, 1995. – 32 с. Кабанов П.А. Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты. – Нижнекамск: Гузель, 1995. – 32 с.
13. Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкини талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 13 б.
14. Основы борьбы с организованной преступностью: Монография / Под ред. В.С. Овчинского. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 92 с.
15. Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – 219, 221-222 с.
16. Қ.Р.Абдурасулова, О.Қурбонов. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола).Т.2009.16 б.;
17. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жавобгарлик.Т.: ТДЮИ, 2004.Б-203. Ахроров Б.Ж. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик. Т.: Адолат, 2007.268 б.
18. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун. // <https://lex.uz/docs/3088008?ONDATE=21.04.2021>.
19. Агыбаев А.Н. Ответственность должностных лиц за служебные преступления. Алматы: Жети жаргы.1997., С 181,; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д. Борьба с коррупцией в государственных органах в республике Казахстан. Алматы, 2008.С. 278.
20. Дементьев А.С. Проблемы борьбы с экономической преступностью и коррупцией. Автореф. дисс. на соиск. ... к.ю.н. - Нижний Новгород, 1997. - 12 с.; Проблемы борьбы с коррупционными преступлениями. Учебное пособие // Коваленко С.Б., Кожамкулов М.Т., Онгарбекова Ж.В., Рахметова А.С. – Алматы: ООНИР и РИР Академии МВД РК. 2004. - 48 с.; Зуфаров Р. Порахўрлик- коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. № 4. – 41 б.; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – 27 с.; Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – 219, 221-222 с.; Ахроров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – 139 б.; Мелиев Х. Коррупция: унинг олдини олишда антикоррупциявий экспертизанинг ўрни // Ҳуқуқ ва бурч. № 7, 2008. – 42 б.

21. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – 27 с.

АНОРБОВЕВ Амириддин Улуғбек ўғли,

Рақамли технологиялар вазирлиги Юридик таъминлаш бўлими бош юрисконсулти, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD),

“ДАРКНЕТ” ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Аннотация: мақолада “даркнет” тушунчаси ва мазмун-моҳияти, унинг интернет оламидаги имкониятлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: даркнет, интернет, Web-сайт, IT

“ДАРКНЕТ” И ЕГО СОДЕРЖАНИЕ

Аннотация: в статье анализируется понятие и содержание “Даркнета”, его возможности в мире Интернета.

Ключевые слова: Даркнет, Интернет, веб-сайт, IT

“DARKNET” AND ITS CONTENTS

Abstract: the article analyzes the concept and content of the “Darknet”, its possibilities in the Internet world.

Keywords: Darknet, Internet, website, IT

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг барча соҳаларини интернетсиз тасаввур қилишимиз қийин, бугунги кунда интернет кириб бормаган соҳа ва йўналиш қолмади деярли. Интернет бугунги кунда фақатгина ахборот улашиш эмас, балки шахслар учун бизнес қилишга қулай бўлган маконга ҳам айланиб улгурди. Ушбу маконда даркнетнинг мавжудлиги бизнес тарафдорларига янада кенг имкониятларни ошироқда, хусусан, у ноқонуний тадбиркорлик, шахсга доир ва шахсий, оилавий маълумотлар ҳамда шахс, жамият ва давлатга тегишли ахборотларнинг ўғирланиши, тезликда бойиб кетишнинг энг яхши йўлларида бири бўлиб қолмоқда. Аслида даркнет интернетнинг таъқиқланган, ноқонуний ва жинояткорона тарафи бўлиб, биз ишлатадиган интернет жами интернетнинг 4 фоиздан 10 фоизгача бўлган қисмини эгаллайди.

Таъкидлаш керакки, даркнетда товар, иш ва хизматларга бўлган талаб учун кенг имкониятлар яратилган, мавжуд иш, хизмат ва товарларнинг нарҳи эса, одатдаги шундай турдаги иш, хизмат ва товарларнинг нарҳидан анча арзонроқдир, ушбу майдонда шахслар турли хил киберхужумларни ўрганиши ва улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Аслида, даркнет фойдаланувчиларининг аксарияти шахсий ҳаёт, анонимлик ёки интернетда янги нарсаларни қидирадиган оддий одамлар бўлиб, улар қоронғу тармоқнинг анонимлиги туфайли бу тармоққа киришга иштиёқманд бўлишади ҳамда улар

сохта хужжатлар, ўғирланган тўлов (пластик) карталар, ноқонуний ва контрабанда товарлар, хакерларни қидириш ва кўпинча гиёҳванд моддалар ва ўқотар қуролларни реклама қилиш ҳамда уларни сотиб олиш учун бу тармоққа муурожаат қилишади. Бу тармоқда ҳамма нарса сирли равишда амалга ошади.

Шу сабабдан ҳам Даркнет инглиз тилидан олинган сўз бўлиб, “яширин тармоқ”, “қоронғу интернет”, “зулматдаги тармоқ”, “соядаги тармоқ”, “қора Web”, деган маъноларни англатади. Мазкур тармоқ интернетдаги яширин тармоқ бўлиб, фақат ностандарт протоколлар ва портлар ёрдамида ишончли фойдаланувчилар ўртасида амалга ошириш учун ишлатилади. Даркнет фойдаланувчилари очик бўлмаган IP манзиллар орқали ўзаро мулоқот қилишади. Ўзаро мулоқот эса, I2P (Invisible Internet Project) ва АҚШ ҳарбийлари томонидан молиялаштириллаган Тор (The Onion Router) технологиясига асосланган. Бу тармоқлар орқали ҳар сафар тармоққа кирилганида кириш тармоқ тугунига уланган бўлади. Кириш тугунлари тасодифий танланган мамлакатнинг Тор ва I2P сервери ҳисобланади. Бу тугун фойдаланувчининг кимлигини билади, лекин қаерга “кетаётганини” билмайди. Уланиш кириш тугунидан ўтади ва тасодифий танланган мамлакатдан Тор ва I2P орқали сиз бемалол хоҳлаган манзил томон кетишингиз мумкин бўлади. Қисқа қилиб айтганда Тор ва I2P бу фойдаланувчилар тармоққа уланганидан кейин уларни айнан қайси манзилга сўров юбориб ва “нима ишлар” қилишаётганини билдирмайдиган технологиядир. Даркнетга кириш вазифасини бажарувчи калит бўлган Тор технологиясини Windows, Mac, Android va Linux компанияларидаги унинг расмий веб-сайтидан юклаб олиб, VPN канали ва унинг inkognito режимидан фойдаланган ҳолда даркнетга ташриф буюриш мумкин.

Умуман олган, ушбу тушунча 1970 йилларда пайдо бўлган бўлиб, кейинчалик Интернетга айланган ARPANET дан ажратилган тармоқларга нисбатан хавфсизлик мақсадларида фойдаланилган. Мазкур атама 2002 йилда П. Биддл, П. Энгланд, М. Пеинаду, Б. Уилман томонидан “The Darknet and the Future of Content Distribution” наشريда чоп этган мақоласи туфайли кенг тарқалиб кетган бўлиб, улар муаллифлик ҳуқуқларининг бузилишида ҳамда рақамли ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлашда салбий маънода “Darknet” тушунчасидан фойдаланишган бўлиб, уларнинг фикрича, даркнетдан махфийликни таъминлаш ва сиёсий репрессиядан ҳимоя қилиш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган файлларни тарқатиш, терроризм, киберразведка мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Мазкур жиноятлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг жиноий қонунчилиги билан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади, хусусан, Жиноят кодексининг 149-моддасида муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш, 155-моддасида терроризм, 160-моддасида жосуслик, 157-моддасида давлатга хоинлик қилиш, 159-моддасида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, 162-моддасида давлат сирларини ошкор қилиш,

278¹-278⁷-моддаларида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жойи келганда таъкидлаб ўтиш керакки, даркнет тушунчаси турли номлар билан аталади, мисол учун у “Deep Web” номи билан ҳам аталиб, ушбу тушунчани биринчи бўлиб 2001 йилда М.К. Бергман “The deep web: Surfacing hidden value” асарида ишлатган бўлиб, у мазкур интернетдаги маълумотларнинг одатдаги интернетдаги маълумотларга қараганда 1000-2000 баравар кўплигини таъкидлаб, “Deep Web”га бирон ташкилотга тегишли бўлган махсус маълумот базаларидаги маълумотлар, тўлов вазифасини бажарувчи махсус сайтлар, фақатгина махсус кириш йўли бўлган махсус сайтлар, фақатгина ушбу сайтнинг қидирув тизимидан фойдаланиб тегишли саҳифаларга кириш мумкин бўлган махсус сайтлар, электрон почта ва Google каби қидирув тизимлари таҳрирлай олмайдиган бошқа веб-сайтлар киради деб ҳисоблаган.

Биз ушбу фикрларга қисман қўшилаемиз, аммо унинг даркнет билан битта тушунча эканлиги бўйича бир қатор ўзга фикрларимиз мавжуд, жумладан, даркнет “Deep Web”га қараганда мукамалроқ, унда фақатгина М. Бергман таъкидлаб ўтган махсус веб-сайтлар эмас, бошқа саҳифалар ҳам бор. Бошқача айтганда, даркнет бу интернет орқали қурилган тармоқ бўлса, “Deep Web” ёки “Darkweb” эса, даркнет тармоғидаги веб-сайтларни англатади¹. Умуман олганда бу қоронғу веб-дастурлардан биридир. Ушбу дастур орқали кибержиноятчилар ўзларининг жинояткорона қилмишларини амалга ошириши, бўлажак киберхужумга тайёргарлик кўришлари, ўзларига тарафдорлар топиш имкониятига эга бўлишлари, хатто молиявий қўллаб-қувватловчи магнатларга эга бўлишлари мумкин. Бу дастур орқали экстремист ва террористлар ўзларининг талаб ва истакларини ваколатли органларга етказиши, ўзларини намоёни қилишлари мумкин. Яна бир нарса, даркнетда одатдаги IP манзиллар бўлмайди ва ундаги IP манзиллар тез-тез ўзгариши натижасида у орқали маълумот берилган субъектларнинг қаердан маълумот юборганлигини аниқлаш жуда мушкул. Айнан шу сабабдан ҳам кибержиноятчилар ўзларининг қилмишларини бу дастурдан унумли фойдаланган ҳолда, амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда, бу қимор ўйинлари амалга ошадиган энг катта виртуал казино ҳамдир. Даркнет фойдаланувчилари ҳақиқий ҳаётда аслида учрашишган субъектлар бўлиб, улар Ф2Ф ёки П2П деб номланувчи даркнет тармоғи орқали ўзаро мулоқот қилишади, тармоққа махсус пароллар ёки рақамли имзолар орқали киришади ва шу орқали аутентификациядан ўтишади. П2П қоплама тармоғи фойдаланувчилар ўртасидаги мавжуд ишонч муносабатлари асосида қурилган бўлади. Даркнетнинг алоҳида ўзига хос хусусияти шундаки унинг биттагина фойдаланувчиси бу тармоқни ўзича тушуна олмайди, у бошқа ўзига ўхшаган фойдаланувчилар орқали тармоқ қандай ишлашини тушуниши мумкин ва қолган фойдаланувчилар эса, кибержиноятларнинг амалга оширилиши бўйича бевосита боғлиқ шахс бўлади, мисол учун, биржа савдоларида унинг

¹ <https://telegra.ph/Dark-web-yoki-Dark-net-ga-qanday-ulanish-mumkin-09-12>.

ташаббускорлари даркнет фойдаланувчиларига маълумот тақдим қилади ва ушбу маълумот асосида кейинчалик ёки дарҳол катта маблағга эга бўлиш имкониятини қўлга киритади, маблағга эга бўлингач, кўрилган фойда улушларга тақсимланади ва ушбу улушдан даркнет фойдаланувчилари баҳраманд бўлишади. Интернет соҳасида даркнетга қарама-қарши оппенет деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, унда ташқи кузатувчи каталог сервери мавжудлиги туфайли бутун тармоқни у тушунади ҳамда даркнет фойдаланувчиларини умумий назорат қилиб бориш имкониятига эга бўлади. Даркнет фойдаланувчилари эса, даркнетдан тўлиқ фойдаланмоқчи ва бойликка эга бўлишмоқчи бўлишсалар, бу назоратчига ҳар томонлама наф келтириш учун ишлашга мажбур бўлишади.

Бугунги кунда “Overlay network” тушунчаси ҳам кенг қўлланиладиган тушунча бўлиб, у тармоқ устига қурилган тармоқ ҳисобланади ва у одатда Интернет орқали қурилган компьютер тармоғи маъносини англатади ҳамда бошқа қурилмалар IP манзил орқали ўзининг йўналишини белгиласа, бу қурилма IP манзилнинг вазифасини бажаради ва унга IP манзил шарт эмас.

Барча ҳолатда ҳам даркнет фойдаланувчилари “Deep Web” ҳамда “Overlay network” фойдаланишлари мумкин.

Даркнетнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унинг фойдаланувчилари бир-бирлари билан тўғридан тўғри тармоқлараро мулоқот қилади. Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаган тармоқлар ўртасидаги алоқалар ёки исталган тармоққа оид боғланишлар даркнет ҳисобланмайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, ҳозирги кунга қадар бу тоифадаги даркнет орқали содир этиладиган жиноятлар Республикамизда расман қайд этилмаган ҳамда суднинг ҳукми қабул қилинмаган.

Бироқ, бу дегани даркнетга эътиборсизлик билан қараш мумкин дегани эмас. Унинг бошқарув пулти ваколатли органларда бўлса-да, мазкур ваколатли органларда ишловчи масъул ходимларга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказиш ёхуд ўзга усуллар орқали даркнетдан фойдаланиш йўли билан бир қатор жиноятларни содир этиш мумкин ва бу масалада Ўзбекистон ҳали хануз хавф остида қолмоқда. Айниқса, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эътибор Президент бошчилиги бўлаётганлиги, мамлакатимизда бу соҳада кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги, IT-виза орқали чет эллик мутахассисларнинг Республикамизга келиш имкониятлари янада соддалашганлиги, Ўзбекистондаги солиқ ислоҳотлари ва бу борадаги имтиёزلардан унумли фойдаланиш йўли билан инвестиция киритиш шarti орқали бир қатор қора кучлар даркнет орқали жиноятлар содир этмаслигини ҳеч ким кафолатлай олмайди. Мазкур ҳолат биздан янада огоҳликни талаб қилади. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини қаттиқ назорат қилган билан бу соҳани тўлиқ назоратда ушлаб туриш имконсиз, амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича назоратни сусайтириш эса, мамлакат иқтисодиётига жуда катта кулфатларни, кибержиноятларнинг содир этилиши учун кенг шарт-шароит ва имкониятларни келтириб чиқариши мумкин. Иккала

ҳолатда ҳам назоратни йўқотмаган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида экспорт ва импорт ҳажмини ошириш орқали бу соҳани янада жадаллаштириш йўли билан содир этилиши мумкин бўлган кибержиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Сўз ўрнида айтиш керакки, даркнет ҳам кибержиноят содир этиладиган кибермакон ва кибержиноятлар содир этилишига имкон берувчи кибероламдир.

Бошқача айтганда, даркнет бу қорабозордир. Бу бозорда ҳамма нарсани, хатто, контрабанда маҳсулотлари, қурол-яроқ, порнография, экстремистик-террористик ҳаракатлар, вируслар, киберхакерлик учун зарур бўлган техник воситалар, фуқаролик муомаласида чекланган товарлар ҳамма ҳаммасини топиш имконияти мавжуд. Айтиш керакки, даркнетни фақатгина салбий маънода ишлатиш ҳам нотўғри бўлади, чунки бу оламда сўз ва фикр эркинлигига унинг эгалари тўла-тўқис мустақил бўлади, хурфикрликка эришади, бу ерда сензура умуман йўқ. Барча фойдаланувчилар учун тўла-тўқис демократия ва хурфикрлик каби тамойиллар сўзсиз амалга ошадиган олам бу даркнет ҳисобланади.

Балким, шу сабабдан ҳам бўлса керак, кўпчилик даркнетга киришга қизиқишади, аммо Республикамизда ундан фойдаланиш чегараланган. Тўғри, баъзи техник қурилмалар орқали бу тармоқдан фойдаланиш имконияти мавжуд, бироқ ушбу технологияларнинг компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун тайёрланиши, ўтказилиши ва тарқатилиши учун Жиноят кодексининг 278³-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланганлигини унутмаслигимиз зарур.

Кўпчилик одамлар интернет деганда Google ва у орқали топиладиган саҳифаларни тушунишади, бунинг хато фикр бўлиб, Google бу катта Интернет деб аталмиш океандаги кичик бир кема, океанда эса, турли хил мавжудотлар, яъни ўзининг функционал вазифасига кўра фарқланиб турувчи ахборот тармоқлари, тизимлари ва ҳк. жуда кўп. Бу тармоқлар ичида даркнетдан фойдаланиш 1970 йиллардаги ёки 2000 йиллардаги даражага қараганда анча кўпайганлигини, унинг фойдаланувчилари сони ошганлигини, бу кибермаконда жиноий қилмишларни амалга ошириш учун тайёргарлик кўриш энг яхши жой эканлигини унутмаган ҳолда, мамлакатимизда ишлаб чиқиладиган технологияларни фақатгина иқтисодий томондан шахсларга фойда келтиришга ихтисослаштирмасдан, ахборот хавфсизлиги талаблари янада кучайтирилган дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоғимиз даркор.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз зарурки, бир неча йиллардан бери Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланиш маданияти ёки Интернетдан фойдаланиш қоидалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда амалга ошириладиган конституциявий ислохотларда Интернетдан фойдаланишга оид қоидаларни белгилаб кетиш Ўзбекистон Республикасининг

норма ижодкорлиги олдида турган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фикримизча, Интернетдан фойдаланиш тартибини битта давлат миқёсида белгилаш имконсиздир, зеро норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд ижтимоий муносабатларнинг чек-чегараларини белгиловчи ҳужжат бўлиб, ундан ташқари бўлган масалаларни эса, унга оид қоидалар аниқ белгиланмаганлиги сабабли уни жиноий қилмиш деб баҳо беришимиз мумкин эмас. Интернет эса, бу фақат Ўзбекистон дегани эмас. Шунга кўра, трансмиллий чегараларни кучайтириш, барча давлатлар томонидан эътироф этиладиган халқаро ҳужжатни қабул қилиш ва у асосида қонунчилик базасимизни қайта кўриб чиқишимиз даркор.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон Республикаси нафақат даркнетга оид муносабатларни белгилаб олиш, балки Интернетдан фойдаланиш тартиби ёки фойдаланиш қоидаларини белгилаш бўйича халқаро конвенцияни қабул қилиш ташаббусини кўтариши, трансмиллий чегараларда ягона ҳужжат асосида ягона жиноий-ҳуқуқий амалиётни шакллантиришни йўлга қўйиш орқали чегарадош давлатларнинг жиноят қонунчилигини ўзаро бирхиллаштириш орқали шахсларнинг у қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъий назар жазо бир хил ва муқаррар эканлигини белгилаш тенденциясини йўлга қўйиш учун ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз. Ишлаб чиқиладиган халқаро конвенцияда, интернетнинг барча қисмларидан фойдаланиш тартиби ўз ичига олади, яъни барча учун очиқ бўлган интернетдан бўлажак конвенцияга аъзо давлатларнинг фуқаролари қай тариқа фойдаланиши, маълумотлар алмашиши қай тариқа йўлга қўйилиши, интернетнинг қолган қисмига оид муносабатлар қай тариқа тартибга солиниши, интернетдан давлат хизматчисидан тортиб, оддий фуқарогача фойдаланиш тартибини белгилаб қўйилади. Бу эса, нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, балки бошқа хорижий давлат фуқароларининг ўзи турган ҳудуддаги давлатнинг жиноят қонунчилигини билиш ҳамда уни ҳурмат қилиш орқали бўлиши мумкин бўлган жиноий хавфларнинг олдини олишга хизмат қиларди. Ҳозирги кунда мазкур қилмишнинг жиноят эканлигини билмасдим деган қоида ҳамда қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди деган тушунчалар жуда кўп қўлланилади, баъзи ҳолларда айнан шахсларнинг қонунни билмаслиги ёки уни нотўғри талқин қилишлари натижасида тушунмовчиликлар, низолар, жиноий қилмишлар содир этилмоқда.

Мазкур халқаро конвенциянинг қабул қилиниши эса, Конвенцияга аъзо давлат фуқароларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширибгина қолмасдан, ўзи томонидан ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар барча қилмишларни ушбу Конвенция талаблари асосида амалга оширишга бўлган кўникма шаклланишига ёрдам берган бўларди. Огоҳлик битта-иккита шахс доирасида эмас, балки бутун бир давлат, бутун бир жамият миқёсида бўлган бўларди. Очиқ контентдаги ғарб маданиятининг шарқ маданиятига салбий таъсири камайарди. Кўпчиликни қийнаб турган масалалар давлатлараро миқёсда

ҳал этилган бўларди. Энг яхшиси эса, даркнет ва шу каби интернетдан фойдаланиш талаблари мазкур ҳужжатда аниқ белгилаб қўйилиши, ундан фойдаланиш иштирокчилари ўртасида тушунмовчиликларнинг олди олинишига, кибержиноятчилар ўз қилмиши учун адолатли ва қонуний жазоланишига ҳамда ҳуқуқ ваманфаатлари бузилган субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланиши учун имконият яратиларди. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни халқаро ва трансмиллий норматив муносабатларга мувофиқлаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://www.instagram.com/reel/Cg_tyX0OtCY/?igshid=MDJmNzVkMjY%3D.
2. <https://uz.eyewated.com/darknet-qora-bozor-va-sanctuary/>.
3. <https://www.pyblog.uz/post/darknet-nima-darknet-haqida-oddiy-sozlar-bilan>.
4. M. Hatta. Deep Web, Dark Web, Dark Net: A Taxonomy of “Hidden” Internet. *Annals of Business Administrative Science* 19 (2020) 277–292. <https://doi.org/10.7880/abas.0200908a>. Received: September 8, 2020; accepted: October 16, 2020. Published in advance on J-STAGE: December 5, 2020.
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%94%D0%B0%D1%80%D0%BA%D0%BD%D0%B5%D1%82>.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
7. M. Bergman. (2001). White paper: The deep web: Surfacing hidden value. *Journal of Electronic Publishing*, 7(1). doi: 10.3998/3336451.0007.104.
8. <https://telegra.ph/Dark-web-yoki-Dark-net-ga-qanday-ulanish-mumkin-09-12>.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

РУСТАМОВА Нилуфар Рустамовна

*Тошкент шаҳар “Наврўз” никоҳ уйи мудираси,
ЎЗМУ эркин тадқиқотчиси*

ОТА-ОНА ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Аннотация: Мақолада ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси ва айрим хориж давлатлар оила қонунчилиги нормалари кесимида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган бола; ота-она ўрнини босувчи шахслар; оила қонунчилиги, фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик; оилавий

ҳуқуқий жавобгарлик чоралари; васийлик ва хомийлик; фарзандликка олиш; маънавий зарар.

ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЛИЦ, ЗАМЕЩАЮЩИХ РОДИТЕЛЕЙ

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы ответственности лиц, замещающих родителей в контексте норм Семейного кодекса Республики Узбекистан и семейного законодательства некоторых зарубежных государств.

Ключевые слова: ребенок, лишённый родительского попечения; лица замещающие родителей; семейное законодательство; гражданско-правовая ответственность; меры семейно-правовой ответственности; опека и попечительство.

THE RESPONSIBILITY OF PERSONS ACTING AS SUBSTITUTE PARENTS

Annotation: The article discusses the issues of responsibility of persons who implicated parents in the context of the norms of the family code of the Republic of Uzbekistan and the family legislation of some foreign countries.

Key words: a child deprived of parental care; persons implicating parents; family law; civil liability; measures of family legal responsibility; guardianship and trusteeship

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг 76-моддаси 1-қисмида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасидадир” [1], Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир”[2] деб белгилаб қўйилган қоидалар мазмун-моҳиятган жамият ҳам, давлат ҳам ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаши, тарбияланиши, таълим олиши ва жамиятнинг муносиб фуқароси бўлишлари учун зарур ижтимоий ҳимоя олишларидан манфаатдорлигини англатади.

Бизнинг давлат - ижтимоий давлатдир. Шу билан бирга, иқтисодий шароитлар жуда яхшиланиб кетган тақдирда ҳам, бола оилада тарбияланмаса, давлат ёлғиз болаларнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишни кафолатлайди. Болалар - мамлакатимизнинг келажагидир, улар қандай инсон бўлиши, уларнинг болалиги қандай шароитда ўтишига, уларнинг тарбияси билан ким ва қандай шуғулланишига боғлиқ. Ота-она ғамхўрлигисиз қолган болалар - жамият ва давлатнинг дардирдир.

Узоқ вақт давомида “ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола” тушунчаси умуман мавжуд бўлмаган, “етим” тушунчаси ишлатилган эди. Бу қонун чиқарувчи ота-онадан болани олиб қўйишга доир қоидаларни киритмагани билан изоҳланади. Чунки миллий ва маданий анъаналар, ижтимоий турмуш тарзи ота-оналар болаларга яхши муносабатда бўлишларига замин яратган. Бола ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлишига сабаб бўлган

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш биринчи марта Совет Иттифоқида фуқаролик ҳолати актларида ҳақидаги Кодексида, никоҳ, оила ва васийлик ҳуқуқида киритилган. XX асрнинг бошларигача болаларга васийлик (ҳомийлик) қилиш фақат боланинг ота-онаси вафот этган ҳолдагина белгиланган [3].

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция давлатларнинг бош вазифаси сифатида ҳар бир боланинг ва, айниқса, оғир ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган болаларнинг ҳуқуқларини максимал даражада ҳимоялашни эълон қилади: “Ўз оила яқинларидан вақтинчалик ёки доимий равишда жудо бўлган бола ёки унинг шахсий манфаатлари нуқтаи назаридан бундай оилада қолиши мумкин бўлмаган бола давлат томонидан тақдим этиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдам олишга ҳақли”. Мазкур Конвенциянинг кўпгина қоидалари давлатимизнинг Оила кодексига ҳам ўз аксини топган.

Агар ота-оналар ўз фарзанди ҳақида ғамхўрлик қилмасалар ёки у лозим даражада бўлмаса, болага ота-онанинг қариндошлари ғамхўрлик қилишлари, болани бошқа оилага олиб бериш ёки болани фарзандликка олиш ёки, зарурият туғилганда, болани махсус муассасага жойлаштириш ҳақида масала кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг барча қабул қилган меъёрларини тан олган ҳолда, ҳар бир болани, унинг хотиржамлиги учун зарур бўлган ғамхўрлик ва ҳимоя билан таъминлаш мажбуриятини олган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси халқаро ҳуқуқ меъёрларини қайд этиб, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага жойлаштиришнинг шакли ва тартиби оилавий қонунчиликда мустаҳкамланган бўлиб, болани оилада тарбиялаш устуворлигини эълон қилади ва оилада яшаш, тарбияланиш ҳуқуқини қайд қилади. Бинобарин, фарзандликка олиниш натижасила болага оилавий турмуш шароитига яқин шароит яратиб бериш имконияти берилади. Сир эмаски, хайрихоҳлик, дўстлик, ҳамдардлик, бирга қайгуриш муҳити юзага келган оилаларда кишилар камроқ касал бўлади, касал бўлиб қолса - касалликни тез енгадилар. Шу билан бирга, улар ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган турли стрессларга нисбатан чидамлидирлар. “Айнан оила кишиларда, биринчи навбатда, болаларимизда таянч ижтимоий қадриятларини, йўналишларини, эҳтиёжларини, манфаатларини ва одатларини ишлаб чиқаради”[4]. Шу билан бир вақтда, оила, оиланинг аъзолари ижтимоий ва оилавий ҳаётнинг меъёрларига риоя қилмаганлари ёки лозим даражада риоя қилмаганлари учун уларга нисбатан ахлоқий санкцияларни қўллаш ҳуқуқи берилган норасмий “суд инстанцияси” ҳисобланади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи бўлган васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Фарзандликка олиш оилавий ҳуқуқнинг энг қадимги институти ҳисобланади. У кўп асрлик тарихга эга бўлиб, қариндошлик иттифоқига тегишлилигини келиб чиқиш асосларига қараб эмас, балки онгли ҳоҳиш

билдириш асосида аниқлайди. Шунга қарамай, фарзандликка олиш институти кўпроқ “Болалар ҳуқуқларига оид Декларация”да қайд этилган асосий тавсияларга мос келади. Бола унинг шахси тўлиқ ва баркамол ривожланиши учун муҳаббат ва уни тушунишларига муҳтож. У ўзининг ота-онаси ёки уларни ўрнини босувчи шахсларнинг қарамоғида ва уларнинг масъулияти остида, муҳаббат, маънавий ва моддий таъминланганлик муҳитида ўсиши керак. Фарзандликка олиш энг муҳим икки томонлама ижтимоий аҳамиятга эга: бир томондан, ота-она қарамоғисиз қолган бола янги оилага эга бўлади, бошқа томондан - фарзандсиз оилаларнинг энг мураккаб муаммоси ҳал бўлади.

Қонунчилик бўйича фарзандликка фақат балоғатга етмаган болани олиш мумкин. Бу чеклов мантикий изохга эга: фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинган ўртасида ота-оналикка ўхшаш муносабатлар пайдо бўлади, ота-оналик ҳуқуқий муносабатлар эса муддатли хусусиятга эга. Фарзандликка олишга бундай қарашни ҳамма ҳуқуқий тизимлар ҳам ёқлаб чиқмайди. Масалан, Латвия фуқаролик қонунчилиги бўйича фарзандликка олиш муддат билан чекланиши мумкин эмас (Латвия ФК 168-моддаси), никоҳда бўлган шахсни фарзандликка олиш учун эса, унинг турмуш ўртоғининг розилиги талаб қилинади (Латвия ФК 169-моддаси).

Бизнинг Оилавий кодекс бўйича фарзандликка олишда қуйидагилар устунлик ҳуқуқига эга бўладилар: турар жойидан қатъи назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари; фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс; ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар; ўғай ота ва ўғай она; Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар (ЎР ОК 152-моддаси). Бироқ, таъкидлаш зарурки, болаларни бошқа давлат фуқаролари фарзандликка олишлари - дунёда кенг тарқалган ҳодиса.

Фарзандликка олиш натижасида фарзандликка олган шахс ва фарзандликка олинган шахс ўртасида ота-оналик ҳуқуқий муносабатларига ўхшаш ҳуқуқий муносабат юзага келади. ЎР ОК 165-моддаси фарзандликка олинишнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилайди. Фарзандликка олувчилар ота-оналар каби болаларда етишмаётган фуқаролик лаёқатини тўлдирадилар ва уларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар. Бироқ, агар ота-онага нисбатан ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уни чеклаш шаклида оилавий-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланса, фарзандликка олиш бекор қилиниш билан тугатилади. Фикримизча, фарзандликка олишни бекор қилиш фарзандликка олувчининг фарзандликка олган болага нисбатан мажбуриятларни лозим даражада бажармагани учун оилавий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида қабул қилинади.

Фарзандликка олувчини жавобгарликка тортиш учун унинг ҳаракатлари ноқонуний ва айбли бўлиши керак. Фарзандликка олишни бекор қилиш асослари сифатида қуйидагилар хизмат қилади: фарзандликка олувчилар ўз

зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар; ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар; фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар; муттасил ичкиликбозликка ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлсалар.

Фарзандликка олишни бекор қилиш бўйича иш, болани фарзандликка олишни қайд этиш каби, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда прокурор иштирокида судда кўриб чиқилади. Бунда боланинг фарзандликка олишни бекор қилишга розилигини аниқлаш талаб этилмайди. Агар фарзандликка олувчи боланинг ота (она) си сифатида қайд этилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга асос бўлувчи омилларнинг мавжудлигида бундай ота-она - фарзандликка олувчига нисбатан фарзандликка олишни бекор қилиш эмас, фарзандликка олиш билан ўз зиммасига олган мабуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун оилавий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўлланади.

Фарзандликка олишни бекор қилиш бўйича худди шундай асослар Тожикистон ОК 141-моддасида ва Озарбайжон ОК 132-моддасида қайд этилган. Россия ОКда ҳам худди шундай асослар мавжуд. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топишнинг қуйидаги асослари мавжуд: фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса; фарзандликка олиш сохта бўлса; вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса; фарзандликка олувчи шахс ЎР Оила Кодекснинг 152-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса, шу вазиятларда фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилади.

ЎР ОК 169-моддасининг 1-бандида оилавий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида фарзандликка олишни бекор қилиш асослари рўйхати келтирилган бўлса, ушбу модданинг 2-бандида фарзандликка олишни бекор қилиш фарзандликка олинган боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш сифатида қайд этилган. Демак, болани фарзандликка олишни фарзандликка олувчиларнинг айбли ҳаракатлари мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам бекор қилиш мумкин. Масалан, бола учун унинг манфаатларига мос келмайдиган ёки зид келадиган шароитлар яратилган бўлса, фарзандликка олувчига боғлиқ бўлмаган равишда бола билан муносабатлари юзага келмаган бўлса. Шу билан бирга ЎР ОКда бундай асосларнинг таҳминий рўйхати келтирилмаган. Уларга қуйидагиларни киритиш лозим деб ўйлаймиз: вафот этган деб эълон қилинган ота-онанинг қайтиб келиши ва бола ўз ота-онасига қайтишга ҳоҳиши мавжуд бўлган ҳолда ота-онани лаёқатда тиклаш; боланинг ва фарзандликка олувчининг руҳий зидлиги; болани тарбиялашда мураккабликларни юзага келтирувчи фарзандликка олувчининг соғлиққа доир ҳолати ва ҳ.к. Фикримизча, бундай боланинг манфаатларидан келиб чиқиб ва боланинг фикрини ҳисобга олиб фарзандликка олишни бекор қилиш бола ўн ёшга тўлгандан кейин амалга оширилади.

Фарзандликка олишни бекор қилиш бўйича ишни кўриб чиқаётган судга келсак, у болани саволга тутганда ва унинг фикрини аниқлаганда ўта эҳтиёткор бўлиши керак. Фарзандликка олишни бекор қилиш учун жиддий асослар мавжудлиги аниқ бўлгандан кейингина, суд боланинг фикрини аниқлашга киришиши мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, жавобгарлик чораси сифатида ҳам, ҳимоя чораси сифатида ҳам фарзандликка олишни бекор қилиш ЎР ОКга “фарзандликка олиш ҳақидаги суд қарори бола бўлажак фарзандликка олувчиларда олти ой мобайнида боқилган ва тарбиялангандан кейин чиқарилиши лозим. Баъзи ҳолларда фарзандликка олиш синов муддати белгиланмасдан ҳам, суднинг қарорни қабул қилишга важларини қайд этган ҳолда ҳам руҳсат берилиши мумкин”лиги ҳақидаги қонданинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Мазкур меъёр бола учун ҳам, катта ёшли фуқаро учун ҳам номақбул бўлган фарзандликка олишнинг олдини олишга хизмат қиларди. Чунки суд амалиёти кўрсатиб турганидек, бўлажак фарзандликка олувчилар болани тарбиялашга зарур бўлган ўз кучларига, сабрларига, маҳоратларига, қобилиятларига ортиқча баҳо бериш ҳоллари унчалик оз эмас, бу, афсуски, ҳаттоки боланинг ўлими билан ҳам тугаши мумкин.

Яқун ясаб, қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин: *биринчидан*, ота-онани ўрнини босувчи шахслар васийликка олган болаларининг соғлиги ёмонлашишига йўл қўймасликлари учун барча зарур ҳаракатларни амалга оширишлари, унинг нормал ижтимоийлашувини таъминлашлари, унинг мулки йўқолиши, камайиши ва шикастланишига йўл қўймасликлари шарт; *иккинчидан*, оилавий ҳуқуқда ота-оналар ўрнини босувчи шахсларнинг айбли ноқонуний ҳаракатлари учун оилавий-ҳуқуқий жавобгарликнинг қуйидаги чоралари қўлланилади: фарзандликка олишни, васийлик (ҳомийлик)ни бекор қилиш, болани бола оладиган оилага ёки оила шаклидаги болалар уйига топшириш ҳақидаги шартномани муддатидан олдин бекор қилиш; *учинчидан*, васийликка олинган боланинг мулки йўқолган, камайган ёки шикастланган ҳолда бола манфаатларидан келиб чиқиб мулкка етказилган зиённи ундириш лозим; *тўртинчидан*, болага ота-онаси ўрнини босувчи шахслар томонидан маънавий ва жисмоний азоб берилган, номулкий ҳуқуқлар ва номоддий неъматлар бузилган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси қўлланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:”Адолат”, 2023.- Б.39.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. ҚХММБ, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон.
3. Михеева Л.Ю. Опекa и попечительство: Теория и практика / Под

ред. Р.П. Мананковой. -М.: “Волтерс Клунер”, 2004. -С. 224-225.

4. Ильяшенко А.Н. Семья как приоритет социальной политики государства: международно-правовые и конституционные основы // Ж. Семейное право. 2003. № 1. -С.4.

АЛИМОВ Обид Захиджанович

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИГА ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРДА ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш, уларга нисбатан зўрлик ишлатиш тушунчалари, мазмун моҳияти олимларнинг қарашлари асосида шарҳлаб берилган. Қолаверса, ушбу турдаги жиноятларнинг таркиби, жумладан, объектив томон белгилари шарҳлаб берилган.

Калит сўзлар: ҳокимият вакили, қаршилиқ кўрсатиш, зўрлик ишлатиш, жиноят, жиноят таркиби, объектив томони.

УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ ОБЪЕКТИВНЫХ ПРИЗНАКОВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С СОПРОТИВЛЕНИЕМ ПРЕДСТАВИТЕЛЮ ВЛАСТИ

Аннотация: в статье комментируются понятия сопротивления представителю власти, применения к нему насилия, раскрывается суть содержания на основе взглядов ученых. Кроме того, был прокомментирован состав данного вида преступления, включая признаки объективной стороны.

Ключевые слова: представитель власти, сопротивление, применение насилия, преступление, состав преступления, объективная сторона.

CRIMINAL LEGAL FEATURES OF OBJECTIVE SIGNS OF CRIMES ASSOCIATED WITH RESISTANCE TO A REPRESENTATIVE OF AUTHORITY

Abstract: the article comments on the concepts of resistance to a representative of power, the use of violence against him, and reveals the essence of the content based on the views of scientists. In addition, the composition of this type of crime was commented on, including the signs of the objective side.

Key words: government representative, resistance, use of violence, crime, corpus delicti, objective side.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдир. Ушбу фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилиш мамлакатда фуқаролар хавфсизлигининг нормал ҳолатини беқарорлаштиришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”[1]нинг 4-бандига кўра, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти асосий тамойилларидан бири бу фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилишдан иборат.

Ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш жиноятлари ижтимоий муносабатларнинг икки гуруҳига тажовуз қилади: бутун давлат органлари ишини бузади, шу билан бирга унинг самарадорлигини пасайтирадиган *ижтимоий-оммавий* ва *шахслараро* муносабатлардир[2].

Бир қатор адабиётларда ҳокимият вакилига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятнинг бевосита объектини аниқлаш бўйича мунозаралар бўлмоқда.

Ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш объекти масаласига бағишланган рус ҳуқуқшунос олимларининг асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, олимлар орасида бу масала бўйича ягона тўхтамга келингани йўқ, гарчи уларнинг кўпчилиги мазкур жиноят кўп объектли деган фикрда[3].

Баъзи олимлар (Г.Ф.Поленов) мазкур жиноятларнинг икки объектли эканлигини таъкидлаб, бошқарув субъектларига таъсир қиладиган жиноятлар учун асосий белгилловчи объекти – бу уларнинг нормал фаолияти, полиция ходимларининг, халқ отрядлари ва халқ посбонларининг обрўси ҳисобланса, ушбу жиноятни содир этишда полиция ходимларининг, халқ отрядлари ва халқ посбонларининг шахсий манфаатлари иккинчи объект сифатида намоён бўлади. Макур қарашларга Е.А.Козельцев ҳамда П.П.Осиповлар ҳам қўшилишади[4].

Мазкур фикрни А.Г.Брагина ҳам ўз тадқиоқтида таъкидлаб ўтган, яъни унинг фикрича, ҳокимият вакилини ҳақорат қилиш жинояти икки ёқлама хусусиятга эга, у иккита асосий тўғридан-тўғри объектни ўз ичига олади: ҳокимият вакилларининг бошқарув фаолияти, шунингдек, ҳокимият вакилининг шаъни ва қадр-қиммати[5]. Вандан-Иш Амарсанаа[6] ва Р.Т.Гамидовлар[7] тажовузларнинг бевосита объекти сифатида жамоат хавфсизлиги бўлиши позициясида туради.

Бизнингча ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига қарши қаратилган жиноятларнинг асосий объекти бу ходимларнинг хизматдаги вазифаларини бажариш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланса ва кўшимча объект сифатида - уларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, жисмоний ва руҳий дахлсизлиги, шахсий хавфсизлиги ҳимояланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз фаолиятининг табиатига кўра, кўп ҳолларда уларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш билан боғлиқ қаршилик кўрсатадиган жиноятчилар билан тўқнашишига тўғри келади. Ушбу турдаги жиноят учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг объектив томони “хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатишда ёки қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш

ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш”[8] да ифодаланади.

Л.А.Букалорова ўз тадқиқот ишида жиноят таркибининг элементларидан бири – жиноятнинг объектив томонини қуйидагича изоҳлайди:

- жиноятнинг объектив томон белгиларисиз, субъектнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмайди;

- объектив томон белгиларини тўғри белгилаш билан жиноятни маъмурий ҳуқуқбузарликдан аниқ ажратиш имконини беради;

- жиноятнинг объектив томонини таҳлил қилиш содир этилган жиноий қилмишнинг малакасига, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолашга, натижада субъектнинг табиати ва жавобгарлик даражасига сезиларли таъсир қилади;

- жиноятнинг объектив томони элементлари суд томонидан жазонинг тури ва миқдорини белгилашда, қолаверса, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳисобга олинишида асос бўлади[9].

Шарҳланаётган жиноятни тўғри квалификация қилиш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- қаршилик кўрсатиш ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг қонуний, яъни қонунга зид бўлмаган ҳаракатларига қарши йўналтирилганлиги;

- қаршилик кўрсатиш шахс томонидан ўз хизмат вазифаси ёки фуқаровий бурчи ижро этилаётган вақтида содир этилганлиги[10].

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 2019-моддаси “Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш” жинояти объектив томонини таҳлил қилар эканмиз, худди шу мазмундаги Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 195-195¹-моддалари “Ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш”га тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 195-195¹-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қуйидаги ҳаракатлар билан содир этилади, яъни:

- ходимининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш;

- ходимларга оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатиш.

Ушбу тадқиқот доирасида ҳокимият вакилига нисбатан жисмоний ва руҳий зўрлик ишлатиш ёхуд зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш масалалари ёритиб берилмоқда. Хусусан, амалдаги ЖКнинг 112-моддаси 3-қисми ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилганлик учун жавобгарликни назарда тутган бўлса-да, мазкур параграф аввалида келтирган

таъкидимизга асосланиб, мазкур турдаги жиноятларнинг бевосита объекти ҳокимият вакилининг шахсий манфаатлари эмас, балки бошқарув тартиби, жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби ҳисобланади. ЖКнинг 112-моддасининг асосий объекти эса, шахсга қарши жиноят ҳисобланади.

Шу ўринда Ю.В.Баглайнинг ҳам таъкиди ўринли деб ҳисоблаймиз, зеро, унинг айтишича “Бундай ҳолларда ҳокимият вакилининг шахсига етказилган зарар айбдор шахс томонидан фақат маълум бир шахсга қопланади, жиноятнинг объекти бўлган ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг нормал фаолияти, давлат манфаатлари ҳисобга олинмайди”[4].

Ўтказилган тадқиқотлар ҳокимият вакилига қарши содир этилган жиноятларни бошқа, турдош жиноятлардан ажратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу, биринчи навбатда, Жиноят кодексининг 219-моддасида назарда тутилган ҳокимият вакилининг ҳаёти, соғлиғи, шахсий дахлсизлиги, шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилсада, жиноятнинг махсус объекти бошқарув тартиби ҳисобланади, иккинчи томондан жиноятнинг бошқа махсус ва бевосита объектлари доирасини (97-м. 2-қ. “Г” банди; 104-м. 2-қ. “Б” банди; 105-м. 2-қ. “В” банди; 112-м. 3-қ.; 140-м. 3-қ. “А” банди; 173-м. 3-қ. “А” банди; 277-м. 3-қ. “Г” банди – “хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан”) фарқлаш зарур.

Ю.В.Баглай бу каби нормалар рақобатини ҳамда жиноятларни ўзаро биридан фарқлашди қуйидагиларни инобатга олиш керак деб ҳисоблайди:

- жабрланувчилар доирасига кўра;
- жиноятчининг ниятига кўра;
- мотив ва мақсадига кўра;
- объектив томоннинг белгиларига кўра[4].

Амалдаги ЖК 219-моддаси биринчи қисми ҳокимият вакилига фаол қаршилик кўрсатганлик учун жавобгарликни белгиласа, модданинг иккинчи қисми объектив томондан ҳокимият вакилининг ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишда ифодаланади.

Бироқ, модда диспозициясида хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш чегараси аниқ белгилаб берилмаганлиги бугунги кунда мазкур жиноятларни квалификация қилишда, уларни маъмурий ҳуқуқбузарликлардан ажратиш чегараларини белгилашда, шунингдек, жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилишда турли хил талқин қилинишларга ва тушунмоқчиликларга сабаб бўлмоқда.

Амалдаги ЖКнинг 219-моддаси биринчи қисми мазмунидаги фаол қаршилик кўрсатиш деганда, айбдор томонидан ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг ўз вазифаларини адо этишига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳаракатлари, масалан, жиноятчини ушлашга, жиноят қуролларини тортиб олишига, тинтув ўтказилишига тўсқинлик қилиши,

эркинликларни чеклаши ва ҳ.к. содир этилишини тушуниш зарур. Бунда, фаол қаршилик кўрсатиш жисмоний зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрликни қўллаш билан таҳдид қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда жисмоний таъсир кўрсатишда ифодаланадиган зўрлик жисмоний оғриқни етказмаслиги ҳам мумкин. Хусусан, зўрлик ҳокимият вакилини ўз мансаб мажбуриятларини бажариш имкониятидан маҳрум қилиш мақсадида ушлаб туришда, бир жойдан иккинчи жойга кўчишига тўсқинлик қилишда ифодаланиши мумкин[10].

Яъни, ҳуқуқни қўллаш жиҳатидан айтадиган бўлсак, ЖКнинг 219-моддаси биринчи ва иккинчи қисм диспозицияларида ифодаланадиган қаршилик кўрсатиш ва мажбурлаш доираси фақатгина енгил тан жароҳатигача бўлган ҳолатгача (Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш) инобатга олинади.

Агарда, қаршилик кўрсатиш ва мажбурлаш ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга ўртача оғир ва оғир тан жароҳати билан содир этилса, жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилиниши лозим.

Шу ўринда амалий бир мисол билан эътиборингизни яна бир ўзаро ўхшаш моддаларга қаратмоқчиман, яъни ҳокимият вакили ўз хизмат вазифасини бажариш жараёнида фуқаро унга ҳеч бир сабабсиз ёки қаршилик кўрсатиш мақсадида юзига “оддий тарсаки” туширди. Мазкур ҳолатни квалификация қилишда 3 та моддалар ўзаро рақобатга киришади, яъни, ЖКнинг 140-м. 3-қ. “а” банди - жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилиш; 219-м. хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш ва 277-м. 3-қ. “г” банди - жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган безорилик.

Мазкур таъкидларни асослаб беришга ҳаракат қиламиз. Ҳақорат – бу жабрланувчи шахсининг номаъқул кўринишдаги салбий баҳоси бўлиб, шахсининг шаъни ва қадр-қимматини ерга уради, унинг маънавий қиёфасини ҳам атрофидагилар назарида, ҳам ўзининг назарида поймол қилади. Ҳақорат турли кўринишларда ва усулларда намоён бўлади. У фақат оғзаки, ёзма, бевосита тегмасдан тана ҳаракатлари орқали (жабрланувчи тарафга қараб туфлаш, хунук қилиқлар билан ва ҳ.к.) ва бевосита тегиш билан тана ҳаракатлари орқали, лекин жабрланувчига жисмоний зарар етказмасдан (итариб юбориш, кийимларини йиртиш ва ҳ.к.) содир этилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда, ҳақорат бевосита рўй беради, лекин у билвосита ҳам бўлиши мумкин. Ҳақоратни безориликдан ажратиш керак ва бу ерда мотив ва мақсад ҳақоратнинг содир этилишида асосий роль ўйнайди. Қасддан безорилик

мақсадида нолойиқ кўринишда шахс шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш (қоида бўйича, жамиятда айбдор томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши) бошқа зарур белгилар мавжудлигида ЖКнинг 277-моддаси (Безорилик) билан квалификация қилинади ва ЖКнинг 140-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди[10].

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида, амалдаги ЖК 219-моддасида объектив томондан фақатгина ҳокимият вакилига фаол қаршилик кўрсатилганлик учун жавобгарликни белгилаш ҳамда мазкур модданинг иккинчи қисми объектив томондан зўрлик ишлатиш орқали, яъни ҳокимият вакилига, фуқаровий бурчини бажараётган шахсга, уларнинг яқин қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатиш орқали содир этилишини инобатга олиб алоҳида моддага ажратиш мақсадга мувофиқ.

Худди шундай қиёсий таҳлил соғлиққа қарши жиноятлар билан солиштирганда шуни айтиш мумкинки, ЖКнинг 104-105-моддалари моддий таркибли ҳисобланади ва албатта ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари келиб чиқишини талаб этади, ЖКнинг 219-моддаси эса формал таркибли ҳисобланади ва оқибатда тан жароҳатларини келтириб чиқариши талаб этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 30-сонли қарорида “**Ҳаёти ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик** деганда, енгил тан жароҳати етказишни тушуниш лозим. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний азоб берувчи ёки унинг эркинлигини чеклаб қўювчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкин”лиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумида “**Ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик** ишлатиш деганда унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавфни вужудга келтирувчи ҳолат (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва ҳ.к.)[11] тушунилади.

Бу борада К.В.Безручко, “**ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик** деганда қасддан содир этиладиган, соғлиққа шикаст етказмайдиган калтаклаш ёки жисмоний оғриқ ва эркинликни чеклашга қаратилган, ижтимоий хавфли, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тушунилади” дея таърифлаган бўлса, **ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик** деганда, жабрланувчининг соғлиғига қисқа вақт муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказадиган зўравонлик ишлатиш билан тавсифланган қасддан, ижтимоий хавфли, ноқонуний хатти-ҳаракатлар тушунилиши лозим дея таърифлайди[3].

Бир қатор олимлар томонидан “зўрлик” атамасига муаллифлик таърифлари келтирилган бўлиб, К.В.Безручконинг фикрича “**зўрлик** деганда, жисмоний куч ишлатиш билан тавсифланувчи қасддан, ижтимоий хавфли, ноқонуний ҳаракатлар бевосита ёки билвосита (вояга етмаганлар ёрдамида, ҳайвонлар, руҳий касалликларга чалинган шахслар) тажовуз, шунингдек,

жабрланувчининг иродасига қарши унинг танасига шахсий дахлсизлигини бузиб, соғлиқка зарар етказиш ёки ҳаётдан маҳрум қилиш, эркинликни чеклаш мақсадида кучли таъсир қилувчи, захарли, захарловчи, радиоактив модаларни, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни киритиш (жисмоний зўрлик), шу билан бирга, жабрланувчига ёки унинг яқин қариндошларига юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш орқали ёки амалга оширишни таҳдид қилиш орқали ахборотли таъсир қилиш ёхуд жабрланувчининг содир бўлаётган воқеани англай олмайдиган руҳий ҳолатга солиш (психиатрия ва психотерапия методларини қўллаган ҳолда/руҳий зўравонлик)[3].

Фикримизча, амалдаги Жиноят кодексида “зўрлик”, “жисмоний зўрлик” ва “руҳий зўрлик” каби тушунчаларнинг мустаҳкамланиши ҳуқуқни қўлловчи органлар ва амалиёт ходимлари орасида турлича талқин қилинишларга чек қўйиш билан бирга, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни саралаш амалиётини соддалаштиришга имкон беради.

К.В.Безручконинг фикрича, “**мажбурлаш** бу жабрланувчининг шахсий дахлсизлигига тажовуз қиладиган зўравонлик ишлатишда ифодаланган, жабрланувчининг иродасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этиш таҳдиди ҳақидаги маълумотларни унинг эътиборига етказиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар”[3].

Амалдаги Жиноят кодексида жисмоний ёки руҳий мажбурлашни қўллаб содир этиладиган жиноятлар турлари алоҳида кўрсатиб ўтилган, жумладан, Жиноят кодекси 41¹-моддасида Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш жиноятни истисно қилувчи ҳолат сифатида баҳоланган, 115-модда Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, 115¹-модда Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган бўлса, 135-модда Одам савдоси ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали содир этилган бўлса, 149-модда тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, 192¹-модда Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш - мулкдорнинг ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, 219-модда ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш. Мазкур нормаларни таҳлил этадиган бўлсак, деярли барча нормаларда “мажбурлаш” атамаси замирида “руҳий мажбурлаш” тушунилиб келинмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, “руҳий мажбурлаш деганда, бошқа шахснинг иродасини бостириш ёки жиноятчи учун фойдали бўлган ҳаракатларнинг содир этилишига эришишга қаратилган шахснинг руҳиятига

тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳуқуққа хилоф ахборот орқали таъсири” тушунилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш ўз мазмунида тўлиқ “зўрлик ишлатиш” атамасини қамраб олмаганлигини инобатга олиб, амалдаги Жиноят кодекси 219-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“219¹-модда. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш

Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга ёхуд уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш мақсадида, худди шунингдек хизмат вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ўч олиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга ёхуд уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш мақсадида, худди шунингдек хизмат вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ўч олиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш орқали содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

д) бир гуруҳ шахслар томонидан;

е) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон

2. Коротков Н.П. Некоторые проблемы, связанные с применением ст. 318 ук рф в действующем законодательстве // Социально-экономический и гуманитарный журнал Красноярского ГАУ. 2017. №1. 174-181.

3. Безручко К.В. Понятие преступлений, связанных с применением насилия и вопросы квалификации. Авто.дисс. канд.юрид.наук. 2010, 24. //Диссертация на тему «Понятие преступлений, связанных с применением насилия и вопросы квалификации», скачать бесплатно автореферат по

специальности ВАК РФ 12.00.08 - Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право (dissercat.com)

4. Баглай Ю.В. Уголовно-правовая охрана сотрудников правоохранительных органов, осуществляющих деятельность по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности: по данным Приволжского округа. Авто.дисс. канд.юрид.наук. 2010, 34. // <https://www.dissercat.com/content/ugolovno-pravovaya-okhrana-sotrudnikov-pravookhranitelnykh-organov-osushchestvlyayushchikh-d>

5. Брагина А.Г. Уголовная ответственность за оскорбление представителя власти. Авто.дисс. канд.юрид.наук. 2006, 22. // <https://www.dissercat.com/content/ugolovnaya-otvetstvennost-za-oskorblenie-predstavatelya-vlasti>

6. Вандан-Иш Амарсанаа. Посягательства на жизнь и здоровье Представителя власти По законодательству российской Федерации и Монголии. Авто.дисс. канд.юрид.наук. 2018, 20. // <https://www.dissercat.com/content/posyagatelstva-na-zhizn-i-zdorove-predstavatelya-vlasti-po-zakonodatelstvu-rossiiskoi-federa>

7. Гамидов Р.Т. Применение насилия в отношении представителя власти: уголовно-правовое и криминологическое исследование (па примере Республики Дагестан). Авто.дисс. канд.юрид.наук. 2010, 30. // <https://www.dissercat.com/content/primenenie-nasiliya-v-otnoshenii-predstavatelya-vlasti-ugolovno-pravovoe-i-kriminologicheskoe>

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

9. Букалєрова Л. А. Понятие, признаки и значение объективной стороны преступления // Общая часть уголовного права: состояние законодательства и научной мысли / под ред. Н. А. Лопашенко. СПб., 2011.

10. М.Х.Рустамбаєв. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М. Рустамбаєв. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2022.

11. <https://lex.uz/docs/1448644>

АЛАУТДИНОВ Дилмурод Алаутдин ўғли
Ички Ишлар вазирлиги Академияси бошлиги ўринбосари

**БИР-БИРИГА ТОБЕ БЎЛМАГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ
ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРГА ОИД УСТАВ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ
ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА БИРЛАМЧИ ВА КЕЙИНГИ ТЕРГОВ
ХАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация: Мазкур мақолада бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар орасидаги муносабатларда устав қоидаларини бузишга оид жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнига тааллуқли масалалар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Ҳарбий хизматчилар; устав қоидаларини бузишга оид жиноятлар; бирламчи ва кейинги тергов ҳаракатлари.

**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПЕРВИЧНЫХ И
ПОСЛЕДУЮЩИХ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ ПО
ПРЕСТУПЛЕНИЯМ, СВЯЗАННЫМ С НАРУШЕНИЕМ УСТАВНЫХ
НОРМ, КАСАЮЩИХСЯ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ
ВОЕННОСЛУЖАЩИМИ, НЕПОДЧИНЕННЫМИ ДРУГ ДРУГУ**

Аннотация: В данной статье рассмотрены некоторые вопросы, касающиеся процесса проведения первичных и последующих следственных действий по преступлениям, связанным с нарушением уставных правил между неподчиненными друг другу военнослужащими.

Ключевые слова: военнослужащие; преступления, связанные с уставными правилами; первичные и последующие следственные действия.

**SOME ISSUES OF PRIMARY AND SUBSEQUENT INVESTIGATIVE
ACTIONS ON CRIMES RELATED TO VIOLATION OF STATUTORY
NORMS RELATING TO RELATIONS BETWEEN MILITARY SERVANTS
DISSUBORDERING TO EACH OTHER**

Abstract: This article discusses some issues related to the process of conducting initial and subsequent investigative actions for crimes related to violation of statutory rules between military personnel disobedient to each other.

Key words: military personnel; crimes related to statutory rules; primary and subsequent investigative actions.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари қонунчилигида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги талаб ўз ифодасини топган.

Бу эса жиноят-процессуал қонун нормаларига қатъий амал қилган ҳолда далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш ва уларни белгиланган талаблар асосида процессуал расмийлаштириш орқали жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашни тақозо этмоқда[1].

Жаҳонда одил судловни амалга ошириш бўйича замонавий ва самарали тизимни жорий этиш, халқаро стандартлар асосида суд-тергов фаолиятини йўлга қўйиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини конституциявий принципларга мувофиқ мустаҳкамлаш, жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича расмийлаштирилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар ҳамда уларнинг намуналарини шакллантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали электрон далилларни процессуал расмийлаштириш

фаолиятини янада такомиллаштириш, далилларни расмийлаштиришга доир қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан, тўла ва холис текширилишини таъминловчи миллий қонун ҳужжатларида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларни тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда[1].

Сўроқ қилиш бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича ушбу қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда ўтказилиши унинг процессуал аҳамиятини йўқолиши ҳамда олинган далилларнинг номақбул бўлишига олиб келади. Қонун чиқарувчи сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш асослари ва тартибини келтириб ўтган бўлсада, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш усуллари жиноят-процессуал қонунида тўлиқ ўз аксини топмаган. Кўпгина ҳолларда жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортишга нафақат далилларнинг етишмаслиги, балки ишни юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятчини фош қила олмаслик, жиноят ҳолатларини таҳлил қилиш ва ишнинг мавжуд ҳолатларини етарли даражада текширмаслиги тўсқинлик қилиши мумкин.

Суриштирувчи ва терговчи бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича тергов ҳаракатларини ўтказиш қоидалари, тартиби ва ўзига хос хусусиятларини тўлиқ эгалламасдан туриб, жиноят ишини тергов қилишнинг тўлиқлиги ва объективлигини кафолатлаш мумкин эмас. Сўроқ қилиш бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича тергов ҳаракатини тўғри ўтказиш, ушбу тергов ҳаракати натижасида иш учун аҳамиятли далилларни қўлга киритиш нафақат қонунни, балки психология, криминология, этика ва педагогикани ҳам билишни талаб этади[2].

Сўроқ қилиш бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича тергов ҳаракатини ўтказиш орқали иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни олишда сўроқ қилинаётган ҳарбий хизматчиларнинг позицияси, яъни унинг ҳақиқатни айтишга ёки аксинча, ёлғон гувоҳлик бериш орқали терговни нотўғри йўлдан олиб боришга интилиши асосий рол ўйнайди. Хусусан, сўроқ қилинган ҳарбий хизматчилар қасддан ёлғон кўрсатув бериши ёки гарчи у терговга чин дилдан ёрдам беришни истаса-да, иш ҳолатини яхши билмаслигини келтириб ўтиш мумкин. Сўроқ қилиш бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича тергов ҳаракатини ўтказишда асосий эътиборни ҳимоя ва айбловни қўллаб-қувватловчи томонларнинг ҳаракатларига эътибор қаратиш лозим

бўлади. Жумладан, ҳимоя ва айбловни қўллаб-қувватловчи томонлар турли мақсадларни кўзлайди ва ҳар доим гувоҳликни улар учун қулай йўналишда ўзгартиришга ҳаракат қилади[3].

Жиноят ишини тез ва тўла очиш бевосита терговчининг сўроқ жараёнида маҳоратига боғлиқ. Чунки амалиётда сўроқ жараёнларида терговчини чалғитиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш жиноятини содир этиш жараёнида бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари ҳам содир этилиши мумкин. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш жиноятини содир этаётган ҳарбий хизматчи ушбу усулни қандай содир этиш механизмини билмасдан ёнидаги ҳарбий хизматчига пул ёки бошқа моддий қийматликлар эвазига ўзига нисбатан тан жароҳати етказишни таклиф этиши мумкин.

Бундай ҳолатда тан жароҳати етказилишини таклиф қилаётган шахснинг мақсади ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш бўлсада, аммо ушбу мақсадни амалга ошириш йўлида яна бир жиноят содир этилишига шарт шароит яратади. Таклифни бажарган ҳарбий хизматчининг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи сифатида ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш жиноятида иштирокчилик билан бўлса бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг тўла қонли субъекти сифатида жавобгарликка тортилади.

Ўзининг бирон аъзосини майиб қилишда айбдор саломатлигига зарар етказилишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш ҳарбий хизматдан бўйин товланган шахснинг ўзи, унинг илтимосига кўра бошқа ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий хизматчи бўлмаган шахслар томонидан содир этилиши квалификация учун аҳамият касб этмайди. Бирон аъзосини майиб қилиш зиённинг хусусиятини аниқлаш учун суд-тиббий экспертиза ўтказишни ва ҳарбий хизматга яроқлилик тўғрисида шифокор ҳулосасини талаб қилади[4].

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича тергов ҳаракатларининг яна бир асосий тури бу экспертиза ўтказишдир. Чунки экспертиза ўтказиш кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сирасига киради. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича ҳарбий хизматчиларга тан жароҳатлари етказиш ҳолати деярли барчасида учрайди. Шу аснода, ҳарбий хизматчиларга нисбатан суд тиббий экспертизасини тайинлаш умумий тартибда амалга оширилади. Агарда етказилган тан жароҳатлари енгил ёки ўртача оғир бўлса Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 285-моддаси[5] бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро

муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг 1-қисми билан, оғир тан жароҳати етказилганда эса 2-қисми билан квалификация қилинади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари бўйича экспертиза тергов ҳаракатларини ўтказишда фақат суд тиббий экспертизасини эмас балки бошқа турдаги экспертизаларни ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Масалан, ушбу жиноятни содир этилиши натижасида бевосита бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ғайриҳуқуқий ўзаро муносабатлар тан жароҳати етказилмаган тақдирда ҳам албатта устав қоидаларини бузади. Шу ўринда эса терговни амалга оширувчи мансабдор шахс “Низомга оид экспертиза тайинлаш” тўғрисида қарор чиқариши лозим. Терговни амалга оширувчи мансабдор шахс аввало ушбу қарорни чиқариб ижросини таъминлаш мақсадида ушбу ҳолат юзасидан махсус билимга эга бўлган малакали мутахасисга ёки лозим топса мутахасислар гуруҳига топшириши лозим. Низомга оид экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда терговни амалга ошираётган мансабдор шахс махсус билимга эга бўлган мутахасислар олдида куйидаги мазмундаги саволларни қўйиши лозим:

1. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича айбланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) ҳамда жабрланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) лар хизмат даврида ёки жиноят содир этилган куни бир-бирига тобе ҳарбий хизматчилар ҳисобланганми?

2. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича айбланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) ҳамда жабрланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) лар бир-бирига тобе бўлса, улардан қайси бири бошлиқ, қайси бири бўйсунувчи ҳисобланади?

3. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича айбланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) ҳамда жабрланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) лар жиноят содир этилган куни қоровуллик ёки бошқа бирор бир наряд ўташ учун тайинланган ёки тайинланмаганми?

4. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича айбланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) ҳамда жабрланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) лар ўзларининг мазкур ҳатти ҳаракатлари билан қайси меёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомларининг қайси талабларини бузишган?

5. Мазкур иш бўйича мутахасислар ўзларига аён бўлган бошқа саволларга ҳам ойдинлик киритишлари лозим.

Юқорида экспертга қўйилган саволлардан эксперт бирортасига жавоб бермаслиги квалификация жараёнига салбий таъсир қилади. Эксперт саволга айбланувчи ва жабрланувчи бўлган ҳарбий хизматчилар жиноят содир этилган

кунда бир бирига тобе ҳисобланган деб хулоса берганда ёки бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинойти бўйича айбланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) ҳамда жабрланувчи (ФИШ, унвони, лавозими) лар ўзларининг мазкур ҳатти-ҳаракатлари билан ҳеч қайси меёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомларининг талабларини бузишмаган деган хулосага келинса ҳар иккала ҳолатда ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 285-моддаси[5] таркибини ташкил қилмайди. Шунинг учун ҳам экспертни олдига қўйиладиган саволлар тўғри, аниқ ва тушунарли тарзда қўйилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 254-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораси – ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви – ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи самарали чора бўлиб, жиноят содир этган аскарнинг ўз жамоасида қолишига имкон беради ва профилактик аҳамиятга эга. Ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан бу эҳтиёт чораси кафилликнинг ўзига хос тури бўлиб, айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишини ҳарбий қисм қўмондонлиги ҳарбий низомларда белгиланган чоралар воситасида таъминлайди. Қўмондонлик кузатуви ўз мазмунига кўра бирор лавозимни эгалламаган оддий ҳарбий хизматчига қўлланиши мумкин. У муддатли ҳарбий гарнизонда хизматни ўтаётган ёхуд ҳарбий ўқув йиғинига чақирилган ҳарбий хизмат ўташга мажбур шахс бўлиши кўзда тутилади ва бундай шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган бўлиши лозим. Аниқроғи, каттами-кичикми, ҳарбий қўмондонларга ва гумон қилинган шахсга бу чора қўлланиши мумкин эмас. Амалиётда кўрсатилган талабга риоя қилмаслик ҳолатлари оз бўлса-да, учраётгани сабабли, Кодексда тегишли тақик кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Қўмондонлик кузатуви айбланаётган ҳарбий хизматчи келгусида содир этиши эҳтимол қилинган жиноий фаолиятининг олдини олиш, терговга тўсқинлик қилмаслигини таъминлаш мақсадида терговчининг қарори ёки суднинг ажрими асосида қўлланади. Бунинг учун айбланувчининг кузатувни амалга оширувчи қўмондонидан розилик олиш талаб қилинмайди. Аксинча, Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 104-моддасида ушбу эҳтиёт чорасини қўлланиши учун айбланувчи, ҳатто гумон қилинган шахсдан розилик олиш шарт деб ҳисобланади.

Фикримизча, бундай шартни назарда тутиш учун эҳтиёж йўқ. Молдава Жиноят процессуал кодексининг 183-моддасига кўра айбланувчини ҳарбий қўмондонлик кузатувиغا бериш учун прокурордан рухсат олиниши талаб қилинади. Бунга ҳам, фикримизча, зарурият йўқ. Чунки айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳарбий низомларда кўрсатилган ҳажмда сақланиб қолади.

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, қўмондонлик кузатуви қўлланган шахс, тегишли ҳарбий низомларда кўрсатилганидек, қурол ва ўқ-дори олиб юриши, якка тартибда ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарида бўлиши, масъулият билан боғлиқ қоровуллик ва навбатчилик вазифаларини бажариши тақиқланади. Бу талаб Молдава Жиноят процессуал кодексининг 183-моддасида қисман акс этирилган. Назарим-да, бу жиддий масала бизнинг Жиноят процессуал кодексиди ҳам аниқ кўрсатилиши лозим. Айбланувчига бу ҳақда тушунтириш фойдадан ҳоли эмас. Қонун талабига кўра, терговчи ёки суд ушбу эҳтиёт чораси қўллангани ҳақида ҳарбий қисм қўмондонига дарҳол хабар бериши лозим. Ўз навбатида кузатувдаги шахс ўз мажбуриятларини бажармаса ва тартибни қўпол тарзда бузса, бу ҳақда ҳарбий қўмондонлик шу эҳтиёт чорасини қўллаган терговчига ёхуд судга хабар бериши лозим. Бундай қоида Қирғизистон Жиноят процессуал кодексиди бор ва у бизнинг Кодексга ҳам киритилиши тўғри бўларди. Маълумки, ҳарбий хизмат ва ҳарбий йиғинлар муайян муддатда тугайди. Баъзан ана шу муддат жиноят иши бўйича тергов ва суд тамом бўлмасдан олдин тугаб қолиши мумкин. Шу муносабат билан қўмондонлик кузатувидаги шахсни ҳарбий хизмат ёки йиғинлардан бўшатиш учун эҳтиёт чорасини қўллаган терговчи ёхуд суддан рухсат олиниши тўғрисида Жиноят процессуал кодексиди тўлдирилиши лозим.

Агар ҳарбий хизматчи оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айбланаётган бўлса, уни қисмнинг махсус тартибли хонасига жойлаштирилиб, доимий назорат ўрнатилади. Қўмондонлик кузатуви остидаги ҳарбий хизматчинини тергов, прокуратура, суд идораларига қуролланган соқчилар олиб боради ва олиб келади. Агар ҳарбий хизматчининг соғлиғига шикаст етказилган бўлса, навбатчи уни дарҳол медицина шифокорига олиб бориб, тиббий кўриқдан ўтказди ва шифокорнинг ёзма хулосаси билан қисм командирига хабар беради.

Қўмондонлик кузатуви остидаги ҳарбий хизматчининг ота-оналари, қариндошлари ёки бошқа шахслар билан кўришиши кузатувни қўллаган терговчи ёхуд суднинг рухсати билан амалга оширилади. Ҳарбий қисм қўмондони кузатув қоидаларини бузгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Уставига асосан жавобгарликка тортилади.

Юқоридаги асосларга мувофиқ, ЖПКнинг 254-моддаси қуйидаги мазмунда тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

«Қўмондонлик кузатуви остидаги шахс қурол ва ўқ-дори олиб юриши, якка тартибда ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарида бўлиши, қоровуллик, навбатчилик ва бошқа турдаги масъулиятли вазифаларни бажариши тақиқланади.

Кузатув остидаги шахс ўз мажбуриятларини бузган ҳолларда ҳарбий қўмондонлик эҳтиёт чорасини қўллаган шахсга дарҳол хабар бериши шарт. Кузатув остидаги шахсни ҳарбий хизмат ёки ҳарбий йигиндан бўшатиши учун шу эҳтиёт чорасини қўллаган терговчи ёки суддан рухсат олиниши лозим».

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдумажидов Ғ.А. Инсон ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги - конституциявий муқаддас ҳуқуқ.// “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - ҳуқуқий ислохотлар "Ссиенсе анд Эдусатион" Ссиентифис Жоурнал / ИССН 2181-0842 Май 2022 / Волуме 3 Иссуе 5 www.опенссиенсе.уз 1848 асоси” мавзусидаги давра суҳбати материаллари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси, 2007. -С. 35-38.
2. Предварительное следствие в органах внутренних дел: учебник / под ред. к.ю.н., доцента М.В. Мерешкова. Ч. II. – М., 2012. – С. 256.
3. Рыжаков А.П. Допрос: основания и порядок производства [Электронный ресурс] // СПС «Консультант Плюс». 2013. URL: <http://base.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc;base=СМВ;n=17478>.
4. Жиноят процессуал ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Тошкент давлат юридик университети. Тошкент-2016. <https://library.samdu.uz/files/bd25f9dd4d9bdf24dba9da17ef1d855>
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Тошкент. Адолат 2016

ЗОКИРОВ Ботиржон Пулатхужаевич

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

ХОРИЖГА ЧИҚАРИЛГАН ЖИНОЯТ АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШДАГИ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ

Аннотация: Мақолада жиноий активларни қайтариш босқичлари, хориждан қайтариш йўллари, бу борада процессуал жараёнлар, бугунги кунда хорижга чиқарилган жиноий активларни қайтариш масалаларида ваколатли давлат идоралари дуч келаётган муаммолар, ушбу муаммоларни бартараф этиш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: жиноий актив, хорижий давлатларнинг ваколатли идоралари, жиноят процессуал қонунчилик, процессуал механизм, халқаро тергов топшириғи ва сўровномалар, молиявий разведка бўлинмалари.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРИ ВОЗВРАТЕ ПРЕСТУПНЫХ АКТИВОВ ИЗ-ЗА РУБЕЖА И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

Аннотация: В статье описаны этапы возврата преступных активов, методы возврата их из-за рубежа, процессуальные механизмы, проблемы с

котóryми сталкиваются компетентные государственные органы в вопросе возврата активов, перспективы решения этих проблем.

Ключевые слова: преступный актив, компетентные органы иностранных государств, уголовно-процессуальное законодательство, процессуальный механизм, запрос о международно-правовой помощи, подразделения финансовой разведки.

ORGANIZATIONAL AND LEGAL PROBLEMS IN THE RETURN OF CRIMINAL ASSETS FROM ABROAD AND WAYS TO SOLVE THEM

Abstract: The article describes the stages of the return of criminal assets, methods of returning them from abroad, procedural mechanisms, problems faced by competent government bodies in the matter of asset recovery, prospects for solving these problems.

Key words: criminal asset, competent authorities of foreign states, criminal procedural legislation, procedural mechanism, request for international legal assistance, financial intelligence units.

Кўплаб давлатнинг ваколатли идоралари жиноий активларни қайтариш юзасидан амалга ошириладиган процессуал жараёнларда бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Мазкур муаммо кўламидан келиб чиқиб, самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақаззо этади. Активларни қайтаришга масъул бўлган мутахассислар ушбу жараёнларда кўшимча алоқаларга мухтож бўлишади. Давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ва маълумотлар алмашинувидаги тезкорлик жиноий фаолиятдан олиниб, хорижга чиқарилган даромадларни аниқлаш, музлатиш ва қайтаришда самарадорликни таъминлайди.

Жиноий активларни қайтаришнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини самарали ташкил этишда қайтаришнинг ҳар бир босқичида қулай шарт шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалда жиноий активларни қайтаришнинг қуйилаги босқичлари мавжуд, жумладан:

- активларни қидириш;
- активларни аниқлаш ва уларга тақиқ қўйиш (хатлаш);
- мусодара масалалари юзасидан суд процесслари;
- активларни тақсимлаш ва қайтариш билан боғлиқ халқаро-ҳуқуқий ҳаракатлар;
- активларни қайтариш [1].

Жиноят активларни хориждан қайтаришнинг процессуал механизмларини яратиш учун қайд этилган ҳар бир босқичда процессуал жараёнларни алоҳида шакллантириш лозим.

Барчага маълумки, хорижга чиқарилган активларни қидиришнинг икки усули мавжуд:

биринчиси, расмий – ваколатли бўлинмалар орқали халқаро тергов топшириғи ва сўровномаларни юбориш орқали;

иккинчиси, норасмий – тергов топшириғи бўйича молиявий разведка бўлинмалари томонидан норасмий тармоқлар орқали разведкавий сўровномалар юбориш орқали

БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясида активларни қайтариш масалаларига урғу берилиб, ҳаттоки, ушбу масалаларни халқаро миқёсда тартибга солинишини назарни тутувчи алоҳида боб ҳам мавжуд. Ушбу бобда конвенция активларни қайтариш жараёнларида қулайликларни яратиш учун норасмий тармоқларни ташкил этилишини қўллаб-қувватлайди [2].

Хорижга чиқарилган ноқонуний активлар юзасидан норасмий тармоқлар орқали олинган маълумотлар тергов ва суд жараёнларида далилий аҳамият касб этмайди. Ушбу маълумот оператив маълумот ҳисобланади. Лекин ушбу маълумотлар келгусида тергов жараёнларини тўғри олиб борилишида қулай йўриқнома ҳисобланади. Шу сабабли норасмий тармоқлар орқали олинган маълумотлар тергов органи томонидан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш орқали далил сифатида мақбуллаштирилади. Бунинг учун норасмий тармоқлар орқали олинган оператив маълумотлар аввало ишончли эканлиги тасдиқланиши лозим.

Хорижий давлатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, норасмий тармоқлар орқали олинган маълумотларга асосланган халқаро ҳуқуқий ёрдам юзасидан юборилган сўровларда хатолар мавжуд бўлса, хорижий давлатнинг ваколатли органлари аксарият ҳолатларда ижрога қаратмайди. Мисол, учун активнинг эгаси, банк ҳисоб рақамли ва шунга ўхшаш ҳолатлардаги камчиликлар [3].

Бугунги кунда давлат ўртасида фаол ҳамкорликни олиб борувчи норасмий тармоқларга мисол сифатида 2004 йилда ташкил этилган қаторига Камден активларни қайтариш идоралараро тармоғи (КАРИН-54та аъзоси мавжуд), шунингдек, 2013 йилда ташкил этилган Осиё-Тинч океяни минтақаси бўйича активларни қайтариш тармоғи (АРИН-АП), 2018 йилда ташкил этилган Ғарбий ва марказий осие мантақаси бўйича активларни қайтариш тармоғини (АРИН-ВКА) ҳамда Эгмонт молиявий резводка гуруҳини кўрсатиш мумкин.

Ноқонуний топилган активлар хорижга чиқарилгач, тезкорлик билан бир ҳисобдан бошқа ҳисобларга ўтказилади, конвертация орқали ўз шаклини ўзгартиради ёки тенг қийматдаги бошқа даромадлар ҳисобига легаллаштирилади.

Шу сабабли мазкур жараёнларда тезкорлик билан ҳаракат қилиб, халқаро тергов топшириғи шакллантирилгунга қадар, молиявий разведка бўлинмалари орқали хорижга чиқарилган активларнинг ҳисоб рақами, кимга тегишли эканлиги, банк сири билан боғлиқ маълумотлар, активни музлатиш чораларини кўришга зарур бўлган маълумотлар олинishi даркор.

Мазкур маълумотлар тезкорлик билан олинганидан сўнг, халқаро тергов топшириғи ва сўровномалар шакллантирилади. Тергов топшириғига асосан

хорижий давлатларнинг ваколатли идоралари томонидан музлатилиши лозим бўлган активларга таъқиқ қўйиш чоралари кўрилади.

Мазкур жараёнларни амалга оширишда бир қанча ташкилий ва ҳуқуқий муаммоларга дуч келиш мумкин.

Дастлаб ҳуқуқий муаммолар. Унга кўра, хорижий давлатнинг жиноят процессуал қонунчилигида сўров юборган давлатнинг активларни музлатиш юзасидан чиқарилган суд ҳукмларини тан олиш ҳақида нормаларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги. Агарда хорижий давлатнинг жиноят процессуал қонунчилигида каби нормалар мавжуд бўлмаса, бу ҳолат жиноят иши доирасида халқаро тергов топшириғи юборилмаслигини англамайди. Чунки ўзаролик принципига асосан бир давлатнинг бошқа давлатга халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мажбурияти сақланиб қолади. Мазкур қоидалар БМТнинг империал хусусиятга эга бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжати Коррупцияга қарши кураш конвенциясининг “Активларни қайтариш” номли 5-бобида ўз аксини топган.

Бундан ташқари, суд ҳукми чиқарилгунга қадар жиноят ишида терговчининг қарорига асосан активларни музлатиш масалалари айни вақтда аксарият давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигида очиқ қолмоқда. Бу каби вазиятларда ўзаролик принципи ҳар доим ҳам ёрдам бермайди.

Шу сабабли жиноят иши доирасида халқаро сўров чиқириш тезкорликни талаб этиши билан бир қаторда, сўров юбораётган ваколатли орган терговчиси хорижий давлат қонунчилиги ва тилини пухта ўзлаштириши ҳам лозим.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни амалга ошириш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар юбориши белгиланган [4].

Агарда хорижий давлатнинг қонунчилигида бу каби аналогик қоидалар мавжуд бўлса, ноқонуий орттирилган актиқларни муслатиш масалалари қийинлик туғдирмайди.

Бундан ташқари, активларни қайтариш масалаларига масъул бўлган ваколатли давлат органининг мақоми бўйича ҳам норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мавҳумликлар мавжуд.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкасининг 2021 йил 30 июндаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 402-сон

қарорига кўра, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бу борада махсус ваколатли орган сифатида кўрсатиб ўтилган [4]. Лекин аксарият ҳолларда активларни қайтариш жараёнларида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг роли норасмий тармоқлар орқали разведкавий сўровномани юбориш билан яқунланади. Одатда эса сўровнома чиқарилганидан сўнг, активларга нисбатан тақиқ қўйиш, уларни қайтаришга нисбатан хорижий давлат судларининг қарорларини чиқариш, активларни тақсимлаш ва бошқа шу каби процессуал жараёнлар жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган давлат органи мажбуриятларида сақланиб қолади. Бундан ташқари қонунчиликка мувофиқ, ушбу жараёнларда фаол иштироки мавжуд бўлган Бош прокуратура ва Мажбурий ижро бюросининг кўрлаб вазифалари сақланиб қолади.

Қайд этилган муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари ва уларни бартараф этишга қаратилган ўрганишлар давомида, бир қатор омилларни кўриш мумкин.

Хусусан, айтилган вақтда жиноят ишлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётган давлат органлари терговчилари томонидан халқаро сўров ва тергов топшириқларини юбориш бўйича раҳбарий қўлланма мавжуд эмас. Келгусида, бу каби раҳбарий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши тергов ҳаракатларини олиб бораётган ваколатли идоралар терговчиларига бир қанча қулайликларни яратади. Сабаби, ушбу ҳужжат халқаро хусусиятдаги процессуал ҳужжатларнинг шакли, уларда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар юзасидан намуналарни ўз ичига қамраб олади.

Шунингдек, жиноят ишида хорижий давлатларга чиқарилган ноқонуний активларни қайтариш масалалари бўйича тергов ҳаракатлари олиб бориш жараёнларида хорижий давлатда ҳам тергов ва процессуал қарорларни ижроси юзасидан қўлаб амалга оширилиши лозим бўлган масалалар мавжуд бўлиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган тергов муддатлари ушбу жараёнларни қамраб олишда жуда қисқа муддат ҳисобланади.

Шу сабабли, жиноят ишини бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчи хорижий давлатнинг ваколатли органларига сўровнома ёки тергов топшириғи юборгач, уларнинг расмий жавоби келгунга қадар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддасига асосан жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддасида қайд этилган асосларга кўра, жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини вақтинча тўхтатиш асос сифатида кўрсатилмаган [6]. Бу каби жиноят ишлари доирасида бирор шахс вақтинча ушланиб, унга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, тергов ҳаракатларини олиб бориш янада мураккаблашади.

Айтилган вақтда ваколатли идораларнинг терговчилари тергов ҳаракатларни олиб боришда бу каби вазиятларга дуч келишса, муаммони четлаб ўтиш мақсадида, хорижий давлатлар билан боғлиқ масалаларни имкон қадар жиноят

ишида кўрсатмасликка ҳаракат қилишади. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун келгусида жиноят иши бўйича тергов муддатларини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим.

Муаммолар қаторида аквтиларни қайтариш масаллари бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган ваколатли орган терговчисининг ҳалқаро ҳуқуқий ёрдам масалаларида сўров юбораётган хорижий давлат тилини билиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этилган муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган фикрлар келгусида мазкур йўналишни такомиллаштириш ҳамда самарали натижадорликни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиятлар рўйхати:

1. Руководство по возврату активов для специалистов-практиков/
<https://star.worldbank.org/sites/default/files/Asset Recovery Handbook.pdf>;

2. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенцияси/https://www.un.org/documents/decl_conv/conventions/corruption;

3. Р.С.Балашов. Роль неофициальных сетей в работе по возврату похищенных активов из-за рубежа//Қўққ қорғау органдары академиясының жаршысы № 3 (21) 2021;

4. Ўзбекистон Ресубликасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 660-II-сон қонуни/ <https://lex.uz/acts/283717>;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкасининг 2021 йил 30 июндаги ““Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 402-сон қарори/ <https://lex.uz/docs/5482456>;

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси/
<https://lex.uz/docs/111460#255648>.

NIZAMOV S.M.

XORIJY MAMLAKATLAR TAJRIBASIDAN YARASHUV INSTITUTINI TAKOMILLASHTIRISHDA FOYDALANISH AFZALLIKLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekiston milliy qonunchilik tizimiga kirib kelgan yarashuv institutini amaliyotga tatbiq qilish ham hayotiy ehtiyojlar, ijtimoiy munosabatlarning yangilanib borishi jarayonida vujudga kelganligi bayon etilgan. Bugungi kunda yarashuv institutining samarali qo‘llanilishi uchun xorij

mamlakatlarning tajribasidan foydalanish, jamiyatda ushbu institutga nisbatan shakllangan ishonchni mustahkamlanishiga xizmat qilishi yoritilgan.

Kalit soʻzlar: milliy, qonunchilik, yarashuv instituti, hayotiy ehtiyojlar, ijtimoiy munosabatlar, xorijiy mamlakatlarning tajribasi, jamiyat, ishonch, jinoyat, aybdor, jabrlanuvchi, odil sudlov, zararni qoplash, yarashtiruvchilik.

ПРЕИМУЩЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ИНСТИТУТА ПРИМИРЕНИЯ

Аннотация. В данной статье рассматривается реализация института примирения, вошедшего в национальную правовую систему Узбекистана, создавалась в процессе обновления жизненных потребностей и общественных отношений. Сегодня для эффективного использования института примирения использование опыта зарубежных стран служит укреплению доверия, сформировавшегося в обществе по отношению к этому институту.

Ключевые слова: национальный, законодательство, институт примирения, жизненные потребности, общественные отношения, опыт зарубежных стран, общество, доверие, преступление, виновный, потерпевший, правосудие, репарация, примирение.

ADVANTAGES OF USING THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN IMPROVING THE INSTITUTION OF RECONCILIATION

Abstract. This article examines the implementation of the institution of reconciliation, which was included in the national legal system of Uzbekistan, and was created in the process of updating vital needs and social relations. Today, in order to effectively use the institution of reconciliation, the use of the experience of foreign countries serves to strengthen the trust formed in society in relation to this institution.

Key words: national, legislation, institution of reconciliation, vital needs, social relations, experience of foreign countries, society, trust, crime, perpetrator, victim, justice, reparation, reconciliation.

Oʻzbekiston milliy qonunchilik tizimiga kirib kelgan yarashuv instituti avvalo jahon mamlakatlari tajribasida mavjud boʻlib, yillar davomida sinalib, oʻzining ijobiy natijalari asosida xorijiy mamlakatlarning huquq tizimiga joriy etilmoqda, avvalo boshqa huquq institutlari oʻz-oʻzidan joriy qilinmagani kabi yarashuv institutini amaliyotga tatbiq qilish ham hayotiy ehtiyojlar, ijtimoiy munosabatlarning yangilanib borishi jarayonida vujudga keldi. Jumladan, 60-yillarning oxirida Yevropada jinoyat oqibati hamda u bilan bogʻliq holda vujudga kelgan masalalarga bevosita aybdor va jabrlanuvchini qanday qilib jalb qilish mumkinligi toʻgʻrisidagi masala keng muhokama qilina boshladi. Ushbu davrda turli Yevropa mamlakatlarida innovatsion loyihalar bilan bogʻliq aniq takliflar shakllana boshladi, natijada 70-yillarning oʻrtalarida Kanada va AQShda aybdor va jabrlanuvchi oʻrtasidagi vositachilik

sohasidagi ilk tajribalar o'tkazildi. Xususan, zamonaviy odil sudlov konsepsiyasida jinoyat sodir etgan shaxs jinoyat oqsbatlarini anglab yetadi va jabrlanuvchiga yetkazilgan zararni qoplaydi, degan g'oya yotadi¹.

Shunday ekan, bugungi kunga kelib, odil sudlovning jazolovchi paradigmasiga muqobil yo'l sifatida jahon amaliyotida tiklovchi odil sudlov qo'llanilmoqda. Bir qator *Yevropa* davlatlarida aybdor va jabrlanuvchi o'rtasidagi vositachilik dasturlari yuridik jihatdan tartibga solingan. Jumladan, Avstriya, Germaniya, Finlyandiya va Polshada "Yuvenal yustitsiya to'g'risida"gi Qonunda vositachilik instituti ham o'z ifodasini topgan. Ushbu holatda vositachilik tartibi davlat prokurori yoki sudya tomonidan ko'tariladi va sud muhokamasiga muqobil usul sifatida namoyon bo'ladi¹. Shuningdek, voyaga yetgan aybdor va jabrlanuvchi o'rtasidagi vositachilik bir qator davlatlarning Jinoyat-protsessual kodeksi (Avstriya, Fransiya, Belgiya, Finlyandiya, Polsha, va Jinoyat kodekslarida (Germaniya, Finlyandiya, Polsha) tartibga solingan¹. Fransiya Jinoyat-protsessual kodeksida shuningdek, voyaga yetmaganlar uchun vositachilik ("reparation") alohida ko'rsatilgan. Bu yerda ayniqsa, davlat prokurorining tashabbusi **bilan** vositachilik tartibini o'tkazish bilan bog'liq tizim keng qo'llaniladi. Unga muvofiq prokuror o'z vakolati doirasida ishni vositachilik **dasturiga yuborish to'g'risida qaror qabul qilishga haqli**.

Jinoyat protsessida yarashuv instituti nafaqat jahon mamlakatlarining milliy qonunchiligi bilan tartibga solingan, balki, xalqaro tashkilotlar tomonidan ham ushbu masalada normativ hujjatlar ishlab chiqilgan. Jumladan, BMT Iqtisodiy va ijtimoiy kengashi tomonidan 2002 yil 24 iyulda "Restitutsiyaviy odil sudlovni Jinoyat ishlari bo'yicha sud yurituvchi masalalarida qo'llashning asosiy prinsiplari", BMT tomonidan "Jinoyatlar va hokimiyatni suiste'mol qilish jabrlanuvchilari uchun **odil** sudlovning asosiy prinsiplari Deklaratsiya", **Yevropa Ittifoqi tomonidan 2001 yil 15 martdagi** "Jinoyat sud ish yurituvchi jabrlanuvchilarning o'rnini **to'g'risida**"gi Qarori (2001/220/JHA) qabul qilingan. MDX namunaviy Jinoyat kodeksida ham "Jabrlanuvchi bilan yarashganlik munosabati bilan jinoiy javobgarlikdan ozod etish" deb nomlangan alohida 75-modda mavjud. Unga muvofiq, "Uncha og'ir bo'lmagan jinoyat sodir etgan shaxs, basharti u jabrlanuvchi bilan yarashsa va **jinoyat** tufayli yetkazilgan zararni qoplasa, sud tomonidan jinoiy javobgarlikdan ozod etilishi mumkin" deyiladi¹.

Umuman olganda, hozirgi kunda yarashuv instituti 40 dan ortiq xorijiy davlatlarda amal qiladi. Ayrim davlatlarda bu institut "yarashtiruvchilik" deb ataladi (M-n: Rossiya, Yangi Zelandiya, Bolgariya, AQSH ning ayrim shtatlari), boshqa davlatlarda "kelishuv" (Germaniya, Ruminiya, Turkiya va b.q), yana boshqa bir davlatlarda taraflarning dastlabki tergovdagi kelishuvi deb yuritiladi. Jumladan, GFRda yarashuvchilik yarashuv kamerasida maxsus sudya tomonidan amalga oshiriladi. Maxsus sudya 3 yil muddatga tuman sudi direktori bilan kelishgan holda jamoat kengashi taqdimiga binoan mahalliy jamoa yoki shahar tumanida saylanadi. Bu sudyaning faoliyati yuzasidan shikoyatlar okrug adliya boshqarmasida ko'rib chiqiladi¹.

ЗНАЧЕНИЕ СМЯГЧАЮЩИХ ОБСТОЯТЕЛЬСТВ ДИСЦИПЛИНАРНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ПРИ ПРИВЛЕЧЕНИИ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ К ДИСЦИПЛИНАРНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ.

Аннотация: в данной статье классифицируются виды юридической ответственности военнослужащих, в том числе: дисциплинарно-правовая, административно-правовая, гражданско-правовая, материальная, уголовно-правовая. Кроме того, рассматриваются права лиц, обладающих дисциплинарными полномочиями, и смягчающие обстоятельства при применении дисциплинарных взысканий к военнослужащим, совершившим дисциплинарные проступки.

Ключевые слова: юридическая обязанность, юридическая ответственность, дисциплинарно-правовая ответственность, административно-правовая ответственность, гражданско-правовая ответственность, материальная ответственность, уголовно-правовая ответственность, дисциплинарная ответственность, искреннее раскаяние, возмещение убытков, зависимость от виновного по службе, материальная зависимость, иные виды ответственности. зависимость.

THE IMPORTANCE OF CIRCUMSTANCES RELIEVING DISCIPLINARY RESPONSIBILITY IN BRINGING MILITARY PERSONNEL TO DISCIPLINARY RESPONSIBILITY.

Annotation: in this article, the legal responsibilities of military personnel are classified, including: disciplinary legal responsibility, administrative legal responsibility, civil legal responsibility, material responsibility, criminal legal responsibility. In addition, the rights of persons with disciplinary authority and extenuating circumstances in the application of disciplinary sanctions against military personnel who have committed disciplinary misconduct are discussed.

Key words: Legal obligation, legal responsibility, disciplinary legal responsibility, administrative legal responsibility, civil legal responsibility, material responsibility, criminal legal responsibility, disciplinary responsibility, sincere remorse, compensation for damages, dependence on the guilty in terms of service, material dependence, other types of dependence.

Barchamizga ma'lumki har bir inson jamiyat a'zosi sifatida o'z faoliyati davomida jamiyat a'zolari bilan turli ijtimoiy munosabatlarga kirishadi. Bunday ijtimoiy munosabatlarga kirishishdan ko'zlangan maqsad turli vazifalarni amalga oshirish yoki hayotiy funksional majburiyatlarni bajarishdan iborat. Jamiyat a'zolari o'zaro ijtimoiy munosabatlarning shunday qismi borki ular huquq normalari asosida tartibga solinadi. Ijtimoiy munosabatlarning huquq normalari asosida tartibga solingan qismi huquqiy munosabatlarni keltirib chiqaradi.

Huquq normalari o'z vazifa va funksiyalarini huquqiy munosabatlar orqali amalga oshiradi; huquq talablarini ijtimoiy munosabatlar shakliga aylantiriladi va shu tariqa munosabatlar tartibga solinib, huquq hayotga tatbiq etiladi.[1]

Huquqiy munosabatlar ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari bir-biri bilan o'zaro mutanosib tarzda bog'liq bo'lib; bir tomonning huquqiga ikkinchi tomonning majburiyati muvofiq keladi; har doim huquq subyekti bo'lgan shaxs qarshisida majburiyat o'tovchi shaxs gavdalanadi.[1] Ya'ni bir tomonga berilgan huquqlar ikkinchi tomonga uni ta'minlash uchun malum ma'noda majburiyatlarni yuklaydi. Huquqiy munosabatlar subyektlar o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlarni tartibga solib turar ekan, huquqiy munosabat subyekti o'z xatti-harakati, nojo'ya xulq-atvori va huquqbuzarlik oqibati, yetkazilgan zarar uchun javobgarlikni o'tay olish qobiliyatiga ham ega bo'lishi kerak.

Bu huquq munosabatlari subyektlari o'rtasida o'zaro yuridik majburiyatlarning shakllanishiga olib keladi.

Yuridik majburiyat – huquqiy munosabat ishtirokchilarining tegishli huquqiy normaga asosan o'zlarining burchi (majburiyati) bo'lgan harakatni amalga oshirishlari yoki ba'zi ma'lum bir harakatni sodir etishdan o'zlarini tiyishlaridir. Yuridik majburiyat zimmasiga yuklatilgan subyektlar tomonidan bunday majburiyatlarni bajarmaslik (harakat yoki harakatsizlik natijasida) oqibatida yuridik javobgarlikka tortish masalasi ko'rib chiqiladi.

Yuridik javobgarlik – huquqbuzarlik sodir etgan shaxsga nisbatan protsessual tartibda qonunchilikda belgilangan davlat majburlov choralarini qo'llashdir.[1]

Yuridik javobgarlik - huquqbuzarga nisbatan huquq normalarida ko'zda tutilgan sanksiyalar asosida davlatning majburlov choralarini qo'llashdir.[2]

Bunda kelib chiqadiki, O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari harbiy xizmatchilari ham jamiyat a'zolari sifatida ijtimoiy munosabatlar subyekti bo'ladi va bunday munosabatlarning katta qismini huquqiy munosabatlar tashkil qiladi. Huquqiy munosabat subyekti sifatida harbiy xizmatchilarga yuridik majburiyatlar yuklatiladi va bunday majburiyatlarni bajarmaslik yuridik javobgarlikka sabab bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Umumharbiy Nizomlarida belgilanganidek "barcha harbiy xizmatchilar, ularning harbiy unvoni va mansabidan qat'iy nazar, qonun oldida tengdirlar va o'zlarining huquqiy maqomlari xususiyatlarini hisobga olgan holda O'zbekiston Respublikasi fuqarolari uchun belgilangan javobgarlikni zimmalariga oladilar".[3] Bu shuni anglatadiki harbiy xizmatchilar huquqiy maqomi xususiyatlaridan kelib chiqqan holda qonunchilikda belgilangan yuridik javobgarlikka tortiladilar.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari harbiy xizmatchilari yuridik majburiyatlarni bajarmaganliklari uchun quyidagi yuridik javobgarlikka tortiladilar:

- 1) Intizomiy huquqiy javobgarlik;
- 2) Ma‘muriy huquqiy javobgarlik;
- 3) Fuqarolik huquqiy javobgarlik;
- 4) Moddiy javobgarlik;
- 5) Jinoiy huquqiy javobgarlik.

Intizomiy huquqiy javobgarlik - harbiy xizmatchilarning harbiy intizom, axloq va askariy or-nomus me‘yorlarini buzish bilan bog‘liq nojo‘ya qilmishlari (harakat yoki harakatsizliklari) uchun O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining Intizom Nizomida belgilangan asosda va tartiblarda javobgar bo‘lishi.[3]

Ma‘muriy huquqiy javobgarlik - harbiy xizmatchilarning sodir qilgan ma‘muriy huquqbuzarliklari uchun Intizom Nizomiga ko‘ra javobgarlikka tortilishi hamda umumiy asoslarda ya‘ni yo‘l harakatlari qoidalarini, ov qilish, baliq ovlash va baliq zahiralari muhofaza qilish qoidalarini, bojxona qoidalarini buzish bilan bog‘liq ma‘muriy huquqbuzarliklari uchun ma‘muriy javobgarlikka tortilishi. Ma‘muriy javobgarlikka tortilgan harbiy xizmatchilarga nisbatan ma‘muriy qamoqqa olish, muddatli harbiy xizmatdagi harbiy xizmatchilarga esa jarima solish tarzidagi jazo choralarini qo‘llash mumkin emas.[4]

Fuqarolik huquqiy javobgarlik – harbiy xizmatchilarning fuqarolik munosabatlarini tartibga soluvchi qonunchilikda ko‘zda tutilgan majburiyatlarni ijro etmaslik yoxud ko‘ngildagidek ijro etmaslik uchun shuningdek davlatga, fuqarolarga yetkazilgan zarar uchun javobgarlikka tortilishi.[3]

Moddiy javobgarlik - harbiy xizmatchilarning harbiy xizmat majburiyatlarini ijro etish chog‘ida davlatga yetkazilgan moddiy zarar uchun moddiy javobgarlik to‘g‘risidagi qoidalarga muvofiq javobgarlikka tortilishi.[3]

Jinoiy huquqiy javobgarlik - harbiy xizmatchilarning sodir qilgan jinoiy huquqbuzarliklari uchun jinoiy huquqiy normalarga muvofiq javobgarlikka tortilishi.[3]

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli kuchlari harbiy xizmatchilari Umumharbiy nizomlarining Intizom nizomiga ko‘ra sodir qilgan nojo‘ya qilmishlari (harakat yoki harakatsizligi natijasida) hamda ma‘muriy huquqbuzarliklari uchun (qonunchilikda belgilangan umumiy asoslar bundan mustasno) intizomiy javobgarlikka tortiladilar. Intizomiy nojo‘ya qilmish bevosita harbiy xizmat majburiyatlarini, harbiy intizom talablarini bajarmaslik yoki lozim darajada bajarmaslik oqibatida vujudga keladi.

Intizomiy javobgarlik – O‘zbekiston Respublikasi qonunchiliga va Umumharbiy Nizomlar talablariga muvofiq harbiy intizomni buzuvchi intizomiy nojo‘ya xatti-harakat va qonunchilikda belgilangan ma‘muriy huquqbuzarliklarni sodir etish bilan ifodalangan noqonuniy, aybli harakat (harakatsizlik) uchun javobgarlik.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Harbiy xizmatchilar harbiy intizom, axloq va askariy or-nomus me‘yorlarini buzish bilan bog‘liq nojo‘ya qilmishlari

uchun O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining Intizom Nizomida belgilangan asosda va tartibda intizomiy javobgarlikka tortiladilar.[3]

Harbiy xizmatchilarga nisbatan intizomiy jazo choralari qo‘llashda intizomiy jazo choralari qo‘llash vakolatiga ega bo‘lgan shaxs tomonidan quyidagi holatlar:

intizom buzilishi va ma‘muriy huquqbuzarlik bilan bog‘liq ma‘lumotlardagi har bir vajning asosliligi;

sodir etilgan hodisa, intizom buzilishi va huquqbuzarlik holatlarining to‘liq tafsilotlari;

intizom buzilishi va huquqbuzarlik sodir etilishi vaqti, joyi, usuli va uning sodir etilishi holatlari;

intizomni buzgan va huquqbuzarlik sodir qilgan harbiy xizmatchining shaxsini tavsiflovchi ma‘lumotlar;

sodir etilgan hodisa, intizom buzilishi va huquqbuzarlik holatlariga imkon bergan sabab va shart-sharoitlar;

sodir etilgan hodisa, intizom buzilishi va huquqbuzarlik holatlarida harbiy xizmatchining aybi, aybining shakli va intizomiy huquqbuzarlikni sodir etish sabablari;

harbiy xizmatchining noqonuniy xatti-harakatlari natijasida yetkazilgan zarar (ziyon) mavjudligi, uning xususiyatlari va miqdori;

harbiy xizmatchining sodir etilgan hodisaga aloqadorligi va aybdorligi masalasi, aybini tasdiqlovchi dalillarning mavjudligi;

nojo‘ya xatti-harakatning xususiyati, sodir etilishi holati, uning oqibatlari, aybdorning bungacha bo‘lgan xulq-atvori, xizmat o‘tash muddati, zimmasiga yuklatilgan vazifalarni bajarishga bo‘lgan munosabati, oilaviy ahvoli;

harbiy xizmatchining intizomiy javobgarligini istisno qiluvchi holatlar;

intizomiy javobgarlikni yengillashtiruvchi va intizomiy javobgarlikni og‘irlashtiruvchi holatlarning mavjudligi;

harbiy xizmatchini intizomiy javobgarlikka tortish masalasini to‘g‘ri hal qilish uchun muhim bo‘lgan boshqa holatlar aniqlanishi maqsadga muvofiq sanaladi.

Harbiy xizmatchilar tomonidan intizom buzilishi va ma‘muriy huquqbuzarliklar sodir qilingan holatlar bo‘yicha harbiy xizmatchiga intizomiy jazo choralari qo‘llash bo‘yicha vakolatga ega bo‘lgan shaxs tomonidan quyidagilar jazoni yengillashtiruvchi holatlar sifatida baholanadi:

1) intizomiy nojo‘ya qilmish sodir yetgan harbiy xizmatchining chin ko‘ngildan pushaymonligi;

2) harbiy xizmatchining komandir (boshliq)larga o‘zi sodir etgan intizomiy nojo‘ya qilmish to‘g‘risida ixtiyoriy ravishda xabar berishi;

3) intizomiy nojo‘ya qilmish sodir etgan harbiy xizmatchi tomonidan intizomiy nojo‘ya qilmish zararli oqibatlarining oldi olinishi, yetkazilgan zarar ixtiyoriy ravishda qoplab berilishi yoki yetkazilgan zarar bartaraf qilinishi;

4) intizomiy nojo‘ya qilmish kuchli ruhiy hayajon holatida yoki og‘ir shaxsiy yoki oilaviy sharoitlar yoxud boshqa mushkul sharoitlar yuzaga kelganligi oqibatida sodir etilishi

5) intizomiy nojo‘ya qilmish tahdid majburlov ta’sirida yoki xizmat yuzasidan, moddiy yoxud boshqa jihatdan qaramlik ta’sirida sodir etilishi.

6) intizomiy nojo‘ya qilmish homilador ayol harbiy xizmatchi yoki o‘n to‘rt yoshgacha bo‘lgan farzandini yakka o‘zi tarbiyalayotgan shaxs tomonidan sodir etilishi

7) harbiy xizmatchining bevosita yoki to‘g‘ridan-to‘g‘ri komandir (boshliq)lar tomonidan ijobiy tavsiflanishi, xizmat davomidagi erishgan yutuqlari, ish staji, unvoni, yoshi, sog‘lig‘i va shaxsiy fazilatlari.

Harbiy xizmatchini intizomiy javobgarlikka tortish masalasini ko‘rib chiqish vakolatiga ega bo‘lgan shaxs tomonidan boshqa holatlarni ham javobgarlikni yengillashtiruvchi holat sifatida baholashi mumkin.

Chin ko‘ngildan pushaymon bo‘lish – bu harbiy xizmatchi tomonidan sodir qilingan nojo‘ya xatti-harakat va ma‘muriy huquqbuzaliklarda o‘z aybini to‘liq va ochiqdan-ochiq tan olishi, o‘z xatti-harakatlaridan afsuslanishi, o‘z xulqini qoralashi hamda unga nisbatan qo‘llaniladigan intizomiy jazo choralari sodir qilgan intizom buzulishining o‘rinli va adolatli oqibati sifatida qabul qilishi bilan bog‘liq harakati. Chin ko‘ngildan pushaymon bo‘lish harbiy xizmatchi tomonidan unga nisbatan jazo choralari qo‘llanilgunigacha bo‘lgan istalgan davrda amalga oshirilishi mumkin.[5]

Intizomiy nojo‘ya qilmish to‘g‘risida ixtiyoriy ravishda xabar berish-bu harbiy xizmatchi tomonidan sodir qilingan nojo‘ya xatti-harakat va ma‘muriy huquqbuzalik haqida bevosita vakolatli shaxslarga yoki o‘zining komandir (boshliq)lariga, ular ushbu holat to‘g‘risida xabar topmasidan oldin ixtiyoriy tarzda yetkazilishi. Bunday holatda harbiy xizmatchini javobgarlikka tortish vakolatiga ega bo‘lgan shaxs tomonidan ixtiyoriy ravishda xabar berish shaxsan amalga oshirilishi lozimligini yoki istalgan shaklda (yozma, og‘zaki ravishda) yetkazilishi mumkinligini alohida inobatga olishi lozim. Ushbu holatda sodir qilingan xatti-harakat va ma‘muriy huquqbuzalik haqida xabar turli usullarda jumladan: axborot-kommunikatsion texnologiya vositalaridan, telegramma, xat, telefaks, internet jahon axborot tarmog‘i imkoniyatlardan foydalangan holda yetkazilishi mumkin.

Zarar o‘rnini qoplash deb, zarar yetkazilgan moddiy ne‘matning qiymati tiklanishiga aytiladi.[5]

Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir qilingan nojo‘ya xatti-harakat va ma‘muriy huquqbuzalik natijasida yetkazilgan zararning qoplanishi **ixtiyoriy ravishda**, ya‘ni shaxsning ongli ichki istagi va tashabbusi bilan, tashqaridan biron-bir ta’sir ko‘rsatmay amalga oshirilgan taqdirdagina jazoni yengillashtiruvchi holat deb e’tirof etiladi.

O‘z aybi bilan moddiy zarar yetkazgan harbiy xizmatchilar, oliy harbiy ta’lim muassasalarining kursantlari (tinglovchilari), harbiy yig‘inlarga chaqirilgan harbiy xizmatga majburlar va safarbarlik chaqiruvi rezervidagi xizmatni o‘tayotgan shaxslar moddiy zararning o‘rnini harbiy xizmatni (yig‘inlarni) o‘tash davrida yoki rezervga (zaxiraga) bo‘shatilgan yoxud iste’foga chiqarilgandan keyin ixtiyoriy ravishda to‘liq yoki qisman qoplashi mumkin.[6]

Intizomiy nojo‘ya qilmish kuchli ruhiy hayajon holatida yoki og‘ir shaxsiy yoki oilaviy sharoitlar yoxud boshqa mushkul sharoitlar yuzaga kelganligi oqibatida sodir etilishi – bu harbiy xizmatchining intizomni buzishiga sabab bo‘ladigan shaxsiy, oilaviy va turli darajadagi muammolar kiradi. Ularga quyidagi holatlarni misol tariqasida keltirish mumkin:

- harbiy xizmatchining shaxsiy turmushidagi muammolar (qarama-qarshi jinsga mansub shaxslar bilan munosabatining yomonligi)[5];
- harbiy xizmatchining yaqin qarindoshlaridan birining kasalligi;
- turmush sharoiti bilan bog‘liq muammolar (vaqtinchalik yashash joyiga ega bo‘lmasligi, farzandlarining ta‘lim muassasalariga joylashtirolmayotganligi);

Intizomiy nojo‘ya qilmish yuqoridagi holatlarni vaj qilgan holda turli moddalar (spirtli ichimlik, ruhiyatga ta‘sir qiluvchi vositalar, narkotik moddalar) ta‘sirida sodir qilinishi intizomiy jazoni yengillashtiruvchi holat sifatida baholanmasligi lozim.

Tahdid majburlov ta‘sirida yoki xizmat yuzasidan, moddiy yoxud boshqa jihatdan qaramlik ta‘sirida - bunday intizomiy nojo‘ya qilmish va ma‘muriy huquqbuzarlik sodir qilgan shaxs harakatlari nosog‘lom iroda mahsuli natijasida kelib chiqishi sanaladi.[5]

Majburlash jismoniy yoki ruhiy bo‘lishi mumkin.

Xizmat jihatidan aybdorga qaramlik shaxsning xizmatga ko‘ra bo‘ysunishi bilan bog‘liq bo‘ladi, shuningdek, bevosita kelib chiqmaydigan, lekin uning mehnati yoki o‘quvi ustidan nazorat qilish vazifalari bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin. Xususan, xizmat bo‘yicha qaramlik xizmatchi va boshliq, tekshiruvchi va tekshirilayotgan shaxs o‘rtasida mavjud.

Moddiy qaramlik deganda, jabrlanuvchining aybdordan qonun bilan belgilangan moddiy yordam (pul, oziq-ovqatlar, kiyim-kechaklar va h.k.) olib kelganligini yoki uning bevosita qaramog‘ida bo‘lganligi holatlari tushunilishi lozim. Bu, odatda, ishsiz odamning ishli odamga, bolalarning ota-onasiga, ishlamaydigan ota-onaning moddiy daromadi bor bolalariga qaramligidir.

Boshqa turdagi qaramlik deganda, shaxs hodisalar rivoji natijasida o‘zini boshqa birovga qarzdor deb hisoblaydigan moddiy tomondan yoki xizmat taqozosi bo‘yicha bog‘liq vaziyatlardan farqli har qanday vaziyatga aytiladi. Bu kabi qaramlik qarindoshlik, og‘aynichilik va ishqiy munosabatlar hamda diniy yoki boshqa tuyg‘ular asosida paydo bo‘ladi.

Harbiy xizmatchining bevosita yoki to‘g‘ridan-to‘g‘ri komandir (boshliq) lar tomonidan ijobiy tavsiflanishi, xizmat davomidagi erishgan yutuqlari, ish staji, unvoni, yoshi, sog‘lig‘i va shaxsiy fazilatlar – bunda intizomiy jazo qo‘llash vakolatiga ega bo‘lgan shaxs tomonidan harbiy xizmatchining shu davrgacha bo‘lgan xizmat faoliyatini, unga nisbatan qo‘llanilgan rag‘batlantirishlarini va uning xizmat mobaynida erishgan yutuqlarini, harbiy xizmatchiga o‘zining komandir boshliqlari tomonidan berilgan ijobiy tavsiflarni uning ijobiy fazilatlarini hamda turli intizomiy jazo choralari qo‘llashni inkor qiluvchi sog‘lig‘ining holati va yoshini inobatga olishi tushuniladi.

Bundan tashqari intizomiy jazo choralari qo'llash vakolatiga ega shaxs tomonidan yuqoridagi holatlardan tashqari boshqa holatlar ham intizomiy jazo chorasini yengillashtiruvchi holat sifatida baholanishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – Toshkent. «Adolat», 2018. – 528 b.
2. Sh.A.Saydullayev Davlat va huquq nazariyasi: Darslik. – Toshkent: TDYU, 2021.–212-213 b.
3. O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Umumharbiy nizomlari: – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2007.- 493 b.
4. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi, O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi <https://lex.uz/docs/-97664>
5. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga sharhlar . Umumiy qism\M.Rustambayev. – Toshkent: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 784 b.
6. O'zbekiston Respublikasining qonuni “Umumiy harbiy majburiyat va harbiy xizmat to'g'risida” 436-II-son, O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi <https://lex.uz/docs/-78717>

OLIMOV Laziz Yarashovich

*Buxoro davlat universiteti, Psixologiya va sotsiologiya kafedrasida dotsenti
azizbekyarasev@mail.ru*

SUD VA TERGOV JARAYONIDA PSIXOLOG KOMPETENTLIGINING O'ZIGA XOSLIGI

Annotatsiya: Ushbu maqolada sud psixolog eksperti faoliyatida ijtimoiy-psixologik kompetentlik omillarining namoyon etilishi va rivojlanishini tadqiq etish hamda uning o'ziga xos ijtimoiy-psixologik omillarini takomillashtirish haqida fikr yuritilib, sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantiruvchi ijtimoiy-psixologik omillar, komponentlarini aniqlash, sud psixolog ekspertidagi kommunikativ, emotsional va shaxslilik komponentlarining namoyon bo'lishi va rivojlanishini tadqiq qilish; sud psixolog ekspertlarining sotsial-psixologik kompetentligini rivojlantirishda ularning sud-huquq tizimi bilan bog'liqligi ochib berilgan.

Kalit so'zlar: sud psixolog eksperti, ijtimoiy-psixologik kompetentligi, sud psixologik ekspertizasi, kasbiy kompetentlik, kompetentlik, emotsional intellekt, kasbiy faoliyat.

ХАРАКТЕРИСТИКА КОМПЕТЕНТНОСТИ ПСИХОЛОГА В СУДЕБНОМ И СЛЕДСТВЕННОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация: в данной статье рассматривается исследование проявления и развития факторов социально-психологической компетентности в деятельности судебного психолога и совершенствование ее конкретных социально-психологических факторов, выявление компонентов, исследование проявления и развития коммуникативных, эмоциональных и личностных компоненты судебного психолога, в развитии социально-психологической компетентности судебных психологов раскрывается их связь с правовой системой.

Ключевые слова: судебный психолог-эксперт, социально-психологическая компетентность, судебно-психологическая экспертиза, профессиональная компетентность, компетентность, личность эксперта, эмоциональный интеллект, профессиональная деятельность.

CHARACTERISTICS OF THE PSYCHOLOGIST'S COMPETENCE IN THE COURT AND INVESTIGATION PROCESS

Abstract: This article discusses the study of the manifestation and development of factors of socio-psychological competence in the activities of a forensic psychologist and the improvement of its specific socio-psychological factors, the identification of components, the study of the manifestation and development of communicative, emotional and personal components of a forensic psychologist; in the development of socio-psychological competence of forensic psychologists, their connection with the legal system is revealed.

Key words: forensic psychologist-expert, socio-psychological competence, forensic psychological examination, professional competence, competence, personality of an expert, emotional intelligence, professional activity.

Respublikamizda so‘nggi yillarda sudlov va huquq-tartibot organlari faoliyati samaradorligini oshirish, sud psixolog ekspertlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va ularning kasbiy tayyorgarlik darajasini oshirish masalalariga alohida e‘tibor qaratilib kelinmoqda.

“Sud ekspertizasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonunida sud ekspertizasi sohasidagi munosabatlarni tartibga solish borasida muhim vazifalar belgilab berilgan. Bu qonunda ko‘rsatib o‘tilgan bunday muhim vazifalarni bajarishda sud psixolog ekspertlari ijtimoiy-psixologik kompetentligini takomillashtirishga oid tadqiqotlar muhim ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan, sud psixolog ekspertlari ijtimoiy-psixologik kompetentligini oshirish, ularning shaxsiy sifatlariga xos bo‘gan xususiyatlarni ro‘yobga chiqarish, psixokorreksion va rivojlantiruvchi usullar orqali ularning kasbiy faoliyat samaradorligiga bevosita ta’sir etuvchi ijtimoiy-psixologik kompetentlik omillarini shakllantirish dolzarb muammo sifatida qaraladi.

Sud psixologik ekspertizaga huquqiy holatlarni aniqlash vazifasi yuklanib, faqatgina ko‘rsatmalar haqiqiylikinigina tekshirish emas, balki ularni isbotlash,

qonunbuzarlikni sodir etgan shaxs hatti-harakatlarida aybdorlikni aniqlash vositasi sifatida mustahkamligini tekshirish ham kiritilganligini ko‘rishimiz mumkin. Garchi bunga asos bo‘lmasa ham, qandaydir ishonchsizlik haligacha ham oxirigacha bartaraf etilmagan. Aksincha, qonuniy sud ishida mukammallashib borayotgan amaliyotning, o‘ziga borayotgan ehtiyojlari sharoitida, zamonaviy psixologiya fanining imkoniyatlariga yetarlicha baho bera olmaslik o‘rinlidir.

S.S.Shipshin va V.F.Engalichevlar yozganidek, sud ekspertizasi tushunchasining asosiy belgilari quyidagilar:

a) sud psixologik ekspertizaning tayyorlanishi, tayinlanishi va o‘tkazilishi maxsus huquqiy reglamentga muvofiq amalga oshiriladi, u muvofiq jarayondagi ekspertning va ekspertizani tayinlaydigan shaxsning huquq va majburiyatlarini aniqlash bilan birga, bu borada ayblanuvchi (gumonlanuvchi)ning haq-huquqlarini ham aniqlaydi;

b) maxsus psixologik bilimlarni qo‘llash asosida tadqiqotni o‘tkazish;

c) isbotlar manbai mavqeiga ega bo‘lgan xulosani berish. Jinoiy ish yuritilishida ekspertizaning asosiy mazmuni, jinoyatlarning dastlabki tergov jarayoni uchun yoki sudda jinoiy ishlarni ko‘rib chiqish uchun ahamiyatga ega bo‘lgan, yangi faktlarni aniqlash maqsadida ma‘lum ma‘lumotlarni tadqiq etishdan iborat. Sud psixologik ekspertiza huquqni muhofaza qilish organlarining amaliyotida keng qo‘llaniladi. Sud ekspertizasining boshqa turlari kabi u o‘zining aniq maqsadlari va vazifalariga ega ekanligini qayd etish lozim.

Sud psixologik ekspertizasining asosiy maqsadi, yuridik psixologiya yoki amaliyotda to‘planib, ishlab chiqilgan aniq ma‘lumotlar asosida tadqiqotni o‘tkazish va tergovchi, aniqlash organi yoki sud tomonidan qo‘yilgan savollarga javob berishdan iborat bo‘ladi. Ekspert o‘zining xulosasi bilan sud va tergovchiga ish holatlarini aniqlashda, ularga yuridik baho bermay turib, yordam beradi.

V.V.Romanov ta‘kidlaganidek, “Sud psixologik ekspertizaning asosiy maqsadi sud va dastlabki tergov organlariga jinoiy ishlar bo‘yicha isbotlash predmeti tarkibiga kiruvchi psixologik mazmunga ega maxsus savollarni yanada chuqurroq tadqiq etishda yordam berish, jinoiy ishlar predmeti esa fuqarolik bahslarini isbotlash predmetining tarkibiy elementi, qonunda aks ettirilgan bir qator huquqiy tushunchalarning psixologik mazmunini tadqiq etishda ko‘maklashishdan iborat [1].

M.V.Kostitskiy fikricha, sud psixologik ekspertizasining maqsadi – qabul qilingan qaroriga, sodir etilgan harakatiga, ularning samaradorligiga, ifodalangan yo‘nalishiga, ularning haqiqiy va istiqbolidagi sifatiga manfaatdor bo‘lmagan holda obyektiv baho olishga zaruriyatdir; to‘qnashuv, bahs uning predmetiga obyektiv, adolatli va qat‘iy baho berish qobiliyati, psixologik bilimlar yordamida mavjud bo‘lgan masalalarni yechishdan iborat[2].

Sudga oid psixologik ekspertizaning asosiy vazifalari o‘rganish obyekti va o‘tkazilayotgan ekspertizaning qaysi turga mansubligidan kelib chiqib belgilanadi. A.O.Ekmenchi sudga oid psixologik ekspertizasining vazifalariga: guvoh, jabrlanuvchi, gumonlanuvchi va sudlanuvchilar harakatlarining psixologik motivatsiyasi; uning psixologik sabablari yuzasidan o‘zini ayblashi yoki ayblash

imkoniyatini, undagi psixologik yoki fiziologik affekt mavjudligini baholash; sudlanuvchining shaxsiysifatiga va uning holat yuzasidan taqdim qilayotgan ko'rsatmalariga psixologik tomonlariga adekvat baho berish; sodir bo'lgan jarayondagi voyaga yetmagan ishtirokchilarning o'ziga xos psixologiyasi kabi masalalarni kiritgan[4].

B.Petelinning sud psixologik ekspertizasiga bag'ishlagan bir qator asarlarida ta'kidlashicha, sud psixologik ekspertizasining vazifalariga quyidagilarni kiritish mumkin: fiziologik affektni aniqlash; voyaga yetmaganning ruhiy xastaligi bilan emas, balki uni psixikasining shakllanish xususiyatlari bilan bog'liq bo'lgan, aqliy rivojlanish darajasini aniqlash; shaxsga xos bo'lgan emotional reaksiyalar shakli orqali jarayon qatnashchilari kognitiv faoliyatining individual xususiyatlarini aniqlash; ekstremal vaziyatlarda shaxs xulq-atvorini tushunish uchun shaxsning psixologik xususiyatlar majmuini baholash; ishni to'g'ri ko'rib chiqish uchun ahamiyatli bo'lgan individual psixologik xususiyatlarning umumiy psixologik xarakteristikasini berish; guvohlar va voyaga yetmaganlarning voqea va uning alohida holatlarini to'g'ri idrok qilish qobiliyatini aniqlash; voyaga yetmaganning fantaziyasi, kuchli ta'sirlanish, bunday voyaga yetmaganlar kognitiv jarayonlarining individual xususiyatlarini aniqlash; sudlanuvchi shaxsining (psixik sog'lom) psixik xususiyatlarini aniqlash va voyaga yetmagan tomonidan sodir etilgan qonunbuzarlikning psixologik mexanizmiga ularning ta'siri kabilar. Shubhasiz, psixologiyaning rivojlanishi bilan psixologik ekspertiza yo'li bilan hal etadigan vazifalar doirasi yanada kengayadi, albatta yuridik me'yorlar belgilangan chegaralarigacha amalga oshiriladi. Bizningcha, muallifning mazkur ta'rifida o'ziga xos ijtimoiy-psixologik omillar tizimiga alohida e'tibor qaratadi[3].

Shaxsning kasbiy rivojlanishi bilan bog'liq ravishda yuzaga keladigan psixologik xususiyatlarni rivojlantirishga qaratilgan psixotexnika, hamda o'quv modulining samaradorligini baholashda aniqlovchi va nazorat tajribalaridan olingan natijalarning tahlillariga asoslanib, qolaversa, sud psixolog ekspertlarining ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantirish dasturi va uni sud psixolog ekspertlarining kasbiy faoliyatiga ta'siri natijasini tadqiq qilish bo'yicha quyidagilar aniqlandi:

1. Sud psixolog ekspertlarining ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega va ularning ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantirish dasturida sud psixologik ekspertizasiga doir psixologik vaziyatlar va shaxslararo munosabatlar tizimining ta'sirchan mexanizmlariga alohida e'tibor qaratildi.

2. Kasbiy kompetentlikning rivojlantirish bo'yicha o'quv modulini amalda qo'llash natijasida qator samaradorlikka erishildi, sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixologik kompetentlik omillariga aloqador bo'lgan kasbiy kompetentlik (kasbiy layoqat)ning o'ziga xos tarzda o'zgarganligini ko'rsatadi. O'quv modulida sud psixolog eksperti kasbiy kompetentligini ta'minlovchi sohaga oid qonun va qonun osti hujjatlari yuzasidan huquqiy, hamda psixodiagnostik ishlarni amalga qo'llay olishi, sud psixologik ekspertiza xulosasini rasmiylashtirish bo'yicha bilimdonligini oshirishga erishildi.

3. Sud psixologik ekspertizasi ishlarida faoliyat olib boradigan ekspertlarning ijtimoiy-psixologik kompetentligi omillarini namoyon etilishi va rivojlanishi masalasini chuqurroq tahlil qilish uchun kelgusida ijtimoiy-psixologik kompetentlikning ekspertlik faoliyatiga tayyorlik darajasi bilan bog‘liqlik tomonlarini tadqiq etish maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Glassman A. H., Shapiro P.A., Depression and the course of coronary artery disease. Am J Psychiatry. 1998. – P. 4-11.
2. Gmott H.G. between Parent and Children. N.Y., 2003. P – 219.
3. Golniiz G., Schulz-Wulf G. Rhythmisches psychomotorische Musiktherapie. Yena, 2004.-112 p.
4. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. O‘smirlarda ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlarini shakllantirish. Monografiya. “Buxoro viloyat bosmaxonasi MChJ” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 160.

ЗУФАРОВА Камила Рустамовна,

*Нотариус нотариальной конторы Мирзо-Улугбекского района
города Ташкента*

ВОПРОСЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРАВА СОБСТВЕННОСТИ И ИНЫХ ВЕЩНЫХ ПРАВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: в статье характеризуются суть и значение гражданско-правового регулирования права собственности и иных вещных прав в Республике Узбекистан в современном правовом порядке рыночного типа, а также вопросы переосмысления на законодательном уровне рассматриваемого института с учетом современных инновационных веяний и потребностей экономики.

Ключевые слова: вещное право, право собственности, предпринимательство, инновация, самовольная постройка.

Аннотация: мақолада ҳозирги замон бозор типдаги ҳуқуқтартибда мулк ҳуқуқи ва бошқа ащевий ҳуқуқларнинг мазмун-моҳияти ҳамда инновация йуналишлари ва иқтисодиёт ихтиёжларини назарда тутган ҳолда ушбу масалаларни қонунчилик доирасида қайтадан кўриб чиқиш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ашёвий ҳуқуқ, мулк ҳуқуқи, инвестиция, тадбиркорлик, инновация, ўзбошимчалик билан уй қуриш.

Annotation: characterized the essence and significance of property rights in the modern market order, as well as issues of rethinking at the legislative level of the institution of property rights taking into account modern innovative trends and the needs of the economy.

Key words: property law, property rights, entrepreneurship, innovation, unauthorized construction.

Вещные права были и остаются одной из основополагающих категорий цивилистики. Традиционно четкость, стабильность и предсказуемость вещных прав рассматриваются в качестве важнейших факторов экономического роста и напрямую определяют эффективность развития страны. Эти права являются фундаментальными для любого субъекта гражданского права, а не только для инвесторов, в контексте защиты интересов которых эту тему необходимо в последние годы развивать.

Будучи одновременно и предпосылкой, и результатом любой экономической деятельности, право собственности и другие вещные права гарантируют успех этой деятельности, так как без эффективной защиты данных прав любая хозяйственная, а более широко - любая социальная деятельность лишается смысла. Иными словами весь имущественный оборот так или иначе базируется на институте вещных прав.

Доктринальные представления о вещных правах прошли длительный эволюционный путь от юридического натурализма (отношения лица к вещи) до современного понимания природы любого правоотношения как отношения между людьми. Понимание того, что любое правоотношение всегда есть отношение между людьми, не только продемонстрировало крайнюю условность термина «вещное право», но и заставило задаться вопросом о дальнейшем развитии нормотворчества в сфере базовой категории с учетом происходящих в современном обществе инновационных преобразований.

Действующее гражданское законодательство Республики Узбекистан закрепляет социально-экономические особенности института права собственности, установившиеся в нашем обществе, обеспечивает участников торгового оборота защитой имеющих у них вещных прав. Однако современные условия и изменения, происходящие в социуме, указывают на отдельные несовершенства и призывают приложить усилия для устранения недостатков, продолжая реформирование гражданского законодательства. Решение этого, во многом зависит от ясного представления о существе и значении вещных прав в современном правовом порядке рыночного типа, в условиях развития и либерализации экономики.

За более чем 25-летний период действия Гражданского кодекса Республики Узбекистан произошли значительные изменения в экономических отношениях, сформировался класс собственников, рынок недвижимости, появились крупные и средние предприниматели, и сама жизнь требует создания новых правовых конструкций. Несмотря на довольно долгий срок существования правового поля рассматриваемого института, в настоящее время имеются упущения в регуляции, как базовых аспектов, так и частных и нововведений, которые возникли в связи с развитием данных общественных отношений в последние десятилетия.

Так, если обратиться к азам, то, несмотря на значимость рассматриваемой категории вещных прав, ее прямое легальное определение, как в отечественном Гражданском кодексе, так и в большинстве зарубежных стран, отсутствует.

Что касается перечня вещных прав, закрепленного законодателем в ст.165 ГК Республики Узбекистан, то нам видится неоднозначным исчерпывающий характер этого списка, поскольку законодатель позволяет применение формулировок «в частности», а также в содержании самого раздела 2 ГК Республики Узбекистан, помимо указанной статьи имеются и другие отсылки к иным вещным правам. Представляется, что такой прием законодательной техники является упущением и требует доработки. Полагаем, что при регламентации вещных прав должна быть создана система, которая носит замкнутый характер и является более логически выстроенной. Именно такой подход позволит избежать разночтений в толковании правовой природы рассматриваемых прав.

Стоит отметить, что в законодательстве европейских стран, в частности, в германском, австрийском, швейцарском праве к принципам вещного права относят: **принцип закрытого перечня**, что предполагает отражение в Гражданском кодексе определение вещного права и закрепление общих для всех, вещных правил, отражающие признаки (свойства) вещного права.

В действующем гражданском законодательстве признаки и система вещных прав нормативно не определены. Можно сказать, что гражданско-правовое регулирование вещных прав носит неупорядоченный и разрозненный характер. Изолированные друг от друга нормы посвящены отдельным аспектам права собственности и иных вещных прав.

В числе вещных прав лиц, названы не известные ни одному развитому правопорядку **права оперативного управления и хозяйственного ведения**. При этом, имеющиеся научные дискуссии касательно схожести и различий этих конструкций в основном не имеют существенной практической ценности.

Все это свидетельствует о том, что настало время для переосмысления на законодательном уровне рассматриваемого института вещных прав с учетом современных инновационных веяний и потребностей экономики. Важно создание полноценной системы вещных прав, отвечающей потребностям участников гражданского оборота, отразить на уровне кодифицированного акта формулировки базовых положений вещного права в общей части Гражданского Кодекса.

Закрепление в кодексе понятия вещного права, а также правил отражающих признаки вещных прав, позволит национальному законодателю создать правопорядок иного уровня, представляющий собой результат обобщения теоретико-правовых положений о вещном праве, а также правоприменительной практики.

Следовательно, развитие рыночных отношений требует постоянного пересмотра текущей нормативно-правовой базы, что обуславливает необходимость выработки прогрессивных механизмов совершенствования

гражданского законодательства. В исследуемой нами сфере института права собственности и иных вещных прав назрела необходимость кардинального подхода к систематизации имеющихся правовых норм и формирование нового концептуального регулирования данного института в ракурсе реализации приоритетных направлений реформы в экономической сфере страны.

Все это обуславливает необходимость выработки прогрессивных механизмов совершенствования гражданского законодательства и разработки концептуальных положений права собственности и иных вещных прав, что послужит системообразующей основой правового регулирования всех отношений вещно-правового характера субъектов гражданского оборота.

В этой связи перед отечественной экономической и правовой системой встает жизненно-важный вопрос, как обеспечить разработку надежных теоретических конструкций, которые бы явились основой модернизации гражданского законодательства и формирования отношений свободного рынка в Узбекистане. Поиск наиболее приемлемых в современных условиях законодательных конструкций является важной мерой по созданию эффективного рынка.

Несмотря на значительные результаты отечественной системы правового регулирования института собственности, на сегодняшний день приходится констатировать, что отношения собственности в Республике Узбекистан не в полной мере отвечают современным требованиям, предъявляемыми механизмами рыночного хозяйствования.

Прослеживается востребованность унификации и систематизации законодательства о собственности в Республике Узбекистан. Прежде всего, следует определить соотношение норм Гражданского кодекса и закона «О собственности» в Республике Узбекистан. Важно, чтобы предстоящие изменения в законодательстве развернуто отразили все виды собственности. Необходимо дать понятийный аппарат права собственности, систематизировать виды и режимы ее регулирования. В этой связи представляется, что концептуальная реформа гражданско-правового регулирования права собственности и иных вещных прав в Республике Узбекистан, должна вобрать в себя и отразить следующее.

Во-первых, учитывая масштабность назревших реформ и кардинально новый характер построения структуры норм, представляется необходимым подготовить соответствующий проект о принятии раздела 2 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан «Право собственности и иные вещные права» (ст.ст.164-223) в новой редакции.

Во-вторых, важно создание полноценной системы вещных прав, отвечающей потребностям участников гражданского оборота, отражение на уровне кодифицированного акта формулировки базовых положений вещного права в общей части Гражданского Кодекса. Ввиду отсутствия самой категории вещных прав, ее прямое легальное определение должно быть предусмотрено в Гражданском Кодексе, равно как и исчерпывающий список вещных прав. При

регламентации вещных прав должна быть создана система, которая носит замкнутый характер и является более логически выстроенной. Именно такой подход позволит избежать разночтений в толковании правовой природы рассматриваемых прав.

В-третьих, необходимо установить специальные правила в отношении возникновения, изменения, прекращения, осуществления и защиты иных вещных прав; дать формулировку общих начал правового регулирования вещных прав непосредственно в гражданском кодексе (признаки, система, виды и способы защиты вещных прав; особенности приобретения, прекращения и осуществления вещных прав); предоставить иерархическое строение общих и специальных правовых норм; провести гармонизацию гражданского законодательства в русле разграничения предмета регулирования между гражданским и земельным законодательством.

В-четвертых, на уровне Гражданского Кодекса детализировать список вещных прав, дополнив его институтами, которые пока не нашли своего отражения в действующем законодательстве, однако являются востребованными в жизни общества. В частности, урегулировать на уровне Гражданского Кодекса такие институты, как:

- **право застройки (суперфиция)** под которым принято понимать право владения и пользования земельным участком в целях возведения на нем здания или сооружения и его последующей эксплуатации;

- **право личного пользования - узуфрукт.** В последнее время наметилась тенденция восстановления в современном праве отдельных стран института права данного института, согласно которому собственник недвижимой вещи вправе предоставить другому лицу право личного владения и пользования такой вещью. Такое право является не передающимся по наследству и неотчуждаемым иным способом. При этом, фруктуарий (лицо, которое приобрело такое право) может пользоваться имуществом с присвоением плодов и доходов, но с обязанностью сохранения субстанции вещи и с оставлением за собственником номинального права собственности. По сути, данный институт призван заменить собой ряд текущих ограниченных вещных прав, в частности право пользования жилым помещением на основании договора пожизненного содержания с иждивением, право пользования помещением членом и бывших членом семьи собственника жилого помещения и др.

- **право вещных выдач**, которое представляет его обладателю возможность периодически получать от собственника объекта недвижимости имущественное предоставление в форме товара, денег, работ, или услуг в определенном размере, а в случае неполучения такого предоставления-правомочие распорядиться этим объектом недвижимости путем обращения на него взыскания в порядке, предусмотренном для ипотеки;

- детализировать институт **сервитутов**, в силу которых собственник господствующей вещи имеет право самостоятельно пользоваться служащей

вещью (положительный сервитут) и (или) запрещать собственнику служащей вещи пользоваться такой вещью определенным образом (отрицательный сервитут), детализировать отдельные виды сервитутов (строительный, коммунальный и др.);

- **ипотека** - признать ее в качестве вещного права, которая в настоящий момент рассматривается как один из способов обеспечения исполнения обязательств. В подобном аспекте важно применение конструкции именно на уровне вещного права, которое имеет более стабильный и защищенный режим регулирования пользования чужим имуществом, крайне необходимо в рыночных условиях. Закрепить, что предметом ипотеки могут быть недвижимые вещи, а также право постоянного землевладения и право застройки, что весьма востребовано в условиях рынка.

В-пятых, детализировать на законодательном уровне такие основания завладения чужим имуществом или бесхозным имуществом, к которым можно отнести сбор общедоступных вещей, приобретение движимых вещей, от которых отказался собственник, обращение в собственность не востребовавшей находки и приобретательская давность на движимые и недвижимые вещи (в частности на объекты незавершенного строительства). Учитывая изменения темпа жизни, расширение информационных возможностей и ускорение социальных связей в обществе представляется целесообразным **уменьшение сроков приобретательской давности** (к примеру, в таких странах как Украина, Азербайджан, Бразилия срок касательно объектов недвижимости - 10 лет).

В-шестых, учитывая изменения в рыночной сфере, а также динамику развития инвестиционной привлекательности нашей страны в последние годы, нельзя не затронуть такой аспект как **институт права собственности на землю**. Полагаем оправданным изучить зарубежный опыт и рассмотреть возможность частичного применения позитивных решений из опыта зарубежных стран, сформировать устоявшееся мнение насколько оправданна конструкция частной собственности на землю в реалиях современного Узбекистана.

Происходящие в стране реформы направлены на привлечение технологий, развитие инноваций, освоение капиталов. Однако, важно понимать, что зачастую при реализации крупных проектов важен не только операционный доход, но и капитализация бизнеса, которая полноценно не возможна без привязки недвижимости к земельному участку. Рыночная экономика неизбежно рано или поздно поставит вопрос о рассмотрении земельных участков в качестве основного вида недвижимости.

Очевидно, что с момента изначально принятой позиции законодателя, не допускающей частной собственности на землю, прошло много лет. Думается, перед нами не стоит задача выяснить и сформировать мнение о том, насколько оправдана конструкция частной собственности на землю в реалиях современного Узбекистана, однако полагаем уместным как минимум

переосмыслить, изучить зарубежный опыт и рассмотреть возможность частичного применения позитивных решений из опыта зарубежных стран.

Более того, за весь период развития независимого Узбекистан отдельные шаги в этом направлении были сделаны. Так, в 2006 году была предпринята попытка провести второй этап приватизации. Принят указ Президента от 24.07.2006 года №УП-3780 «О приватизации земельных участков, занятых зданиями и сооружениями юридических лиц и граждан». Планировалось предоставить право собственности на участки, занятые зданиями, сооружениями и объектами производственной инфраструктуры, а также индивидуальными домами граждан. Однако практических шагов за этим не последовало.

Еще ранее проводилась приватизация объектов торговли и сферы услуг вместе с земельными участками, на которых они размещены. Это проводилось в соответствии с действующим ранее Законом «О земле» (утратившим в последующем силу) и постановлением Кабинета Министров от 11.04.1995 года №126 «О порядке реализации в частную собственность объектов торговли и сферы обслуживания вместе с земельными участками, на которых они размещены, и земельных участков в пожизненное наследуемое владение». В результате, в принятом позднее Земельном Кодексе (ст.18) отразили право собственности на земельные участки за юридическими и физическими лицами, участвовавшими в этой приватизации.

В качестве актуального примера можно привести ситуацию с реформами в сфере туризма, инвесторами в гостиничной сфере, где сейчас правительством рассматривается вопрос о возможной льготе предоставления земельного участка, на котором располагается гостиничный комплекс в частную собственность.

Одним из существенных проблем Узбекистана являлось отсутствие права собственности на земельные участки несельскохозяйственного назначения. В мае 2019 года Сенатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан был одобрен Закон «О приватизации земельных участков несельскохозяйственного назначения», который призван создать правовые основы для развития института частной собственности, вовлечения земельных участков несельскохозяйственного назначения в гражданский оборот и обеспечения их эффективного использования, расширения инвестиционных возможностей субъектов предпринимательства.

Помимо этого, разработана Концепция Совершенствования гражданского законодательства Республики Узбекистан, которая определила новый этап развития Республики Узбекистан, приоритетные направления деятельности, направленные на дальнейшую либерализацию экономики, сокращение присутствия государства при регулировании экономических отношений, усиление гарантий защиты права частной собственности, а также стимулирование развития предпринимательства и активного привлечения иностранных инвестиций.

7. Применяемые до сегодняшнего дня договорные конструкции использования земельных участков не соответствуют современным реалиям. Возможно, применение **конструкции вещного права застройки**, вместо договора аренды, имеет явные экономические преимущества, поскольку оно может выступать предметом залога, что открывает возможности для банковского кредитования строительства соответствующего объекта.

Еще одним важным компонентом, является по нашему убеждению, **единство и стабильность судебной практики по делам о защите права собственности и других вещных прав**. Недостаточно установить законодательные позиции, важно обеспечить их единообразное применение, особенно в динамических условиях развития социальных ситуаций. Каждая из таких «житейских» ситуаций индивидуальна, а позиция закона - едина.

Принимая во внимание значимость инновационных методов решения возникающих сложностей, серьезным подспорьем в обеспечении защиты права собственности и других вещных прав будет служить **система электронного судопроизводства**, позволяющая осуществлять публикации судебных актов на соответствующем официальном ресурсе в сети Интернет. Эта система позволит анализировать различные судебные акты широкому кругу специалистов, будь то ученые, практикующие юристы, так и физические и юридические лица, заинтересованные в защите своих прав по схожим ситуациям. Такая электронная система позволит определить, насколько решение по конкретному делу отклоняется от решений других судов по аналогичным, что облегчит обжалование и будет способствовать обеспечению единства судебной практики.

Сегодня, крайне важно, осознание необходимости поиска путей оптимизации законодательства о праве собственности и иных вещных правах, что позволит достичь намеченных целей либерализации экономики. Применение гибкого подхода и постепенное восприятие правовых институтов, используемых в других правовых семьях, их адаптация, а также шаги по отказу от консерватизма приведут к успеху в вопросах гармонизации законодательства. При этом оценка целесообразности и эффективности использования зарубежного опыта при реформировании отечественного гражданского законодательства требует обращения внимания к проблемам исторического развития учения о вещном праве с учетом особенностей, присущих отдельно взятым правовым порядкам, так и учета особенностей развития законодательной практики и доктрины, сложившихся в Узбекистане. Этим объясняется необходимость взвешенного подхода в научных исследованиях и законопроектной работе.

Следовательно, в настоящее время назрела необходимость системного преобразования доктринального опыта и материалов судебной практики в материю правовых норм Гражданского Кодекса. Хочется верить, что планируемые изменения норм ГК Республики Узбекистан о праве собственности и иных вещных правах повысят эффективность правовых норм и

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi X.Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertizasi markazining Odam DNKsi sud-biologik ekspertizasi laboratoriyasining yetakchi eksperti

GENETIK MA'LUMOTLAR BAZALARI. ULARNI KRIMINALISTIKA VA SUD-EKSPERTIZA AMALIYOTIDA QO'LLANILISHINI IMKONIYATLARI

Annotatsiya: Maqolada genetik ma'lumotlar bazalari turlari, ularni sud-ekspertizasi amaliyotida qo'llanilishi xorij tajribasi misolida ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: Genetik ma'lumotlar bazasi, identifikatsiya, DNK, DNK profil.

ГЕНЕТИЧЕСКИЕ БАЗЫ ДАННЫХ. ВОЗМОЖНОСТИ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ В КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОЙ И СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНОЙ ПРАКТИКЕ

Аннотация: В статье показаны виды генетических баз данных, их применение в судебно-медицинской практике на примере зарубежного опыта.

Ключевые слова: генетическая база данных, идентификация, ДНК, профиль ДНК.

GENETIC DATABASES. POSSIBILITIES OF THEIR APPLICATION IN FORENSIC AND FORENSIC PRACTICE

Abstract: The article shows the types of genetic databases and their application in forensic practice using the example of foreign experience.

Key words: genetic database, identification, DNA, DNA profile.

Djejms Uotson va Frensis Krik rentgenogramma tasvirlari orqali kashf qilgan DNK molekulasi qo'sh spiral modelini yaratilgani 70 yil bo'ldi. Bu vaqt ichida molekulyar biologiya fani shu qadar rivojlandiki, undan o'nlab yangi fanlar paydo bo'lib ajralib chiqishga ulgurdi. Shunday fanlardan biri bo'lgan molekulyar-genetika fanida tub burilish yasagan DNK molekulasidagi har bir organizm uchun individual bo'lgan qisqa takrorlanuvchi tandemlarni kashf qilinishi bilan genetik ma'lumotlar bazalarini yaratish va rivojlantirish uchun asos bo'ldi.

Genetik ma'lumotlar-bu o'ziga xos ma'lumot turi bo'lib, inson hayoti davomida o'zgarmasligi, nasldan-naslga o'tishi va turli xil maqsadlarda foydalanishi bilan insonga oid boshqa ma'lumotlar turlaridan ajralib turadi. U nafaqat biror-bir shaxsni qat'iy identifikatsiya qilish, balki boshqa shaxslar bilan qarindoshlik darajalarini ham bilish imkonini beradi.

Genetik ma'lumotlar bazasi bu-biologik malumotlarni qidirish va taxlil qilish uchun mo'ljallangan qidiruv multimedia tizimlaridir. Hozirda genetik ma'lumotlar bazalarining turli maqsad uchun xizmat qiluvchi va turli shakllarni o'z ichiga olgan o'nlab turlari mavjud. Shulardan ayrimlarini qichqacha sanab o'tish joiz.

Genetik ma'lumotlar bazasi tuzilishi va boshqaruv usuliga ko'ra arxiv (GENEBANK), nazorat qiluvchi (SwissProt), avtomatik (UNIPROT), jamlovchi

(SCOP) va integratsiyalashgan (ENTREZ) turlariga bo‘linadi. Genetik ma’lumotlar bazasi qaysi biomolekulaga asoslanganligiga ko‘ra DNK (DDBJ), gen (ImmGen), genom (FlyBase), RNK (miRBase) va fenotip (PHI-base) turlariga bo‘linadi. Genetik ma’lumotlar bazasi maqsadiga ko‘ra genom, tibbiy, ekologik va kriministik (sud-genetik) turlariga bo‘linadi. Genom bazalariga turli organizmlardagi butun genetik ma’lumotlar kiritilgan bo‘lib, ulkan hajmga ega bo‘lishi bilan ajralib turadi. Tibbiy genetik bazalarda turli genetik buzilishlarni fenotipik tasvirlari berilgan bo‘lib, kasallik kelib chiqishiga sabab bo‘lgan xromasoma, gen va alohida mutatsiyalar batafsil ko‘rsatilgan bo‘ladi. Ekologik yoki eko-genetik bazalarda turli yo‘qolib ketish xavfi bo‘lgan organizmlarning biometrik va genetik ma’lumotlari saqlanadi. Kriminalistik yoki sud-genetik DNK ma’lumotlar bazasida turli shaxslarning genetik pasportlari saqlanib, u quyidagi vazifalarni bajaradi:

- shaxslarga oid genetik ma’lumotlar ombori;
- bir jinoyat bo‘yicha turli vaqtlarda sodir bo‘lgan epizodlarni bog‘lash imkonini beradi;
- gumondagi shaxslar, jabrlanuvchilar va shaxsi noma’lum murdalarni identifikatsiya qilish imkonini beradi;
- ancha yillar oldin sodir etilgan jinoyatlarni ham fosh etish imkonini yaratadi;
- genetik ma’lumotlar bazalari huquqbuzarliklarni profilaktikasida muhim rol o‘ynaydi;

Genetik ma’lumotlar bazalaridan foydalanishning asosiy maqsadlari:

Genom bo‘yicha davlat ro‘yxatiga olishni amalga oshirishda olingan genomga oid axborotdan quyidagi maqsadlarda foydalaniladi:

- jinoyatlarning oldini olish, ularni ochish va tergov qilish, shuningdek ularni sodir etgan shaxslarni fosh etish va aniqlash;
- bedarak yo‘qolgan shaxslarni qidirish;
- tanib olinmagan murdalarning (tana qoldiqlarining, qismlarining) shaxsini aniqlash;
- biologik qarindoshlik darajalarini aniqlash.

Biz uchun qiziqarli bo‘lgan va milliy qonunchiligimizdan farq qiluvchi Buyuk Britaniya qonunchiligiga ko‘ra genetik ma’lumotlar bazalaridan quyidagi maqsadlarda foydalanishga ruxsat etilgan[3]:

- milliy xavfsizlik;
- terrorizm jinoyatlarini tergov qilishda;
- jinoyatlarni oldini olish va fosh qilishda;
- huquqbuzarliklarni tergov qilish yoki jinoyatchilarni ta’qib qilishda;
- vafot etgan shaxsni identifikatsiya qilishda.

Bazadan boshqa maqsadlarda foydalanish mazkur davlatning qonunchiligiga ko‘ra ta’qiqlanadi.

Genetik ma’lumotlar bazalarini tashkil qilishning umumiy prinsiplari.

Kriminalistik maqsadlarda foydalaniluvchi genetik ma’lumotlar bazalari avvalambor kompyuterlashgan ma’lumotlar ombori bo‘lganligi sababli, zamonaviy ma’lumotlarni boshqarish standartlariga javob berishi kerak. Bu bazadan nafaqat

samarali foydalanishni balki undagi ma'lumotlarni uzoq vaqt sifatli saqlanishini ham ta'minlaydi. Genetik bazalar uchun quyidagi prinsiplar mavjud:

- bazadan foydalanuvchi barcha manfaatdor tashkilotlar va unda o'z genetik profillarini saqlovchi shaxslarning bu ma'lumotlarga bo'lgan talab va istaklarini to'g'ri tushunib olish va ularga rioya qilish;

- ma'lumotlarni himoya qilish va ularga zarar yetkazmagan holda butunligicha saqlash;

- ma'lumotlar maxfiyligini ta'minlash;

- ma'lumotlarga begona shaxslarni ta'sir qila olish va ulardan o'z manfaatlari yo'lida foydalanish imkonini bermaslik;

- ma'lumotlardan samarali foydalanish tizimini yaratish.

Bularning barchasi huquqiy tizimni yaratish yoki isloh qilish bilan amalga oshiriladi. Shuningdek, tizim barcha havf-xatarlardan holi bo'lishi va xalqaro ahloq me'yorlari doirasidan tashqariga chiqmasligi zarur.

Kriminalistik-genetik bazalarning turlari.

Kriminalistikada genetik bazalarning ularning hajmiga ko'ra ikki turi mavjud. Bular universal(umummilliy) va selektiv. Universal ma'lumotlar bazasi ma'lum davlatdagi barcha shaxslarining biomaterialini jamlashni taklif qiladi. Aholining har bir a'zosidan genetik ma'lumotlarni bir joyga jamlash bazaning xolisligini ta'minlaydi, hamda davlat va jamiyatda ijtimoiy adolat yuzaga keltiradi. Shuningdek, psixologik faktor evaziga yuzaga kelishi mumkin jinoyatlarni zalvorli qismini oldini oladi. Bazaga nafaqat jamiyatning har bir a'zosi balki, davlatga chetdan kirib kelayotgan har qanday shaxsdan ham biomaterialni olishni taqozo qiladi. Universal ma'lumotlar bazasining yana bir ustun taraflaridan biri bu - ma'lum geografik izolyatsiyadagi hududda jinoyat sodir bo'lgan vaziyatda (masalan, tog'li hududdagi ma'lum bir qishloq), u yerda yashovchi aholining yoppasiga biomateriallarini olish orqali gumondorlar doirasini qisqartirish imkoni borligidir. Universal ma'lumotlar bazasini yaratish uchun harakatlar xorijiy tajribada bir necha bor urinib ko'rilgan. Masalan, 2005-yilda Portugaliya va 2006-yilda Buyuk Britaniya hukumatlari universal genetik baza yaratish haqida qaror qilishadi. Biroq, katta miqdordagi moliyaviy harajatlardan, inson huquqlari tashkilotlarining e'tirozlari va katta hajmdagi texnik muammolar mavjudligi yuqoridagi hukumatlarning bu g'oyadan voz kechishga majbur qildi[4]. Shu vaqtgacha biror-bir davlat universal genetik bazani yarata olmagan.

Selektiv genetik ma'lumotlar bazasi aholining ma'lum bir qatlamidagi shaxslardan genetik profillarni ajratib olish va saqlashga qaratilgan bazasi tushuniladi. Hozirda huquqni muhofaza qiluvchi barcha organlar foydalanuvchidagi genetik bazalar aynan selektiv genetik ma'lumotlar bazasi hisoblanadi. Uning afzalligi xalqaro tajribaning yetariligi, nisbatan kamchiqimligi, fuqarolarning konstitutsion huquqlarini yetarli himoyalashi, texnik jihatdan soddaroq tuzilishi kabilardir. Asosiy kamchiligi esa foydali ish koeffitsenti ancha pastligidir, ya'ni xalqaro tajribada genetik ma'lumotlar bazalari orqali fosh etilgan jinoyatlar nisbati ancha kam. Masalan, Buyuk Britaniyada genetik baza orqali identifikatsiya qilingan

jinoyatchining fosh etilgan umumiy jinoyatlardagi ulushi bor yo'g'i 2,3% tashkil qiladi[6]. Rossiya Federatsiyasida esa bu ko'rsatgich undan ham kam, ya'ni 0,6%ga teng[5].

Baza uchun taqdim etilgan biomateriallari tarkibida to'liq genom ma'lumotlarini saqlaydi. Laboratoriyalarda biologik namunadan ajratilgan DNKning faqat "genetik markerlar" deb nomalanuvchi maxsus qismlari tahlil qilinadi. Bu genetik markerlar har bir shaxs uchun xuddi barmoq izlari kabi individual belgi hisoblanadi. DNK markerlarining juda ko'p turlari borligiga qaramay, identifikatsiya maqsadlari uchun asosan STR (ing. Short Tandem Repeats) markerlardan foydalaniladi[1]. Mazkur markerlar DNK molekulasida bir necha marta qaytariluvchi qisqa tandemlardan tashkil topgan. Taxlil natijasida hosil bo'lgan DNK profil ma'lum harflar va sonlardan tashkil topgan jadval ko'rinishida bo'ladi. Hozirgi kunda dunyoda genetik bazada foydalaniluvchi DNK markerlarning soni bo'yicha yagona standart yo'q va har bir davlat o'z qonunchiligi va imkoniyatlaridan kelib chiqib markerlar sonini o'zi belgilaydi. Masalan, 1994-yilda Buyuk Britaniyada dunyodagi birinchi yaratilgan genetik ma'lumotlar bazasi uchun 7 xil markerlardan foylanilgan bo'lsa, keyinchalik 1999-yilda 11 xil va 2017-yilda 17 xil markerlardan foydalaniladi. AQSHning federal qidiruv byurosining CODIS bazasida 1998-yildan 2016-yilgacha 13 xil markerlardan foydalangan bo'lsa, hozirda ularning soni 20taga teng [7]. Yuqoridagi misollardan bazalar uchun foydalaniluvchi genetik markerlar soni yildan-yilga oshib borayotganini ko'rish mumkin.

Genetik identifikatsiya orqali olinadigan dalilning ishonchliligi boshqa dalillar bilan solishtirganda eng yuqori o'rinlardan birini egallaydi. Jinoyatchi voqea sodir bo'lgan joyda boshqa izlarga nisbatan biologik izlarini qoldirish ehtimoli yuqori bo'ladi. Texnologiyalarning hozirgi rivojlanish bosqichida har qanday eng minimal biomaterialga ega bo'lgan predmetlardan ham yaroqli DNK profilni ajratib olishi va ularni solishtirish orqali jinoyat sodir etgan shaxsni tez fursatlarda aniqlab olish imkonini beradi. Genetik ma'lumotlar bazasini davlat tasarrufida bo'lishi jinoyatlarni tezkorlik bilan ochish va ularni profilaktikasida huquqni muhofaza qiluvchi idoralarga juda katta ustunlikni beradi. Genetik ma'lumotlar bazasini yaratish uchun avvalambor uning huquqiy asosi bo'lgan tegishli bo'lgan qonun qabul qilish zarur. Bunday qonun mamlakatimizda 2020-yil 24-noyabr kunida qabul qilingan. Genom bo'yicha davlat ro'yxatiga olish to'g'risidagi mazkur qonunga ko'ra 2023-yil 1-yanvar sanasidan respublikamizda kuchga kiruvchi qonun aynan genetik baza yaratilishini huquqiy asosi bo'lib xizmat qilishi lozim edi[8]. Biroq, qonun kuchga kirganiga qaramasdan respublika miqyosidagi genetik ma'lumotlar bazasi shu kunga qadar yaratilmagan bo'lib, maqoladagi ma'lumotlar va jahon tajribasi uning yaratilishida foydali bo'ladi deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Butler J. M. Advanced Topics in Forensic DNA Typing: Methodology. Academic Press, 2011. 704 p.

2. National DNA Database Strategy Board Annual Report 2017/18 (2019). URL: <https://www.gov.uk/government/publications/national-dna-database-annualreport-2017-to-2018>
3. Police and Criminal Evidence Act 1984. URL: <https://www.legislation.gov.uk>
4. Police chiefs against universal DNA database. 27 June 2008. URL: <http://rinf.com/alt-news/surveillance-big-brother/police-chiefs-against-universal-dna-database>
5. Schneider P. M., Martin P. D. Criminal DNA databases: the European situation // Forensic Sci Int. 2001. Vol. 119, issue 2. P. 232–238
6. МВД России. Состояние преступности в России за январь – декабрь 2019 г. М., 2020. УПЛ: <https://media.mvd.ru/files/application/1748898>
7. FBI DNA Data Requirements. URL: <https://www.fbi.gov/services>
8. Genom bo'yicha davlat ro'yxatiga olish to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasining qonuni, 24.11.2020-yildagi O'RQ-649-son

СУЛТОНОВА Лобар Мамарайим кизи

Самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета

РОЛЬ ИНСТИТУТА ЭКСТРАДИЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Аннотация: в статье рассказывается о понятии и сущности экстрадиции, ее роли и значении в совершенствовании уголовного законодательства.

Ключевые слова: экстрадиция, преступление, ответственность.

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЭКСТРАДИЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ

Аннотация: Мақолада экстрадиция тушунчаси ва мазмун-моҳияти, унинг жиной қонунчиликни такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамияти борасида сўз юритилган.

Калит сўзлар: экстрадиция, жиноят, жавобгарлик.

THE ROLE OF THE INSTITUTE OF EXTRADITION IN IMPROVING CRIMINAL RESPONSIBILITY

Abstract: the article describes the concept and essence of extradition, its role and significance in improving criminal legislation.

Key words: extradition, crime, responsibility.

Когда во всем мире наблюдается рост существующих преступлений и появление новых преступлений вызывает острую необходимость в тесном международном сотрудничестве в вопросах уголовного преследования лиц, виновных в совершении особо опасных преступлений.

Одним из эффективных правовых инструментов, обеспечивающих неотвратимость уголовной ответственности и наказания лиц, совершивших уголовно наказуемые деяния является институт экстрадиции. Наряду с обеспечением наступления уголовной ответственности через выдачу лица для привлечения к уголовной ответственности данный институт также исполняет вступивший в законную силу приговор.

Посредством экстрадиции осуществляется один из главных принципов уголовного права, закрепленного в статье 10 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, принципа неотвратимости ответственности, под которым подразумевается, что каждое лицо, в деянии которого установлено наличие состава преступления, должно подлежать ответственности.

Таким образом, экстрадиция – это официальная правовая процедура, при помощи которой одна страна (запрашивающее государство) просит другую (запрашиваемое государство) переместить то или иное лицо под её юрисдикцию для уголовного преследования или исполнения приговора по уголовному делу [1].

В этой связи, следует признать, что институт экстрадиции путем соблюдения соответствующих процессуальных порядков предусматривает возможность получения государством как обвиняемого для осуществления уголовного преследования, так и осужденного для исполнения ранее вынесенного приговора.

Уголовная ответственность – это обязанность человека отвечать перед судом за преступление, предусмотренное уголовным законодательством.

Под уголовной ответственностью понимается обязанность лица, совершившего преступление, отвечать за содеянное в соответствии с уголовным законом. При этом, нужно помнить, что под ней подразумевается уголовно-правовое отношение в целом, т.е. урегулированное уголовным законом отношение между преступником и государством в лице правоприменительных органов путем применения мер уголовно-правового воздействия.

Следует помнить, что институт экстрадиции, являясь одним из направлений международного сотрудничества в сфере борьбы с преступностью, обеспечивает достижение целей уголовного процесса, восстановление нарушенных правоотношений, поддержание нормативов равенства и справедливости в обществе, неотвратимость наказания, несмотря на территориальные разграничения юрисдикции разных стран [2, с. 74].

Введение в наше национальное уголовно-процессуальное законодательство раздела четырнадцатого, регулирующего международное сотрудничество в сфере уголовного судопроизводства с 28 сентября

2010 года, послужило значительным шагом в пути оптимизации правоприменительной практики в этой области. В связи с чем, на национальном уровне процессуальный порядок экстрадиции получил законодательное закрепление. Включение соответствующих глав, регламентирующих основные положения о порядке взаимодействия судов, прокуроров, следователей и органов дознания с компетентными органами иностранных государств (глава 64) и выдача лица для привлечения к уголовной ответственности или исполнения приговора (глава 65), определило круг государственных органов, оказывающих правовую помощь компетентному органу иностранного государства в производстве отдельных процессуальных действий, связанных с вопросами экстрадиции.

Также закрепило порядок направления запроса, то есть требования выдавать друг другу лиц, находящихся на их территории, для привлечения к уголовной ответственности или для приведения приговора в исполнение.

Несомненно, процедура экстрадиции направлена на повышение международного сотрудничества по вопросам уголовного правосудия. Защита прав человека является неременным условием данной процедуры. Официальное оформление правовых процедур направлено на обеспечение защиты прав человека соответствующих лиц [3].

УНП ООН призывает использовать экстрадицию в качестве единственного способа перемещения лиц и подчёркивает, что любой способ перемещения должен «полностью соответствовать требованиям надлежащей процедуры, а также соответствующему международному праву в области прав человека» [4].

Основным региональным договором об экстрадиции в странах СНГ по-прежнему является Конвенция СНГ о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам 1993 года, с изменениями, внесёнными Протоколом от 28 марта 1997 года («Минская конвенция»). Она устанавливает обязательство государств по экстрадиции лиц, находящихся на их территории, для привлечения к уголовной ответственности за деяния, которые караются лишением свободы на срок не менее одного года[5].

Также существует Конвенция СНГ о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным вопросам 2002 года («Кишинёвская конвенция») устанавливает более широкий перечень оснований для отказа в экстрадиции лица, к которым, помимо прочего, относится потенциальный ущерб суверенитету и безопасности запрашиваемого государства; веские основания полагать, что запрос о выдаче связан с преследованием лица по признаку расы, пола, вероисповедания, этнической

принадлежности или политических убеждений; если лицу предоставлено убежище на территории запрашиваемого государства или имеются иные основания, предусмотренные в международном договоре, участниками которого являются запрашивающее и запрашиваемое государства [6].

В связи с изложенным, необходимо уделить большее внимание на степень правового регулирования и организационной проработки процедур реализации выдачи для привлечения к уголовной ответственности. В настоящее время мы можем наблюдать увеличение количества норм международного права, регулирующих процесс выдачи, которые в свою очередь относятся к категории норм, обеспечивающих права человека и норм внутреннего национального права, относящихся к отраслевому законодательству, в частности к конституционному, уголовному и уголовно-процессуальному праву. Всё же следует отметить, что основным препятствием для быстрых и эффективных процедур экстрадиции является несоблюдение прав человека в запрашивающих странах, а не наличие механизмов по обеспечению соблюдения соответствующих норм. Очень важно, чтобы законодательство в области прав человека было унифицировано путём адаптации международного права и стандартов. Если данная цель будет достигнута, то сотрудничество по уголовным вопросам станет более оперативным, справедливым и эффективным.

Библиографические ссылки:

1. УНП ООН. Типовой договор о выдаче. Ч. 1, статья 1.
2. Рахронова С. Перспективы судебного контроля за осуществлением экстрадиции как важной функции судебной власти // Общество и инновации. 08 (2022) / ISSN 2181-1415. – 74-79 с.
3. Dr Helen McDermott. Extraterritorial abduction under the framework of international law: does irregular mean unlawful? Диссертация / Ирландский центр по правам человека, Юридический колледж бизнеса, публичной политики и права // Ирландский национальный университет в Голуэе. С. 41.
4. УНП ООН. Типовой закон о борьбе с терроризмом, Глава V, статья 1.
5. Минская конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам. 1993. Статья 56.
6. Кишинёвская конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам. 2002. Статья 89.

IBRAGIMOV Xakim Baxritdinovich

O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti magistraturasi tinglovchisi

VIDEOKUZATUV TIZIMLARI XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA XAVFSIZLIK TEXNIKASINING AHAMIYATI

Annotatsiya. Ushbu maqolada videokuzatuv tizimlarining xavfsizligini ta'minlashda xavfsizlik texnikasining muhim roli muhokama qilinadi. Maqolada shifrlash, mijoz server texnologiyasida kirishni boshqarish, video tahlili va jismoniy xavfsizlik choralari kabi videokuzatuv tizimlarida qo'llaniladigan ba'zi asosiy xavfsizlik texnikasi ta'kidlangan.

Kalit so'zlar: xavfsizlik texnikasi, video kuzatuv tizimi, shifrlash, kirish nazorati, video tahlil, jismoniy xavfsizlik choralari, xavfsizlikning buzilishi, ruxsatsiz kirish, nozik ma'lumotlar, vizual kuzatuv.

ЗНАЧЕНИЕ ТЕХНИКИ БЕЗОПАСНОСТИ ПРИ ОБЕСПЕЧЕНИИ БЕЗОПАСНОСТИ СИСТЕМ ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ

Аннотация. В данной статье рассматривается важная роль охранного оборудования в обеспечении безопасности систем видеонаблюдения. В статье освещены некоторые ключевые методы обеспечения безопасности, используемые в системах видеонаблюдения, такие как шифрование, контроль доступа в технологии клиент-сервер, видеоаналитика и меры физической безопасности.

Ключевые слова: техника безопасности, система видеонаблюдения, шифрование, контроль доступа, видеоанализ, меры физической безопасности, нарушение безопасности, несанкционированный доступ, конфиденциальные данные, визуальное наблюдение.

THE IMPORTANCE OF SAFETY TECHNIQUES IN ENSURING THE SECURITY OF VIDEO SURVEILLANCE SYSTEMS

Abstract. This article discusses the important role of security equipment in ensuring the security of video surveillance systems. The article highlights some of the key security techniques used in video surveillance systems, such as encryption, access control in client-server technology, video analytics, and physical security measures.

Keywords: security technique, video surveillance system, encryption, access control, video analysis, physical security measures, security breach, unauthorized access, sensitive data, visual surveillance.

Milliy gvardiya obyektlari qo'riqlash tizimlarida qo'llaniladigan texnik vositalarning harakatlanishi ta'qiqlangan hududlarda tartibbuzarlarni aniqlash, tartibbuzarlik haqida ma'lumotlarni uzatish, qabul qilish, qayta ishlash, tartibbuzarlarni ushlab qolish, obyektlarda tezkor aloqani tashkil etish va ta'qiqlangan hududlarni kuzatish, texnik qo'riqlash vositasi (TQV) majmuasining barcha

elementlari ishlashini nazorat qilish bo'yicha belgilangan vazifalarni bajarish bilan bog'liqdir. Texnik qo'riqlash vositalarining asosiy afzalligi obyektlarda odamlarning xavfsizligini, kuzatilishning yuqori aniqligini va tezkor ta'sirlanishni ta'minlash, qo'riqlashda jalb etiladigan jismoniy kuchning sonini kamaytirishdan iboratdir.

Videokuzatuv tizimlari turli muhitlarni, jumladan, jamoat joylari, biznes binolari va turar-joylarni vizual kuzatish va monitoringini ta'minlashda muhim vositaga aylandi. Ushbu tizimlar turli maqsadlarda, masalan, jinoiy faoliyatni aniqlash, gumonlanuvchilarni aniqlash va xodimlarning ish faoliyatini nazorat qilish uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan video tasvirlarni olish va yozib olish uchun mo'ljallangan. Biroq, videokuzatuv tizimlari xavfsizlikni buzish, ruxsatsiz kirish va nozik ma'lumotlarni o'g'irlash uchun zaif bo'lishi mumkin. Shunday qilib, ushbu tizimlarning xavfsizligi va yaxlitligini ta'minlash uchun tegishli xavfsizlik texnikasini joriy etish juda muhimdir.

Xavfsizlik texnikasi videokuzatuv tizimlari xavfsizligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Ushbu usullar ruxsatsiz kirishning oldini olish, xavfsizlik buzilishini aniqlash va maxfiy ma'lumotlarni o'g'irlik yoki shikastlanishdan himoya qilishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqola video kuzatuv tizimlari xavfsizligini ta'minlashda xavfsizlik texnikasining ahamiyatini muhokama qilishga qaratilgan. Maqolada mijoz server texnologiyasi, video tahlili va jismoniy xavfsizlik choralari kabi videokuzatuv tizimlarida qo'llaniladigan ba'zi asosiy xavfsizlik texnikasi ta'kidlanadi. Ushbu usullarni qo'llash orqali tashkilotlar maxfiy ma'lumotlarni himoya qilishi, xavfsizlik buzilishining oldini olishi va videokuzatuv tizimlarining yaxlitligini saqlashi mumkin.

Kirish nazorati videokuzatuv tizimlarida qo'llaniladigan yana bir muhim xavfsizlik texnikasidir. Kirish nazorati tizimga kirishni cheklash uchun parollar, biometrik tekshirish yoki smart-kartalar kabi autentifikatsiya mexanizmlaridan foydalanishni o'z ichiga oladi. Ushbu usul faqat vakolatli xodimlar tizimga va undagi maxfiy ma'lumotlarga kirishini ta'minlaydi.

Video tahlili, shuningdek, video kuzatuv tizimlarida qo'llaniladigan muhim xavfsizlik texnikasi hisoblanadi. Video tahlili video tasvirlarni tahlil qilish va shubhali xatti-harakatlar yoki faoliyatni aniqlash uchun dasturiy ta'minotdan foydalanishni o'z ichiga oladi. Ushbu usul xavfsizlik xodimlariga profilaktika choralarni ko'rish imkonini beruvchi potensial xavfsizlik tahdidlarini muammoga aylanishidan oldin aniqlashga yordam beradi [1].

Shuningdek, korxonalar kuzatuv tizimlarini kuzatib boradigan va biror narsa sodir bo'lganda xavfsizlikni ogohlantiradigan yechimlarga muhtoj -



1-rasm. Hududni kuzatuv kamerasi orqali nazorat jarayoni.

eng yaxshi yechim bu video tahlilidir. Video tahlili xavfsizlikni yaxshilaydigan funksiyalar tufayli kuzatuv sanoatida juda ko'p qo'ng'iroqlarni keltirib chiqaradi. Misol tariqasida, Tripwire aniqlash: xavfsizlik kameralari orqali video tahlillari kimdir virtual chegarani kesib o'tishini aniqlashi mumkin.

Bundan tashqari, ular avtomobilning kelishini kuzatishga qodir. Ushbu usullardan tashqari, video kuzatuv tizimlarini himoya qilish uchun qulflar, kameralar va signalizatsiya kabi jismoniy xavfsizlik choralari ham qo'llaniladi. Ushbu choralar ruxsatsiz kirishni oldini olish va tizimni jismoniy shikastlanishdan himoya qilish uchun mo'ljallangan.

Obyekt hududini nazorat qilishga mo'ljallangan kuzatuv kameralari iqlimiy omillar ta'sirida ishlay oladigan bo'lishi yoki iqlimiy omillar ta'sirida ham ishlashga mo'ljallangan germetik - termokojux ichiga o'rnatilishi kerak.

Tungi vaqtlarda qo'riqlanayotgan hudud yoritilishi videokuzatuv kamerasi sezuvchanligidan past bo'lganda, ko'rinadigan yoki infraqizil diapazondagi nurli qo'riqlash yoritilish tizimi yoqilishi zarur. Qo'riqlash yoritishning hududi videokuzatuv kamerasi ko'rish hududi bilan mos bo'lishi kerak. Bitta videokuzatuv kamerasi orqali obyektning katta hududlarini kuzatish maqsadida, masofaviy o'zgaruvchan fokusli obyektiv va masofadan turib boshqariluvchi aylanma qurilmalarni qo'llash tavsiya etiladi. Obyekt xonalaridan tashqarisida o'rnatilgan videokuzatuv kamerasi to'plamiga avtomatik boshqariluvchi diafragmali obyektiv kiritilishi kerak. Videokuzatuv kameralaridan kelgan ma'lumotlarni aks ettirish maqsadida, uzoq muddat davomida qo'zg'almas tasvirlar bilan ishlashga mo'ljallangan videoma'lumotlarni tasvirga chiqarish qurilmalari qo'llanilishi kerak.

Barcha videoma'lumotlar raqamli video to'plagichlarga yozilishi kerak. Videoarxiv uzluksiz rejim hamda tartibbuzarning qo'riqlash zonasiga kirib kelishi haqidagi tashvish signali bo'yicha yozib borilishi zarur. Videoma'lumotlarni bir oy muddatda saqlash maqsadga muvofiqdir [2]. Videokuzatuv tizimlarining asosiy funksiyalari - obyekt hududini ma'lum bir qismlarining videomonitoringini olib borish va xavfsizlik xizmati operatoriga idrok etish, qayta ishlash va saqlash uchun maqbul bo'lgan ko'rinishdagi vizual ma'lumotlarni taqdim etishdan iborat. Modomiki xavfsizlikni ta'minlovchi texnik vositalar tuzilmasida videokuzatuvning asosiy vazifasi bo'lib qo'riqlanadigan obyektga begona shaxslarning kirib borishiga yo'l qo'ymaslik hisoblanganligi bois, videokuzatuv tizimlarini qo'llash joylariga darvozalar (eshiklar), perimetr to'sig'i hamda obyekt atrofidagi yo'llar va hududlar kiradi. Xavfsizlik xizmatining o'ziga xos vazifalarini hal etish zaruriyati yuzaga kelganda videokuzatuv tizimlarining videokameralari ma'lum bir muhim zonalarga qaratilishi mumkin.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, video kuzatuv tizimlari turli muhitlarni vizual kuzatish va monitoringini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi, lekin ular xavfsizlik

buzilishi, ruxsatsiz kirish va nozik ma'lumotlarni o'g'irlashda zaif bo'lishi mumkin. Ushbu tizimlarning xavfsizligi va yaxlitligini ta'minlash uchun shifrlash, kirishni boshqarish, video tahlillari va jismoniy xavfsizlik choralari kabi to'g'ri xavfsizlik texnikasi muhim ahamiyatga ega. Xavfsizlikka ko'p qatlamli yondashuvni amalga oshirish videokuzatuv tizimlarini xavfsizlik tahdidlaridan himoya qilishning eng samarali usuli hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Prabha, M. S., & Nagarajan, V. (2017). A survey on security issues in video surveillance systems. International Journal of Advanced Research in Computer Science, 8(4), 69-73.
2. Yusupov U.A., Erkinov A.U., Xavfsiz shahar konsepciyasida video kuzatuv tizimlari va tizimni himoyalash usullari // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH// Volume 2, Issue 12 November 2022. 930-933-betlar.
3. Achilov F.B., Ochilov I.N., Mastanov N.T., Tadjitdinov G.B., Fyodorov A.B., Bozorov A.A., Murakayev I.I. Texnik qo'riqlash vositalari: Darslik. – T.: HTI, 2020. – 400 bet.

ЌИРВИЗАЛИЕВ Ќобилжон

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги унверситети
мустақил изланувчиси*

ИХТИЁРИЙ СУБСИДАР ЖАВОБГАРЛИК - ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада ихтиёрый субсидар жавобгарлик, уни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, етказилган зарарни ўрнинини қоплашда МИБ ходимларининг роли ҳамда бу борада амалиётда юзага келаётган муаммолар тўғрисида сўз юритилган.

Калит сўзлар: субсидар жавобгарлик, ихтиёрыйлик, МИБ, зарар, мажбурият.

ДОБРОВОЛЬНАЯ СУБСИДИАРНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР УСТРАНЕНИЯ ПОСЛЕДСТВИЙ ПРАВОНАРУШЕНИЯ

Аннотация. В статье рассказывается о добровольной субсидиарной ответственности, правовых основах ее предоставления, роли сотрудников МИБ в возмещении причиненного ущерба, а также о проблемах, возникающих на практике в связи с этим.

Ключевые слова: субсидиарная ответственность, дискреция, МИБ, убытки, материальная ответственность.

VOLUNTARY SUBSIDIARY LIABILITY IS AN IMPORTANT FACTOR IN ELIMINATING THE CONSEQUENCES OF AN OFFENSE

Annotation. The article describes voluntary subsidiary liability, the legal basis for its provision, the role of MIB employees in compensation for damage caused, as well as the problems that arise in practice in this regard.

Keywords: subsidiary liability, discretion, MIB, damages, liability.

Одатда хар қандай ҳуқуқбузарлик оқибатида моддий ёки маънавий зарар етказидирилса, ушбу зарар келишув асосида, маъмурий орган ёки суд қарори асосида қопланиши лозим бўлади. Бундан ташқари муайян субъектлар зиммасида бошқа субъектларга нисбатан давомийлик асосида тўловларни амалга ошириш мажбурияти юкланади (масалан, алимент тўловлари, кредитларни график тўловлар асосида қайтариш ва ш.к.). Умумий қоида бўйича тўловлар зиммасига юкланган шахс томонидан ўз муддатида ва тўлиқ равишда ижро этилиши лозим. Бироқ, қарздор шахс хар доим ҳам тўловларни ўз муддатида ва тўлиқ равишда тўлай олмайди. Агар қарздор учун тўловларни амалга оширмаслик муайян салбий оқибатлар вужудга келтирадиган бўлса, бизнинг халқимиз менталитети бўйича қарздорга ёрдам бериш жараёни бошланиши мумкин. Масалан, ота-она ёки ака ука алимент тўловларини тўлашга ёрдам бериши ва хатто ўзлари буни тўлиқ тўлаш ҳоллари амалиётда учраб туради. Баъзи жиноий қилмиш содир этган шахслар етказилган моддий зарарларни тўласалар, оқибатларни бартараф этсалар уларга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони тайинлаш бўйича суд амалиёти мавжуд. Зотан профессор М.Рустамбаев таъкидлаганидек, етказилган зарарни маънавий ёки моддий шаклда қопланиши ҳуқуқбузарликдан аввалги нормал ҳолатга қайтарилиши жиноят қонунининг муҳим вазифаларидан бўлиб хисобланади¹.

Бир шахснинг мажбуриятини бошқа шахс томонидан бажарилиши қонунга қай даражада мувофиқлиги масаласига бир хилда жавоб йўқ. ЖК, ЖПК бундай ҳолларда учинчи шахслар зиммасига жавобгарлик юкламайдилар. Лекин ФКнинг 993-996-моддаларида “Хусусий мулк тўғрисидаги” Қонунда, “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” Қонунда, “Хўжалик ширкатлари тўғрисидаги” Қонунда субсидар жавобгарлик конструкцияси белгиланган. Яъни бунда асосий қарздор ва субсидар (қўшимча) қарздор мавжуд бўлади. Мажбурият асосий қарздор томонидан бажарилмаган тақдирда МИБ тегишли ижро ҳужжатида кўра субсидар қарздор мол-мулкига ундирувни қаратади. Субсидар жавобгарликнинг моҳияти ушбу ҳолатларда намоён бўлади. Қонунда белгилаб қўйилган мажбурий субсидар қарздорликдан ташқари мамлакатимизда ихтиёрийликка асосланган субсидар қарздорлик конструкциялари ҳам кенг қўлланилмоқда. Туғишган ака-ука, опа-сингиларининг қарзини тўлашни зиммасига олган яқин қариндошлар хатти харакатлари мотивациясини

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. 1 том. 15-б. Yuridik adabiyotlar publish. 2021 й.

тушуниш мумкин. Бунда албатта, меҳр-оқибат, ҳамдардлик, ачиниш ўз жигарини оғир жазолардан қутқариб қолишга интилиш туйғулари етакчи ўрин эгаллайди. Бундай ихтиёрий қўшимча жавобгарликни ўз зиммасига олган фуқаролар хатти ҳаракатлари ҳозирга қадар легитим асосга эга эмас. МИБ ходимлари мажбуриятлар гўёки асосий қарздор томонидан ижро этилгани ҳақида ёзувлар киритадилар. Бундай анъана қадимда ҳам бор бўлган, албатта жинойт қонунларида, маъмурий жавобгарлик қонунларида биров учун биров жавоб бермайди, ҳар ким ўз қилмиши учун ўзи жавоб беради ёндашувлари ўз мужассамини топган. Лекин амалда бошқа учинчи шахларнинг ихтиёрий равишда жавобгарликни ўз зиммасига олиш ҳолатларига нисбатан оммавий ҳуқуқий жавобгарлик чоралари белгиловчи қонунлар ҳеч қандай муносабат билдирмайди. Ихтиёрий жавобгарлик асосида мажбуриятларини ижро этиш ноҳуқуқий майдонда қолиб кетади ва ахлоқ одоб, маънавий қадриятлар, анъаналар орқали тартибга солинади.

Бундай ихтиёрий субсидар жавобгарликни ҳуқуқий майдонга кўчириш истиқболлари борми, уни ҳуқуқий майдонга кўчириш қай даражада ўринли бўлар эди деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб сифатида шуни айтиш мумкинки, биринчидан уни тўлиқ ҳуқуқий майдонга кўчириш мақсадга мувофиқ бўлмаган бўлар эди чунки, ихтиёрий субсидар жавобгарлик субъектлари хатти ҳаракатлари мотивацияси батамом маънавий қадриятлар, урф-одат, анъаналар, ахлоқий тамойилларга таянади. Бироқ бошқа жиҳатдан олганда ихтиёрий субсидар жавобгарлик билан боғлиқ муайян низоли ҳаракатлар чиқиб келмаслигига ҳам ҳеч ким кафолат бермайди. Масалан, ихтиёрий субсидар жавобгарликни зиммасига олиб мажбуриятни бажарган учинчи шахс асосий қарздорга нисбатан эътирозлар билдира оладими? Регресс талаблар қўя оладими? Шу сабабли ҳам унинг баъзи жиҳатларини ҳуқуқий майдонга кўчириш ва тегишли равишда фуқаролик қонунчилигида ва муайян жузбий масалаларни хатто ЖК ёки ЖПКда маъмурий тартиб таомиллар тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйиш ўринли бўлар эди.

Биринчидан, ихтиёрий субсидар жавобгарлик субъекти мажбуриятни бажаришни қарши мажбурият билан (қарз, келгусида бошқа бир манфаатга асосланган ҳаракатларни содир этиш талаби) билан боғланмаслиги шарт.

Иккинчидан, ихтиёрий субсидар мажбурият субъекти МИБ расмий ҳужжатларида мажбурият у томондан бажарилганлиги ҳақида ёзув киритилишини талаб қилишга ҳақли бўлмоғи лозим.

Учинчидан, ихтиёрий субсидар жавобгарлик субъекти келгусида ҳар қандай ҳолда ҳам (хатто зўрлик ишлатиш, алданиш, қўрқитиш ва ш.к.) ҳолатларида ҳам давлат ғазнасига тўланган тўловлар ёхуд жабрланувчига тўланган тўловларни қайтариш ҳақида давлатга ёки жабрланувчига талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги шарт. Лекин тегишли ҳолатларда суд тартибида асосий қарздорга нисбатан регресс талаб билан чиқиш ёхуд алдаш, қўрқитиш, зўрлик ҳолатлари мавжуд бўладиган бўлса етказилган зарарни қоплаш ҳақида талаб қўйиш имкониятидан маҳрум бўлмаслиги лозим.

Суд ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни ижро қилиш қонунига ҳам муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда МИБ ходимлари асосий қарздор мол-мулкининг йўқлиги, касаллиги, оғир мушкул ахволга тушиб қолганлиги, қаерда эканлиги номаълумлиги, хорижий давлатга чиқиб кетганлиги ҳолатларида яшаш шароитлари яхши бўлган ўзига тўқ яқин қариндош-уруғларига ихтиёрий субсидар жавобгарликни зиммасига олиш таклифини ёзма равишда тақдим этиши ва улар рад этганда рад жавобини иш ҳужжатларига тикиб қўйиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу тамойилнинг жорий этилиши МИБ ходимлари томонидан қарздорнинг қариндош уруғларига нисбатан бошқача ғайри қонуний таъзиқлар ўтказилишини олдини олади.

Ихтиёрий субсидар жавобгарлик ҳуқуқий асосларини белгиланиши меҳр мурувват, маънавиятга асосланган кадриятларимизни тўлақонли амалга ошишига кўмаклашган, суд ҳужжатларини ижросини таъминлашни янги усулини вужудга келтирган ва энг асосийси жабрланувчилар, кредиторлар талабларини қаноатлантиришга имкон берган ва охир оқибатда ҳуқуқбузарликлар оқибатларини тўла-тўқис бартараф этишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавбгарлик Кодекси.
6. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси.
7. Ўзбекистон Республикаси Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисида қонун.
8. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар.

MIRAZOVA Shoxista Davron qizi

*O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
shoxistamirazova@gmail.com*

KIBERJINOYATLARNI TERGOV QILISHDA ISBOTLANISHI LOZIM BO'LGAN HOLATLAR

Annotatsiya: maqolada milliy va xalqaro tajribani tahlil qilish asosida axborot texnologiyalari, Internet, onlayn to'lov tizimlaridan foydalangan holda sodir etilgan kiberjinoyslarni tergov qilishda isbotlanishi lozim bo'lgan holatlar va ularni tergov qilishning xususiyatlari yoritilgan.

Kalit so'zlar: kiberjinoyat, kiberjinoyslarni tergov qilish metodikasi, fishing, internet, axborot- kommunikatsiya texnologiyalari

СИТУАЦИИ, ТРЕБУЮЩИЕ ДОКАЗЫВАНИЯ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация: в статье на основе анализа национального и международного опыта освещаются обстоятельства, подлежащие доказыванию, и их особенности при расследовании киберпреступлений, совершенных с использованием информационных технологий, Интернета, систем онлайн-платежей.

Ключевые слова: киберпреступление, фишинг, методика расследования киберпреступлений, интернет, информационно-коммуникационные технологии

SITUATIONS REQUIRING EVIDENCE WHEN INVESTIGATING CYBER CRIMES

Annotation: the article reveals the circumstances to be proved and their features in the investigation of cybercrimes committed using information technology, the Internet, online payment systems, based on the analysis of national and international experience.

Keywords: cybercrime, phishing, methods of investigation of cybercrimes Internet, information and communication technologies

Bugungi kunda global axborot maydonida kiber makon bilan bog'liq yangidan-yangi tahdidlar yuzaga kelmoqda. Zamonaviy dunyoda butun insoniyat uchun axborot sohasidan kelayotgan xavflar, xususan turli kiber hujumlar xavfi hamon saqlanib qolmoqda.

Har bir jinoyat tabiatan individualdir. Ammo bu alohida mos keladigan elementlar uchun ilgari qilingan har qanday narsaga xos bo'lishi mumkin yoki bo'lmasligi mumkin. Shu bilan birga, huquqni qo'llash amaliyotidan olingan umumiy bilimlar ma'lum bir tarkibni tekshirishda foydali bo'lishi mumkin bo'lgan holatlar doirasini ajratib ko'rsatishga imkon beradi:

1. Jinoyat-protsessual qonunining qoidalariga ko'ra, vakolatli shaxs har qanday sodir etilgan yoki tayyorlanayotgan jinoyat to'g'risidagi xabarni qabul qilishi, tekshirishi va o'z vakolati doirasida qonun hujjatlarida belgilangan muddatda qonuniy va asosli qaror qabul qilishi shart. Bundan tashqari, allaqachon ma'lum bo'lgan jinoiy faktlarni tasdiqlash yoki rad etish uchun ham, yangilarini aniqlash uchun ham. Masalan, klubning noqonuniy moliyaviy-xo'jalik faoliyati to'g'risidagi xabarni dastlabki tekshirish davomida qimor o'yinlarini o'tkazish uchun o'yin uskunalari, shuningdek, o'yin zonasi tashqarisidagi Internet tarmog'idan noqonuniy foydalanish faktlari aniqlandi [1].

Jinoyat to'g'risidagi xabarni tekshirish bosqichida quyidagi holatlar aniqlanishi lozim:

- jinoyat sodir etilganligi (ko'rib chiqilayotgan harakat jinoyatmi);

- jinoiy tajovuz obyekti [2] (zamonaviy kiberjinoyatni tahlil qilib, u faqat kompyuter ma'lumotlari/tizimi bilan cheklanmaydi degan xulosaga kelish mumkin);
- jinoyat sodir etilgan joy (jinoyat sodir etilgan joylar bir-biridan ancha uzoqroq bo'lishi mumkin, shuningdek, bir nechta bo'lishi mumkin), zararli oqibatlar sodir bo'lgan joy, jinoyat sodir etilgan vaqt;
- jinoyat sodir etish usuli, shu jumladan kiber texnologiyalar roli
- kompyuter tizimining ishlash tartibi, kompyuter ma'lumotlariga kirish shartlari, himoya vositalari;
- jinoyat qoldirgan izlar;
- zararning hajmi va sifat tarkibi;
- jabrlanuvchining (jismoniy yoki yuridik shaxsning) va jinoyat sodir etgan shaxsning shaxsi;
- jinoyat sodir etishga yordam beradigan sabablar va shartlar.

Jinoyat izlarini aniqlash, tuzatish va olib qo'yish jinoyat ishini sifatli tergov qilishning muhim shartidir.

Ushbu toifadagi ishlarda yetkazilgan zarar nafaqat mulkiy, jismoniy va ma'naviy, balki ishbilarmonlik obro'siga ham zarar yetkazishi mumkin.

Agar jabrlanuvchining shaxsi, qoida tariqasida, darhol ma'lum bo'lsa, unda jinoyat sodir etgan shaxsni aniqlash biroz kuch talab qiladi, chunki kiberjinoyatlar, aksariyat hollarda, noaniq toifaga kiradi.

Ushbu holatni aniqlash, ko'proq darajada, profilaktika maqsadiga ega.

2. Muayyan jinoyat tarkibi belgilarini ko'rsatadigan ma'lumotlarning yetarliligi vakolatli shaxs tomonidan amaldagi amaliyotni hisobga olgan holda baholanadi. Shubhasiz, dastlabki ma'lumotlarning miqdori ma'lum bo'shliqlarga ega. Dastlabki tergov jarayonida ularni to'ldirish kerak. Ko'rib chiqilayotgan toifadagi ishlarda dastlabki tekshiruvlar materiallarining aksariyat qismida jinoyat sodir etgan shaxs to'g'risida ma'lumotlar mavjud emas. Ko'pincha jinoyatning barcha izlari qayd etilmaydi va olib qo'yilmaydi.

3. Dastlabki ma'lumotlarni tahlil qilish va baholashdan so'ng, shuni ta'kidlash kerakki, uning hajmi boshqa kompozitsiyalardan unchalik farq qilmaydi, mavjud bo'shliqlarni hisobga olgan holda, tergov maqsadlarini tushunish kerak. Kiberjinoyatlar uchun ular boshqalarga ham xos bo'ladi: jinoyat faktini aniqlash, sodir bo'lgan hodisaning rasmini, mexanizmini tiklash, huquqbuzarlarni aniqlash va qidirish, ularning aybini isbotlash, zararni qoplash va boshqalar). Keyinchalik, ularga erishish usullari va vositalari aniqlanadi. Shuni yodda tutish kerakki, bunday jinoyatlarni tergov qilish, qoida tariqasida, texnik vositalar, tizimlar, dasturiy ta'minot va ko'plab ma'lumotlar bilan bog'liq bo'lib, ularning hajmi o'nlab yoki hatto yuzlab terrabaytlarda hisoblanishi mumkin, buning uchun maxsus texnologiyalar va ularni qayta ishlash vositalari, raqamli ma'lumotlarni tahlil qilishning ma'lum modellari kerak. Umuman olganda, maqsadlar jinoyat to'g'risidagi dastlabki ma'lumotlar miqdori bilan belgilanadi.

4. Bundan tashqari, jinoiy mexanizmni rekonstruksiya qilish uchun ishlatiladigan sud-tibbiyot vositalari va usullari (masalan, modellashtirish usullari, kompyuter simulyatsiyasi, o'tgan yillardagi jinoiy ishlar materiallarini tahlil qilish va boshqalar) qo'llaniladi. Jinoyat ishini tergov qilayotgan shaxs mavjud ma'lumotlar asosida aloqalar, korrelyatsiyalar va xulosalar ketma-ketligini tuzadi, jinoyat ijrochilari va buyurtmachisiga olib keladigan raqamli dalillarni to'playdi, bu ularning aybini isbotlash va javobgarlikka tortish imkonini beradi.

5. Ushbu toifadagi jinoyatlar bo'yicha amalga oshiriladigan tezkor-qidiruv tadbirlari, tergov va protsessual harakatlar xilma-xil bo'lib, qonun hujjatlarida belgilanganidan tashqari har qanday doirada cheklanmaydi. Ularni muvaffaqiyatli amalga oshirishning kaliti jinoiy ish bo'yicha tergov olib boruvchi shaxsning vakolati, shuningdek ishning o'ziga xos obyektlari bilan bog'liq holda maslahat yordamining sifati va o'z vaqtida bajarilishida yotadi. Amaliyot shuni ko'rsatadiki, maslahat yordamini ta'minlash tergovni amalga oshirayotgan shaxsga tegishli. Bunday mutaxassis aybdorlik dalillarini izlash va professional talqin qilish bilan shug'ullanadi. Kompyuter texnologiyalari va axborot sohasidagi mutaxassislardan tashqari, ushbu toifadagi jinoiy ishlarni tergov qilishda soha mutaxassislari eng ko'p talab qilinadi:

- moliyachilar, kredit va audit;
- iqtisodiy xavfsizlik;
- bank ishi;
- fuqarolik huquqi va jarayoni;
- tibbiyot va mehnatni muhofaza qilish va boshqalar.

Birgalikda va kelishilgan ish orqali butun jinoiy zanjir qayta tiklanadi. Shunday qilib, kiberjinoyatlarni tergov qilish ishining mazmunini qisqacha tahlil qilib, asosiy bosqichlarni ajratib ko'rsatish mumkin:

- dastlabki ma'lumotlarni olish;
- uni tahlil qilish, tergovning aniq maqsad va vazifalarini aniqlash;
- ularga erishish usullari va vositalarini aniqlash (ishtirokchilar doirasini aniqlash, ular bilan o'zaro munosabatlarni tashkil etish, zamonaviy isbotlash vositalaridan foydalanish imkoniyatini ta'minlash, dastlabki tekshiruvdagi bo'shliqlarni to'ldirish, dalillar bazasini to'plash, yetkazilgan zararni qoplash, jinoyat sodir etishga yordam beradigan holatlarni aniqlash, ularni bartaraf etish bo'yicha tavsiyalarni ishlab chiqish va amalga oshirish) [4].

Biroq, kiberjinoyatlarni tergov qilish bosqichlarining mazmuni boshqalardan unchalik farq qilmasligiga qaramay, maqsadlarga erishish usullari va vositalari har doim ham yangi va yuqori texnologiyali emas, ularning tergovi jinoiy ish bo'yicha tergov olib boradigan ko'pchilik mansabdor shaxslar uchun juda qiyin vazifa bo'lib qolmoqda [4]. Ushbu masalalar bo'yicha tergov va sud amaliyotini tizimlashtirilgan

umumlashtirishning yo‘qligi, tergovni tashkil etish va o‘tkazish bo‘yicha uslubiy tavsiyalarning yetishmasligi va o‘z vaqtida bajarilmasligi, ma’lum ma’lumot manbalari bilan ishlashning kam tajribasi, shuningdek, bunday mutaxassislarni tayyorlashning etarli emasligi kabi omillar bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Marie-Helen Maras. Computer Forensics: Cybercriminals, Laws, and Evidence. 2nd Edition. USA. Jones & Bartlett Learning, LLC. 2015. – 564 p.
2. Рустамбаев М. Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан //Особенная часть. – 2018. – Т. 3. – С. 83-91.
3. Sean E. Goodison, Robert C. Davis, and Brian A. Jackson. “Digital Evidence and U.S. Criminal Justice System”. The National Institute of Justice, U.S. Department of Justice. 2014. – p. 31.
4. Берова Д.М. Расследование киберпреступлений. –М. – 2018., -С.175

РАЗЗОҚОВ Самандар Эгамбердиевич

*Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси*

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ХУСУСИДА ТАҲЛИЛ

Аннотация: прокурор жиноят процессининг асосий иштирокчиларидан биридир, чунки жиноят процессининг барча босқичларида у жиноий процессуал фаолиятни амалга оширади. Мақолада прокурорнинг судгача бўлган босқичда ҳам, суд муҳокамаси босқичида ҳам вазифалари кўриб чиқилади. Шунингдек, муаллиф ўз мақоласида қонун чиқарувчи томонидан қабул қилинган ўзгаришлар билан ҳали ҳам ноаниқ боғлиқ бўлган олимларнинг хулосаларини таҳлил қилади.

Таянч иборалар: прокурор, жиноят процесси, прокурорнинг вазифалари, айблов, прокурор назорати, жиноий таъқиб, суриштирув, дастлабки тергов.

АНАЛИЗ ЗАДАЧ ПРОКУРОРА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация: прокурор является одним из главных участников уголовного процесса, так как на всех стадиях уголовного судопроизводства он осуществляет уголовно-процессуальную деятельность. В статье рассмотрены функции прокурора как на досудебной стадии, так и в стадии судебного производства. Так же автор в своей статье анализирует выводы ученых, которые до сих пор неоднозначно относятся к изменениям, принятым законодателем.

Ключевые слова: прокурор, уголовное судопроизводство, обязанности прокурора, уголовное преследование, прокурорский надзор, уголовное преследование, дознание, предварительное следствие.

ANALYSIS OF THE TASKS OF THE PROSECUTOR IN THE CRIMINAL PROCESS

Abstract: the prosecutor is one of the main participants in the criminal process, since at all stages of criminal proceedings, he carries out criminal procedural activities. The article examines the functions of the prosecutor, both at the pre-trial stage and at the stage of judicial proceedings. Also, the author in his article analyzes the conclusions of scientists who are still ambiguously related to the changes adopted by the legislator.

Keywords: prosecutor, criminal trial, prosecutor officials, accused, prosecutor for supervision, criminal procedure.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон-2030» Стратегиясининг 84-мақсади “Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мезонига айлантириш”[1] деб номланганлиги бугунги ислоҳотлар даврида жиноят процессуал фаолиятда ҳам қонунийликка риоя тилишини назорат этиш функцияларининг самарадорлигини ошириш зарурлигини тақозо этади.

«Функция» тушунчаси жиноят-процессуал фаолиятида алоҳида йўналишдир. Б.Х.Пулатовнинг фикрича:» прокурорнинг жиноят процессидаги вазифалари прокуратура органи мансабдор шахсининг прокуратуранинг қонунийлигини таъминлаш ва жиноий ишларни судда кўриб чиқишдаги давлат – ҳуқуқий мақсадни ифодаловчи муайян фаолият турларини бажариш мажбуриятидир» [2].

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-моддасига асосан «Суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади». Бу шуни аниқлатадики, прокурор жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ўз ваколатлари доирасида давлат номидан жиноят процессида давлат айбловини амалга оширишга, шунингдек дастлабки тергов органлари ва суриштирув органларининг процессуал фаолиятини назорат қилишга ваколатли мансабдор шахсдир. Яъни, ушбу нормани таҳлил қилиш асосида прокурорнинг жиноий процессдаги вазифаси айбловни амалга оширишда манфаатларни ҳимоя қилиш ва қонунийликни таъминлашдан бошқа нарса эмас деган хулосага келишимиз мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қонун чиқарувчи томонидан унга юкланган айблов роли прокурорнинг функцияларига сезиларли даражада таъсир қилади.

Келинг, прокурорнинг жиноий процессдаги функцияларини батафсил кўриб чиқайлик. Бунинг учун, бизнинг нуқтаи назаримиздан, аввал ушбу функцияларни прокурор жиноий иш юритишнинг судгача бўлган босқичларида амалга оширадиган (терговга қадар текширув, тергов ва суриштирув органлари

фаолиятини назорат қилиш), шунингдек фақат жиноий иш бўйича суд жараёни босқичида ижро этилиши мумкин бўлган функцияларни (давлат айбловни қўллаб-қувватлаш)га ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур масалани батафсил ўрганиш учун биз прокурорнинг ушбу функцияларининг ҳар бирини батафсилроқ очиб берамиз.

1. Айблов функцияси. Жиноят-процессуал кодексининг 33-34-моддаларида прокурор айблов тарафидир. Жиноят-процессуал кодексининг 382-моддасига кўра прокурор томонидан айблов хулосаси ёки жиноят иши бўйича айблов далолатномасини тасдиқлаш; жиноят ишини суриштирувчига, терговчига қўшимча тергов ўтказиш, айблов ҳажмини ўзгартириш ёки айбланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари малакасини ошириш ёки айблов хулосасини ёки айблов хулосасини қайта тузиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалари билан қайтариш каби ваколатларга эга.

Ушбу ваколатлар бўйича олимлар турли фикрларни билдирганлар. Жумладан, А. М. Багмет «ҳеч ким айблов хулосасини тасдиқламаслиги керак. Фақат терговчи айблов хулосаси имзолангандан ва тергов органи раҳбари орқали жиноий иш билан бирга судга юборилгандан сўнг, ўз ишининг натижалари учун шахсан жавобгар бўлади. Биз ҳам ушбу тезисга рози эмасмиз, чунки терговчининг функционал фаолияти ҳам мунозара мавзусидир»[3] деган фикрни билдирган.

А.С.Каретников ва С.А.Каретников, аксинча, “қонун чиқарувчининг фикрини қўллаб-қувватлаймиз: Тергов органлари вакиллари норози бўлмасликлари керак, аммо жиноят ишининг судга бориши йўлида прокурор борлиги учун қонун чиқарувчига миннатдор бўлишлари керак. Акс ҳолда, оқлов ҳукмлари ва судлар томонидан жиноят ишларини терговга қайтариш ҳолатлари сони сезиларли даражада ошган бўлар эди»[4] дейдилар.

Ўз моҳиятига кўра, прокуратура бу жиноят содир этганликда айбланаётган шахсни терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов даврида айбини фош этишга ва “ЖКнинг жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш”[5] дан ибора вазифасини бажарилишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятга масъул бўлган шахсдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида мувофиқ “қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокуратура жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларга мувофиқ айбловни амалга оширади»[6].

Демак, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айбини исботлаш, шунингдек уларга нисбатан жиноий процессуал айблов чораларини қўллаш учун ўз ваколатларидан самарали фойдаланиш прокурорнинг асосий вазифасидир.

Судгача бўлган босқичларда айбловнинг вазифаси ҳақида гапирганда, ушбу функцияни дастлабки тергов билан бирликда кўриб чиқиш керак. Айблов ва дастлабки тергов тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги олимлар орасида жуда мунозарали масала бўлиб, шунинг учун уларни фарқлаш керак.

Келинг, В.Т.Томин, М.П.Поляков, А.С.Александров каби муаллифларнинг фикрига мурожаат қилайлик, «жиноий таъқиб қилиш, ҳамма нарсадан ташқари, тергов органи томонидан амалга ошириладиган қидирув чораларини ҳам ўз ичига олади, жиноий иш қўзғатилишидан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин, шунга мос равишда жиноий фаолиятдан олдинги тезкор-қидирув фаолияти, кейин эса процессуал, шунингдек, давлат айблови кўриб чиқилиши керак»[7]. Шу билан бирга, ушбу муаллифлар айблов ва дастлабки терговнинг нисбати масаласини кўриб чиқмаганлар. Бизнинг фикримизча, «айблов» тушунчаси «дастлабки тергов» тушунчасига қараганда маъноси ва мазмуни жиҳатидан анча кенгроқ ва уни бир хил деб ишлатиб бўлмайди.

2. Назорат функцияси. Ушбу функция судгача бўлган босқичда тергов ва суриштирув органларининг жиноий таъқибни амалга оширишда жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига риоя этилишини назорат қилади. Масаланинг қизиқарли жиҳати шундаки, прокурор бу фақат судда жиноят ишини кўриб чиқишда айбловчининг ролини бажармайди. Прокурор қонунчиликка асосан ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиси ва қонунни ҳимоя қилувчи вазифасини бажаради. Яъни, прокурорнинг назорати вазифаси айблов тарафлари ва ҳимоя тарафларининг ҳуқуқларини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида «Қонун устуворлиги, қонунийлик бирлиги ва мустаҳкамланишини таъминлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокуратура тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилишини назорат қилади»[8] деб белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-моддаси иккинчи қисмига биноан прокурор жиноят-процессуал кодексда назарда тутилган ваколат доирасида суриштирув органларининг процессуал фаолиятини, шунингдек дастлабки тергов органларини назорат қилишга ваколатли мансабдор шахс ҳисобланади», деб белгиланганлиги орқали прокурорнинг назорат функцияси ўз ўрнини топади.

Жиноят процессида содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашни ташкил этиш прокурорнинг назорат функцияси ҳисобланади. Бунда асосий вазиф прокурорга берилган мазкур ваколатлардан самарали фойдаланишдир.

Ушбу функцияни прокурорнинг назорат соҳасидаги иштироки тўғрилиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шу маънода, прокурор ва терговчи келажакда жойларни ўзгартириши керак: прокурор-барча жиноий ишлар бўйича жиноий таъқиб (полиция

суриштируви) раҳбари сифатида табиий ролига қайтиши керак, унинг тўлиқ процессуал бўйсунисида далилий маълумотларни кидирадиган ва тўплайдиган суриштирув органлари мавжуд.

Суд терговчиси (ёки тергов судьяси), асосан, томонларнинг илтимосига биноан, томонлар томонидан тақдим этилган суд далиллари сифатида материалларни қонунийлаштириш бўйича тергов ҳаракатларини, шунингдек процессуал мажбурлаш чораларини қўлланилишини, жиноий жавобгарликка тортиш органлари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан суд назоратини амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Суриштирувчи ва терговчининг вазифаси объектив, тўлиқ ва ҳар томонлама тергов, прокурорнинг вазифаси эса дастлабки терговни амалга оширишда қонунга риоя этилишини назорат қилиш бўлса—да, уларнинг барчаси айблов тарафининг иштирокчилари ҳисобланади.

4. Айбловни қўллаб-қувватлаш. Прокурор томонидан умумий жиноий таъкиб доирасида амалга ошириладиган прокуратуранинг ушбу алоҳида вазифаси жиноий таъкибни амалга оширишдан келиб чиқади. Давлат айбловини қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) мустақил таркибнинг мавжудлиги (жиноят қонуни билан тақиқланган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида жиноят-процессуал тартибда оммавий тасдиқлашга қаратилган давлат айбловчисининг фаолиятини шакллантиради);

2) чегаралар (прокурор айблов хулосасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган пайтдан бошлаб пайдо бўлади ва ҳукм қонуний кучга киргандан кейин тугайди).

3) субъект таркиби (яъни, давлат айбловини қўллаб-қувватлаш мумкин: прокурор, унинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари ушбу ваколатларни амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга ошириш ҳуқуқига эга).

4) субъект таркиби (яъни, давлат айбловини қўллаб-қувватлаш мумкин: прокурор, унинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари ушбу ваколатларни амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга ошириш ҳуқуқига эга).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қонун чиқарувчи прокурорнинг прокуратура томони сифатида ролини аниқ белгилайди, лекин шу билан бирга унга назорат каби функцияни беради. Бизнинг фикримизча, жиноий процесснинг судгача бўлган босқичида прокуратура ролини терговчилар ва суриштирувчилар, прокурорнинг роли эса кўпроқ назорат органи сифатида ўйнайди.

Қонун чиқарувчи унга қўйган маънода айблов деганда, маълум бир шахс томонидан жиноят қонуни билан таъқиқланган ҳаракатни содир этиши ёки ҳаракатсизликка йўл қўйиш тушунилиши керак, мазкур ҳолат бўйича айбловни шакллантириш, асослаш ва қувватлаш жиноят процессуал қонунда белгиланган тартибда айблов субъектлари томонидан амалга оширилади», деб ёзади. Бунда мазкур фикр доирасида билдирилган “шакллантириш ва асослаш” ҳаракатлари суриштирувчи ва терговчининг судга қадар иш юрувидаги вазифалари бўлиб, улар шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлиги тўғрисида далилларни тўплайдилар. Лекин айбловни қувватлаш суд муҳокамаси доирасида прокурорнинг ваколатидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, прокурорнинг асосий вазифаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, процессуал раҳбарият фаолиятини мувофиқлаштириш функциялари билан бир қаторда суриштирув ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолиятини назорат қилиш функцияси ва ушбу босқичда жинойий таъқиб қилиш функцияси қўшимча ҳисобланади, деган хулосага келишимиз мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор фаолиятида марказий ўринни суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ҳаракатлари ва қарорлари қонунлари талабларига мувофиқлигини назорат қилиш, жиноятлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш вазифаси эгаллайди. Шундай қилиб, прокурорнинг жинойий иш юритиш босқичларидаги роли жиноят ишлари бўйича прокурорнинг барча процессуал ваколатлари билан ўзаро боғлиқлигида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси \\\ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон
2. Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т., 2010. – Б.17-21
3. Багмет А.М. Роль следователя в установлении объективной истины при расследовании преступлений// Российский следователь. 2013. №16. С. 6. Ястребов В.Б. Функции прокурора в уголовном судопроизводстве (былое и современность: некоторые уроки Судебной реформы 1864 г.) // Актуальные проблемы российского права. 2014. №4 С. 619. Авгимова Ю.А. Функции прокурора в уголовном судопроизводстве. Прокурорская и правозащитная деятельность // Правопорядок: история, теория, практика. 2017. №4 (15).
4. Каретников А.С., Каретников С.А. Сущность полномочий прокурора по надзору за предварительным следствием: прошлое и настоящее // Российская юстиция. 2015. №5. С. 49-52.
5. Rustambayev M. X. O ‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharhlar.“ //Yuridik adabiyotlar publish” Toshkent–2021 yil. 101-103-b.

6. Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре» от 29 августа 2001 г. // www.lex.uz

7. Томин В.Т., Поляков М.П., Александров А.С. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. Вводный // М., 2002. С. 38,40.

8. Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре» от 29 августа 2001 г. // www.lex.uz

ПРИМОВ Обиджон Мусурмонкулович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси*

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Аннотация: Мақолада коррупцияга қарши курашда тезкор-қидирув ва тергов органларининг ҳамкорлиги, мазкур фаолиятнинг, долзарблиги, ҳозирги замон тенденциялари, миллий қонунчиликдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупцияга қарши курашда тезкор-қидирув ва тергов органларининг ҳамкорлиги, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий таълим, профилактика, коррупцияга қарши кураш шакллари ва усуллари.

ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫХ И СЛЕДСТВЕННЫХ ОРГАНОВ В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ КОРРУПЦИИ

Аннотация: В статье анализируется сотрудничество оперативных и следственных органов в борьбе с коррупцией, актуальность этой деятельности, современные тенденции, проблемы национального законодательства и пути их решения.

Ключевые слова: коррупция, сотрудничество следственных и следственных органов в борьбе с коррупцией, правосознание, юридическое образование, профилактика, формы и методы борьбы с коррупцией.

INTERACTION OF OPERATIVE-SEARCH AND INVESTIGATIVE AGENCIES IN ANTI-CORRUPTION

Abstract: The article analyzes the cooperation of investigative and investigative bodies in the fight against corruption, the relevance of this activity, current trends, problems in national legislation and ways to solve them.

Key words: corruption, cooperation of investigative and investigative bodies in the fight against corruption, legal awareness, legal education, prevention, forms and methods of fighting against corruption.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарали механизмини янада такомиллаштирилишини тақозо этмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини белгилашда

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда[1]¹.

Таъкидлаш жоизки, коррупция – жаҳоннинг кўплаб давлатларининг жиддий муаммосидир. “Коррупция одил судлов органлари фаолиятини издан чиқариб, барча давлат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини кучсизлантиради, жазо муқаррарлигига ниҳоятда катта салбий таъсир кўрсатади”[2]². Бу глобал иллатнинг ҳуқуқ соҳаси вакиллари орасида мавжуд бўлиши ниҳоятда ташвишли ҳолат бўлиб, давлатда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, демократия, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимига зарба беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон-2030» Стратегиясининг 89-мақсадида “Коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш”[3]³ белгиланган.

Коррупцияга оид жиноятлар тўғрисидаги ишларни исботлашда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва уни кучайтириш чораларини кўриб чиқишда таъкидлаш лозимки мазкур муаммоларни ҳал қилиш фақат барча манфаатдор органларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳал этилиши мумкин.

Коррупцияга оид жиноятларда ТҚФ натижаларидан жиноят процесси манфаатлари йўлида фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан бундай натижаларни олиш, ҳужжатлаштириш ва тергов органларига тақдим этиш тартибига қатъий риоя қилиш билан боғлиқ.

Коррупцияга оид жиноятларга қарши курашнинг муаммолари тезкор ходимларнинг касбий тайёргарлиги даражасининг етарли эмаслиги ва натижада коррупция жиноятларини аниқлаш, олдини олиш, чек қўйиш ва фош қилиш бўйича тезкор тергов фаолиятини етарлича ташкил этилмаганлиги, шунингдек унинг нотўғри ҳужжатлари ва тезкор материалларни амалга оширишда йўл қўйилган кўплаб хатолар туфайли юзага келади.

Кўпинча, ТҚФ олиб боровчи органлар фаолияти бошқа сабабларга кўра, масалан, тезкор ахборот манбаларининг йўқлиги туфайли ижобий натижага эришмайди. Бундан ташқари, жиноятларни аниқлаш, ошкор қилиш ва ТҚФ натижаларини дастлабки тергов органларига ушбу натижалардан кейинчалик коррупцияга оид жиноятларни исботлашда фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича ўз вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан нотўғри ишлаш ҳолатлари аниқланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.2023 \\\ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

² Rustambayev M. X. O ‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharhlar.“ //Yuridik adabiyotlar publish” Toshkent–2021 yil [128-129 b].

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси \\\ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон

Тезкор-қидирув органлари фаолиятида аниқланган юқорида айтиб ўтилган баъзи камчиликлар амалдаги тезкор-қидирув қонунчилиги ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг номукамаллиги билан бевосита боғлиқдир, чунки ТҚФ натижаларини олиш, ҳужжатлаштириш, тақдим этиш ва улардан фойдаланишнинг ягона ҳуқуқий механизмининг йўқлиги жиноят процессида кўп сонли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, кўпинча қонун билан зиддиятга келади. Бу эса ўз навбатида, жойларда сезиларли даражада турли хил тезкор тергов, тергов ва суд амалиётларининг мавжудлигига олиб келади.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларида ўтказилган текширувларда ТҚФ натижаларини олиш, ҳужжатлаштириш ва дастлабки тергов органларига тақдим этиш билан боғлиқ тезкор-тергов фаолиятида кўплаб қонун бузилишлари аниқланган. Шунингдек, жиноят ишлари материаллари ўрганилганида ТҚФнинг тақдим этилган натижалари асосида жиноят-процессуал далилларни шакллантириш билан боғлиқ қонунбузарликлар, шу жумладан коррупцияга оид жиноятлар аниқланган. Бу эса терговчилар ва тезкор бўлинмалар ходимларининг ўзаро муносабатларини прокурорлар томонидан самарасиз деб баҳоланишига ва бундай тоифадаги жиноятларга қарши курашнинг самараси пасайишига олиб келади.

Афсуски, кўпинча коррупция жиноятлари содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тезкор текшириш пайтида дастлабки тергов органлари деярли иштирок этмайдилар. Шу билан бирга, жиноят ишини кўзғатиш учун расмий сабаб пайдо бўлишидан анча олдин уларни ишга жалб қилиш зарурати сезилади, чунки дастлабки тергов органлари шахсларнинг коррупцион фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар ва ТҚФ натижаларини ҳуқуқий баҳолашда самарали ёрдам кўрсатишга қодир.

Таъкидлаш жоизки фақат ушбу субъектларнинг биргаликдаги фаолияти ТҚФ натижаларидан фойдаланишнинг процессуал истиқболини ўз вақтида белгилаш, шахсни ушлаб туриш ва жиноят иши бўйича исботлашнинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларининг ёрдами тезкор-қидирув фаолиятининг кейинги йўналишини танлашга, кейинчалик далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган ТҚФ тадбирларинига имкон беради. Пировардида, ТҚФ натижаларидан жиноят-процессуал далилларни шакллантириш жараёнида, шу жумладан коррупцияга оид жиноятларда фойдаланишнинг кейинги процессуал имкониятини яратишга имкон беради.

Тергов ва тезкор-қидирув бўлинмалари амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш шуни кўрсатадики, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва дастлабки тергов органларининг коррупциявий жиноятларга қарши кураш бўйича турли хил ёндашуви жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига салбий таъсир ўтказади.

Бизнингча фақатгина коррупциявий жиноятларга қарши кураш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича тезкор тергов ва жиноят-процессуал воситалардан комплекс фойдаланиш мавжуд муаммоларни бартараф этишига ёрдам беради.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида коррупция жиноятларини терговчи томонидан процесснинг бошқа иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорликсиз фош қилиш ва самарали тергов қилиш имкони мавжуд эмас. Бундай ҳолларда дастлабки тергов ва тезкор тергов фаолиятига жалб қилинган процесс иштирокчиларнинг ўзаро муносабатлари учун тактик қоидалар тизими биринчи ўринга қўйилиши керак. Ҳозирги вақтда тезкор тергов фаолияти билан шуғулланадиган органлар терговчилари ва ходимларининг ўзаро муносабатлари юқори даражага кўтарилиши керак. Ушбу тоифадаги жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов ва тезкор тергов фаолияти сифатини оширишга ёрдам берадиган коррупция жиноятларига қарши курашда самарали ҳамкорлик тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятда барча манфаатдор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва мансабдор шахслар қонун устуворлиги ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш, ошкор қилиш ва тергов қилишнинг муаммоли масалалари бўйича мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликнинг асосий вазифаларини ҳал қилишга, уларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган аниқ ташкилий ва амалий чора-тадбирлар.

Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шу жумладан, тезкор тергов фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор бўлинмалари (ички ишлар вазирлиги, ДХХ ва бошқалар) ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш чораларини кўришга қаратилиши керак. Зеро коррупция жиноятларини ошкор қилиш ва тергов қилиш учун тезкор равишда тегишли маълумотларни олиш, шунингдек тергов органларига зудликда тегишли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ушбу маълумотларни ўз вақтида етказилиш муҳим аҳамиятга эга.

Фақат манфаатдор органлар ва мансабдор шахслар томонидан коррупцияга оид жиноятларга қарши курашишга қаратилган барча чора-тадбирлардан фойдаланиш тезкор-қидирув ва тергов органлари фаолиятида қонунийлик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Жиноят-процессуал кодексида ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда ўзаро ҳамкорлик тушунчаси, уни амалга ошириш механизмлари, усуллари ва шакллари ҳуқуқий тартибга солиниши ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, тезкор-қидирув фаолияти ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги муайян вазифаларни ҳал қилишга, шу жумладан коррупция жиноятларидан зарар кўрган фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини

ҳимоя қилишга, шунингдек ижобий натижаларга ва юқори самарадорликка эришишга қаратилган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.2023 \\
Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
2. Rustambayev M. X. O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharhlar.“ //Yuridik adabiyotlar publish” Toshkent–2021 yil [128-129 b].
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси \\
Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон

ҚУРБОНОВ Дилшоджон Махамдалиевич,

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси*

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛИ

Аннотация: мақолада дастлабки терговда қонунийликни таъминлаш тушунчаси, уни таъминлашнинг зарурияти, қонунийликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган, қонунийликнинг муаллифлик талқини берилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий давлат, қонунийлик, қонунийликни таъминлаш, қонунийликнинг ўзига хос хусусиятлари

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЗАКОННОСТИ НА ПРЕДВАРИТЕЛЬНОМ СЛЕДСТВИИ – ФАКТОР ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ КОРРУПЦИИ

Аннотация: в статье дается авторская трактовка законности, отражающая понятие обеспечения законности на предварительном следствии, необходимость ее обеспечения, особенности законности.

Ключевые слова: правовое государство, законность, обеспечение законности, специфика законности

ENSURING LEGALITY DURING THE PRELIMINARY INVESTIGATION – A FACTOR FOR PREVENTION OF CORRUPTION

Annotation: the article gives the author's interpretation of legality, reflecting the concept of ensuring legality at the preliminary investigation, the need to ensure it, the features of legality.

Key words: legal state, legality, ensuring legality, specifics of legality

Мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири қонунчиликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни

мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг дахлсизлигини таъминлашдан иборат.

Қонунчиликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, шакшубҳасиз, давлат томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли, ранг-баранг тадбирларни ўз ичига олади. Булар жумласига хусусан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сиёсий йўналишдаги чора-тадбирлар, тарбия, огоҳликка ундаш ва жинойтчиликнинг олдини олишга қаратилган саъй – ҳаракатлар ҳам киради киради. Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари билан ҳисоблашишни истамаган шахсларга нисбатан эса, ўз-ўзидан маълумки, мажбурлов чоралари қўлланилиши лозим.

Бу борада олиб борилган муҳим йўналишлардан бири бу коррупцияга қарши курашнинг кучайтирилганлиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мазкур йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Коррупцион жинойтчилик турларига қарши курашнинг самарадорлигини оширишда дастлабки тергов органлари тизимида жинойтнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик, жинойт содир бўлган тақдирда айбдор шахсларни вақтида аниқлаш, далилларни тўплаш ва уларнинг сақланишини таъминлаш, яширинган гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш чораларини кўриш вазифаларини бажарадиган тергов органлари фаолияти муҳим роль ўйнайди. Бундай фаолиятни амалга ошириш, унинг натижаларини далил сифатида процессуал расмийлаштириш тартиби ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни терговчи, дастлабки тергов устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органлари ходимлари, шунингдек судга тақдим қилинган далилларнинг мақбуллигини текширувчи судьялар ҳам мукамал билишлари зарур, чунки суд ҳукми фақат суд мажлисида (муҳокамасида) текширилган далилларга асослантирилган бўлиши шарт (ЖПКнинг 26 ва 455-моддалари). Демак, коррупцион жинойтларда далилларнинг мақбуллиги ҳамда ишончлилигига тўғри баҳо бериш судья томонидан далилларни жумладан, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида расмийлаштириш тартибини билишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг 81-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган - бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли -айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жинойт иши бўйича далил ҳисобланиши учун улар:

- қонунда назарда тутилган манбалардан олинган бўлиши;
- жинойт-процессуал қонунчилиги белгилаган тартибда аниқланган, тўпланган, процессуал расмийлаштирилган, текширилиб ишончли деб ҳисобланган бўлиши;
- тергов олиб борилаётган жинойт ишига алоқадор бўлиши шарт.

ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида айтилишича: гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари; эксперт хулосаси; ашёвий далиллар; овозли ёзувлар, видео ёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар; тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар далиллар манбаи ҳисобланади.

Демак, тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан процессуал исбот қилишда далил сифатида фойдаланиш учун улар тергов йўли билан қайта текширилган бўлиши, сўроқ қилиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш ва бошқа процессуал ҳаракатлар фақат шу асосда, Жиноят-процессуал кодекси талабларига тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилган ва расмийлаштирилган, ижобий натижа берган, бинобарин уларда кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланган бўлиши шарт. Олинган ёки тақдим этилган нарсалар, ҳужжатлар эса қонунда белгиланган тартибда қабул қилинган, тергов йўли билан текширилган, мақбул деб эътироф этилган ва ишга қўшиб қўйилган бўлиши лозим.

Тергов органлари ўз фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунларининг талабларига тўлиқ риоя этиш талаб этилади.

Процессда иштирок этувчи шахсларнинг зиммасига юклатилган ҳуқуқий мажбуриятлар қонун талабларига мувофиқ бажарилиши керак ва иштирокчилар ўз процессуал ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга ҳақлидирлар. Агар жиноят процесси иштирокчиларидан бири процессуал мажбуриятларини бажармаса, бу шахс қонунийлик принципини бузган ҳисобланади ва унга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин. Қонун талабларига тўлиқ риоя этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бажарилишига асосий қафолатдир.

Қонунийлик тергов органларидан қонун уларнинг зиммасига юклаган ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ бажаришларини талаб қилади. Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг узвий алоқадорлиги – терговчи ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатидир. Масалан, қонунга биноан терговчи асослар бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, бу унинг бевосита мажбурияти ҳамдир. Ушбу мажбуриятни бажармаслик қонунийликни ва хизмат бурчини бузиш деб баҳоланади.

Терговчи дастлабки терговни амалга ошириш чоғида жиноят процессининг иштирокчилари билан ҳуқуқий муносабатга киришади. Тергов давомида терговчининг ўз бошлиғи билан муносабатлари маъмурий эмас, балки процессуал хусусиятга эга бўлади.

Терговчи жиноят ишининг ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш учун зарур деб ҳисоблаган қонунда назарда тутилган ҳар қандай тергов ҳаракатини амалга оширишга ҳақлидир.

Терговчи жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш, гумон қилинувчини ушлаш, эҳтиёт чорасини танлаш (қамоққа олишдан ташқари),

жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш, экспертиза тайинлаш ҳақидаги ва бошқа қарорларни мустақил қабул қилади. Терговчи терговни режалаштириш, тергов ҳаракатлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, тўпланган далилларни баҳолаш, жиноят иши бўйича қарорлар чиқариш ишларини мустақил амалга оширади.

Прокурорнинг дастлабки терговни назорат қилиши терговчини мустақилликдан маҳрум қилмайди ва обрўсини туширмайди, балки, аксинча, терговчининг барча ҳаракатлари қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинишини, айти пайда, терговни амалга ошириш чоғида қонунийликка риоя этилишини таъминлайди.

Терговчи ўз қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлиги учун тўла жавобгар бўлади. Прокурор, ўз навбатида, терговчининг жиноятларни тергов қилишининг қонунда белгиланган тартибга оғишмай амал қилишини кузатиб туриши ва бу билан ҳар бир иш ҳолатларининг ҳар томонлама тўла, ва ҳолисона текширилишини таъминлаши шарт.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда қонунийликни таъминлашнинг жиноят-процессуал воситаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Жиноятларни очиш ва тергов қилишни тўғри ташкил этишни талаб қиладиган жиноят-процессуал воситалар;

2. Жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича жиноят-процессуал воситалар;

3. Жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида жамоатчиликнинг иштирокини таъминлайдиган, шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни талаб этадиган жиноят-процессуал воситалар;

4. Жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятига қонунийликни таъминлаш мақсадида билвосита таъсир ўтказиш билан боғлиқ жиноят-процессуал воситалар.

Юқорида қайд этилган жиноятларни очиш ва тергов қилишда қонунийликни таъминлаш воситалари нафақат жиноят процессуал балки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган, яъни уларнинг барчасини тўлиғича жиноят-процессуал воситалар сифатида эътироф этиш ноўрин бўлади. Аммо ушбу воситаларни қўллашнинг жиноят-процессуал қонунчиликдаги кўрсатилган ҳуқуқий асослари ҳам мавжудки, бу уларни жиноят-процессуал восита сифатида тергов органларининг жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятида қонунийликка қатъий амал қилинишини таъминлаш бўйича тергов органи раҳбари томонидан қўлланилиши мумкин бўлган чоралар сифатида ҳисоблашга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

MADUMAROV T.T.

Andijon davlat universiteti Ijtimoiy iqtisodiyot fakulteti dekani yu.f.d., professor

YARASHUV TO‘G‘RISIDAGI ISHLARNI SUDDA KO‘RISHDA PROKUROR ISHTIROKI

Аннотация: мақолада ярашув институти тушунчаси, унинг аҳамияти, ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш масалалари, унда прокурор иштироки муаммолари таҳлил этилган.

Калит сўлар: ярашув, жиноят процесси, прокурор назорати, суд муҳокамаси.

УЧАСТИЕ ПРОКУРОРА В РАССМОТРЕНИИ ДЕЛ О ПРИМИРЕНИИ В СУДЕ

Аннотация: в статье анализируется понятие института примирения, его значение, вопросы производства по примирению, проблемы участия в нем прокурора.

Ключевые слова: примирение, уголовное производство, прокурорский надзор, судебное заседание.

PARTICIPATION OF THE PROSECUTOR IN THE CONSIDERATION OF CASES ABOUT RECONCILIATION IN COURT

Abstract: the article analyzes the concept of the institution of reconciliation, its significance, issues of reconciliation proceedings, problems of the participation of the prosecutor in it.

Key words: reconciliation, criminal proceedings, prosecutorial supervision, court hearing.

Yarashuv to‘g‘risidagi institutning amaliyotda keng qo‘llanilayotganligi tom ma‘nodagi demokratik jarayonning yorqin ko‘rinishidir 2009 yil 3 apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 661-moddasiga o‘zgartish kiritish to‘g‘risida”gi Qonun bilan yarashuv doirasiga kiruvchi jinoyat turlarining kengaytirilishi, bu institutning istiqbolli ekanidan dalolat beradi.

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga yarashganligi munosabati bilan jinoiy javobgarlikdan ozod qilish institutining kiritilishi BMT Bosh Assambleyasining 1985-yil 29-noyabrdagi rezolyutsiyasi bilan jinoyat va hokimiyatni suiiste‘mol qilish qurbonlari uchun odil sudlovning asosiy prinsiplari Deklaratsiya talablariga mos keladi.

Jazo choralarining bu tarzda isloh etilishi, birinchidan, jinoiy jazolarning asosli va adolatli qo‘llanilishini ta‘minlaydi, shaxs, davlat va jamiyatga yetkazilgan moddiy zararni qoplaydi, ikkinchidan, qamoqda yotgan mahbuslarning qaramog‘ida bo‘lgan

oila a'zolarini ta'minotsiz qoldirmaydi va eng muhimi, jazoga tortilgan fuqarolarning ma'naviy, axloqiy, ruhiy, hattoki, jismoniy jihatdan sog'lig'ini saqlaydi.

Yarashuv to'g'risidagi ishlar bo'yicha surishtiruvchi, tergovchi, prokuror va sud zimmasiga qonun bilan yuklatilgan majburiyatlardan biri yarashuv sud tomonidan tasdiqlangandan keyin kelib chiqadigan huquqiy oqibatlarni jabrlanuvchi (fuqaroviy da'vogar)ga tushuntirish shartligidir. Qonunning ushbu talabiga rioya etmaslik yarashuv to'g'risidagi ish bo'yicha chiqarilgan qarorning bekor qilinishiga asos bo'lishi mumkin.

Shuni nazarda tutish kerakki, jabrlanuvchi (fuqaroviy da'vogar) faqat birinchi instansiya sudi maslahatxonaga kiringunga qadar gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi bilan yarashishdan voz kechishga haqli.

Yarashuv to'g'risidagi qonun normalari qo'llanishining tezkorligini ta'minlash va kafolatlash, gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi va jabrlanuvchi (fuqaroviy da'vogar)ning huquqlarini muhofaza etish maqsadida yarashuv to'g'risidagi ish bo'yicha qaror chiqarish va sudga yuborish uchun qonunda belgilangan o'n sutkalik muddatga qat'iy rioya qilinishini nazorat qilish prokuror vazifasiga kiradi. (JPKning 584-moddasi).

Yarashuv to'g'risidagi ishlar bo'yicha sud muhokamasi jinoyat ishi sudga kelgan paytdan e'tiboran o'n sutkadan kechiktirmay o'tkaziladi. Sud majlisida gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi, jabrlanuvchi (fuqaroviy da'vogar), ularning qonuniy vakillari, himoyachilar, prokuror ishtirok etadi (JPKning 585-moddasi). O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining "Sudlarda jinoyat ishlari ko'rilishida prokuror ishtirokining samaradorligi va ta'sirchanligini oshirish to'g'risida"gi 2004 yil 11 maydagi 21-sonli buyrug'ida ham yarashuv to'g'risidagi ishlar sudga ko'rilishida prokuror ishtiroki majburiyligi qayd qilingan.

Qonun sudning ish yuzasidan qonuniy, asosli va adolatli qaror qabul qilish uchun zarur bo'lgan hollarda yuqorida ko'rsatilgan shaxslardan tashqari o'zga shaxslarni ham ishga jalb etish hamda qonunda nazarda tutilgan boshqa vakolatlardan foydalanish huquqini cheklamaydi.

Yarashuv to'g'risidagi ishlar bo'yicha, qonunda sud muhokamasini olib borishning alohida tartibi hamda yarashuv tufayli ishni tugatish masalasini hal etish chog'ida sud aniqlashi shart bo'lgan holatlar doirasi belgilangan. Jumladan, sud: yarashuvning ixtiyoriyligi va uning sababini; gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi o'z aybiga ixtiyoriy iqror bo'lganligini; gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi o'zi sodir etgan qilmishining oqibatlarini anglaganligini va yetkazilgan zararni bartaraf etish choralari ko'rgan-ko'rmaganligini; jabrlanuvchi (fuqaroviy da'vogarga) yoki gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchiga biron-bir tazyiq bo'lgan-bo'lmaganligini; yetkazilgan zararining o'rnini qoplash bilan bog'liq masalalarni; gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi, ularning qonuniy vakillari roziliklarini aniqlaydi. Shundan so'ng sud himoyachi va prokurorning fikrini eshitadi.

Agar sud majlisi davomida yuqoridagi talablar tasdiqlanmasa, shuningdek sodir etilgan qilmishda yanada og‘irroq jinoyat belgilari mavjudligi aniqlangudek bo‘lsa, sud ishni umumiy asoslarda dastlabki tergov yuritish uchun prokurorga yuborish to‘g‘risida ajrim chiqaradi (JPKning 585-moddasi). Bunday holatda ishda ishtirok etayotgan prokurorning o‘zi, shunday ajrim chiqarilishining tashabbuskori bo‘lishi kerak.

O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining yuqorida qayd qilingan buyrug‘ida “Yarashuv to‘g‘risidagi ishlarning ko‘rilishida prokuror yarashuvning ixtiyoriyligi va uning sabablari, jabrlanuvchiga nisbatan tazyiq o‘tkazilmaganligi va boshqa masalalarni sinchkovlik bilan tekshirilishi orqali qonuniy ajrim chiqarilishiga ko‘maklashsin”, deb ko‘rsatilgan.

Yarashilganligi munosabati bilan jinoyat ishini tugatish to‘g‘risidagi masalani hal etish paytida shuni e‘tiborga olish lozimki, ushbu huquqiy institut faqat Jinoyat kodeksining 66¹-moddasida ko‘rsatib o‘tilgan jinoyatlardan birortasini birinchi marta sodir etgan shaxsga nisbatan qo‘llanilishi mumkin. Agar shaxs bir necha jinoyat sodir etgan bo‘lib, ulardan biri Jinoyat kodeksining 66¹-moddasida ko‘rsatilgan bo‘lsa, ishning shu qismi Jinoyat-protsessual kodeksining 62-bobida belgilangan tartibda tugatilishi mumkin, lekin bu tartib takroriylik belgisini beradigan jinoyatlarga tatbiq etilmaydi.

Jinoyat ishi umumiy tartibda ko‘rib chiqilayotgan paytda birinchi instansiya sudi shaxsning harakatlarini Jinoyat kodeksi maxsus qismining yarashilganligi munosabati bilan jinoiy javobgarlikdan ozod qilish uchun imkoniyat beruvchi (JKning 66¹-moddasi) boshqa moddasiga qayta malakalash zarurligi to‘g‘risida xulosaga kelsa va ishda JPKning 585-moddasida belgilangan yarashuvga monelik qilmaydigan barcha holatlar mavjud bo‘lsa, sud o‘zining ajrimida sudlanuvchining harakatini qayta kvalifikatsiya qilib, yarashganlik munosabati bilan ishni tugatadi. Bunday holatda ham prokurorning fikri tinglanadi.

Jabrlanuvchi bilan ayni bir vaqtning o‘zida ishda fuqaroviy da‘vogar ham qatnashgan hollarda yarashuv to‘g‘risida ish yuritishni boshlash uchun ham jabrlanuvchi, ham fuqaroviy da‘vogar tomonidan tegishli ariza berilgan bo‘lishi shart. Ish bo‘yicha bir gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi va bir nechta jabrlanuvchi bo‘lgan hollar uchun ham qonunda aynan shunday talab belgilangan. Jabrlanuvchilarning birortasidan tegishli ariza bo‘lmagan hollarda yarashuv to‘g‘risida ish yuritish mumkin emas. Bunday holda jinoyat ishi bo‘yicha ish yuritish umumiy asoslarda olib boriladi.

Jamiyatda xorij tajribasi asosida nizolarni hal etishning yangi noan‘anaviy shakllari paydo bo‘lishi davr taqozosidir. Prokurorning vazifasi bu shakllarni o‘tmishda ko‘p bora bo‘lgani singari buzib yuborilishga yo‘l qo‘ymasdan yanada rivojlantirib borishdan iborat. Shu boisdan uning butun kuch-g‘ayrati jabrlanuvchi bilan yarashganligi tufayli jazodan ozod qilingan aybdor shaxslar tomonidan jinoyat

va huquqbuzarlik sodir etilishining oldini olishga, huquqiy demokratik davlat asoslari barpo etila borishi bilan vujudga keladigan bu kabi yangiliklar ahamiyatiga putur yetkazilishga yo‘l qo‘ymaslikka qaratilmog‘i lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 2002 йил 25 октябрдаги 25 – сонли қарорининг 7 – банди.

ТЕМИРОВ Аббосжон Омонович

Бухоро вилоят суди

t.abbos90@mail.ru

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада роман-герман ҳуқуқ оиласига мансуб Италия, Германия ҳамда Франция давлатлари судларида кассация тартибида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: апелляция, кассация инстанцияси, қайта кўриш, тафтиш, маҳқум, жиноят, жазо, ҳукм.

ОСОБЕННОСТИ КАССАЦИОННОГО ДЕЛОПРОИЗВОДСТВА В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности судопроизводства в кассационном порядке в судах Италии, Германии и Франции, относящихся к романо-германской правовой семье.

Ключевые слова: апелляция, кассация, судебная инстанция, повторный просмотр, проверка, осужденный, преступление, наказание, приговор.

FEATURES OF CASSATION PROCEEDINGS IN FOREIGN COUNTRIES

Annotation. This article examines the peculiarities of legal proceedings in the courts of Italy, Germany and France, belonging to the Romano-Germanic legal family, in cassation.

Keywords: appeal, cassation, judicial instance, re-viewing, checking, verification, convicted person, crime, punishment, sentence.

Жиноят процессида суд қарорлари устидан кассация шикоятни бериш узок тарихга эга ва кўпгина мамлакатларда жиноят процессининг босқичларидан бири ҳисобланади. Кассация институти континентал ҳуқуқнинг ҳуқуқий тизимларига хос бўлиб, уларда норматив ҳужжатлар асосий ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Ушбу институт Франция ва Германияда энг катта ривожланишга эришди. Ушбу мамлакатларда кассация судининг роли биринчи ва апелляция судлари томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг

тўғрилигини аниқлаш билан боғлиқ ҳолда жиноят процесси материалларини кўриб чиқиш, шунингдек, қонунчилик нормаларини талқин қилишдан иборат.

Италия давлати суд тизими Рим ҳуқуқига асосланган, шунинг учун унинг асосий тамойиллари тўлиқ кодланган ҳуқуқий актлар ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади. Демак, кассация инстанцияси сифатида фаолият юритувчи Олий суднинг қарорлари мажбурийдир, лекин келгусидаги ишлар учун суд прецедентига айланмайди. Италия қонунчилигига кўра кассация судининг мақсади:

1) қуйи судлар томонидан қонун нормаларини тўғри қўллашни таъминлаш;

2) қонунларни талқин қилишни бутун суд тизими учун уйғунлаштириш.

Италия Олий суди Италия юрисдикцияси иерархиясидаги энг юқори суд ҳисобланади. Кассация шикоятлари одатда апелляция суди томонидан берилади, лекин айбланувчилар ёки жабрланувчилар биринчи инстанция судларидан кейин ҳам бевосита мурожаат қилишлари мумкин. Олий суд қуйи суднинг ҳукмини бекор қилиши ёки ўз кучида қолдириши мумкин. Суд қарори рад этилган тақдирда, у ишнинг айрим ҳолатларини қўшимча текшириш учун ишни қуйи судга қайтариши мумкин.

Италия Олий судининг қарори якуний ҳисобланади ва унга шикоят қилиб бўлмайди [1].

Суд қарорлари устидан кассация шикояти беришнинг худди шундай тартиби Литва ва Озарбайжонда ҳам мавжуд.

Кассация ишлари **Франция** жиноят-процессуал ҳуқуқида суд қарорлари устидан фавқулодда шикоят қилишнинг бир тури сифатида қаралади. Кассация тартибида ҳакамлар ҳайъати ва апелляция судининг ҳукмлари фақат битта асосга кўра шикоят қилиниши мумкин, яъни ушбу судлар томонидан ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши асос бўлиши мумкин. Кассация шикояти прокурор ёки манфаатларига зарар етказилган тараф томонидан суд қарори ёки бу ҳақда билдиришнома олинган кундан бошлаб беш кун ичида кассация инстанцияси судининг жиноят ишлари бўйича судига берилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Франция кассация суди деярли ҳеч қачон ўз қарорларини қабул қилмайди. Уни кўриб чиқишнинг мақсади ҳуқуқ масалалари бўлиб, унинг натижалари ишни бекор қилиш ва қуйи судларда янги суд муҳокамасига қўйиш ёки шикоят қилинган қарорни ўз кучида қолдиришдир.

Франциянинг Жиноят-процессуал кодексида процесс иштирокчилари манфаатларини кўзлаб кассация қилишдан ташқари, қонун манфаатларини кўзлаб кассация қилиш ҳам назарда тутилган [2, Б.29-30].

Франциядаги олий суд органи бўлмиш Кассация судининг асосий вазифаси қонунларнинг тўғри қўлланилишини назорат қилиш ва бу орқали “икки асосий тамойилга – миллий қонунчиликнинг бирлиги ва қонун олдида тенгликка риоя этилишини таъминлашдан иборат”[3, Б.215].

А.Ю.Заксоннинг фикрича, кассация шикоятни қонуннинг аниқ қўлланилишига эришиш, жиноят процессининг қонунийлигини таъминлаш ҳамда Франция Конституциясида мустаҳкамланган қонунда назарда тутилган жиноят ва жазо тамойилига риоя қилишга қаратилгандир [4, Б.106].

Бу кассациянинг аҳамиятини ва кассация шикоятни учун асослар чекланган ва тўлиқ эканлигини белгилайди. Бундай асослар сифатида фақат инсон ҳуқуқларига зарар етказган ҳуқуқбузарликлар киритилиши мумкин.

Кассация ишини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб кўриб чиқиш натижаларига кўра кассация инстанцияси ўз ҳал қилув қарори билан қуйидаги турдаги ҳал қилув қарорларини қабул қилиши мумкин: шикоятни қаноатлантириш ва шикоят қилинган ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда бекор қилиш; шикоятни қаноатлантириш ва қисман эътироз билдирилган қарорни бекор қилиш.

Бундай ҳолда кассация инстанцияси суди ишни моҳиятан кўриб чиқишни аввал ишни моҳиятан кўрган судга эмас, балки бошқа, лекин бир хил даражадаги судга юбориши мумкин. Кассация суди ҳукми ўзгартириш ҳуқуқига эга эмаслиги сабабли янги суд муҳокамасига юборади.

Ж.Боретнинг фикрига кўра, қарор қабул қилишнинг асосий принципи “Кассация суди қонунийлигини баҳолайдиган қарорларни қайта кўриб чиқиш ваколатига эга эмас” [5], яъни, ҳукми ўзгартиришга ҳақли эмас.

Германия француз суд тизимидан кассация иш юритиш асосларини ўзлаштириб олди ва уни кассациядан биров фарқ қиладиган ва қайта кўриб чиқиш деб аталадиган процедурага айлантирди.

“Кассация” ва “қайта кўриб чиқиш” иш юритиш тушунчалари бир хил эмаслигига эътибор бериш керак. Тафтиш ва кассация инстанциялари судлари ўртасидаги фарқ қуйи судларнинг қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқишда ушбу судларга берилган ваколатлар доирасидадир. Тафтиш инстанцияси суди кассация судидан фарқли ўларок, аудиторлик шикоятининг талаблари билан чегараланган бўлса ҳам, унда кўрсатилган далиллар билан чекланмайди. Тафтиш суди моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши тўғрисидаги масалаларни, ҳатто шикоятчи ўз шикоятида уларни кўрсатмаган бўлса ҳам, кўриб чиқишга ҳақли [6, Б.42].

Германияда ушбу амалиёт ўзини оқлади, шунинг учун Россия Федерациясида ҳам шахсларнинг ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида кассация судига “тафтиш” функцияларини айримларини юклашни режалаштирмоқда.

Германияда иш юритишни қайта бошлаш учун асослар икки гуруҳга бўлинади: 1) маҳкумнинг манфаатларини кўзлаб, 2) маҳкумнинг манфаатларини кўзламай.

Франция ва Германия сингари роман-герман ҳуқуқ тизимининг вакилларининг суд қарорларини қайта кўриб чиқиш йўллари тизимини ўрганиш куйидаги хулосалар чиқариш имконини беради.

Жумладан, ушбу мамлакатларнинг жиноий процессида суд қарорларини кўриб чиқиш усуллари тизимида куйидаги усуллар ажратилади: апелляция (ҳар икки давлатда), кассация (Франция); аудит (ҳар икки мамлакатда); ишлаб чиқаришни қайта тиклаш (Германияда).

Шунингдек, ҳар икки давлатда апелляция тартибида суд қарорларини кўриб чиқишнинг ушбу тури қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг кенг тарқалган усули эканлиги билан ўхшашдир. Шу билан бирга, кўрсатилган инстанция ҳам “қонун” ва “факт” масалаларини кўриб чиқади.

Суд назоратининг чегаралари шикоят билан белгиланади. Агар шикоят фақат суд қарорининг бир қисмига нисбатан берилган бўлса, уни бутунлай кўриб чиқиш мумкин эмас. Францияда апелляция суди қарори аслида ёзма материаллар асосида қабул қилинган бўлса, Германияда апелляция суди ҳукми текшириш функциясини бажаради, лекин суд хатоларини тузатмайди.

Бундан ташқари, апелляция шикоятини кўриб чиқишда судланувчини аҳволини ёмонлаштиришни тақиқлаш принципи қўлланилади, яъни юқори инстанция биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазони ошириб, маҳкумнинг аҳволини ёмонлаштиришга ҳақли эмас, шунингдек, дастлабки суд томонидан белгиланган зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга ҳам ҳақли эмас. Маҳкумнинг аҳволини ёмонлаштириш фақат прокурорнинг ёки процесснинг бошқа иштирокчисининг мурожаатига биноан бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.А.Давидов Возобновление судопроизводства ввиду новых или вновь открывшихся обстоятельств: теория и практика исправления судебных ошибок. М. 2012
2. Д.И.Ковтков Кассационное производство в России: от прошлого к настоящему // Арбитражный и гражданский процесс. 2012. №9. С.29-32
3. Th.S.Renoux Le droit au recours juridictionnel // JCP. 1993. I. 3675, spec. P. 215.
4. А.Ю.Заксон Экстраординарные способы обжалования в уголовном процессе Франции как функция уголовного правосудия: дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2011. С.106
5. J.Borét Pourvoi en casation. Dalloz, 1996.
6. В.Хайде Система правосудия Федеративной Республики Германия. Кельн, 1955. С.42

НИШОНОВ Элдоржон Музафар ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тарбиявий ишларни таъкил этиши ва мукофотлаш бўлими бош инспектори 100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй
E.mail: eldorjon199209@mail.com*

БЕЗОРИЛИК ҲОЛАТЛАРИДА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТАКТИКАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада безорилик ҳолатлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ёритиб берилган. Безорилик содир этилган исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига кирганлиги учун жиноят содир этилганлигига маълум вақт ўтган бўлса-да ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш зарурлиги асослангандир. Муаллиф томонидан безорилик содир этилган ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойда ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақолада безорилик ҳолатлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун имконият пайдо бўлиши билан дарҳол кўздан кечирилиши лозим деган хулосага келинган.

Калит сўзлар: Безорилик, ҳодиса жойи, кўздан кечириш, тактика, жиноят излари, жамоат тартиби, жабрланувчи, гувоҳ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида “Бугунги кунда маҳалладаги, айниқса, уюлмаган ёшларнинг тақдири билан ким қизиқяпти? Болалар кимлар билан ҳамсуҳбат бўлаётгани, ўқишга қачон бориб, қачон келаётганини ким назорат қиляпти? Ёшлар, хусусан, ўсмирлар орасида безорилик, жиноятлар сони ортишига қандай омиллар сабаб бўляпти? Баъзи ёшларимиз учун меҳр оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат” деб бежиз таъкидламаган эдилар [1, Б.2].

Безорилик жиноятида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг мақсади жиноят содир этилган жойнинг ҳолатини ўрганиш, иш учун аҳамиятга эга нарса ва изларни аниқлаш, қайд этиш ва олиш, тергов ҳамда қидирув тусмолларини тузиш, содир этилган жиноятнинг жойини аниқлаш ва жиноятни содир этиши мумкин бўлган шахсларни фош қилувчи маълумотларни тўплашдир.

Айрим муаллифлар безорилик содир этилганидан кейин анча вақт ўтган бўлса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олдин жиноят иши қўзғатилиши, шунингдек жабрланувчи ва гувоҳлар сўроқ қилиниши лозим деб

ҳисоблаб, қуйидаги ҳоллардан бири мавжуд бўлгандагина ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни тавсия этишади: безорилик содир этилган жойнинг хусусиятларини аниқлаш зарур бўлганда; ҳодиса содир бўлган жойда йўқ қилиниши мумкин бўлмаган излар қолганда; содир этилган безорилик ҳаракатлари натижасида ҳодиса содир бўлган жойга ўзгартиришлар киритилганда (бино, панжара таъмирланган ва бошқа) ҳолларда [2, Б.97-98].

Юқоридаги ёндашув камчиликлардан ҳоли эмаслиги боис унга тўлиқ қўшила олмаймиз.

Биринчидан, безорилик содир этилган жой исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига киради [3, Б.56-57] ва унинг белгиларини аниқлаш дастлабки терговнинг ҳар томонлама ва тўлиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, безорилик бўйича суриштирув ва тергов олиб бораётган субъект ҳодиса содир бўлган жойда йўқ қилиниши мумкин бўлган жиноят излари бор ёки йўқлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилади ҳамда ҳодиса содир бўлган жой тўғрисида тасаввурга эга бўлади.

Амалиёт ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти безорилик ҳолатларида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни юқори баҳолайди. Фикримизни улар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари ҳам тасдиқлайди. Хусусан “*Безорилик терговининг дастлабки босқичида қайси тергов ҳаракатлари кўпинча амалга оширилади?*” деган саволга терговчилар ва суриштирувчиларнинг 92 фоизи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечирганликларини кўрсатдилар.

Шунинг учун биз барча мумкин бўлган ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши қўзғатишдан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин [4, Б.84].

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддаси 2-қисмининг қондасида истисноли ҳолатларсиз жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш имконияти маъносида талқин этилади.

Фикримизча, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар қуйидагилар бўлиши мумкин: об-ҳаво шароити жиноят изларини бузиши ёки йўқ қилиши мумкин бўлганда; ҳодиса одамлар гавжум жойларда содир бўлганда; манфаатдор шахслар томонидан ҳодиса содир бўлган жойнинг аҳволини сезиларли даражада ўзгартирилиши мумкин бўлганда.

Кўриниб турибдики, ҳодиса содир бўлган жойни жиноят иши қўзғатишдан олдин кўздан кечириш фақат шу ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд бўлгандагина мумкин, деган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг нормаларида ўз ифодасини топган.

Безорилик жиноятида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни кечиктиришга олиб келадиган ҳолатлар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаймизки, барча ҳолларда, агар бунинг учун элементар имконият мавжуд бўлса, дарҳол ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш амалиётини мақбул деб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 137-моддаси 2-қисмида кўрсатилган “*кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар*”ни эса ортиқча деб ҳисоблаб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

137-модда 2-қисми:

Ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши кўзгатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин.

Безорилик жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиниши лозим:

- безорилик содир этилган жой қанчалик тўлиқ аниқланган бўлса тергов жараёнида қуйидагиларни аниқлаш шунча осон ва самарали бўлади:
а) суд-тиббий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни аниқлаш; б) безориликнинг эҳтимолий гувоҳларини аниқлаш; в) дастлабки терговни тегишлилиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилиш имкониятини беради;

- жиноят қуроли (қурол ёки қурол сифатида фойдаланилган нарсалар)ни топиш (агар қўлланилган ёки таҳдид қилинган бўлса);

- жиноят натижасида ўзганинг мулкига етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш;

- бошқа изларни аниқлаш: а) гумон қилинувчи ва жабрланувчининг ҳодиса содир бўлган жойда бўлганлиги; б) улар томонидан ҳуқуқбузарнинг ҳодиса содир бўлган жойга ва ундан ҳаракатланиш йўналишини кўрсатувчи аниқ ҳаракатлар содир этишини аниқлаш; в) ҳодиса содир бўлган жойдаги вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари, жиноят содир этилишига сабаб бўлган омиллар, у ва яқин атрофдаги далилларни излашнинг мумкин бўлган йўналишлари тўғрисида маълумот тўплаш.

Ҳодиса содир бўлган жойда жиноят излари билан безорилик тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмаган нарсаларни ва уни содир этган шахсни ажратиш жуда қийин бўлганлиги сабабли, бундай текширувда жабрланувчини ёки бошқа хабардор шахсни (масалан, аризачини) жалб қилиш тавсия этилади. Текширув иштирокчиси сифатида у: а) жиноят содир этилган жойни; б) безорилик содир этилган вақтда шу ерда бўлган гувоҳлар ва бошқа маълумотларни, шу жумладан, уни содир этган шахс тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин бўлган объектларни; в) гумон қилинувчининг қочиб кетган йўналишини аниқлашда катта ёрдам бериши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қўллар, оёқлар ва пойабзал излари кўпинча топилмайди, бу безорилик содир этиладиган одатий жойларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ, чунки жамоат жойларидаги бу излар тасодифий омиллар таъсирида тезда йўқ қилинади. Бундай вазиятда жиноят қуролини самарали қидириш ва юқори сифатда аниқлаш учун

мутахассиснинг ёрдамидан фойдаланган ҳолда ҳодиса жойига олиб борувчи йўлақлардан бошлаб кўздан кечиришни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу жойларда жиноятчилар қўл ва оёқ изларини қолдиришлари, жиноят содир этиш қурол ва воситаларини ташлаши ёки тушириб қолдириши мумкин.

Маълумки, жиноят изи жуда кенг тушунча бўлиб, жиноят содир бўлган жой муҳитида жинойӣ қилмиш механизми элементларининг акс этишини; тергов қилинадиган ҳодисанинг моддий ва идеал тасвирларини ифодалайди [5, Б.64]. Моддий изларга: а) акс этган из; б) предмет изи; д) модда излар киради [6, Б.235].

Дарҳақиқат, жиноят белгиларини (изларини) акс эттирувчи ҳар қандай ашё, ҳужжат ёки бошқа моддий излар далилий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ушбу нарса ва буюмлар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтида нафақат кўздан кечирилиши, балки олиб қўйилиши ҳам зарурдир.

Агар жабрланувчи ва безорилик содир этган шахснинг ўртасида бевосита кураш бўлиб ўтган бўлса, ҳодиса содир бўлган жойда қонга ўхшаш доғлар, жиноятчи томонидан қўлланилган нарса ва буюмлардан ташқари микрообъектлар (мато толалари, сочлар, бўёқ бўлақлари, тугмалар ва бошқа) топилиши мумкин. Бу эса бизга жиноят содир этиш усулини аниқлаш имконини беради.

Безорилик ҳолатларида ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришда уни амалга ошириш тезлиги ва сифатининг мақбул уйғунлигини таъминлаш зарур. Бир томондан, безорилик содир этиладиган типик жойларнинг ўзига хос хусусиятлари кўпинча кўздан кечиришни имкон қадар тезроқ ўтказишни талаб қилади: акс ҳолда, тегишли ташкилотнинг, транспортнинг нормал иш режими бузилиши эҳтимоли, шунингдек далилларни йўқотиш эҳтимолини камайтиради. Иккинчи томондан, кўрсатилган ҳолатларнинг “босими” остида, керакли сифат ва унинг тўлиқ бажарилишини таъминламасдан, уни имкон қадар тезроқ яқунлашга ҳаракат қилиниб, бундай текширувга фақатгина расмий ёндашишга йўл қўйиб бўлмайди.

Бизнингча безорилик жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тезлиги ва сифатининг муқобиллигини таъминлашга қуйидагилар хизмат қилиши мумкин:

Биринчидан, жабрланувчи ёки гувоҳнинг кўздан кечириш ўтказишда иштирок этиши ҳар доим маъқул, баъзи ҳолларда эса шунчаки зарурдир, гарчи, бу ҳодиса содир бўлган жой ва унинг чегараларини, шунингдек объектларни тез ва сифатли аниқлашга ёрдам беради;

Иккинчидан, ҳодиса содир бўлган жойдаги изларни қидириш, аниқлаш ва олиб қўйишнинг техник воситаларидан (ультрабинафша ва оддий ёритгичлар, металл детекторлар, магнитли қидирув лифтлари ва бошқалар) фаол ва моҳирона фойдаланиш зарур ва шартдир.

Учинчидан, нафақат оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар, балки барча жиноят ишлари бўйича видеотасвирга олишдан мажбурий фойдаланиш, (гарчи безорилик оғир ва ўта оғир турдаги жиноят ҳисобланмасада) жиноят содир

этилган жойдаги вазиятни, унга яқинлашиш ва ундан чиқиб кетиш усулларини, шунингдек унда иштирок этган жабрланувчи ёки гувоҳнинг ҳаракатларини визуал, ҳажмли, образли ва ҳаракатда тасвирга олиш имконини беради.

Биз безорилик жиноятини тергов қилиш амалиётини ўрганиш натижасида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда энг кўп учрайдиган хато ва камчиликлар қуйидагилар эканлигини аниқладик:

профессионал бўлмаган ва сифатсиз сурагга олиш (видео тасвирга олиш);

олиб қўйилган далилий ашёнинг алоҳида (индивидуал, энг муҳим) белгиларини, улардаги изларнинг мавжудлиги ва уларни қадоқлаш усули каби белгиларнинг мавжуд эмаслиги;

зарур ҳолларда ҳодиса содир бўлган жойнинг режаси ва схемаларининг йўқлиги, уларда изларни ва бошқа моддий объектларни аниқлаш жойларини (“нукталарини”) кўрсатмаслик;

кўздан кечириш чегараларини асоссиз равишда торайтириш, безорининг жиноят содир бўлган жойга келиши ва кетишининг атрофдаги эҳтимолий йўллари кўздан кечирмаслик;

жабрланувчи ва гувоҳлар томонидан тақдим этилган маълумотларни баённомага киритиш.

Фикримизча, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган қуйидаги тусмолларни акс эттириши мумкин бўлган таҳлилий маълумотларни тузиш ва уларни текшириш тавсия этилади:

янги далиллар манбалари ва гувоҳлар содир бўлган воқеани кузатиши мумкин бўлган жойлар (яқин-атрофдаги биноларнинг деразаларидан, жамоат транспорти бекатига олиб борадиган йўлдан ва бошқа) ва уларни қаердан излаш зарурлиги;

бугунги кунда жамоат жойларида ва транспортда кенг қўлланиладиган видеокузатув тизимлари томонидан безорилик ҳаракатлари қайд этилиши мумкинлиги, шунингдек безорилик содир бўлган жойда ва вақтда қайд этилган бўлиши мумкинлиги;

безориликни содир этишга ёрдам берган ҳолатлар тўғрисида ва бошқалар.

Безорилик юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ваколатли субъектлар томонидан тактик жиҳатдан тўғри бажарилган ҳаракатлар қуйидагиларни аниқлашга имкон беради:

Биринчидан, безори ва жабрланувчининг хатти-ҳаракати ўртасидаги муносабатларни;

Иккинчидан, безорилик ҳаракатларини содир этиш механизминини аниқлашга ёрдам берадиган ахборот манбаларини топиш;

Учинчидан, безорилик терговининг муҳим вазифаси ҳисобланган жамиятга нисбатан аниқ ҳурматсизликни ифодаловчи жамоат тартибинини кўпол равишда бузиш белгиларини аниқлаш;

Тўртинчидан, безорилик ҳаракатлари содир этилганлигини кўрсатувчи жинойт изларини аниқлаш, қайд этиш ва олиб қўйишни ҳал қилиш.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш безорилик содир этилганидан сўнг қанчалик тез ва сифатли кўздан кечирилса, дастлабки терговни олиб бориш, айбдор шахсларни фош этиш, айби бўлмаган ҳеч бир шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1) Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 июнь, № 119 сон, 2-бет.
- 2) Овчаренко Е.И. Доказывание в досудебном производстве по уголовным делам о хулиганстве: Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2004. С. 97-98.
- 3) Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси 1-қисми, 2-банди. <https://lex.uz/docs/111460>
- 4) Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 137-моддаси 2-қисми. <https://lex.uz/docs/111460>
- 5) Аверьянова Т.В., Белкин Р.С, Корухов Ю.Г., Российская Е.Р.
- 6) Криминалистика: Учебник / Под ред. Р.С.Белкина. М.: НОРМА,2000. С. 64
- 7) Криминалистика: Учебник / Под ред. Н.П. Яблокова. 3-е изд., перераб. и доп. М.: Юристъ, 2005. С. 235.

ИСМАИЛОВ Исамиддин

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети профессори,
юридик фанлар доктори, профессор*

ИРИСБЕКОВ Улуғбек

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчи

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ. ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада товламачилик жинойтларининг аҳволи ва йўналиши, шунингдек, уларнинг содир этилиш сабаблари ҳамда шарт-шароитлари таҳлил қилинган, профилактик чора-тадбирлар асослантирилган.

Калит сўзлар: товламачилик жинойтлари, товламачилик аҳволи ва йўналиши, товламачиликнинг сабаблари, товламачилик содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар, профилактик чора-тадбирлар.

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ. ВЫМОГАТЕЛЬСТВО И АНАЛИЗ ПРИЧИН И УСЛОВИЙ ЕГО СОЕРШЕНИЯ

Аннотация. В данной статье проанализированы состояние и тенденции вымогательства, причины и условия его совершения, а также обоснованы меры

его профилактики.

Ключевые слова: вымогательство, состояние и тенденции вымогательства, причины и условия вымогательства, меры профилактики.

CRIMINOLOGICAL ASPECTS OF THE FIGHTING CRIME. EXTORTION AND ANALYSIS OF THE REASONS AND CONDITIONS OF ITS COMMITMENT

Abstract. This article analyzes the state and trends of extortion, the reasons and conditions for their commission, and also substantiates measures for their prevention.

Keywords: extortion, state and trends extortion, causes and conditions extortion, prevention measures.

Криминалогик адабиётларда товламачиликнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили унинг мулкӣ турдаги жиноятлардан бири сифатида талқин қилишга асос бўлиб хизмат қилмоқда[1].

Кўпгина ҳолларда товламачилик шантаж, рэкет номи билан ҳам аталади. Лекин шантаж ҳам, рэкет ҳам товламачиликдан фарқ қилади. Шантаж - шахсни шарманда қиладиган маълумотларни ошкор этиш билан кўрқитиб, бирон бир ҳаракатни содир эттириш бўлса, рэкет бир неча шахслар томонидан дўқ қилиш, зўрлик ишлатиш ва кўрқитиш орқали амалга ошириладиган қилмишдир[2].

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар кўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш жиноят кодексининг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда кўрқитиш амалга ошириляётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозим [3]. Тадқиқотларда қийнаш жиноятининг муайян даражада у билан ўхшаш бўлган товламачилик жиноятидан фарқлашга оид масалалари таҳлил қилинган[4].

Бундан ташқари охириги йилларда жаҳонда, шу жумладан мамлакатимизда инсонларга зўрлик ишлатиш, уларнинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиш орқали жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш билан боғлиқ товламачилик кўпайиб бораётганлиги, шунингдек уларни ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда янги-янги усулларда содир этиляётганлиги кузатилмоқда[5]. Республикада 2022 йилнинг 12 ойида 364 та (2023 йил 6 ойида 197 та) товламачилик жинояти содир этилган. 2022 йил давомида содир этилган жами товламачилик жиноятларининг 23,3 фоизи аёллар, 76,7 фоизи эркеклар томонидан содир этилган. Ушбу турдаги жиноятларнинг аксарият қисми ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган товламачилик ҳиссасига тўғри келмоқда.

Юқоридагилар мазкур товламачилик жиноятларининг сабаб ва шароитларини комплекс тадқиқ этишни ҳамда аниқланган муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Ҳар қандай жамиятдаги жиноятчиликнинг сабабларини шу жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидан излаш керак эканлиги ўз исботини топмоқда. Криминология жиноятларнинг, шу жумладан товламачиликнинг сабабларини ўрганишда, диалектика назарияларига асосланади. Авваламбор диалектикадаги сабабиятлар назариясига асосланиб, яъни ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлар ўртасидаги сабабий боғланишлар ҳақидаги билимларга асосланиб жиноятларнинг, шу жумладан товламачиликнинг сабаб ва шароитларини тушунтириб беради.

Криминологияда жиноятлар, шу жумладан товламачилик сабаб ва шароитларини тушунтиришда дунёвий боғлиқликларнинг бир тури бўлган «детерминация»[6] яъни воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни билдирувчи алоқа ҳақидаги назариядан фойдаланилади. Диалектик детерминизм табиат ва жамиятдаги барча ҳодисаларнинг, шу жумладан кишиларнинг ирода ва хулқ-атворларининг умумий объектив қонунияти борлиги ва улар бир-бирига боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этишини эътироф этувчи назариядир[7].

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қуйидагилар жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида товламачилик жиноятларининг содир этилиши сабаблари бўлиб хизмат қилмоқда:

- айрим тоифадаги шахсларда, шу жумладан тадбиркорларда осон йўл билан бойлик орттириш, моддий ашёларга эга бўлиш иштиёқининг юқорилиги;
- айрим тоифадаги шахсларда, шу жумладан вояга етмаган ва ёшларда маънавий-ахлоқий дунёқарашнинг пастлиги натижасида ҳалол даромад топишга бўлган интилишнинг йўқолиши;
- айрим тоифадаги шахсларда никоҳ ва оилавий ҳаёт муносабатларига нисбатан садоқатсизлик (хиёнат);
- ишсизлик ва иқтисодий етишмовчиликлар юқорилиги сабабли айрим тоифадаги шахсларнинг, шу жумладан аёллар қонунга хилоф йўллар орқали ўз моддий эҳтиёжларини қондиришга бўлган ҳаракати;
- айрим тоифадаги шахсларнинг ўзгалар ҳисобидан ҳаёт кечириш хусусияти ва одатига эғалиги;
- гиёҳвандлик, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига кучли таъсир этувчи моддалар ҳамда спиртли ичимликларга қарамлиги.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қуйидаги омиллар товламачилик жиноятларининг содир этилишига шарт-шароит сифатида имкон бермоқда:

- фуқароларнинг ва юридик шахс вакилларининг мулк ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган битим ҳамда шартномаларни амалга ошириш борасида етарлича ҳуқуқий билим ва савияга эга эмаслиги;

- жиноятлар, хусусан товламачилик содир этилишининг барвақт олдини олиш борасида маъмурий ҳудудда таъсирчан тарбиявий-профилактик чора-тадбирларнинг қўлланилмаслиги;

- бепарволик ёки лоқайдлик натижасида ўз шахсий ёки оилавий сирларига нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўрмаслик;

- ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги сабабли кўп фойда кўраман, ишим битади деб шахсий мол-мулкни ўзга шахсга ишониб топшириш;

- фуқаролик-ҳуқуқий битим ва шартномаларни амалга оширишда эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш;

- шахсий маълумотларнинг ҳимояланмаганлиги ва уларнинг тарқалишини осонлаштирадиган қулай шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

- интернет хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги натижасида шахсий маълумотлардан ғаразли шахслар фойдаланиш имкониятининг осонлиги;

- айрим тоифадаги шахсларнинг (айниқса вояга етмаган ва аёлларнинг) бегона шахслар билан ижтимоий муносабатларга киришишда ҳимояланиш имунитетининг шаклланмаганлиги;

- ғайриижтимоий ҳулқ-атворли ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга профилик таъсир (расмий огоҳлантириш каби) чораларининг мунтазам олиб борилмаслиги;

- товламачилик жиноятларини содир этиб, илгари судланган шахсларнинг назоратсизлиги.

Товламачилик жиноятларининг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш учун қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- товламачиликдан жабрланувчиларни, шунингдек бундай қилмишлардан жабрланишга мойил бўлган (айниқса ишонувчан, очкўз, ишини енгиллик ёки осонлик билан битиришни истовчи ҳулқ-атворга эга) шахсларни аниқлаш ҳамда уларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни) тизимли ва мақсадли амалга ошириш;

- аҳолига товламачилик жинояти содир этилаётганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган ҳар қандай ҳолатда ички ишлар органларига хабар қилиши тўғрисида мунтазам мақсадли тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек мазкур жараёнда ОАВлари имкониятидан унумли фойдаланиш;

- аудио ва видео форматлардаги аудио-тарғибот материалларини тайёрлаш, уларни радиоузеллар ёрдамида кенг тарғиб қилиш, бунда шахсий ва оилавий маълумотларини ҳимоялаш ҳамда бегона шахсларга бермаслик борасидаги тарғиботларни кучайтириш;

- товламачилик жиноятларини содир этган шахсларнинг иш (ўқиш) жойларидаги маъмуриятни, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини улар тўғрисида, содир этган жиноятлари ҳолатлари ҳақида, унинг сабаблари ва имкор берган шарт-шароитлари бўйича хабардор қилишни мунтазам равишда йўлга қўйиш;

- товламачилик жиноятдан жабрланувчиларнинг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда уларни товламачиликдан ҳимояланиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

- ижтимоий тармоқларда “Икки босқичли идентификация” тизими имкониятларидан фойдаланиш тўғрисида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

- товламачилик жиноятларидан ҳимояланиш бўйича мобил алоқа компаниялари билан ҳамкорликда “SMS-хабарнома” хизматини жорий қилиш;

- телеканаллар ва ижтимоий тармоқлар (“Instagram”, “Telegram”, “Vkontakte”, “Facebook”, “Twitter”, “Youtube”, “Tik-tok”)да товламачилик жиноятларини содир этиш усуллари, сабаб ва шароитлари ҳамда уларнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи рекламалар намоёиш этиш ҳамда видеоқўрсатувлар ташкил этиш;

- илгари товламачилик жиноятларини содир этган шахсларни профилактик тадбирлар билан қамраб олиш, уларнинг ижтимоий мослашишларига ва бандлигини таъминланишида амалий кўмак бериш;

- товламачилик жиноятини содир этганлиги учун илгари судланган, профилактик ҳисобда ёхуд маъмурий назоратда турувчи шахслар билан ижтимоий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, такрор товламачилик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган товламачиликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тавсифловчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда профилактик суҳбатлар ўтказиб бориш;

- товламачилик жиноятини содир этган шахсларнинг руйхатини юритиш ҳамда интернет тармоғида улар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш орқали фуқароларни товламачиликни содир этувчи шахслар ҳақида керакли ахборот билан таъминлаш имкониятини яратиш;

- товламачилик жиноятдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

- юридик ҳаракатларни тегишли нотариал идоралардагина амалга ошириш, қонуний равишда амалга ошириш мумкин бўлган ишларни бажаришда учинчи шахслардан ёрдам сўрамасликни таъсирчан воситалар ёрдамида тушунтириш.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, замонавий товламачиликнинг *биринчидан*, янги-янги кўринишларда ва хавфли шаклларда тадбиркорлик соҳасида, айниқса хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган йўналишда шунингдек, гуруҳий тартибда ҳамда касб сифатида шуғулланиш орқали содир этилиши, *иккинчидан*, унинг табиати ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси уни содир этувчилар томонидан зўравонлик қилишнинг шафқатсиз ва мураккаб усуллари (жабрланганларга нисбатан зўравонлик ишлатиш, одам ўғирлаш, қийноққа солиш, мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш, чидаб бўлмас усулларни қўллаган ҳолда жабрланувчи кўз олдида ўлдириш) қўллашда намоён

бўлаётганлиги, *учинчидан*, ахборот ресурслари ва юқори технологиялар соҳаси имкониятларидан кенг фойдаланиб жиноий қилмишларни олдиндан режалаштириб яширин ва кўпинча қонунийлаштирилган усулларни қўллаган ҳолда содир этилиши кузатилмоқда.

Бу эса жамиятда товламачиликнинг куйидаги профилактик чора-тадбирларини кучайтиришни тақозо этмоқда:

биринчиси, иқтисодиётнинг хусусий секторини барча даражадаги ҳокимият органлари томонидан таъмагирликдан ишончли ҳимоя қилишни таъминлашни;

иккинчиси, хўжалик фаолиятининг барча субъектлари устидан ишончли давлат молиявий назоратини амалга оширишни;

учинчиси, жиноий гуруҳлар раҳбарларини ёшлар ва оддий ҳуқуқбузарлардан ажратиб қўйиш мақсадида улар устидан маъмурий-тезкор назоратни ўрнатишни;

тўртинчиси, уюшган жиноятчиликнинг минтақалараро, трансмиллий алоқалари, ноқонуний экспорт ва импорт устидан қонунчилик, молиявий, оператив ва бошқа турдаги назоратни, шунингдек чет элга капитал экспортига қарши курашишни кучайтиришни;

бешинчиси, товламачиликнинг барча шакл ва усулларига қарши курашиш муаммоларини матбуотда, телевидениеда мунтазам ёритишни, бу курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ютуқ ва камчиликларини оммавий ахборот воситаларида очиқ муҳокама қилишни фаоллаштириш;

олтинчиси, оммавий ахборот воситалари, социологик марказлар, бошқа жамоат ташкилотлари орқали иқтисодиёт соҳасидаги коррупция ва товламачилик фактларини аниқлаш ва аҳолини бундай жиноий хуружлардан ҳимоя қилиш даражасини баҳолаш мақсадида тадбиркорлар ва бошқа фуқаролар ўртасида сўровлар ўтказишни амалга оширишни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Товламачилик // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tovlamachilik-uz/>;
Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят ҳуқуқи (махсус қисми). Ўқув-услубий қўлланма // <https://sudyalaroliymaktabi.uz/uploads/docs/1a9a85c33815c82683dbbb41102ca2a4.pdf>.

2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tovlamachilik-uz/>

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон қарори (мурожаат санаси: 29.10.2021.) <https://www.lex.uz/docs/1448644>

4. Расулев А.А. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонунининг аҳамияти. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010.; Омонов З.Р. Қийнашни квалификация қилиш ва ўхшаш таркибли

жиноятлардан фарқлаш муаммолар (мурожаат санаси: 29.10.2021.) file: /// C:/Users/User/Downloads/118-189-1-10-20210104.pdf

5. История года: программы-вымогатели в заголовках СМИ <https://securelist.ru/the-story-of-the-year-ransomware-in-the-headlines/104130/> (мурожаат 21.01.2023 соат 10-25); Число кибератак с целью вымогательства выросло в мире в 2,5 раза. <https://www.dv.ee/novosti/2021/08-/19/chislo-kibernapadenij-s-celju-vymogatelstva-vyroslo-v-mire-v-25-raza>; Социальная инженерия в 2021 году https://go.kaspersky.com/rs/802-IJN-240/images/Social_Engineering_Whitepaper_RUS.pdf (мурожаат 21.01.2023 соат 10-58); Число кибератак на организации по всему миру выросло почти на треть // <https://www.rspectr.com/novosti/62641/chislo-kiberatak-na-organizacii-po-vsemu-miru-vyroslo-pochti-na-tret>

6. Детерминация лотинча «determinatio» сўздан олинган бўлиб, «аниқлайман», «белгилайман», «тақозо этаман» деган маънони билдиради.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент. 1981, 222-б.

ИСМАИЛОВ Тимур Камалатдинович

ЭКСТРЕМИСТИК ТАВСИФДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада юртимизда экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш борасида доимий равишда ислохотлар амалга оширилаётганлиги ёритилган. Миллий, этник, диний ҳамда бошқа ташкилотлар ва тузилмалар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини бузишга, мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий вазиятдаги беқарорликка йўналтирилган экстремистик фаолияти давлат ва жамоат хавфсизлиги соҳасида миллий хавфсизликка таҳдидларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланиши келтириб ўтилган. Экстремизмнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиши баён этилган.

Калит сўзлар: экстремизм, терроризм, миллий, этник, диний ва бошқа ташкилотлар, мамлакат бирлиги ва ҳудудий яхлитлиги, давлат ва жамият хавфсизлиги, миллий хавфсизликка таҳдид, экстремизмнинг олдини олиш.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ЭКСТРЕМИСТСКОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ

Аннотация. В данной статье подчеркивается тот факт, что в нашей стране постоянно проводятся реформы по предотвращению экстремизма и терроризма. Было отмечено, что одним из основных источников угроз считается экстремистская деятельность национальных, этнических, религиозных и других организаций и структур, направленная на нарушение единства и территориальной целостности Республики Узбекистан, дестабилизацию политической и социальной ситуации в стране, национальной

безопасности в области государственной и общественной безопасности. Констатируется, что предотвращение экстремизма признано одним из основных направлений деятельности по обеспечению национальной безопасности Республики Узбекистан.

Ключевые слова: экстремизм, терроризм, национальные, этнические, религиозные и другие организации, национальное единство и территориальная целостность, безопасность государства и общества, угрозы национальной безопасности, предупреждение экстремизма.

Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашнинг устувор йўналиши – экстремистик ғояларга қарши қатъий курашишдан иборатдир. Кўпинча ҳаётга энди қадам қўяётган ёшлар унинг таъсирига тушиб қолмоқда [1].

Юртимизда экстремизм ва терроризмни олдини олиш борасида доимий равишда ислохотлар амалга оширилаётган бўлиб, шулардан мисол сифатида келтириб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясининг “Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” деб номланган VI бобда 82-мақсади “Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш” деб номланган бўлиб, алоҳида йўналишлар кўрсатиб ўтилган.

Миллий, этник, диний ҳамда бошқа ташкилотлар ва тузилмалар томондан Ўзбекистон Республикасининг бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини бузишга, мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий вазиятдаги беқарорликка йўналтирилган экстремистик фаолияти давлат ва жамоат хавфсизлиги соҳасида миллий хавфсизликка таҳдидларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Экстремизмни олдини олиш Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Экстремизмни олдини олиш-бу экстремизмнинг келиб чиқиши сабаб, шарт-шароитлари аниқлаш ва уларни барҳам беришга, шунингдек содир этилиши тайёрланаётган экстремистик тавсифдаги жиноятларни тўхтатиш, экстремизм оқибатларини минималлаштириш ёки йўқ қилишга қаратилган тегишли субъектларнинг фаолияти ҳисобланади.

Экстремистик фаолиятни олдини олиш икки асосий йўналишда амалга оширилади:

1) экстремистик фаолиятнинг олдини олишга қаратилган профилактик чораларини кўриш, шу жумладан экстремистик фаолиятни амалга оширишга ёрдам берадиган сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш;

2) жамоат ва диний бирлашмалар, бошқа ташкилотлар, жисмоний шахсларнинг экстремистик фаолиятини аниқлаш, олдини олиш ва тўхтатиш.

Ҳуқуқшунослик назариясида жавобгарликка тортиш учун асос шахснинг қилмишида қонунбузарлик (жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик) таркибининг мавжудлиги ҳисобланади. Экстремистик фаолият учун жиноий жавобгарлик тегишли экстремистик тавсифдаги жиноятларни содир этганлик натижасида юзага келади.

Экстремизмни олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини кўриб чиқадиган бўлсак, булар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Стратегияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун, идоравий ва идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ташкил қилади.

Экстремистик тавсифдаги жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, тўхтатиш, очиш ва тергов қилиш ҳаракатлари тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширувни ҳамда терговни ўтказишга ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади. Хусусан, экстремистик фаолиятга қарши курашиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини ДХХнинг тегишли тезкор бўлинмалари, ички ишлар вазирлигининг терроризмга қарши хизмати бўлинмалари, шунингдек “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда [2,10-моддаси] кўрсатиб ўтилган бошқа органларнинг тезкор бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Экстремизмга қарши курашда тезкор бўлинмалар “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда [2,12-моддаси] назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар, шунингдек, ушбу қонунда кўрсатилган тезкор-қидирув тадбирларини [2,14-моддаси]ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик даражасида экстремизмни олдини олиш масаласи қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари мавжуд бўлиб, булар, 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” ги 489-сон, 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги 167-П-сон қонунлар;

- экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро қонунларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6252-сон Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ- 6255-сон Фармони;

Мазкур Стратегиянинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик, шунингдек, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали ва бир вақтнинг ўзида мувофиқлаштирилган давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашдир.

Ушбу ҳужжат Янги Ўзбекистон шароитида бузғунчи иллатларга қарши курашишнинг ўзига хос йўналишларини белгилаб берди. Стратегияда экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги мавжуд тажриба, шунингдек, минтақа давлатларидаги мазкур таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳолатнинг қиёсий таҳлиллари тадқиқ қилинган ҳолда Марказий Осиёда экстремистик ва террорчилик фаолиятининг ўзига хос жиҳати, миллий, ижтимоий, диний ҳолатлари ўрганилди [3].

Қуйидагилар стратегиянинг устувор йўналишлари этиб белгиланди [4]:

- экстремизм ва терроризм мафқураси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш;

- вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш;

- хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш;

- узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш;

- экстремистик ва террорчилик мақсадларида Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишга қарши курашиш;

- фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги иштирокини таъминлаш;

- экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш;

- экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- халқаро ва минтақавий ҳамкорлик.

Экстремизмни олдини олишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, 2018 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда экстремизм тушунчасининг мазмун ва моҳияти, бу турдаги иллатларга қарши курашишнинг чора-тадбирлари ва принциплари ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий

йўналишлари белгилаб берилган Мазкур Қонуннинг мақсади экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур қонунда экстремизмнинг олдини олиш борасида қуйидаги чоратadbирлари белгиланди:

– экстремистик фаолиятни амалга оширишга йўл қўймаслик тўғрисида расмий огоҳлантириш чиқариш;

– юридик шахс томонидан экстремистик фаолият амалга оширилишига йўл қўймаслик тўғрисида тақдимнома киритиш;

- экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этишни тақиқлаш;

- экстремизмни молиялаштиришни тақиқлаш;

- юридик шахснинг фаолиятини тўхтатиб туриш;

- ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш.

Экстремистик фаолият белгиларини ўз ичига олган, тайёрланаётган гайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида етарлича ва аввалдан тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлган ҳамда жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг мансабдор шахси экстремизмнинг юзага келишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга ва жисмоний шахсларга бундай фаолиятга йўл қўймаслик тўғрисида ёзма шаклда расмий огоҳлантириш чиқаради, огоҳлантиришда уни чиқаришнинг аниқ асослари кўрсатилиши лозим [5].

Халқаро миқёсида экстремизмга қарши курашнинг асосий йўналишларини белгилайдиган асосий ҳуқуқий ҳужжат 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ҳисобланади [6]. Европа Иттифоқи мамлакатларининг замонавий экстремизмга қарши курашиш масалаларига оид қонунчилигининг устун хусусияти ирқий-диний тусдаги экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналиши орқали кўриб чиқиладиган профилактик чораларини бирлаштиришдир. Мисол тариқасида, 1993 йил 9 октябрдаги Вена декларациясининг 3-илоvasи [7], бу ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм ва мурасасизликка қарши ҳаракатлар режасини ўз ичига олади.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган ҳужжат қоидаларини таҳлил қилиш Европа кенгаши қонун чиқарувчилари томонидан экстремистик тавсифдаги жиноятлар билан боғлиқ бўлган (хусусан трансмиллий) жиноий ҳаракатларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатишга имкон беради, буларга самолётни ноқонуний эгаллаб олиш; дипломатик ходимларга ва халқаро химоядан фойдаланадиган бошқа шахсларга тажовуз қилиш; гаровга олиш; ядровий хавфсизликка тажовуз қилиш; денгиз навигацияси хавфсизлигига тажовуз қилиш; терроризмни молиялаштиришни киритиш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) ҳуқуқий меъёрий-ҳуқуқий базаси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга ва авваламбор, 2001 йил 15 июндаги терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай

конвенциясига[8] эътибор қаратиш лозим, Ўзбекистон Республикаси унинг иштирокчиси ҳисобланади.

ШХТ қонун чиқарувчиларининг фикрига кўра, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бу профилактика, тезкор-қидирув ва тергов тадбирларини ўтказиш, ушбу турдаги жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бошқа чораларни ўз ичига олиши керак.

Халқаро ташкилотлар орасида Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)нинг фаолияти ҳам эътиборга лойиқдир. Шунини таъкидлаш керакки, МДХ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг қарори билан 2005-2007 [9], 2008-2010 [10], 2011-2013 [11] йилларда терроризм ва экстремизмнинг бошқа зўравон кўринишларига қарши курашда иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг бир қатор дастурлари қабул қилинди. Экстремистик йўналишдаги жиноятларга қарши курашишга қаратилган.

Масалан, 2008-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида МДХга аъзо давлатлар парламентлараро Ассамблеясининг 32-ялпи мажлисида “Экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги намунавий қонун” [12] лойиҳаси тайёрланди ва қабул қилинди. Унда “экстремизм” таърифи белгилаб олинган бўлиб, унга кўра конституциявий тузум ва давлат хавфсизлигига тажовуз, ижтимоий хулқ-атворнинг ҳуқуқий ва (ёки) бошқа умумэътироф этилган нормалари ва қоидаларини инкор этиш натижасида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши ҳисобланади.

Ушбу таърифни таҳлил қилиб, биз экстремистик кўринишларга бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатлар доирасини аниқлашда аниқлик йўқлигини, шунингдек, экстремистик мотивларни тушунишнинг ўзига хослигини камчилик сифатида таъкидлаб ўтамиз.

Шу билан бирга, “экстремистик тавсифдаги жиноий (трансмиллий) фаолият (трансмиллий экстремизм)” таърифи ва моҳиятини аниқлаш кримналистик аҳамиятга эга деб айтиш адолатли деб ҳисоблаймиз [13].

Бизнинг фикримизча, бу, биринчи навбатда, замонавий шароитда экстремизмни олдини олиш ва унга қарши кураш жараёни, қоида тариқасида, жуда мураккаб ва кўпинча фавқулодда вазиятлар ва тактик хавф шароитида амалга оширилганлиги билан боғлиқ.

Экстремизмни олдини олиш борасида халқаро ташкилотлар ва бир қанча давлатлар ҳамкорликда ҳаракат қилишлари зарурлиги тасдиқламоқда ва бу борада бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Мисол учун 2017 йил 7 апрель куни Тошкент шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Давлат раҳбарлари кенгашида кўриб чиқиш учун киритилган МДХ давлатларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишга қарши курашиш

соҳасидаги ҳамкорлиги Концепцияси ҳамда жиной ишларнинг моддий далиллари бўлган наркотик ва психотроп моддалар ҳамда уларнинг прекурсорларини, ўқотар куроллар, уларнинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни топшириш тартиби тўғрисида Баённома лойиҳалари имзоланган эди.

Шунингдек Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2022 йил 16 сентябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан улар орасида терроризмга қарши кураш соҳасида “ШХТ Бош котибининг ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти ҳамда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари ҳақида” ги қарор ҳам имзоланди [14].

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 10-11 октябр кунлари Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Туркменистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон президентлари ва Арманистон бош вазири, МДХ Ижроия қўмитаси раиси Ижрочи котибияти иштирокида МДХ давлатлари ўртасида 2020-2022 йилларда терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди [15].

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, Ўзбекистон Республикаси томонидан Бирлашган миллатлар ташкилоти Хавфсизлик кенгаши томонидан экстремизм ва терроризмга қарши кураш доирасида қабул қилинган 14 та халқаро конвенция ва протоколни ратификация қилган, шу билан бирга 7 та минтақавий шартномалар имзоланган.

Экстремизмни вужудга келтирувчи асосий омилларини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, иқтисодий, диний ва маънавий каби турларга бўлиш мумкин. Унга қарши курашиш стратегик сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланди:

- камбағалликка қарши курашиш дунё иқтисодиёти ўсишининг кафолати ҳисобланади;
- барқарорлик ва хавфсизликни алоҳида давлатлар, минтақалар ва бутун дунёда ўрнатиш ҳамда уни таъминлаш;
- бағрикенгликни шакллантириш;
- терроризмга қарши курашиш халқаро ҳаракатларни кучайтириш [16, Б-103].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юртимизда биз учун кадрли бўлган тинчликни асраш ҳушёрлик ва огоҳликни талаб қилади. Ўсиб келаётган ёш авлодни турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш, уларни интернет тармоқлари орқали тарғиб қилинаётган зарарли ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш мақсадида ҳамкорликда тадбирлар

Ўтказиш кўламини янада кенгайтириш лозим. Дунёда глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олган ҳозирги замонда халқимизда, айниқса, ёшларда ватанга содиқлик, ифтихор, миллий ғурур туйғусини янада чуқурроқ шакллантириш, экстремизмнинг ёт ғоялардан ҳимоя қилувчи мафкуравий иммунитет шакллантириш барчамизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. Мазкур йўналишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш мақсадга мувофиқ. Шундагина юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва бағрикенглик муҳитини асраш ва уни келажак авлодаларга ҳам етказиш имконига эга бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрь Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида “Марказий Осиё: бир ўтмиш ва бир келажак, барқарор ривожланиш ва ўзаро фаровонлик учун ҳамкорлик” номли халқаро конференциясидаги нутқи. <https://azon.uz/content/views/ekstremizmga-qarshi-kurashish>.(Мурожаат санаси 23.06.2023 й.);

2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-334-сон қонуни;

3. *Жўраев У.* Радикализм ва экстремизмга қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси.2023. <https://moturidiy.uz/uz/news/2258> (мурожаат санаси: 23.06.2023 йил).

4. Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш стратегияси тасдиқланди. [Gazeta.uz/.https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/06/strategy/](https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/06/strategy/) (мурожаат санаси 23 июнь 2023 йил)/

5. “Экстремизмга қарши курашиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун моҳияти. <https://kukaldosh.uz/09/07/2021/7040> (мурожаат санаси 20.06.2023 й.)

6. Всеобщая декларация прав человека (принята на третьей сессии Генеральной Ассамблеи ООН резолюцией 217 А (III) от 10 декабря 1948г. // <https://constitution.uz>.(мурожаат санаси 27.06.2023 й.);

7. Приложение №3 к Венской декларации от 9 октября 1993г. // <https://docs.cntd.ru/>(мурожаат санаси 27.06.2023 й.);

8. Шанхайская конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом от 15 июня 2001 г. // <https://lex.uz/docs/20066678>. (мурожаат санаси 27.06.2023 й.)

9. О программе сотрудничества государств - участников Содружества Независимых Государств в борьбе с терроризмом и иными насильственными проявлениями экстремизма на 2005-2007г.г.: решение Совета глав государств Содружества Независимых Государств // <https://lex.uz/ru/docs/1344764>. (мурожаат санаси 27.06.2023 й.).

10. О Программе сотрудничества государств - участников Содружества Независимых Государств в борьбе с терроризмом и иными насильственными

проявлениями экстремизма на 2008-2010г.г.: Решение Совета глав государств Содружества Независимых Государств // <https://cis.minsk.by/page/13862>. (муурожаат санаси 27.06.2023 й.)

11. О Программе сотрудничества государств - участников Содружества Независимых Государств в борьбе с терроризмом и иными насильственными проявлениями экстремизма на 2011-2013г.г.: Решение Совета глав государств Содружества Независимых Государств // <https://cis.minsk.by/page/13862>. (муурожаат санаси 27.06.2023 й.)

12. Информационный бюллетень. Межпарламентская Ассамблея государств - участников Содружества Независимых Государств. 2009. №44. С.205-219. https://iacis.ru/deyatelnost/izdatelskaya_deyatelnost/informatcionnij_byulleten (муурожаат санаси 27.06.2023й)

13. Давыдов В.О. Транснациональный экстремизм: криминалистический анализ: монография. // Под. науч. ред. А.Ю. Головина. М.: Юрлитинформ, 2016; Давыдов, В.О. Методика расследования транснациональной преступной деятельности экстремистского характера: монография. // Под. науч. ред. А.Ю. Головина. М.: Юрлитинформ, 2018. (муурожаат санаси 27.06.2023й).

14. Ильин В.М. Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмни олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик. "экономика и социум" №11(102)-2 2022. б-398. <file:///C:/Users/user/Downloads/diniy-a-idaparastlik-ekstremzim-va-terrorizmni-oldini-olish-hamda-unga-arshi-kurashishda-hal-aro-amkorlik.pdf>. (муурожаат санаси 22.06.2023 йил).

15. Мақсудов Д. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг аҳамияти. 2023. <https://religions.uz/news/detail?id=1544>. (муурожаат санаси 23.06.2023 й.)

16. Убайдуллаев К.Н. Современное состояние международного терроризма: проблемы и решения // Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015. – 102-103 б.

ТАЛЛИБАЕВ Умиджон Шергазиевич

*Преподаватель кафедры «Обеспечение общественной безопасности»
Университета общественной безопасности Республики Узбекистан*

НЕОБХОДИМОСТЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДОСТОВЕРНОСТИ ИНФОРМАЦИИ

Аннотация: В статье рассматривается актуальность и важность поддержания правильности, точности и надежности данных в различных областях жизни. Уделяется внимание роли достоверной информации в принятии обоснованных решений и формировании доверия общества к информационным источникам. Также обсуждается борьба с информационными манипуляциями и предлагаются способы обеспечения достоверности информации.

Ключевые слова: информация, административная ответственность, достоверность, ложная информация, информационное общество, источники информации.

THE NEED TO ENSURE THE RELIABILITY OF INFORMATION

Abstract: The article deals with the relevance and importance of maintaining the correctness, accuracy and reliability of data in various areas of life. Attention is paid to the role of reliable information in making informed decisions and building public trust in information sources. It also discusses the fight against information manipulation and suggests ways to ensure the reliability of information.

Keywords: information, administrative responsibility, reliability, false information, information society, information sources.

На сегодняшний день научно-технический прогресс привел к радикальным изменениям в современном мире. Изменилась сама система общественных отношений. Развитие информационно-коммуникационных технологий оказало влияние на все сферы жизни общества — экономику, политику, социальную сферу и культуру.

Значение перехода к информационному обществу отмечено целым рядом государств. Так, например, еще в 1993 г. правительство США опубликовало доклад о плане развития национальной информационной инфраструктуры. Европейское сообщество с 1994 г. поставило задачу построения информационного общества в число приоритетных.[1]

Информационное общество — общество, в котором большинство работающих занято производством, хранением, переработкой и реализацией информации, особенно высшей её формы — знаний. Для этой стадии развития общества и экономики характерно:

- увеличение роли информации, знаний и информационных технологий в жизни общества;

- возрастание числа людей, занятых информационными технологиями, коммуникациями и производством информационных продуктов и услуг, рост их доли в валовом внутреннем продукте;

- нарастающая информатизация общества с использованием телефонии, радио, телевидения, сети Интернет, а также традиционных и электронных СМИ;

- создание глобального информационного пространства, обеспечивающего: – эффективное информационное взаимодействие людей;

- их доступ к мировым информационным ресурсам; – удовлетворение их потребностей в информационных продуктах и услугах.

- развитие электронной демократии, информационной экономики, электронного государства, электронного правительства, цифровых рынков, электронных социальных и хозяйствующих сетей.[2]

Поскольку информационное общество представляет собой систему общественных отношений разнообразного характера, которые так или иначе связаны с использованием информационно коммуникационных технологий и с массивом информации, возникают сложности в выделении общих признаков разнообразных общественных отношений. Формирование концепции информационного общества требует системного подхода, который учитывал бы разнообразные экономические, политические, социальные и иные процессы, происходящие в обществе под влиянием информационно коммуникационных технологий.

Есть незапамятные случаи, когда проблематика обеспечения достоверности информации выходит на первый план, особенно в современных условиях цифровизации общества.

Основными принципами свободы информации являются: открытость и гласность, общедоступность и достоверность.

С.М. Иванова в своих работах указывает что достоверность информации определяется из следующих качеств:

- полнотой;
- целостностью;
- истинностью.[3]

В чем мы полностью согласны так как данные качества являются основополагающими достоверности информации в любой её проявлении так как исключение любого одного из указанного качества может привести к неправильному толкованию предъявленной информации в частях 2 и 3 статьи 7 Закона Республики Узбекистан «О принципах и гарантиях свободы информации» говорится, что:

«Искажение и фальсификация информации запрещаются.

Средства массовой информации несут совместно с источником и автором информации ответственность за достоверность распространяемой информации в установленном законом порядке».[4]

В том числе и статья 7 Закон Республики Узбекистан «О гарантиях и свободе доступа к информации» возлагает на средства массовой информации обязанность по проверке на достоверность публикуемой информации и несении совместной ответственности с источником информации за её достоверность.

Не только искусственный интеллект, но и люди в большинстве своем делают решения на основе доступных им данных. Если эта информация недостоверна, эффективность решений может заметно снизиться.

Так же в Законе Республики Узбекистан «О принципах и гарантиях свободы информации» отмечается информационная безопасность разделяется на 3 вида это:

- информационная безопасность личности:

Информационная безопасность личности обеспечивается путем создания необходимых условий и гарантий свободного доступа к информации, защиты тайны частной жизни, защиты от противоправных информационно-психологических воздействий.

Информация о персональных данных физических лиц относится к категории конфиденциальной информации.

Не допускается сбор, хранение, обработка, распространение и использование информации о частной жизни, а равно информации, нарушающей тайну частной жизни, тайну переписки, телефонных переговоров, почтовых, телеграфных и иных сообщений физического лица без его согласия, кроме случаев, установленных законодательством.

Запрещается использование информации о физических лицах в целях причинения им материального ущерба и морального вреда, а также воспрепятствования в реализации их прав, свобод и законных интересов.

Юридические и физические лица, получающие, владеющие и использующие информацию о гражданах, несут предусмотренную законом ответственность за нарушение порядка использования этой информации.

- информационную безопасность общества – которая достигается путём:

обеспечения развития основ демократического гражданского общества, свободы массовой информации;

недопущения противоправного информационно-психологического воздействия на общественное сознание, манипулирования им;

сохранения и развития духовных, культурных и исторических ценностей общества, научного и научно-технического потенциала страны;

создания системы противодействия информационной экспансии, направленной на деформацию национального самосознания, отрыв общества от исторических и национальных традиций и обычаев, дестабилизацию общественно-политической обстановки, нарушение межнационального и межконфессионального согласия.

- информационную безопасность государства - обеспечивается путем:

реализации мер экономического, политического, организационного и иного характера по противодействию угрозам безопасности в информационной сфере;

защиты государственных секретов и государственных информационных ресурсов от несанкционированного доступа к ним;

интеграции Республики Узбекистан в мировое информационное пространство и современные телекоммуникационные системы;

защиты от распространения информации, содержащей публичные призывы к насильственному изменению конституционного строя, нарушению территориальной целостности, суверенитета Республики Узбекистан, захвату

власти или отстранению от власти законно избранных или назначенных представителей власти и совершению иных посягательств на государственный строй;

противодействия распространению информации, содержащей пропаганду войны и насилия, жестокости, идей терроризма и религиозного экстремизма, направленной на разжигание социальной, национальной, расовой и религиозной вражды.[5]

Таким образом на распространителей информации, в частности, на средства массовой информации или блогер возложена обязанность по проверке достоверности распространяемой информации. А в случаях непринятия мер закон регламентирует ответственность за данное упущение.

В современном обществе, где подавляющее число людей полагается на новостные учреждения и социальные медиа для информации, достоверность является ключевым фактором в формировании доверия общества. Недостоверная информация может внести смуту в общество и привести к разрушению доверия к информационным источникам.

9 августа 2023 года в соцсетях разлетелась новость о повышении зарплат, пенсий и пособий на 10% с 1 августа, однако в Пенсионном фонде заявили, что такого указа президента нет. Что указывает о фейковости данной информации. Однако множество телеграмм каналов с многотысячными подписчиками, такие как МІЛІЦИҲА UZB – 297 729 подписчиков, Дайджест – Новости Узбекистана – 227 607 подписчиков, Столица - Новости Ташкента – 34 442 подписчиков, Сирдарё садоси – 14 914 подписчика опубликовали данную новость.

Что говорит о том, что руководство данных новостных каналов допустило в своей упущение тем, что не убедилось в достоверности данной информации. Однако стоит отметить, что ни в Кодексе об административной ответственности ни в Уголовном Кодексе Республики Узбекистан не предусмотрена ответственность за данные деяния.

Достоверность информации можно обеспечить следующим путём:

Проверка источников. Самым важным шагом к обеспечению достоверности информации является тщательная проверка источников.

Контроль социальных медиа. Платформы социальных медиа играют важную роль в распространении информации, и следует обеспечить их ответственность за предоставление достоверной информации.

Образование. Повышение уровня информационной грамотности населения также поможет людям различать достоверную и недостоверную информацию.

Таким образом имеется необходимость внесение изменений и дополнений в Кодексе об административной ответственности Республики Узбекистан, дополнение нормами, регламентирующими ответственность за распространение ложной информации.

Использованные источники:

1. Информационное общество: Информационные войны. Информационное управление. Информационная безопасность / Под ред. М.А. Вуса. СПб., 1999. С.
2. Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации / Редакторы: Е.С. Ивашкина, В.Г. Деткова. — М.х: ВЛАДОС, 1994. — С. 96-97. — ISBN 5-87065-012-7.
3. Иванова Светлана Михайловна Оценка достоверности информации, найденной в сети Интернет // Преподаватель XXI век. 2015. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-dostovernosti-informacii-naaydennoy-v-seti-internet> (дата обращения: 05.03.2023).
4. Закон Республики Узбекистан, от 12.12.2002 г. № 439-II // <https://lex.uz/docs/52709> (дата обращения 05.03.2023 г.)
5. Закон Республики Узбекистан, от 12.12.2002 г. № 439-II // <https://lex.uz/docs/52709> (дата обращения 05.03.2023 г.)

ИСМАИЛОВ Ахмад

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси*

ВОЯГА ЕТМАГАНИНГ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ТАВСИФИ

Аннотация: Мазкур мақолада вояга етмаганинг ўз жонига қасд қилишнинг виктимологик тавсифига доир масалалар баён этилган. Бундан ташқари, мазкур мақолада “Виктимология” тушунчасига доир олимларнинг фикирлари ўрганилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлари: Айбланувчи, вояга етмаган, виктимология, виктимлик, жабрланувчи, қасд қилиш, криминологик, тавсифи, ўзини ўзи ўлдириш, даражасига етказиш.

ВИКТИМОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СУИЦИДОВ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Аннотация: в данной статье рассмотрены вопросы, связанные с виктимологической характеристикой самоубийства несовершеннолетних. Кроме того, в данной статье рассматриваются мнения ученых о понятии «Виктимология», а также даются соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: обвиняемый, несовершеннолетний, виктимология, виктимизация, потерпевший, убийство, криминологический, описание, самоубийство, нивелировка.

VICTIMOLOGICAL CHARACTERISTICS OF SUICIDE BY MINORS

Abstract: this article discusses issues related to the victimological characteristics of juvenile suicide. In addition, this article discusses the opinions of scientists about the concept of “Victimology”, and also provides relevant suggestions and recommendations.

Key words: accused, minor, victimology, victimization, victim, murder, criminological, description, suicide, leveling

Бизга маълумки криминологияда алоҳида виктимология йўналиши бўлиб, бу жиноят жабрланувчисини ўрганадиган фан ҳисобланади.

“Виктимология” атамаси икки сўздан: латинча “victima” – “жабрланувчи” ва юнонча “logos” – “билим, таълимот” сўздан ташкил топган бўлиб, жабрланувчи ҳақидаги таълимот деган маънони англатади[1].

Виктимологияда жабрланувчиларни ўрганишда асосан “жиноят қурбони” ва “жиноят жабрланувчиси” деган айнан ўхшаш бўлган тушунчалардан фойдаланилади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини содир этишнинг сабаблар занжирида жабрланувчи жиддий роль ўйнайди, деган фикр бугунги кунда пайдо бўлиб қолган эмас, зеро, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи манбаларида бундай ёндашув ўз аксини топган.

Таниқли ҳуқуқшунос олимлардан бири бўлган Иеремия Бентам (1748-1832) жиноятчини оғирроқ жазолаш учун жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш бўйича қонунчиликка тегишли нормаларни киритишни таклиф қилган[2].

Бироқ фақат, XX асрнинг биринчи ярмидан кейингина жабрланувчининг хулқ-атвори жиноятчиликнинг муҳим омили сифатида тизимли равишда тадқиқ қилина бошланди. Немис олими Ганс фон Гентинг 1948 йил “Жиноятчи ва жабрланувчи” деб номланган катта ва махсус илмий тадқиқотни эълон қилади. У тадқиқоти давомида жиноят ишларини ўрганиб чиқади ҳамда жиноятни содир этишда жабрланувчи айбдор шахсни жиноят содир этишга ундовчи ҳаракатлари ва хусусиятлари мавжудлиги ҳақидаги хулосага келади.

У ўз тадқиқотида асосий эътиборини жиноятнинг юзага келиш омили сифатида жабрланувчига қаратади. Г.Гентинг шунингдек жиноятчиликни зарар етказувчи ва ундан жабрланган шахс ўртасидаги муайян ўзаро муносабатлар сифатида тушуниш ғоясини илгари суради. Унинг фикрига кўра, жабрланувчилар тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларнинг муайян типларини ажратиш мумкин. Бу муносабатлар эса жиноят билан узвий боғлиқдир. Бу эса содир этилган жиноятни нафақат таҳлил қилишни, балки унинг бўлажак жабрланувчилари ҳақида муайян прогнозлар тузишни ва ҳатто латент (яширин) жиноятчиликнинг ҳолатини аниқлашни тақозо этади[3].

Юқоридагиларга асосланиб, айтиш мумкинки, виктимология жабрланувчи ҳақидаги таълимот бўлиб, унинг предмети “айбланувчи-жабрланувчи” ўртасидаги боғлиқликни ташкил этувчи муносабатлар ҳисобланади[2].

Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликнинг сабабларини ўрганишда жабрланувчи ҳақидаги таълимот муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, жиноятнинг содир этилишида жабрланувчининг тутган ўрнини илмий жиҳатдан билиш жиноятнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли криминал виктимологияни ўрганишдан кўзланган асосий

мақсад, жиноят қурбонининг ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг юзага келишида тутган ўрни, аҳамиятини, жиноий вазиятнинг юзага келиши ва ривожланишига қўшган “ҳиссаси”ни аниқлаш ва тадқиқ этишдир. Бунинг учун жабрланувчининг шахси, унинг жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори тўғрисида тегишли умумий ахборот йиғилиши зарур. Бунинг учун биринчи навбатда жабрланувчининг шахси тўғрисидаги зарур маълумотлар аниқлаш, жиноятнинг юзага келишида сабаб бўлувчи хулқ-атвори атрофлича ўрганиб чиқилиши лозим ҳисобланади[4].

Виктимология – жисмоний ва юридик шахсларни жиноий тажовуз объектига айлантирувчи, жиноий алоқадорлик тавсифи ва даражасини белгиловчи уларга хос типик хусусиятлар, шунингдек жиноят қурбонларининг мустақил ўз манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш қобилияти ва уни кучайтириш воситалари ҳақидаги таълимотдир[2].

Жиноят қурбони – жиноий тажовуз қилинган жисмоний ёки юридик шахс. Ушбу криминологик тушунча шунингдек, жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлганларни ҳам ўз ичига олади. Бундай тоифадаги шахслар – бу ўзи билан бир хил бошқа ижтимоий субъектларга қараганда унга нисбатан жиноий тажовуз эҳтимоли юқори бўлишини кучайтирувчи хусусиятларга эга бўлган шахс[5].

Жиноий тажовуз объектининг жиноий алоқадорлигини кучайтирувчи индивидуал хусусиятлари виктимлик, бундай алоқадорликни камайтирувчи қобилиятни эса виктимликка қарши хусусият[6] деб эътироф этилади.

“Жиноят қурбони” тушунчаси “жабрланувчи” тушунчасидан анча кенг ҳисобланади. Жиноят қурбонини ўрганишда асосий эътибор жиноят содир этишга шароит яратиб берган ёки содир этилишини тақозо қилувчи хусусиятларини аниқлашга эътибор қаратилган.

Виктимлик деганда, шахсга нисбатан жиноий қилмиш содир этилишини тақозо қилувчи ёки осонлаштирувчи ижтимоий мавқеи билан боғлиқ хусусиятлари ҳам ўрганила бошланди. хусусиятлар йиғиндиси тушунилади[7]. Бунда виктимлилик шахснинг таваккалчилик, ўйламасдан енгилтаклик билан йўл қўйган хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидир. Кейинчалик виктимлик сифатида шахснинг нафақат маънавий, руҳий, психологик ҳолати, балки унинг жамиятнинг турли соҳаларидаги

Шахснинг жамиятдаги мавқеи унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ҳам унга нисбатан у ёки бу турдаги жиноий қилмишлар содир этилишини тақозо қилиши аниқланди. Шу билан бир қаторда, жабрланувчининг шахси ва унинг хатти-ҳаракатлари жиноятчиларнинг жиноий қилмишларини амалга оширишга тайёрланишларидан олдин, жиноятни амалга ошириш вақтида ва қайта жиноят содир этишларида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Бу борада тадқиқот давомида хорижий тажриба таҳлил этилди. Хусусан, Буюк Британияда ҳар ҳафта икки аёл ўз турмуш ўртоғининг ҳаракатлари сабабли ўз жонига қасд қилгани боис, зўравонлик ва ўз жонига қасд қилишни олдини олиш мақсадида 2017 йил 22 февралда “Оиладаги зўравонлик: Британия кўзгусида” номли Қонуни қабул қилинган[8].

Буюк Британияда қабул қилинган қонунчиликка кўра, эри томонидан оиладаги зўравонликдан жабрланган аёл, эри билан ажрашишни талаб қилган. Агарда у эри билан ажрашмаса, ундан болани ҳомийлик ва васийлик органлари олиб қўйиши мумкин бўлган. Ушбу қонунлар эса, мавжуд вазиятни янада оғирлаштириб, кўпгина жиноятлар латентлигича қолган. Британияда ишонч телефонлари мавжуд бўлиб, улар нафақат аёллар ва болаларга, балки жабр кўрган эркаклар учун ҳам фаолият юритган[8].

АҚШда 1991 йилда “Аёлларга қарши зўравонлик ишлатишга қарши кураш тўғрисида”ги, АҚШ Конгресси томонидан эса 1994 йилда “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳақида”ги (the Violence Against Women Act) Қонуни қабул қилинган бўлиб, уннинг мақсади ушбу тоифадаги жиноятларнинг олдини олишдан иборат бўлган. Ушбу қонунга асосан, оиладаги зўравонлик қурбонлари учун 1,5 мингта марказлар ташкил этилган.

Масалан, АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган 1994 йилдаги “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳақида”ги Қонуни (the Violence Against Women Act)га асосан миллий “мурожаатлар линияси” ташкил қилиниб, ушбу жараёнларга 1,6 млрд. Пул ажратилган ва улар махсус полиция, прокуратура ва суд тизими ходимларини тайёрлашга сарфланган[9].

Бундан ташқари, МДХ давлатларида ҳам оиладаги зўравонликлар натижасида ўзини ўзи ўлдиришнинг олдини олиш бўйича бир қанча қонунлар қабул қилинган. Масалан, Қирғизистон Республикаси 2003 йил 25 мартда “Оилада зўрлик ишлатишдан ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза этиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилган.

Қирғизистон Республикасининг “Оилада зўрлик ишлатишдан ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза этиш тўғрисида”ги Қонунинг 1-моддасига асосан жабрланганларга ҳимоя ордери берилган[10].

Қозоғистон Республикасини олиб кўрадиган бўлсак, 2016 йилда ўзининг ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, 2030 йилгача бўлган “2030 йиллар учун Оилавий ва гендер сиёсати тўғрисида”ги Концепцияси[11] ни ишлаб чиқиб, ушбу концепцияда оиладаги барча зўравонликларга қарши кураш масалалари назарда тутилган.

Беларусия Республикасида 2014 йил 4 январда “Оиладаги зўравонлик тўғрисида”ги қонун[12] қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунда оиладаги зўравонлик деб “Оила аъзоларига бошқа оила аъзолари томонидан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик ишлатилиши натижасида унинг ҳуқуқларининг бузилиши, озодлигини чеклаши, ҳуқуқий қизиқишининг сунуши, жисмоний ва руҳий тушқунликка тушишига сабаб бўлиши” тушунилган.

Арманистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Оиладаги зўравонликка қарши кураш тўғрисида”ги ёки “Арман оиласида ишлатиладиган зўравонликларнинг янги кўринишлари тўғрисида”ги қонунлар[13] ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу қонунларни қабул қилиш кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Хорижий давлатларда “Оилавий медиация” институти фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, институт низоли оилаларни яраштиришга хизмат қилиши белгилаб қўйилган. Жумладан, Францияда мазкур институт шакллантирилган бўлиб, унда оилавий низолар ҳал этилади[14]. Шунингдек, мазкур медиацияда никоҳ ва ажралиш, мулкни бўлиш масалалари ҳам ҳал этилади[15].

Шунингдек, Франциянинг № 95-125–сонли қонунига асосан 1996 йил 22 июлда оилавий низоларни медиация йўли билан ҳал этиш белгилаб берилган. Шу билан бирга, 2002 йил 4 мартда № 2002-305-сонли “Ота-оналик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонунининг 373-2-10-моддаларига асосан оиладаги келишмовчиликларни ҳал этишда ота-оналар билан келишилган ҳолда судья судда медиаторни чақириши мумкинлиги назарда тутилади[16].

Бундай институт ривожланган бошқа давлатларда ҳам мавжуддир. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда фикримизча, республикамизда оилавий низоли масалаларни ҳал этишда хорижий давлатлар сингари “Оилавий медиация” институтларидан фойдаланиш лозим.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг қурбонларини ўрганиш уларга нисбатан содир этилган жиноятларнинг латент бўлиб қолишининг сабабларини аниқлаш имконини ҳам беради.

Виктимологик профилактика шахсни жиноий хавфдан огоҳлантиради ва уни ўз хулқ-атворини ўзгартиришга ундаш орқали унинг ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятининг қурбони бўлиш хавфини камайтириш мақсадида амалга оширилади. Профилактика чоратадбирлари шахсни жиноий ҳужумдан ҳимояланишга, ўзгаларнинг хатоларидан сабоқ олишга чорлайди, шахс қанчалик криминалогик муҳитда ўзини ҳимоя қила олса, унинг жабрланувчисига айланиш хавфи шунча камаяди.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини содир этган шахслар ва ушбу жиноятдан жабрланган шахсларининг руҳий ҳолати, хулқи, ахлоқи, одоби, маълумоти ва маънавияти каби хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар кўп ҳолатларда бир-бирига яқиндир[17].

Гап шундаки, салбий хулқ-атворли, маълумот даражаси ва маънавияти паст, ижтимоий-руҳий ҳолати бузилган одамлар ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида ўзларини ҳеч нарсадан тийишмайди. Табиийки, бундай хислатлар жиноят жабрланувчисига ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда тадқиқот натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, ўзини ўзи ўлдириш жинояти жабрланувчиларининг 49 фоизи ўзларининг салбий хулқ-атворлари, яъни урушқок, тухматчи, енгилтак каби салбий хислатлари оқибатида ўзларига нисбатан жиноий тажовузлар содир этилишига сабаб бўлганлар ёки бундай жиноятлар содир этилишига қулай шарт-шароитлар яратиб берганлар[18].

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятдан жабрланувчи бўлишга мойилликни тақозо қилувчи шахсининг хислатлари ва хулқи билан ижтимоий қилмиш ўртасидаги сабабий алоқадорлик эҳтимолли хусусиятга эга. Бинобарин, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятдан жабрланувчи бўлишга мойил шахс хулқининг салбий йўналиш касб этиши унинг ижтимоий руҳий, психо-

физиологик хислатлари муайян ҳаётӣй вазият билан алоқада бўлгандагина вужудга келади.

Шу боис ҳам виктимология нафақат шахсларнинг виктимлик даражасини, балки виктимоген хусусиятга эга вазиятни ҳам ўрганади. Виктимоген вазият ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи бўлишга мойил шахснинг муайян хислатлари ва хулқ-атвори билан боғлиқ равишда юзага келадиган аниқ ҳаётӣй вазият бўлиб, унда жабрланувчига ҳуқуқбузарлик ёки жиноий йўл билан жисмоний, мулкӣй ёки маънавий зарар етказилиш учун пайдо бўладиган имконият ҳисобланади[19].

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини содир этиш ниятининг пайдо бўлиши ва амалга ошишига жабрланувчиларнинг шахсий, руҳий хислатлари уларнинг хулқига ва ҳуқуқбузар билан ўзаро муносабатларига хос хусусиятлари кўмаклашганлиги сабабли бугунги кунда бундай тоифадаги фуқаролар муайян қисмининг виктимлигини камайтириш профилатиканинг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак. Жамиятда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлишга мойил одамлар қанчалик кам бўлса, улардаги виктимлик даражаси паст даражада бўлади. Бу эса, жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида самара бериши мумкин[20].

Хулоса қиладиган бўлсак, жабрланувчилар билан уларнинг жиноят жабрланувчиси бўлиб қолишларининг олдини олиш давомида уларнинг кўрсатма бериш мобайнида хатога йўл қўймасликлари учун доимо уларнинг жиноят содир этилаётган вақтдаги ҳолати ва жиноятчи шахсини идрок этиш хусусиятларини инобатга олиш жуда муҳим саналади. Улар ҳис қиладиган кўрқув, ғазаб, уят, алам каби ҳиссиётлар идрок этишнинг бузилишига шароит яратиб бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Франк Л.В. Некоторые теоретические вопросы становления советской виктимологии // Потерпевший от преступления. Владивосток, 1974. С.15;
2. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм. Дарслик. – Академия.Т.: 2014. –Б.179-180
3. Полубинский В.И. Правовые основы криминальной виктимологии // Журнал российского права.2001. №4.
4. Парфиев Ё.А. ва бошқ.Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. –Академия.Т.: 2015. –Б.341-342.
5. Щербакова Л.Ю. Виктимологический аспект преступности: современная теория и практика. Автореф.дисс. канд.юрид. наук. – СПб. 2005. – С.163.
6. Мухторов Ж.С. Актуальность виктимологическая профилактика правонарушений в условиях Узбекистана // вестник Академия МВД РУз, 2015, . – №3. . – С.45-49.
7. Ниёзова С.С. Жиноят ва виктимологик таҳлил.// Ҳуқуқ ва бурч журнали, . – Т.. 2015. . – №25. – Б.14-16.

8. Wonders Lists. [Электрон манба] – URL: <http://www.info.islom.uz/jamiyat/item/2017-zhinsij-zoravonlik-avzh-olgan-mamlakatlar10-taligi.html>. (мурожаат вақти: 01.02.2022).
9. The Criminologist – Online newsletter of the American Society of Criminology (CША). [Электрон манба] – URL: <http://www.asc41.com/criminologist.html> (мурожаат вақти: 11.02.2022); Тўраева Д.Р. Жабрланувчи манфаатларини химоя қилишда АҚШ тажрибасига оид баъзи мулохазалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2013, . – №2. –Б.93.
10. Кыргыз Республикасынын 2003-жылдын 25-марты. “Үй-бүлөдөгү зомбулуктан социалдык укуктук коргоо жөнүндө” № 62 Мыйзамы. [Электрон манба] – URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ky-kg/1186>. (мурожаат вақти: 01.01.2022).
11. Қазақстан Республикасындағы 2030 жылға дейінгі отбасылық және гендерлік саясат тұжырымдамасын іске асыру жөнүндөгү іс-шаралар жоспарын (екінші кезең: 2020 – 2022 жылдар) бекіту туралы. [Электрон манба] – URL: <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/P2000000315>. (мурожаат вақти: 12.01.2022).
12. Ответственность за совершение домашнего насилия. [Электрон манба] – URL: <https://sov.minsk.gov.by/ekstrennaya-pomoshch/profilaktika-domashnego-nasiliya/otvetstvennost-za-sovershenie-domashnego-nasiliya>. (мурожаат вақти: 07.06.2021).
13. Закона Республики Армения «О предотвращении насилия в семье и защите прав потерпевших от домашнего насилия и восстановлении мира в семье» №320. [Электрон манба] – URL: <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docID=118672> (мурожаат вақти: 02.02.2022).
14. Macfarlane D., ‘Mediation in France’ in N. Alexander (ed.), Global Trends in Mediation (Netherlands: Kluwer Law International, 2006) – p. 200.
15. Такие как Association pour la Promotion de la Mediation Familiale (AMPF), Federation Nationale de la Mediation Familiale (FENAMEF).
16. LOI n° 2002-305 du 4 mars 2002 relative à l'autorité parentale. [Электрон манба] – URL: <https://www.legifrance.gouv.fr/jorf/id/JORFTEXT000000776352> (мурожаат вақти: 02.02.2022).
17. Хаткова Ф.Х. Виктимологические аспекты женской преступности. Автореф. дисс...канд.юрид. наук, -М.: 2004. – С.186.
18. Гиясов Ш.К. Ҳаётга қарши жиноятларни очиш фаолиятида қотиллик атамасидан фойдаланиш ва уни тавсифлаш масаласига доир айрим мулохазалар//Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2015, – №2. – Б.48-52.
19. Парфиев Ё.А. ва бошқ.Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. – Академия.Т.: 2015. –Б.348.
20. Надтока С.В. Виктимологические аспекты профилактики насильственных преступлений. Автореф. Д исс. канд.юрид. наук. 1999.. – С.207.

ХЎЖАНАЗАРОВА Мақсуда Муҳаммадиевна
*ИИВ Академияси Саф қисми курслар бошлигининг хотин-қизлар
масалалари бўйича ўринбосари*

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАР

Аннотация: Мазкур мақолада хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил этиш ва амалга жараёнида, “жиноятларнинг олдини олиш”, “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчалари, уларнинг мақсад ва вазифалари мазмуни, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси ташкилий негизининг муҳим таркибий элементлари ва уларнинг тавсифи, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг жамият ривожини учун нечоғлик муҳим аҳамият касб этиши хусусида фикр юритилган бўлиб, бу борада қонунчиликка киритилиши лозим бўлган айрим ўзгартириш ва қўшимчаларга доир таклиф ва тавсиялар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: хотин-қизлар жиноятчилиги, профилактика, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг профилактикаси, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси, умумий профилактика, махсус профилактика, яқка тартибдаги профилактика, виктимологик профилактика.

Жиноятларнинг профилактикаси - жиноятчиликка қарши кураш соҳасида энг муҳим ва самарали, шунинг билан бирга инсонпарвар йўналишлардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, кўплаб тадқиқотчилар жиноятчилик билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларида жиноятчини аниқлаш, уни жазолашдан кўра, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этади.

Ч.Беккариянинг “жиноятни олдини олиш ривожланган жамиятда ҳақиқий юриспруденциядир”¹ деган қарашлари ҳам ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши курашишда жиноятчиликни профилактика қилиш жуда долзарб экандигини англатади.

Шу ўринда, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишдан олдин, “жиноятларнинг олдини олиш”, “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчалари, уларнинг мақсад ва вазифаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқдир.

Пенитенциар тизимнинг профилактик функциясини тадқиқ этган Н.С. Салаев, профилактика тушунчасини икки хил маънода: 1) тиббий маънода касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи;

¹ Маркизь Беккария. О преступленияхъ и наказаняхъ. 1889. (<https://www.books.google.co.uz> 17.08.2020).

2) ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида тушунилишини қайд этган¹.

Н.С.Салаев ушбу фикрига кўра жамиятда фақатгина икки нарсанинг профилактикаси мавжудлигини кўрсатади, амалда эса кўп ҳолатларнинг ўз профилактикаси мавжуд, масалан, меҳнат жамоаларида ишчи ва хизматчиларининг шахсий хавфсизлигини, техника хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, экология ва атроф муҳитни ифлосланишини олдини олиш ва бошқа шунга ўхшаш жуда кўплаб йўналишларнинг ўз профилактикаси мавжуд, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу қонун нормалари билан ҳуқуқбузарлик деб эътироф этиладиган хатти-ҳаракатларни олдини олиш фаолиятидир.

М.Ю. Кержнер ва Ғ.Т. Абдуллаходжаевлар «жиноятларнинг олдини олиш» тушунчасига, «давлат органлари ва жамоатчилик томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шароитларини тугатиш турли микёсда амалга ошириладиган чора-тадбирлар комплекси» деб таъриф берган². Мазкур таърифга Б.А. Миренский ҳам тўла қўшилган³. И.Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва И.Ю. Фазиловлар эса жиноятларнинг профилактикасини жиноятлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, тарбиявий-профилактик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, тиббий, психологик, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларининг тизими⁴, деб тушунтиришади.

Таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жиноятчилигини олдини олишда қайси турдаги профилактикадан фойдаланиш лозим ёки мақсадга мувофиқ деган савол туғилади.

Фикримизча, хотин-қизлар жиноятчилигини олдини олиш қонунда белгиланган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш фаолиятидир.

И. Исмаилов таъкидлаганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзалликлари: биринчидан, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; иккинчидан, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; учинчидан, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгаллиги;

¹ Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш. юрид. фан. докт. ... дис. автореф. — Т., 2017. — Б. 15.

² Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Ғ.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. — 539 б.

³ Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев ва бошқ.: Ш.Т. Икрамовнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. — 258-б.

⁴ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 189.

тўртинчидан, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; бешинчидан, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгаллиги; олтинчидан, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади¹.

Бугунги кундаги асосий вазифалардан бири бу хотин-қизларни давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириш билан бир қаторда оиладаги мавқени ҳам сақлаш борасидаги чора-тадбирларни кўришни талаб этмоқда. Хусусан, аёл она, опа, сингил сифатида фарзандлар, укалар, оталар билан ижтимоий муносабатларини халқимизда йиллар давомида шаклланган қоидаларга мос равишда бўлишини таъминлаш лозим.

Бунинг учун жойларда биринчидан, хотин-қизларнинг оиладаги ролини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш; иккинчидан, мактабларда 4-6-синфларда синфдан бошлаб “исломда қизлар одоби”, “қизлар одоби” каби фанлардан дарслар ташкил қилиш; учинчидан, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари ва бошқа маъсул ташкилотлар томонидан тасдиқланган ойлик режалар асосида хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш; тўртинчидан, туман-шаҳарларда жиноят содир этиб жазо ўтаб қайтган хотин-қизларни реабилитация қилувчи алоҳида марказлар ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Шу ўринда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасида ўртасида муҳим ўрин тутувчи маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш жараёнлари ҳам умумий профилактиканинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонида айнан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш устувор вазифалардан эканлиги белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар жиноятчилигининг махсус профилактикаси ва уларни амалга ошириш механизми белгилаб берилмаган.

А.Г. Закирова ушбу турдаги профилактика ишларини умумижтимоий ва индивидуал даражада олиб бориш лозим², деб ҳисоблайди. Қ.П. Пайзуллаев эса вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган

¹ Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: дарслик. – Т., 1996. – Б. 173.

² Закирова А.Г. Рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва виктимологик жиҳатлар): Юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. – Т., 2004. — Б. 25. (41)

жиноятларнинг умумий олдини олиш жамиятнинг барча бўғинлари (оила, таълим, тиббиёт, ўзини ўзи бошқариш органлари ва шу каби бошқа ижтимоий ташкилотлар)нинг фаол иштироки орқали амалга оширилса, махсус олдини олиш эса бевосита ичи кишлар органлари, прокуратура, адлия, суд ҳамда божхона органлари томонидан махсус мўлжалланган чора-тадбир орқали бажарилишини¹ таъкидлайди.

М. Усмоналиев ва Й. Каракетовлар “жиноятчиликнинг олдини олиш” деганда, “жиноятчиликни, алоҳида турдаги жиноятларни ҳамда аниқ жиноятларни аниқлаш, уларни камайтириш, шароит ва сабабларни бартараф қилишга қаратилган ҳамда шахсларнинг яшаш муҳити ёки хулқи жиноят йўлига ўтиб қолиши ёки жинойий фаолиятга қайтаришига олиб келувчи шароитларни бартараф қилишга қаратилган кўп босқичли давлат ва жамоат чоралари тизими”²ни тушунади.

Фикримизча, хотин-қизлар жиноятчилиги махсус профилактикасида жамоат чоралари қўлланилмайди, балки ҳуқуқбузарликларни бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан махсус профилактик чора-тадбирлар режа асосида муайян бир муддатда белгиланган ҳудудда (республика, вилоят, туман-шаҳар ва бошқ.) амалга оширилади.

Ушбу ёндашувда профилактиканинг умумий ва махсус тури профилактика объектига нисбатан тор ёки кенг маънода ёндашилиши билан фарқланиши назарда тутилаётганлигини англаш мумкин. Бунда тор ёндашувда автомобиль ёки бошқа транспорт воситасини ноқонуний эгаллаб олиш жиноятига, кенг ёндашувда эса барча жиноятларга профилактика объекти сифатида қаралади.

Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, хотин-қизлар жиноятчилиги таркибида автомобиль ёки бошқа турдаги транспорт воситасини ноқонуний эгаллаб олиш ҳолати учрамасада, улар ўртасида махсус профилактикани амалга оширишда ижтимоий-иқтисодий эмас, балки асосан ҳуқуқий ва маъмурий мажбурлов чора-тадбирларидан фойдаланилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган шахсларга йўналтирилиб, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

¹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари): Юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. – Т., 2006. – Б. 17. (26)

² Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология: Дарслик. — Т., 2001. — Б. 248.

- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларга мойил шахсларга йўналтирилиши;
- индивидуал ёндошувни талаб этиши;
- мажбурлов ва чеклов нормаларининг қўлланилиши;
- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибаги профилактикаси йўналтирилаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирлар қўлланилишини талаб этиши;
- бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни талаб этиши.

Таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда, асосий эътибор уларнинг ёши, маълумоти эмас балки психологик хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фиқиримизча ҳам хотин-қизлар жиноятчилигининг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш жараёнида ҳам уларнинг психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги тоифаларга ажратган ҳолда чора-тадбирларни қўллаш лозим:

- 1) турмушидан ажраган ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлар;
- 2) маънавий тарбияси шаклланмаганлар;
- 3) енгил табиатлилар;
- 4) ҳуқуқлари бузилган, тазйиқ ва зўравонликларга учраганлар;
- 5) бойлик ва шоҳона ҳаётга қизиқувчилар.

С.Б.Хўжакулов ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг виктимологик жиҳатлари унга алоҳида ёндашиш зарурлигини талаб этади¹ деб фикр билдирган.

Е.О.Алауханов ва З.С.Зариповлар олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, қасддан одам ўлдириш жиноятидан жабрланганларнинг 48,9 фоизи, тан жароҳати олганларнинг 50 фоиздан ортиғи, номусига тегилган хотин-қизларнинг 49 фоизи ўзларининг салбий ҳулқ-атвори (тахдид қилиши, ҳақоратлаши, тухмат қилгани, калтаклаши, енгил-таклиги, ичкиликбозлиги кабилар) билан ушбу жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлган ёки унга имкон берувчи шароитни яратгани учун жабрланганлар².

Г.Т. Абдуллаходжаев ҳам билдиради. У, виктимликнинг олдини олиш ёки бартараф этиш иккита, яъни *биринчи босқич* – бу, оммавий ахборот воситалари орқали потенциал қурбонларга ўз мулк-лари хавфсизлигини таъминлашлари учун антивиктимлик чора-тадбирларни кўришлари бўйича огоҳлантириш мазмунига эга умумий тартибдаги тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш; *иккинчи босқич* – бу, жиноятларнинг потенциал қурбонларини аниқлашга ва улар билан профилактик ишларни амалга оширишни талаб этувчи якка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш босқичларидир³, деб ҳисоблайди.

¹ Хўжакулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов.- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 42 б.

² Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений. Учебник. – Алматы. 2008. – С. 229.

³ Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Т., 2004. – С. 14.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда хотин-қизлар жиноятчилиги жабрланувчилари ҳақидаги алоҳида ҳисоботлар шаклини ишлаб чиқиш, уларни таҳлил қилиш ва бу орқали хотин-қизлар томонидан нима мақсадда жиноят содир этганлигини аниқлаш ҳамда унинг манзилли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маркизь Беккария. О преступленияхъ и наказанияхъ. 1889. (<https://www.books.google.co.uz> 17.08.2020).
2. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш. юрид. фан. докт. ... дис. автореф. — Т., 2017. — Б. 15.
3. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. — 539 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонкулов, Д.Камалходжаев ва бошқ.: Ш.Т. Икрамовнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. — 258-б.
5. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 189.
6. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: дарслик. — Т., 1996. — Б. 173.
7. Закирова А.Г. Рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва виктимологик жиҳатлар): Юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. — Т., 2004. — Б. 25. (41)
8. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари): Юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Т., 2006. — Б. 17. (26)
9. Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология: Дарслик. — Т., 2001. — Б. 248.
10. Хўжакулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов.- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 42 б.
11. Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений. Учебник. — Алматы. 2008. — С. 229.
12. Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. — Т., 2004. — С. 14.

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ ШАХСЛАР ЮЗАСИДАН ИЛМИЙ ЁНДОШУВ ВА ҚАРАШЛАР

Аннотация: Мазур мақолада ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларнинг шаклланиш босқичлари, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарлик, мойил ва шахс тушунчалари ўзбек тилининг изоҳли туғатларидан тушунтиришга ҳаракат қилинганлиги, ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида “ҳуқуқбузарликлар” аслида турли соҳаларда қандай номланиши ҳақида кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилинганлиги, шунингда ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борган олимларнинг илмий ёндошув ва қарашларидан фойдаланилган ҳолда кенг қамровли ёритиб берилан.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарлик, мойил ва шахс. ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар, рецидивист, жиноят субъекти, аҳлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари, криминоген вазият, жиноят ва маъмурий жавобгарликлар.

НАУЧНЫЕ ПОДХОДЫ И МНЕНИЯ НА ЛИЦ, СКЛОННЫХ К СОВЕРШЕНИЮ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

Аннотация: В данной статье предпринята попытка объяснить этапы формирования лиц, склонных к совершению правонарушений, понятий «правонарушитель», «правонарушение», «склонный» и «лицо» из толковых текстов узбекского языка, а также показать, как «правонарушения» фактически названы в различных областях в действующих правовых документах, и поэтому в этом направлении проводятся научные исследования, которые всесторонне разъясняются с использованием научного подхода и взглядов приезжих ученых.

Ключевые слова: правонарушитель, правонарушение, склонность и личность лица, склонного к совершению правонарушений, рецидивист, субъект преступления, моральные правонарушения, антиобщественное поведение, криминогенная ситуация, уголовная и административная ответственность.

SCIENTIFIC APPROACHES AND VIEWS OF PERSONS PROMINENT TO COMMIT CRIMES

Abstract: In this article, an attempt was made to explain the stages of formation of persons prone to committing offenses, the concepts of offender, offense, prone and person from the explanatory texts of the Uzbek language, as well as to show how "offences" are actually named in various fields in the current legal documents, and therefore, scientific research is carried out in this direction. It is

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.

comprehensively explained using the scientific approach and views of the visiting scientists.

Keywords: offender, offense, prone and person. persons prone to committing offenses, recidivist, criminal subject, moral offenses, antisocial behavior, criminogenic situation, criminal and administrative responsibilities.

Давлат ва жамиятнинг вужудга келиши, унинг шаклланиши жараёнлари кўп даврларни ичига олади. Инсоният ёки мамлакат ривожланишидаги муайян босқич сифатидаги жамият (ибтидоий жамият, феодал жамият, капиталистик жамият, социалистик жамият, фуқаролик жамияти ва ҳ.к.). Буерда “жамият” сўзи кўпинча “босқич”, “давр” сўзлари билан бирга қўлланилади[1].

Таъкидлаш лозимки, давлат ва жамият босқичларини босиб ўтиш даврида унда яшаш тартиб ва қоидалари ҳам яратилади, уларни бузганлик учун эса жазо белгиланган. Шу билан бир қаторда мазкур қоидаларни бузган шахсларни “айбдор”, “қонун бузувчи” замонавий тилда эса “ҳуқуқбузар ёки жиноятчи” деб аташган.

Ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар ҳақида фикр юритишда энг аввало, “ҳуқуқбузар”, “ҳуқуқбузарлик”, “мойил”, “шахс” каби атамаларнинг маъносини билиш лозимдир. Хусусан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ҳуқуқбузар – мавжуд қонун қоидалар, ҳуқуқий меъёрларга амал қилмайдиган, уларни бузувчи”[2]; “ҳуқуқбузарлик – мавжуд қонун қоидаларга амал қилмаслик; уларни бузиш, шахснинг шу йўлдаги хатти-ҳаракат; шахсга мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавfli қилмиш” [3]; “*мойил* – арабчадан [бир томонга эгилган, энгашган; қия, нишаб] Майли кўнгли бор, кўнгил қуйган”[4], “*шахс* арабчадан [кимса, киши, зот] Жамиятдаги алоҳида бир киши, одам”[5] маъноларида изоҳ берилган.

Хусусан: Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғриси”даги (14.05.2014) қонунинг 3-моддасида “*ҳуқуқбузарлик* – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)”[6] деб таъриф берилган. Айрим юридик адабиётларда, “ҳуқуқбузарлик тушунчасига – жамиятда ўрнатилган тартиб қоидаларга амал қилмаслик, ушбу тушунчанинг синоними сифатида қонунбузарлик тушунчаси қўлланилиб, ҳуқуқбузарликлар тўртта (маъмурий, жиноий, интизомий, фуқаровий), гуруҳга таснифланиши, барча ҳуқуқбузарликлар жиноят эмаслиги”[7] ҳақида таъкидланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, амалиёт ва назария нуқтаи назаридан ҳуқуқбузарликлар қуйидагиларда намоён бўлади:

а) фуқаровий ҳуқуқбузарлик (шахсга, фуқаро ёки ташкилотнинг мулкига зиён етказиш);

б) маъмурий ҳуқуқбузарлик (маст, майда безорилик, йўл ҳаракати қоидабини бузиш);

с) интизомий ҳуқуқбузарлик (ножўя ҳаракат, ишга келмаслик, кеч қолиш) билан фарқланади. Ҳуқуқбузарликнинг энг хавfli кўриниши “жиноят”[8]

эканлиги, лекин айрим ҳуқуқий манбаларда коррупциявий, солиқ ва божхона соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар мавжудлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий қонунчилигида“ маъмурий ҳуқуқбузарлик – қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади” дейилган бўлса, “маъмурий ҳуқуқбузарликни – содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади[9]. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда маъмурий жавобгарлик тушунчаси буйича ягона ёндошув мавжуд эмас.

Д.Н. Бахрах науқтаи назаридан, маъмурий жавобгарлик, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ишдан ташқари буйсуниш шароитида ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чоралари қўлланилишини тушуниш керак[10] – деб таъриф берган бўлса, Қ.С. Бельскийнинг ҳисоблашича, маъмурий ҳуқуқбузарлик – бу маълум вақтни ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ишлари буйича барча асосий даражаларни қамраб оладиган маъмурий просессуал ҳуқуқни муҳофаза қилиш муносабати бўлиб ҳисобланади[11] – деган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий жавобгарлик мазмуни буйича бир қанча фикрлар мавжуддир. *Биринчисига* биноан, маъмурий жазо чоралари маъмурий жавобгарлик чоралари сифатида кўриб чиқилиши даркор[12]. *Иккинчиси* маъмурий жавобгарликнинг янада кенг мазмунини назарда тутиб, уни маъмурий ҳуқуқда жазо ва тикловчи чораларини ёки жазо ва жиноятларни олдини олишни амалга ошириш деб тушунилади[13]. Жиноят қонунчилигида жиноий ҳуқуқбузарлик сифатида – “ушбу кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади”[14] – дейилган.

Бу борада, рус олими В.Н. Кудрявцеванинг (1923 – 2007) фикрига кўра, ҳарқандай ҳуқуқбузарлик, шахс ва ташқи ижтимоий муҳит ўртасидаги номувофиқлик ҳаракати эканлигини, ички ва ташқи омилларнинг бундай номутаносиблиги шахс ва жамиятнинг мавжуд муносабатлари, инсон психологияси ва воқелик (хаёлий ва реал) ўртасидаги субъектив қарама-қаршилиқларга олиб келади. Шахснинг ташқи воқеликни рад этиши ижтимоий муносабатлардаги объектив мавжуд қарама-қаршилиқлар фонида содир бўлади[15] – деб таъкилаган.

Шу боис, ҳуқуқбузарлик кишиларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари шаклида намоён бўлганлиги учун ҳам унинг сабаблари ижтимоий-психологик ҳусусиятга эга эканлиги ҳақида профессор И. Исмаилов айтиб ўтган. Унинг

фикрича ҳуқуқбузарликнинг сабабини маълум бир объектларнинг, ҳодисаларнинг, жараёнларнинг кишилар онгига, руҳига таъсир қилиши ҳаракатга келтиради[16] деб ёндошган.

Назаримизда, шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмасдан туриб ҳам тўғридан-тўғри жиноят қонун нормаларини бузиши мумкин. Бунинг оқибатида шахс суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига асосида жиноятчи шахс деб эътироф этилади. Жиноят содир этишга мойил шахснинг хулқини тушуниш учун “жиноятчи шахснинг” шаклланишидан келиб чиқиш зарур. Жиноятчи шахси – жиноят содир этишнинг сабаб ва шарт-шароитлари бўлган шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва сифатлари[17] билан боғлиқдир.

Рус олими Г.А. Аванесовнинг ёндашишича (1934-2014) шахсда ҳар қандай ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий нормалардан салбий четга чиқиш ҳолатлари қайт этилганда жиноятчи шахси шаклланишининг бошланиши ҳақида гапириш мумкин деган бўса, Ю.М.Антонян эса (1933) жиноятчи шахси ҳақида шахснинг жиноят содир қилганлиги суд томонидан тасдиқлангандан то белгиланган жиноий жазони ўтаб бўлган вақтгача гапириш лозим деган[18].

Р.Х. Душановнинг фикрича, шахснинг ҳуқуқбузар сифатида шаклланишида жиноий жазони ўтаб қайтган, ғайриижтимоий қарашларга эга бўлган шахсларнинг ҳам ҳиссаси катталигини, шунингдек узоқ вақт жамиятдан ажралган ҳолда ва кўп вақт жиноятчилар орасида бўлиб қайтган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари бошқа шахсларга тезроқ таъсир қилади. Криминоген йўналишга эга бўлган шахслар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан, бошидан кечирган ҳар хил криминал воқеаларни ҳикоя қилиш билан вояга етмаганларнинг руҳий ҳолатларига тез таъсир қилади[19] деб фикр билдирган бўлса, криминолог олимлар ҳуқуқбузар шахсларни салбий маънавий шаклланишида асосан кичик муҳитга кирувчи оила, мактаб, меҳнат жамоалари, оиладан ташқаридаги маиший турмушдаги ноқулай салбий шароитларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгаллиги[20] ҳақида айтади.

Таҳлилларга асосан шуни айтиш жоизки, бизнингча, “*ҳуқуқбузар*” деганда – “шахснинг жамиятда ўрнатилган қоидаларга, давлатнинг вакиллик органлари томонидан қабул қилинган барча қонунларга риоя қилмаслик, менсимаслик ҳамда у томонидан қонун бузилиш ҳолатларини (ҳаракат-ҳаракатсизлик)” тушунилса, “*ҳуқуқбузарлик*” – эса маълум бир вақт ва маълум даврда шахсларнинг ғайриижтимоий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун амалдаги қонун нормаларида жавобгарлик белгилаб қуйилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий йиғиндиси эканлигини тушуниш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим тоифадаги шахсларнинг амалдаги қонун нормаларига салбий муносабатда бўлишлиги ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойиллиги юзасидан илмий изланишлар олиб борган олимларнинг қарашлари ва ёндошувларини ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада, А. Кетле (1796 – 1874) ҳуқуқбузарликнинг ривожланиш қонуниятларини тушунтиришга ҳаракат қилиб, “жиноят содир этишга мойиллик одамнинг ёши, жинси, касби, маълумоти даражаси, йилнинг мавсуми ва бошқаларга боғлиқ бўлишлигини”[21] шунингдек шахсларнинг биофизиологик ва психологик ҳолатидан келиб чиқиб, мавсум ўзгариши билан ўзларида сақланиб қолган салбий ички туйғулари ғайриижтимоий қилмишларида (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) намоён бўлади.

Ўзининг машҳур “Жиноятчи ва фоҳиша аёл” асарида Ч. Ломброзо (1935-1909) “аёлларнинг жиноятга мойиллиги кўпинча фоҳишалик билан шуғулланишида ўз аксини топиши билан тушунтиради. Аёлларнинг жиноят содир этишга мойиллиги маълум даражада амалга ошмаган сексуал фантазиялар, майллар, истакларидан кутулиш имконияти сифатида қараш мумкин эканлигини”[22] айтиб ўтиб, “жиноятчи алоҳида табиий типлигини, шахснинг жиноятчи бўлиб қолиши ёки бўлмаслиги фақат туғма мойилликка боғлиқ бўлишлигини, жиноятнинг ҳар бир тури (қотиллик, зўрлаш, ўғирлик) физиология, психология ва анатомик тузилишдаги ўзига хос аномалиялар (нормадан оғиш) билан тавсифланишини”[23] маълум қилган. Шунини алоҳида айтиш жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам аёлларнинг жиноят содир этишга мойил бўлиб қолиш сабабларини англаш учун унинг ички дунёсини, ҳаётда тутган ўрни, атроф муҳитдаги воқелик, инсонлар, жамият, давлат, қонун, меҳнат ва ҳоказоларга муносабатини билиш лозим.

Р.Х. Душанов ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар хусусида “беодоблик, ниҳоятда тажовузкорлик, жиззакилик, масъулиятсизлик, зўравонлик ҳаракатлари жазосиз қолишига ишониш, юқори даражадаги даъвогарлик, ўз хатти-ҳаракатларини оқлашлигини”[24] айтиб ўтганлиги, шунингдек мазкур тоифадаги шахслар ўзлари учун мотивлар, баҳоналар тизимини келтиришлиги ва салбий мақсадларига эришишларига ҳалал берувчи қадриятларни рад этишлари билан бирга, ўзлари учун мақул бўлган криминоген муҳитни танлайдилар.

Шахснинг криминоген мойиллиги юзасидан А.Н. Пастушенянинг (1954) билдиришича “маълум шароитларда жиноятнинг муайян турини содир этишга шахсий мойиллиги (йўл қўйилиши) бўлиб, шахснинг потенциал жиноий хатти-ҳаракати учун шахсий шарт бўлиб хизмат қилади” – деган. Унинг фикридан шуни тушуниш жоизки, ҳар қандай криминоген вазият ўз ҳолича мустақил ҳолда шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келмайди. Негаки, қонунбузарликлар бирдан юзага келган криминоген вазиятлар туфайли эмас, балки инсоннинг муайян барқарор шахсий салбий хислатлари ва қадриятларни менсимаслиги сабаб содир этилади.

Шу каби ғайриижтимоий типга эга бўлган шахслар “аввал содир этган жинояти учун жазо чораси қўлланилганлигига қарамасдан, ўзининг муоммоларини ҳал қилиш учун жамиятда ўрнатилган меъёрларга риоя қилишни хоҳламай, криминоген вариантни танлаганлиги туфайли, жиноят

содир қилишга бўлган мойиллиги турғун бўлиб қоладиган тоифаларни криминология адабиётларида рецидивист шахс” деб – [26] кўрсатилган.

Бу борада, Ғ.С. Қаршиевнинг ёшлар рецидив жиноятчилиги юзасидан олиб борган илмий тадқиқотларида “жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб бўлган ёшлар, ўзининг жиноят содир этишга мойиллиги, турли ёт ва зарарли ғояларга берилувчанлиги билан ижтимоий ҳимоя ва жамоатчилик назоратига муҳтож тоифаси эканлигини” [27] айтиб ўтган. Аммо мазкур тоифадаги шахслардан яъни ҳуқуқбузарликлардан жабрланишга мойил бўлган шахслар хусусида Қ.А. Саитқуловнинг қарашларида – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этилишидан жабрланиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс”[28] тушунчасини қонунчиликка киритишни таклиф қилган.

Ҳусусан: Қ.Р. Абдурасулова ва С.С. Ниёзоваларнинг ёндошувларида “уюлмаган ёшлар ўзининг жиноят содир этишга мойиллиги билан ёшларнинг бошқа қатламидан ажралиб туришлигини, шунингдек ҳар қандай жиноий ҳаракат аввало одамнинг интеллектуал, эмоционал ва ахлоқий фазилатлари ва хислатларини акс эттиришини инобатга олинган”[29] – бўлса, Ш. А. Ганиевнинг тадқиқотларида “уятсиз, бузук, ахлоқсиз ишлар билан шуғулланишга мойиллиги бўлганлар, хусусан жамоат жойларида уятсиз, бузук, ахлоқсиз ишлар (бешарм кийимларда юриш, шилқимлик қилиш, ўпишиб ўтириш ва бошқ.) билан шуғулланаётганлар”[30] ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар тоифаси эканлигидан далолат бермоқда.

Профессор И. Исмаиловнинг фикрича “ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларнинг ғайриижтимоий қилмишларини (ҳаракат-ҳаракатсизлик) сурункали ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, психопатияга (телбалик, девоналик) мойиллик хромосомавий бузилиш, асаб тизимининг ўзига хослиги, модда алмашинувининг бузилиши ва шу кабиларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги”[31] – ҳақида баён қилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олимларнинг тадқиқотларида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар тушунчаси юзасидан аниқ бир тўхтамга келтирилмаган. Лекин улар томонидан амалдаги баъзи қонун нормаларини бузишга мойил бўлган шахслар тоифалари ҳақида алоҳида ёндошганликларини кўриш мумкин.

Юқоридаги манбаларга асосан шуни айтиш жоизки, ҳуқуқбузарлик юзага келиши учун албатта ғайриҳуқуқий қилмишнинг субъекти бўлиши лозим. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси муъмурий қонунчилигида “ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахсларга (МЖТК 13-м)”[32] нисбатан ҳуқуқий оқибатлар юзага келадиган бўлса, жиноят қонунига мувофиқ жиноят субъекти фақат (ЖК 17-м) “жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортилиши”[33] мумкинлигини,

шунингдек мазкур ёшда ўсмир ҳар бир воқеани тўғри қабул қилади, унинг дунёқараши ва ҳуқуқий фикрлаши шу даражага етадики, у ўз қилмишининг хавфли эканлигини тўғри баҳолай олади. Бироқ баъзи бир алоҳида жиноятлар учун қонунда жавобгарлик ёши 14 ёшни ҳамда жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда эса қасдан одам ўлдириш каби жиноятлар (ЖК 97-м. 2-қ) учун 13 ёш[34] эканлигини ҳамда ҳуқуқбузарликлик субъекти бўлиш учун шахс маълум ёшга етган ақли расо жисмоний шахс бўлиши кераклиги белгилаб қуйилган. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги манбаларга асосан ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларнинг ғайриижтимоий қилмишлари учун жавобгарликка тортиш ёши ва тартиби юзасидан етарлича ҳуқуқий нормалар мавжудлигини кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар содир этиш ёшига етган, ақли расо жисмоний шахсларни ҳамда ҳуқуқбузарликлар субъекти ҳисобланмайдиган бошқа айрим тоифадаги шахсларни амалдаги қонун нормаларини бузишга бўлган мойиллигини ҳуқуқий манбаларга таянган ҳолда ўрганиш уларнинг тушунча ва таснифларини аниқлаш юзасидан кенг қамровли ёндошган ҳолда тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1) Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсустаълим вазирлиги. Ўрта махсус касб таълим маркази., т.: 2007

2) Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Ш– Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.568

3) Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Ш– Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.569

4) Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Ш– Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.608

5) Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Ш– Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.557.

6) Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида”ги қонун. [Электрон манба мурожаат вақт].URL: <https://lex.uz/docs/2387357?ONDATE=30.10.2019> (10.02.2023)

7) У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида // Юридик энциклопедия /. – Т., 2001. – Б.652. (б.780)

8) Ҳуқуқбузарлик. [Электрон манбага мурожаат вақти 05.02.2023].URL:// <https://qomus.info/encyclopedia/cat-h/huquqbuzarlik-uz/>

9) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси.

[Электрон манба мурожаат 11.06.2023] URL: https://nrm.uz/contentf?doc=316359_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana [Электрон манба мурожаат 11.06.2023]

10) Бахрах Д.Н. Советское законодательство об административной ответственности.–Пермь, 1969.–С.66.

11) Бельский Қ.С. Административная ответственность: генезис, основные признаки, структура//Гос-воинправо.-1999.–№12.-С.16-18

12) Горовко.В.В. Административно юрисдикционная деятельность Государственной инспекции безопасности дорожного движения.–Монография.-Омск, 2007.–С.82.

13) Н.У. Аллаяров. Ўзбекистон Республикасида йўл-ҳаракат хавфсиллигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. Юридик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертацияси.ИИВ Академияси. Т-2023. Бет-57.

14) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. [Электрон манбага мурожаат вақти 11.06.2023] URL: https://nrm.uz/contentf?doc=316353_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

15) Факторы способствующие совершению преступлений [Электрон манбага мурожаат вақти 05.02.2023)]. URL:https://www.freepapers.ru/49/factory_sposobstvujushhie_overshenijuprestuplenij/203893.1256171.list1.html

16) Исмаилов.И. Криминология. ИИВ Академияси. Т.-, 1996 йил Бет-36.

17) Личность преступника.[Электрон манбага мурожаат вақти 11.06.2023].URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

18) Абдурасулова.Қ. Криминология Умумий қисм. ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик Т-Бет 119-120

19) Р.Х.Душанов. Педагогика. Дарслик. Тошкент.,– 2018 йил. 216-бет

20) И.Исмаилов. Криминология. Дарслик Т.,2007 йил. Бет-102

21) Кетле А. Человек и развитие его способностей. СПб, 1865. С. 7-8.

22) Исмаилов.И.Криминология. ИИВ Академияси. Т.- 2015 йил. бет-115-116

23) Ломброзо Ч. Преступление. Новейшие успехи науки о преступнике. Анархисты. — М.: ИНФРА-М, 2004. — С. 159—173.

24) Душанов Р.Х. Жиноятси шахс психологияси. ИИВ.Академияси. Т.: 2011.– Бет-34

25) Пастушеня.А.Н. Характеристка обусловленности внешнего проявления криминогенной склонности личности. [Электрон манба мурожаат вақти 10.06.2023] //URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/harakteristka-obuslovlennosti-vneshnego-rojavleniya-kriminogennoy>

26) Исмаилов.И., Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. Криминология. Дарслик. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2015.–б-332. (б-682)

27) Қаршиев.Ф.С. Ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикасини такомиллаштириш.Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўз.Рес.ИИВ Академияси. –Т.,-2020 йил. Бет-30

28) Саиткулов.Қ.А. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати.Ўз.Рес.ИИВ Академияси. Тошкент-2020. Бет-23.

29) Абдурасулова Қ.Р., Ниёзова С.С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б.51.

30) Ганиев.Ш.А.Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати Т., 2016. — Б. 30.

31) Исмаилов.И. Криминология. Дарслик. ИИВ Академияси. Т.-.,2007 йил бет-80

32) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси.

[Электрон манбага мурожаат вақт 11.06.2023]. URL: https://nrm.uz/contentf?doc=316359_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

33) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. [Электрон манбага мурожаат вақти: 22.025.2023] URL:<https://lexuz/acts/111453>.

34) Мамажонов.А.Жиноят субъекти ва унинг қандай белгилари бор? [Электрон манбага мурожаат вақти: 22.025.2023]. URL: <https://uza.uz/uz/posts/zhinoyat-subyektiva-uning-anday-belgilari-bor-27-10-2020>.



БЕЙСЕНОВ Кенжабай Сарсанбаевич
*Малака ошириш институти Касбий
тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли
ўқитувчиси*

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада жиноятчиликнинг олдини олишдаги муаммолар ва унинг ечимлари, жиноятчиликга қарши кураш бўйича чоратadbирлар тизими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: Жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноят, жиноятлар профилактикаси, ҳуқуқбузарлик.

ПРОБЛЕМЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ И ИХ РЕШЕНИЯ

Аннотация: в данной статье приводятся научно обоснованные предложения и рекомендации по проблемам предупреждения преступности и их решениям, системе мер по борьбе с преступностью.

Ключевые слова: предупреждение преступности, криминал, профилактика правонарушений, правонарушение.

PROBLEMS OF CRIME PREVENTION AND THEIR SOLUTIONS

Annotation: this article provides scientifically based proposals and recommendations on the problems in the Prevention of crime and its solutions, the system of measures for combating crime.

Base words: crime prevention, crime, crime prevention, offense.

Жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч ва хотиржам яшашни ҳоҳлайди. Тинчлик бўлган жойда барака ва ривожланиш бўлади.

Жиноятчини қонунларга мувофиқ жазолагандан кўра, жиноят содир этилишини олдини олган осонроқ. Бунинг учун бу мавзуда маҳаллаларда, фуқаролар ўртасида, ўқув муассасларида тарғибот ишларини талаб даражасида олиб боришимиз керак. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди ёмон одам бўлишини истамайди, лекин носоғлом муҳит, атрофдагиларнинг бепарволиги болаларнинг турли йўлларга кириб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, фарзандлар тарбиясига бефарқ қараш, келажакка нисбатан бепарво бўлиш билан баробардир. Фарзандларимиз ўқишдан бўш вақтларда нималар билан шуғулланаётгани, кимлар билан мулоқотда бўлиши ҳар бир ота-она, маҳалла назоратида туриши керак. Болаларнинг қизиқишларига қараб спортнинг турли тўғарақларга жалб қилиш керак, кучли, бақувват бўлишларида спортнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тушинтириш ишлари олиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умумэътироф этилган. Бу - ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган «жиноятчиликнинг олдини олиш», «профилактика қилиш», «огоҳлантириш», «тўхтатиш», «барҳам бериш» каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди. Бу атамалар ИИБ, ДХХ, адлия, прокуратура, суд, хўжалик суди, солиқ, божхона, ўт ўчириш, чегара хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий ходимлари, шунингдек жамоат ташкилотларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича муайян вазифаларни бажарувчи вакиллари томонидан кенг қўлланилади. Баъзи бир идораларнинг (хусусан,

ИИВнинг) ўқув юртлари тизимида «Жиноятлар профилактикаси» фани ўқитилади. Криминологияга оид адабиётларда жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси ҳақида кўп фикр юритилади, лекин мазкур тушунчанинг умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмас[1]. Жиноятлар профилактикасига оид йирик тадқиқот муаллифи Г.А.Аванесов ўз китобининг биринчи нашрини «Криминология ва ижтимоий профилактика» деб номлаган[2]. Жиноятларнинг олдини олиш муаммосига бағишланган дастлабки илмий тадқиқотлардан бири киевлик И.А.Гельфанд ва П.П. Михайленконинг «Жиноятларнинг олдини олиш – жиноятчиликка барҳам бериш учун кураш негизи» монографиясидир[3]. Унда муаллифлар жиноятларнинг олдини олиш соҳасида қўлланиладиган атамалар тўғрисида сўз юритиб, «олдини олиш», «барҳам бериш», «профилактика қилиш», «тўхтатиш» атамаларининг мазмунида фарқ қидириш ўринли эмаслигини, бу атамаларнинг мазмуни бирлигини – шу маънода улар муайян шахслар томонидан жамиятга зарар етказувчи қилмишлар содир этилишининг олдини олиш ва кейинчалик бундай ҳолатларга мутлақо барҳам бериш чоратадбирларини кўриш зарурлиги ҳақидаги фикрни ифодаловчи синонимлар эканлигини таъкидлайдилар. Мазкур муаммога оид тадқиқотларни XX асрнинг 70-йилларида эълон қилган бошқа муаллифлар эса, аксинча, кўрсатиб ўтилган атамалар маъноси ўртасида фарқ мавжудлигини қайд этадилар. Хусусан, А.Г.Лекаръ ва А.Ф.Зелинский «жиноятларнинг олдини олиш» ва «жиноятлар профилактикаси» атамаларини бир-биридан фарқлайдилар. Улар «жиноятларнинг олдини олиш» деганда муайян жиноят содир этилишига қаршилик кўрсатишни, «жиноятлар профилактикаси» деганда эса – жиноят содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этишни тушунадилар. Уларнинг фикрича, «профилактика»га жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш жараёнини, «жиноятларнинг олдини олиш»га эса – режалаштирилаётган ва тайёрланаётган жиноятларга йўл қўймасликни киритиш лозим[4]. Г.А.Аванесов кўрсатиб ўтилган атамалар бир-бирини истисно этмаслигини, улар ўртасида фарқдан кўра ўхшашлик кўпроқ эканлигини, моҳият эътибори билан улар турдош тушунчалар ҳисобланишини таъкидлаган ҳолда, жиноятлар профилактикасига икки хил маънода таъриф беради. Кенг маънода жиноятлар профилактикаси – муайян жиноятларга йўл қўймаслик, жамиятнинг муайян аъзоларини ҳуқуқбузарликлар содир этишдан тийиб туриш демакдир. Бошқача айтганда, бу – ҳуқуқ, шу жумладан жиноят ҳуқуқи (жиноят қонунчилиги) нормалари бузилишига йўл қўймасликдан иборат фаолият. Шу маънода жиноятлар профилактикаси мазмунига ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳам киради. Тор маънода эса, жиноятлар профилактикаси деганда, биринчидан, жиноятларнинг сабабларини, уларни содир этишга имконият яратувчи ҳолатлар ва шарт-шароитни аниқлаш бўйича фаолиятни; иккинчидан, жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан зарур огоҳлантириш тадбирлари ўтказиш бўйича фаолиятни тушуниш лозим. Бу икки тушунча

жамулжам ҳолда «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» умумий тушунчасини вужудга келтиради.

Шунга ўхшаш фикрни бошқа муаллифларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин. Бизнинг назаримизда, «жиноятларнинг олдини олиш», «жиноятлар профилактикаси» атамаларига ҳар хил маъно юклаш мумкин эмас, чунки умумсиёсий, юридик ва фиолологик адабиётларда улар бир хил маънода қўлланилади. Қонунчиликда ҳам биз кўрсатиб ўтилган атамалар ўртасида фарққа дуч келмаймиз. Кўрсатиб ўтилган атамалар ўртасида «жиноятларнинг олдини олиш» айниқса кенг тарқалгандир. Бу фикрни жуда кўп муаллифлар таъкидлайди[5]. Жиноятларнинг олдини олиш ёки жиноятлар профилактикаси тушунчаси ҳақида махсус адабиётларда кўп фикрлар билдирилган. Лекин мазкур тушунчага нисбатан «давлат ва жамоатчилик органлари ва ташкилотларининг жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитини бартараф этиш ёки уларни нейтраллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари ёки чора-тадбирлар мажмуи», деган таъриф кенг тарқалган. Бизнинг фикримизча, «жиноятларнинг олдини олиш» ва «жиноятлар профилактикаси» тушунчалари ўртасида узвий боғланиш мавжудлигини инкор этиш мумкин эмас. «Жиноятларнинг олдини олиш» нисбатан умумий тушунча бўлса, «жиноятлар профилактикаси»да жиноятларнинг олдини олишда муайян чора-тадбирларнинг роли таъкидланади. Шу билан бирга, бу икки тушунча ўртасида мутлақ тенглик белгисини қўйиш ҳам ўринли бўлмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун «жиноятларнинг олдини олиш» тушунчасининг «ички» тузилишини янада муфассалроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

«Жиноятлар профилактикаси» тушунчасининг таърифи унинг асосий (ўзига хос) таркибий элементлари ёки таркибий қисмларини ажратишни назарда тутати. Бундай чуқур таҳлилсиз умумий тушунчани тавсифлаш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, жиноятлар профилактикаси, энг аввало, ҳаракатни (ҳаракатлар мажмуини) ёки мувофиқлаштирилган ҳаракатлар тизимини, яъни муайян ижтимоий субъектларнинг жиноятни вужудга келтирувчи шарт-шароит ва сабабларга барҳам бериш ёки уларни нейтраллаштириш мақсадида муайян нарсалар ва ҳодисаларга (омилларга) таъсир кўрсатиш бўйича фаолиятини англатади. Жуда кўп муаллифлар жиноятлар профилактикаси деганда айнан ҳаракат (фаолият)ни тушунади. К.Е.Игошев ва В.С.Устинов жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий механизми бузилишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймасликка қаратилган давлат ва жамоатчилик фаолиятини белгилаш учун қўлланилиши лозим[6].

Лекин жиноятлар профилактикаси тушунчасига таъриф беришда мазкур асосий элемент (ҳаракат ёки фаолият)ни кўрсатиш билан кифояланмаслик керак. Муайянроқ кўринишда жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият, шу жумладан жиноятлар профилактикаси ҳам криминоген омилларга барҳам беришга, жиноятчи шахсининг шаклланишига йўл қўймайдиган шарт-шароит яратишга қаратилган ижтимоий субъектлар

ўртасидаги тегишли ижтимоий муносабатларни англатади. Шу сабабли жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятнинг элементлари жамулжам ҳолда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос тизимини ташкил этади[7]. Ижтимоий муносабатлар ўз ҳолича мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Ҳуқуқ соҳасида улар томонларнинг муайян ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятлари кўринишида намоён бўлади. Бинобарин, профилактика фаолияти нафақат юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган муайян ҳуқуқларни рўёбга чиқаришни, балки бундай фаолият иштирокчиларининг тегишли мажбуриятлари бажарилишини ҳам англатади. Ижтимоий фаолият ёки ҳаракатлар мажмуи фаолият субъектларини назарда тутди, зеро, ҳар қандай фаолият бу фаолиятни амалга оширувчининг мавжудлигини назарда тутди ва бундай субъектларнинг асосий доирасини белгилаш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Адабиётларда профилактика субъектлари доирасини белгилашга нисбатан ҳар хил ёндашилади. Масалан, А.А.Герцензон, Н.Р.Миронов ва бошқалар жиноятларнинг олдини олиш субъектлари сифатида фақат давлат ва жамоат ташкилотларини кўрсатадилар[8].

Жиноятларнинг олдини олиш тушунчасига берилган баъзи бир таърифларда нафақат жамоат ташкилотлари, балки фуқаролар ҳам кўрсатилмаган. А.Э.Жалинский жиноятлар профилактикаси субъектлари деганда фақат жисмоний шахсларни тушунади ва уларни жиноий фаолиятга жалб этилганлик даражасига қараб таснифлайди[9].2 Ҳолбуки, жиноятларнинг олдини олиш нафақат сўзнинг кенг маъносидаги ижтимоий жараённи давлат томонидан бошқаришнинг ўзига хос усули, балки кўп субъектли комплекс, жиноятчиликка таъсир кўрсатишнинг ҳар хил методлари ва чоратадбирларни қамраб олувчи ҳаракатлар тизими ҳамдир. Ю.Д.Блувштейн профилактика фаолияти субъектининг асосий белгиларини қайд этишни таклиф қилади. Унинг фикрича, бундай белгилар қаторига қуйидагилар киради: - жиноятлар профилактикасини тизим тажрибасини ўзлаштириш ва ундан фойдаланишга қодир бўлган функция сифатида изчил амалга ошириш; - тизимнинг бошқа элементлари билан горизонтал йўналишда (координация) ва вертикал йўналишда (субординация) боғланганлик; - ўз хулқ-атворини тизим «бошқарув механизми»нинг командаларига мувофиқ йўлга солиш; - хулқ-атвори таъсир кўрсатувчи объектнинг муайян ҳолатлари ва тизим белгиланган чегараларга қараб танлаш имкониятининг мавжудлиги. Кўрсатиб ўтилган белгилардан биттасига эга бўлмаган органлар, ташкилотлар ёки шахслар ҳам жиноятлар профилактикаси субъекти сифатида қаралиши мумкин эмас. Масалан, фаолияти бевосита профилактика мақсадларини кўзламаган орган ёки ташкилот профилактика субъекти бўла олмайди[10].

Бинобарин, фаолиятининг асосий йўналиши жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишдан иборат бўлган субъектгина профилактика субъекти сифатида тан олинishi мумкин. Шунга мувофиқ, жиноятлар профилактикасининг ижтимоий субъектлари доирасига фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари киради. Бу, энг аввало, ички ишлар органларидир.

Улар мазмуни ва йўналиши ҳар хил бўлган профилактика ишларини амалга оширади, ўз жиноятлар профилактикаси субъектларининг муайян кичик тизимига эга бўлади. Ички ишлар органлари ўзининг жиноятларни профилактика қилиш функциясини бажара бориб: - спиртли ичимликлар билан қонунга хилоф равишда савдо қилувчиларни ва майда безорилик ёки майда ўғрилиқ содир этган пиёнисталарни, врач кўрсатмасисиз гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилувчиларни, бангихоналар ва фоҳишахоналарни сақлаб турувчиларни, жиноят содир этишда шубҳа қилинганларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади; - маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузади; - ҳуқуқбузарларни ушлаш ва уларни ички ишлар органларига етказишни таъминлайди; - шахслар, буюмлар, транспорт воситаларини кўздан кечиради, буюмлар ва ҳужжатларни олиб қўяди; - маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг қонунда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларини қўллайди; - ҳуқуқбузарлик содир этган ҳарбий хизматчиларни ушлайди; - маъмурий назорат остига олинган шахслар ҳисобини юритади, уларни назорат қилади, уларга нисбатан қонунда назарда тутилган чеклашларни қўллайди; - жамоат жойларида инсоннинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирловчи ва ижтимоий ахлоққа зид маст ҳолда бўлган шахсларни махсус тиббий муассасаларга ёки ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига етказадилар ва ҳ.к. Бундан ташқари, тергов аппарати ходимлари ҳам муайян профилактика ишларини амалга оширади. Тергов бўлинмаларининг профилактика ишини мақсадига қараб икки турга ажратиш мумкин: а) жиноятларни тўхтатиш чора-тадбирлари; б) жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитини бартараф этиш чора-тадбирлари. Тергов аппаратининг профилактика фаолиятига қуйидагилар киради: 1) жиноят содир этилишига имконият яратадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш; 2) айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш орқали унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига барҳам бериш; 3) жиноят содир этилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш; 4) иш материалларидан профилактика фаолиятида фойдаланиш; 5) жиноят содир этилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари билан учрашиш ва суҳбатлашиш. Тиббий ҳушёрхоналар ҳам катта профилактика ишини олиб боради. Ички ишлар органларининг тиббий ҳушёрхоналари статистика маълумотларини таҳлил қилиб, қуйидаги грухий ва шахсий профилактика ишларини амалга оширади: 1) спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчи шахслар билан суҳбатлар ўтказиш; 2) аниқланган ва махсус ҳисобга олинган шахслар (сурункали пиёнисталар, рухий касаллар, даволаш-меҳнат профилакторийсидан қайтган шахслар) тўғрисида соғлиқни сақлаш идораларига хабар бериш. Ички ишлар органлари ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жуда муҳим профилактика ишларини олиб боради. Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг ходимлари профилактика фаолиятининг асосий мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариши лозим: 1) ҳуқуқбузар ўсмирларни, ўсмирларнинг ғайриҳуқуқий йўналишдаги гуруҳларини аниқлаш,

вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш ва уларни тўхтатиш, бунда ижтимоий адаптация ва реабилитация ишининг шакл ва усулларини, шунингдек фуқаровий-ҳуқуқий ва маъмурий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини қўллаш; 2) болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигига имконият яратувчи ташкилотчилар ва далолатчиларни, ота-оналар ёки бошқа шахсларни аниқлаш, уларнинг салбий таъсирини жиноят, оила, фуқаролик қонунчилиги талабларига мувофиқ тўхтатиш; 3) вояга етмаганларнинг жиноятлари, ҳуқуқбузарликлари ва назоратсизлиги масалаларида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш. Ўз навбатида, кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш учун вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг ходимлари: а) ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва уларнинг ғайриижтимоий хулқ-атвориغا қонун ҳужжатларига мувофиқ чек қўйиш мақсадида болалар ва ўсмирлар оммавий тарзда бўлиб турадиган жойларда профилактика ишлари ва операциялар ташкил этадилар ва ўтказадилар; б) жиноий қилмиш содир этган ўсмирларни ушлайдилар ва вояга етмаганларни жамиятдан ажратиш, адаптация ва реабилитация муассасаларига етказадилар; в) жиноят содир этишга мойил ўсмирлар, болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигига имконият яратувчи ташкилотчилар ва далолатчилар, ота-оналар ёки бошқа шахслар ҳақида маълумотларни тегишли органлар ва муассасалардан сўраб оладилар ва уларга нисбатан тегишли чора кўрадилар; г) ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ўсмирларни жиноий жавобгарлик ёшига тўлгунга қадар махсус ёпиқ ўқув муассасаларига юборадилар; д) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда қатнашадилар; е) озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаб қайтган вояга етмаганлар такроран жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида жиноят-ижроия тизими муассасалари билан ҳамкорликда, тегишли идоралар ва муассасалар орқали бундай шахсларга ишга жойлашиш ва жамиятга мослашишда ёрдам берадилар ва ҳоказо. Профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг доирасига кўра, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятининг уч асосий йўналишини фарқлаш мумкин: а) барча вояга етмаганларга нисбатан ўтказиладиган умумий профилактика; б) вояга етмаганларнинг муайян гуруҳлари ёки тоифаларига нисбатан ўтказиладиган махсус (группавий) профилактика; в) муайян вояга етмаган шахсларга нисбатан ўтказиладиган индивидуал профилактика. Умумий профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари энг аввало ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларида рўй бериши мумкин бўлган криминоген ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш билан шуғулланади. Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларига тушадиган криминоген ҳолатлар ҳақидаги ахборот манбалари қуйидагилардан иборат: а) бўлинма хизмат кўрсатадиган ҳудудда содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолати, таркиби ва динамикаси тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш материаллари; б) фуқаролар, жамоат ёки давлат ташкилотларининг хабарлари; в) ички ишлар бўлимлари тергов қилаётган муайян жиноят ишларининг материаллари; г)

судлардаги фуқаролик ишларига оид материаллар; д) махсус тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган материаллар; е) оммавий ахборот воситалари: телевидение, матбуот, радио хабарлари ва ҳ.к. Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари ўз фаолиятини умумий профилактика тадбирлари режаларига асосан амалга оширади. Мазкур режалар барча мавжуд материалларни пухта ва ҳар томонлама ўрганиш асосида ҳар чоракда ёки ҳар ойда тузилади. Режаларда доим қуйидаги асосий тадбирлар акс эттирилиши лозим: а) вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларининг ўзи бевосита ўтказувчи тадбирлар; б) ички ишлар бўлимларининг ходимлари бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказувчи тадбирлар; в) вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ёки хизматлари билан ҳамкорликда ўтказувчи тадбирлар. Махсус (группавий) профилактика вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаганларнинг муайян гуруҳлари ёки тоифаларига нисбатан амалга оширилади. Бунда вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг мансабдор шахслари: а) ўсмирлар маст ҳолатга келишига сабаб бўлган ёки уларни ичкиликбозлик, жиноий фаолият, тиланчилик қилиш, қимор ўйнаш, проституция билан шуғулланишга мажбур қилган, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб этган шахсларни; б) ҳуқуқбузар ўсмирлар ғайриижтимоий гуруҳларга мансублигини, ушбу гуруҳларнинг сардорлари ва фаол иштирокчиларини, улар йиғиладиган жойларни ва улар жиноят содир этувчи объектларни; в) ғайриижтимоий ҳуқ-атвори бошқа шахсларни уларга нисбатан жиноят содир этишига туртки бериши мумкин бўлган ўсмирларни; г) болалар билан шафқатсиз муомалада бўладиган, уларни калтаклайдиган ёки вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этадиган ота-оналарни ёки бошқа шахсларни; д) ўсмирлар томонидан ўғирланган мол-мулкка ўхшаш буюмларни эгаллаш ҳолатларини, шунингдек вояга етмаганлар спиртли ичимликлар, бошқа буюм ва ашёлар харид қилишга сарфлаган пул маблағларининг манбалари тўғрисидаги маълумотларни аниқлайдилар. Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ва назоратсизликнинг индивидуал профилактикаси вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан барча вояга етмаганларга, шунингдек умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига нисбатан амалга оширилади.

Индивидуал профилактика қуйидаги босқичлардан ташкил топади: 109 а) профилактика қилиниши лозим бўлган шахсларни аниқлаш; б) шахсни ва унинг турмуш тарзини ҳар томонлама ва объектив тарзда ўрганиш; в) вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларида кузатув ишини юритиш орқали ҳисобга олиш; г) бевосита профилактика ишини амалга ошириш. Индивидуал-профилактик таъсир кўрсатиш шаклларида бири ўқувчиларни вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларига олиб келишдир. Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларига: а) жиноий жавобгарлик ёшига тўлгунга қадар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган; б) жамоат тартибига дахл этувчи

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган; в) вояга етмаганларни жамиятдан вақтинчалик ажратиш, адаптация ва реабилитация қилиш марказларини ўзбошимчалик билан тарк этган; г) ўн олти ёшга тўлмасдан, шунингдек 16-18 ёшда оилани ўзбошимчалик билан тарк этган, шахси аниқланмаган, назорат ва ёрдамга муҳтож бўлган; д) адашиб қолган ёки ташлаб кетилган болалар ва ўсмирлар олиб келиниши мумкин. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини профилактика қилишда пролфилактика инспекторлари муҳим роль ўйнайди. Пролфилактика инспекторларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: - ўзи хизмат кўрсатаётган ҳудудда тартибнинг сақланишини таъминлаш; - жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларни тўхтатиш; - қонун ҳужжатлари билан белгиланган ваколатлар доирасида суриштирув ва маъмурий иш юритувни амалга ошириш; - ўзига берилган ваколатлар доирасида жиноятларни фош этишда ва жиноятчиларни қидиришда қатнашиш; - ўзига бириктирилган маъмурий участкаларда жамоат тартибини сақлашни таъминлашда патрулларга ёрдам бериш; - юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш. Шундай қилиб, жиноятлар профилактикасининг маълум таркибий қисмлари ҳақида тасаввур ҳосил қилгач, биз унинг умумий тушунчасини таърифлашимиз мумкин. Жиноятлар профилактикаси ёки жиноятларнинг олдини олиш – давлат органлари (шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари), жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни нейтраллаштириш ёки уларга барҳам беришга қаратилган, ўз мазмунига кўра ҳар хил чора-тадбирларни (таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини) қамраб олувчи, объектив ташқи омилларга ва муайян жисмоний шахсларга йўналтирилган фаолиятдир. Профилактика тушунчасига берилган умумий таъриф ҳар бир муайян ҳолатда уни жиноятларнинг ҳар хил тоифалари ва турларига (давлатга қарши жиноятлар, ўзгалар мулкига қарши жиноятлар, шахсга қарши жиноятлар, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва ҳ.к.) нисбатан, профилактик таъсир кўрсатиш субъектининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари ва воситаларидан ёки профилактика объектининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб муайянлаштириш имконини беради.

Хулоса ўрнида жиноятчиликнинг олдини олиш учун ҳудудларда мобил тарғибот гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиб, маҳаллалар ҳудудида ўғирлик ва фирибгарлик, тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлар, йўл-транспорт ҳодисалари, ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган турли жиноятлар, айниқса, пластик карталардан пул ечиб олиш ва ўғирлаш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига имкон бераётган омиллар, туб сабаблар ҳамда уларнинг оқибатлари, аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Филимонов О.В. Индивидуальная профилактика преступлений. – Томск, 1985. 5-7-бетлар.; Аванесов Г.А. Криминология. – М., 1984. – 334-б.
2. Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1980
3. Гельфанд И.А., Михайленко П.П. Предупреждение преступлений – основа борьбы за искоренение преступности. – М., Юридическая литература, 1964.
4. Лекарь А.Г. Профилактика преступлений. –М., 1972. –45-б.; Зелинский А.Ф. Значение нормы уголовного права для предупреждения преступлений. Авторе-т дисс. канд. юрид. наук. – М., 1966. – 4-б
5. Антонян Ю.М. О понятии профилактики преступлений // Вопросы борьбы с преступностью. – М., 1977. Вып. 26. – 27-29-б.; Филимонов О.В. Индивидуальная профилактика преступлений. – Томск, 1985. – 8-б.
6. Қаранг: Игошев К.Е., Устинов В.С. Введение в курс профилактики правонарушений. – Горький, 1977. – 15-б.
7. Қаранг: Предупреждение преступности. – М., 1986. – 8-б
8. Герцензон А.А., Миронов Н.Р. О некоторых вопросах предупреждения преступности и других антиобщественных явлений и борьбы с ними в современных условиях. – М., 1961. – 9-б.
9. Жалинский А.Э. Специальное предупреждение преступлений. – Львов, 1976. – 152-б.
10. Блувштейн Ю.Д. Предупреждение преступлений в обществе. – Минск, 1980. – 34-б.

ТУРСУНОВА Сабина Равшановна

*Старший преподаватель кафедры «Обеспечение общественной безопасности»
Университета общественной безопасности Республики Узбекистан*

БЕЗОПАСНОСТЬ ТУРИСТОВ: СИСТЕМЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И РЕАГИРОВАНИЯ

Аннотация: Данная статья посвящена важной теме в контексте постоянно изменяющегося и непредсказуемого мира — гарантии безопасности туристов. В ней автор исследует разнообразные схемы и механизмы, применяемые для обеспечения безопасности туристов в разных частях мира. Широкий анализ различных систем предупреждения и реагирования на потенциальные угрозы осуществляется через призму международных и национальных норм, программ и партий по защите туристов. В статье автор включает в статью общепризнанные методы предупреждения и описывает процессы реагирования на непредвиденные инциденты.

Ключевые слова: Туризм, турист, обеспечение безопасности, предупреждение рисков, информирование, опасность, путешествие.

TOURIST SAFETY: WARNING AND RESPONSE SYSTEMS

Abstract: This paper deals with an important topic in the context of a constantly changing and unpredictable world - tourist safety guarantees. In it, the author explores a variety of schemes and mechanisms used to ensure the safety of tourists in different parts of the world. A broad analysis of the various systems for preventing and responding to potential threats is provided through the lens of international and national tourist protection norms, programmes and parties. In the article, the author includes commonly recognised prevention methods and describes processes for responding to unforeseen incidents.

Keywords: Tourism, tourist, safety, risk prevention, information, hazard, travelling.

Туризм – одна из важных составляющих экономики любого государства, которая обеспечивает занятость населения, загрузку отелей, ресторанов, поступление иностранной валюты и др. Также туризм можно раскрыть как понятие, включающее в себя описание факторов взаимодействия различных отраслей для обеспечения возможности свободного и комфортного передвижения людей с различными целями: путешествие, отдых, образование и осуществление собственной деятельности.

Когда сотни тысяч людей покидают привычные для себя места проживания и оказываются в совершенно иных социальных и климатических условиях, встает вопрос об уровне обеспечения безопасности их здоровья и имущества.

Вполне естественно, что человек, планирующий путешествие, не думает о неприятностях, которые могут возникнуть. Но ведь довольно часто люди возвращаются из поездок с кучей неприятных воспоминаний. Причинами этого могут стать как плохое обслуживание в отеле и задержка багажа в аэропорту, так и болезни, ограбления, дорожно-транспортные происшествия и многое другое.

В условиях постоянной глобализации и развития международного туризма, обеспечение безопасности туристов становится важным аспектом деятельности государства и туроператоров. Риски, связанные с катастрофами, террористическими атаками и местными конфликтами, ставят перед системами предупреждения и реагирования целый ряд задач. В данной статье представлен анализ современных систем предупреждения и реагирования, направленных на обеспечение безопасности туристов.

Система предупреждения правонарушений это комплекс мер и действий, направленных на предотвращение нарушений законодательства. Основная цель - заранее предугадать и пресекать возможные правонарушения, включая различные формы незаконного поведения, которые могут привести к преступлениям [1].

Эта система включает в себя многоэлементные механизмы и взаимодействует с различными сферами общества. В основе лежат юридические, организационные, воспитательные и иные меры, рассчитанные на устранение риска нарушений[2].

Система предупреждения правонарушений активно взаимодействует с законами и нормами, а также с принципами общественного мониторинга и социального контроля.

Среди основных систем предупреждения, который помогает защитить туристов от различных рисков, можно выделить следующие:

1. Создание государственных служб по занимающимся обеспечением безопасности туристов.

Основными задачами государственных служб, занимающихся обеспечением безопасности туристов, должно стать выполнение ключевых функций для минимизации рисков и потенциальных угроз туристам:

сбор, анализ и распространение информации о текущей обстановке и потенциальных угрозах безопасности в стране и за рубежом;

сотрудничество с местными органами, международными партнерами и туристической индустрией для координации действий;

реализация программ предотвращения и реагирования на чрезвычайные ситуации и инциденты;

подготовка специалистов и контроль качества услуг, связанных с туристической безопасностью;

пропаганда знаний о туристической безопасности среди населения и туристов;

Формирование и организация служб

Создание эффективных государственных служб подразумевает выполнение следующих этапов:

анализ существующих структур, отвечающих за безопасность в разных сферах (правоохранительные органы, пограничники, службы экстренного реагирования), и определение возможностей интеграции или расширения их функций для работы с туристической безопасностью;

разработка законодательства и регуляторных актов, устанавливающих полномочия, цели и задачи новых служб;

планирование и развертывание государственных служб на местном, региональном и международном уровнях для обеспечения покрытия всех регионов и туристических направлений;

внедрение программ подготовки, обучения и совершенствования кадров, касающихся безопасности туристов;

разработка и реализация стратегий взаимодействия с другими службами, туристической индустрией и общественностью для обеспечения совместной работы.

2. *Туроператорские системы предупреждения* — это комплекс мероприятий и процедур, проводимых туроператорами и другими участниками туристической отрасли, с целью предотвращения, своевременного выявления и нейтрализации рисков и угроз безопасности туризма.

Данная система включает в себя следующие *элементы*:

мониторинг и анализ угроз безопасности. Туроператоры собирают и анализируют информацию о политической обстановке, природных катастрофах, эпидемиях и других потенциальных угрозах в странах и регионах присутствия;

информирование и обучение. Туроператоры обеспечивают доступ туристов к актуальной информации о условиях безопасности поездки, принципах безопасного поведения и действиях в чрезвычайных ситуациях. Может включать обучение сотрудников туроператора;

взаимодействие с внешними субъектами. Туроператоры сотрудничают с государственными органами, другими туроператорами, страховыми компаниями и пр. с целью оперативного реагирования на угрозы и решения проблем безопасности;

формирование адаптивных туристических продуктов. С учетом потенциальных рисков, туроператоры разрабатывают и реализуют туристические продукты, которые могут быть адаптированы или изменены в случае возникновения угрозы;

стратегия минимизации рисков. Обеспечение безопасного транспортирования, проживания и организации досуга туристов, с целью минимизации потенциальных рисков и угроз.

Туроператорские системы предупреждения играют ключевую роль в обеспечении безопасности туризма, так как позволяют оперативно и эффективно реагировать на различные угрозы и риски.

3. *Международные системы предупреждения и мониторинга*. МНОЗ, такие как *Международная ассоциация туризма и безопасности*, разрабатывают собственные системы мониторинга, ориентированные на обеспечение безопасности туристов.

Системы реагирования в системе обеспечения безопасности туризма – это комплекс мер, стратегий и процедур, разработанных и реализуемых юридическими субъектами, туристическими организациями, государственными и международными органами для эффективного реагирования на возникшие угрозы и инциденты, связанные с безопасностью туризма. Национальные системы реагирования. Государственные службы экстренного реагирования, управления кризисами и спасательные службы должны быть подготовлены к оказанию оперативной помощи туристам в экстренных ситуациях, включая природные катастрофы, теракты и др.

Системы реагирования включают в себя следующие элементы:

планирование и принятие решений. В основе все оценки и анализа возникших угроз разрабатывается план действий для минимального воздействия на туристическую деятельность и нейтрализации угроз;

сбор и анализ информации о рисках и угрозах. Туроператоры и организации собирают актуальную информацию о возникших угрозах для туризма и мониторинг обстановки для принятия оптимальных решений;

коммуникация и информирование. Информация о возникших угрозах и приоритетных мероприятиях должна быть передана всем заинтересованным сторонам - туристам, туроператорам, государственным и международным органам;

организация и координация действий. Такие события требуют быстрой и упорядоченной реализации мероприятий, включая Управление транспортировкой и эвакуацией туристов, обеспечение временного жилья и информационной поддержки;

анализ и оценка эффективности принятых мер. После каждого инцидента или риска, связанного с безопасностью туризма, должен проводиться анализ и делать выводы, которые помогут усовершенствовать системы реагирования.

Системы реагирования в системе обеспечения безопасности туризма являются ключевыми элементами управляемости и процесса принятия решений, которые помогут смягчить последствия угроз для туристической отрасли и обеспечить безопасные условия для проведения туристических мероприятий.

Несмотря на разработку и внедрение различных систем предупреждения и реагирования, защита безопасности туристов по-прежнему является актуальной задачей, требующей совместных усилий государств и туроператоров. Обмен опытом, внедрение инновационных подходов и технологий, а также постоянное внимание к этой проблеме позволит добиться оптимального результата и обеспечить безопасность путешествий для всех туристов.

Использованная литература:

1. Майстренко Григорий Александрович Понятие и сущность предупреждения правонарушений // Право и государство: теория и практика. 2019. №4 (172). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-suschnost-preduprezhdeniya-pravonarusheniya> (дата обращения: 07.09.2023).

2. Селиманова С. Система административного законодательства Республики Узбекистан: теория и практика //Общество и инновации. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 69-74.

MAMASOLIYEV A., RAXMANOV U.X.

Andijon Qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalari instituti "Qishloq xo'jaligi huquqi va agroturizm" kafedrasida o'qituvchilari

**VOYAGA YETMAGANLAR TOMONIDAN SODIR ETILADIGAN
JINOYATLARNING OLDINI OLISH CHORALARI VA BARVAQT
PROFILAKTİKASIGA OID XORIJIY TAJRIBA**

Annotatsiya: Voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etiladigan jinoyatlarning oldini olish choralari va barvaqt profilaktikasiga oid xorijiy tajriba haqida, shuningdek, voyaga yetmaganlar tomonidan jinoyat sodir etilishini oldini olishga qaratilgan hamda Amerika Qo'shma shtatlari, Buyuk Britaniya va Germaniya davlatlarining tajribalari borasida fikr-mulohazalar yoritilgan.

Kalit so'zlar: Voyaga yetmaganlar, voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar, javobgarlik, jinoyatlarni oldini olish, huquqbuzarliklar profilaktikasi, jinoyatchilikka qarshi kurash, voyaga yetmaganlar manfaatlari, voyaga yetmaganlar uchun javobgarlik, profilaktika dasturlari, polsiya xodimlari.

**МЕРЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПО
РАННЕЙ ПРОФИЛАКТИКЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШАЕМЫХ
НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ**

Аннотация: освещается зарубежный опыт профилактики и ранней профилактики преступлений, совершаемых несовершеннолетними, а также отзывы об опыте США, Великобритании и Германии, направленные на предупреждение совершения преступлений несовершеннолетними.

Ключевые слова: несовершеннолетние, преступления, совершенные несовершеннолетними, ответственность, предупреждение преступлений, профилактика правонарушений, борьба с преступностью, интересы несовершеннолетних, ответственность несовершеннолетних, профилактические программы, сотрудники полиции.

**PREVENTION MEASURES AND FOREIGN EXPERIENCE IN EARLY
PREVENTION OF CRIMES COMMITTED BY MINORS**

Annotation: focused on foreign experience in juvenile crime prevention measures and premature prevention, and focused on preventing juvenile crime, and focused on the experiences of the United States, United Kingdom, and Germany.

Keywords: juvenile delinquency, juvenile delinquency, liability, crime prevention, crime prevention, crime fighting, juvenile interests, juvenile delinquency, prevention programs, polsia employees.

Voyaga yetmaganlar o'rtasidagi jinoyatchilikka qarshi kurash muammosi nafaqat bizning mamlakatimizda, balki barcha dunyo mamlakatlarining diqqat markazida. Bu holat so'nggi yillarda bolalar va o'smirlar tomonidan sodir etilayotgan jinoyatlarning o'sishi bilan bog'liqdir.

Yoshlar tomonidan ilk bor ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan huquqbuzarliklar sodir etilishi holatlarini o'z vaqtida aniqlanishi hamda ular yuzasidan tegishli choralarni ko'rilishi kelgusida ular tomonidan jinoyat sodir etilishiga qaratilgan maqsadning shakllanishiga ma'lum ma'noda yo'l qo'ymaydi. Bularning barchasi davlatimizning va xorijiy huquqni muhofaza qilish organlarining ushbu yo'nalishdagi muvofiqlashtirilgan maxsus dasturlarni ishlab chiqish borasidagi say'-harakatlarini birlashtirish zarurligini anglatadi.

Keyingi vaqtlarda **Amerika Qo'shma Shtatlarida** balog'atga yetmagan bolalar jinoyatchiligiga qarshi kurashish qanday usulda amalga oshirilishi kerakligi to'g'risida keskin munozaralar bo'lib o'tdi. Voyaga yetmaganlarga oid sud tizimi ilk bor 1989 yilda Illinoys shtatida tashkil qilingan. Ularning asosiy vazifasi yosh huquqbuzarlarni qayta tarbiyalashdan iborat bo'lgan. Keyinchalik bunday sudlar boshqa shtatlarda ham tashkil qilingan. Ta'lim usullariga alohida urg'u berilishi politsiya huquqlarini cheklash va voyaga yetmaganlarning manfaatlarini himoya qiluvchi qonunlarni qabul qilinishiga olib keldi.

Ko'pgina mutaxassislar shartli ravishda qamoqdan ozod etilgan voyaga yetmaganlarni nazorat qiluvchi politsiya xodimlarini ko'paytirish kerakligi to'g'risidagi fikrlarni bildiradilar. Qayta tarbiyalashning tarafdorlari esa, ushbu tavsiyalarni qattiq va shafqatsiz deb hisoblaydi. Ular voyaga yetmaganlarni qamoqxonalarda, tergov hibsonalarida katta yoshdagi jinoyatchilar bilan birga bo'lishi, takroran jinoyat sodir etilishiga olib kelishi, jinoyatchilikka qarshi kurash va uni oldini olish hamda qayta tarbiyalash borasidagi chora-tadbirlarga salbiy ta'sir qilishi mumkinligini ta'kidlaydilar.

Amerika Qo'shma Shtatlarida voyaga yetmaganlar huquqbuzarliklarini oldini olishga doir kompleks profilaktika dasturlari ishlab chiqilgan bo'lib, ular ikki asosiy turga bo'lingan holda amalga oshiriladi:

1. Voyaga yetmaganlar o'rtasidagi jinoyatchilikni oldini olish, bosim o'tkazish, sudlov ta'qib qilish usullarini qo'llash bo'yicha keng qamrovli jinoyatchilikni oldini olish yoki nazorat qilish Kompleks dasturlari. Bunday dasturlar: umumdavlat (federal), mintaqaviy va mahalliy miqyosda amalga oshiriladi. Ushbu dasturlar asosan istalgan natijani amalga oshirish uchun jinoyatchilikni oldini olish bo'yicha maqsadli modelni yaratadi.

2. Profilaktika dasturlari politsiya tomonidan (odatda jamoatchilik bilan hamkorlikda) va bevosita jamoatchilikning kuchi va vositalari yordamida amalga oshiriladi. Jinoyatchilikni oldini olish dasturlarining o'ziga xos xususiyati shundaki, uni aniq muammo va muayyan jinoyat turiga qaratilganligidadir. Bunday hollarda xukumat maqsadli dasturlarni amalga oshirishda mahalliy xokimiyat organlariga konsultativ, moliyaviy, tashkiliy-uslubiy yordam ko'rsatadi.

Jinoyatchilikni oldini olish dasturlarining asosiy ijrochilari mahalliy politsiya organlari (AQSH politsiya xodimlarining taxminan 70% foizi) va mahalliy fuqarolar hisoblanadi.

Qo'shma shtatlarda voyaga yetmaganlar huquqbuzarliklarining oldini olish bo'yicha jamoatchilik tomonidan tashkillashtirilgan dasturlar tobora ommalashib

bormoqda. Jamoat tashkilotlari jinoyatni sodir etgan voyaga yetmaganlar bilan muayyan muammolarni hal qilish uchun vositalar hamda mablag'larni topish harakatlarini amalga oshiradilar. Biroq bunday ishlar, jumladan, takroriy sodir etilgan g'ayriqonuniy harakatlarni oldini olish murakkab jarayon bo'lib sabr va professionallikni talab etadi.

Xorijiy davlatlarda ko'plab mutaxassislar (shifokorlar, o'qituvchilar, psixologlar) voyaga yetmaganlarni ozodlikdan mahrum qilish o'ta oxirgi chora ekanligini ta'kidlaydilar. Voyaga yetmaganlar huquqbuzarliklarini oldini olishda ularning xulq-atvori, turmush tarziga faol ta'sir ko'rsatish va ularning fikrlash tarziga qarshi turish – ijobiy natijalarni berishi mumkin bo'lgan yo'l deb hisoblaydilar.

Germaniya politsiyasining asosiy faoliyat sohaslaridan biri voyaga yetmaganlar huquqbuzarliklarining oldini olish hisoblanadi. Ushbu sohada politsiya faoliyatining asosiy yo'nalishlari jinoyatchilikni oldini olish Federal Dasturi tomonidan belgilanadi. Dasturni amalga oshirishda politsiya bilan birgalikda turli tashkilotlar ham ishtirok etadi. Dastur federal va mahalliy miqyosda amalga oshiriladi.

Dasturning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- jabrlanuvchilarni o'g'rilik, firibgarlik, talonchilik, bosqinchilik va boshqa jinoyatlardan himoya qilish;

- fuqarolar, ularning mulklarini himoya qilish, jamoat xavfsizligini mustahkamlashni ta'minlashga qaratilgan tadbirlarni aholi bilan politsiya hamkorligida amalga oshirish;

- noqonuniy harakatlar sodir etuvchi omillarni zararsizlantirish.

Dasturni amalga oshirish uchun voyaga yetmaganlar huquqbuzarliklarining oldini olish bo'yicha maxsus xizmatlarni tashkil qilinishi kerak bo'ladi. 90-yillar oxirlarida GFR da 140ga yaqin shunday xizmatlar tashkil etildi.

Germaniyada voyaga yetmaganlar jinoyatchiligini oldini olish va unga qarshi kurashish muammosi bilan shug'ullanuvchi turli idoralar tashkil etilgan.

Shimoliy Reyn-Vestfaliya hududida barcha yirik politsiya idoralarida giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlar, jinsiy jinoyatlar, bedarak yo'qolgan shaxslar ishi, shuningdek, voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etilgan huquqbuzarliklarni tekshirish uchun maxsus komissiya tuziladi. Komissiyalarda odatda voyaga yetmagan aybdor, jabrlanuvchi va guvoh bo'lgan ishlar ko'rib chiqiladi.

Baden-Vyurtemberg xududida jinoyatlar bo'yicha katta bo'linmalar mavjud bo'lib, voyaga yetmagan huquqbuzar bolalar bo'linmalari tashkil etilgan. Boshqa xizmatlarda esa o'smirlarga tegishli jinoyatlar bo'yicha ma'sul xodim tayinlangan. Maxsus idoralar va xodimlarning vazifasi voyaga yetmagan shaxslar nafaqat jinoyatchilar, balki jabrlanuvchi yoki guvohlar sifatida ham ishtirok etgan barcha ishlarni ko'rib chiqishdan iborat.

Qo'yi Saksoniya xududida politsiya jinoyatchilikni oldini olish ishlarini ko'rib chiqishda ijtimoiy xizmat xodimlari bilan yaqin aloqada ishlaydi. Bunday hamkorlik politsiya va tegishli ijtimoiy xizmat xodimlari o'rtasidagi aniq farqni nazarda tutadi. Jinoyat ishlari bo'yicha politsiya bo'linmasi va ayrim politsiya mahkamalarida

voyaga yetmaganlar huquqbuzarliklari bilan bog'liq masalalarni hal qilish vakolatiga ega bo'lgan yangi lavozim tashkil qilingan.

Buyuk Britaniyada mahalliy politsiya mamlakatning asosiy politsiya tizimi bo'lib, voyaga yetmaganlar jinoyatchiligini oldini olish bo'yicha javobgar hisoblanadi.

Barcha dasturlar shu jumladan, markaziy davlat tomonidan ishlab chiqilgan dasturlar (Buyuk Britaniya Ichki ishlar vazirligi) mahalliy miqyosda deyarli to'liq amalga oshiriladi.

Buyuk Britaniyada maktab va politsiya o'rtasida hamkorlikni mustahkamlash uchun keng ko'lamli chora-tadbirlar amalga oshiriladi. Ulardan ko'zlangan asosiy maqsad fuqarolarni himoya qilish, jamoat tartibini ta'minlash, asosan politsiya harakatlarini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan bo'lib, yoshlarni tartibni saqlash tamoyillari va vazifalarini tushunishlariga yaqindan yordam beradi.

Har bir maktabda politsiya bilan bog'lanish uchun mas'ul bo'lgan o'qituvchi tayinlanadi, shuningdek, har bir politsiya markazida maktabga ma'sul javobgar bo'lgan politsiya xodimi tayinlangan.

Xorijiy huquqni muhofaza qilish amaliyotida yoshlarni huquqiy tarbiyalash uchun yangi turdagi politsiyachini tayyorlash kerakligi haqidagi fikrlar shakllandi. U yosh bolalarning do'sti va murabbiysi, jonkuyar himoyachi, sotsiolog va psixolog xususiyatlarini o'zida mujassamlashtirib, baquvvat va tadbirkor bo'lishi kerak.

Yaponiyada Bosh politsiya Boshqarmasi huzurida voyaga yetmaganlar bo'yicha Markazlar mavjud bo'lib, ularning vakolatlari voyaga yetmaganlar, ularning ota-onalari, yaqinlariga huquqiy yordam berishdan iborat. Markazlarda "favqulotda yordam telefonlari" o'rnatilgan. Favqulotda yordam doimiy ravishda 24 soat davomida telefon orqali amalga oshiriladi. Masalan, Tokio shahrida bunday yordam mavjudligi to'g'risidagi ma'lumot maktablarga tarqatiladi, telefon orqali yordam so'rovchilarning ko'pchiligi voyaga yetmaganlarning ota-onalari, qarindoshlari, yaqinlaridan iboratdir. Markazga ko'prok voyaga yetmaganlarning ota-onalaridan oilaviy masalalar, maktab ishlari bilan bog'liq savollar kelib to'shadi. Ota-onalardan tibbiy davolanish yoki jinsiy muammolar bilan bog'liq savollar kelib tushsa, Markaz mutaxassislari ushbu ota-onalarni tegishli xizmat xodimlari bilan bog'lanishiga yordam beradi.

Har bir Markaz o'z xududidagi to'rt yoki besh politsiya uchastkasida xizmat qiladi. Markaz mutaxassislarining asosiy vazifasi voyaga yetmaganlarga huquqiy yordam berish, jinoyatlarni oldini olish hisoblanadi. Shuningdek, Markaz xodimlari qimorxonalar va boshqa o'yinlarga tez-tez boradigan voyaga yetmaganlarning monitoringni ham olib boradi. Markaz xodimlari navbatchilikni fuqarolik kiyimida amalga oshiradi.

Markaz xodimlari birinchi navbatda erta tongda ko'chada yurgan voyaga yetmaganlarni aniqlab ularning maktabda bo'lishlari kerakligini, darslarga kirmaganlik sabablarini so'raydi. Ular voyaga yetmaganlar bilan suhbatlashadi va

bolalarni maktabga sababsiz bormaganliklari aniqlansa, ularni uylariga olib borib, ota-onasiga topshiradi.

Singapurda “voyaga yetmagan politsiyachi” klublari tashkil etilgan. Klublarda tashkilotchilar tomonidan yosh politsiyachilarni sport bilan shug‘ullanishiga, xususan, o‘zini himoya qilish usullarini o‘rganishga taklif qilishadi. Shuningdek, klub tashkilotchilari maktablarda jinoyatlarni oldini olishga qaratilgan afishalar, plakat va videotasvirlar orqali voyaga yetmaganlar o‘rtasida profilaktika ishlarini olib boradi.

Chet davlatlar tajribasi voyaga yetmaganlar o‘rtasidagi jinoyatchilikni oldini olishda politsiyaning o‘rni va roli muhimligini ko‘rsatib turibdi. Ular nafaqat o‘zining politsiya vakolatlarini balki tarbiyaviy ishlarni ham amalga oshiradilar. Ularning vazifalariga yosh bolalar bilan muloqatda bo‘lish, yoshlarni sport bilan shug‘ullanishga qiziqtirish, “politsiya klublari”ga jalb etish, ota-onalari bilan doimiy ravishda aloqada bo‘lish va h.k. kiradi. Politsiya maktablarda o‘tkaziladigan tadbirlarni nazorat qilish vakolatiga ham ega (masalan, diskotekalarni politsiya rahbarligida o‘tkazish.) Politsiya “ochiq eshiklar” kunlarini tashkil etib, shu kunlarda voyaga yetmaganlarni politsiya uchastkalariga taklif etadi va ularni jinoyatlarni fosh etish, jinoyatlarni oldini olish ishlari bo‘yicha politsiya vazifalarining ayrim jihatlari bilan tanishtiradi.

Chet davlatlarda voyaga yetmaganlar o‘rtasidagi jinoyatlarni oldini olishda asosiy tashkillashtiruvchi hamda muvofiqlashtiruvchi organ bo‘lib, voyaga yetmaganlarning huquqbuzarliklarini va jinoyatlarini ko‘rib chiqish uchun tayinlangan maxsus sudlar hisoblanadi. Ularning vakolatlariga nafaqat voyaga yetmaganlarning ishlarini ko‘rib chiqish balki voyaga yetmaganlarni bo‘sh vaqtlarida nima bilan shug‘ullanishlarini kuzatish, ular bilan suhbatlashish, ota-onalari bilan doimiy ravishda muloqatda bo‘lish ham kiradi.

Xulosa qilib aytganda, samarali tashkil etilgan huquqiy ta’lim-tarbiya tizimi yoshlar huquqiy ongi va madaniyatini shakllantirishning zaruriy vositasi, huquqiy davlatning tayanchidir.

ХУДОЁРОВ Умиджон Дагарович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси, Сирдарё вилояти Юридик техникум ўқитувчи, 3-даражали адлия маслаҳатчиси

КРИМИНОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ИЛМИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Аннотация: ушбу мақолада криминологик хавфсизликни илмий категория сифатида муомалага киритишнинг долзарблиги, криминологик хавфсизлик тушунчаси, олимларнинг фикрлари, шахсларни жиноий таҳдиддан ҳимоя қилиш чора – тадбирлари, муаммоларнинг ечимлари бериб ўтилган.

Калит сўзлар: криминологик хавфсизлик, давлат хавфсизлиги, жиноий таҳдид, зўрлик, ҳуқуқ ва эркинлик, концепция, ислоҳот, давлат дастурилар.

КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ КАК НАУЧНАЯ КАТЕГОРИЯ

Аннотация: в данной статье рассматривается актуальность введения криминологической безопасности как научной категории, понятие криминологической безопасности, мнения ученых, меры по защите личности от криминальной угрозы, пути решения проблем.

Ключевые слова: криминологическая безопасность, государственная безопасность, криминальная угроза, насилие, закон и свобода, концепция, реформа, государственные программы.

CRIMINOLOGICAL SECURITY AS A SCIENTIFIC CATEGORY

Annotation: this article examines the relevance of the introduction of criminological security as a scientific category, the concept of criminological security, the opinions of scientists, measures to protect individuals from criminal threats, ways to solve problems.

Key words: criminological security, state security, criminal threat, violence, law and freedom, concept, reform, state programs.

Давлат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги (шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги) мавзуси давлат (биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари), олимларнинг катта доираси эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда.

2021 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (ПФ-27-сон) имзолади, унда шахслар, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари белгиланди, хавфсизлик тизими ва унинг функциялари белгиланди, ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби белгиланди. Жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари [1] этиб белгиланди.

Ушбу фармонга кўра Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Концепцияда қўлланилган асосий тушунчалар:

жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда — таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб,

у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиладиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни камраб олувчи яхлит тизим” эканлиги белгилаб қўйилган [1].

Ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларида ижтимоий жараёнларнинг кучайиши, хавфли (айниқса зўравонлик, қуролланиш, қотиллик, экстремистик мотивлар, террористик ҳаракатлар ва бошқалар билан боғлиқ) жиноят шакллари давлатни жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали воситаларини ва усулларни излашга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” (ПФ-6196-сон) Фармонида асосан Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказини (кейинги ўринларда — Илмий-амалий тадқиқотлар маркази) ташкил этиш ва қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

1. Криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш, мавжуд куч ва воситаларни самарали тақсимлаш бўйича таклифларни киритиш;

2. Худудлар кесимида криминоген вазиятни барқарорлаштириш чораларининг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш ва уларни ўтказиш тактикасини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

3. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг сифатини ошириш бўйича тавсия ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш [2].

Сўнги йилларда бозор ислохотлари натижалари ва миллий хавфсизлик ҳолатини баҳолаб, Россия Фанлар академияси иқтисодиёт фанлари номзоди, тадқиқотчи О.А. Коленникова идрок жиҳатидан енг кучли бўлган таҳдидларнинг икки турини таъкидлайди: иқтисодий характердаги таҳдидлар ва шахслар ва фуқаролар мулки хавфсизлигига таҳдидлар. “Аҳоли хавфсизлигини заифлаштириш орқали - биз фуқароларнинг жиноий ва бошқа ноқонуний тажовузлардан ишончсизлигини тушунамиз, яъни мамлакат аҳолиси ўртасида ўз ҳаёти, қариндошлари ва дўстларининг ҳаёти, мол-мулки хавфсизлиги учун тинчликнинг йўқлиги, шунингдек тегишли хавфсизлик кафолатларининг йўқлигидадир [3] - деб ёзади О. А. Коленникова. Бундай ҳолда, хавфсизлик тушунчаси кенг маънога ега: “фуқароларнинг жиноий ва бошқа ноқонуний

тажовулардан ишончсизлиги” яъни муаллиф умуман ҳуқуқий хавфсизликни назарда тутди. Бизнинг контекстимизда биз ҳуқуқий хавфсизлик турларидан бири - криминологик хавфсизликни кўриб чиқамиз.

“Криминологик хавфсизлик” биз учун янги тушунча ҳисоланиб уни муомалага киритиш жуда долзарб масаладир. Умумий хавфсизлик объектидан ёки Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги (ЎРҚ-471-сон) “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни ҳамда 2021 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПФ-27-сон) Фармонида белгиланган умумлаштирилган объектдан келиб чиқади. Масалан, Омск университети профессори М.П. Клейменов криминологик хавфсизликни “шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳолати сифатида белгилайди, уларнинг манбалари жиноятчилик, ижтимоий хавфли тажовулар, жиноий фаолият, жиноятчилик манфаатлари билан боғлиқ турли даражадаги ҳодисалардир” [4] деб тарифлайди.

Бироқ, баъзи криминологлар жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги билимлар тизимидаги янги илмий тоифани тушуниб, ҳуқуқдаги инсон - марказда (шахсий) ёндашувдан келиб чиқиб, миллий хавфсизликнинг умумлаштирилган объектидан унинг энг муҳим таркибий қисми-шахсни ажратиб кўрсатишади. Шу муносабат билан Нижегород университети профессори Г.Н. Горшенковнинг “шахс жиноий таҳдид хавфидан олдин” монографиясида кўрсатиб беради.

Олим ушбу асарда *“шахснинг криминологик хавфсизлиги — тўғридан-тўғри ёки билвосита жиноий таҳдидни олдиндан кўришга, ундан қочишга ёки унга қарши туришга имкон берадиган махсус шахсий хусусиятлар туфайли, шунингдек, махсус яратилган муҳит шароитлари туфайли уни жиноий таҳдиддан ҳимоя қилиш ҳолати”* [5] деб таърифлайди.

Профессор Г.Н. Горшенков ўзининг “криминологик луғати”да “жисмоний, юридик шахснинг, яъни уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиноий таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳолатлари”, “криминологик хавфсизлик”, “шахснинг криминологик хавфсизлиги” “инсон шахсини ижтимоий хавфли ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш” [6], тушунчаларига таъриф беради.

Шахсига нисбатан криминологик хавфсизлик ҳодисасини таҳлил қилишдан олдин, илмий адабиётларда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида у ёки бу турдаги хавфсизликни англатадиган кўплаб терминологик иборалар ишлатилганлигини таъкидлаш керак, масалан ҳуқуқий (жиноятга қарши, маъмурий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий ва бошқалар) ва ҳуқуқий бўлмаган (ахборот, физиологик, экологик ва бошқалар).

Бироқ, ушбу хавфсизлик тизими шартли, чунки инсонга таҳдид соладиган хавфни фақат ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган деб баҳолаш мумкин бўлган турли хил мезонлар мавжуд.

Г.Н.Горшенков жиноий-ҳуқуқий, жиноий-процессуал, тезкор-тергов, жиноий-ижроия ва криминологик жиҳатдан жиноятчиликка қарши хавфсизликни турлича кўриб чиқади [5]. Тадқиқотимизнинг вазифаси ушбу хавфсизлик турларининг ҳар бирининг тавсифини ўз ичига олмайди. Бироқ, криминологик хавфсизлик тоифасини тавсифлашда биз, албатта, жиноятчиликка қарши хавфсизликнинг бошқа турларининг хусусиятларига мурожаат қиламиз.

“Қарши кураш” атамаси “профилактик таъсир” атамасидан фарқли ўлароқ, бизнингча, бошқарув ҳаракатининг моҳиятини аниқроқ акс эттиради. Ушбу ҳаракат ҳимояланган объектга иложи борича яқинроқдир. Эрта ёндашувларда, масалан, мойиллик, ҳуқуқбузарлик белгиларининг эрта намоён бўлиши аниқланган вояга етмаган объектга нисбатан амалга ошириладиган тадбирларни эрта профилактика, педагогик профилактика, тарбиявий ва профилактика таъсири деб аташ мумкин. Бундай вазиятда, албатта, жиноий таҳдид мавжуд, аммо потенциал, яъни ҳақиқий таҳдид эмас. Қарама-қаршилик ҳақиқий таҳдид ёки “яқинлашиб келаётган” хавф билан боғлиқ бўлиб, унда ушбу контекстда вояга етмаганни жиноий фаолиятга жалб қилиш, унинг эркинлигига тажовуз қилиш, жинсий дахлсизлик ва бошқалар кўриб чиқилиши керак.

2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (ЎРҚ-489-сон) мисолида ушбу икки тушунчанинг ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқайлик.

Экстремизм ўта хавfli зўравонлик фаолияти сифатида, (3-модда) **экстремизм** — ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси эканлиги айтилган. Маълумки, ёшлар, шу жумладан вояга етмаган ёшлар экстремистик фаолиятда фаол иштирок этмоқдалар.

Қонунда экстремистик фаолиятга қарши курашиш, шу жумладан экстремизмнинг *олдини олиш (профилактика)*га доир чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, шунингдек унинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, экстремизм соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш (5-модда), хусусан, тарбиявий, тарғибот чоралари шаклида; экстремистик материалларнинг тарқалишига *қарши курашиш* (11-модда), тақиқлар ва жазолар орқали чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 2018 йил 30 июлдаги (ЎРҚ-489-сон) қонуни шунингдек, терроризмнинг олдини

олишни (зўравонлик мафкуриси ва аҳолини кўрқитиш ва ноқонуний зўравонлик билан боғлиқ ҳокимият томонидан қарор қабул қилишга мажбурий таъсир кўрсатиш амалиёти сифатида) ва терроризмга қарши курашни назарда тутати. “Профилактика” (қонунда олдини олиш билан белгиланади) террористик ҳаракатларни содир этишга ёрдам берадиган сабаблар ва шартларни аниқлаш ва кейинчалик йўқ қилишни назарда тутати; “*қарши кураш*” террористик ҳаракатни аниқлаш, олдини олиш, бостириш, ошкор қилиш ва тергов қилишни англатади (2-боб). Иккинчи ҳолда, хусусан, терроризмга қарши операцияни ўтказишда Терроризмга қарши курашни амалга оширишда махсус давлат органларидан фойдаланиши кўзда тутилган (8-модда).

Криминологик хавфсизлик тушунчаси жиноий таҳдидга қарши, содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарлик ва жазони амалга ошириш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва бостиришни таъминлайдиган тезкор-қидирув, маъмурий-ҳуқуқий, интизомий ва бошқа воситалардан фойдаланмасдан юмшоқ чораларнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир [7]” эканлиги қафолатланган.

Кўриб турганимиздек, концепция назарий хавфсизлик моделининг иккита асосий элементини ўзига хос сифатлари: *криминологик хавфсизлик тизимининг ишончлилиги* ва *ҳимоя қилиш объектининг ҳимояланганлиги* хусусияти билан белгилайди. Унда тизимни криминологик деб тарифлаш асосий рол ўйнайди. Шунинг учун биз ушбу учта элемент - объект, субъект ва криминал хавфсизлик чораларини таҳлил қиламиз.

Ушбу элементлар уларининг мувофиқлаштирилган ва мақсадга мувофиқ ишлашида криминологик хавфсизликни таъминлаш тизимини ифодалайди. Биз ушбу тизимни жиноятчиликка профилактик таъсир кўрсатадиган катта тизимнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқамиз. Профессор В.С. Устинов бунини “жиноятчиликни барқарорлаштириш, камайтириш ва йўқ қилиш мақсадида уларнинг олдини олиш, йўқ қилиш, камайтириш ёки зарарсизлантиришга қаратилган жиноятларнинг мавжудлиги ва фаолиятини белгиловчи салбий омиллар мажмуига тизим субъектларининг профилактик таъсири” [8] деб таърифлаган.

Жиноятларни аниқловчи омиллар профилактика ҳаракатининг объекти бўлиб, жиноятни камайтириш ва чекланишига олиб келадиган уларнинг сифат ва миқдор ўзгаришлари бундай ҳаракатнинг мақсадлари сифатида белгиланади.

Криминологик хавфсизликни таъминлаш тизимининг объекти бу инсон “муайян ҳуқуқ ва эркинликларнинг ташувчиси сифатида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти уларни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган” [9], бизнинг контекстимизда - криминологик хавфсизликни таъминлаш тизими сифатида белгиланади. Шунингдек, биз хавфсизлик даражаси сезиларли даражада боғлиқ бўлган объект ва унинг атрофини ҳам қамраб оламиз. Хавфсизликни ёки бошқарув таъсирини мақсади шахснинг хавфсизлиги ҳолатини, унинг

жабрланувчи бўлишига, жиноий фаолиятга жалб қилинишига нисбатан барқарорлигини таъминлашдир. Қандай парадоксал (ғалати) кўринмасин, шахс ўз хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос воситаси - ўзини ҳимоя қилиш орқали ишлайди.

Қандай бўлмасин, вояга етмаган шахс криминологик хавфсизлик тизимининг объекти ёки бошқарув (профилактика) таъсирининг ўзига хос тури ҳисобланади. Шу муносабат билан, бошқарув субъекти учун унинг асосий таъсир объекти - вояга етмаган шахснинг табиати ва характерини билиш муҳимдир. “Асосий” таърифидан фойдаланиб, биз ушбу объект билан бир қаторда атроф - муҳитнинг ҳолати боғлиқ бўлган иккиламчи объектлар-жисмоний, юридик шахслар, турли хил ижтимоий тузилмалар мавжудлигини аниқ кўрсатамиз, уларсиз вояга етмаган, қоида тариқасида, уларни жиноятчиликдан ҳимоя қилишга ишонч ҳосил қила олмайди.

Масалан, 2005 йил 13 майдаги Андижон воқеаларидаги бир қатор террорчилик ҳаракатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига суиқасд қилиши (расмий маълумотларда, ўша куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 31 нафар вакили ўлдирилгани айтилади) жиноят қурбонлари жабрланувчи касбига эга эканлигини кўрсатади (профессионал-жабрланувчи тури).

Шахснинг қурбонлигининг кучайиши бир қатор ижтимоий-демографик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, масалан, вояга етмаганнинг ёш хусусиятлари ёки жабрланувчини шакллантирувчи фазилатлари: қизиқувчанлик, саргузаштга чанқоқлик, ишончлилик, таклифчанлик, унинг шароитларга мослаша олмаслиги, мажбур бўлиш, муайян ҳаётий вазиятларда қобилиятининг етишмаслиги ва ҳоказо. Шу билан бирга, профессор Д. В. Ривман томонидан келтирилган бу фазилатлар ҳам шахсни криминаллаштиришга ҳисса қўшиши мумкин. Масалан, вояга етмаган шахснинг қурбонлигининг кучайиши унинг руҳиятига катталарнинг салбий таъсири остида содир бўлиши мумкин, лекин шу билан бирга, вояга етмаган шахс нафақат ноқонуний таъсирнинг қурбони бўлиши, балки жиноят содир этишга қарор қилиши ҳам мумкин [10].

Хавфсизлик тизимининг объекти жиноий таҳдид билан чамбарчас боғлиқ, яъни, вояга етмаганларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва эркинликларга, қонуний манфаатларига жиноий тажовуз қилиш хавфи.

Ушбу муносабатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 5-бобида “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар”да белгиланган. Аммо бу ушбу кодексининг “Шахсга қарши жиноятлар” биринчи бўлимида назарда тутилган жиноятларнинг аксарияти кўриб чиқиладиган криминологик ҳимоя объектига тааллуқли эмаслигини аниқламайди.

Бироқ, хавфсизлик тизимининг объекти инсон - у ҳуқуқ ва эркинликларнинг ташувчиси. Аммо кўпинча бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ташувчиси бир вақтнинг ўзида жиноий таҳдиднинг ташувчиси бўлиб чиқади, бу ҳолда *ички таҳдид* вазифасини бажаради, уни ўз-ўзига таҳдид деб аташ

мумкин. Аммо юқорида таҳдид ва уни келтириб чиқарадиган омиллар ўртасидаги ажралмас боғлиқлик тўғрисида айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда ва ўзини жиноятга мойил бўлиш хавфига дучор қилган шахснинг алоҳида позициясини, унинг (криминоген) жиноят содир қилишга мойиллиги ва (виктимлик) жиноятдан жабирланиш омиллар жинойий характердаги ички таҳдидлар сифатида кўриб чиқилиши керак.

Жинойий ўз-ўзига таҳдиднинг бирон бир ички (шахсий) омили ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Акс ҳолда, биз шахснинг маълум бир жинойий потенциалнинг табиий келиб чиқиши ҳақида гапиришимиз керак эди (бу, биринчи навбатда, баҳолашнинг ҳуқуқий мезонларидан келиб чиққан ҳолда тан олинishi ёки тан олинмаслиги мумкин).

Бирок, хавфсизлик тизимининг субъекти учун вазифа унинг ташувчисини белгиловчи жинойий таҳдидни келтириб чиқарадиган омилларга таъсир қилиш бўйича профилактика чораларини кўрмасликдир. Ушбу маълумот криминологик профилактика учун муҳимдир. Криминал хавфсизликни таъминлаш тизими субъектининг ҳаракатлари таҳдидга зудлик билан ҳимоя реакциясини, яъни хавфсизлик чораларини қўллашдан иборат бўлиши керак.

Аммо бунда биз қандайдир меҳнат тақсмотини ёки криминал профилактика чоралари ва криминал хавфсизлик чораларини табақалаштирилган ҳолда қўллашни назарда тутмаяпмиз. Аксинча, биз ушбу ва бошқа чора-тадбирлардан фойдаланиш, уларнинг имкониятлари ва бир-бирини тўлдиришни ҳисобга олган ҳолда комплекс ёндашишимиз керак.

Масалан, проф. Г.Силласте, “бир томондан бола ўзининг тажовузкорлиги ва зўравонлиги, иккинчи томондан, болага нисбатан зўравонлик оила ичидаги муносабатлар ҳолати билан узвий боғлиқ бўлиб, жамиятда зўравонлик даражасини акс эттиради” [11]. Шубҳасиз, бундай вазиятда, биринчи навбатда, болаларни оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилишни таъминлаш учун оналарнинг ўзбошимчаликларида давлатнинг зудлик билан муносабати талаб этилади; иккинчидан, оилаларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бериш, чунки “оилада зўравонлик намоён бўлишининг муҳим қисми оиланинг ҳал этилмаган муаммолари билан боғлиқ”; учинчидан, бундай оилалар билан профилактика ишларини олиб бориш жуда муҳимдир.

Проф. А.И. Алексеев, С.И. Герасимов, А.Я. Сухарев криминологик профилактика чораларини қуйидаги асосларга кўра таснифлайди: *даража* (умумий ижтимоий, махсус криминологик чоралар); *миқёси* (умумдавлат, минтақавий, шаҳар, туман); *мазмуни* (сиёсий, ижтимоий, ташкилий-бошқарув, мафкуравий (маданий-маърифий), ижтимоий-психологик, ҳуқуқий ва бошқалар); *қўллаш босқичлари* (эрта профилактика чоралари, рецидивликнинг олдини олиш чоралари); *ташкилий шакл* (ишора чораси ва ҳаракат чоралари); *радикаллик даражаси* (олдини олиш, зарарсизлантириш, йўқ қилиш); *ҳуқуқий хусусиятлар* (қонун устуворлигига асосланган, ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш); *йўналиши* (криминоген омилларга қаратилган чора-тадбирлар ва виктимоген омилларга қаратилган чора-тадбирлар).

Профессорлар А.И. Алексеев, С.И. Герасимов, А.Я. Сухаревлар томонидан олиб борилган криминологик профилактика тадбирларининг таснифига қуйидаги сабабларга кўра мурожаат қилишингиз мумкин: *даражаси* (умумий ижтимоий, махсус криминологик чоралар); *миқёси* (миллий, минтақавий, тармоқ, шаҳар); *мазмуни* (сиёсий, ижтимоий, ташкилий ва бошқарув, маданий-маърифий, ижтимоий-психологик, ҳуқуқий ва бошқалар); қўллаш босқичлари (эрта профилактика чоралари, рецидивликнинг олдини олиш чоралари); *ташкилий шакли* (хабар бериш, чора-тадбирлар, ҳаракатлар); *радикаллик даражаси* (танбеҳбериш, зарарсизлантириш, йўқ қилиш); *ҳуқуқий хусусиятлар* (қонун нормалари, соҳага хос ҳуқуқий нормалар асосида); йўналиш (криминоген омилларга йўналтирилган чора-тадбирлар ва виктимоген омилларга йўналтирилган чора-тадбирлар) [12].

Криминология фанида профессор Н.В. Щедринанинг фундаментал тадқиқоти жиноятчиликнинг олдини олиш воситаси сифатида хавфсизлик чораларига бағишланган. Олимнинг фикрига кўра, жиноятчиликнинг олдини олиш назарияси институти сифатида хавфсизлик чораларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаслиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бунга индамай қараб турмаслик лозим. Биринчидан, ижтимоий тараққиёт шароитида жиноий таҳдид манбалари ва уларни келтириб чиқарадиган омиллар сезиларли даражада ўзгариб бормоқда, аммо бугунги кунда янгиланаётган жиноятчиликнинг олдини олиш тизими ҳали ҳам фуқароларни ишончли ҳимоя қилишга қодир эмас. Иккинчидан, хавфсизлик (криминологик хавфсизликни таъминлаш ва унинг айрим турлари, масалан, вояга етмаганлар хавфсизлиги) чораларини қўллашда касбий маҳоратнинг, илмий асосланган усулларнинг етишмаслиги тескари таъсирга олиб келади: ишончли ҳимояланиш ўрнига фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзлари томонидан бузилади [13].

Криминологик хавфсизлик тушунчаси ва моҳияти бўйича юқоридаги қоидаларни умумлаштириб, хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлаймиз.

Жиноятчиликнинг хавfli тенденция(тараққиёт йўналиши; бирор нарсага қизиқиш, мойиллик, интилиш)лари кескинлашган бугунги мураккаб криминологик вазиятда атроф-муҳитнинг салбий, шу жумладан жиноий-криминоген таъсирига кўпроқ дучор бўлган шахс, айниқса вояга етмаган шахс асосан жиноий таҳдиддан ҳимоясиз қолмоқда. Бир томондан, бу таҳдид жиноятчининг ниятларида, бошқа томондан, ўзларининг ижтимоий ва физиологик етуклиги ва турли васвасаларга нисбатан заифлиги туфайли кўпинча вазиятни баҳолай олмайдиган вояга етмаганнинг ўзида ётади, улар осонгина жиноий ишларга жалб қилиниши, жиноят содир этишлари ёки жиноят қурбони бўлиши мумкин. Вояга етмаганларни жиноий таҳдидлардан ҳимоя қилишни таъминлаш вазифасини криминологик ҳимоя объектининг асосий элементи сифатида вояга етмаганнинг шахсияти тўғрисида зарур илмий билимларсиз ҳал қилиб бўлмайди. Бу вазифа, айниқса, ижтимоий-демографик жараёнлар сезиларли хусусиятлар билан ажралиб турадиган Республикамиз учун долзарбдир.

Криминологик хавфсизликни таъминлаш субъектлари, биринчи навбатда,

махсус криминологик профилактика субъектлари, асосан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳам тегишли ўзига хосликка эга бўлиши керак. Айнан уларнинг қутилаётган жинойт таҳдидни олдиндан билиши ва вояга етмаганларнинг криминологик хавфсизлигини таъминлаш чораларини ёки криминологик хавфсизлик чораларини ўз вақтида кўриши уларнинг касбий маҳоратига боғлиқ [14].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2021 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” (ПФ-6196-сон) Фармони.
3. Коленникова О.А. Рыночные реформы и ослабление безопасности населения // Россия: 10 лет реформ. Социально-демографическая ситуация. - Москва: РИЦ ИСЭПН, 2002. - С. 272 - 281.
4. Клейменов М. П. Прогнозирование криминологической безопасности // Закономерности преступности, стратегия борьбы и закон / Под ред. А. И. Долговой. — М., 2001. - С.42.
5. Горшенков Г.Г. Личность перед опасностью криминальной угрозы: Монография. — Нижний Новгород, 2006. - С. 60.
6. Горшенков Г.Н. Криминологический словарь. — 2004. — С. 54.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992. 45-моддаси.
8. Устинов В.С. Система предупредительного воздействия на преступность и уголовно-правовая профилактика: Академия МВД СССР. — М., 1983. - С. 16.
9. Человек и правоохранительная деятельность / Х.С. Гуцериев, В.П. Сальников, С.В. Степашин и др. — СПб.: Фонд «Университет», 2000. - 320 с.
10. Ривман Д.В. Криминальная виктимология. - СПб.: Питер, 2002. - 304с.
11. Силласте Г. Г. Угрозы безопасности детства в России начала XXI века (социологический анализу/Информационный сборник «Безопасность». № 12, 2001.- С. 50- 62
12. Алексеев А.И. Криминологическая профилактика в системе социально-правового контроля над преступностью // Алексеев А.И., С.И. Герасимов, А.Я. Сухарев Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы: Монография. - М.: Издательство НОРМА, 2001. - С. 1 - 142.
13. Щедрин Н.В. Введение в правовую теорию мер безопасности: Монография. - Красноярск: Красноярск, гос. ун-т, 1999. — 180 с.
14. Воронцова О.В. Криминологическая безопасность несовершеннолетних: Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Ставрополь, 2008 г.

ИСЛОМБЕКОВ Бехзодбек Исломбекович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси*

МЕТРОПОЛИТЕНДА ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Мақолада метрополитенда содир этиладиган жиноятларга қарши кураш усуллари, унда замонавий воситалардан фойдаланиш масалалари илгари сурилган.

Таянч сўзлар: жиноят, метрополитен, замонавий электрон тизим, кузатув воситалари, куч ва воситалар.

НЕКОТОРЫЕ СУЖДЕНИЯ О БОРЬБЕ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ В МЕТРОПОЛИТЕНЕ

Аннотация: В статье рассмотрены методы борьбы с преступлениями, совершаемые в метрополитене, а также вопросы использования современных средств в данной сфере.

Ключевые слова: преступления, метрополитен, современная электронная система, средства наблюдения, силы и средства.

SOME THOUGHTS ABOUT COMBATING CRIMES IN THE METROPOLITAN

Annotation: The article discusses methods of combating crimes committed in the metro, as well as issues of using modern means in this area.

Keywords: crimes, metro, modern electronic system, surveillance equipment, forces and means.

Дунёдаги биринчи ерости темир йўли 1863 йили Лондонда курилган ва у 6 км узунликни ташкил этган. 1867 йили метро Манхеттендан Бруклинга олиб келинган бўлса, 1880 йилда Глазгода, 1900 йилда эса Парижда ишга тушган. 1900 йилга келиб Чикагода, 1907 йилда Филадельфияда метро йўлга қўйилди. Афсуски, метро аҳолига улкан қулайлик яратган бўлса-да, жаҳоннинг йирик давлатлари, масалан, Россия, Англия, Франция, Япония, Америка ва бошқа мамлакатлар пойтахти метрополитенларида 1977-2017 йиллар оралиғида, яъни 30 йил давомида жами 33 та террорчилик акти содир этилган бўлиб, унда 465 нафар шахс қурбон бўлган, 8530 нафар шахс яраланган [3;7].

XXI аср инсоният тарихида терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик жиноятларнинг кучайиши билан янада хавфли тус олди. Бундай жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг пайини қирқиш ва уларга қарши ўз вақтида муросасиз кураш олиб бориш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини суръат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 март ПФ-6196-сон Фармони, “Ички ишлар

органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 2 апрель ПҚ-5050-сон, “Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 16 октябрь ПҚ-5260-сон қарорлари қабул қилинди. Ушбу Фармон ва қарорларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар органлари олдига бир қатор масъулиятли вазифалар қўйилди. Масалан, кейинги ПҚ-5260-сон қарорнинг 12-банди метрополитендан фойдаланишда бевосита хавфсизликни таъминлаш масалаларига бағишланган. Чунки Россиялик олим А.С.Игошкинанинг таъкидлашича, метрополитеннинг кундалик фаолиятини кузатганда, қуйидагича хулоса қилиш мумкин: уларнинг инфраструктураси қўпоровчилик акти учун қулайлиги; йўловчилар оқимининг кўплиги ва тор маконда портлаш чоғида одамларга юқори даражада зарар етказилиши; поездлар ҳаракатининг тезлиги; станцияга киришнинг эркинлиги; кириш чоғида қурол ва портловчи моддаларни аниқлаш мақсадида йўловчилар оқимининг зичлигидан уларни синчковлик билан бирма-бир текширишнинг иложи йўқлиги [2]. Яна мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2010 йилнинг 29 март куни Москва метросида бир қатор портлашлар содир этилди. Бу портлашлар метрополитеннинг “Лубянка”, “Парк культуры” бекатларида содир этилиб, террорчи бунда шаҳид белбоғидан фойдаланган.

Шундай фожиали ҳодисаларнинг ўз вақтида олдини олиш, ҳуқуқбузарлар ва жиноятчиларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш мақсадида Москва шаҳрида метрополитен соҳасида бир қатор ислохотлар ўтказилди. Ижтимоий тармоқларда Москва шаҳрида яшаб, Ўзбекистонлик мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган малакали юрист, блогер Баҳром Исмоиловнинг маълумотиغا кўра, жорий 2023 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, Москва шаҳар метрополитенида шахсни аниқлайдиган энг замонавий электрон тизим ўрнатиб, ишга туширилган. Ушбу тизим метро бекатларига кираётган, унда юрган, платформада турган ва умуман, барча фуқароларнинг қиёфасини сканердан ўтказиб, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этиб жазодан яширинган фуқаролар, тақиққа тушган мигрантлар ва бошқа ҳуқуқбузарларни аниқлаб беради. Эътиборлиси шундаки, электрон тизим ахборот тизими маълумотлар банкига уланган бўлиб, ундан ҳеч қандай ҳуқуқбузар қочиб қутула олмайди. Улар орасида тақиққа тушган мигрант учраса полиция ходимлари унга мамлакатдан уч кун ичида чиқиб кетиш юзасидан талабнома ёзиб берадилар ёки аниқланган шахс жиноятчи бўлса, уни ушлаб, тегишли ички ишлар органларига расмийлаштирган ҳолда топширадилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да 16-мақсад сифатида “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” [1] белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан, Тошкент метрополитенида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг хусусияти, унинг сабаб ва шарт-шароитлар бўлиб хизмат қилаётган омиллар нималардан иборат, шунингдек уларнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш керак, деган ўринли савол туғилади. Метрополитенда жиноятларга қарши кураш, хусусан уларнинг содир этилишига қаратилган замонавий усулларни назарда тутувчи профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши долзарблиги ҳамда заруратини тақозо этадиган бир қатор ўзига хос омиллар мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан боғлиқдир.

Биринчидан, Тошкент метрополитени уч йўналиш ва ер усти метросидан иборат. Уларда жами 43 та бекат мавжуд. Метрополитен ёпиқ, муайян чекланган ҳудуд бўлганлигидан бунда кўпроқ содир этиладиган жиноятлар, асосан ўғрилик, безорилик, қисман (метронинг ўтиш йўлакларида) талончиликдан иборат. Бундай жиноятларнинг содир этилишига кўпинча, тиғиз вақтларда метро поездларидаги тиқилинч вазият, қолаверса, бунда айрим йўловчиларнинг ҳушёрликни йўқотиши, лоқайдлиги сабаб бўлмоқда.

Иккинчидан, метрополитен инфраструктура объектлари, яъни метро поездлари тўхтаб турадиган деполарга метрополитеннинг вентиляция тизимлари орқали кириш ва уларга зарар етказиш ҳоллари аниқланган. Бу ҳолат такрорланганидан кейин ҳуқуқбузарлар ушланган, уларга жарима солинган ва Россия фуқаролари бўлганлиги учун мамлакатдан чиқариб юборилган. Шундай ҳолнинг такрорланмаслиги учун тезкор тадбирлардан ташқари, профилактик тадбирларни ҳам амалга ошириш, бундай жойларга ҳам кузатув камералари ўрнатиш даркор.

Учинчидан, куннинг тиғиз вақтларида, масалан, эрталаб соат 7.00 дан 10.00 гача ва тушдан кейин соат 16.00 дан 20.00 гача метро станцияларида хизмат олиб борадиган ички ишлар органлари ходимлари куч ва воситаларини йўловчилар гавжум бекатларга тенг тақсимлаш лозим. Бунда станциядаги одамларни кузатиш, назорат қилиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда вазият бирмунча енгиллашади.

Тўртинчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, метрополитен ёпиқ ҳудуд бўлганлиги сабабли, юқори даражада хавф манбаи ҳисобланади ва фавқулотда р, шу жумладан жиноий хусусиятга эга бўлган вазиятла вужудга келмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Шу сабабли, хавфсизликни таъминлаш масъул бўлган тузилмалар ўзаро келишган ҳолда бу йўналишда белгиланган тартибда тегишли йўналишлар бўйича амалий ўқув-машқ машғулотлари ўтказишлари лозим.

Бешинчидан, метрополитен ҳудудида зарурат вужудга келган ҳолларда табел қуролини ишлатиш ғоят хавфли ва бу аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан, мазкур ҳудудда хизмат олиб борадиган ИИО сафдор ходимлари замонавий электрошокерлар билан қуроллантирилиши мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, ҳозирги кунда маълумотлар базасига кириб инсоннинг қиёфасидан унинг кимлигини бир зумда аниқлаб берадиган электрон тизим дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан Англия, Хитой, Япония, Россия ва бошқа ш.к. мамлакатларда мавжуд ва амалда кенг қўлланилшмоқда. Ўзбекистонда, хусусан, Тошкент метрополитенида ҳам мазкур қурилмаларни жорий қилиш зарурати ва эҳтиёжи юқори. Бундан қурилмалар содир этилиши эҳтимол тутилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга ниҳоятда катта ёрдам беради. Чунки, ҳаётда халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашдан ортиқ бебаҳо ҳеч нарса йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Адолат, 2022. – 152 б.
2. Игошкина А.С. Криминологические аспекты антитеррористической защищенности метрополитенов: дис.канд юрид наук. – Москва, 2009. 173 с.
3. Швецов А.В. Обеспечение безопасности и защиты метрополитенов от несанкционированного вмешательства и воздействий: автореф. дисс. на соискание ученой степени канд. Техн. наук. – Москва: Российский университет транспорта, 2018. – 24 б.

БУРАНОВА Разия

докторант Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

КРИМИНОЛОГИЧЕСКОЕ ПРОГНОЗИРОВАНИЕ – СРЕДСТВО БОРЬБЫ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ

На протяжении всего времени, когда человечество существовало, людям всегда было интересно узнать наперёд, что же произойдёт в будущем, какие ситуации их ждут. И стремясь к этой цели, они пробовали разные пути, одним из которых являются предсказания провидцев, мудрецов, жрецов, оракулов в древности, а в настоящее время это выражается в посещениях гадалок и экстрасенсов за ответами про их будущее.

В современных условиях прогнозы принимают беспрецедентные масштабы. Сознательно или подсознательно любой человек прогнозирует последствия своих действий, решений, формулирует суждение о будущем и представляет каким оно может быть. Формула поведения человека – «видеть, предвидеть, действовать» - относится к любой его деятельности[1].

Процесс прогнозирования предполагает не только высказывание о будущем, но ещё и систематическое исследование перспектив развития того или иного явления или процессов с помощью средств современной науки. Для этого на основе научного анализа необходимо заранее знать ту или иную реальность, изучить процессы ее возникновения и развития, чтобы предсказывать, какой вид или состояние она примет в будущем, по сравнению с

текущим состоянием. Поэтому главным условием прогнозирования является научность.

Прогноз выступает как модель будущего, построенного на материалах прошлого и настоящего, в виде некоего образца, который послужит человечеству для предотвращения негативных последствий собственных решений.

Разумеется, нельзя забывать, что прогнозы выявляют вероятностную картину ожидаемых событий. Но их ценность состоит в том, что они обладают необходимой достоверностью, которая обеспечивается выбором правильных методов прогнозирования и надёжной исходной первичной информацией.

Прогнозирование направлено непосредственно на удовлетворение повседневных практических потребностей. В условиях современности прогнозирование становится необходимой частью самых различных видов деятельности, вследствие чего занимает учёных практически всех отраслей жизни, то есть врачей, экономистов, политологов, социологов, философов, юристов и других.

Учитывая то, что прогнозы распространены в каждой сфере нашей жизни, мы можем продолжать этот список ещё очень долго, но исходя из вышеизложенного, можно заметить, что прогнозирование может осуществляться учёными различных сфер, для которых общей целью является достижение лучшего результата в развитии данных сфер и пресечение негативных последствий с помощью сделанных прогнозов.

Как было вышеуказано, прогнозирование также осуществляется учёными-юристами, которое имеет место в различных сферах права, таких как уголовная, уголовно-исполнительная, криминологическая, криминалистическая, оперативно-розыскная, трудовая и т.д.

Проблема предвидения будущего состояния того или иного объекта или явления была важна во все времена, в связи с этим криминологическое прогнозирование играет большую роль не только в будущем, но и в настоящем, а также обуславливает использование криминологических прогнозов и в прошлом.

Криминологическое прогнозирование обладает следующими признаками:

- носит научный характер;
- является разновидностью социального предвидения;
- представляет собой систематическую деятельность;
- осуществляется в целях получения необходимой информации для управления процесса борьбы с преступностью.

Неотъемлемыми составными частями криминологического прогноза являются описания прошлого и настоящего состояния объекта, в качестве которого выступает преступность. Анализ изменения преступности в этих временных параметрах позволяет установить ее общие закономерности и возможные тенденции, которые служат связующим звеном между описанием

настоящей и прошлой ситуаций и установлением возможных характеристик преступности в будущем.

Предмет криминологического прогнозирования включает в себя закономерности развития преступности, детерминанты преступности, личность преступника, динамика криминального поведения, криминологическая политика.

Согласно рассуждениям. Клейменова М. П. объектами криминологического прогнозирования являются:

- состояние и показатели преступности в определённый исторический период, её отдельных разновидностей (например, организованной преступности).
- тенденции, наиболее вероятные пути развития преступности и связанных с ней явлений.
- тенденции личности преступника, её социально-демографических, социально-ролевых и уголовно-правовых характеристик.
- виктимологические тенденции: появление и исчезновение новых категорий лиц, обладающих повышенной виктимностью, социальная характеристика жертв преступления.
- тенденции развития криминологической науки, выявление наиболее перспективных направлений исследования.
- преступное поведение отдельной личности (индивидуальное криминологическое прогнозирование)[2].

То есть к объектам криминологического прогнозирования относятся:

- преступность, её отдельные формы и виды,
- наиболее вероятные варианты развития криминологической ситуации,
- ожидаемый социальный образ наиболее опасного преступника,
- социальный портрет жертвы,
- индивидуальное преступное поведение,
- сама криминологическая наука.

Г. А. Аванесов отмечал, что основная задача криминологического прогноза «состоит в том, чтобы на основе выявленных тенденций и закономерностей будущего изменения преступности определить наиболее важные и эффективные пути борьбы с правонарушениями в прогнозируемом периоде» [3].

То есть деятельность по прогнозированию преступности направлена на решение следующих задач:

- а) установление общих показателей, характеризующих изменение преступности в перспективе;
- б) сбор информации, представляющей существенное значение для разработки комплексных планов;
- в) выработка тактики и стратегии противодействия преступности;

- г) выявление (устранение) причин и условий преступности;
- д) профилактическое воздействие на противоправное (асоциальное) поведение;
- е) выполнение криминологических исследований, направленных на профилактику преступности[4].

Одним словом можно сказать, что задача криминологического прогнозирования заключается не в предоставлении точных количественных и качественных показателей, а в выявлении тенденций и закономерностей возможного развития преступности, возможного поведения конкретных лиц или наступления иных процессов. Чтобы названные задачи могли быть выполнены, криминологический прогноз должен, во-первых, базироваться на достоверных знаниях; во-вторых, исключать предвзятость и предубежденность; в-третьих - правильно использовать конкретные научные методы (методики) прогнозирования[5].

Субъектами криминологического прогнозирования являются:

- правоохранительные органы, осуществляющие борьбу с преступностью;
- учреждения, занимающиеся изучением проверкой проблем преступности;
- специально организованные группы (учёные и практические сотрудники).

В настоящее время в зависимости выделяются три основных вида криминологического прогнозирования: прогнозирование развития науки криминологии, прогнозирование преступности и прогнозирование индивидуального преступного поведения. Прогнозирование развития науки криминологии включает прогнозирование криминологических исследований и определение перспективы развития конкретных направлений науки криминологии. Прогнозирование преступности и прогнозирование индивидуального преступного поведения различаются по целям и методам. Прогнозирование преступности состоит из прогнозирования (с определением конкретных показателей) ее состояния в целом и отдельных ее видов: первичной и рецидивной; преступности взрослых и несовершеннолетних; мужчин и женщин; отдельных групп преступлений; сельской и городской преступности; преступности в отдельных регионах и административно-территориальных образованиях, на различных объектах и в отраслях народного хозяйства и т.п. При прогнозировании преступности как явления в качестве цели выступает определение вероятности изменения тех или иных ее показателей в будущем, то целью прогнозирования индивидуального преступного поведения является определение вероятности совершения преступлений в будущем конкретными лицами. Предпосылками для постановки и решения задач такого прогнозирования являются характеристики

конкретных субъектов, научная типологическая группировка этих криминологически значимых характеристик, существующая связь между этими характеристиками личности преступника с фактом совершенного преступления. Основным различием является объект прогнозирования - преступность как социальное явление и преступное поведение отдельной личности. По этому критерию можно выделить два вида прогнозирования: общее и индивидуальное.

Общее прогнозирование может осуществляться на различных уровнях: на уровне преступности в целом, на уровне определенной категории преступности (рецидивной преступности, корыстной преступности и т.п.), на уровне отдельных видов преступлений. Эти три уровня прогнозирования нельзя рассматривать изолированно друг от друга. Они находятся в отношениях общего и особенного. При всей важности прогнозирования преступности в целом нельзя не учитывать развитие отдельных видов преступлений, и особенно тех из них, которые оказывают по своему характеру влияние на преступность как социальное явление. Самостоятельное значение имеет индивидуальное прогнозирование. Прогнозирование индивидуального преступного поведения в отличие от прогнозирования преступности вообще в настоящее время недостаточно разработано теоретически, но в свою очередь на прикладном уровне делаются попытки. Безусловно, сложная сущность человека, различные свойства его природы обуславливают трудность методологии познания и прогнозирования поведения, затрудняют практическое их осуществление, но не делают таковые невозможными.

В итоге следует согласиться с мнением А.И.Долговой, которая утверждает, что сейчас трудно представить эффективную организацию борьбы с преступностью без использования криминологических знаний. Они необходимы при управлении социальными процессами в законотворческой и правоприменительной деятельности[6]. По причине того, что результаты криминологического прогнозирования позволяют предоставить возможные варианты развития преступности в совокупности с оказывающими на него влияние факторами и выработать комплекс мер, направленных на минимизацию или полную нейтрализацию их воздействия, а эти действия немислимы без научно обоснованного криминологического прогнозирования.

Также важен тот факт, отмеченный Клунейко А.О. что с помощью прогнозирования можно выявить те криминогенные или антикриминогенные факторы, зарождающиеся уже сегодня, но ещё не замечены или им не придаётся необходимое значение, который позволяет своевременно отграничить влияние криминогенных и усилить воздействие антикриминогенных факторов[7]. Вследствие чего прогноз способствует решению многих задач по планированию борьбы с преступностью в будущем,

так как является основополагающим объектом планирования дальнейших мер предупреждения преступлений в будущем.

Использованная литература:

1. Вероятностное прогнозирование в деятельности человека. М., 1977, С.3
2. Клейменов М. П. Криминология: Учебник. М., 2020. С. 254 / <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1107496>
3. Аванесов Г. А. Теория и методология криминологического прогнозирования. М.: Юриди. лит., 1972. 334 с(с.37).
4. Шалагин А.Е., Шарапова А.Д. Криминологическое прогнозирование и планирование в деятельности органов внутренних дел//Вестник экономики, права и социологии, 2017, №2.С.127-130
5. https://studbooks.net/1084263/pravo/ponyatie_predmet_kriminologicheskogo_prognozirovaniya
6. Криминология: Учебник для юридических вузов / Под общ.ред. А.И.Долговой
7. Клунейко А.О. Криминологический прогноз и криминологическое прогнозирование: понятие и виды.

БОБОРАХИМОВ Абдор Бахрамович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ “СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛИЗМ, ГИЁҲВАНДЛИК ЁКИ ЗАҲАРВАНДЛИККА МУБТАЛО БЎЛГАН ШАХСЛАР”НИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШГА ЮБОРИШ ФАОЛИЯТИ

Аннотация: Мақолада мажбурий даволаш, наркологик ёрдам, наркологик касаллик, мажбурий даволашга юбориш тушунчаси ва унинг профилактикаси, касалликка мубтало бўлишнинг асосий сабаблари, унга имкон берувчи шарт-шароитлар ва олдини олиш усуллари, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вазибалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: гиёҳванд, ичкиликбоз, фуқаробай, маҳаллабай, профилактика, шахс, хавфсиз маҳалла, хавфсиз ҳудуд, ижтимоий омиллар, ижтимоий хавфли касалликлар.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ПО НАПРАВЛЕНИЮ НА ПРИНУДИТЕЛЬНОЕ ЛЕЧЕНИЕ "ЛИЦ, СТРАДАЮЩИХ ХРОНИЧЕСКИМ АЛКОГОЛИЗМОМ, НАРКОМАНИЕЙ ИЛИ ОТРАВЛЕНИЕМ"

Аннотация: в статье излагаются понятия принудительного лечения, наркологической помощи, наркологического заболевания, направления на

принудительное лечение и его профилактика, основные причины преувеличения значимости заболевания, условия и методы профилактики, позволяющие это сделать, пропаганда правосознания и культуры граждан, задачи государственных органов, общественные организации, органы самоуправления граждан.

Ключевые слова: наркоман, пьяница, гражданин, соседство, профилактика, личность, безопасное соседство, безопасная территория, социальные факторы, социально опасные заболевания.

ACTIVITIES OF PREVENTION INSPECTORS OF INTERNAL AFFAIRS BODIES IN REFERRING FOR COMPULSORY TREATMENT “PERSONS SUFFERING FROM CHRONIC ALCOHOLISM, DRUG ADDICTION OR POISONING”

Abstract: the article outlines the concepts of compulsory treatment, drug treatment, drug addiction, referral for compulsory treatment and its prevention, the main reasons for exaggerating the significance of the disease, conditions and methods of prevention that allow this to be done, propaganda of legal consciousness and culture of citizens, tasks of government bodies, public organizations, self-government bodies of citizens.

Key words: drug addict, drunkard, citizen, neighborhood, prevention, personality, safe neighborhood, safe territory, social factors, socially dangerous diseases.

Мамлакатимизни демократик янгиланишининг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устворлиги ва қонунийликни мустақкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолини ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.[1]. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий омилларидан бири бу жинойтчиликка қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 майдаги “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси ЖК ва МЖТКнинг алоҳида моддалари асосида профилактика инспекторлари бу каби иллатларни олдини олиш ва унга қарши кураш фаолияти тартибга солинади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги 2011 йил 5 октябрдаги Қонунининг қабул қилиниши фуқаролар ўртасида алкогольли ва тамаки маҳсулотларини истеъмол этилишининг тарғиб этилиши орқали сурункали ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш чораларини қўллашни ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни тартибга солади.

Умуман бу борадаги ишларнинг туб моҳияти фуқароларнинг соғлиғини, аввало, ёшлар ва вояга етмаганларни сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик каби иллатларнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг олиб бораётган эркин демократик давлат куриш йўлидаги ислоҳотлари биринчи навбатда жамият аъзоларининг тинчлигини таъминлаш, уларнинг эркин яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Шу мақсаддан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашини янги давр талаблари асосида шакллантириш ҳамда шахс маънавиятида юзага келадиган турли иллатларни юзага келтирмаслигини таъминлаш ҳам давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган.

Шунинг учун шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик каби иллатлар ҳозирги даврдаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки жамият тараққиётига салбий таъсир қилувчи бу иллатлар оқибатида кўплаб жиноятлар содир бўлмоқда, оилалар барбод бўлмоқда, болалар ногирон туғилмоқда.

Сурункали алкоголизм шахснинг ижтимоий хавfli хатти-ҳаракатлар содир этишига олиб келувчи асосий омиллардан бири. Айниқса, сурункали алкоголизм касаллиги оқибатида шахснинг маънавий қарашлари торайиб, ижтимоий фаоллиги сустлашади, шунингдек кўп ҳолларда тажовузкорлиги ортади. Оқибатда ушбу касалликка йўлиққан шахслар оиласида, меҳнат жамоасида ва жамиятда хавfli муҳитни яратадилар[2]. Алкоголизмнинг яна бир хавfli томони шундаки, алкоголизмга берилган шахс ўз хулқ-атворини назорат қила олмайди, бунинг оқибатида турли ҳуқуқбузарликлар содир этадилар.

Алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш фуқаролар, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдид солади. Уларни олдини олишга ва камайтиришга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлардан иборат профилактикани амалга ошириш лозим. Бунинг учун эса шахсларнинг сурункали алкоголизмга берилиш сабабларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Шахснинг сурункали алкоголизмга берилишининг сабаблари бўлиб *социал-психологик мотивлар* (анъаналар, бошқа шахсларнинг таъсирига тушиб қолиши), *шахсий мотивлар* (кайф қилиш учун, ёмон эмоционал ҳолат ва кечинмаларни йўқотиш учун, бекорчилик сабабли, ёки ўз руҳий ҳолатини яхшилаш мақсадида), *патологик мотивлар* (дори сифатида ичиш, организмнинг биологик эҳтиёжини қондириш учун, ҳаёт мазмунининг йўқлигини тушуниб қасддан ичиш) ҳисобланади.

Шахс спиртли ичимлик истеъмол этишнинг учта даражаси мавжуд бўлиб, яъни *енгил даражадаги мастлик*; *ўртача даражадаги мастлик* (бу даражада нерв фаолиятида тормозланиш вужудга келади ва у бузилади); *оғир даражадаги мастлик* (ушбу ҳолатда марказий вегетатив марказлар ишдан чиқади, фалаж бўлади) улар шахснинг хатти-ҳаракатларини белгилайди.

Алкоголизм каби шахсни ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракат содир этишига ундовчи салбий иллатлардан бири – бу гиёҳвандликдир.

Заҳарвандликка (токсокомания) келсак, бунда шахс ўткир хидга эга бўлган заҳарли моддаларни ҳидлаш орқали кайф қилиш мақсадида ўз ҳаракатларини амалга оширади. Заҳарвандликка чалинган шахслар организмнинг функцияси, заҳарванд моддалар (керосин, бензин, шунингдек бошқа турдаги ўткир хидли химикатлар)га мослашади ва уларга ўрганиб қолади. Шахсни заҳарвандликка мубтало бўлиш сабаблари ҳам алкоголизм ва гиёҳвандликнинг сабабларига ўхшаш бўлиб, қизиқиш, кайф қилиш ёки бирор салбий ҳолатни унутиш мақсадида қилинади. Заҳарвандликка дучор бўлган шахсларнинг 50 фоизини ацетон, 32,5 фоизини бензин, 7,5 фоизини турли бўёқ моддалари ва 10 фоизини бошқа хил кимёвий воситаларни истеъмол қилувчилар (ҳидловчилар) ташкил этади[3].

Заҳарвандликка «ружу қўйганлар орасида эркаклар 92,5 фоизни ташкил этади ва уларнинг 87,3 фоизи шаҳарларда истиқомат қилувчи шахслар ҳиссасига тўғри келади. Ижтимоий келиб чиқишига кўра «токсокоманияга берилган шахсларнинг 75,0 фоизини ёш ўқувчилар, 15,0 фоизини ёш ишчилар, ва 10,0 фоизини ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиганлар ташкил этади»[4].

Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик каби иллатлар кўплаб салбий оқибатлар келтириб чиқаради, шахс ушбу моддаларни истеъмол қилиши таъсирида турли жиноятлар содир этиши мумкин, сабаби уларнинг таъсирига тушган ҳар қандай шахс ўзининг бошқарувини йўқотади. Шунингдек, бу моддаларни истеъмол қилувчилар кўпинча уларни сотиб оладилар, бунинг учун эса маблағ керак бўлади, бунинг натижасида эса ўзганинг мулки талон-торож қилиниши, ўғрилиқ, босқинчилик каби жиноятлар содир этилишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қонунчилигида мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи моддалар таъсири остида жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири ҳисобланиб, айбдорга нисбатан оғирроқ жазо тайинланишга асос бўлади. Бундан ташқари, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга суд томонидан жазо тайинлаш пайтида уларни жазони ўташ жойида, озод этилганларидан сўнг даволашни давом эттириш зарурати бўлганда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади[5].

Шу нуқтаи назардан ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик, алкоголизм, заҳарвандлик иллатларига қарши профилактик кураш олиб бориш ва уларнинг олдини олиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, профилактика инспекторлари сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликни олдини олиш ва унга қарши курашда, *биринчидан* ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштирилган усул ва шаклларни қўллашлари лозим бўлса, *иккинчидан*, жиноят қидируви, тергов хизматлари, жазони ижро этиш муассасалари, махсус тиббий муассасалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйишлари мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 март кундаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли Қарори - <https://lex.uz/docs/3141186>

2. Ўзбекистон Республикаси ССВдан олинган 2020 йилдаги статистика ҳужжатларга асосан.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябр кундаги «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида» Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябр кундаги ПФ-27-сонли “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони - <https://lex.uz/docs/4124831>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 май кундаги “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи,

Мирзо Улугбек тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Бошқармаси Тергов бўлими катта суруштирувчиси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ КРИМИНОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Аннотация: мақолада ҳозирги замонавий шароитларда миграция муаммоси, миграция атамаси тушунчаси ва мазмун-моҳияти, қонуний ва

ноқонуний миграция тушунчалари, ноқонуний миграция ва унга қарши курашишни криминалогик муаммолари каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: миграция, қонқоний ва ноқонуний миграция, виза, давлат чегараси.

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ НЕЛЕГАЛЬНОЙ МИГРАЦИИ И БОРЬБЫ С НЕЙ

Аннотация: в статье рассматриваются такие вопросы, как проблема миграции в современных условиях, понятие и сущность термина миграция, понятия легальной и нелегальной миграции, криминалогические проблемы нелегальной миграции и борьбы с ней.

Ключевые слова: миграция, кровавая и нелегальная миграция, виза, государственная граница.

CRIMINOLOGICAL PROBLEMS OF ILLEGAL MIGRATION AND THE COMBAT WITH IT

Abstract: the article discusses such issues as the problem of migration in modern conditions, the concept and essence of the term migration, the concepts of legal and illegal migration, criminological problems of illegal migration and the fight against it.

Key words: migration, bloody and illegal migration, visa, state border.

Бугунги замонавий дунё барча соҳаларнинг глобаллашуви фонида ҳодисаларнинг юқори динамиклиги ва ўзаро боғлиқлиги билан ривожланмоқда ва натижада давлатларнинг ривожланиши, аҳолининг ҳаёти ва фаровонлик даражаси ўртасида фарқ ва қарама-қаршилиқлар юз бермоқда. Шу жиҳатдан бугунги кунда, жамиятда инсоний қадриятлар ва ривожланиш моделлари глобал рақобат предметиға айланди ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг янги чақириқ ва таҳдидлар олдида заиф эканлигини яққол намоён этмоқда.

Гарчанд бундай шароитда аҳоли миграциясининг назоратсизлиги ва муайян даражада тартибга солинмаслиги маҳаллий меҳнат ва турар жой бозоридаги рақобатнинг кучайишиға, этник ва субетник стереотиплар ва хулқ-атвор нормаларининг тўқнашувига, баъзи мигрантларнинг ижтимоий ва маданий муносабатларини маргиналланиши ҳамда мигрантлар криминаллашувининг кескинлашишиға олиб келади. Оқибатда ноқонуний миграция давлатларнинг миллий хавфсизлигиға хавф туғдирувчи таҳдидға айланиб бормоқда. Чунончи, ноқонуний ва назоратсиз миграция миллатчилик, сиёсий ва диний экстремизм, этник сепаратизмнинг кучайишиға имкон беради ҳамда турли хил низоларнинг келиб чиқишиға шароит яратади. Шу боисдан, ҳозирги замонавий шароитларда миграция жараёнларининг муқаррарлигини ҳисобға олган ҳолда Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнларға мамлакат хавфсизлиги, аҳолининг яшаш фаровонлигини ошириш, ноқонуний миграциянинг жиноятчилик даражасиға таъсири нуқтаи назаридан ушбу жараёнларни доимий

равишда баҳолаб бориши лозимлигини ва натижаларига кўра тегишли чоралар кўриб борилишини тақозо этади.

Бинобарин, бугунги кунда адабиётларда ноқонуний миграция тушунчаси турлича талқин қилинади ва бу борада ягона тўхтамга келинмаган. Масалан, ушбу муаммони ўрганган А.Н. Шкилев ноқонуний миграция тушунчасини қуйидагича таърифлайди: «Ноқонуний миграция деганда, аҳолининг жисмоний маконда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва миллий-демографик омиллар таъсирида халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормаларини ва мамлакатнинг миллий қонунчилиги талабларини бузган ҳолда ҳудудий кўчиши тушунилади» [20; С. 12]. Шунингдек, бу масалада, Э.Х. Кахбулаева шундай ёзади, яъни, ноқонуний миграция – бу амалдаги халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормаларини бузувчи миллий хавфсизлик ва бутун халқаро ҳамжамият манфаатларига таҳдид соладиган ижтимоий хавфли жадал ривожланаётган ҳодисадир [9; С. 14]. Аммо, назаримизда келтирилган ушбу таърифларда ноқонуний миграциянинг мазмуни тўлиқ очиб берилмаган, масалан уларда ноқонуний миграциянинг субъектларига оид масалаларга аниқлик киритилмаган ҳамда унинг объектив белгиларига оид жиҳатлари очиб берилмаган. Бизнингча, ноқонуний миграциянинг мазмунида халқаро ҳуқуқ нормалари талабларини бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам қамраб олиниши керак ҳамда унинг турлари мазмуни ҳам инобатга олиш лозим ва албатта ноқонуний миграцияни келтириб чиқарувчи асослардан бири сифатида фақат давлат чегарасини қонуний кесиб ўтиш билан боғлаб қўймаслик керак, сабаби мигрантнинг мамлакатга кириши мутлақо қонуний равишда амалга оширилиши мумкин (масалан, сайёҳлик визаси билан мамлакатга кириш), лекин кейинчалик мигрант томонидан мамлакатда бўлиш ёки амалга оширилган фаолият ноқонуний бўлиши мумкин (муддати ўтган виза, миграция қонунчилигини бузган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва бошқалар).

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ноқонуний миграция деганда, чет эл фуқароси ёки Ўзбекистонда доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, ундан чиқиши, бўлиши, транзит ўтиши ҳамда Ўзбекистон ҳудудида белгиланган тартибни бузган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга ошириши ёки унга жалб қилинишига қаратилган қилмишлар тушунилади. Демак, одатда ноқонуний миграциянинг субъектлари чет эл фуқаролари ва Ўзбекистонда доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлади. Ушбу тоифадаги шахсларнинг мамлакатга кириши, ундан чиқиши, бўлиши ёки транзит ўтиши давомида қонунчиликни бузган ҳолда жиноят содир этган ҳолатларда ҳам келиб чиқади. Бунда ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятлар сифатида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноятлар ҳамда ЖК 223-моддасида (Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш) назарда тутилган жиноятнинг содир этилиши билан боғлиқ ҳолатларни назарда тутиш мумкин. Гарчи,

мигрантлар томонидан содир этилган жиноятларнинг катта қисми оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига киради. Хусусан, мигрантлар томонидан ёлланма жиноятчилик, “биродарлик”асосида ташкил этилган жинсий гуруҳлар таркибида жиноят содир этиш, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар, шунингдек, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлари кўпроқ содир этилмоқда. Зеро, ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этиш усуллари турлитуман ҳисобланади. Чунончи, ноқонуний миграциянинг криминологик тавсифи учун асосан унинг қандай усулларда содир этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда қайд этиш муҳимки, мамлакатимизда криминоген вазиятнинг аҳволи ва жиноятчилик динамикасида ҳавотирли даражадаги ўсиш ҳолатлари яққол кузатилаётгани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири албатта Ўзбекистонда барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислохотлар ҳисобланади. Бироқ республикаимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларга қарамасдан, жиноятчиликнинг мамлакат ривожига ва ҳавфсизлигига таҳдид мавжуд эмас деб айтиш ноўрин, чунки ҳозирги кунга келиб жиноятларнинг янгидан янги турлари пайдо бўлмоқда. Шу сабабдан ҳам, бу борада Қ. Р. Абдурасулова ҳақли равишда таъкидлаганидек, «...жамиятда жиноятларнинг янгидан-янги турлари, уларнинг янгича кўринишлари пайдо бўлар экан, унга қарши кураш ва олдини олиш масалаларига янгича ёндошиш талаб этилади» [2; Б. 36]. Бундан жиноятлар қаторида юқорида таъкидлаганимиздек, ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилаётганлиги ҳисобланади.

Айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда турзмнинг ривожлантирилиши, мамлакат чегараларининг очиклиги, хусусан мамлакатга визасиз кирувчи чет эл давлатларининг кўпайтирилиши, айни пайтда Ўзбекистонга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари оқимининг ҳам ортишига олиб келди. Хусусан, 2022 йилда Ўзбекистонга 5,2 млн нафар чет эл фуқаролари ташриф буюрган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 3,4 млн нафарга ёки 3 бараварга ошган. 2023 йилнинг январь-июнь ойларида эса, Ўзбекистонга 3,1 млн нафар чет эл фуқаролари ташриф буюрган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 1,2 млн нафарга ёки 2,1 бараварга кўпайганлигини [17] кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасига 2021 йилда ташриф буюрган 2 273 788 нафар чет эл фуқароларининг 685 854 нафари миграция рўйхатига олинган. Уларнинг 10 441 нафарига (2020 йилда 8141 нафар) мамлакатда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун тегишли рухсатнома берилган, 133 нафари (2020 йилда 91 нафар) эса, мамлакатдан маъмурий тартибда чиқариб юборилган, шунингдек чет эл фуқароларининг 2 697 нафари (2020 йилда 1357 нафар), мамлакатга келиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка, 124 нафари (2020 йилда 101 нафар),

турли жинойй қилмишларни содир этганлиги учун жинойй жавобгарликка тортилган [18]. 2022 йилда эса, мамлакатимизда 278 нафар чет эл фуқаролари томонидан жинойятлар содир этилган бўлиб, бу 2021 йилнинг мос даври билан таққослаганда (219 нафар) 36 фоизга ошган [16]. Албатта мазкур ҳолат, авваломбор мамлакатга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари сонининг ошириши билан ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳолда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этиладиган жинойятларга қарши курашиш муаммоларининг муҳим йўналиши бўлиб, ўрганиб чиқиладиган жинойятнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишнинг устувор йўналишларини тўғри аниқлаш имконини берадиган ушбу жинойятларнинг криминалогик жиҳатларини ёритиб бериш ҳисобланади.

Шу жиҳатдан қараганда, юридик адабиётларда «ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сифатидаги, жинойтчиликнинг сон ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш жинойятларнинг олдини олишда муҳим долзарблик ташкил этиши ҳақида» [19; Б. 50; 10; Б. 66; 14; С. 196] алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шу боисдан, бугунги кунда ноқонуний миграция билан боғлиқ жинойятларнинг криминалогик тавсифига, бизнингча, республикамиздаги умумий жинойтчилик ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жинойятларнинг тенденциялари муҳим таъсир этади.

Хусусан, 2021–2022 йилларда қайд этилган жинойятлар улушида жинойтчиликнинг умумий динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, бу йилларда содир этилган жинойятларнинг умумий сони ҳам, шунингдек уларни содир этган шахслар сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда [15]. Бу эса, ўз навбатида, умумий жинойтчиликка қарши кураш чораларининг оптимал йўллари ишлаб чиқиш лозимлигини тақозо этади.

Жинойтчиликнинг умумий тизимида чет эл фуқаролари томонидан содир этилган жинойятларнинг 2021–2022 йиллар ва 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги динамикасида шу нарса аниқландики, ушбу тоифадаги жинойятлар 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 36 % га ўсиш даражаси қайд этилган [15]. Кўрсатиб ўтилган йилларда чет эл фуқаролари томонидан содир этилган жинойятларнинг ушбу тенденциясини вужудга келиши, биринчи навбатда, мигрантларнинг ноқонуний ҳолати, юқори криминоген фаолликни келтириб чиқариши, мигрантларнинг халқаро ва миллий қонунчиликка риоя қилиниши устидан давлат томонидан тегишли тизимли назоратнинг ўрнатилмаганли ва назоратнинг етарли даражада эмаслиги, мигрантларнинг маъмурий ва жинойй жавобгарликдан қочиш имкониятининг мавжудлиги, яъни коррупцион ҳолатлар ва миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликнинг мукамал эмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу турдаги жинойятларга етарли даражада эътибор бермаганликлари, фақат аниқланган жинойятлар бўлган тақдирдагина ушбу турдаги жинойятларни қайд этиш ҳолатлари ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш соҳасида олиб бориладиган ислоҳотлар жараёнида йўл қўйилган

камчиликлар сабабли ушбу турдаги жиноятни содир этиш ҳолатини фаоллаштирган.

Бу эса, шубҳасиз, келажакда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу турдаги жиноятларга эътиборни янада кучайтириши зарурлигини талаб этади. Бунга ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш самандорлигини оширишга хизмат қилувчи тадбирларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда тузиладиган ҳар йилги режа ва ҳисоботларга алоҳида банд сифатида киритиш йўли билан амалга ошириш зарур. Шунингдек, ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларни рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш керак. Бунда, иложи борича, умумий рўйхат тизимида мазкур жиноятнинг динамикасини акс эттиришнинг ягона тизимини алоҳида жадвалга асосан яратиш талаб этилади. Мазкур жадвал келажакда қайси ҳудудларда жиноятчиликка қарши кураш борасида фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўртасида қандай чоралар кўриш кераклигини кўрсатиб беради. Шу билан бирга, мазкур масала фуқароларнинг маънавий ва жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги билимларини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш лозимлигини ҳам кўрсатади.

Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши кураш йўналишларини тўғри белгилаш масалалари кўп жиҳатдан жиноятчи шахсининг умумий хусусиятларига боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам, О. Зокирова ҳақли равишда таъкидлаганидек, «жиноятчининг шахси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни билиш – яқка тартибда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига сабаб бўладиган омиллар ҳамда жиноят туфайли шахсга етказиладиган салбий таъсирни бартараф этиш учун муҳим» [7; Б. 32].

Жиноятчи шахсининг криминалогик тавсифи билан боғлиқ муаммолар ҳар доим криминалог олимларнинг диққат марказида бўлган. Зеро, «шахс, – деб ёзади ҳуқуқшунос олим И. Исмаилов, – билимларнинг ҳар қандай соҳаси учун энг мураккаб объект ҳисобланади, шу сабабли ҳам, мазкур муаммо баҳсли бўлиб, унга бир ёқлама ёндошиб бўлмайди» [8; Б. 45]. Криминалогия фанида жиноятчи шахс деганда, «шахс томонидан жиноят содир этилишига сабаб бўладиган ўзига хос ижтимоий-руҳий хусусиятларнинг мажмуи» [4; С. 126; 5; С. 68; 11; С. 625] тушунилади. Бинобарин, Қ.Р. Абдурасулова ва С. Ниёзоваларнинг ҳақли равишда таъкидлашларича, жиноятчи шахсининг криминалогик тавсифи – жиноятчи шахси ҳамда унинг ғайри-ижтимоий ҳуқуқ-атворига сабаб бўлган омиллар муаммосини ўрганишни назарда тутди [3; Б. 45-46].

Ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг ҳам криминалогик тавсифини тадқиқ қилишда шахсдаги криминалогик ўзига хос хусусиятларни ўрганиш ва ҳисобга олиш тақозо этилади, чунки жиноятчи шахсининг жиноятчи бўлмаган шахсдан фарқини аниқлашга имкон берувчи ҳолатлар ушбу усуллар ёрдамида аниқланади. Айни пайтда, таниқли олим Қ. Р. Абдурасулованинг тўғри таъкидлашича, «жиноятчи

шахс жинойтчи бўлмаган шахсдан ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси билан фарқ қилади» [2; Б. 215].

Криминологиядаги классик нуқтаи назарга асосланадиган бўлсак, жинойтчи шахснинг таркибий тузилишидаги қуйидаги жиҳатларни ажратиш мумкин:

1. Жинойтчи шахсининг ижтимоий-демографик тавсифи унинг ёши, маълумоти, оилавий аҳволи, касби, қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги ва бошқа кўрсаткичлардан иборат.

2. Шахснинг хизмат мавқеи (ижтимоий мавқеи) билан боғлиқ тавсифи шахс фаолиятининг асосий соҳалари (меҳнат, маиший турмуш, фуқаролар билан муносабат)да шахс бевосита ўзини реал намоён этадиган кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланадиган индивиднинг жамиятдаги ролини назарда тутади.

3. Маънавий-руҳий тавсиф шахснинг ижтимоий қадриятлар ҳамда жамиятда бажараётган вазифаларига муносабати, шунингдек унинг ақлий қобилияти, ҳис-туйғуларга берилиши, иродасини ўзида акс эттиради [7; Б. 33].

Тадқиқ этилаётган жинойтларни содир этган шахслар таркибининг ижтимоий-демографик таҳлили уларнинг аксарияти (82 %) эркаклар ҳиссасига тўғри келишини кўрсатади. Аксинча, мазкур жинойтларда аёлларнинг улуши атиги 18 фоизни ташкил этиб, тадқиқотимизнинг ушбу натижалари илғор криминолог олимларнинг тадқиқотлари билан ҳам яна бир бор тасдиқланмоқда [1; Б. 18] ва аёллар криминогенлик даражасининг унча юқори эмаслиги сабаблари уларнинг ижтимоий ҳолати ҳамда ўзига хос психофизиологик жиҳатлари билан шартланади. Чунки кўпчилик аёллар эркакларга нисбатан маиший-турмуш ишлари, бола тарбияси билан машғулдирлар, бу эса аёлнинг оила ва жамият олдида жавобгарлигини оширади. Аммо бу ҳолат аёллар жинойтчилигини эътиборсиз қолдириш кераклигини англамайди.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, профилактика олиб бориш контингенти бўлиб ҳали ҳам эркаклар ҳисобланадилар. Шунинг учун профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва олиб бориш айнан уларга қаратилган бўлиши лозим, бироқ сўнгги йилларда аёллар томонидан ушбу турдаги жинойтларнинг тез суръатда ўсиб боришини инобатга олган ҳолда, аёл жинсига мансуб бўлган шахсларга нисбатан ҳам ушбу туркумдаги жинойтларнинг махсус олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон организмнинг маълум ёшга эга бўлиш хусусиятлари шахснинг шаклланишига муҳим таъсир этади. Бир ёшдаги босқичдан бошқасига ўтишда инсон доимо ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқада бўлиб, ҳаётий тажрибага эга бўлади ва уни тўлдириб боради. Ҳар бир ёшдаги босқич ўзига хос физиологик, психологик ва энг муҳими, социологик хусусиятларга эга бўлади. Ушбу ҳолат тўлиқ ҳолда жинойтчи шахсга ҳам тегишлидир. Жинойтчи шахснинг биологик ва социологик ёшига тааллуқли хусусиятлар ва у томонидан содир этилган жинойтнинг тури ва хусусияти ўртасида объектив алоқа мавжуддир. Шахснинг ёшга оид хусусиятларини инобатга олиш ноқонуний миграция билан боғлиқ

жиноятларга қарши курашнинг турли босқичларида зарур бўлади. Чет эл фуқаролари билан боғлиқ жиноятларни содир этган жиноятчи шахснинг ёшга оид хусусиятлари мазкур жиноятни содир этиш мотив ва мақсадларининг шаклланишига, жиной ҳошиш-истакни амалга ошириш усулига таъсир этади. Бунинг барчаси инсоннинг хулқ-атвори билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ёшга доир криминологик параметрларни таҳлил қилиш муҳим қизиқиш ўйғотади.

Ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг руҳиятини тадқиқ этган олимлар уларнинг ёш даражасини бошқа сабабларга кўра шу каби жиноятларни содир этган шахслардан фарқловчи томони сифатида алоҳида ажратадилар [12; С. 71]. Ҳақиқатан ҳам, тадқиқ қилинаётган жиноятларнинг анча фоизи вояга етган ва катта ёшдагилар томонидан содир этилган бўлиб, мазкур турдаги жиноятларни содир этганларнинг 74,2 фоизини ёши 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. Чунончи, бу турдаги жиноятларни содир этишга мойиллик чўққиси 24–39 ёшдаги кишиларга тўғри келади, зеро шу ёшдаги шахсларнинг жиноят содир этиш кўрсаткичи энг юқори ҳисобланади. Бу эса, ушбу ёшдаги категория энг криминоген ёш эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги ёшга оид аниқланган кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, шундай хулосага келиш мумкинки, ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш олиб боришда режалаштирилаётган профилактик чора-тадбирлар кўрсатилган айнан энг криминоген ёш тоифасидаги шахсларга қаратилиши керак деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, жиной фаоллик даражаси бўйича кейинги ўринларни эгаллаган 40–49 ёшдагиларни ҳам эътибордан қолдирмаслик керак. Аниқланган шахслар қаторида вояга етмаган ёшлар томонидан мазкур жиноятларнинг содир этилиш кўрсаткичи унча ҳам сезиларли эмас. Бироқ ушбу ёшдаги шахслар томонидан содир этилаётган қилмишларни назардан четда қолдириб бўлмайди ва уларга тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Жиноятчи шахсининг криминологик таҳлилида ёшга оид тавсиф билан бир қаторда, унинг маълумот даражаси ҳам муҳим қизиқиш касб этади. Инсоннинг маълумот даражаси унинг талаб, эҳтиёж ва манфаатларини, маънавий-ахлоқий ва маданий кўринишларини шакллантиради. Шунингдек, маълумот даражаси шахсда ўзи содир этган ножўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлик, бошқалар олдидаги бурчни адо этиш ҳиссининг ўйғонишига, қонун ва бошқа шахсларга нисбатан ҳурмат муносабатида бўлишнинг шаклланишига таъсир қилади.

Маълумот инсоннинг ақли, иродавий сифатлари билан чамбарчас боғлиқликка эга бўлишини тан оладиган бўлсак, демак, юқори маълумот даражасига анча мустаҳкам ирода ҳам тўғри келиши керак. Ушбу ҳолатнинг умумий кузатувини амалга оширганда шунга амин бўлиш мумкинки, у ўзини аксиома сифатида намоён қилиши ҳам мумкин. Бироқ интеллектнинг

юқорилиги айрим ҳолларда нисбатан ғайриижтимоий хусусиятга эга бўлади, мустаҳкам ирода эса, жиний бўлиб қолиши мумкин.

Ноқонуий миграция билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг маълумоти ҳақида олинган қиёсий натижалар жиноят содир этган шахсларнинг маълумоти турли сабабларга кўра айнан шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларга қараганда анча юқори эканлигини кўрсатади. Биринчи тоифага кирувчи жиноятчи шахслар орасида ўрта, ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар кўрсаткичи анча юқори бўлса (85 %), бошланғич ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса кам (15 %)ни ташкил этади.

Ноқонуий миграция билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг маълумоти ҳамда унинг аҳоли сонига нисбатини ўрганиш энг юқори криминал фаоллик ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга шахслар улушига, аксинча, энг кам жиний фаоллик бошланғич ва олий маълумотли фуқаролар улушига тўғри келишини кўрсатади. Жиноят содир этгани учун жиний жавобгарликка лойиқ шахслар ўртасида, қоида тариқасида, кексалар ва бошланғич маълумотга эга шахслар бир-қатор руҳий-жисмоний хусусиятларига кўра жиноят содир этишга мойил эмас, дейиш мумкин. Олий маълумотли шахсларда маданият савияси анча юқори эканлиги боис, улар бошқаларга нисбатан ҳар қандай, ҳатто кескин, низоли вазиятлардан қонуий йўл билан чиқиб кетишга кўпроқ қодир бўладилар.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга шахсларга нисбатан доимий равишда яқка тартибдаги профилактика ишларни олиб бориш зарурлиги тўғрисида хулоса қилиш керак.

Ноқонуий миграция билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг ижтимоий мавқеига тегишли маълумотлар қуйидагича тавсифланади: уларнинг 7 % хусусий тадбиркорлар, 21 % миллатлараро уюшган гуруҳга бирлашганлар, 13 % ишчилар, 7 % раҳбарлар, 12 % хизматчилар, 2,2 % талабалар, қолган 58,8 % ни ишламайдиганлар ва ўқимайдиганлар ташкил этади. Кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган жиноятларни содир этганлар ичида хизматчиларнинг камлиги, аксинча, ишчилар салмоғининг кўплигини кузатиш мумкин. Шунингдек, жамият билан ижтимоий фойдали алоқаларга барҳам берган (ишламайдиганлар ва ўқимайдиганлар) шахсларнинг жиний фаоллиги юқори эканлигини қайд этиш мумкин. Шунинг учун бу турдаги жиноятларга қарши кураш чораларини белгилашда, аввало, ҳеч қаерда ишламайдиган шахсларга ва ишлайдиганлари орасида савдо соҳасидаги, ишчиларга, шунингдек уюшган миллатлараро жиноятчиликнинг мамлакатдаги криминоген вазият ҳолатига, шунингдек чет эл фуқаролари ва умуман фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги жиноят ҳолатига таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтказилган тадқиқот натижалари оилали ва ёлғиз яшовчиларнинг нисбати турлича эканлигидан далолат беради. О. В. Старков «жиноятчи шахснинг хулқ-атворида унинг оилавий аҳволи, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар, оилада унинг аъзолари ўртасидаги ахлоқий-маънавий

муҳит ҳам муҳим таъсир этади» [13; С. 326], деб ҳисоблайди. Шу боис, шахснинг оилавий аҳволи жиноятчи шахснинг ижтимоий-демографик тавсифлари орасида энг муҳим ўрин эгаллайди.

Тадқиқот натижаларига кўра, чет эл фуқаролари томонидан содир этилган жиноятларда оилалиларнинг улуши 18,5 %, бирга яшовчилар 3,1 %, ёлғиз яшовчилар 70,7 %, оила қуриб ажрашганлар 4,6 %, бевалар 3,1 % ни ташкил этди. Табиийки, мазкур кўрсаткичларда таҳлил қилинаётган жиноятларни содир этганлар ичида оилалилар, бирга яшовчилар ва оила қуриб ажрашганларнинг камлиги, аксинча, ёлғиз яшовчилар салмоғининг кўплигини кузатиш мумкин. Демак, ёлғиз яшовчиларнинг жиноий фаоллиги юқори ҳисобланади. Шу боис ҳам, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашда куч воситаларини тақсимлашда ёлғиз яшовчиларга эътибор бериш лозим.

Эмпирик тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ушбу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг 34,4 % ни муқаддам судланган шахслар ташкил этди. Шу сабабдан ҳам, З. С. Зарипов ва М. Кержнерлар ҳақли равишда, «Жиноятчи шахсини тавсифловчи муҳим белгилардан бири судланганлик ҳолатининг мавжудлигидир. Шахснинг олдин судланганлик ҳолати уни мустаҳкам ғайриижтимоий монеликка, юқори хавфга эга бўлишини тавсифлайди» [6; С. 65], деб таъкидлайди. Назаримизда, жиноятларнинг олдини олиш чорларини белгилашда мазкур жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Бу борада олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, чет эл фуқаролари томонидан содир этилган жиноятларда бир маротаба судланганлар 29,2 %, икки ва ундан ортиқ маротаба судланганлар 7,7 %, жами судланганлар 36,9 % ни ташкил этади. Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинаётган жиноятлар бўйича судланганлик ҳолатлари, уларнинг аввалги содир этган жиноятлари турли қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик белгиларининг қайд этилганлиги билан изоҳланди. Бундан чет эл фуқаролари билан боғлиқ жиноятларга эрта рецидив хос деган хулоса чиқариш мумкин.

Шу билан бирга, мазкур жиноятларни содир этган шахсларнинг ижтимоий ҳолатларини ўрганиб чиқиш, уларни жамиятда қандай машғулот тури билан шуғулланиши ва қайси ижтимоий табақада уларнинг сони кўпчиликини ташкил қилишини аниқлашга имкон беради. Бундай ҳолатларни аниқлашда олинган маълумотлар асосида ушбу турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва режалаштиришда фойдали бўлади.

Инсонлар хулқ-атвори жамиятда уларнинг тутган ўрни билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача айтганда, шахснинг жамиятда тутган ўрни муайян даражада унинг хулқ-атворида боғлиқ бўлади. Шахснинг ижтимоий ҳаётда ўзидан ўзи қониқиш ҳосил қилмаслиги, доимо ич-ичидан сиқилиб юриши, ўзига-ўзи берган баҳо билан бошқалар томонидан унга берилаётган баҳо ўртасида қарама-қаршилиқлар мавжудлиги сабабли шахс ижтимоий муҳитда ўзини йўқотиб қўйиши, бирон-бир ҳаракати учун доимо кўрқувда юриши,

юқори таъсирчанлик ёки хавотирли ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Бундай тасаввурлар маълум бир якунда эмоционал портлашга олиб келади, айрим ҳолатларда эса унинг намоёни бўлиб, жиноят содир этиш факти бўлиши мумкин. Шу боис, таъкидлаш жоизки, ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларни содир этаётган шахсларнинг жамиятда тутган ўрни уларнинг ғаразгўйлик, қўрқув, шахснинг ўзида мавжуд бўлган салбий хусусиятлар билан боғлиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Бундай ҳолатлар биз томондан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ҳам тасдиқланди. Жумладан, жиноят содир этган шахсларда қонунга хилоф равишда бойлик орттириш (ғаразгўйлик) 38 %, шахснинг ўзида мавжуд бўлган салбий хусусиятлар 35 %, мақсад аниқланмаган 26 %, бошқа мотивлар бўйича 2,8 % ни ташкил этди.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, олиб борган тадқиқотимиз натижаларига кўра, ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳолда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг асосий криминологик тавсифларининг инobatга олиниши, бундай турдаги жинoий ҳаракатларни содир этиши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш, уларга таъсир этишнинг оптимал йўллариини ишлаб чиқиш, мазкур жиноятларнинг содир этилишини шартлайдиган ташқи ҳолатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва очиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурасулова Қ. Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. – Т.: 2005.– Б. 18.
2. Абдурасулова Қ. Р. Криминология. // Маъсул муҳаррир ю.ф.д. профессор М. Х. Рустамбоев. – Т.: 2008. – Б. 36.
3. Абдурасулова Қ.Р. Ниёзова С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахс муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – Б. 45-46.
4. Афанасьева О. Р. Криминология: учебник и практикум для вузов / О. Р. Афанасьева, М. В. Гончарова, В. И. Шиян. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2023. – 356 с.
5. Варыгин А. Н. Основы криминологии и профилактики преступлений: учебное пособие для вузов / А. Н. Варыгин, В. Г. Громов, О. В. Шляпникова; под редакцией А. Н. Варыгина. – 2-е изд. – М.: Издательство Юрайт, 2023. – 165 с.
6. Зарипов З., Кержнер М. Профилактика правонарушений. – Т.: 1993. – С. 65.
7. Зокирова О. Рашк туфайли жиноят содир этган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – №2 (18). – Б. 33.
8. Исмаилов И. Уюшган ва коррупцион жиноятчиликни ўрганишнинг криминологик жиҳатлари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – №2. – Б. 45.

9. Кахбулаева Э.Х. Уголовно-правовые и криминологические аспекты организации незаконной миграции. Автореф. дис ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2011. – С. 14.

10. Криминология: Дарслик // З. С. Зарипов, А. С. Якубов, Г. А. Аванесов ва бошқ. – Т.: 2007. – Б. 66.

11. Криминология: учебник для вузов / О. С. Капинус [и др.]; под общей редакцией О. С. Капинус. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2023. – 1132 с.

12. Махарамов Р.А. Предупреждение преступности в России и в Узбекистане: Учебное пособие. – М.: 2003. – С. 71.

13. Старков О. В. Криминология. Теория и практика: учебник для вузов. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2021. – С. 326. (641 с.)

14. Телегина Е.Г., Назаренко Е.В. Криминологическая характеристика миграционной преступности и ее предупреждение // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. – 2020. – № 2. – С. 193-199.

15. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг 2021–2022 йиллардаги маълумотлари.

16. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бошқармасининг маълумотлари.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигининг расмий сайти // <https://stat.uz>

18. <https://e-cis.info/cooperation/3823/99649> (2021 йил учун Ўзбекистон Республикасида миграция ҳолати).

19. Усмоналиев М. Криминология. – Т.: 2001. – Б. 50;

20. Шкилев А.Н. Миграция: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2006. – С.12.

ABDURAHMONOVA Malikaxon Ergashxon qizi

Qo‘qon Davlat Pedagogika Instituti Tabiiy fanlar fakulteti biologiya ta‘lim yo‘nalishi 02/20-guruh talabasi, “Grand” va “Mega Ziyov” o‘quv markazlari repititor o‘qituvchisi

SHAXSNING SHAKLLANISH JARAYONIDA HARAKATLANTIRUVCHI KUCHLAR

Annotatsiya: Hozirgi shiddat bilan rivojlanayapkan davrda har bir shaxsning shakllanish jarayonida harakatlantiruvchi kuchlar muhim omil hisoblanadi. Har bir ota-ona farzandi shakllanayapkan vaqtda uning atrofidagi muhitni yaxshilashi, farzandi bo‘sh vaqtini kerakli ishlarga jalb etishi va harakatlantiruvchi kuchlarni to‘g‘rilashi uning kelajakda komil shaxs bo‘lishini ta‘minlaydi.

Shaxsning shakllanish jarayonida harakatlantiruvchi kuchlar hozirgi shiddat bilan rivojlanayotgan zamonda eng dolzarb muammolardan hisoblanadi. Chunki

aynan bolaning shakllanish jarayonida unga ta'sir etuvchi kuchlar shu bolani har xil yo'nalishda tarbiya etadi. Ya'ni shaxs shakllanishi, uning jamiyat va davlat oldida yetuk inson bo'lishi uning shakllanish jarayonidagi harakatlantiruvchi kuchlarga bog'liq.

Ilg'or pedagogik texnologiya "O'qituvchi - ta'lim - o'quvchi" tamoyiliga asoslanib unda o'quvchi subyektga, ya'ni ta'lim jarayonining faol ishtirokchisiga aylanib, uning izlanishiga, mushohada yuritishiga sharoit yaratib beriladi. Bunda o'quv dasturi va darslik shu jarayonning bevosita tashkilotchisi, o'qituvchi esa mazkur murakkab jarayonni mohirlik va idrok bilan boshqarishi kerak.

Umumiy o'rta ta'limning Davlat ta'lim standartlarida belgilangan talablarning barcha o'quvchilar tomonidan to'la-to'kis bajarilishiga, ta'lim samaradorligini oshirishga erishish uchun yangi pedagogik texnologiyalarni (qo'llash) izlash, yangiliklarni yaratish va amaliyotga joriy etish lozim. Bashariyat moddiy ne'matlarni ishlab chiqarish, tabiat, jamiyat va inson tafakkurida amal qiladigan qonuniyatlarni bilish, moddiy hamda ma'naviy olam haqidagi bilimlarni yoshlarga o'rgatish yo'li bilan rivojlanadi. Bu jarayonlarga yetarli ahamiyat bermaslik, ularning birontasini e'tibordan chetda qoldirish jamiyatni inqirozga olib keladi. Moddiy ne'matlarni ishlab chiqarish umuminsoniy tajriba bo'lib, u jamiyatning iqtisodiy negizini yaratishga yonalgan. Tabiat, jamiyat va tafakkur hodisalarini falsafa, tabiiy va ijtimoiy fanlar tadqiq etadi. Bu fanlar sohasida to'plagan bilimlar insoniyatning o'zi uchun xizmat qiladi. Ma'lumot mazmunida hozirgi zamon fani, texnikasi madaniyati, ishlab chiqarishi va fikrlashining umumiy asoslari aks etadi. Binobarin, ma'lumot mazmunida fan, texnika, madaniyat, ishlab chiqarish, tafakkurga oid yetakchi qarashlar, g'oyalar, nazariyalar, faktlar beriladi, qarashlar, g'oyalar, nazariyalar, faktlar o'rtasidagi bog'lanishlar ma'lumot logikasi sanaladi. Ma'lumot logikasini bolalarning tayyorgarligi, yosh xususiyatlariga moslab tanlash va ularga pedagogik ishlov berish masalalari bilan ma'lumot nazariyasi shug'ullanadi. Keyingi yillarda ma'lumot mazmuniga sistem yondashish moyilligi kuchayib bormoqda. M.N.Skatkin, V.V.Krayevskiy, I.Ya.Lerner kabi qator olimlarning, ilmiy tadqiqotlarida ma'lumot mazmunining quyidagi to'rtta elementdan iborat ekanligi isbotlandi:

- bilimlar tizimi. Bilim - tabiatda, jamiyatda, inson ongida amal qiladigan qonuniyatlarning turli belgilar (masalan, yozuv) vositasida moddiylashtirilgan ko'rinishidir. Bilimlar qarash, g'oya, ta'rif, qoida, aniqlik, aksioma, teorema, fakt va sh.k. shaklida beriladi;

- ko'nikma va malakalar - bilimlarni o'zlashtirish, o'zlashtirilgan bilimlarni turli o'quv sharoitlariga tatbiq etish yo'llari bilan shakllanadi. Malakaning quyi bosqichiga ko'nikma deyiladi.

Iqtidor masalasiga psixologik yondashilsa, iqtidor ijodiy faoliyat tajribasi bilan bog'liq bo'lib, an'anaga aylangan fikrlash va faoliyat chegarasidan tashqariga chiqish demakdir. O'quv va hayotiy muammolarni original usullar bilan hal etish, o'z oldiga vazifalar qo'ya bilish faoliyat ko'rsatishning yangicha usullarini egallash yo'llari bilan o'quvchilar ijodiy faoliyat tajribasini egallashadi;

Iqtidorli o'quvchi deganda: DTS talablariga javob beradigan, fanlarni o'zlashtirish darajasi yuqori bo'lgan, ta'limning tarbiyaviy, ta'limiy va rivojlantiruvchi maqsadlarini to'laqonli bajarishda, dars jarayoni chiroyli o'tishida o'qituvchiga eng yaqin ko'makchi bo'lgan o'quvchilar. Bunday o'quvchilarda idrok, tushunish, umumlashtirish va fikrlash qobiliyatlari yaxshi rivojlangan. Endi bu tushunchalarga alohida to'xtalamiz:

IDROK. O'rganilgan narsa-hodisa mohiyatining ongda aks etishi - inikosi idrok deb yuritiladi. U keng tushuncha bolib, sezgi a'zolari (ko'rish, eshitish kabi o'quvlar yordamida xis qilingan narsalar haqidagi bilimlar, tajribadan oldin o'tgan narsa-hodisalar tog'risidagi tasavvurlar, narsa-hodisalarni tanish va ajratishga oid tajribalarni ham o'ziga qamrab oladi. O'qituvchining vazifasi bolalarning o'quv materialini faol idrok etishini ta'minlash, turli motivlarni (havas, ishtiyoq, qiziqish) uyg'otish, imkoniyatiga qarab sezgi a'zolarining aksariyatini ta'limda qatnashtirishdan iborat.

TUSHUNISH. Idrokning rivojlangan yuqori shakli tushunish hisoblanadi. O'rganilayotgan narsa-hodisa tarkibini fahmlash, ular o'rtasidagi munosabat, aloqalarni tahlil etish, tushunchalarning asosiy va ikkilamchi belgilarini ajratish, o'quv materialining tarkibiy elementlari va ular o'rtasidagi bog'lanishlarni bilish, sababiyatli aloqalarni fahmlash yo'llari bilan idrok etilgan bilimlar tushuncha darajasiga ko'tarila boradi.

FIKRLASH. O'quv materiali xususiyatlari to'g'risida o'ylash, narsa-hodisalarni o'zaro taqqoslab, ularning xususiyatlarini ajratish, qo'yilgan topshiriq, muammolarni yechish yo'llari bilan bolalarning fikrlashi tashkil etiladi. Tushunilgan o'quv materiallari to'g'risida fikrlash o'zlashtirilgan bilimlarning yanada yuqori darajaga ko'tarilishini ta'minlaydi. Mustaqil ish, o'quv topshiriqlarini ta'limga tatbiq etish, muammo va savollarni ortaga tashlash fikrlash jarayonining samaradorligini oshiradi.

UMUMLASHTIRISH. O'zlashtirishning eng yuqori darajasi umumlashtirish bo'lib, u o'quv materialining asosiy xususiyatlarini ajratish va, aksincha bilimlarni bir tizimga solish, o'rganilgan bilimlarni yangi o'quv sharoitlariga tatbiq etish shakllarida amal qiladi. Umumlashtirishning ikki xil ko'rinishi mavjud: empirik umumlashtirish bunda o'rganilayotgan hodisaning xis qilingan xususiyatlari o'zaro taqqoslanadi, ikkilamchi belgilar hisobga olinmaydi, o'xshash belgilar umumiy xususiyat sifatida qabul qilinadi; tushuncha darajasida umumlashtirish - bunda o'rganilayotgan hodisaning umumiy xususiyatlari nazarda tutiladi. Mashq paytida yuqori darajada umumlashtirishni taqozo etadigan ish turlari, topshiriqlardan foydalaniladi. Empirik umumlashtirish har bir mashg'ulotda tushuncha darajasidagi umumlashtirish o'tilgan temalar yuzasidan xulosalar chiqarishda, o'quv predmetlarining bo'limlari, boblari bo'yicha qilingan ishlarni ma'lum tizimga solish maqsadida qo'llaniladi.

MUSTAHKAMLASH. O'zlashtirish jarayonining eng muhim tarkibiy qismi mustahkamlashdir. O'rganilgan ta'rif, qoidalarni qayta esga tushirish, o'quv materialiga oid qo'shimcha faktlarni to'plash va tahlil etish, yangi topshiriqlarni bajarish, mashq qilish, qo'yilgan savollarga yana takroriy javob qaytarish, o'quv materialini elementlari to'g'risida o'ylab bilim, faoliyat usullarini qayta eslash va faoliyat ko'rsatish yo'llari bilan bilimlar mustahkamlanadi. Mustahkamlashning fiziologik asosi ongda hosil qilinadigan mustahkam, takroriy bog'lanishlar bo'lib, ular bilimlarni amaliyotga to'g'ri tatbiq etish olish ko'nikmalarini shakllantiradi. Shunday qilib, tarbiya shaxsni muayyan yo'nalishda shakllantirish, kamol toptirish maqsadida turli odamlarning bir-biriga ta'sir ko'rsatadigan ijtimoiy munosabatidir. Bu jarayonda shaxsning rivojlanishini harakatlantiruvchi kuchlar, omillar hamda tarbiyalanuvchilarning yoshi, shaxsiy xususiyatlari e'tiborga olinadi. Tarbiya bir joyda tarbiyalanuvchilarga ta'sir ko'rsatadigan barcha zvenolar birlashib, ahillik bilan ishlashga erishiladi va har bir shaxs o'z-o'zini tarbiyalash qobiliyatiga ertaroq ega bo'ladi. Tarbiya aksariyat holatlarda keng ma'noda ishlatilib ta'lim, ma'lumot rivojlanish jarayonlariga kiradigan ishlarning mazmunini ham anglatadi. Ularning natijalarini o'zida aks ettiradi. Ta'lim - tarbiya jarayonini ilmiy asosda ijodiy tashkil etish shaxs barkamolligining asosidir. Kamol topib borayotgan yoshlarni ta'lim - ilm berish orqali tarbiyalash, ular ongiga insoniylikni, millatparvar va vatansevarlikni singdiradi. Ongli va vijdonan olib borilgan har qanday faoliyat bola shaxsiga ijobiy ta'sir etadi. Ta'lim va tarbiya jarayonining ilmiy asoslangan bo'lishi bolada ijtimoiy xarakterni shakllantirib, yaratuvchanlikning dastlabki kurtaklarini shakllantiradi.

Ilmga, hunarga munosabatning ijodiy mazmun olishi esa bola shaxsida yuksak onglilik va vijdoniy burchlilik uyg'otib, u xalq millat baxt - saodati yolida mehnat qilish uchun bolada ichki, ruhiy tayyorgarlikni paydo qiladi.

Boshlang'ich maktab yoshida ham bolaning shaxs sifatida to'la shakllanib ulgurgan davri bo'lib, uning barcha harakatlari taqlidchanlik doirasida bo'ladi. Boshlang'ich ta'lim - tarbiya jarayonida bu xislatlarni ijobiylashtirish uchun zargarona nozik, o'z vaqtida o'ta ilmiy yondashuv kerak. Aks holda, hali shakllanib ulgurmagan nihol dastlabki o'zining shaxsiy motivlari doirasida o'zi uchun ishlashga, o'z mehnatini qadrlab, o'zgalar mehnatiga e'tiborsizlik bilan qarashga ancha moyil boladi.

IMT - omillar kompleksida muhit omili alohida e'tiborni talab etadi. Oila, maktab, mahalla, ommaviy axborot vositalari (OAV) va hokazolar bolaning hayotiga bog'liq muhit asta-sekinlik bilan boshlang'ich sinf o'quvchisining ongida o'z ta'sirini shakllantira boradi.

Bularning hammasi bola uchun yangi narsadir. Muhit taqdim etayotgan bu narsa, hodisalarni mantiqan tahlil qilish va tanlash uchun o'quvchi tafakkuri kuchsizlik qiladi. O'z-o'zidan ma'lumki, bu hol bola shaxsidagi hali shakllanib ulgurmagan mustaqillikni, mehnatsevarlikni, tashabbuskorlikni, vatanparvarlik va halollik kabi xislatlarning rivojlanishini bo'g'ib qoyadi. O'quvchi faoliyatiga haddan

tashqari nazoratni kuchaytirish, ortiqcha qiynash, majburlash kabilar ham ta'lim jarayonida yaxshi natija beravermaydi, balki ruhiyatga o'ta salbiy ta'sir o'tkazadi.

Maqoladan kelib chiqib xulosa qiladigan bo'lsak shaxsning shakllanish jarayonida harakatlantiruvchi kuchlar juda ko'p. Bular: jamiyat, maktab, ota-ona va hokazo. Har bir ota-ona farzandi rivojlanayotgan vaqtida uning kelajagiga befarq bo'lmasdan, bu jarayonda farzandining komil inson bo'lishi uchun turlicha shart sharoitlar yaratmog'i darkor. Hozirgi kunda jamiyatimiz va davlatimizda komil inson shakllantirish uchun barcha shart-sharoitlar mavjud. Zero har bir farzand ota-onaning mehnatlari mevasidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1) Umimiy pedagogika (J.Tolipova)
- 2) Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi (D.Tojiboyeva, A.Yo'ldoshev)
- 3) Pedagog ilmiy jurnali (15.03.2021- yilgi nashr)
- 4) Pedagogika tarixi (R.Nurjanova 2012-yilgi nashr)
- 5) Kasbiy psixologiya (2020)

НУРИДУЛЛАЕВ Аслидин

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети Махсус ҳуқуқий
фанлар ва ҳарбий дипломатия кафедраси доценти, ю.ф.н., доцент*

КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Корхонани ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ЎЗР ФК 580-моддаси).

Бир йилдан ортиқ муддатга тузилган тақдирда рўйхатдан ўтказиладиган бошқа турдаги кўчмас мулк (бино ва иншоотлар, нотурар жой бинолари, ер участкалари)ни ижарага бериш шартномаларидан фарқли ўлароқ, корхонани ижарага бериш шартномаси қанча муддатга тузилишидан қатъий назар давлат рўйхатидан ўтказилади. Шунини таъкидлаш керакки, корхонани ижарага олувчига топшириш ва ижарага берувчига қайта топширишга тайёргарлик шу қадар кўп вақт ва маблағ талаб қиладики, ижара шартномасини бир йилдан кам муддатга тузиш ҳеч қандай амалий маъно касб этмайди. Фуқаролик кодексининг 580-моддаси қоидаларига мувофиқ, давлат рўйхатидан ўтказиш номуайан муддатга тузилган корхонани ижарага бериш шартномасига ҳам тааллуқлидир.

Корхонанинг фуқаролик муомаласида бўлишини соддалаштириш мақсадида В.В.Витрянский корхонани кўчмас мулк объекти сифатида тан олишни бекор қилишни ва натижада корхоналар билан боғлиқ ҳуқуқ ҳамда битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш заруриятидан озод қилишни тақлиф

қилади. В.В.Витрянскийнинг фикрича, “кредиторлар ва мулк айланмасининг бошқа иштирокчиларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг зарурий кафолати сифатида корхоналар билан тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий нашр қилишни жорий этиш билан таъминлаш мумкин”.¹

Бироқ, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, корхоналар билан боғлиқ битимларни амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга нашр этиш орқали эмас, балки корхона эгасининг ўзгаришини тегишли реестрда рўйхатдан ўтказиш орқали эришилади. Масалан, Францияда корхонани топшириш махсус ёзма далолатнома тузиш йўли билан амалга оширилади, кейинчалик у корхона жойлашган ҳудудаги судининг идорасида сақланадиган махсус тижорат реестрга киритилиши керак ва рўйхатдан ўтган далолатномадан кўчирма тегишли нашрларда эълон қилинади.² Германияда корхоналар бўйича тузилган битимларнинг ошкоралиги судлар томонидан юритиладиган савдо регистрда рўйхатга олиш, сўнгра расмий нашрларда эълон қилиш орқали таъминланади. Савдо реестрига киритилиши керак бўлган факт рўйхатдан ўтказилмаган ва эълон қилинмаган бўлса, ушбу факт кимнинг манфаати учун рўйхатга олинса у ўзининг ҳуқуқларини учинчи шахсга қарши қўя олмайди, фақат ушбу факт учинчи шахсга маълум бўлган ҳолатлар бундан мустасно.³

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида корхонани ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, корхона билан боғлиқ ҳуқуқлар ва битимларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ижобий томонларини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, давлат рўйхатидан ўтказиш корхона бўйича битим тузаётган тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолати даражасини оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бандига мувофиқ, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри – кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисида, шунингдек, ҳуқуқ эгалари ҳақидаги маълумотлардан иборат ягона ахборот маълумотлар базаси бўлиб ҳисобланади.⁴ Ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги қизиқиш

¹ Витрянский В.В. Предприятие как объект гражданских прав // эж-ЮРИСТ. 2003. №1.-С. 2.

² <http://oceanlaw.ru/wp-content/uploads/2018/02>

³ Германское право. Часть II. Торговое уложение и др. законы: Пер. с нем. / Серия «Современное зарубежное и международное частное право». - М.: Международный центр финансово-экономического развития, 1996. - С. 18-23.

⁴ <https://lex.uz/docs/4135063>

уйғотган ҳар қандай объект ҳақидаги ахборот ва маълумотларни исталган вақтда олиш имконини беради.

Иккинчидан, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига тегишли ёзувни киритишдан олдин, корхона фақат иқтисодий маънодаги мулкый комплекс ҳисобланади. Давлат рўйхатидан ўтказиш – бу корxonани фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида номоён бўладиган пайтдир. Ҳуқуқ рўйхатга олинган пайтга қадар корхона таркибига қайси мулк кирганлиги ва шунга мос равишда фуқаролик ҳуқуқининг қайси субъектлари ҳуқуқий муносабатларга киришганлиги номаълум бўлиб қолади. Фуқаролик ҳуқуқининг ягона объекти сифатида корxonанинг ўзига хос таркиби фақат давлат рўйхатидан ўтказилганда аниқланади. Бунгача корхона фуқаролик ҳуқуқининг объекти эмас, балки мураккаб мулкый мажмуа бўлади. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат корxonалар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Учинчидан, корxonанинг кўчмас мулкка тегишли бўлиши мулк мажмуасига нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан пайдо бўлишини аниқлатади. Корхона билан боғлиқ битим давлат рўйхатидан ўтмаган тақдирда, шахс қайси пайтдан корхона эгасига айланиши номаълум бўлиб қолади.

Тўртинчидан, амалдаги қоидалар корxonалар билан боғлиқ ҳуқуқ ва битимларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини иложи борида соддалаштирди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7¹-бандига мувофиқ, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулкка, 2020 йил 1 январдан бошлаб эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган кўчмас мулкка нисбатан нотариал ҳаракатлар асосида вужудга келадиган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат нотариус орқали тақдим этилган талабномага асосан ҳуқуқ эгасини ўзгартириш шаклида киритилади ва Реестрдан кўчирма берилади.¹ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корxonаси бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиб, битим иштирокчиларини ушбу жараёнга жалб қилмасдан корxonага ва унга киритилган кўчмас мулкка нисбатан рўйхатдан ўтган ҳуқуқлар тўғрисида маълумот алмашадилар. Шундай қилиб, корхона таркибига киритилган кўчмас мулк объектлари сонидан қатъи

¹ <https://lex.uz/docs/4135063#4379928>

назар тарафлар корхона бўйича тузилган битимни давлат рўйхатидан ўтказиш учун нотариусга мурожаат қилиш билан кифояланади.

Бундан ташқари, кўчмас мулк ҳуқуқий режимининг корхонага нисбатан тадбиқ этилмаслиги, корхона бўйича тузиладиган битимларни тартибга солишда қонун нормаларидаги номувофиқликни келтириб чиқаради. Масалан, бу биринчи навбатда шартномалар шаклига таъсир қилади. Демак, корхонани сотиш, ижарага бериш, ишончли бошқариш шартномалари тарафлар томонидан имзолаган ягона ҳужжат тузиш йўли билан ёзма шаклда тузилиши керак. Аммо, агар ушбу қоида қонун чиқарувчи томонидан корхонани сотиш ва ижарага бериш билан боғлиқ битимлар бўйича тегишли бандларда (ЎЗР ФК 490, 580-моддалари) тўғридан-тўғри белгиланган ҳамда корхона кўчмас мулк сифатида тан олинадиган бўлса, мазкур қоидалар тегишли тартибда корхона билан боғлиқ мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига нисбатан ҳам қўлланилади (ЎЗР ФК 854-моддаси 2-банди).

Вахоланки, корхонага нисбатан кўчмас мулкнинг ҳуқуқий режимини қўллашни рад этадиган бўлсак, мазкур объектга нисбатан Фуқаролик кодексининг 854-моддаси 1-қисмининг қоидалари қўлланилади, яъни шартнома тарафларига шартнома шакли бўйича қўшимча талаблар ўрнатилмайди ва у оддий ёзма шаклда тузилади. Шундай қилиб, корхонани мулкӣ мажмуа сифатида ишончли бошқарувга топшириш тўғрисидаги битим фуқаролик кодексининг 366-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳар қандай усулда тузилиши мумкин.

Ижара шартномаси консенсуал эканлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, учинчи шахслар нафақат корхонани ижарага бериш шартномасини тузишга оид маълумотларга, балки ижарага олинган мулк мажмуасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлган пайтга оид маълумотларга ҳам қизиқишади. Фикримизча, корхонанинг янги мулкдорга ўтиши ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак. Шундай қилиб, бу ерда гап давлат рўйхатидан ўтказишни битим тўғрисидаги маълумотни эълон қилиш билан алмаштириш ҳақида эмас, балки корхона билан тузилган битимни давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейинги босқич сифатида корхонага эгалик ҳуқуқини топшириш тўғрисидаги маълумотни эълон қилиш ҳақида кетмоқда. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-боби 18-бандига қуйидаги мазмунда учинчи хатбоши киритиш мақсадга мувофиқ: “кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланишини (юкланишини), бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилган

пайтдан бошлаб бу тўғрисидаги маълумотлар уч кун муддат ичида ҳуқуқ эгаси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим”.

ALIYEV Tilepbay
Qoraqalpoq davlat universiteti doktoranti

**OILA-TURMUSH MUNOSABATLARI DOIRASIDA SODIR ETILGAN
JINOYATLARDAN JABRLANISHNING SABABLARI VA ULARGA IMKON
BERGAN SHART-SHAROITLAR**

Annotatsiya: maqolada oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etilgan jinoyatlardan jabrlanish, uning sabablari va ularga imkon bergan shart-sharoitlar hamda uni oldini olish masalalari yoritilgan.

Kalit soʻzlar: oila-turmush munosabatlari, oila-turmush munosabatlariga oid jinoyatlar, jabrlanuvchi shaxs, jabrlanishning sabablari, shart-sharoitlar, latent.

**ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ, КОТОРЫЕ ПОЗВОЛИЛИ ИМ СТАТЬ
ЖЕРТВАМИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ В РАМКАХ
СЕМЕЙНО-СУПРУЖЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ**

Аннотация: В статье освещаются вопросы потерпевших от преступлений, совершенных в рамках семейно-супружеских отношений, их причины и условия, которые их допускают, а также вопросы их предупреждения.

Ключевые слова: семейно-супружеские отношения, преступления, связанные с семейно-супружескими отношениями, потерпевший человек, причины, условия потерпевшего, скрытые.

**THE REASONS AND CONDITIONS THAT ALLOWED THEM TO
BECOME VICTIMS OF CRIMES COMMITTED WITHIN THE
FRAMEWORK OF FAMILY AND MARITAL RELATIONS**

Abstract: The article covers the issues of victims of crimes committed within the framework of family-matrimonial relations, their causes and conditions that allow them, as well as issues of their prevention.

Key words: family-matrimonial relations, crimes related to family-matrimonial relations, victim, reasons, conditions of the victim, hidden.

Ilmiy tadqiqotlarda ijtimoiy munosabatlar jarayonida yuzaga kelishi mumkin boʻlgan obyektiv va subyektiv omillar shaxsni huquqbuzarliklardan jabrlanishiga olib kelishi hamda ushbu omillar “shaxsda viktimlikni” keltirib chiqarishi mumkinligi [1] toʻgʻrisidagi turli xil mazmundagi munozaralar ilgari surilgan. Shunday ekan viktim, viktimlik, viktim omillar va shu kabi tushunchalar oʻzi qanday maʼnoni anglatadi, ular qayerdan paydo boʻldi degan savolga darslikning birinchi bobida taʼkidlangan fikrlarni esga olishning oʻzi kifoya qiladi.

Oila shaxsni ijtimoiy hayotga tayyorlash, ma'naviy va ahloqiy tarbiyalash, shaxslar bilan bo'ladigan ijtimoiy munosabatlar jarayonida o'zini tutish kabi insoniy xususiyatlarni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Agar oila a'zolari inoq bo'lsa, bir-birini tushunsa, hurmat qilsa, ushbu oiladan barkamol insonlar yetishib chiqadi. Har qaysi jamiyatda, millatda, oilada, ota-onaga, bolalarga bo'lgan Hurmat, urf-odatlar, milliy qadriyat va an'analar mavjud bo'lsa, shu yerda jinoyatchilik darajasi har doim past ko'rsatkichda bo'lgan[2].

Shuni alohida ta'kidlash joizki, viktimologiyaning muxim masalalaridan biri - bu shaxsni jabrlanuvchi bo'lib qolishiga imkon bergan omillarni aniklashdan iborat. Chunki ushbu savolga javob topmasdan turib, shaxslarning huquqbuzarliklardan jabrlanishini oldini olishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish mumkin emas. Bizni o'ylantiradigan savollardan biri – bu huquqbuzarning jabrlanuvchi bilan to'qnash kelishidir. Zotan ko'p hollarda jabrlanuvchilarning nojo'ya xatti-harakatlari huquqbuzarlik sodir etilishiga imkoniyat izlayotgan shaxslarning diqqatini o'ziga jalb etadi. Natijada huquqbuzarlar ko'pchilikni emas, balki ular orasida kimnidir kuzatuvga oladi va g'ayriqonuniy niyatini amalga oshiradi. Ta'kidlash joizki barcha huquqbuzarliklarda ham jabrlanuvchilar tanlanmaydi. Shaxsga nisbatan sodir etilgan huquqbuzarliklar ba'zan tasodifiy bo'lishi mumkin. Tasodifan sodir etilgan qilmishda jabrlanuvchilarning roli deyarli bo'lmaydi. Shaxsni huquqbuzarlikdan jabrlanishiga imkon beruvchi hamda ko'maklashuvchi yana shunday omillar borki, ularni muntazam tadqiq etish, birinchidan, har qanday qonunga xilof bo'lgan qilmishni barvaqt oldini olishga, ikkinchidan, sodir etilgan har qanday huquqbuzarlikni fosh etishga xizmat kiladi[3].

Oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etilgan jinoyatlar ularning murakkabligi, sodir etilish usullari, vaqti, turli-tumanligi, keng yoyilganligi, shaxsga qaratilganligi bilan boshqa huquqbuzarliklardan farq qiladi. Oila-turmush sohasida sodir etiladigan jinoyatlarning o'ziga xosligi ular asosan oilada, oila a'zolarining orasida sodir etilishidir. O'z muammolarini hal qilish uchun zo'rvonlik vositalaridan foydalaniladi[4]. Bu holat kundalik oila-turmush munosabatlari doirasida turlicha tajovuzkor xulq-atvorlar namoyon bo'lib, oddiy badanga shikast yetkazishdan, to qasddan odam o'ldirishgacha olib keladi.

Jamiyatda mukaddas hisoblanuvchi, oilaviy munosabatlarga tahdid soluvchi, uni izdan chikaruvchi, farzandlar tarbiyasiga salbiy ta'sir etuvchi oila-turmush doirasidagi huquqbuzarliklarning kriminologik xususiyatlarini o'rganish, uni huqukiy jihatdan taxlil qilish bugungi kunda kriminolog olimlar va mutaxassislar oldidagi muhim vazifalardan biri bo'lib qolmoqda.

Ma'lumki, oila-turmush munosabatlari doirasidagi muammolar o'zining ko'p qirraliligi bilan ajralib turadi. Bu boradagi muammolarni o'rganish, ayniksa, bugungi kunda o'ta dolzarb masala hisoblanadi[5].

Izohli lug'atlarda "oila" (bola-chaqa, xonadon, urug', avlod) so'zi oddiygina "er-xotin", ularning bola-chaqalari va eng yaqin tug'ishganlaridan iborat birga yashovchi kishilar majmui "**xonadon**" deb ta'riflanadi[6].

Oila-turmush munosabatlari – bu er va xotin, ota-on va farzand, kelin-kuyov va qaynota-qaynona, qaynog‘a-qaynuka va kaynopa-kaynsingil, bobo-buvi va nabira, aka-uka va opa-singil, farzandlikka olgan va farzandlikka olingan, qo‘ni-qo‘shni va shunga o‘xshash qarindosh-urug‘lar o‘rtasidagi munosabatlar — avvalo nikoh, qon-qarindoshlik yoki oilaviy va boshqa shu kabi ijtimoiy rishtalar bilan bog‘liq bo‘lgan shaxslar o‘rtasidagi shaxsiy (ijtimoiy) munosabatlardir[7].

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, oila-turmush munosabatlari o‘zining ma‘lum bir doirasiga ega, bu doira avvalo nikoh, qon-qarindoshlik yoki oilaviy rishtalar yoki ma‘lum bir sabablarga ko‘ra bir-birlari bilan bog‘langan bir guruh shaxslarning shaxsiy munosabatlarga kirishishi bilan belgilanadi. Oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlardan jabrlangan shaxsni tadqiq etishda oiladagi zo‘ravonlikning ijtimoiy xavfini ham inobatga olish lozim, chunki buning natijasida shaxsga qarshi karatilgan og‘ir va o‘ta og‘ir jinoyatlar sodir etiladi etiladi.

Shaxsga qarshi jinoyatlarning 60% oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladi. Xususan oila-turmush munosabatlari doirasida qasddan odam o‘ldirish; o‘zini o‘zi o‘ldirish darajasiga yetkazish (2020-yida 900 ta ayol o‘z joniga qasd qilgan); qasddan badanga yengil, o‘rtacha og‘ir va og‘ir shikast etkazish; qiynash; o‘ldirish yoki zo‘rluk ishlatish bilan qo‘rqitish; nomusga tegish; jinsiy ehtiyojini zo‘rluk ishlatib g‘ayritabiiy usulda qondirish; ayolni jinsiy aloqa qilishga majbur qilish; ayolni erga tegishga majbur qilish yoki unga to‘sqinlik qilish; zo‘rluk ishlatib g‘ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish; hakorat qilish; bezorilik jinoyatlari va boshqa jinoiy xatti-harakatlar sodir sodir etilmoqda[8].

Oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlar natijasida nafaqat muayyan shaxs jabrlanadi, balki u bilan birgalikda uning oila a‘zolariga. ular o‘rtasidagi ijtimoiy-huquqiy munosabatlarga ham zarar yetkaziladi. Mazkur jinoyatningjabrlanuvchisi jinoyatchi shaxsning eri yoki xotini, farzandi yoki ota-onasi yoxud yaqin kishilari bo‘lishi mumkin. Ayrim hollarda bunday jinoyatlar oqibatida butun bir oila yo‘q bo‘lib ketadi yoki oila a‘zolari o‘rtasida munosabatlar shunday darajada buziladiki, uni hech qachon avvalgi sog‘lom holatiga qaytarib bo‘lmaydi.

Oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etilgan jinoyatlarning deyarli ko‘pchiligida jabrlanuvchilar o‘zlarini himoya qilish imkoniga ega bo‘lishmaydi. Misol uchun, to‘satdan yuzaga kelgan xavfni bartaraf etishda jabrlanuvchining o‘jiz ahvolda ekanligi uning jabrlanuvchi bo‘lishiga sharoit yaratadi. Bu holat jinoyat sodir etilishiga ko‘maklashuvchi vazifani o‘taydi. Ko‘maklashish deganda - jinoyat sodir etilishiga yordam beradigan vaziyatni (yordam beradigan shart-sharoitlardan birini) vujudga keltirish tushuniladi.

Oilalardagi notinchlik va nizolarni o‘z vaqtida hal etilmasligi, mahalla faollari va keng jamoatchilik e‘tiboridan chetda qolayotganligi oqibatida o‘ta og‘ir jinoyatlar sodir etilmokda. Qotillik jinoyatining har uchinchisi, og‘ir tan jarohati yetkazish jinoyatining xar beshinchisi oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etilgan.

Shu bilan birga, oila-turmush munosabatlari doirasidagi nizolarga o‘z vaqtida barham berilmaganligi oqibatida o‘z joniga qasd qilish holatlarining har oltinchisi aynan o‘z vaqtida hal etilmasdan qolgan oilaviy kelishmovchiliklar bois sodir etilgan.

Og‘ir-turmush sharoitida yashayotgan ayollar muammosi to‘liq hal etilmasdan kelinayotganligi oqibatida tazyikqa uchragan 14 774 nafar xotin-qizlarga ximoya orderi berilgan.

Ushbu yuqoridagi oila turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlardan jabrlanuvchilarining xulq-atvori va ularning kriminologik xususiyatlarini urganish natijalari shuni kursatmoqqdaki, ularning 47,1% jinoyat sodir etilish vaqtida mast holatda bo‘lgan, 31,4% - jabrlanuvchilarning o‘zlari salbiy-hulk atvoriga ega bo‘lgan, 21,5% - jinoyat sodir etishdan oldin o‘ziga nisbatan zo‘ravonlikni amalga oshirgan muqaddam sudlangan shaxslar bilan bevosita birgalikda spirtli ichimlik iste‘mol qilishgan.

Maishiy turmushda sodir etiladigan ayrim jinoyatlar o‘ziga xos sabab va sharoitlarga egaligi bilan ajralib turadi. Shu kabi jinoyatlardan jabrlanishga asosan ichkilikbozlik va giyohvandlikka moyil shaxslarning o‘zlari sababchi bo‘ladilar. Giyoxvandlikka ruju qo‘yish va ularni ochik holatda topa olmasligi hamda pul daromadlarining yo‘qligi bois, ko‘pchilik giyoxvandlar aynan oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlarga qo‘l uradilar.

“Oila” ilmiy-amaliy tadqiqot markazi Kun.uzga taqdim etgan ma’lumotiga ko‘ra, 2018 yil aprel-sentyabr oylarida 18.521 nafar ajrashish arafasida turgan oilalarda turmushning buzilishiga sabab sifatida kuyidagi omillar ko‘rsatilgan:

- 48,4 % - er-xotin o‘rtasidagi maishiy kelishmovchiliklar;
- 17,4 % - qaynona, qaynota yoki uchinchi shaxs, umuman boshqalarning oila ishiga aralashuvi;
- 5,3 % - bepushtlik;
- 6,3 % - moddiy yetishmovchiliklar, turmush o‘rtog‘ining ishsizligi va iktisodiy muammolar;
- 5,5 % - ichkilikbozlik va boshka zararli odatlar oqibati;
- 3,5 % – ichki va tashki migratsiya;
- 11,3 % - boshka turli sabablar.

Ijtimoiy tarmoqda «Oilaviy ajrimlarga asosiy sabab nima deb o‘ylaysiz?» savoli bilan o‘tkazilgan so‘rovnomada tarmokning aksariyat foydalanuvchilari — urf-odatlar, qaynonaning kelinga soliq solishi, kuyovning esa kelin tomondan mulk ta’ma kilishi. kelinlarning ota uyiga «gap tashishi», telefon va ijtimoiy tarmoqlar, yoshlarning na fikrlash, na pul topish borasida mustakil emasligi, yigitlarning o‘z so‘zini o‘tkazishga xarakat kilishi, kizlarning esa «xo‘p»dan yirokligi, diniy bilimdan bexabarlik, o‘zaro hurmat tushunchasining yo‘kolishi, besabrlik, aybini tan olmaslik kabilarni sanab o‘tishgan.

Tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki, ajrashish arafasida turgan, ajrim kayd etilgan oilalarning muammolari bir-biriga o‘xshamaydi. Ammo har biri o‘z yechimiga ega, ajrimga qadar oilani saqlab qolishning imkoniyati ancha yuqori bo‘lgan[9].

Oila turmush munosabatlari doirasida sodir etilgan. Jinoyatlarning 25,6% qasddan odam o‘ldirish va unga suiqasd qilish 68,5% qasddan badanga turli darajada

shikast yetkazish, 6,1% bezorilik tashkil etgan. Tahlillar bugungi kunda shaxs hayoti va sog‘ligiga qarshi jinoyatlarning, xususan qotillikning 28%, qasddan badanga shikast yetkazishlarning 20%, haqorat qilish va tuxmatning 12,5% aynan oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etilayotganligini ko‘rsatmoqda. Shuningdek oila-turmush munosabatlaridagi jinoyatlarning umumiy jinoyatchilikdagi ulushi oshib bormoqda.

Yuqoridagi misoldan ko‘rinib turibdiki, oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlarning kelib chiqishi bilan birgalikda uzoq davom etishiga ularning takroran sodir etilishiga, shuningdek ko‘p hollarda latent bo‘lib qolishiga jabrlanuvchilarning o‘zlari sababchi bo‘ladilar. Chunki jinoyatchi (yaqin qarindosh) javobgarlikning muqarrarligini his etmaydi va jinoiy qilmishlarini davom ettiraveradi. Jabrlanuvchilarning bunday xulq-atvoriga ko‘plab ta’sir etuvchi omillar: or-nomus, sharm-hayo, bolalarining kelajagini o‘ylash, ularni otasiz qoldirishning oqibatlarini o‘ylab hech kimga shikoyat qilmaslik, jamiyat oldida uyatga qolishdan qo‘rqish, ushbu harakatlarning jinoyat ekanligini anglamaslik, ya’ni huquqiy ongning yetishmasligi va boshqa halatlar ta’sir ko‘rsatadi.

Foydalangan adabiyotlar

1. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р.. Криминология, Махсус қисм. Дарслик –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015, – Б. 298.
2. Саитқулов Қ. А Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари. Илмий рисола /Масъул муҳаррири: ю.ф.д. А.С.Турсунов, Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2019. -Б.23.
3. Саитқулов Қ.А Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари. Илмий рисола /Масъул муҳаррири ю.ф.д. А.С.Турсунов. Т.,Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2019. – Б.33,
4. Антонян Ю.М. Психология убийства. —М., 1997. -С. 17-18
5. Каримова В. Оила ҳимояси давлат сиёсатининг устувор йўналиши // **HUQUQ VA BURCH.** - № 5. – Т., 2007. Б.31.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати /80 000дан ортик сўз ва сўз бирикмаси [www. ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) / кутубхонаси. -Б 469.
7. Виктимология. Маърузалар курси. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018, -Б.45.
8. Исмаилов И., Абдурасулова Қ. Р. Криминология, Махсус қисм. Дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 297
9. Абдурахмонова С. Оилавий ажримлар: калаванинг учи кимнинг қўлида? // Электрон манба: Kun.uz

OILA-TURMUSH MUNOSABATLARI DOIRASIDAGI JINOYATLARNING VIKTIMOLOGIK PROFILAKTİKASINI TASHKIL ETISH

Annotatsiya: maqolada oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlarning viktimologik profilaktikasini tashkil etish, shuningdek, huquqbuzarliklarning viktimologik profilaktikasiga oid masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar, : oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlarning viktimologik profilaktikasini, jabrlanuvchi shaxsi jinoyatlardan jabrlanish, huquqbuzarliklarning viktimologik profilaktikasi, shart-sharoitlar, latent.

ОРГАНИЗАЦИЯ ВИКТИМОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В РАМКАХ СЕМЕЙНО-СУПРУЖЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ

Аннотация: В статье освещаются вопросы организации виктимологической профилактики преступлений в рамках семейно-супружеских отношений, а также вопросы виктимологической профилактики правонарушений.

Ключевые слова,: виктимологическая профилактика преступлений в рамках семейно-супружеских отношений, виктимологическая профилактика правонарушений, виктимологическая профилактика правонарушений, условий, латентности личности потерпевшего.

ORGANIZATION OF VICTIMOLOGICAL CRIME PREVENTION WITHIN FAMILY AND MARITAL RELATIONS

Abstract: The article covers the issues of organizing victimological crime prevention within the framework of family and marital relations, as well as issues of victimological crime prevention.

Key words: victimological prevention of crimes within family-matrimonial relations, victimological prevention of offenses, victimological prevention of offenses, conditions, latency of the victim's personality.

Oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarning viktimologik profilaktikasi deganda huquqbuzarliklar profilaktikasini bevosita amalga oshiruvchi organ yoki muassasaning er va xotin, ota-ona va farzand, kelin-kuyov va qaynота-qaynona, qaynog'a-qaynuka va qaynота-qaynisingil, bobo-buvi va nabira, aka-uka va opa-singil, farzandlikka olgan va farzandlikka olingan, kuni-qo'shni va shunga o'xshash qarindoshlar o'rtasidagi munosatlar - avvalo nikoh, qon-qarindoshlik yoki oilaviy rishtalar bilan bog'liq bo'lgan shaxslar o'rtasidagi shaxsiy munosabatlarda yuzaga keladigan huquqbuzarliklardan jabrlanuvchiga aylanish xavfini kamaytirishga qaratilgan profilaktik chora-tadbirlarni qo'llashga doir faoliyat tushuniladi.

Oila-turmush sohasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarning viktimologik profilaktikasi chora-tadbirlari quyidagilardan iborat:

1) oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklardan jabrlanuvchilarga nisbatan shaxsning individual va ijtimoiy-psixologik xususiyatlari hisobga olingan holda profilaktika tadbirlarini o'tkazish;

2) aholiga, shu jumladan oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqyo uzarliklardan jabrlanuvchilarga hamda jabrlanishga moyil shaxslar o'rtasidagi nizolarni hal etish usullarini o'rgatish;

3) oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklardan joablanganlarni hamda jabrlanishga moyil shaxslarni aniqlash va himoya qilish bo'yicha chora-tadbirlarni ko'rish;

4) oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklardan jabrlanganlarga yordam kursatuvchi ixtisoslashtirilgan muassasalarni tashkil etish, mavjudlari faoliyatini takomillashtirish hamda yangilarini ochish;

5) oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklardan ekabrlanganlarning va jabrlanishga moyil shaxslar jismoniy va psixologik xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan maxsus kompleks chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish;

6) oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etilgan huquqbuzarliklar tez-tez sodir bo'lib turadigan joylarni (hududlarni) va oilalarni muntazam ravishda nazorat qilish(jamoatchilik nazorati);

7) oila-turmush munosabatlari doirasida g'ayriijtimoiy xulq-atvor, tayyorlanayotgan, sodir etilayotgan yoki sodir etilgan huquqbuzarliklar to'g'risida axborot olish maqsadida huquqbuzarliklar profilaktikasini bevosita amalga oshiruvchi organ yoki muassasa huzurida ishonch, tezkor aloqa telefonlarini, qutqaruv xizmatlarini tashkil etish;

8) oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklar profilaktikasining zamonaviy usullari to'g'risida elektron adabiyotlarni tarqatish;

9) oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarning viktimologik profilaktikasi qonun hujjatlariga muvofiq boshqa chora-tadbirlarni ham o'z ichiga olishi mumkin;

10) oila-turmush sohasida sodir etiladigan munosabatlar doirasidagi huquqbuzarliklarning sabab va sharoitlarini aniqlash va bartaraf etish;

11) oila-turmush munosabatlari doirasidagi huquqbuzarliklarni sodir etuvchi shaxslarning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish.

Oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarning viktimologik profilaktikasini quydagi elementlarga bo'lish mumkin:

1) oila-turmush munosabati doirasidagi huquqbuzarliklarning profilaktikasini bevosita amalga oshiruvchi organ yoki muassasa turi;

2) oila-turmush munosabati doirasidagi huquqbuzarliklarning profilaktikasini amalga oshirishda ishtirok etuvchi nodavlat notijorat tashkilotlar, o'zini o'zi boshqarish organlari, ommaviy axborot vositalari va boshqalar;

3) oila-turmush munosabatlari doirasidagi huquqbuzarliklardan jismoniy, ma'naviy yoki mulkiy zarar ko'rgan yoki ko'rishi mumkin bo'lgan jismoniy shaxslarning o'ziga xos tomonlarini o'rganish;

4) IIO FMB xodimlarining oila-turmush munosabatlari doirasida sodir etiladigan huquqbuzarliklar viktimologik profilaktikasini amalga oshirishidagi asosiy vazifalari.

Oila-turmush sohasidagi huquqbuzarliklar o'z xususiyati va ijtimoiy xavflilik darajasiga ko'ra - jinoyat va ma'muriy huquqbuzarliklarga bo'linadi.

Jinoyat kodeksida ta'qiqlangan, aybli ijtimoiy xavfli qilmish (harakat yoki harakatsizlik) jazo qo'llash tahdidi bilan jinoyat deb topiladi.

Ma'muriy huquqbuzarlik deganda O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksiga binoan ma'muriy javobgarlikka tortish nazarda tutilgan, shaxsga, fuqarolarning huquqlari va erkinliklariga, mulkchilikka, davlat va jamoat tartibiga, tabiiy muhitga tajovuz kiluvchi g'ayrihuquqiy, aybli (qasddan yoki ehtiyotsizlik orqasida) sodir etilgan harakat yoki harakatsizlik tushuniladi.

Oila-turmush sohasidagi huquqbuzarliklarning sabab va sharoitlari sub'ektiv va obyektiv omillar orqali aniqlanadi.

"Omil" ijtimoiy jarayonlar va hodisalarning muayyan vaziyat yoki holat ta'siri ostida shakllanishi va o'zgarishi natijasida oqibat kelib chiqishini ta'minlovchi vosita vazifasini bajaradi. Omillarning turlari:

- oila-turmush munosabatlari doiradagi huquqbuzarliklarning sabab va sharoitlari **subyektiv omillar** shaxs ongi bilan bog'liq bo'lgan jarayonlar bo'lib, bular: shaxsning qiziqishi, dunyoqarashi, ma'lumoti, ruhiy holati, temperamenti, biofiziologik xususiyatlaridan tashkil topadi;

- oila-turmush munosabatlari doiradagi huquqbuzarliklarning sabab va sharoitlari **obyektiv omillar**, ya'ni shaxs bilan bog'liq bo'lmagan omillar. Bular: oilaviy muhit, oilaning ijtimoiy ahvoli, oilaviy munosabatlar.

Oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlar zo'rlik ishlatish orqali oila a'zolarini qasddan kaltaklash, xo'rlash, haqorat yoki tuhmat qilish hamda uning ruhiy salomatligining buzilishi va insoniy qadr-kimmatiga zarar yetkazilishida namoyon bo'ladi[1].

Statistik ma'lumotlarga ko'ra yiliga 10 millionga yaqin bolalar o'z uylarida ayollarga nisbatan sodir etilgan huquqbuzarlikning guvohi bo'lishmoqda[2], Bunday holatlar oilada bolalarning tarbiyasiga o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmasdan qolmaydi. O'zbek xalkining "qush uyasida ko'rganini qiladi" degan maqoliga ixtibosan, inson xulq-atvorining har tomonlama shakllanishi, ko'p jihatdan oiladagi muhit voqealari ta'siriga bog'liq bo'lib, oiladagi bolalarning kattalarga taqlid qilishi asosida rivojlanib boradi. Shu nuqtai nazardan oilada doimiy ravishda shu kabi huquqbuzarlikning mavjudligi ota-onalar yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslarning farzandlari tarbiyasiga befarq ekanligini ko'rsatib, bolalarning axloqiy buzilishlariga, hukuqbuzarliklarga moyil bo'lib o'sishlariga olib keladi. Oila qanchalik tartibli,

uning a'zolari o'rtasidagi munosabat samimiy bo'lsa, oiladagi farzand tarbiyasi ham shunchalik muvafaqiyatli bo'ladi[3].

Oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatni sodir etgan shaxslarning o'ziga xos xususiyatlari: oila-turmush munosabatlarida ishtirok etuvchilarning yoshi, jinsi, oiladagi mavqibi, tajovuzkorligi, ruxiy holati, alkogolni suiste'mol qiluvchi, giyohvandlik vositalarini, psixotrop moddalarni iste'mol qiluvchi, aql-iroda faoliyatiga ta'sir etuvchi boshqa moddalarni iste'mol qiluvchi, toksikomanligi, mukaddam sudlanganligi, huquqbuzarlik sodir etishga moyilligi, ijtimoiy foydali mehnat bilan shug'ulanishni istamasligi, loqaydligi, qimorbozligi, xotinbozligi, yengil tabiatliligi, agressiv xulq-atvorli va boshqa shu kabi sifatlarida namoyon bo'lishi mumkin.

Oila-turmush munosabatlari doirasidagi jinoyatlarning oldini olish, farzandlar tarbiyaviy va ta'lim taraqqiyotiga ta'sir ko'rsatuvchi quyidagi omillarni ko'rsatish mumkin:

- jamiyatning rivojlanish darajasi
- jamiyatda oila-turmush munosabatlari doirasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarning mavjudligi;
- jamiyatdagi huquqiy ong va huquqiy madaniyatning darajasi
- ota-onalarning umumiy va huquqiy savodxonligi;
- oiladagi bolalar soni;
- oilaning to'liq va to'liqsiz ekanligi;
- oilada bobo va buvilarning mavjudligi;
- ota-onalarning ma'naviy-axloqiy shakllanganlik darajasi;
- ota-onalarning jamoat ishlaridagi ishtiroki darajasi;
- oilaning moddiy ta'minlanishi;
- ota-onalarning farzand tarbiyasiga bo'lgan munosabati[4].

Ota-onalarning oiladagi, ayniqsa farzandlar ko'z o'ngidagi ahilligi, mahalladagi katta yoshdagi kishilarning kichiklarga g'amxo'rlik munosabati, umuminsoniy va milliy an'analarning qadrlanishi oilaviy tarbiyani asosini tashkil etadi. Bu ahillik munosabati har bir oilaga o'z ta'sirini o'tkaza oladi. Farzandlar buni ta'sirini sezgan holda unga o'z munosabatini bildiradilar. Orqalarida aniq ta'sir etuvchi kuch borligiga ishonadilar va shu zaylda faoliyat ko'rsatadilar.

Muxtasar qilib aytganda oila davrasida, mahallada ota-onaning ijobiy fazilat va munosabatlari mahalla ahlining jipsligi, bolalarning to'g'ri tarbiyalanishining zaruriy shartidir. Bu borada oiladagi nizoli vaziyatlarni oldini olish, oilaning moddiy ahvoli, ma'naviy sifatlariga e'tibor berish, fuqarolik yig'ini raislari, xotin-qizlar, komissiyalari mahalla faollarining pedagogik-psixologik bilimlari va tajribalariga bog'liq. Bugungi jamiyatimizning yadrosi sanalmish, oilalarni butunligini saqlash, farzandlar tarbiyasini, sog'lom avlod tarbiyasining asosiy mezonini bo'lmish ma'naviy tarbiyani tashkil etish fakat ota-onalarni burchi bo'libgina qolmay, balki keng jamoatchilikning asosiy vazifasidir.

Foydalangan adabiyotlar

1. Назаров А. Оила-турмуш муносабатларида зўравонликни олдини олиш муаммолари. / Davlat va huquq. -Т., 2004, № (20) -b. 44.
2. Маҳмудова Н.А. Менинг ҳуқуқларим. –Т.: 2000. –Б. 18.
3. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. -Т. Давлат илмий нашриёти, 2003. -Б. 469-470.
4. Kriminologiya. Maxsus qism: Darslik I I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova va boshq. -Т.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. -682 b.

МУҚУМОВА М.З.

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, доцент
mtuqimova@list.ru*

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада оиладаги маиший зўравонлик учун жавобгарлик масалалари, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари ўрганилган, суд амалиёти материаллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: оила, давлат, оиладаги маиший зўравонлик, жиноят, жабрланувчи, Жиноят қонуни, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, ярашув, жиноятларни олдини олиш, қарши курашиш, криминологик чоралар, психология, ҳукм, статистика.

ВОПРОСЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И БОРЬБЫ С НАСИЛИЕМ В СЕМЬЕ

Аннотация: в статье изучаются некоторые вопросы ответственности за домашнее насилие в семье, уголовно-правовые и криминологические меры аспекты профилактики и борьбы с этим видом преступлений, анализируются материалы судебной практики.

Ключевые слова: семья, государство, семейно-бытовое насилие, преступление, потерпевший, Уголовный кодекс, судебно-правовые реформы, примирение, предупреждение преступления, борьба с преступлением, криминологические меры, психология, приговор, статистика.

ISSUES OF PREVENTION AND COMBATING DOMESTIC VIOLENCE

Annotation: the article examines some issues of responsibility for domestic violence in the family, criminal law and criminological measures aspects of prevention and combating this type of crime, analyzes the materials of judicial practice.

Keywords: family, state, domestic violence, crime, victim, Criminal Code, judicial and legal reforms, reconciliation, crime prevention, crime control, criminological measures, psychology, sentence, statistics.

Маълумки, жиноят қонунини либераллаштириш фақат жавобгарлик ва жазо тайинлаш қоидаларини эркинлаштиришни эмас, балки ижтимоий адолат, қонун устуворлиги принципига асосан кези келганда жавобгарликни кучайтириш, ижтимоий хавфли тус олган қилмишларни криминализация қилишни тақозо этади. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари даврида хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштирилишга қаратилган ислоҳотлар негизда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126¹-моддасида «Оиладаги (маиший) зўравонлик» учун жавобгарлик белгиланганлиги, фикримизнинг исботидир[1].

Таъкидлаш керакки, оиладаги маиший зўравонлик бугунги кунда кўплаб мамлакатларда учрайдиган ижтимоий ҳодиса бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан холи эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг “Аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ кўрилган жиноят ишлари ҳақидаги статистик маълумотлар»ига кўра ҳисобот даврида, яъни 2023 йилнинг 1 январидан 30 июнига қадар Республика бўйича бу борада жами 1404 жиноят иши 1763 шахсга нисбатан кўрилган бўлиб, жабрланган аёллар сони ҳудудлар кесимида Тошкент (253) ва Фарғона вилоятида кўпчиликини ташкил қилади (241). Жабрланган аёлларнинг 239 таси 18 ёшгача, 472 таси 18-30 ёшгача, 857 таси 31-60 ёшгача, 47 таси 60 ёш ва ундан юқори бўлганларни ташкил қилади. Жабрланувчиларнинг 985 таси ишсиз. Маълумотларга кўра, жабрланганларнинг кўпчилиги 31-60 ёшгача бўлган хотин-қизлардир[2].

Ушбу статистик маълумотлардан кўринадики, жиноят содир қилганларнинг 720 таси ишламайдиган эркаклар ва 260 таси аёллардир. Уларнинг аксарияти 31дан 60 ёшгача бўлган эркаклар томонидан содир қилинган.

Ўз навбатида, оиладаги (маиший) зўравонлик Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддасининг мазмунига кўра, эр ёки хотин, собиқ эр ёки хотин, бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Ҳақиқатда ушбу жиноятдан жабр кўраётган шахслар асосан хотин-қизлар бўлиб, биз таҳлил қилган ҳукмлар бўйича кўпгина ҳолларда айбдорнинг никоҳдаги хотини (64%), собиқ хотинлар (5%), 20% ҳолларда бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахслар, шунингдек 8% ҳолларда айбдор жабрланувчи билан умумий фарзандга эга бўлган. 3% ишларда эркаклар (эри, биргаликда яшаётган шахс) жабрланувчи бўлиб қолганлар. Кўпгина ҳолларда бу турдаги жиноятлар айнан маиший характерда бўлиб, кўпроқ узоқ давом этган низолар оқибатида, келишмовчилик, жанжал, ичкиликбозлик (20%),

айбдордаги стресс ҳолати, рашк (7%), хиёнат, оилага учинчи шахсларнинг аралашуви натижасида юзага келиб чиққан келишмовчилик ва бошқалар натижасида содир этилганлигини кўриш мумкин.

Биз ўрганган ҳукмлар бўйича жиноят содир этган шахсларнинг 64% муқаддам судланмаган шахслар, аммо уларнинг ичида ишсизлар улуши кўпроқ ва табиийки, бундай оилаларда иқтисодий етишмовчилик, эркакнинг ишсизлик сабаб юзага келган стресс ҳолатлари ҳам оиладаги келишмовчилик, турли сабабларга кўра ишлаётган хотинини рашк қилиши натижасида зўравонлик қилиш ҳолларига сабаб бўлган. Муқаддам судланган шахсларнинг (36%) аксарияти эса соғлиққа қарши жиноятларни (ЖК 104, 105, 105 –моддалар) содир этган.

Ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг 35%да уч ва ундан ортик вояга етмаган фарзандлари бўлиб, 24 % битта, 26% да 2 та фарзанди бор оилалар ташкил қилади.

Маълумотига келсак, биз ўрганган ҳукмлар бўйича оиладаги (маиший) зўравонликни содир этган шахсларнинг 92% фоизи ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга, аммо бу турдаги жиноятларни содир этган шахслар ичида олий маълумотли шахслар, турли касб эгалари, жумладан, корхона директорлари, ўқитувчилар, ёлланма ишчилар, нафақахўрлар ва ҳатто имом хатиблар томонидан содир этилган ҳолатларни кўриш мумкин.

Бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг аксарияти (48%) ЖК 126¹–моддасининг 3-қисмида кўрсатилган жабрланувчига қасддан баданига енгил шикаст етказган.

Энг қизиқарли томонларидан бири, биз ўрганган ҳукмлар бўйича 54% ишлар бўйича томонларнинг ярашуви билан жиноят иши тугатилган. Тўғри, ушбу қоидаларни қўллашнинг ўзига хос ҳуқуқий шартларини мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, бу турдаги жиноятларда назаримизда, томонларнинг ярашуви билан жиноят ишини тугатишда алоҳида, синчковлик билан ёндашиш талаб этилади.

Маълумки, Жиноят кодекси 126¹-модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда томонларнинг ярашуви билан жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган. Яъни ўртача оғир шикаст етказилганда ҳам ярашув институтини қўллаш мумкин.

Аммо, баъзи бир жиноятларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, оиладаги (маиший) зўравонлик давомли характериға эға бўлган, узоқ вақтлардан бери оилавий келишмовчиликлар замирида давом этиб, жанжаллашиб, турли тан жароҳатларини етказиш ҳоллари учрайди. Албатта, ушбу ҳолларда ярашув институтини қўллашда нафақат уни қўллашнинг жиноят-ҳуқуқий шартларига балки, давомли характерда эканлигини эътиборға олиб, алоҳида ёндашишни тақозо этади. Сир эмас, ушбуга ўхшаш ҳолларда судға келиб, томонлар ярашиб, зўрлик ишлатишға сабаб бўлган асл муаммолар бартараф этилмас экан,

кейинчалик янада оғирроқ оқибатлар келиб чиқишиб мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди. Шунинг учун ушбу тоифадаги жиноят ишларини кўришда, ярашув институтини қўллаш мумкинлигини инкор этмаган ҳолда, шахсларнинг кейинчалик яна зўравонлик давом эттиришининг олдини олиш нуқтаи назардан ёндашиш муҳимроқдир, назаримизда. Бу борада назаримизда. Жиноят қонунида оиладаги (маиший) зўравонликларни олдини олишда ярашув институтини қўллашни оиладаги зўравонликни давомли характерини эътиборга олиб, шундай ҳолларда чекловчи қоидалар киритилиши мақсадга мувофиқдир. Қонун чиқарувчи орган оиладаги (маиший) зўравонлик натижасида жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларига, соғлиғига, шунингдек ҳаётига қарши тажовузлар учун махсус нормада жавобгарлик белгилар экан, назаримизда бу борадаги жиноятларни содир этган шахсларни жавобгарликдан озод қилиш, жазодан озод қилиш қоидаларини қўллаш борасида алоҳида ёндашув талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилнинг 11 апрелдаги «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, еркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларга ўзгартириш ва ўзгартириш қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонуни. // <https://lex.uz/docs/6430272>.

2. Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2022 йиллар ҳамда 2023 йил 1 ярмидаги фаолият яқунларининг асосий кўрсаткичлари [ps://stat.sud.uz/file/2023/09.022](https://stat.sud.uz/file/2023/09.022)

УТЕМУРАТОВА С.Ш.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, ю.ф.н., доцент

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ АЙРИМ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада экологик жиноятларнинг латентлигининг сабаблари, улар учун қўлланиладиган жиноий жавобгарликнинг ҳолати, мазкур турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини таҳлил қилиниб, инсон-табиат муносабатларининг ривожига бугунги куннинг энг асосий муаммолари сифатида ўрганилган.

Калит сўз: табиат, инсон, жамият, индивид, ҳуқуқий маданият, тезкор бошқариш, ҳайвонот дунёси ва бошқалар.

НЕКОТОРЫЕ КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ЭКОЛОГИИ

Аннотация: В данной статье анализируются причины латентности экологических преступлений, состояние применяемой за них уголовной ответственности, причины и условия возникновения этих видов преступлений,

а также исследуется развитие отношений человека и природы как основные проблемы современности.

Ключевые слова: природа, человек, общество, личность, правовая культура, оперативное управление, животный мир и др.

SOME CRIMINOLOGICAL ASPECTS OF CRIMES IN THE FIELD OF ECOLOGY

Annotation: This article analyzes the reasons for the latency of environmental crimes, the state of criminal liability applied for them, the causes and conditions for the occurrence of these types of crimes, and also examines the development of relations between man and nature as the main problems of our time.

Key words: nature, man, society, personality, legal culture, operational management, fauna, etc.

Жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини методологик ўрганишда криминология энг аввало детерминация, ягоналик ва қарама-қаршилик, тарихийлик ва тизимлилик қонунларидан фойдаланади. Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганишда ушбу қонунларга риоя қилиш шарт.

Экологик жиноятларнинг умумий сабаби табиат билан инсон муносабатлари орасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқади. [1]

Инсон табиат билан узвий алоқададир. У табиат билан алоқа ва муносабатда бўлмасдан туриб яшай олмайди. Инсон ҳаётини табиатдан, табиий бойликлардан алоҳида ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Шундай экан, инсон ўзини табиатнинг бир қисми, бир бутунликнинг бўлаги сифатида тасаввур қилиши лозим, унинг табиат билан муносабатлари қарама-қаршиликда эмас, балки келишувда бўлиши шарт. Лекин табиат ва жамият муносабатлари инсон вужудга келган дастлабки кунлардан бошлаб қарама-қаршиликлардан иборат бўлди. Бу қарама-қаршиликлар кейинги даврда яна ҳам мураккаблашди. Бугунги кунда бу қарама-қаршиликлар табиатнинг бир бўлаги ҳисобланмиш инсон ва табиат ўртасидаги; жамият ва давлатнинг табиий муҳитдан фойдаланиш имкониятлари билан жамият талаблари ўртасидаги; ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги; табиатдан фойдаланувчи субъектлар — жамият, жамоавий гуруҳ, индивиднинг экологик онги ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган мақсадлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборат.

Қарама-қаршилик ижтимоий детерминацияни келтириб чиқаради, унинг ривожланиши сабабларининг пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, экологик криминоген детерминациянинг умумий сабаблари сифатида табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа қарама-қаршиликларнинг турлари ҳам учраши мумкин.

Аҳоли кенг қатламлари экологик маданиятининг пастлиги катта криминоген аҳамиятга эга [2]. Экология соҳасидаги жиноятларнинг содир

бўлиши ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳар бир фуқаронинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларни билиши ва уларда кўрсатилган норма ва қоидалар бажарилишининг зарурлиги тўғрисидаги экологик ҳуқуқий маданиятнинг даражасига ҳам боғлиқ. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда экологик таълим ва тарбиянинг ҳолати замон талабларига жавоб бермайди, кишиларнинг экологик билимлари жуда чекланган, одамларда табиатни авайлаб-асраш, унга онгли муносабатда бўлиш муносабатлари шаклланмаган.

Шахсларнинг экологик онгига таъсир қиладиган қарашларга, энг аввало, табиий муҳитнинг ҳолатига, унга келтирилаётган зарарга бепарволик билан қараш; табиий ресурслар тугамайди деган фикр; табиатга қанча таъсир ўтказилса, табиат ўзини-ўзи қайта тиклаш хусусиятига эга деган фикр; ҳуқуқий онгнинг пастлиги, экологик қонун ҳужжатларига нисбатан ҳурматсизлик кабилар киради.

Экологик жиноятларнинг ким томонидан содир этилганлигидан келиб чиқиб, бу жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: мансабдор ва мансабдор бўлмаган шахслар томонидан содир этиладиган экологик жиноятларнинг сабаб ва шароитлари.

Мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган экологик жиноятларнинг асосий фарқи шундаки, одатда бу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги юқори бўлади, айрим ҳолларда кўп миқдорда, баъзи ҳолларда эса қоплашнинг иложи бўлмайдиган даражада экологик зарар етказилиши мумкин.

Айни пайтда улар кўпинча позитив мотивлар, ижтимоий фойдали мақсад ва манфаатлар ниқоби остида содир этилади. Ташқи, осон аниқланадиган белгилари бўйича мансабдор экологик жиноятлар субъектлари умумий муҳитдан ажралмайди.

Мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг сабаб ва шароитлари инсон - табиат муносабатларининг ривожда келиб чиқадиган қарама-қаршиликлардан иборат бўлиб, улар: талаб ва уни қондириш имкониятлари ўртасидаги ҳал қилиб бўлмайдиган ва белгисиз қарама-қаршиликлар; иқтисод ва экология ўртасидаги; меҳнат хусусияти ва айрим органлар, минтақалар, аҳоли гуруҳлари орасидаги; зарур бўлган ва реал қўлланилган бошқариш услублари орасида; техника ва технологиялар даражасининг зарурлиги ва мавжудлиги орасидаги қарама-қаршиликлар.

Бу қарама-қаршиликлар энг аввало шахснинг мансаб даражаси билан боғлиқ бўлиб, шахснинг ташкилий бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатини бажариши жараёнида келиб чиқади.

Айнан ана шу соҳада жамият билан экологиянинг ўзаро алоқадорлигини таъминловчи режалаштириш, таъминлаш, тезкор бошқариш, ташкилий тузилмаларни тузиш, назорат қилиш, техника-технология ва ресурслар билан таъминлаш ишлари ҳал қилинади.

Экология соҳасида муҳим қарорларни қабул қилиши мумкин бўлган мансабдор шахслар миқдори анчагина. Ушбу шахслар иш мақоми, жавобгарлик даражаси ва бошқа бажарадиган вазифаларига кўра ажралади.

Мансабдор бўлмаган шахслар томонидан содир этиладиган экология соҳасидаги жиноятларнинг сабаби ҳар хил бўлиши мумкин. Амалиётда ушбу жиноятларнинг экинзор ва бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш, овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини овлаш қоидаларини бузиш каби турлари учрайди.

Бу жиноятларнинг объектив сабаби ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ишларининг етарли даражада олиб борилмаслиги; ов қилишни ташкил қилиш, таъминлаш ва амалга ошириш ишларидаги камчиликлар; ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслиги.

Субъектив сабабларга энг аввало шахсларнинг экологик ва ҳуқуқий онгининг жуда паст даражада эканлиги табиатга келтираётган зарар бўйича шахсий экологик жавобгарликни сезмаслик; [3] ўзига тегишли эмас деб ҳисоблаши; содир этилаётган жиноятларга бепарво муносабатда бўлиш ёки аксинча, ғараз мақсадларда атроф-муҳитга шикаст етказиш қабиларни кўрсатиш мумкин.

Фуқароларнинг мансаб ваколати билан боғлиқ бўлмаган экологик жиноятларнинг содир этилиши сабабларидан бири - ишсизликдир. Ишсизлик туфайли одамлар турмуш даражасининг пасайиб кетиши, бепул ёки имтиёзли даволаниш имкониятини йўқотганлик ҳам жиноят сабаблари бўлиши мумкин. Айнан шу сабаблар туфайли браконьерлик кўпайди, шахсий эҳтиёжлар учун ерларни эгаллаб олиш, махсус кўриқланадиган ҳудудларнинг кўриқланиш тартибини бузиш, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш ва бошқа ҳуқуқ бузилишларини айтиш мумкин.

Бундай ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаби, жиноят содир этувчи шахснинг тирикчилик қийинчилиги ҳисобланади, лекин кўпинча бу жиноятлар сабаби ғараз мақсадлардир.

Мутахассислар экологик жиноятчиликнинг 95-99% латент жиноятчилик эканлигини тўқидлашлари бежиз эмас [4]

Жиноятларнинг латентлиги унинг ижтимоий хавфлилик даражасини туғри баҳолаш, жиноятчиликнинг ҳолати, динамикаси, тузилиши ҳақида, келтирилган зарарнинг хусусиятини билиш имкониятини пасайтиради. [5]

Т.А. Бушуева экологик жиноятларнинг латентлиги сабаби улар учун қўлланиладиган жинойий жавобгарликнинг паст бўлиши билан боғлиқ деган фикрни билдиради. Жинойий жавобгарликни қўллашнинг паст бўлиши сабаби ҳар хил бўлиши мумкин: жиноят қонуни тузилишининг етарли эмаслиги, қонундаги камчилик, [6] содир этилган жиноятнинг хавфлилигининг етарли даражада баҳоланмаслиги (тергов органларига ишнинг ўтказилмаслиги,

жиноий жавобгарлик ўрнига маъмурий жавобгарликка тортиш) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига тўғри баҳо берилмаслиги.[7]

Экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи диспозицияларнинг тузилиши ҳам мураккабдир. Моддаларнинг ҳаммаси бланкет, бу нормаларни қўллаш учун нафақат жиноят ҳуқуқи, балки экологик, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳалари бўйича чуқур билим ва тажриба зарур бўлади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг кўпчилиги экологик жиноятларни квалификациялаш масаласига махсус эътибор қаратмайди, ўзларининг иш тажрибасида кундан-кунга ривожланаётган, ўзининг тузилиши ва таркиби бўйича мураккаб экологик қонун ҳужжатларига дуч келмаганлар.

Экология соҳасидаги жиноятларининг сабаб ва шароитларини таҳлил қилишга яқун ясаб, қуйидаги айрим ҳолатларни айтиб ўтиш ўринлидир. Инсон-табиат муносабатларининг ривожини бугунги куннинг энг асосий муаммоларидан биридир. «...инсон ва табиат муносабатлари тарихан икки шаклда ривожланган. Биринчиси — табиатдан инсоннинг фойдаланиши. Инсон ўзининг моддий ва маънавий талабларини қондириш учун табиатдан фойдаланади. Муносабатларнинг бу турини иқтисодий муносабатлар деб аташ мумкин. Иккинчиси — инсоннинг биологик ва ижтимоий организм сифатида ва унинг тирикчилик этадиган ўз муҳитнинг табиийлигини сақлаб қолиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган муносабатлар. Бу турдаги муносабатлар экологик муносабатлар деб аталади» Инсон-табиат муносабатларининг оқилона ривожланмаслиги, улар ўртасидаги қарама-қаршилиқларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса ижтимоий ривожланишда салбий таъсирни тезлаштирувчи даҳшатли омилга айланиши мумкин. Шундай ҳолат юз бериши мумкинки, табиатга келтирилган салбий антропоген таъсир ўз меъёрига етганда атроф-муҳитнинг деградацияси тикланмайдиган даражага келиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дубовик О.Л., Жалинский А.Э. Причины экологических преступлений.-М.: Наука. 1988, 90.
2. Алексеев А.И., Герасимов С.И., Сухарев А.Я. Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы.-М.: Изд-во НОРМА. 2001. -С.429.
3. Тимошенко Ю.А. Детерминанты экологической преступности // Российский журнал правовых исследований Том 7, №2, 2020.
4. Шарипкулова А.Ф. Предмет экологического преступления: диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.08 / Шарипкулова

А.Ф.[Место защиты: Тюмен. юрид. ин-т МВД РФ].- Тюмень, 2009.- 232 с.: ил. РГБ ОД, 61 09-12/624.

5. Л.Г. Татьяна, А.С. Лукомская, Р.Р. Юлдошев Понятие, сущность и современные перспективы предупреждения экологической преступности в Российской Федерации// Всероссийский криминологический журнал. 2019. Т. 13, № 1,103–113.

6. Эффективность юридической ответственности в охране окружающей среды. -М.:Наука. 1985. -С.116.

7. Зумакулов Д., Прохоров Л. Квалификация экологических преступлений //Российская юстиция.2000. №8. -С.36.

АХМЕДОВ Муроджон Махмудович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сонли Тошкент академик лицей ҳуқуқий ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси , мустақил изланувчи

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқий асосларни белгиловчи ҳужжатлар, бу борадаги ишларни такомиллаштириш юзасидан фикр–мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият, давлат, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонун, тарихий мерос, инсоний фазилатлар.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ И БОРЬБЫ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ

Аннотация: В статье даны размышление по профилактике правонарушений и преступности, а также пути их совершенствование.

Ключевые слова: Права и свободы человека, общество, государство, профилактика правонарушений, закон, историческое наследие, человеческие ценности

LEGAL FRAMEWORK AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF OFFENSE PREVENTION AND COMBAT CRIME

Annotation: The article contains the documents defining the legal basis for the prevention of crimes and the fight against crime, as well as opinions on improving the work in this regard.

Key words: Human rights and freedoms, society, state, crime prevention, law, historical heritage, human virtues.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминланиши, жамият ва давлат ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг асосийларидан бири содир этиладиган ёки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳолатига боғлиқдир.

Шу жаҳатдан Ўзбекистонда бу борадаги олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг асосий мақсади юртни осойишталигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳар-қандай кўринишдаги ғайриқонуний ҳаракатлардан асраш ҳисобланади. Бу борадаги ишларнинг ижобий самараларига ҳалқимиз ҳам, ҳалқаро ҳамжамят ҳам гувоҳдир десак, хато бўлмайди. Лекин шу билан бирга ҳозирги шиддатли ва таҳликали замонда ҳуқуқбузарликларнинг янги кўринишлари, уларни содир этишнинг турли-туман йўллари ортиб бориши жамият ва давлат олдида ечими зарур бўлган муаммоларни юзага келтиради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев лавозимга кириши тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида шундай деган: “Биз глобаллашув ҳар томонлама авж олаётган, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаётган мураккаб замонда яшамокдамиз. Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади”. [Янги Ўзбекистон газетаси 2023.20.07 й].

Шундай экан, давлатимиз ва жамиятимиздаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашда барча кучларни бирлаштириш, бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш заруратдир.

“Инсон-жамият-давлат” деган янги тамойил “Тараққиёт стратегияси”нинг энг асосини белгилаб берган бўлиб, барча эътибор инсон ва жамият ривожига қаратилмоқда.

Янги таҳриридаги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, жамиятдаги ҳавфсизлик ва қонун тантанасининг кафили ва бош ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Унда айнан инсон манфаатлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Инсон ва ҳуқуқ ва эркинликлари ва жамият ҳавфсизлиги ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан химояланганлиги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Бу борада 2014 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” Қонун ҳам қабул қилинган. Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, унинг мақсад ва вазифалари, асосий принциплари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари, бу соҳада фаолият юритадиган давлат органлари, уларнинг ваколатлари, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган.

Қонуннинг 2-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ҳалқаро ҳуқуқ нормалари устунлиги эътироф этилган. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг умумбашарий кадриятларга содиқлигини яна бир бор намоён этади. Ҳозирги даврда юзага келган вазият ва янги турдаги, турли кўринишлардаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашда энг аввало буюк тарихимиз, аждодларимиз меросини чуқур ўрганишимиз зарур. Шу билан бир қаторда ҳалқаро ҳуқуқнинг илғор тажрибасидан унумли фойданган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига самарали таъсир этувчи миллий қонунчиликни такомиллаштириш замон талабидир. Бу вазифаларни ечиш орқали кўзланган мақсадга етиш тезлашади. Қонунчиликдаги юзага келаётган камчилик ва нуқсонлар кенг жамоатчилик иштирокида, малакали мутахассислар томонидан таҳлил этилиши ва зарурий ўзгаришларни жадаллаштириш лозим. Бунда қонуннинг қаттиқлиги эмас, унинг берадиган натижаси асосий вазифа этиб белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашда инсон қадрини улуғланишига хизмат қилади. Ҳозирда, афсуслар бўлсинки жамият давлат ривожига таҳдид солувчи коррупция ҳолатлари, кибержинойтчилик, одам савдоси, пул топишнинг нопок йўллари авж олиши кузатилмоқда. Бунга объектив ва субъектив сабаблар бор албатта. Булардан бири бозор муносабатларига ўтишни табиий зарурат ҳисобласак, инсонларда молу-давлатга ҳирс қўйиш, миқёси нафсни қулига айланиш, манманлик, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўйиш йўлида ҳуқуқни бузишдек субъектив сабаблар юзага келмоқда.

Бу борадаги ишларда жамиятдан яқдиллик, фуқаролар онгида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси энг аввало ҳар бир фуқарони, унинг оиласи ва яқинларини, жамиятдаги ҳар бир шахсни манфаатини кўзлайди деган қонидани шакллантириш талаб этилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси уларни олдини олишдан эмас, балки инсонларни янада хавфли турдаги ҳаракатлардан сақловчи омил ҳисобланади.

Шундай экан инсон ва фуқаролар буни англашлари талаб этилади. Аҳоли ўртасида бу борада тарғибот-тушунтириш ишларини тизимли давом эттириш табиий эҳтиёждир. Шу ўринда ҳозирда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига салбий таъсир этаётган ҳар қандай иллатга, айниқса миллий ва азалий кадриятларга путур етказаётган ахборотларни тарқатаётган, ёшлар онгида зўравонлик ва ҳою-хавасни, маънавий бузуқликни тарғиб қилаётган шахсларга мурасасизликни айнан жамият намоён этиши талаб этилмоқда. Бу йўлдаги қонунчиликни такомиллаштиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатлари, унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликни олдини олиш Конгресси тамонидан қабул қилинган ҳужжат ва тавсиялардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга энг аввало улуғ аждодлар меросини ўрганиш, жамиятдаги иллатларга қарши курашда уларнинг самара берадиган йўлларида янада унумли фойдаланишни зарур деб ҳисоблаймиз. Бу йўлда ўзбек миллий давлатчилигининг буюк Уйғониш

даврларидаги, жадиdчилик намоёндаларининг дурдоналаридан унумли фойдаланиш лозим. Шу мақсадда жамиятнинг барча кучлари бирлашса, келажак бунёдкорлари ёшларни онгида қонунийлик, ижтимоий адолат, инсоний фазилатларнинг хар қандай ҳолатда ҳам инсон қадрини улуғлашга хизмат қилиши ҳақида тасаввурни шакллантириш долзарбдир. Бу эзгу мақсад йўлида “Бир ёқадан бош чиқариб” иш олиб бориш албатта ўз ижобий натижасини ишонч билдирамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Конституцияси. Тошкент-2023й.
2. “Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” Қонуни. Тошкент 2014 й.
3. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев лавозимга кириши тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқи. [Янги Ўзбекистон газетаси 2023.20.07й]
4. БМТнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни олдини олиш Конгресси ҳужжатлари. Москва 2014 й.

АХМЕДОВ Шерзодбек Орибжон ўғли

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ХОДИСАЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ОРҚАЛИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда республикамизда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари ўрганилган. Бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг бугунги ҳолати атрофлича таҳлил қилинган бўлиб уни такомиллаштириш бўйича баъзи фикр-мулохазалар баён этилган.

Калит сўзлар: Йўл ҳаракати, хавфсизлик, транспорт воситаси, йўл-транспорт ҳодисаси, ҳуқуқбузарлик, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ ПОСРЕДСТВОМ ПРОФИЛАКТИКИ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ

Аннотация: В данной статье изучаются дорожно-транспортные происшествия, происходящие сегодня в нашей республике, их причины и условия. Кроме того, подробно анализируются нарушения в области безопасности дорожного движения и современное состояние безопасности дорожного движения, а также представлены некоторые мнения по ее улучшению.

Ключевые слова: дорожное движение, безопасность, транспортное средство, дорожно-транспортное происшествие, правонарушение, обеспечение безопасности дорожного движения.

ENSURING ROAD SAFETY THROUGH ROAD ACCIDENT PREVENTION

Annotation: This article examines road traffic accidents occurring today in our republic, their causes and conditions. In addition, violations in the field of road safety and the current state of road safety are analyzed in detail, and some opinions on how to improve it are presented.

Key words: Traffic, safety, vehicle, traffic incident, offense, ensuring traffic safety,

Маълумотларга кўра Юртимизда сўнги йилларда хусусан, 2020 йилда жами 6983 та ЙТХлари содир бўлиб, унда 6591 нафар фуқаролар жароҳат олган 1962 нафар фуқаролар эса ҳалок бўлган бўлса, ҳодисаларнинг 1139 тасида болалар иштирок этган. 2021 йилда эса жами 10001 та ЙТХ содир этилган бўлиб, 9230 нафар фуқаролар жароҳат олган, 2426 нафар фуқаро ҳалок бўлган, энг ачинарлиси эса 1621 та ҳодисада болалар иштирок этган. Бундан ташқари 2022 йилда эса 9902 та ЙТХ содир этилган бўлиб, унда 9606 нафар фуқаро жароҳат олган ва 2356 нафар фуқаролар вафот этган. 2022 йилда содир бўлган ЙТХларни келиб чиқиш сабабларига кўра уларнинг 4759 таси ёки 48,1 фоизи объектив сабабларга кўра яъни пиёдалар ўтиш жойи ташкил этилмаганлиги сабабли – 1017та, йўлни иккига ажратувчи тўсиқлар ташкил қилинмаганлиги сабабли – 1302та, пиёдалар ҳаракатини чекловчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги сабабли – 1154та, светофор ёки йўл белгиси ўрнатилмаганлиги сабабли – 214та, велойўлаклар ташкил этилмаганлиги сабабли – 342та, йўл қопламаси носозлиги сабабли – 408та ва яна бошқа объектив сабабларга кўра 322 та ЙТХлари содир этилган. Шунингдек, умумий ЙТХларнинг қолган 5143 таси ёки 51,9 фоизи субъектив сабабларга кўра яъни белгиланган тезликка риоя қилмаслик оқибатида – 1577та, светофор ёки йўл белгисига риоя қилмаслик оқибатида – 845та, ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги оқибатида – 1046та, уҳлаб қолиш ва чарчоқ оқибатида – 343та, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаганлар томонидан – 493та, маст ҳолда бошқариш оқибатида – 299та ва бошқа субъектив сабабларга кўра 540та ЙТХлар содир этилган. (1) Юқоридаги рақамлардан кўриш мумкинки бугунги кунда Республикамизда содир бўлаётган ЙТХларнинг объектив ва субъектив сабабларига кўра уларнинг сони кўплиги ҳатто айрим ривожланган давлатлардан бир неча ўн баробар юқорилиги ва энг асосийси ушбу ЙТХларда кўплаб инсонлар жароҳат олаётганлиги ва вафот этаётганлиги долзарб муаммолардан бири саналади. Бундай ҳолатларни олдини олиш ва йўл-транспорт ҳодисаларни камайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Таҳлилларга кўра йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишида ҳудудларда муайян фарқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2021 йилда аниқланган 7,7 миллион ҳуқуқбузарликдан 46 фоизи кўпол қоидабузарликлар ҳисобланади. Айниқса маст ҳолда бошқариш Самарқанд (12 мингта), Тошкент вилояти (8,5 минг), Фарғона (7,5 минг) ва Тошкент шаҳрида (7 минг), қизил чироққа ўтиш Тошкент вилояти (62 минг), Самарқанд (51 минг) ва Тошкент шаҳрида (47 минг) анча юқори. Айниқса, 2021 йилда Чироқчида 43 та, Наманган шаҳрида 42 та, Янгийўл туманида 34 та, Ургутда 28 та, Андижон туманида 20 та ЙТХда одамлар ҳаётдан бевақт кўз юмган. Шунингдек, 2021 йилда республика бўйича 95 минг нафар ҳайдовчи 5 тадан кўп, 9 минг нафари 20 тагача, 700 нафари 50 тагача, 18 нафари 100 тагача қоидабузарлик содир этган (2). Демак бу ҳудудлар бўйича ЙТХнинг олдини олиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-348 сонли қонунининг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатларидан бири сифатида “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради”(3) деб белгилаб қўйилган. Аммо бугунги кунда амалиётда ҳеч бир маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бундай дастурларни қабул қилмаган ва бу бўйича ташкилий ишларни амалга оширмаган.

Бинобарин, Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳар бир ҳудуднинг ўз тажрибалари бўлиши тўғрисидаги ғоянинг муаллифи Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳисобланади. Жумладан, Президентимиз 2018 йил 28 декабрь кундаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Одамлар тинч яшаши учун бутун мамлакатимизда жиноятдан ҳоли муҳит яратишимиз шарт. Биз Ички ишлар вазирлиги тизимида ваколат ва функцияларни қуйи бўғинга тушириб, уни чинакам халқчил тизимга айлантиришимиз зарур. Бу борада илмий ёндашув ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз. Ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак” (4), дея таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб бугунги кунда Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг турлари ва хусусиятларидан кели чиқиб ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тизимини жорий этиш зарур ҳисобланади. Кўпгина ривожланган давлатларнинг жумладан АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Австралия сингари давлатларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак

ушбу давлатларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳудудий дастурлари қабул қилинган. Ҳатто АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Австралия сингари давлатларда мамлакатнинг турли ҳудудларида йўл ҳаракати қоидаларида ҳам маълум фарқлар мавжуд. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳудудий дастурларнинг аҳамияти шундаки, бундай дастурлар ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий омилларни, аниқроғи йўл-транспорт ҳодисаларига ҳудудларда кўпроқ сабаб бўлаётган ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш имконини беради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раислигида 2023 йил 28-июль куни Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар аҳволидан халқ мутлақо норозилигини айтиб ўтган. Шунингдек, ўтган олти ойнинг ўзиде 4 мингга яқин автоавариялар содир этилиб, 873 нафар шахс вафот этган, 3,5 мингдан ортиғи жароҳат олганлиги таъкидланган. Йиғилишда “Йўл ҳаракати хавфсизлиги – жамоатчилик назоратида” тамойили асосида йилига камида икки марта ижтимоий сўров ўтказиш йўлга қўйилиши айтиб ўтилган. Энди йўлдаги дислокация тушунчасидан воз кечилиб, барча йўл-патруль хизмати ходимлари учун маҳаллаларни қамраб олувчи жавобгарлик ҳудуди белгилаб қўйилиши назарда тутилган. (5) Бундан олдин ҳам бир неча бор йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига қаратилган йиғилишлар ўтказилган. Бундай йиғилишларда Президент томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида автомобил йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан қафолатли ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобил йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги “Автомобил-транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни имтиҳондан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 393-сонли Қарори ишлаб чиқилди.

Ушбу қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий мақсади йўл ҳаракатини ва транспорт оқимини тартибга солиш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, йўл ҳаракати қоидаларини халқаро талаблар

асосида қайта ишлаб чиқиш, ҳайдовчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирлар ва қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қарамасдан, инсонлар ўлимга олиб келаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам юқори бўлиб, йўлларда хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Юртимизда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлилларига назар ташлайдиган бўлсак, йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқишининг асосий сабаблари сифатида – белгиланган тизликка риоя қилмаслик, светофор ва йўл белгиларига риоя қилмаслик, ёмон табиий шароит, ҳайдовчининг чарчаганлик ҳолати ва ухлаб қолиши, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмасдан бошқариш ва маст ҳолатда бошқариш кабиларни киритиш мумкин. Бу субъектив сабабларнинг ичида, тезлик меъёрларига амал қилмаслик авария оқибатларининг оғирлик даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, автомобилни ўртача тезликдан ҳар 1 км/соат тезликка ошириб бориш – йўл-транспорт ҳодисаларида тан жароҳати олинishi ҳолатини 3 фоизга, ўлим билан боғлиқ ҳодисалар келиб чиқишини 5 фоизга ошишига сабаб бўлади. Масалан, 50 км/соат тезликда ҳаракатланаётган автомобил томонидан уриб юборилган катта ёшдаги пиёданнинг вафот этиш эҳтимоли 20 фоизни, 80 км/соат тезликда эса 60 фоизни ташкил этади. Шунингдек, транспорт воситасини спиртли ичимлик ёки таркибида психофаол моддалар мавжуд препаратлар ёки гиёҳвандлик воситалари истеъмоли таъсирида бошқариш ҳоллари оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари сонини 5 баробарга кўпайиши хавфини келтириб чиқаради. Бошқарув пайтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланувчи ҳайдовчиларнинг авария ҳолатларига учраши бошқаларга нисбатан 4 баробарга кўпни ташкил этади. Алоқа воситалари орқали ёзишмаларни амалга ошириш эса, ушбу кўрсаткични янада икки баробарга ошишига сабаб бўлади. Чунки, ушбу воситалардан фойдаланаётган вақтда аввало ҳайдовчи чалғийди, ҳушёрлиги йўқолади, йўл белгиларига ва бошқа ҳайдовчилар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларга нисбатан эътиборсиз бўлади, оралиқ масофа сақланмайди, ўз йўналиши бўйича ҳаракатланишни назорат қила олмайди ва оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқади.

Экспертлар ҳулосаларига кўра, мотоциклчилар томонидан тегишли шлемлардан тўғри фойдаланиш ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодиса хавфини 40 фоизга, уларда жароҳатлар олиш билан боғлиқ ҳолатларни 70 фоизга қисқартиради. Автомобилнинг олд қисмида ўтирган йўловчи учун хавфсизлик камаридан фойдаланиш ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодиса хавфини 40-50 фоизга, орқа ўриндикдаги фойдаланувчилар учун эса 70-75 фоизга камайишига, шунингдек, ёш болалар учун махсус ўриндиклардан тўғри фойдаланилиши бу каби нохуш ҳолатларни 75-80 фоизга камайишига сабаб

бўлади. Бугунги кунга келиб жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида транспорт воситаларидан фойдаланишда умуммажбурий қонун нормалари амалга киритилган. Жумладан, 105 та давлатда ҳайдовчиларга ва йўловчиларга ҳам бирдек амал қилувчи хавфсизлик камарларидан мажбурий равишда фойдаланишни назарда тутувчи, 53 давлатда ёш болалар учун махсус ўриндиқлардан мажбурий фойдаланишни белгиловчи, 47 та давлатда шаҳар жойларида соатига 50 км тезликдан ошмайдиган тартибни назарда тутувчи, 44 та давлатда рухсат этилган махсус шлемлардан мажбурий равишда фойдаланишни талаб қилувчи, 23 та давлатда 100 баллик тизимда қўлланилган жарималар ҳисобини баҳолаб боровчи қонунлар мавжуд бўлиб, ушбу қоидаларга амал қилмаган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий тартибда қатъий чоралар кўриб бориш амалиёти кенг жорий қилинган. БМТ томонидан 2017 йилда тайёрланган глобал миқёсдаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича “Тезлик меъёри назорати” деб номланувчи маърузада келтирилишича, сўнгги ўн йилликда ривожланган мамлакатларда йўл-транспорт ҳодисалари сони камайишига эришишда ягона ёндашувдан кенг фойдаланилган. Бу ўринда, йўлларга барча замонавий техника ютуқларини жорий этиш, уларни замонавий пиёдалар йўлакчалари, велосипедчилар трассалари, хавфсиз ўтиш жойлари ва бошқа транспорт воситалари ҳаракатларини секинлаштирувчи воситалар билан жиҳозланиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлайди.

Ҳулоса қилиб айтганда мамлакатимиз йўлларида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг объектив ва субъектив сабабларини чуқур илмий таҳлил қилган ҳолда ҳар бир ҳудуд ва минтақа учун алоҳида дастур ва йўл ҳариталарини ишлаб чиқиб, авариялар ўчоқлари ва йўл-транспорт ҳодисалари кўплаб содир бўладиган ҳудудларга алоҳида ёндошувни таълаб қилмоқда.

Адабиётлар

1. <https://yhxx.uz/uz/statistics/2022-jil-davomida-respublikamiz-jllarida-sodir-blgan-jl-transport-odisalari-bjicha-talil>
2. <https://review.uz/oz/post/prezident-ishtirokida-yollarda-harakat-xavfsizligini-taminlash-masalasida-yigilish-otkazildi?ysclid=ln2ol5giiy805524057>
3. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi)
4. <https://kun.uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn?ysclid=ln2p1qn0rz-857475024>
5. <https://qalampir.uz/news/yul-%D2%B3arakati-khavfsizligi-ra%D2%B3bariga-%D2%B3ayfsan-berildi-86998?ysclid=ln2rgtp1sc979134996>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобил йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли Қарори,

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМ-172-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги “Автомобилтранспорт воситаларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни имтиҳондан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-393-сонли Қарори.

9. <https://kun.uz/news/2020/09/29/yollardagi-fojialarni-qandaykamaytirish-mumkin-bolalarni-avtohalokatlardan-saqlash-boyicha-koreya-tajribasi>.

ПУЛАТОВА Аида,
соискатель ТГЮУ

ВАЖНОСТЬ ИНФОРМАЦИОННО- АНАЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Аннотация: в работе рассматриваются актуальные вопросы использования в профилактике правонарушений несовершеннолетних информационно-аналитической информации

Ключевые слова: использование, субъекты профилактики, правонарушение, информация, аналитика, функция, механизм.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси бўйича ахборот-таҳлилий маълумотлардан фойдаланиш долзарблиги келтирилган.

Калит сўзлар: фойдаланиш, субъектлар, олдини олиш, ҳуқуқбузарлик, ахборот-таҳлилий маълумотлар, профилактика, вояга етмаганлар.

IMPORTANCE OF INFORMATION AND ANALYTICAL ACTIVITIES IN THE PROCESS OF PREVENTION OF JUVENILE OFFENSES

Annotation: the research explores the actual issues of using information-analytical information in the prevention of minors law violence.

Keywords: usage, subjects of prevention, law violence, information, analytics, function, mechanism.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 26 марта 2021 года № УП-6196 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью» в целях укрепления в стране законности и

правопорядка, обеспечения общественной безопасности, профилактики правонарушений и борьбы с преступностью в принято **«решение непосредственно на местах проблем относительно профилактики правонарушений и борьбы с преступностью посредством выявления и устранения причин совершения преступлений в разрезе каждой махалли, семьи и личности»¹**.

Как нам известно, эти требования в полной мере относятся с подрастающему поколению – несовершеннолетним. Отметим, что одним из условий успешного осуществления профилактической деятельности является обеспечение своевременного и полного обмена информацией между субъектами профилактики². Поскольку, информационно-аналитическая деятельность составляет базу функционирования всего механизма управления профилактикой правонарушений несовершеннолетних.

Не вызывает сомнений тот вопрос, что важность сбора своевременной информации о подростках-правонарушителях, ее переработка, хранение и создание условий использования информации, необходимо для эффективного функционирования профилактической системы³.

Согласно ст. 6 Закона Республики Узбекистан от 29 сентября 2010 года № ЗРУ-263 «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних» государственные органы и иные организации, а также граждане незамедлительно информируют:

органы прокуратуры – о нарушении прав, свобод и законных интересов несовершеннолетних;

комиссии по делам несовершеннолетних – о нарушении прав, свобод и законных интересов несовершеннолетних, а также о допущенных недостатках в деятельности органов и учреждений, осуществляющих профилактику безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних;

органы опеки и попечительства – о детях-сиротах, детях, оставшихся без попечения родителей либо находящихся в обстановке, представляющей опасность для их жизни или здоровья либо не отвечающей требованиям к их содержанию, воспитанию и образованию;

органы по труду и социальной защите населения – о выявлении несовершеннолетних и семей, находящихся в социально опасном положении и нуждающихся в социальной помощи государства;

¹ См. Народное слово , 29 марта 2021 года.

² Такие требования закреплены и в Законе Республики Узбекистан от 14 мая 2014 года, № ЗРУ-371 «О профилактике правонарушений» //Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Ташкент, 2014 г., № 20, ст. 221.

³ См. об этом также: Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари //Жинойятларнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар: Илмий-назарий конференция материаллари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. -Б. 206-207.

органы внутренних дел – о несовершеннолетних и семьях, находящихся в социально опасном положении, несовершеннолетних, совершивших правонарушения или иные антисоциальные действия, а также о родителях и других лицах, вовлекающих несовершеннолетних в совершение правонарушений или иных антисоциальных действий либо совершающих в отношении них другие противоправные деяния;

органы управления здравоохранением и учреждения здравоохранения – о несовершеннолетних, нуждающихся в медицинском обследовании, наблюдении или лечении вследствие систематического употребления спиртных напитков, наркотических средств, психотропных или других веществ, влияющих на интеллектуально-волевую деятельность;

органы управления образованием и образовательные учреждения – о несовершеннолетних, самовольно покинувших специализированные учебно-воспитательные или другие детские учреждения либо не посещающих или систематически пропускающих по неуважительным причинам занятия в образовательных учреждениях и нуждающихся в социальной помощи

Приведенный перечень информационно – аналитической деятельности не является исчерпывающим, поскольку информация об устранении причин и условий, способствующих правонарушениям и антиобщественным действиям несовершеннолетних, об организации трудоустройства, отдыха и досуга несовершеннолетних и детей, проживающих в семьях, находящихся в социально опасном положении, и по иным вопросам профилактики правонарушений несовершеннолетних направляется и в другие заинтересованные органы и учреждения. Причем полученная информация подлежит хранению и использованию в порядке, обеспечивающем ее конфиденциальность

Несмотря на достаточно подробную регламентацию порядка обмена информации, в практической деятельности по исполнению этих предписаний имеется много упущений, связанных с сокрытием сведений о совершении несовершеннолетними в учебных заведениях и по месту жительства мелких краж, хулиганства, употреблении наркотических средств, психотропных или одурманивающих веществ, спиртных напитков либо участия подростков в иных антиобщественных деяниях. Подобные случаи, как правило, обусловлены нежеланием информировать органы внутренних дел о правонарушениях, имевших место в учебных заведениях, неудовлетворительной работой должностных лиц, субъектов профилактики и иными факторами.

Все это свидетельствует о том, что информационно-аналитическая деятельность субъектов профилактики, особенно в части получения, обработки и анализа сведений о правонарушениях несовершеннолетних нуждается в совершенствовании.

Как справедливо считают многие ученые, без наличия полной и достоверной информации о состоянии и причинах правонарушений невозможно принятие обоснованных управленческих решений. Так, более 35 лет назад криминолог В.В. Панкратов высказал суждение, что перспективны тенденции развития научных исследований «по линии разработки унифицированных классификаторов информации, важной для дифференцированного анализа состояния преступности несовершеннолетних, создания банков такой информации, пригодных для их анализа на компьютерах, создания районных информационных систем».¹

В этой связи представляет интерес опыт разработки и внедрения информационно-поисковой системы «Подросток» в России и, в частности в Воронежской области, где подготовлена специальная карточка – носитель информации о личности несовершеннолетнего, совершившего преступление или общественно опасное деяние до достижения возраста, с которого наступает уголовная ответственность. Организована проверка поступивших в УВД карточек, а их обработка с помощью компьютера и подготовка выходных таблиц осуществляется сотрудником вычислительного центра. Заполнению карточек предшествует глубокое, всестороннее изучение подростка, его окружения незамедлительно после разрешения материала (возбуждение или отказ в возбуждении уголовного дела по нереабилитирующим основаниям), проводятся беседы с родителями, учителями мастерами училищ и предприятий, руководителями кружков, секций и т.д. В результате выходные таблицы этой системы содержат значительный объем информации не только о состоянии правонарушений, но и об их причинах, а это позволяет глубоко анализировать негативные процессы в подростковой среде и принимать необходимые профилактические меры.

С учетом изложенного, представляется целесообразным:

- провести в ряде регионов эксперимент по внедрению в практику вышеуказанной информационно-поисковой системы «Подросток»;

- разработать межведомственный нормативный правовой акт о порядке, объеме и сроках обмена статистической информацией между субъектами профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних, а также иными органами, принимающими участие в такой деятельности;

рекомендовать министерствам внутренних дел, образования, здравоохранения, труда и социального развития Республики Узбекистан разработать формы отчетности об участии заинтересованных подразделений и служб в профилактике правонарушений несовершеннолетних по вопросам, входящим в их компетенцию.

¹ Панкратов В.В. Предупреждение правонарушений несовершеннолетних – комплексная программа // Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 46. – М.: Юридическая литература, 1988, с. 27.

Использованная литература:

1. Народное слово , 29 марта 2021 года.
2. Закон Республики Узбекистан от 14 мая 2014 года, №ЗРУ-371 «О профилактике правонарушений» //Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Ташкент, 2014 г., № 20, ст. 221.
3. Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари //Жиноятларнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар: Илмий-назарий конференция материаллари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. -Б. 206-207.
- 4.Панкратов В.В. Предупреждение правонарушений несовершеннолетних – комплексная программа // Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 46. – М.: Юридическая литература, 1988, с. 27.

ГАНИЕВ Шахобиддин Холматович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиги вазифасини бажарувчи

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БОРАСИДА ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада жиноятчиликка қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари, бу борада жиноят қонунчилигининг аҳамияти ва ундаги мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари кўриб чиқилади. Шунингдек, унинг самарали жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилинган.

Таянч сўзлар: жиноят, жиноят қонунчилиги, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни олдини олиш, жиноий жазо, кимёвий кастрация, муқаддам судланган, жиноятчилик статистикаси.

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 14-мақсадида “Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон кадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш”, шунингдек, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш вазифаси белгиланган[1].

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шунингдек, жиноятларни олдини олиш ва унга қарши кураш борасида ваколатли тузилмаларга барча шароитлар яратилмоқда. Охирги икки йилда ҳуқуқ-тартибот фаолиятига оид 10 та қонун, Президентнинг 40 га яқин фармон ва қарорлари, 60 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди[2].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги ҳам бугунги кун замон талабига жавоб берадиган ва ўз вазифаларини самарали бажариб бера оладиган даражада бўлиши учун такомиллаштириб, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда.

Мазкур мақолада жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги муаммо ва уларнинг ечимларини ёритиш жараёнида даставвал “жиноят”, “жиноят қонунчилиги”, “жиноий жазо”, “кимёвий кастрация” каби сўзларнинг терминологик тушунчаларига тўхталиб ўтишимиз ва уларнинг мазмунини тушуниб олишимиз мақсадга мувофиқдир, негаки ижтимоий ва бошқа юридик адабиётларда мазкур терминлар турлича талқин қилинади.

Жумладан, Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан *жиноят* деб топилади.

Жиноят қонунчилиги – Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланган бўлиб, Жиноят кодексидан иборатдир.

Жиноий жазо деганда жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чораси тушунилади[3].

Кимёвий кастрация деганда организмга тиббий дори юбориш орқали жинсий фаолликни вақтинчалик камайтиришни тушунишимиз мумкин[4].

Амалдаги Жиноят кодексининг 2-моддасида “кодекснинг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун Кодекс жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди” деб кўрсатиб ўтилган.

Бироқ, бугунги кунда республикамизда жиноятлар яна тинмасдан содир этилиб келинаётганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол қилиб оладиган бўлсак, республика миқёсида содир этилган жиноятларнинг статистикасига кўра, 2021 йилда жами 111.082 та (бир юз ўн бир минг саксон икки), 2022 йилда

жами 105.215 та (бир юз беш минг икки юз ўн беш) жиноятлар содир этилганлиги аниқланган[5].

Ушбу жиноятчилик статистикасининг таҳлили нимадан далолат беради?. Албатта, амалдаги жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги жиноят қонучилигини такомиллаштириш ҳамда унга самарали натижа берадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кераклигидан далолат беради. Зеро, ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида ижобий амалиёт йўлга қўйилган бўлсада, аммо таҳлиллар натижасига кўра жиноят қонунчилигида айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлиги сабабли жиноятлар салмоғининг ўсиши тенденциясини кузатишимиз мумкин.

Биринчидан, жиноятчилик статистикаси таҳлиliga кўра, 2022 йилда содир этилган жиноятлар ичида энг кўпи босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик ва ўғрилик, яъни иқтисодиёт соҳасидаги, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш туридаги жиноятлар содир этилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу турдаги жиноятларни содир этган шахслар ўз олдига асосан, моддий ва мулкий бойликларга эга бўлиш ва осон йўл билан бойиш, ўзганинг ҳаққи эвазига яшашни ўз олдига мақсад қилиб кўядилар. Шу сабабли ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари бўйича айбланувчи томонидан жабрланувчига нисбатан етказилган моддий зарарнинг ўрни дастлабки тергов ва суд тергов жараёнларида тўлиқ қопланмаган бўлса, унга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати қисқартирилиши ва енгил жазога алмаштирилиши мумкин эмас деган нормани жиноят қонунчилигига киритиш лозим, ана шундагина ушбу жиноятлар содир этилишининг самарали натижада олди олинган бўлар эди. Мазкур турдаги жиноятлар тинмасдан содир этилиб келинаётганлигини сабаби, ҳозирги кунда амалдаги жиноят қонунчилигига кўра, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш туридаги жиноятларни содир этган шахснинг ўзи ҳам унга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатини моддий зарарни қопламаган бўлсаям тўлиқ ўтамаслигини яхши билади. Мисол учун, ушбу турдаги жиноятни содир этмоқчи бўлган шахс жиноят содир этишдан олдин ўзининг жиноий режасини тузиш пайтида шуни ўйлайдики, яъни ўзганинг мулкани жуда кўп миқдорда талон-торож қилса, унга нисбатан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилса ҳам у моддий зарарни ўрнини қопламасликка ва натижада тайинланган жазо муддатининг учдан бир қисмини ўтаб бўлганида, унинг жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазога алмаштирилишини ва озодликка чиқиб олганидан сўнг, жиноий йўл билан қўлга киритган жуда кўп миқдордаги моддий бойлик эвазига ўзининг турмуш тарзини яхшилаб олмоқда ва ҳеч бир меҳнатсиз осон йўл билан бойиб кетмоқда. Шу сабабли ушбу норма Жиноят кодексига аниқ белгилаб қўйилса, шунда мазкур турдаги жиноятни содир этмоқчи бўлган шахс

жиноятни содир этишдан олдин бундай мақсад қўя олмаслиги аниқ, сабаби унинг мақсади осон йўл билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш ҳисобланади, лекин у моддий зарарни ўрнини тўлиқ қопламаган тақдирда, унга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатини тўлиқ ўташини олдиндан билиб, ушбу танлаган жиноий йўлидан орқага қайтиши табиий. Шунинг учун Жиноят кодексининг 73-моддаси “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш” ва 74-моддаси “Жазони енгилроғи билан алмаштириш”га моддий зарар билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари бўйича етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланмаган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати қисқартирилиши ва енгил жазога алмаштирилиши мумкин эмас деган нормани киритиш лозим.

Иккинчидан, жиноятчилик статистикасига кўра, 2022 йил мобайнида жиноятларни содир этган шахслар тоифаси бўйича 11.415 та (ўн бир минг тўрт юз ўн беш) жиноятлар муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилганлиги аниқланган. Бу ҳам шундан далolat берадики, яъни жиноятни содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, тайинланган жиноий жазодан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, тузалиш йўлига кирмасдан, такроран яна жиноят содир этиш йўлига кириб, ўзининг жиноий режасини давом эттириб келаётганликларини кўришимиз мумкин. Шунинг учун жиноят қонунчилигига муқаддам судланганлар томонидан такроран жиноят содир этилса, уларга нисбатан фақатгина озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши ва ушбу тайинланган жазонинг муддати қисқартирилиши ҳамда енгил жазога алмаштириш мумкин эмас деган нормани киритиш лозим. Шундагина, муқаддам судланган шахслар такроран жиноят содир этиш йўлларида қайтишади ва ушбу норма уларнинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам беришга хизмат қилади.

Учинчидан, Жиноят кодексининг 46-моддасида “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди” деб кўрсатиб ўтилган. Ана шу норма бугунги кунда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилувчи органлар – Ички ишлар органларининг Пробация хизматига муаммоли ҳолатларни келтириб чиқармоқда, сабаби ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 3 йил муддатга тайинланган шахс томонидан жазони ўташдан бўйин товлаш бошланса, Пробация хизмати ходимлари орадан 3 ойдан кўп вақт ўтишини кутиб туришларига тўғри келади, натижада жазони ўташдан бўйин товлаб келаётган шахсга ҳеч қандай чора кўра олмасдан келмоқдалар, чунки ушбу муддат ўтмагунига қадар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликдан чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига

алмаштириш юзасидан жиноят ишлари бўйича судга тақдимнома кирита олмайдилар. Шунинг учун ушбу нормани жиноят қонунчилигидан чиқариб ташлаш лозим ва уни ўрнига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган шахс биринчи ойнанинг ўзида жазони ўташдан бўйин товласа, унинг жазоси озодликдан чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш кераклиги ҳақида нормани киритиш лозим, шунда бугунги кундаги ушбу муаммо бартараф этилган бўлар эди.

Тўртинчидан, ҳозирги вақтда, афсуски, 14 ёшдан кичик бўлган шахсларга нисбатан номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятлари содир этилиши кундан кунга ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Албатта, бу ачинарли ва инсон қиёфасига тўғри келмайдиган ҳолатлар ҳисобланади. Шунинг учун амалдаги Жиноят кодексининг 118-моддаси 4-қисми “ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш”, 119-моддаси 4-қисми “жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса” каби жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазо тариқасида кимёвий кастрацияни қўллаш лозим, бу ҳам ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш борасида ўзининг самарали натижасини беради. Чунки педофилларда жинсий аъзо яроқсизга айлантирилса, кейинчалик улар бошқа болаларга жинсий зўравонлик қила олмайдиган бўлишади. Ушбу жазога чет эл давлатлари қандай назар билан қарашларига эътибор қаратадиган бўлсак, Қозоғистон, Украина, Германия, Норвегия, Швеция, Дания, Исроил, Жанубий Корея, Франция, АҚШ каби давлатларда бор экан бу жазо.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, жиноятчиликка қарши курашиш борасида жиноят қонунчилигини ривожлантириш ва ундаги юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш учун тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали ёки жавобгарликни кучайтириш орқали эришиш мумкин. Юқорида баён қилинган муаммоларнинг ечими жиноят қонунчилигини такомиллашишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. <https://iiv.uz/oz/news/prezident-maqsadimiz--adolat-va-qonun-ustuvorligini-taminlash-orqali-xalqimizni-rozi-qilish>.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Тошкент - 2023 й.
4. <https://www.xabar.uz/jamiyat/pedofilni-kimyoviy-bichish-qancha>.
5. <https://stat.uz/uz/>.

ТУРДИКУЛОВ Шухрат Худойкулович,

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси тадқиқотчиси, социология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) e-mail: txshuhrat65@mail.ru*

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ВА УНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ушбу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси самарали амалга оширилса, коррупцияга қарши курашишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти олдида турган вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилиши, бу жараёнга барча давлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ва оддий фуқаролар жалб этилиши зарур. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлар билан самарали ҳамкорлик қилмасдан коррупция муаммосини ҳал қилиб бўлмайди. Мамлакатимизда коррупцияни енгиш учун авваломбор қўйидагилардан бошлаш керак:

-аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, жамиятнинг маънавий-ахлоқий салоҳиятини юксалтириш;

-коррупцияга муросасиз муносабатга бўладиган жамоатчилик фикрини шакллантириш;

-самарали ҳуқуқий ва суд-ҳуқуқ тизимини ташкил этиш, принциплар ва нормаларни тўғри амалга ошириш учун суд ҳокимиятининг ваколати ва масъулиятини ошириш;

-ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш.

Калит сўзлар: коррупция, коррупцияга қарши курашиш, порахўрлик, гуноҳ, давлат бошқаруви, коррупцияга қарши қонунчилик, муросасиз муносабат.

**БОРЬБА ПРОТИВ КОРРУПЦИИ И ЕЁ ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ В
НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ**

Аннотация. В данной статье анализируются правовые основы борьбы с коррупцией в новом Узбекистане. Если принятые в этой сфере нормативно-правовые документы будут эффективно реализованы, они смогут решить задачи, стоящие перед государственными органами и гражданским обществом в борьбе с коррупцией. Для решения этой проблемы необходимо вести бескомпромиссную борьбу с коррупцией во всех сферах жизни общества, вовлечь в этот процесс все государственные и общественные организации, а

также простых граждан. Проблема коррупции не может быть решена без эффективного сотрудничества неправительственных некоммерческих организаций. Чтобы преодолеть коррупцию в нашей стране, необходимо начать со следующего:

- повышение правовой культуры населения, морально-нравственного потенциала общества;
- формирование общественного мнения, нетерпимого к коррупции;
- создать эффективную судебную-правовую систему, повысить авторитет и ответственность судебной власти за правильную реализацию принципов и норм;
- построение правового демократического государства и формирование сильного гражданского общества.

Ключевые слова: коррупция, противодействие коррупции, взяточничество, грех, государственное управление, антикоррупционное законодательство, непримиримость.

THE FIGHT AGAINST CORRUPTION AND ITS LEGAL FOUNDATIONS IN THE NEW UZBEKISTAN

Annotation. This article analyzes the legal basis for the fight against corruption in the new Uzbekistan. If the regulatory documents adopted in this area are effectively implemented, they will be able to solve the problems facing government bodies and civil society in the fight against corruption. To solve this problem, it is necessary to wage an uncompromising fight against corruption in all spheres of society, to involve all state and public organizations, as well as ordinary citizens, in this process. The problem of corruption cannot be solved without effective cooperation of non-governmental non-profit organizations. To overcome corruption in our country, we need to start with the following:

- increasing the legal culture of the population, the moral potential of society;
- formation of public opinion intolerant of corruption;
- create an effective judicial and legal system, increase the authority and responsibility of the judiciary for the correct implementation of principles and norms;
- building a legal democratic state and the formation of a strong civil society.

Key words: corruption, anti-corruption, bribery, sin, public administration, anti-corruption legislation, intransigence.

“Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишида юради”. [1]

Шарл Монтестье

Хозирги замонда Ўзбекистонда энг долзарб муаммолардан бири бу коррупция. Президентимиз 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида ушбу иллатга қарши курашнинг аҳамияти ҳақида алоҳида таъкидаб, «Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди» - деб айтиб ўтган эди [2].

Коррупция илллати туфайли ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ривожланиши сустлашиб, бошқарув тизимига путур етади. Бунда, коррупция давлатнинг сайлов жараёнларига салбий таъсир кўрсатади, қонун устуворлигини йўққа чиқаради, фуқароларнинг давлат органларига ишончини йўқотади. Айнан шу сабабли ҳам ҳар қандай жамият коррупцияга қарши мунтазам ва изчил кураш олиб боради.

Бинобарин, давлат фуқаролик хизматчиларининг порахўрлик, мансаб мавқеини суистеъмол қилиши – коррупцияга қўл уриши давлатнинг сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етказиб, оқибатда амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликлар ва ишончсизликка сабаб бўлади. Шу боис ҳам давлат бошқарув органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур иллат билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари белгилаш ҳар қандай жамиятнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон — 2030» фармонида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик мақсад этиб белгиланиб, уни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, коррупциявий жиноятларга қарши курашиш устувор вазифа қилиб белгиланди.

Соҳага доир ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, аввало, мазкур меъёрлар қабул қилинган ва амалиётга жорий қилингандан сўнг, самара бериши мумкинлиги ҳақида олдиндан атрофлича ўйлаб кўришимизни талаб қилди.

Қонуннинг амалиётдаги самарадорлиги нима? Бу –ҳуқуқий меъёр ва ундан кўзланган мақсад, қонун амалиётга жорий қилингандан сўнг, эришилган амалий натижалар билан мутаносиб келишидир. Барча ҳолатларда ҳам натижанинг самарадорлик даражаси юқори бўлишида ташқи таъсирларни унутмасалик муҳимдир. Қонунга нисбатан олганимизда, бу – ҳуқуқий ва ижтимоий омиллар бўлиши мумкин.

Коррупция ижтимоий-ҳуқуқий ходиса сифатида, унинг Ўзбекистонда тарқалиш кўлами, коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, сабаблари ва унга қарши курашиш чоралари ҳақида кўплаб ҳуқуқий меъёрлар, ҳужжатлар қабул қилинган, илмий ишлар ёзилган. Коррупция муаммолари бўйича юристлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар, социологлар

томонидан кўплаб монографиялар, мақолалар ёзилган, диссертациялар ҳимоя қилинган, илмий конференциялар ўтказилган. Шунга қарамай, коррупция муаммоси юзасидан тадқиқотлар олиб бориш ўта долзарблигича қолмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

1. Жиноят кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994);

2. Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши тўғрисида”ги ЎРҚ-158-сонли қонуни;

3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли қонуни;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид фармон ва қарорлари (ПФ-5729-сонли, ПҚ-4761-сонли, ПФ-6013-сонли, ПФ-6247-сонли, ПФ-6257-сонли, ПФ-154-сонли, ПФ-60-сонли, ПҚ-5177-сонли, ПҚ-34-сонли, ПҚ-81-сонли, ПҚ-240-сонли, ПҚ-5263-сонли);

5. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон — 2030» фармони.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик базасини шакллантириш ва давлат ташкилотларида коррупциянинг олдини олиш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жорий қилинишида самарадорликни ошириш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди.

Қонуннинг самарадорлигини оширувчи омилларга қуйидагилар киради:

- Қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрларнинг сифат даражаси;

- Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг сифат даражаси.

Қонуннинг самарадорлигига таъсир этувчи ижтимоий омилларга қуйидагилар киради:

- жамиятнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси;

- жамиятда инсонларнинг ҳуқуқий маданият даражаси;

- ҳуқуқий меъёр талабларининг жамият ривожланиш даражасига мослиги;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилинишида юқорида айтилган меъёрларга амал қилинганлигини кўришимиз мумкин. Шу асосда, соҳада қонунчилик ва институционал асосларни такомиллаштириш, жамиятда давлат органларининг очиқлигини таъминлаш, ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Давлат харидлари тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Эътиборли жихати, Ўзбекистон минтақамизда биринчилардан бўлиб, 2004 йилдаёқ «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги [3] қонунни қабул қилди. Ушбу қонунни қабул қилишдан асосий мақсад, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Коррупция ва унинг салбий оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган сабаблар ҳамда омилларнинг олдини олиш мақсадида иқтисодий эркинлаштириш, меҳнат жамоаларида ишчанлик ва ошкоралик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар ташкил этиш, турли маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, бунда давлат органлари томонидан лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, давлат харидлари механизмини тубдан такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга оид тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ, очиғини тан олиш керак, мамлакатимизда 2017 йилга қадар коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирадиган, бу курашишнинг қонунийлиги ва шаффофлигини амалда таъминлайдиган махсус қонун қабул қилинмаган эди.

Коррупцияга қарши курашиш ва бу соҳада самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида «Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим» [4], дея алоҳида қайд этиб ўтгани бежиз эмас. Орадан кўп ўтмай, Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 13 декабрда маъқулланган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2017 йил 3 январь куни қабул қилиниб, 4 январдан тўлиқ кучга кирди. 6 боб ва

34 моддадан иборат ушбу қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва мақсадли чора-тадбирлар белгиланди.

Ушбу қонун, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солиш, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек коррупцияни барча соҳаларда тўлиқ бартараф этишга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган.

Шунингдек, қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг мазкур йўналишдаги иштироки ва халқаро ҳамкорлик мезонлари белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу соҳада тадбирларни амалга ошириш мақсадида Миллий кенгаш ва ҳудудий кенгашлар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли фармонида асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссиялари ташкил этилди ва комиссиянинг асосий вазифалари қилиб:

-жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш;

-жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш белгиланди [6].

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳалардаги долзарб масалаларни ҳал қилишда давлат ташкилотлари билан жамоат ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва дастурлар самарадорлигини ошириш талаб этилади. Ваҳоланки, давлат органлари билан бир қаторда Коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг шахсан ўзлари ҳам иштирок этишлари қонун йўли билан мустақамланди. Бунда улар, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг асосий мақсад ва вазифалари: мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш; коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларни аниқлаш; коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни амалга ошириш; фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш; давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш; коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш; коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш; коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ва бошқалардан иборатдир [7].

Шунингдек, 2021 йил 6 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5177-сон қарори билан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс-назорат”) тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. Улар коррупция хавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни амалга оширади.

Мамлакатимизда кузатилган коррупцияга оид жиноятлар, жиноят кодекси моддалари асосида таҳлил қилинганда, қуйидаги моддаларнинг кўп бузилиши ҳолатларини кўзатилган. Жумладан,

- ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш 205-модда, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш 206-модда ва мансаб

сохтакорлиги 209-модда асосида БҲМнинг 600 бараваригача жарима ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади;

- ҳокимият ҳаракатсизлиги 208-модда асосида уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

- пора олиш 210-модда, пора бериш 211-модда ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш 212-модда асосида БҲМнинг 100 бараваригача жарима ёки 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

- давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши 214-модда асосида БҲМнинг 100 баравари миқдорда жарима ёки 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Олимларнинг илмий хулосалари ва кузатувларига кўра, коррупция – жамиятда ижтимоӣ тенгсизликни кучайтириши, иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишига тўсқинлик қилишдан ташқари, аҳолининг ҳокимиятга, адолатга бўлган ишончини сўндиради. Фуқаролар орасида бефарқлик, лоқайдлик кучайишига олиб келади.

Республикамизда олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши қонунчилиكنинг мавжудлиги, коррупцияга қарши курашда вакцина вазифасини ўтамайди. Жамият томонидан ижтимоӣ меъёр сифатида қабул қилинган, қон-қонимизга сингиб кетган иллатга қарши курашда қонун ҳужжатларига маълум ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали ҳақиқӣ муваффақиятга эришиб бўлмайди. Қонунлар фақат улар амалга оширилгандагина муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Коррупциянинг кенг тарқалишининг асосий сабабларидан бири, маъмурий бошқарувдаги камчиликлар ёки қонунларнинг номукамаллигида эмас, балки жамиятнинг ўзида, муаммоларини қонуний ҳал қилиш мумкин бўлган ҳолларда ҳам масалани ечиш учун пора таклиф қилиш орқали ҳал этувчи одамлардадир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса сифатида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг сиёсий ва ҳуқуқӣ асосларини такомиллаштириш кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади. Ушбу мақсадда:

1. Коррупцияга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, бунда рағбатлантириш ва халқ билан мулоқот қилиш, шунингдек, мавжуд салбий ва хавфли ижтимоӣ муносабатларни ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этиш.

2. Меҳнат қонунчилигидаги ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд муаммодан келиб чиқиб хорижий тажриба асосида қонунларни қабул қилиш.

3. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.

4. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлик принципини таъминлаш.

6. Давлат хизматчилари учун меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш ва бошқа ижтимоий манфаатдорлик тизимини жорий этиш.

Демак, ушбу иллатни бартараф қилишда юқорида келтирилган омилларга эътибор қаратсак, ҳамда жорий қила олсак ушбу муаммони бартараф қилиш ва камайтириш имконияти вужудга келади. Бунда давлат органлари билан бирга фуқаролар ҳам онгли равишда ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Иқтиболар/Сноски/References:

1. А. А. Кротов. Монтескьё // Новая философская энциклопедия : в 4 т. - Москва. 2010.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. – Тошкент. 2020.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромад-ларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. – Тошкент. 2004 й.

4. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. – Тошкент. 2017. – 48 бет.

5. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. – Тошкент. 2017.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли фармони. – Тошкент. 2019.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли фармони. – Тошкент. 2020.

8. “Коррупция – жамият тараққиётига таҳдид” рисола / Ш. Турдиқулов. – Тошкент 2019. - Б. 45.

9. Турдикулов Ш.Х «Коррупцияга қарши кураш жамият муаммоси» Монография. –Тошкент: «Билим ва интеллектуал салоҳият», 2022. –Б.16.

10. Матибаев Т.Б. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти: «Коррупция –ижтимоий хавф». Дарслик. – Тошкент. 2019. – Б. 19.

ХУДОЙБЕРДИЕВ А.Қ.

*Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Тошкент академик лицейи кафедра
бошлиғи юридик фанлар доктори, профессор*

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Аннотация: фирибгарлик жинояти ҳақида тушунчалар, ушбу жиноятларнинг таркиби, фирибгарлик жиноятининг содир этилиш хусусиятлари, ушбу турдаги жиноятларнинг криминалогик тавсифи ёритиб берилган.

Калит сўзлар: фирибгарлик, жиноят, объектив томони, алдаш, ишончни суиистъемол қилиш, сабаблари, шарт-шароитлари, профилактикаси.

ПОНЯТИЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ МОШЕННИЧЕСТВА

Аннотация: Освещаются понятия о преступлении мошенничества, состав этих преступлений, особенности совершения преступления мошенничества, криминалогическая характеристика данного вида преступлений.

Ключевые слова: мошенничество, преступление, объективная сторона, обман, злоупотребление доверием, причины, условия, профилактика.

CONCEPT AND CRIMINOLOGICAL DESCRIPTION OF THE CRIME OF FRAUD

Abstract: The concepts of the crime of fraud, the composition of these crimes, the **features** of committing the crime of fraud, and the criminological characteristics of this type of crime are covered.

Key words: fraud, crime, objective side, deception, abuse of trust, causes, conditions, prevention.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг замирида, аввало, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари турибди. Бугун барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, ички ишлар вазирлиғи ҳам халқ манфаатларига хизмат қилиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, жиноятчиликка қарши муросасиз курашиш йўлида фаолият юритмоқда. Жаҳон иқтисодиёт тизимидаги жадал ўзгаришлар замирида фирибгарлик содир этиш анча осонлашди ва у дунёда латентлиги

юқори бўлган жиноятлардан бирига айланди. Жумладан, PwC халқаро тадқиқот маркази томонидан 2020 йилда ўтказилган тадқиқотларга кўра сўнгги 2 йил ичида дунёнинг етакчи компаниялари иқтисодий жиноятчилик натижасида кўрган зарарининг 47 фоизи фирибгарликка тўғри келиши, жорий йилда эса ушбу компанияларга 42 млрд доллар миқдоридagi зарар етказилганлиги сўнгги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган.

Жаҳонда мулк, унга бўлган ҳуқуқнинг дахлсиз эканлиги боис, уни жинойий тажовузлардан муҳофаза қилиш, фирибгарлик учун жавобгарлик ва жазо белгилаш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, жиноят қонуни тегишли нормаларини такомиллаштириш, мулкка қарши жиноятларни олдини олишнинг самарали йўналиши ва истиқболларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, БМТ Молия Қўмитасининг 165-сессиясида “Фирибгарлик ва коррупцияга қарши курашишнинг янгиланган меъёрлари”[1] қабул қилиниши ва фирибгарлик ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг ягона стандартларини қабул қилиниши бугунги кунда фирибгарликка қарши курашиш дунё миқёсида долзарб аҳамият касб этаётганлигини англатади.

Мамлакатимизда мулкчилик шакллари муҳофазасини кучайтириш, мулк ҳамда мулкрий ҳуқуқлар кафолатларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми (назарда тутилган қилмиш)ни содир этган шахсларга нисбатан ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги рағбатлантирувчи қоидаларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодиёт асосларига қарши жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш” билан қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий турмушда инсонлар ўзаро бир-бирлари билан муомала қилар экан, улар орасида турли хил муносабатлар ўрнатилади. Айримлар соф, ҳалол йўл билан, ўзгалар ҳаққидан кўрққан ҳолда бу муносабатни ўрнатса, айримлар инсонларнинг соддалиги, ишонувчанлигини суиистеъмол қилади. Жамият кишиларсиз бўлмаганидек, жамият мулксиз ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай жамият асосида шахс, мулк ва мулк ҳуқуқи мавжуд бўлади. Шундай экан, шахс ва мулк жамият асосини ташкил этади десак хато қилмаган бўламиз. Шу сабабли, ҳар қандай замонда шахсни ва мулкни ҳимоя қилиш жиноят қонунининг устувор вазифалари бўлиб келган.

Мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш ўзгалар мулкани талон-торож қилишнинг нисбатан кўп тарқалган тури ҳисобланади. Ундан ташқари, ҳаёт кечириш учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавфли бўлмай, унинг қилмиши туфайли давлатга, фуқароларга моддий зарар етказилиши билан бир қаторда, фирибгарлик оқибатлари аҳолига, айниқса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Фирибгарлик мулкка тажовуз қилишнинг бир туридир. Фирибгарлик шароитга мослашувчан бўлиб, турли кўринишларда номоён бўлади. Фирибгарлик учун ЖКда жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, жиноят қонунидаги фирибгарлик тавсифи унинг таърифи сифатида ишлатилиб келинади. ЖКнинг 168-моддаси диспозицияси қуйидагича акс эттирилган: “Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш”[2].

Ушбу таърифнинг универсал хусусият касб этиши тергов ва суд органлари учун қилмишни квалификация қилишда жуда қулай ҳисоблансада, жиноятчи шахси, унинг фирибгарлик содир этиши сабаблари, усулларининг турларга ажратилмаслиги фирибгарлик жиноятчилигининг статистикасини юқориликча қолишига сабаб бўлмоқда.

Таҳлиллар натижаси фирибгарлик усулларининг (турларининг) ихтисослашуви, яъни ушбу жиноят усулларининг модернизациялашуви жараёнида бугунги кундаги фирибгарликка қарши кураш чораларини самарасизлиги яққол кўриниб қолмоқда. Фирибгарликка қарши курашни, олдини олишни самарали чораларини ишлаб чиқиш учун, даставвал, фирибгарлик тушунчасини таҳлил қилиш лозим.

Фирибгарлик тушунчасига турли адабиётларда ёндашув турлича бўлиб, асосий ёндашув жиноятнинг объектив томони, яъни мулкка тажовуз қилишнинг усули билан изоҳланган. Фирибгарлик тушунчасига изоҳ беришда луғавий, теологик, жиноят ҳуқуқий (доктринал) ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосидаги ёндашувдан келиб чиқишни лозим топдик.

Биринчидан, фирибгарлик тушунчаси таҳлилининг луғавий маъносига тўхталиб ўтамиз. Ўзбек тили изоҳли луғатида “*фириб*” (алдовчи, алдамчилик, йўлдан оздириш, хийла, макр) кишини қасддан адаштириш, қўлга тушириш, алдаш, хийла-найранг; макр маъноларини билдиради. “*Фирибгар*” (фириб берувчи, хийлагар, алдоқчи) алдамчилик, товламачилик, макру хийла билан шуғулланувчи кимса; товламачи, хийлагар маъноларини билдиради. “*Фирибгарлик*” – алдамчилик, хийлагарлик маъноларини билдиради[3]. Фирибгарлик салбий бўёқдорликка эга тушунча бўлиб, шахсга нисбатан ёмон тавсиф берилганида ишлатилади.

Иккинчидан, Авесто ҳуқуқий манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади ҳамда унда фуқаролик, суд ҳуқуқи нормалари ҳам мавжуддир[5]. Жумладан, Авестода мулк ва мулкый муносабатлар ҳам тартибга солинган бўлиб, ушбу

даврда мол-мулк тақсимоти ҳам асосан ҳарбий қудратга қаратилган ҳамда мулк асосан оқсоқоллар, ҳарбий бошлиқлар ва мўътабар шахслар қўлида тўпланган[4].

Фирибгарлик нафақат қонун билан, балки диний ақидаларга кўра ҳам таъқиқланади. Ислом ҳуқуқида алдов, фирибгарлик, бировни чув тушуриш, савдо-сотикда алдамчилик билан изоҳланади ва таъқиқланади.

Учинчидан, ЖКнинг X боби “Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш” деб номланиб, 168-моддада фирибгарлик жинояти тушунчаси келтирилган. Унга кўра “фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш” дир. Ушбу таъриф фирибгарликнинг жиноят ҳуқуқий таърифи ҳисобланади.

Фирибгарлик – бу ўзгалар мулкани талон-торож қилиш мақсадида алдаб, ишончни суиистеъмол қилиб ёхуд чалғитувчи ёлғон маълумотлар ва усулларни қўллаган ҳолда айбдорга мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни ўз ихтиёри билан топшириши, хизматлар кўрсатиши ва (ёки) битимлар тузиши, зиммасига мажбуриятлар олиш ёки мажбуриятлардан озод этишда ифодаланадиган жабрланувчига ёки учинчи шахс манфаатларига зарар етказишдир.

Фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради. Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Ҳар қандай жиноят жамият асосига раҳна солиб, унга зиён етказди, шунингдек нормал ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади.

Ҳар қандай жиноятни ҳуқуқий таҳлил қилишда жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари муҳим аҳамиятга эга.

Фирибгарлик таркиби объектив белгиларининг таҳлили жиноятнинг объекти ва объектив томони белгиларининг таҳлилини ўзида ифодалайди

Олимлар талон-торож қилишнинг объекти сифатида мулк ҳуқуқи, мулкий манфаатлар, иқтисодий категория, юридик категория, иқтисодий ва ҳуқуқий категориялар йиғиндиси сифатида қарайдилар ёхуд умуман мулкни жиноятнинг объекти сифатида рад этадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фирибгарликнинг **махсус объекти** иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлса, **турдош объекти** эса, мулкни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий

муносабатлардир, деган хулоса қилиш мумкин. Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулки ёки мулкый ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар **фирибгарликнинг бевосита объекти** ҳисобланади.

Фирибгарлик жиноятининг предмети муайян иқтисодий қийматга, яъни моддий қийматга эга бўлади. Шу сабабли, фибгарлик жинояти содир этилганида жиноят предмети, яъни тўғридан-тўғри тажовуз қаратилган объект қиймати тегишли процессуал ҳаракатлар орқали баҳоланади ва қиймати аниқланади.

Фирибгарликнинг предмети кўчар ва кўчмас мулк бўлиши мумкин.

Суд ҳукмлари ўрганилганида кўп ҳолларда кўчар мулк, пул, валюта бойликлари ва моддий неъматлар талон-торожнинг предмети бўлганлиги ўрганилди. Фирибгарликнинг предмети нафақат мулк, балки унга бўлган ҳуқуқлар ҳам бўлиши мумкинлиги жиноятнинг тугалланган вақтини аниқлаш учун аҳамиятга эгадир. Мулкый ҳуқуқларни ўзида акс эттирувчи ҳужжатлар турли хил фибгарлик операцияларининг предмети бўлиши амалиётда учрамоқда. Фирибгар қўлга киритилган мулкка нисбатан ҳуқуқларни акс эттирувчи ҳужжатларни олган вақтидан бошлаб, ушбу ҳужжат бўйича фибгар тегишли мулкни буюм ёки пул эквивалентида қўлга киритганлигидан қатъи назар жиноят тугалланган ҳисобланади.

Бошқача айтганда, мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиши натижасида айбдор мулкнинг ўзини ҳам қўлга киритади.

Объектив томондан фибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкый ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Жисмоний усул хос бўлган бошқа кўпгина жиноятлардан фарқли равишда фибгарлик жиноятида айбдор ҳаракатлари ахборот хусусиятига эга бўлади ёки айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч асосида шаклланган бўлади. Қонунда мулкни эгаллаш ёки мулкка бўлган ҳуқуққа эга бўлиш усули сифатида мазкур талон-торож қилиш шаклининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ёлгон ёки ишончни суиистеъмол қилиш кўрсатилган. Бироқ алдаш ҳали мол-мулкни олиш ва уни жиноятчи фойдасига ўтказиш дегани эмас. Фирибгарлик таркибида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш асосий ҳаракат содир этилишини таъминлайдиган ёрдамчи ҳаракат сифатида амалга оширилади.

Фирибгарликда асосий ҳаракат деганда, жиноят субъекти томонидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш билан шартланган, мулкни мулкдорнинг эгаллигидан айбдор ёки у кўрсатган шахслар фойдасига ўтказиши тушунилади. Худди шу алоқадор ҳаракатлар фибгарликнинг объектив томони белгиларини ташкил этади. Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, ташки тарафдан мулкдор томонидан мулкни “ихтиёрий” равишда бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш кузатилади. Айнан алдаш ёки

ишончни суиистеъмол қилиш мулкдорда ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасида мулкни ёхуд мулккий ҳуқуқларни жиноятчига ўтказиш фикрини туғдиради. Шу усулда жабрланувчининг онги ва ихтиёрига таъсир этиш ёки унинг ишончини суиистеъмол қилиш орқали фирибгар мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтказиш мақсадига эришади. Бу ерда алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш талон-торож қилишнинг зарурий усули сифатида гавдаланади.

Жиноятни содир этиш усулларининг ўзига хослигига қараб қонунда фирибгарлик икки турга ажратилади:

- алдаш йўли билан талон-торож қилиш;
- ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш.

- в полной мере реализовать важнейшую обязанность прокуроров – защиту прав и законных интересов лиц, потерпевших от преступлений. Прокуроры должны внимательно подходить к рассмотрению их жалоб и заявлений, принимать все необходимые меры к восстановлению нарушенных прав, возмещению морального и материального ущерба;

- обеспечить своевременность и законность решений следователя и дознавателя по результатам проверки каждого сообщения о преступлении;

- принять все возможные меры к обеспечению законности при применении мер процессуального принуждения;

- осуществлять надзор за своевременностью и правильностью проведения следственных действий;

- установить действенный надзор за законностью и обоснованностью прекращения уголовного дела и уголовного преследования, строго руководствуясь при этом требованиями уголовно-процессуального закона. Безотлагательно отменять постановления о приостановлении предварительного следствия, прекращении уголовного дела или уголовного преследования, если не исчерпаны все возможные средства для сбора доказательств и изобличения виновных.

Предметом надзора является соблюдение прав и свобод человека и гражданина, установленного порядка разрешения заявлений и сообщений о совершенных и готовящихся преступлениях, законность принимаемых решений органами дознания и предварительного следствия.

Прокурор должен следить за тем, чтобы не было отказов в принятии заявлений и сообщений о преступлениях и решения по ним принимались незамедлительно, а в некоторых случаях и в десятидневный. Однако анонимные заявления и сообщения о совершающихся преступлениях не могут служить основанием для возбуждения уголовного дела, но являются сигналом для проведения оперативно-розыскных мероприятий, особенно когда речь идет о террористических актах, убийствах, взрывах, поджогах и т.д.

Хорошо организованное предварительное следствие и дознание, а также осуществляемый прокурорский надзор за исполнением законов при их производстве представляют собой одну из существенных гарантий четкого выполнения поставленных задач.

Задачи, стоящие перед прокурором, осуществляющим надзор за органами дознания и предварительного следствия, сформулированы в Законе Республики Узбекистан «О прокуратуре», в Уголовно-процессуальном кодексе, приказах Генерального прокурора Республики Узбекистан и состоят в том, чтобы:

- ни одно преступление не осталось не раскрытым и ни одно лицо, совершившее преступление, не избежало установленной ответственности;

- задержание лиц по подозрению в совершении преступления производилось в порядке и по основаниям, установленным законом;

- никто не подвергался незаконному и необоснованному привлечению к уголовной ответственности или иному ограничению в правах;

- никто не подвергался аресту без судебного решения или санкции прокурора;

- соблюдались установленные законом порядок возбуждения и расследования уголовных дел, сроки расследования, права участников уголовного судопроизводства и других граждан;

- при расследовании преступлений неуклонно соблюдались требования закона о всестороннем, полном, объективном исследовании всех обстоятельств дела, выявлялись как уличающие, так и оправдывающие обвиняемого, а также отягчающие и смягчающие его ответственность обстоятельства;

- выявлялись причины совершения преступлений и способствующие им условия, принимались меры к их устранению.

Эти задачи будут успешно выполнены при условии, что прокуроры и лица, производящие дознание и предварительное следствие будут строго придерживаться требований закона и норм уголовного процесса. Принцип законности в уголовном процессе является одним из основополагающих принципов организации и деятельности органов дознания и предварительного следствия.

Целью прокурорской деятельности является обеспечение верховенства закона, единства и укрепления законности, социально-экономических, политических и иных прав и свобод граждан и т.д.

Порядок предварительного расследования преступлений, как по форме дознания, так и предварительного следствия регламентируется уголовно-процессуальным кодексом. Прокурорский надзор служит одной из гарантий обеспечения прав и законных интересов участников уголовного процесса, неукоснительного соблюдения процессуальных норм при расследовании преступлений. Некоторые лица ведущие расследование преступлений считают, что для раскрытия преступления пригодны любые средства, даже те которые противоречат закону. К задаче прокурорского надзора относится пресечение таких противоправных действий органов дознания и предварительного следствия.

Каждое процессуальное действие, выполненное органом дознания и предварительного следствия которое относится к выявлению любого обстоятельства по делу необходимо выполнять с повышенными требованиями к их исполнителям, так как при малейшем отступлении от установленного порядка может повлечь, а зачастую влечет за собой грубые нарушения законности в уголовном судопроизводстве.

Повышение роли прокурорского надзора в обеспечении законности в расследовании преступлений невозможно без использования в полной мере предоставленных прокурору законодательством полномочий.

Таким образом, под прокурорским надзором за исполнением законов органами дознания и предварительного следствия понимается урегулированная нормами права деятельность уполномоченных прокуроров в досудебных стадиях уголовного процесса, направленная на обеспечение законности при осуществлении уголовного преследования.

Прокурорский надзор за соблюдением законности, в данном случае, решает две задачи: с одной стороны, он служит средством обеспечения верховенства Конституции и защиты прав и свобод граждан, а с другой – осуществляет надзор за правильным соблюдением закона, позволяет эффективно проводить уголовное преследование, так как в случае нарушения предусмотренных уголовно-процессуальным законодательством правил проведения следственных действий полученные сведения не будут иметь доказательственного значения.

ABDUSATTAROVA Farangiz

Toshkent davlat yuridik universiteti 1-kurs talabasi

TIL – MILLAT FAXRI VA G‘URURI

Annotatsiya. Ushbu maqolada ona Vatanimiz tarixida muhim o‘rin tutadigan, millatni millat qiladigan o‘zbek tilining nufuzi hamda til jamiyat va xalq uchun qanchalik zarurligi, botiniy ong mahsuli ekanligi haqida so‘z yuritilib, tilimizni asrab-avaylab, kelajak avlodga yetkazish haqidagi fikrlar yuritilgan.

Kalit so‘zlar: o‘zbek tili, til, millat, ona tili, huquqiy ong, jamiyat, tilga e’tibor.

O‘zbekiston Respublikasi o‘z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlar va an‘analarini hurmat qilishini ta‘minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi [1]. 1989-yil 21-oktabr ona tilimiz davlat tili maqomini olishi istiqolimiz sari qo‘yilgan eng muhim qadamlardan biri boldi. Bu esa sobiq sovet saltanati davridagi “ruslashtirish” siyosatining markaziy g‘oyalaridan biri bo‘lgan “ona tilimizdan mahrum etish” maqsadlariga qonuniy ravishda to‘siq qo‘yilishidan iborat edi. Ma’lumki, har bir xalq, har bir elat o‘zining tiliga ega. Tilga bo‘lgan munosabat ana shu tildan foydalanuvchi odamlarning ko‘p yoki oz sonli ekanligiga bog‘liq emasdir. Tilda ana shu tilning ijodkori bolgan xalqning, elatning tarixi va madaniyati aks etadi. Til millatning ajralmas belgisi va davlat mustaqilligini ifodalovchi jihatlaridan biridir.

Ona tufayli jamiyat va hayot bor bo‘lsa, til esa jamiyatning va hayotimizning ajratib bo‘lmas bir qismi hisoblanadi. Shu til tufayli siz bilan biz qardoshimiz, dildoshimiz, darddosh bo‘lib turibmiz. Ehtimol, bugun siz bilan men bir-birimizga sir

bermay, xo‘mrayisharmiz, ammo aniq bilamanki, agar ertaga bir kuni Sibirda yo Italiyada ko‘rishib qolsak bormi, har ikkimiz uchun ham quyosh charaqlab chiqqandek bo‘ladi, jon-u jahonimiz yorishib ketadi, birbirimizdan hech narsani ayamaslikka tayyor bo‘lamiz. Bari mehroqibat – mana shu jonajon til tufayli. Negaki ikkovimizning tilimiz ham bir, elimiz ham bir. Elni el qilgan, uni yaxlit va bir butun qilib birlashtiradigan narsa, avvalo, til, ona tili. Jonajon tilimiz haqida shoir Mirtemir aytganidek, yoshligimizdanoq jon-u qulog‘imizga singib ketgan. Onalarimiz aytgan allalari-yu, bobo-buvilarimizdan eshitgan ertak, hikoya, rivoyat va masallar orqali yuragimiz tub-tubigacha kirib borgan, o‘z navbatida, ona tilimizga, ona Vatanimizga muhabbat uyg‘otgan.

O‘zbekistonning har bir fuqarosi o‘z ona tilini sevadi, uni hurmat qiladi va e zozlaydi. Chunki aynan shu til orqaligina har ’ qanday millatning qay tarzda yashayotganligini, rivojlanayotganligini yoki, aksincha, orqada qolayotgan va qashshoqlashib borayotganligini bilishimiz mumkin. Shuning uchun ham bejizga “Til – millat ko‘zgusi” deyishmaydi. Tilimiz maqtashga azigulik va boshqa tillarga nisbatan boy til hisoblanadi. O‘zbek adabiyotida o‘z o‘rniga ega bo‘lgan 36 yozuvchimiz Abdulla Qodiriy ta‘kidlaganidek, “O‘zbek tili kambag‘al emas, balki o‘zbek tilini kambag‘al deguvchilarning o‘zi kambag‘al. Ular o‘z nodonliklarini o‘zbek tiliga to‘nkamasinlar”, - deydi. Misol uchun, o‘zbekchada “qut”, “baraka” va “ma‘naviyat” degan so‘zlar borligini bilasiz. Uni boshqa tilga o‘girish ham amri mahol. Bilamizki, o‘zbek tili turkiy tillar guruhiga kiradi[2].

Buyuk ajdodimiz Alisher Navoiyning turkiy til fazilatlarini, fasohat-u malohati haqidagi fikrlari uning “Muhokamat-ul lug‘atayn” asarida o‘z amaliy isbotini topdi. Alisher Navoiy bu asarda turkiy va forsiy tillarning o‘ziga xos jihatlarini chog‘ishtirar ekan, turkiy tilning ifoda imkoniyatlari kengligini ko‘rsatuvchi qator dalillar keltiradi, misollarni tahlil qilish orqali fikrlarini asoslaydi.

Alisher Navoiy buning uchun turkiy tildagi mavjud quvonmoq, quruqshamoq, o‘sharmak, jiyjaymoq, o‘ngdaymoq, do‘msaymoq, umunmoq, yadamoq, qadamoq, chiqanmoq, ko‘ndurmak, so‘ndurmak, suqlatmoq kabi fe’llarni tahlilga tortadi. Alisher Navoiy bu fe’llarning nozik ma‘no qirralari to‘g‘risida fikr yuritir ekan, turkiy va forsiy tillardagi ko‘rinishlarini o‘zaro qiyoslaydi va shu orqali turkiy tilning nozik qirralarini ko‘rsatib berishga harakat qiladi[3].

Til – millatning ma‘naviy boyligidir. Til nafaqat muomala vositasi – balki xalqning madaniyati, urf-odati, uning turmush tarzi, tarixidir. Turli xalqlarning tillariga hurmat esa, o‘z navbatida, o‘zaro tushunishni, muloqotlarga imkoniyat yaratadi. Tillarning saqlanib qolishi uchun esa bu tillarni qo‘llab-quvvatlash zarurdir. Aynan til tufayli insoniyat u yoki bu xalqqa mansubligidan faxrlanib yashaydi. Barcha tillarni tan olish va hurmat qilish tinchlikning birdan bir kafolatidir. Shu

sababli ham har bir xalq o‘z tili saqlanib qolishi, ya’ni o‘lik tilga aylanib qolmasligi uchun harakat qiladi. O‘lik til, bilamizki, jonli iste moldan chiqqan (tabiiy so‘zlashuv tili bo‘lmagan), yozma yodgorliklarda saqlangan tildir [4].

Til - millatning buyuk boyligi, bebaho xazinasini, tuganmas mulki. Chunki millatning tarixi, uning madaniy, ma’naviy merosi, urf-odatlarini va an’alari unda mujassam bo‘ladi. Shu sababli ona tilimizni asrab-avaylash, uni boyitishimiz va avlodlarga to‘liqligicha yetkazishimiz kerak. Birinchi Prezidentimizning ta’biri bilan aytganda, “O‘zlikni anglash, ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o‘rtasidagi ruhiy-milliy bog‘liqlik til orqali vujudga keladi”. Bu fikrlarni doimo yodimizda tutishimiz kerak [1, B. 2].

Dunyoda 5600 dan ortiq til mavjud bo‘lib, bundan 200 tasigina davlat tili sifatida qabul qilingan. Ularning orasida o‘zbek tilining borligi uning naqadar sof, mukammal, purma’no va jozibadorligidan darak beradi. Rossiyalik tilshunos olimi, professor A. M. Kozlyanina “O‘zbek tili nafis va musiqa ohangidek jozibador” deb bejiz ta’kidlamagan.

Shunday ekan, ona tilimizning shunday go‘zalligini, sofligini keyingi avlodlarga yetkazish bizning vazifamizdir. Negaki ona tilini ulug‘lash, asrab-avaylash o‘sha tilda so‘zlashadigan har bir insonning burchidir [5].

Biz o‘z ona tilimizni asrab-avaylashimiz, uning nufuzini oshirishimiz, go‘zal va sofligini avlodlarga meros sifatida qoldirishimiz, dunyoga tanitishga o‘z hissamizni qo‘shishimiz kerak. “Til yashasa, millat yashaydi”. Agar biz o‘z tilimizning ko‘rkamligi, boyligini dunyoga tarannum etsak, millatimiz yanada charog‘on va birligimiz mustahkam bo‘ladi. Zero, rus tarixchisi Skobelev aytganidek, tilni yo‘qotish millatni, xalqni yo‘qotishni anglatadi: “Millatni yo‘q qilish uchun u yerga qurol ko‘tarib borish shart emas, uning tilini, ma’naviyatini, adabiyotini yo‘q qilish kerak, shunda millatning o‘zi yo‘q bo‘lib ketadi”.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Azizxodjayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahurat. – Toshkent, 2006.
2. To‘xliyev B. Adabiyot o‘qitish metodikasi. - T., 2010.
3. O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi. Birinchi jild. – T., ‘ 2000.
4. Зализняк А. А. «Слово о полку Игореве: взгляд лингвиста», 1-е изд. - М., 2004. - С. 15.
5. Haydarov S.A. O‘zbekiston tarixini o‘qitishda “Zafarnoma”. – T., 2020.

MIRAZOVA Shoxista Davron qizi
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
shoxistamirazova@gmail.com

KIBERJINOYATLARNI TERGOV QILISHDA KEYINGI TERGOV HARAKATLARINI O'TKAZISH NATIJADORLIGINI TA'MINLASH

Mamlakatda kriminogen vaziyatning keskin keskinlashishi munosabati bilan kiber jinoyatlar sonining ko'payishi, ularni amalga oshirishning tobora murakkab usullarini yaratish, ushbu huquqbuzarliklarni tergov qilishning sud-tibbiy taktikasini ishlab chiqish muammosi har qachongidan ham dolzarb bo'lib qolmoqda, bu esa o'z navbatida ushbu sohadagi ilmiy tadqiqotlar doirasini faollashtirish va kengaytirishni talab qiladi. Kiber jinoyatlarning oshkor etilishi holatini hisobga olgan holda tergov amaliyotining ehtiyojlari tergov harakatlarini ishlab chiqarish taktikasini qo'shimcha ravishda o'rganish, jinoyatchilik va she'rlar va tegishli fanlarning zamonaviy yutuqlarini hisobga olgan holda yangi vositalar va usullarni ishlab chiqish zarurligini ko'rsatadi.

Kiberjinoyatlarni tekshirishda kompyuter tarmog'i, mahalliy kompyuter tarmog'ining mavjud segmenti, global Internet tarmog'i va kompyuter ma'lumotlarining raqamli tashuvchilari tomonidan yaratilgan kibernetik kosmosdagi izlarni tanib olish muqarrar bo'ladi. Voqea joyini tekshirish jarayonida tergovchi axborot ob'ektlarini va sodir etilgan jinoyatda ishtirok etgan kiber makonning bir qismini tekshirishga ehtiyoj sezadi. Shu bilan birga, 16,7% hollarda kiber jinoyatlarni tergov qilishda tergovchilar voqea joyini tekshirmaganlar, ammo bu hodisaga e'tibor bermaslik izlarning yo'qolishiga olib kelishi mumkin bo'lgan muhim tergov xatosiga aylanadi. Shunday qilib, kiber kosmosda voqea joyini tekshirish jinoyatning virtual izlarini aniqlash zarurati tufayli majburiydir.

Ko'pgina olimlar ta'kidlaganidek, virtual izlar inson tomonidan bevosita idrok etilmaydi. Ularni aniqlash uchun maxsus apparat va (yoki) dasturiy ta'minot va ma'lum tayyorgarlik choralari talab qilinadi. Kiberjinoyatlarni tekshirishda quyidagi ob'ektlar tekshiruvdan o'tkaziladi:

jinoiy tajovuz predmetiga aylangan kompyuter ma'lumotlarini qayta ishlash va saqlash joyi;

jinoyatchining kiberjinoyatchilikni amalga oshirish uchun kompyuter uskunalari va tarmoqlaridan bevosita foydalanish joyi;

boshqa kompyuter tizimlari va tarmoqlaridan jinoiy yo'l bilan olingan kompyuterda, kompyuter tizimida yoki ularning tarmoqlarida ma'lumotlarni saqlash joyi va zararli oqibatlar kelib chiqadigan joy. Shu bilan birga, so'rov natijalariga ko'ra, tergovchilarning 42,1 foizida voqea joyini tekshirish qiyin, bu ularning kompyuter

texnologiyalari sohasida tayyor emasligi bilan bog'liq. Shu bilan birga, tergov harakatlari davomida tergovchilar kompyuter, kompyuter tizimlari, tarmoqlarni (ham global, ham mahalliy), foydalanuvchilarning kompyuter dasturlarini, shuningdek ro'yxatdagi elementlarda aylanib yuradigan ma'lumotlarni birlashtirgan turli darajadagi elektron tizimlar bilan aloqa qilishlari kerak. Ko'pincha tergovchilar ushbu ob'ektlarning ko'pchiligiga birinchi marta duch kelishadi va voqea joyini tekshirish paytida yuzaga keladigan kiber jinoyatlarni tergov qilishda qiyinchiliklar mavjud. Tergovchining tegishli tayyorgarligi, zarur bilim va ko'nikmalarining yo'qligi kompyuter qurilmasidagi eng muhim ma'lumotlarni yo'qotish ehtimolini istisno etmaydi. Muammoni zarur sud - tibbiy ahamiyatga ega ma'lumotlarni (ma'lumotlar bazasini) olish, fayllarni parolini ochish, boshqa virtual izlarni topish va chiqarib olish bo'yicha professional ishlarni bajarishga qodir bo'lgan mutaxassis dasturchini tekshirishga jalb qilish hal qiladi. Iloji bo'lsa, kompyuter texnikasi va dasturiy ta'minoti bo'yicha yetarli darajada bilimga ega bo'lgan shaxslarni tushunadiganlar sifatida jalb qilish kerak.

Ko'rib chiqilayotgan noqonuniy xatti-harakatlar turini tekshirishda tintuv jinoyatga aloqador shaxslar to'g'risidagi ma'lumotlar, shuningdek sodir etilgan huquqbuzarlik bilan bog'liq boshqa ma'lumotlar mavjud bo'lgan hollarda kiberjinoyatchilikni amalga oshirish uchun kompyuter texnologiyalaridan bevosita foydalaniladigan joylarda amalga oshiriladi. Ko'rib chiqilayotgan jinoyat turi bo'yicha jinoiy ishlarni tahlil qilish natijalari shuni ko'rsatadiki, 30% hollarda ularni tergov qilish paytida tintuv o'tkazilgan, uning asosiy maqsadi kompyuter texnologiyalarini aniqlash va olib qo'yish bo'lib, unda kompyuter ma'lumotlariga ta'sir qilishning virtual izlari qolgan kiberjinoyatchilik va uni sodir etgan shaxslar (ularning topilishi yoki harakati to'g'risidagi ma'lumotlar.), shuningdek jinoyat natijasi (mahsuli) bo'lgan narsalar (masalan, qalbaki kompyuter dasturlari) va (yoki) ish uchun muhim ma'lumotlarni o'z ichiga olgan hujjatlar (masalan, kvitansiyalar, shaxsiy yozuvlari bo'lgan daftarlar, pul o'tkazish to'g'risidagi hujjatlar, naqd pul va boshqalar). Shunday qilib, kiberjinoyatni tergov qilishda tintuvning samaradorligi ko'p jihatdan uni ishlab chiqarishga puxta tayyorgarlik ko'rish va unda vakolatli shaxslarning ishtiroki bilan bog'liq.

Kiberjinoyatlarni tergov qilishda tergov tajribasi quyidagi hollarda zarur: tergovchi gumon qilinuvchining (ayblanuvchining) aloqa va telekommunikatsiya tizimlari va kompyuter texnologiyalari sohasida vakolatli ekanligiga shubha qilganda; kiberjinoyatlarni tayyorlash, sodir etish va yashirish uchun sarflangan vaqtni tekshirish va aniqlashtirish zarur bo'lganda; ma'lum bir jinoiy kompyuter texnologiyasidan foydalangan holda ma'lum bir shaxs tomonidan jinoyat sodir etilganligi to'g'risida dalillarni olish. Kiber jinoyatlarni tergov qilishda barcha eksperimental harakatlarning mazmuni kiber jinoyatlar sodir etilgan axborot texnologiyalari sohasidagi mutaxassis bilan kelishilgan bo'lishi kerak. Mutaxassis tergov qilinayotgan kiberjinoyatning jinoiy

natijasiga erishish uchun tergov tajribasi davomida qanday harakatlar qilish kerakligini aytib berishi mumkin. Tergov eksperimentini o'tkazish uchun zarur bo'lishi mumkin bo'lgan barcha texnik vositalarni, kompyuter uskunalarni va boshqa narsalarni (uskunalarni) oldindan tayyorlash kerak.

Kiberjinoyatlarni tekshirishda (muayyan noqonuniy xatti-harakatlarga qarab) turli xil sud ekspertizalari tayinlanadi. Tergovchilarning eng katta qiyinchiliklari kompyuter texnik ekspertizasini tayinlashdan kelib chiqadi, buni respondentlarning 37 foizi tasdiqlaydi. Kiberjinoyatlarni tergov qilishda sud kompyuter texnik ekspertizasi (bundan buyon matnda SKTE deb yuritiladi), qoida tariqasida, tergovning dastlabki bosqichida, voqea joyini tekshirgandan so'ng, tintuv o'tkazilgandan so'ng, kompyuter texnikasi va boshqa elektron axborot vositalarini olib qo'ygandan so'ng, agar qo'shimcha tekshirish uchun kompyuter texnologiyalari va kompyuter texnologiyalari sohasida maxsus bilimlar zarur bo'lsa.

E'tibor bering, so'rovda qatnashgan tergovchilarning 25 foizi SKTENI tayinlash to'g'risida qaror qabul qilishda ekspertga ruxsat berish uchun qo'yilgan namunaviy savollar ro'yxati ularga yordam berishi mumkin deb hisoblashadi. Biroq, bunday universal ro'yxatni ishlab chiqish juda qiyin vazifadir, chunki har bir kiberjinoyatchilik o'ziga xos xususiyatlarga ega va ahamiyatsiz yondashuvni talab qiladi[1].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Е.С.Шевченко. Тактика производства следственных действий при расследовании киберпреступлений. 2016г.

АЛИЖОНОВ Иброхимжон Рустамжон ўғли,

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлигининг
хуқуқий масалалар бўйича ёрдамчиси, мустақил изланувчи*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲҚАМЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Дунёда инсоният дуч келаётган умумбашарий муаммолар, хусусан экологик таҳдидлар, пандемик кассаликлар, радикализм, экстремизм ва терроризм, наркотрафик каби трансмиллий жиноятлар, шунингдек глобаллашув ва интеграциалашув жараёнлар хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан бир қаторда, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда. Уппсалск университетининг маълумотларига кўра, 2021 йилда дунёда 54 та қуролли можаролар қайд этилган, мазкур қуролли можароларда умумий ҳисобда 33 та давлат иштирок этган ва уларда

84 000 ортиқ киши қурбон бўлган[1].

Мамлакатимизда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан 2021 йилнинг 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги[2] Фармони қабул қилиниб, мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишлари белгилаб берилган.

Шу билан бирга Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг **6-банди** умумбашарий муаммоларга ечим топиш, иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш ва олдини олиш ҳамда **7-банди** мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш устувор вазифалари[3] деб номланиб, Ўзбекистонда хавфсизликни, хусусан жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Хозирги кундаги юзага келаётган янги таҳдид ва хавфларга нисбатан жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини ташкилий-ҳуқуқий жихатдан такомиллаштириб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база "**Халқ манфаатларига хизмат қилиш**" олижаноб ғояси асосида тубдан қайта кўриб чиқилди.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири қабул қилиниб Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Янги таҳрирда Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари янада мустаҳкамланиши билан бир қаторда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари пайдо бўлди.

Хусусан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари) 24-бандига "*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга бошчилик қилади...*" деган норма киритилди[4].

Мазкур норманинг киритилиши амалда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгашининг конституциявий-ҳуқуқий асосини яратиб берди, шу билан бирга эндиликда Хавфсизлик Кенгаши фаолиятини қонун билан тартибга солиш заруратини яратди.

Хорижий мамлакатларда, мамлакат Президентининг хавфсизлик ва мудофаа соҳасида ваколатларини рўёбга чиқариш, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш Хавфсизлик кенгашига юклатилган, шу билан бирга Хавфсизлик кенгашига – юқоридаги вазифаларни амалга оширувчи олий коллегиял конституцион орган мақоми берилган.

Россия Федерацияси, Украина, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон Республикасининг Хавфсизлик кенгаши фаолиятнинг ҳуқуқий асоси ўрганилиб чиқилганида мазкур давлатларнинг хавфсизлик кенгашиларига алоҳида қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари Миллий ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида энг юқори мувофиқлаштирувчи, назорат қилувчи, коллегиял орган эканлиги ва хавфсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириши белгиланганлиги маълум бўлди.

Жумладан, Россия Федерациясининг 2010 йилдаги “Хавфсизлик тўғрисида”ги Федерал Қонунида, Украина Республикасининг 1998 йилдаги “Украинанинг миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши тўғрисида”ги Қонуни, Беларусия Президентининг 2021 йилдаги “Хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги Қарори, Қозоғистон Республикасининг 2018 йилдаги “Хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги Қонуни, Қирғизистон Республикасининг 2017 йилдаги “Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги Қонунларида[5] Хавфсизлик кенгашининг ҳуқуқий асоси яратилиб, Хавфсизлик кенгашининг фаолияти, вазифалари, ваколатлари қонун билан тартибга солинган.

Агар хорижий мамлакатлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимига назар ташласак, барча давлатларда ўзларининг миллий қонунчилиги, миллий кадриятлари, урф-одатлари, менталитети, давлат бошқарув шаклидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос механизм яратилганлигига гувоҳ бўламиз. Яъни, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муайян бир андоза (стереотип) мавжуд эмас.

Бироқ айрим давлатларнинг қонунчилигидаги муайян жихатларини ўрганилганда, бир-бирига ўхшаш тизимлар ва қонунчилик базаси мавжуд деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июль кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-3161-сон қарорида[6] (Хужжат 01.02.2019 йилда кучини йўқотган) Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг таркибига кириши кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппаратига:

миллий хавфсизликни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кўриқлаш, давлатнинг мудофаа қобилятини кучайтириш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоялаш, ташқи сиёсат масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармон лойиҳаларини ўрганиб чиқиш ва ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонлари уч сутка ичида тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилиши белгилаб берилган.

Бироқ мазкур вазифаларни бажариш тартиби, Хавфсизлик Кенгаши ва Хавфсизлик кенгаши Аппаратининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ваколатлари қонун билан ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хавфсизлик ва мудофаа соҳасида ваколатларини рўёбга чиқариш, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боришда Хавфсизлик кенгаши фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, хавфсизлик кенгаши фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва хавфсизлик соҳасида ягона бошқарув механизмини яратиш лозимдир.

Мазкур масалани ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Қонун лойиҳасида умумий қоидалар, қонуннинг мақсади, Хавфсизлик кенгаши фаолиятининг ҳуқуқий асоси ва мақоми, асосий тушунчалар, вазифа ва функциялари, Хавфсизлик кенгашининг тузилиши, таркиби, фаолиятини ташкиллаштириш тартиби, Хавфсизлик кенгаши аъзолари

ва хавфсизлик кенгаши котибининг ваколатлари, Хавфсизлик кенгаши аппаратининг фаолияти, Хавфсизлик кенгаши котибининг мақоми, вазифалари, Хавфсизлик кенгаши Аппарати ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси кафолатлари, Хавфсизлик кенгаши ходимларининг дахлсизлик ҳуқуқий, Хавфсизлик кенгаши аппаратининг ахборот, молиявий ва моддий-техник таъминоти ва Хавфсизлик кенгаши ва Аппаратининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ҳимояси тўғрисидаги нормаларни акс эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур нормалар Хавфсизлик кенгаши ва Аппаратининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, такомиллаштириш, Хавфсизлик кенгаши аъзолари ва ходимларининг ижтимоий ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш орқали:

1) Хавфсизлик кенгаши ва Хавфсизлик кенгашининг Аппарати фаолияти ҳуқуқий тартибга солинади, вазифалари, ваколатлари ва функциялари аниқ белгиланади, ташкилий тузилиши такомиллаштирилади ва бу орқали Хавфсизлик кенгашининг самарадорлиги оширилади;

2) Хавфсизлик кенгаши хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи, коллегиял органга айлантирилади, хавфсизлик (шу жумладан миллий ва жамоат хавфсизлиги) соҳасида барча давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи органга айланиши натижасида хавфсизликни таъминлаш самарадорлиги оширилади;

3) Хавфсизлик кенгашининг фаолиятини такомиллаштириш орқали барча давлат органлари, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил марказлари куч ва имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда хавфсизлик масалаларини чуқур таҳлил қилиш, келиб чиқиш шарт-шароитларини аниқлаб уларни барвақт олдини олиш, бартараф қилиш ва зарарсизлантиришга эришилади;

4) Миллий ва жамоат хавфсизлиги ҳамда Мудофаа қобилиятини таъминлашда ягона бошқарув органи сифатида Хавфсизлик кенгаши белгиланади ва барча хавфсизликни таъминлаш соҳаси субъектларининг фаолияти мувофиқлаштирилади ва назорат қилинади;

5) Хавфсизлик кенгашининг ҳозирги кундаги мазкур фаолияти ҳуқуқий тартибга солинади ва такомиллаштирилади.

Қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурияти туғилади. Бу борада хавфсизлик ва мудофаага тегишли барча қонун ва қонуности ҳужжатларини хатловдан ўтказиш талаб этилади.

Қонун лойиҳаси қабул қилиниши давлат бошқарув соҳасида айрим ташкилий ўзгаришларга олиб келади, аъни айрим давлат органлари тасаруфидаги ахборот-таҳлилий, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғилланувчи марказлар штат бирликларини қисқартириш ҳисобига хавфсизлик кенгаши аппарати фаолиятини такомиллаштириш мақсадида хавфсизлик кенгаши аппаратида қайта ташкил этиш лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, Хавфсизлик кенгашининг фаолиятини қонун билан ҳуқуқий тартибга солиниши жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини янги босқичга олиб чиқишга, келгусида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали механизми яратилишига хизмат қилади ва натижада хавфсизликни мустаҳкам гаровига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://plus-one.ru/society/2022/09/22/skolko-lyudey-gibnut-v-vooruzhennyh-konfliktah-po-vseму-miru>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 29 ноябрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сон Фармони // <http://www.lex.uz> // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (мурожаат санаси 11.10.2023 йил).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” номли нутқи, Тошкент 2021 йил 6 ноябрь; // <http://president.uz> //
4. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://www.lex.uz> // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси;
5. Россия Федерациясининг 2010 йилдаги “Хавфсизлик тўғрисида”ги федерал қонунида, Украина Республикасининг 1998 йилдаги “Украинанинг миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши тўғрисида”ги қонуни, Беларусия Президентининг 2021 йилдаги “Хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги Қарори, Қозоғистон Республикасининг 2018 йилдаги “Хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги қонуни, Қирғистон Республикасининг 2017 йилдаги “Қирғистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги қонунлари // <http://ru.wikipedia.org/wiki/> эркин энциклопедияси ва бошқа расмий интернет сайтлар;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июль кунидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-3161-сон қарорида (Хужжат 01.02.2019 йилда кучини йўқотган) //http:www.lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

MUNDARIJA

| | |
|--|----|
| <i>ИМИРОВ С.К.</i> СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА ПРЕПОДАВАТЕЛЯ В ХОДЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА НА ФАКУЛЬТЕТЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ | 3 |
| <i>МАТЧАНОВ А.А.</i> СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЧАСТНОЙ МЕТОДИКИ РАСКРЫТИЯ И РАССЛЕДОВАНИЯ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ ОРГАНАМИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ..... | 10 |
| <i>БЕЙСЕНОВ К.С., ОТАЕВ Ў.М.</i> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХАТЛАРДАН БОШ МАҚСАД – ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ | 17 |
| <i>SAFAROVA M.F.</i> RELIABLE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS IN THE FIELD OF JUDICIAL LAW..... | 23 |
| <i>ҲОТАМОВ Ҳ.С.</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА СЕНАТНИНГ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИ..... | 28 |
| <i>XUSANOVA D.A.</i> SUD-HUQUQ SOHASIDA INSON HUQUQ VA ERKINLIKLARINING KAFOLATI..... | 38 |
| <i>ШОДМОНОВ Б.А.</i> МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИК, ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ..... | 41 |
| <i>ИСМАИЛОВ Т.К.</i> ЭКСТРЕМИЗМ ВА ЭКСТРЕМИСТИК ФАОЛИЯТНИНГ НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРИ | 44 |
| <i>АМОНОВ Ф.С.</i> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ..... | 52 |
| <i>ISLOMOV B.O.</i> AMERIKA QO‘SHMA SHTATLARI JINOYAT QONUNCHILIGIDA JAZONI YENGILLASHTIRISH MASALALARI..... | 61 |
| <i>ТОЖАЛИЕВ И.Л.</i> ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ..... | 76 |
| <i>АЛАУТДИНОВ Д.А.</i> БИР-БИРИГА ТОБЕ БЎЛМАГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД УСТАВ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА БИРЛАМЧИ ВА КЕЙИНГИ ТЕРГОВ ХАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАКТИК ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ТАВСИЯЛАР | 81 |
| <i>КАМОЛОВ А.А.</i> FAVQULODDA VAZIYATLARDA HARAKATLANUVCHI UCHUVCHISIZ UCHADIGAN APPARAT TASVIRLARINI TAHLIL QILISHNING ZARARLARINI MINIMALLASHTIRISHDAGI AHAMIYATI..... | 87 |

| | |
|--|------------|
| <i>OBLAKULOV D.O.</i> | |
| XUSUSIY SEKTORDA PORAXO‘RLIK UCHUN JAVOBGARLIK BO‘YICHA XALQARO STANDARTLAR VA ULARNI MILLIY QONUNCHILIGIMIZGA TADBIQ ETISH MASALALARI | 93 |
| <i>TOSHEVA M.</i> | |
| ACCORDING TO THE CRIMINAL CODE OF THE CIS COUNTRIES, RESPONSIBILITY ISSUES FOR THE CRIMES AS INDECENT ACTS TO THE UNDER-AGES | 102 |
| <i>DARVISHOV S.R.</i> | |
| IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI KURASHISHDA SUD-BUXGALTERIYA EKSPERTIZASINING ROLI | 106 |
| <i>SHUKUROVA M.M.</i> | |
| НОКИМИЯТ НАРАКАТСИЗЛИГИ UCHUN JAVOBGARLIK BELGILASHNING RETROSPEKTIV TAHLILI..... | 109 |
| <i>НОРМАНОВА К.Э.</i> | |
| ЖИНОЯТНИНГ ЁРДАМЧИСИ: ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 122 |
| <i>XONGELDIYEV D.A.</i> | |
| ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАТСИЯ ҚИЛИШДА ОБЪЕКТИВ ТОМОННИНГ АНАМИЯТИ | 133 |
| <i>АДЕМБАЕВ А.К.</i> | |
| АВТОТРАНСПОРТ ЖИНОЯТЛАРИ: УЛАРНИНГ МОЎИЯТИ ВА БЕЛГИЛАРИ..... | 142 |
| <i>РЕЙИМБАЕВ А.Қ.</i> | |
| ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК ЁКИ УНИ ЯШИРИШНИНГ СУБЪЕКТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР | 146 |
| <i>БЕРДИАЛИЕВ Б.</i> | |
| БЕЗОРИЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ... | 150 |
| <i>БАХРАМОВ Х, ХУСАНОВ А.</i> | |
| ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ ВАЗИФАЛАРИ, ТИЗИМИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ..... | 155 |
| <i>НАРИМОВ И.Ш.</i> | |
| КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ КЎРИНИШИ ВА ШАКЛЛАРИ..... | 162 |
| <i>АНОРБОЕВ А.У.</i> | |
| “ДАРКНЕТ” ВА УНИНГ МАЗМУН-МОЎИЯТИ | 170 |
| <i>РУСТАМОВА Н.Р.</i> | |
| ОТА-ОНА ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ | 176 |
| <i>АЛИМОВ О.З.</i> | |
| ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИГА ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРДА ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ | 182 |
| <i>АЛАУТДИНОВ Д.А.</i> | |
| БИР-БИРИГА ТОБЕ БЎЛМАГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД УСТАВ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА БИРЛАМЧИ ВА Кейинги ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ | 190 |

| | |
|---|------------|
| <i>ЗОКИРОВ Б.П.</i> | |
| ХОРИЖГА ЧИҚАРИЛГАН ЖИНОЯТ АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШДАГИ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ..... | 197 |
| <i>NIZAMOV S.M.</i> | |
| XORIJY MAMLAKATLAR TAJRIBASIDAN YARASHUV INSTITUTINI TAKOMILLASHTIRISHDA FOYDALANISH AFZALLIKLARI..... | 202 |
| <i>БАБАБЕКОВ Н.Д.</i> | |
| ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗГАТИШ БОСҚИЧИДА ЭКСПЕРТЛАРНИНГ МАХСУС БИЛИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ..... | 207 |
| <i>ВАВАКУЛОВ В.Н.</i> | |
| ЖИНОЯТ ПРОТССЕССИДА РЕБИЛИТАТСИYA ETILGAN SHAXSLAR HUQUQLARINI TIKLASHNING AYRIM MASALALARI..... | 214 |
| <i>МАРАТОВА Х.Б.</i> | |
| ПРИМЕНЕНИЕ ПРИНЦИПОВ GOOD GOVERNANCE «ВЕРХОВЕНСТВО ЗАКОНА» И «БОРЬБА С КОРРУПЦИЕЙ» В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ | 219 |
| <i>RIZOYEV F.F.</i> | |
| HARBIY XIZMATCHILARNI INTIZOMIY JAVOBGARLIKKA TORTISHDA INTIZOMIY JAVOBGARLIKNI YENGILLASHTIRUVCHI HOLATLARNING ANAMIYATI. | 222 |
| <i>OLIMOV L.YA.</i> | |
| SUD VA TERGOV JARAYONIDA PSIXOLOG KOMPETENTLIGINING O‘ZIGA XOSLIGI..... | 229 |
| <i>ЗУФАРОВА К.Р.</i> | |
| ВОПРОСЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРАВА СОБСТВЕННОСТИ И ИНЫХ ВЕЩНЫХ ПРАВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН..... | 233 |
| <i>АРХАНГЕЛЬСКАЯ Е.К.</i> | |
| НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РАСКРЫТИЯ ИМУЩЕСТВЕННЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ В ОТНОШЕНИИ ИНОСТРАНЦЕВ..... | 242 |
| <i>МЕХМОНОВ А.Я.</i> | |
| СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ МОҲИЯТИ..... | 249 |
| <i>BOYMIRZAYEV J.B., AXMEDOV B.B.</i> | |
| GENETIK MA'LUMOTLAR BAZALARI. ULARNI KRIMINALISTIKA VA SUD-EKSPERTIZA AMALIYOTIDA QO'LLANILISHINI IMKONIYATLARI..... | 260 |
| <i>СУЛТОНОВА Л.М.</i> | |
| РОЛЬ ИНСТИТУТА ЭКСТРАДИЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ | 264 |
| <i>IBRAGIMOV X.B.</i> | |
| VIDEOKUZATUV TIZIMLARI XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA XAVFSIZLIK TEXNIKASINING ANAMIYATI..... | 268 |
| <i>ҚИРҒИЗАЛИЕВ Қ.</i> | |
| ИХТИЁРИЙ СУБСИДАР ЖАВОБГАРЛИК - ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ | 271 |

| | |
|--|-----|
| MIRAZOVA SH.D. KIBERJINOYATLARNI TERGOV QILISHDA ISBOTLANISHI LOZIM BO'LGAN HOLATLAR..... | 274 |
| РАЗЗОҚОВ С.Э. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ХУСУСИДА ТАҲЛИЛ | 278 |
| ПРИМОВ О.М. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ | 284 |
| ҚУРБОНОВ Д.М. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛИ..... | 288 |
| MADUMAROV T.T. YARASHUV TO'G'RISIDAGI ISHLARNI SUDDA KO'RISHDA PROKUROR ISHTIROKI..... | 292 |
| ТЕМИРОВ А. О. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ | 295 |
| НИШОНОВ Э.М. БЕЗОРИЛИК ҲОЛАТЛАРИДА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТАКТИКАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ | 299 |
| ИСМАИЛОВ И., ПРИСБЕКОВ У. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. ТОВАМАЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ ТАҲЛИЛИ..... | 304 |
| ИСМАИЛОВ Т.К. ЭКСТРЕМИСТИК ТАВСИФДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ..... | 310 |
| ТАЛЛИБАЕВ У.Ш. НЕОБХОДИМОСТЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДОСТОВЕРНОСТИ ИНФОРМАЦИИ..... | 318 |
| ИСМАИЛОВ А. ВОЯГА ЕТМАГАНИНГ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ТАВСИФИ..... | 323 |
| ХЎЖАНАЗАРОВА М.М. ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАР..... | 330 |
| АСЛАНОВ Б.Т. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ ШАХСЛАР ЮЗАСИДАН ИЛМИЙ ЁНДОШУВ ВА ҚАРАШЛАР..... | 336 |
| БЕЙСЕНОВ К.С. ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ..... | 344 |
| ТУРСУНОВА С.Р. БЕЗОПАСНОСТЬ ТУРИСТОВ: СИСТЕМЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И РЕАГИРОВАНИЯ..... | 353 |

| | |
|--|-----|
| <i>MAMASOLIYEV A., RAXMANOV U.X.</i> VOYAGA YETMAGANLAR TOMONIDAN SODIR ETILADIGAN JINOYATLARNING OLDINI OLISH CHORALARI VA BARVAQT PROFILAKTIKASIGA OID XORIJIY TAJRIBA | 358 |
| <i>ХУДОЁРОВ У.Д.</i> КРИМИНОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ИЛМИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА | 362 |
| <i>ИСЛОМБЕКОВ Б.И.</i> МЕТРОПОЛИТЕНДА ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР | 372 |
| <i>БУРАНОВА Р.</i> КРИМИНОЛОГИЧЕСКОЕ ПРОГНОЗИРОВАНИЕ – СРЕДСТВО БОРЬБЫ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ | 375 |
| <i>БОБОРАХИМОВ А.Б.</i> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ “СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛИЗМ, ГИЁҲВАНДЛИК ЁКИ ЗАҲАРВАНДЛИККА МУБТАЛО БЎЛГАН ШАХСЛАР”НИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШГА ЮБОРИШ ФАОЛИЯТИ | 380 |
| <i>БАРАТОВА Д.О.</i> НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ КРИМИНОЛОГИК МУАММОЛАРИ | 384 |
| <i>ABDURAHMONOVA M.E.</i> SHAXSNING SHAKLLANISH JARAYONIDA HARAKATLANTIRUVCHI KUCHLAR | 395 |
| <i>НУРИДУЛЛАЕВ А.</i> КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 399 |
| <i>ALIYEV T.</i> OILA-TURMUSH MUNOSABATLARI DOIRASIDA SODIR ETILGAN JINOYATLARDAN JABRLANISHNING SABABLARI VA ULARGA IMKON BERGAN SHART-SHAROITLAR..... | 403 |
| <i>АМЕТОВА А.</i> OILA-TURMUSH MUNOSABATLARI DOIRASIDAGI JINOYATLARNING VIKTIMOLOGIK PROFILAKTIKASINI TASHKIL ETISH | 408 |
| <i>МУҚУМОВА М.З.</i> ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ | 412 |
| <i>УТЕМУРАТОВА С.Ш.</i> ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ АЙРИМ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ..... | 415 |
| <i>АХМЕДОВ М.М.</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 420 |
| <i>АХМЕДОВ Ш.О.</i> ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ОРҚАЛИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ | 423 |

| | |
|--|------------|
| ПУЛАТОВА А. | |
| ВАЖНОСТЬ ИНФОРМАЦИОННО- АНАЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ | 429 |
| ГАНИЕВ Ш.Х. | |
| ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БОРАСИДА ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР | 433 |
| ТУРДИКУЛОВ Ш.Х. | |
| ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ | 438 |
| ХУДОЙБЕРДИЕВ А.Қ. | |
| ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ | 447 |
| РАДЖАБОВ У.А. | |
| ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ | 456 |
| САЙТБЕКОВ А.М. | |
| СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОСНОВАНИЙ ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН | 462 |
| МАМАЖОНОВ Ш. | |
| ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ЗАКОННОСТЬЮ РАССЛЕДОВАНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ НА ТРАНСПОРТЕ | 470 |
| ABDUSATTAROVA F. | |
| TIL – MILLAT FAXRI VA G‘URURI | 474 |
| MIRAZOVA SH.D. | |
| KIBERJINOYATLARNI TERGOV QILISHDA KEYINGI TERGOV HARAKATLARINI O‘TKAZISH NATIJADORLIGINI TA’MINLASH | 477 |
| АЛИЖОНОВ И.Р. | |
| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ | 479 |

**JINOYATCHILIKKA QARSHI KURASHNING JINOIY-
HUQUQIY VA KRIMINOLOGIK MUAMMOLARI**

**Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
2023-yil 16-oktabr**

**УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ
ПРОБЛЕМЫ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ**

**Материалы международной научно-практической конференции
16 октября 2023 года**

**CRIMINAL LEGAL AND CRIMINOLOGICAL
PROBLEMS AGAINST FIGHTING CRIME**

**Materials of the international scientific and practical conference
October 16, 2023**

II QISM

Muharrir: Nurmammedova G.B.

Texnik muharrir: Murakayeva Z.I.

Korrektorlar: Badriddinova U.Ya, Qurbonov B.

Bosishga ruxsat etildi: 04.11.23. Buyurtma: № 194.Format 60x84/16.

Times New Roman garniturasida bilan raqamli bosma usulida bosildi.

Hajmi 30,0 t.-h.t. Adadi: 5 nusxa.

O'zbekiston Jamoat xavfsizligi universiteti bosmaxonasi